«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ИСЛОМ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАРКАЗИ - IRCICA

«МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН»

I

ISBN 978-9943-5923-9-1

«Бухоро – ислом маданияти пойтахти» номли форуми доирасида ўтказилган халқаро онлайн конференция материаллари

28-29 май 2020 йил

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ИСЛОМ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАРКАЗИ - IRCICA

“МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН”

“Бухоро – ислом маданияти пойтахти” номли форуми доирасида ўтказилган халқаро онлайн конференция материаллари

28-29 май 2020 йил

I

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2020

УЎК: 28(5-191.2)
КБК: 86.38(54)
М 28

Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва ҳозирги замон [Матн] . – Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2020. – 454 б.

УЎК: 28(5-191.2)
КБК: 86.38(54)

Масъул муҳаррирлар:
Қосимов Р.С.
Исломов З.М.
Агзамходжаев С.С.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Ёвқочев, Б.Мамадиев, И. Усмонов, А.Ҳасанов, Н.Муҳамедов, М.Алимова, Д.Мақсудов, А.Аширов, И.Бекмирзаев, Д.Муродов, А.Аллақулов, Н.Насруллаев, Т.Хатамов, Ш.Тохтиев, Н. Хидирова, С.Саиджалолов, Р. Исоқжонов, Ж. Тоҳиров, Ж.Каримов, И. Ғафурова, Д.Нишонова

Ушбу тўплам Ўзбекистон халқаро ислом академияси, IRCICA - Ислом тарихи, маданияти ва санъатини тадқиқ этиш маркази ва Ўзбекистон ислом цивилизация маркази билан ҳамкорликда 2020 йил 28-29 майда ўтказилган “Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва ҳозирги замон” халқаро онлайн конференция материалларини ўзида мужассам этган. Тўпламда республикамиздаги олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида фаолият олиб борувчи профессор-ўқитувчилар, таниқли олимлар, исломшунос, диншунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчилар, архитекторлар, санъат ва маданият вакиллари, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган.

Тўплам манбашунос, исломшунос, тарих, санъат ва маданият соҳаларида фаолият олиб бораётган илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Тўпламга киритилган мақолаларда келтирилган сана, рақам, факт ва бошқа маълумотлар учун мақола муаллифлари жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг № 4246-сон хулосасига асосан тайёрланди.

ISBN 978-9943-6528-5-9

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2020.

МУНДАРИЖА

Қосимов Р.С.	**7**
Миноваров Ш.Ш......	**9**
I ШЎЪБА: МУСУЛМОН ОЛАМИДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН	
Мунавваров З.И. Ислом цивилизацияси ютуқларини ўрганишнинг янги механизми.....	**11**
Исломов З.М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” асари таҳлили: шарҳ, ҳошия, мухтасар.....	**20**
Ҳасанов А.А. Ислом тарихини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари..	**27**
Зияева Д.Ҳ. Ўзбекистонда анъанавий санъат намоёндалари (XIX-XX аср боши).....	**33**
Агзамходжаев С.С. Ғарб мамлакатларида исломшунослик тадқиқотларига илмий ёндашувлар.....	**40**
Расулова Д.Б. Францияда исломшунослик тадқиқотларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	**46**
Дониёров А.Х., Асқаров М.М. Религиозная (исламская) идентичность узбеков и её зарубежная историография.....	**56**
Мустафоева Н.А. XX асрда Хоразм Маъмун академияси тарихининг ўрганилиши.....	**65**
Нуриддинова Т.С., Удовенко О.Ю. Музыкальные инструменты: виды и их развитие на территории Узбекистана.....	**74**
Файзиева В.С. Золотошвейные халаты XIX-XX вв. из собрания Государственного музея искусств Узбекистана.....	**80**
Tulemetova G.T., Gulomova O.R. “Issues of verification of scientific texts in the works of islamic theologians and philosophers from Bukhara in VIII-XII centuries”.....	**85**
Шодмонов Б.И. Ўзбекистон тарихида илмий салоҳиятли ёшлар маънавий-ахлоқий маданиятини юксалтиришда миллий қадриятларнинг ўрни.....	**91**
Салимов А.М., Турсунова Д.Р. Истиқлолимиз учун курашган Валихон Тўра.....	**100**
Абдуллаева Н.Б. Дин ва санъат ҳамкорлигининг бадиий маданият тараққиётига таъсири.....	**106**
Миркосимова М.М. Таълим-тарбия жараёнида толерантлик сифатларини шакллантириш зарурати.....	**109**

Арипова З.Ж. Мисрда мўғулларга қарши курашган Мовароуннаҳрлик саркардалар.....	**113**
Болтаев А.А. Ибн Сино – Хожа Муҳаммад Порсо талқинида.....	**116**
Матибаева Р.Б. Маноқиб жанридаги асарларнинг ислом манбашунослигидаги ўрни.....	**121**
Таниева Г.М. В.В.Бартольднинг “Туркистон тарихи” асарида IX-XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарлари цивилизацияси масаласининг ёритилиши.....	**126**
Ҳасанова Г.Ж. Хожа Ниёз Хоразмий – Абдухолиқ Ғиждувоний асос солган Хожагонлик тариқати занжирининг бошланишида турувчи улуғ авлиё.....	**133**
Хидирова Н.Ў. Аёллар томонидан таъсис этилган вақф мулклари хусусида айрим мулоҳазалар (Бухоро хонлиги мисолида).....	**143**
Ходжаева Р.У. Женщины-правительницы в истории исламской цивилизации.....	**149**
Котюкова Т.В. Ревизия Сенатора К.К. Палена и «Мусульманский вопрос» в Туркестане.....	**157**
Қўлдошев Ш.Т. XVII-XIX аср Шарқий Туркистон тарихига оид уйғур тилидаги манбалар таҳлили.....	**166**
Тоғаева А.З. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) тарихидан: фаолияти ва йўналишлари.....	**176**
Мирзаев Ж.З. Термизда ҳанафийлик мазҳабининг шаклланиши....	**184**
Исакова Ш.И. Марказий Осиё тарихи – шарқшунос олим нигоҳида..	**191**
Жамолова Д.М. Бухоро уламолари ва уларнинг ислоҳотчилик ҳаракатига муносабати.....	**197**
Тиллаева Г.Ҳ. Илм-фаннинг жамият тараққиётидаги ўрни жадид маърифатпарварлари асарларида: Абдурауф Фитрат асарлари мисолида.....	**205**
Кличев О.А. Бухорода элчилик таъминоти билан боғлиқ маҳаллий анъаналардаги ўзгаришлар.....	**211**
Норов Т.О. Алишер Навоий онтологик қарашларининг манбалари ва назарий-услубий асослари.....	**214**
Камилов Д.З. Модернизация ва секуляризация жараёнларининг мусулмон жамиятларига таъсири.....	**220**
Тлеумуратова Н.М. Отражение каракалпакско-узбекских связей в произведениях Бердаха.....	**225**

Мамадалиев Ҳ.М. Ўрта асрларда вақф институтининг шаҳарлар ободончилигини таъминлашдаги тутган ўрнига оид айрим мулоҳазалар.....	**229**
Ganiyev A.O. Kharaj and the zakat collection system in the Bukhara emirate on the eve of the Russian empire's conquest.....	**223**
Абдуллажонова Н.Т. Абу Райҳон Беруний илмий меросида маданият масалаларининг ёритилиши.....	**240**
Жўраева Ф.Ш. Илк ислом даврида хитобанинг мақоми.....	**245**
Мубинов М.А. Изучение роли теологов-бухарцев в формировании исламской культуры на территории Средней Азии.....	**252**
Murodova D.SH. O'zbekistonda ziyorat turizmining rivojlanishida naqshbandiya tariqatining tarixiy ahamiyati.....	**257**
Тангиров О.Э. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги масжидлар ҳақида.....	**260**
Шодиев Ж.Ж. Умар Хайём фаолиятининг тадқиқотлардаги талқини.....	**265**
Зинатуллаев З.И. Араб халифалигининг Мовароуннаҳрга ҳарбий юришлари биринчи босқичининг қисқача тавсифи.....	**272**
Абдуллаева Д.С. Ғада ас-Самман ҳикояларида дин ва ижтимоий муҳитнинг бадиий талқини.....	**279**
Абдуллаева Д.З. Фанатизм тушунчасига берилган тарифлар таҳлили.....	**287**
Абдурасулов Ш.А. Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонидаги тасаввуфий ғояларнинг Ўзбекистон театрларидаги талқини.....	**291**
Раҳмонова К.А. Жадид драматургиясида ёш қаҳрамон ахлоқий қарашларининг бадиий-эстетик мезонлари.....	**297**
Мирзалиева Д.Т. Қуръони каримнинг ислом маданияти ривожида тутган ўрни.....	**303**
Ҳидирова Г.Р. Ўрта Осиё тарихий топонимиясига оид сўнгги тадқиқотлар.....	**307**
Раҳимов Б.М. XX аср бошида Туркистондаги диний-маърифий ислоҳотчилик ҳаракатларида фатволарнинг ўрни.....	**314**
Сотволдиев О.Х. Қози Иёз "аш-Шифо" асарининг ислом оламида тутган ўрни.....	**320**
Шокамолова М.Б. Анализ новонайденных ярлыков из канцелярии хивинских ханов в изучении исламской цивилизации.....	**328**

Bahronova M.N. Musulmon mamlakatlari madaniyati……..	**337**
Rajapov P.S. Muzaffar Sayfuddin Qutuz – mo‘g‘ullarni mag‘lub etgan sarkarda….....	**340**
Rakhimova F.F. Importance of literary sources in learning arabic culture.....	**346**
II ШЎЪБА: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	
Усмонов М.А. Имом Насоий – буюк муҳаддис.....	**351**
Ўразбоев А. “Риёз ад-давла” – Марказий Осиёда ислом тадқиқида муҳим манба.....	**357**
Барноев С.Қ. Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли ва маънавий мероси.....	**365**
Мамадиев Ш.А. Буюк аллома ва мутафаккирларининг илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун бир инсониятнинг маънавий мулкидир.....	**373**
Navruzova G.N. The way of perfection of a person in “Risolai Hazrat Azizon”.....	**377**
Жўраев З.М. Марказий Осиёдан етишиб чиққан аллома Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросида “Одоб ал-қози” асари ва унинг манбашунослиқда тутган ўрни.....	**385**
Ғуломова М.Т. Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг мотуридий таълимоти тўғрисидаги шарҳлари.....	**396**
Муратов Д.М. Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан муҳаддислар	**405**
Мухамедов Н.А. Средневековые учёные оазиса Шаш и их вклад в исламскую цивилизацию.....	**411**
Зоиров Э.Х. Махдуми Аъзам таълимотида вужуд деҳқони тамойили……....	**419**
Кудияров А.Р. Буюк аллома Берунийнинг мероси ва уни ўрганишнинг аҳамияти……....	**424**
Исмоилов М.М. Марказий Осиё тасаввуф тарихида Шиҳобуддин Суҳравардий илмий меросининг ўрни.....	**431**
Лутфиллаев Ҳ.М. Мотуридий ёзма меросининг Темурийлар даври тафсирларига таъсири ("Мавоҳиби Алийя" мисолида).....	**436**
Қурбонова Д.А. Болгариянинг Кирил ва Мефодий номидаги Миллий кутубхонасида сақланаётган “Темурнома” асари ва унинг аҳамиятига доир.....	**441**
Хатамов Т.А. Хожа Аҳмад Яссавийнинг илмий-маърифий мероси..	**445**

КИРИШ

ҚОСИМОВ Рустам Собирович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Ҳурматли Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти – АЙСЕСКО Бош директори, доктор Салим Муҳаммад ал-Малик жаноблари, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази - ИРСИКА Бош директори, профессор Халит Эрен жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Аввалambор, Муборак Рамазон ҳайити байрами билан муборакбод этишга ва ушбу тантанали тадбирда иштирок этаётганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга маълумки, Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти – АЙСЕСКО 2020 йилда Бухоро шаҳрига “Ислом олами маданияти пойтахти” мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Биз бу нуфузли халқаро ташкилотнинг қарорини аввало Ўзбекистонга, халқимизга нисбатан юксак ҳурмат ифодаси, Бухоронинг ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб ҳиссасининг тан олиниши, деб баҳолаймиз.

Қадимий юртимиз заминида туғилиб вояга етган, бутун мусулмон дунёсида ном қозонган буюк аллома ва мутафаккирларимиз билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ушбу қарор бу улуғ зотларнинг илм-фан ва маърифат йўлидаги беқиёс хизматлари, улар қолдирган бой ва бебаҳо мероснинг яна бир эътирофи, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев жаноби олийлари раҳбарликлари остида ва ташаббуслари билан Ўзбекистонда муқаддас динимизнинг асл тинчлик, бағрикенглик, инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш, уни турли хуружлардан асраш, илмий-маданий меросни асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили асосида кенг қамровли ишлар

олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган қисқа вақт ичида Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Мир-Араб мадрасасига “мадрасаи олия” мақомини бериб, тарихий ҳақиқат ва адолат тикланди. Ушбу барча янги ташкил этилган муассасалар ва марказлар халқаро миқёсда ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрлар.

Азиз дўстлар!

Афсуски, дунёда юзага келган пандемия вазияти сабабли “Бухоро – 2020 йилда Ислом олами маданияти пойтахти” йилини кенг миқёсда ўтказиш бўйича режаларга ҳам ўзгартиришлар киритишга мажбур бўлинди.

Бугунги “Бухоронинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий видео-конференциянинг “Бухоро – 2020 йилда Ислом олами маданияти пойтахти” йилининг дастлабки тадбири сифатида ўтказилиши, АЙСЕСКО ва ИРСИКА ташкилотлари Раҳбарлари, ислом оламининг етакчи олим-мутахассисларининг иштирок этиши анжуманнинг аҳамияти ва юқори салоҳиятини тасдиқламоқда.

Видео конференция давомида олимлар, мутахассислар, сиёсат, диншунослик, маданият соҳалари вакиллари Бухоронинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси, динимизнинг асл мазмун-моҳияти, маърифат ва жаҳолат мавзуларида фикр алмашадилар. Шўъбаларга бўлиниб ўтказиладиган анжуман давомидаги маърузалар ва илмий мунозаралар жараёнида ҳозирги кунда соҳада долзарб бўлиб турган кўплаб муаммоларга жавоб топилади, исломий ва илмий аҳиллигимиз, жипслигимиз янада ортади.

Қадрли тадбиримиз иштирокчилари!

Барчангизни яна бир бор қутлаган ҳолда, иш бошлаётган “Бухоро – ислом маданияти пойтахти” номли форум доирасида ўтказилаётган “Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва хозирги замон” мавзусидаги халқаро илмий амалий видео-конференция ишига муваффақият тилайман.

МИНОВАРОВ Шоазим Шоисломович
Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази директори

Ассалому алайкум, Салим Муҳаммад Ал-Малик жаноблари, жаноб Халит Эрен, ҳурматли Рустам Собирович, азиз меҳмонлар, анжуман иштирокчилари!

Аввало, барчаларингизни муборак Рамазон ҳайити билан чин қалбдан табриклайман ҳамда шундай шукуҳли кунларда ўтказилаётган ушбу анжуманимизга хуш келибсизлар, дейишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!,

Видеоконференциямиз жаҳон миқёсида ўта мураккаб пандемия ҳолати шароитида бўлиб ўтмоқда. Аммо, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ушбу вазият бутун дунё ҳамжамияти томонидан назоратга олинган бўлиб, тез кунларда қатъий чора-тадбирлар асосида барҳам топади ва биз албатта, келгусида Бухоро шаҳрида сиз азиз меҳмонларни кутиб олиб, нуфузли халқаро анжуман ўтказамиз.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Хабарингиз бор, Бухоро АЙСЕСКО ташкилотининг қарори асосида энди “Ислом олами маданияти пойтахти”, деб ҳам атала бошлайди. Бу нуфузли унвон юртимизда, айниқса, Бухоро заминида ислом дини ва унинг таълимоти юксак тараққиётга эришганлигининг эътирофидир.

Шарафли Бухоро Ўзбекистоннинг энг машҳур шаҳарларидан бири, Буюк Ипак йўли Бухоро орқали ўтган. Шаҳар азалдан мусулмон оламида, жумладан, Марказий Осиёда, Мовароуннаҳрда Ислом тамаддунининг энг муҳим марказларидан бири бўлиб келган. Ўрта асрларда Бухорода 350 та масжид ва 80 та мадраса бўлган, уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Ҳозирги университетлар ўрнини босган мадрасаларда бутун ислом оламидан илми толиблар илоҳиётшунослик ва аниқ фанларни ўрганганлар.

Шаҳар кўчалари ва йўллари сизни албатта шаҳарликлар ва меҳмонларнинг севимли жойи – Лаби Ҳовузга олиб чиқади. Бу ерда қадимги меъморчилик ёдгорликлари, меҳмондўстлик ва ҳурмат муҳитида чойхона ва емакхоналарда дам олишингиз, тамадди қилиб олишингиз мумкин.

Калон (яъни Буюк) минораси остонаси – Пойи Калонда жойлашган масжид ва Мири Араб мадрасаси, шунингдек Арк қалъаси шаҳарнинг энг

яхши сақланган ёдгорликлари ҳисобланади. 600 йил илгаридан бошлаб Жаҳон бозорларидан бири бўлган Бухоро тимлари тагида ҳамон ҳунармандлар ва усталар ўзларининг бетакрор маҳсулотларини таклиф қилишдан тўхтамаганлар.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бухоро ҳамиша кўп миллатли ва кўп эътиқодли, яъни миллий ва диний бағрикенг бўлиб келган. Шундай замонлар бўлганки, бозорларда саррофлар 40га яқин мамлакатлар пулларини айирбош қилиб берганлар.

Бухоро – буюк алломалар, азиз авлиёлар юрти. Олти ишонарли ҳадислар тўпламининг энг мартабалисини жаҳон аҳлига туҳфа этган буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратлари шу ерда таваллуд топганлар. Ушбу инсон Бухорони ва юртимизни жаҳонга машҳур бўлишига олиб келди.

Бухоро том маънода Аллоҳнинг назари тушган замин. Бу ерда етти тасаввуф дарғалари – етти пир абадий қўним топганлар ва ҳар йили минглаб сайёҳлар уларни зиёрат қилишга ошиқадилар.

Муҳтарам меҳмонлар!

Азиз дўстлар!

Ҳаммангизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқимизнинг илмий-маънавий ва маърифий меросига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари биринчилардан бўлиб БМТ олий минбаридан туриб “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори ва ташаббусини илгари сурди. Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказларига асос солинди. “Ислом олами маданияти пойтахти” мақомини олган Бухоро илм аҳли илм ва маърифатни янада тараққий эттиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонамиз.

Бухоро ва бухороликларга, бутун юртимизга “Ислом олами маданияти пойтахти” унвони муборак бўлсин!

“Бухоронинг Ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” ва “Марказий Осиёда ислом маданияти ва санъати: ўтмиш ва хозирги замон” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциялар ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

I ШЎЪБА: МУСУЛМОН ОЛАМИДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

МУНАВВАРОВ Зоҳидилла Иномжонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
сиёсий фанлар доктори

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ЮТУҚЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан мунтазам чуқурлашиб бораётган ижтимоий-маънавий янгиланиш жараёнларида Ислом билан боғлиқ қадриятлар ҳаётий мақомининг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тасодифий ҳол эмас: тарих ҳақиқати шундайки, энг нуфузли цивилизациялар негизида муайян диний дунёқараш ётади. Юртимиз ҳам ушбу қоидадан мустасно эмас. Гарчи у умумбашарий тамаддуннинг қадимий марказларидан бири бўлиб келган бўлса-да, VII аср охирлари-VIII асрдан бошлаб бу ердаги ҳаёт тубдан ўзгарди. Бунинг негизида ётган асосий сабаб Ислом таълимотининг минтақага кириб келгани эканини аниқ мисолларда кўриш мумкин.

Энг аввало, Исломнинг асосий ғояси бўлган тавҳид, яъни яккахудолик ўша даврдаги Марказий Осиёда бирлаштирувчи мафкура вазифасини бажарди ва марказлашган миллий давлатларнинг шаклланишини тезлаштирди. Натижада бугунги Ўзбекистон ҳудудида йирик давлатлар вужудга кела бошлади. Сомонийлар давлати бунинг мисолидир. Шунингдек, Ислом таълимотининг туб моҳиятини ташкил этадиган тинчлик-омонлик, меҳр-мурувват, одоб-ахлоқ, илму маърифатга даъват каби эзгу қадриятлар тарғиботи маҳаллий халқлар маънавиятида инқилобий ўзгаришларни содир этди. Ирим-сирим ва жаҳолатга асосланган хурофотлар завол топди, инсонпарварлик устуворлик касб этиб борди. Ислом таълимоти шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги иншоотларининг бунёд этилиши ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, қисқа айтганда, иқтисодий тараққиётни жадаллаштирди. Бунинг натижаси турмуш даражаси юксалди.

Тарихдан маълумки, қаерда ҳамжиҳатлик ва иқтисодий ривожланиш кузатилган бўлса, ўша жойда илму фан тараққий топган ва маданий-маънавий юксалиш содир бўлган. Араблар томонидан “Мовароуннаҳр” деб аталган юртимизда ҳам ўрта асрларда айни шундай ҳолат кузатилган. Ислом тафаккури шароитида эришилган оламшумул диний-маънавий ва илмий-маданий ютуқлар, жумладан, ислом илмлари ҳамда аниқ ва табиий фанларнинг гуркираб ривожлангани, уни мусулмон дунёсининг нуфузли марказларидан бирига айлантирган.

Ислом кириб келгандан кейин бугунги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ўзига хос цивилизациянинг қирралари саноғини яна узоқ давом эттириш мумкинлигини таъкидлаган ҳолда, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, улар ҳали яхши ўрганилмаган. Ана шундан келиб чиқилса, мамлакатимиз Раҳбарининг Ислом цивилизацияси маркази каби кўп функцияли илмий-маърифий муассасасани яратиш билан боғлиқ ғоясининг моҳияти янада ойдинлашади. Зеро, аждодларнинг илмий-маънавий мероси ўзининг амалий долзарблигини ҳамон сақлаб қолмоқдаки, бундан тегишли хулосалар чиқариш вақти келди. Уларнинг биринчилари қаторида ушбу бебаҳо меросни илмий ўрганиш ва оммалаштириш лозимлиги ҳақидаги хулоса туришига шубҳа йўқ. Чунки бундай тадқиқотлар халқимизни ибратли ўтмишимизга оид қимматли билимлар билан қуроллантиради. Демакки, аҳоли, айниқса, ёш авлодни миллий анъаналаримизга хилоф бўлган таъсирлардан ҳимоя қилади.

Бунёд этилаётган “Ислом цивилизацияси маркази” деб номланган муаззам маърифат қўрғони ҳақида ўйлаганда, кўз ўнгимизда диёримизнинг Ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси гавдаланиши табиий. Бундай ҳисса серқирра ва залворли бўлгани учун ҳам унинг барча жиҳатларини бир маърузада қамраб олишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам Ислом цивилизацияси маркази олдига қўйилаётган вазифалар билан боғлиқ равишда уларнинг бир-иккита қиррасига, жумладан, юртимиз алломаларининг Ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш масаласига қисқача тўхталамиз.

Бу қадимий ва муқаддас заминда Ислом динининг Қуръони каримдан кейинги иккинчи ёзма манбаи – Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадис тўпламлари, таъбир жоиз бўлса, уларнинг шоҳ вариантлари яратилган. Исломда “ал-кутуб ас-ситта” (“олти китоб”) деган тушунча орқали ифодаланадиган олтита ҳадис тўпламининг саноғи Бухоро фарзанди Имом Бухорийнинг “ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”идан

бошланиши, шунингдек, мазкур ишончли олтиликка юртимиздан чиққан яна бир буюк аллома Имом Термизийнинг “Сунан”и кириши тарихий ҳақиқатдир. Бундай ютуқларнинг оламшумул эътирофи негизида Бухоро билан бир қаторда, Самарқанд, Насаф, Термиз, Шош ва диёримизда фаолият кўрсатган бошқа ҳадисшунослик марказларининг бирлашган қудрати ва халқаро нуфузи ётади.

Ўзбекистон суннийликдаги иккита асосий ақидавий калом мактабидан бири – мотуридийлик шаклланиб, камол топган ҳудуддир (бундай мактабларнинг яна бири ашъарийликдир). Мотуридийлик таълимотининг пайдо бўлиши ва ўзининг якуний мазмун-моҳиятини касб этиши узоқ муддат давом этган жараён бўлиб, унда кўплаб нуфузли уламолар қатнашган. Айтиш мумкинки, самарқандлик буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” (“Яккахудолик ҳақидаги китоб”) асари мазкур таълимотнинг “қаймоғи”ни ўзида мужассам этган. Мотуридийлик каломи ноараб мусулмонларнинг мутлақ кўпчилиги ақидасини ташкил этишининг ўзиёқ унинг Ислом тамаддунидаги юксак мақомини кўз-кўз қилиб туради.

Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудуди, Макка ва Мадина ҳамда Басра ва Куфа билан бир қаторда, мусулмон ҳуқуқшунослиги – фиқҳ илмининг ривожланган марказларидан бири бўлган. Ушбу мактабнинг қудрати Ислом ҳуқуқшунослигинининг иккита йўналишида ўзини намоён этди. Улар ҳанафийлик ва шофиийлик ҳуқуқий мактаблари ёки мазҳабларидир. Ҳанафий фиқҳ мактаби ривожига улкан ҳисса қўшган Бурҳонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”си ҳамда шофиийлик фиқҳи тараққиётида ёрқин из қолдирган Қаффол Шошийнинг “Китоб усул ал-фиқҳ”и (“Фиқҳ асослари ҳақидаги китоб”) Ислом оламида юксак қадрланиб, асрлар давомида хилмахил ҳаётий муаммоларнинг шаръий ечими бўйича ишончли манбалар сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳудудидан чиққан алломаларнинг Ислом илмлари ёки фанларига қўшган ҳиссасини бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Бу хулоса, биринчи навбатда, буюк бобокалонларимиз томонидан яратилган тафсирларга тегишлидир. Муборак исми шарифи зикр этилган Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот аҳл ас-сунна”си, Абу Лайс Самарқандийнинг “Тафсир ас-Самарқандий”си, Маҳмуд Замахшарийнинг “Тафсир ал-кашшоф”и, Абу-л-Баракот Насафийнинг “Тафсир ал-мадорик”и, Яъқуб Чархийнинг “Тафсири Чархий”си, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Тафсири Ҳусайний”си каби фундаментал битиклар

қуръоншунослик фанига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани якдиллик билан тан олингандир.

Зикр этилган ва бошқа омилларнинг бирлашган кучи асрлар давомида Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг мусулмон дунёсидаги алоҳида нуфузи ва мустақиллигини таъминлаб келган. Ислом цивилизацияси маркази ушбу тарихий ҳақиқат билан боғлиқ муаммоларнинг ҳанузгача номаълум бўлиб қолаётган қирраларини илмий ўрганиш ва шу орқали юртимизнинг илоҳиётшунослик соҳасидаги нуфузи ҳамда мустақиллигини қайта тиклаш ишларида мувофиқлаштирувчи муассаса вазифасини бажаради.

Тарихий Мовароуннаҳр – бугунги Ўзбекистондаги илмий-маънавий юксалиш ўз-ўзидан содир бўлмаган, албатта. Мазкур маънода, барпо этилаётган Марказ олдига қўйилаётган вазифалар қаторига оламшумул аҳамиятга эга бўлган ушбу юксалишнинг ҳаракатлантирувчи механизмлари билан боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш ҳам киради. Зеро, юртимизнинг ислом цивилизациясидаги юксак мақомини белгилайдиган омилларнинг энг муҳимларидан бири IX-XII асрларда ушбу заминда пайдо бўлган ва самарали фаолият юритган илмий-маданий марказлардир. Уларнинг жуғрофий жойлашуви бугунги Ўзбекистон ва унинг айрим қўшни давлатлар билан туташган сарҳадларини ўз ичига қамраб олган.

Бундай марказларнинг асосийлари саноғи Бухородан бошланиши табиий, албатта. Шу билан баробар, уларнинг қаторига Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хива, Уструшона (Жиззах воҳаси), Шош (Тошкент) ҳамда Ахсикент, Марғилон, Қўқон, Қубо (Қува), Хўжанд, Косонсой, Чуст, Ўзганд ва Ўш ҳудудларида фаолият кўрсатган сегментларни ўзида мужассам этган Фарғона водийси илмий-маданий марказларини киритиш мантиқийдир.

Дарҳақиқат, Бухоронинг машҳур сифатлари бўлган “шариф” ва “қуббату-л-ислом” (Ислом гумбази) унинг Ислом равнақи ва уни ёйишдаги улкан хизматларига ишора қилиб туради. Бу шаҳарда “Асҳоби Абу Ҳафс” (Абу Ҳафси-л-Кабир ҳақида зикр этилди) номи билан тарихга кирган нуфузли илоҳиётшунослик мактаби фаолият кўрсатган. X-XII асрларда Бухорода ўнлаб йирик мадрасалар фаолият юритган ва ўз даврининг пешқадам ўқув юртлари вазифасини бажарган.

Самарқанд ҳам Ислом илоҳиётшунослиги ва ҳадисшуносликнинг оламшумул аҳамиятга молик улкан марказларидан бири бўлган. Бу ерда

мотуридия таълимоти шаклланган ва унинг асосчиси Абу Мансур Мотуридий, буюк муфассир Абу Лайс Самарқандий ва бошқа юзлаб нуфузли алломалар фаолият юритган. Бу ҳудудда Мовароуннаҳрда шаклланган яна иккита йирик илоҳиёт мактаби – Дор ал-Иёзия ва Дор ал-Жузжония ташкил топган. Сунний йўналишдаги исломнинг иккита ақидавий мактабидан бири – мотуридия уларнинг доирасида шаклланган.

IX-XII асрларда Насафда ҳам оламшумул шуҳратга эга алломалар фаолият кўрсатган. Улар Ислом фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган ҳамда бой илмий мерос қолдирган. Ушбу марказга мансуб алломаларнинг энг машҳурлари қаторига Абу-л-Мутиъ Макҳул ибн Фазл Насафий, Абу-л-Аббос Мустағфирий Насафий, Абу-л-Муъин Насафий, Наджмуддин Абу Ҳафс Умар Насафий ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кеш илмий-маънавий марказининг шаклланиши ҳам IX асрда бошланган. Ундан Абд ибн Ҳумайд Кеший, Идрис ибн Бурҳон Кеший, Абд ибн Яҳё Кеший, Абу Бакр Кеший, Абу Шакур Солимий Кеший ва кўплаб бошқа алломалар етишиб чиққан. Уларнинг калом, ҳадисшунослик ва бошқа ислом илмларига оид асарлари ушбу ҳудуднинг нуфузли илмий-маънавий марказлардан бири сифатидаги шуҳратини таъминлаган.

Термиз Исломнинг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи қалъаларидан бўлгани тарихдан маълум. У Исломдаги илк тасаввуфий тариқатлардан бири – ҳакимиянинг асосчиси ал-Ҳаким ат-Термизий ва машҳур “Сунан ат-Термизий”нинг муаллифи Абу Исо Термизий каби ўнлаб буюк мутафаккирларни ҳадя этган муқаддас замин сифатида эъзозланади. Унинг мақомини оширадиган омиллардан яна бири – бу ерда насл-насаби Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақаладиган азиз-авлиёлар яшаган ва фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Раҳбари ташаббуси билан бугунги кунда таъмирланаётган ва халқ томонидан “Султон Саодат” деб номланаётган Саййидлар мақбарасида ана шундай улуғ зотлар абадий қўним топган.

Хоразмдан етишиб чиққан ёки унда фаолият юритган Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Исмоил Журжоний, Абулқосим Замахшарий ва бошқа машҳур олимлар нафақат дунёвий, балки диний фанлар ривожига ҳам катта ҳисса қўшганлари яхши маълум.

Тарихий Уструшона, яъни Жиззах воҳасидан етишиб чиққан машҳур фақиҳлардан бири Маждуддин ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшоний “Жомиъ аҳком ас-сиғор” номли нодир асарнинг муаллифи бўлиб, у вояга

етмаган болалар ҳуқуқи бўйича ўрта асрларда яратилган ягона ҳуқуқий китоб ҳисобланади. Ўрта асрларда ушбу масалага бағишлаб яратилган бошқа бундай асар ҳозиргача маълум эмас.

Аҳмад Фарғоний ва Бурҳонуддин Марғинонийлар ватани бўлган Фарғона водийсида шаклланган илмий-маданий муҳит дунёга Асируддин Ахсикатий, Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин Косоний, Фахруддин Қозихон Ўзгандий ва "Фарғоний" нисбали бошқа ўнлаб атоқли олимларни туҳфа қилган. Уларнинг Ислом фанлари ривожига қўшган ҳиссаси нафақат юртимиз, балки хорижий дунёда ҳам мамнуният билан эътироф этилади.

Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази олдида зикр этилган ва яна бошқа илмий-маданий марказлар тарихини тиклаш ҳамда улар эришган илмий ютуқларни ўрганишдек улкан вазифа турибди. Ушбу маънода ўрта асрларда бугунги Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган илмий-маданий марказлар ва бугунги воқелик ўртасида қандай алоқадорлик бор, шунингдек, уларни билиш нима учун керак деган саволлар ҳам туғилиши мумкин.

Бундай саволларга жавобан айтиш мумкинки, шонли ўтмиш билан бугунги воқелик ўртасидаги алоқадорлик икки кўринишда ўзини намоён этмоқда. Уларнинг биринчиси – бугун ҳам, ўрта асрларда бўлгани каби, юртимизнинг асосий бойлигини интеллект, яъни ақлий салоҳият ташкил этмоқда. Ўрта асрларда тараққий топган илму фан ва маданият Мовароуннаҳрнинг ўзига хос ташриф қоғозини ташкил этган дейиш мумкин. Одамлар унга айнан илму маърифат илинжида интилган. Рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётган бугунги шароитда яна ақлий салоҳият биринчи ўринга чиқмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бугунги воқелик ҳар қандай тараққий этган миллатнинг асосий бойлигини интеллект ташкил этишини тақозо этмоқда. Бугун мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, жумладан, яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" айнан мазкур бойликни кўпайтиришга қаратилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Мозий ва бугун ўртасидаги алоқадорликнинг иккинчи кўриниши охирги йилларда диний-маънавий ҳаётда содир бўлаётган туб ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Ўрта асрларда бўлгани каби, бунёдкор диний қадриятларнинг мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бугунги Ўзбекистонда диний олий

таълим муассасалари ҳамда Ислом илмларига ихтисослашган замонавий тадқиқот марказлари сонининг мунтазам кўпайиб бораётгани ўрта асрларда Мовароуннаҳр учун хос бўлган мустақил илоҳиётшунослик анъаналарининг тикланаётганидан дарак бермоқда. Барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази ана шу – том маънодаги умуммиллий аҳамиятга молик жараёнларда алоҳида ўрин эгаллаши шубҳасиздир.

Ислом цивилизацияси марказининг Тошкентда бунёд этилаётгани, унинг пойтахтлик мақомидан ташқари, бир қатор тарихий омиллар билан ҳам изоҳланади. Шош, яъни бугунги Тошкент Марказий Осиё минтақасининг энг қадимий маданий, иқтисодий ва сиёсий марказларидан биридир. Ислом таълимотининг кириб келиши натижасида Шошнинг мазкур сифатлари янада мустаҳкамланди. Бу ерда таваллуд топган ва унда фаолият кўрсатган буюк илоҳиётчилар – Абу Бакр Қаффол Шоший, Қосим ибн Имом Абу Бакр Қаффол Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Умар Шоший, Абу Бакр Ҳомид Шоший, Абу Ражоъ Муъмил ибн Масрур ибн Абу Саҳл ибн Маъмун Шоший ва бошқа кўплаб эътиборли олимлар уни Ислом тамаддунининг нуфузли ўчоқларидан бирига айлантиргани тарихдан яхши маълум. Тошкентнинг ўтмишдаги диний-маънавий маънодаги залворли ўрни ҳамда бугунги сиёсий, илмий, маданий ва халқаро мақоми Ислом цивилизацияси маркази каби кўп қиррали улкан илмий-маърифий муассасанинг айнан унинг ҳудудида барпо этилаётганини чуқур ўйланган асосли қарор эканини кўрсатади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги Ўзбекистонда барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази, ҳеч бир муболағасиз, эллик, ҳатто юз йилда бир марта амалга ошириладиган лойиҳалар сирасига киради. Шунинг учун ҳам Марказ фаолиятидан кўзланаётган натижаларга эришиш унинг катта илмий салоҳиятни ўзида мужассам этган ҳамда эътиборли халқаро мақомга эга бўлган масканда жойлашишини тақозо этади. Қадимий ва навқирон Тошкент айнан шундай макон эканига шубҳа йўқ.

Ислом цивилизацияси марказининг қурилиши ҳали якунланмаган бўлса-да, унинг фаолияти амалда аллақачон бошланиб кетган. Бугуннинг ўзидаёқ ушбу фаолиятга юздан ортиқ етук олимлари жалб қилинган. Уларнинг ичида катта ва ўрта ёшли тадқиқотчилар билан бир қаторда кўплаб ёш изланувчилар ҳам борлигини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, таъкидлашни истар эдикки, биз – ушбу фаолиятда иштирок этаётган олимлар – алоҳида руҳий кўтаринкилик ва бениҳоя катта иштиёқ билан ишламоқдамиз. Таъбир жоиз бўлса, бу ишдан улкан маънавий лаззат олмоқдамиз. Мамлакат Раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ ишлар натижасида бугуннинг ўзидаёқ ўнлаб магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг мавзулари шакллантирилди, улар бўйича тадқиқотлар бошлаб юборилди. Шунингдек, Марказ фаолияти мазмун-моҳиятини белгилаш билан боғлиқ ишлар доирасида аллома аждодлар заковати билан яратилган ва башарият маънавий хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган дурдоналар қайтадан кашф этилмоқда. Уларнинг бугунги дунёнинг нуфузли илмий хазинагоҳлари тўридан жой олиб турганини кўриб, бир томондан, чексиз ғурурлансак, иккинчи тарафдан, тақдир тақозосига кўра бу бебаҳо бойликнинг қўлдан чиқарилганига таассуфлар чекамиз.

Маълумки, таълим-тарбия ҳар қандай илмий-маданий юксалишнинг асосий суянчиғидир. Ўзбекистон ҳудудидаги таълим тизимининг тарихи қадимдан бошланади. Ислом кириб келгач у гуркираб ривожланди. Бу даврдаги илк таълим муассасалари бўлган мактаблар масжидлар қошида очилган. Улар мунтазам такомиллашиб борган, турлари кўпайган, кейинчалик хусусий мактаблар очила бошлаган. Аста-секин таълим муассасаларининг мактабдан юқорироқ тури – мадрасалар шакллана бошлаган. Уларнинг айримларини шартли равишда бугунги олий ўқув юртларига тенглаштириш мумкин. X асрда яшаган Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида Бухородаги катта ёнғин пайтида Форжак мадрасаси ҳам ёниб кетгани ҳақидаги маълумот бор. Тарихчи Масъуд Жувайнийнинг хабар беришича, кейинроқ Бухорода Хония и Масъудия каби йирик мадрасалар қурилиб, уларнинг ҳар бирида мингта (!) атрофида талаба таҳсил олган. XI асрга келиб Мовароуннаҳрда ўнлаб мадрасалар фаолият юритгани манбалардан маълум.

Ўзбекистондаги мадрасаларнинг шуҳрати чет элларга ҳам кенг тарқалган. Натижада ажнабийлар уларга келиб ўқиган. Ана шундай хорижий талабалардан бири буюк математик олим ва машҳур адиб Умар Хайём Самарқанд мадрасаларидан бирида таҳсил олган. У ўзининг “Рисола фи-л-бароҳин аъло масоил ал-жабр ва-л-муқобала” (“Алгебра ва тенгламалар бўйича масалаларнинг исботлари ҳақида рисола”) асарини ўқиш даврида ёзиб, Самарқанд бош қозисига бағишлагани маълум.

Темурийлар даврида мадрасалар янада кўпайди, “мадрасаи олия” деб номланган олий таълим муассасаси пайдо бўлган. Улуғбек мадрасаси ва расадхонасини ўзида мужассам этган ўзига хос академия бу соҳада эришилган ютуқларнинг нечоғлик улкан бўлганини кўрсатиб туради. Кейинги даврларда ҳам таълим тизими тараққиёти давом этди. Ҳатто Чор Россияси истилосидан кейин, яъни XIX асрнинг охирларида ҳам Туркистон ўлкасида 200 ортиқ мадраса фаолият кўрсатгани манбаларда қайд этилган.

Келтирилган мисоллар Ислом тафаккури шароитида миллий таълим тизими эришган улкан ютуқлардан дарак беради. Барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази улар ҳақидаги маълумотларнинг ҳали очилмаган қирралари бўйича илмий изланишларни ҳам амалга оширадиган муассаса бўлиши назарда тутилган.

Ўзбекистон мусулмон илм-фани ва маданиятига оид дунёдаги энг бой хазиналардан биридир. Унда сақланаётган илм-фаннинг турли йўналишлари, жумладан, диний илмларга оид нодир қўлёзма мабаларнинг сони, мутахассисларнинг фикрига кўра, юз мингтадан ошади. Ҳатто бундай катта рақам ҳам ҳақиқий ҳолатни тўлиқ акс эттиришига кафолат йўқ. Чунки бу адад асосан давлат ва айрим йирик нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари тасарруфидаги манбаларни назарда тутади. Бундан ташқари, аҳоли қўлида ҳам минглаб нодир манбалар борлиги яхши маълум. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази томонидан қилинган даъватга жавобан аҳолининг турли қатламларига мансуб фуқаролар қисқа вақт ичида Марказга юзлаб нодир қўлёзмаларни олиб келгани ва бу жараён тобора фаоллашиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Юртимиз зиёлилари томонидан ҳам Марказга қимматли битиклар ҳадя этилмоқда. Халқимизнинг маърифатпарвар асл фарзандларидан бири йирик тадбиркор Алишер Усмонов томонидан Европа китоб аукционларидан сотиб олиниб, Ислом цивилизациясига совға қилинган 500 жилдга яқин нодир асарларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ислом цивилизацияси маркази вазифалари қаторига бундай бебаҳо маънавий хазинани мунтазам бойитиб бориш ҳамда уни илмий ўрганиш масалалари ҳам киритилган.

Айтиш жоизки, Ислом цивилизацияси марказида жамланаётган манбаларнинг мутлақ кўпчилиги умуммусулмон ва умумбашарий аҳамиятга эга. Бундан уларнинг халқаро жамоатчиликка етказиш зарурати келиб чиқади. Шунга кўра, Марказ тасарруфидаги бундай бойликни

илмий тадқиқ этиш ва эришилган натижаларни халқаро миқёсда оммалаштириш чоралари кўрилмоқда. Бунга Марказ томонидан чоп этилиши режалаштирилаётган китоблар ва бошқа нашрлар, Марказнинг электрон сайти воситасида, шунингдек, ушбу тузилма томонидан ташкил этиладиган халқаро анжуманлар орқали эришилади. Бундан ҳам ўзимиз, ҳам хорижий илмий жамоатчилик бирдек манфаатдордир.

ИСЛОМОВ Зоҳиджон Маҳмудович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
филология фанлари доктори, профессор

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “КАШШОФ” АСАРИ ТАҲЛИЛИ: ШАРҲ, ҲОШИЯ, МУХТАСАР

Аннотация: *“Учитель арабов и не арабов” Махмуд Замахшари написал около 70 ценных трудов по языкознанию, литературоведению, лексикографию. Среди них особое место занимает его комментарий к Корану “Кашшаф”. Его комментарий очень известный в мусулманском мире и изучено многими учеными. Написано более 80 комментариев, супрокомментариев и сокращений, их многочисленные рукописи хранятся в хранилищах мира. В них “Кашшаф” изучен как филологический комментарий, также уделено особое внимание красноречию и труда.*

Ключевые слова: *Махмуд Замахшари, “Кашшаф”, тафсир, комментарий, супрокомментарий, сокращение, пояснение, рукопись, красноречие.*

Annotation: *“A teacher of Arabs and non-Arabs” Mahmoud Zamahshari wrote about 70 valuable works on linguistics, literary criticism, and lexicography. Among them, his commentary on the Quran “al-Kashshaf” is occupied a special place. His commentary is very famous in the Muslim world and has been studied by many scholars. More than 80 commentaries, margins and summaries have been created on the work, the manuscripts of which are kept in world funds. In them, “Kashshaf” was studied as a philological commentary, and special attention was paid to eloquence and labor.*

Key words: *Mahmoud Zamahshari, “al-Kashshaf”, tafsir, commentary, supercommentary, summary, explanation, manuscript, eloquence .*

Маҳмуд Замахшарийнинг ислом дунёсида қисқача “Кашшоф” номи машҳур бўлган “Кашшоф ан-ҳақоиқи-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” “Қуръоннинг берк ҳақиқатларини ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич” номли тафсири олим илмий меросининг гултожи ҳисобланади. Ушбу асар ислом дунёсида ўзининг илмий аҳамияти билан умумэътироф этилган филологик тафсир сифатида баҳоланган.

Манбалардаги маълумотларга қараганда аллома бу нодир асарини икки босқичда ёзади. Дастлаб йигитлик йилларида Арабистонга ҳаж зиёрати учун борганида Қуръони каримнинг “Бақара” сурасини шарҳлай бошлайди ва уни Макка амирига тақдим этади. Маҳмуд Замахшарийдаги Қуръоннинг мўъжизалигини кўрсата олиш, назмининг гўзаллиги, балоғатининг юксаклиги очиб бериш маҳорати уни ҳайратга солади. Олимдаги юксак салоҳиятни кўрган амир уни шу ерда қолишга ундайди. Замахшарий бу таклифга кўнмайди ва она юртига қайтиб кетади. Ўз юрти Хоразмда Замахшарий араб тили билан боғлиқ кўплаб илм соҳаларини, жумладан, адаб илмларини тинимсиз мукаммаллаштиради. Олимдаги юксак салоҳият оятлардаги жозибани илғаб олиш имконини берган. Мана шу фазилат тафсир муқаддимасида шундай баён қилинади: “Илмларнинг энг нозиги, ҳар қандай ақлни ҳайрон қиладигани тафсир илми бўлиб, унга ҳар қандай олим журъат қилавермайди. Жоҳиз “Назму-л-Қуръон” китобида ёзганидек, фақиҳ агар ҳукм ва фатвода барча тенгдошларидан ғолиб бўлса ҳам, мутакаллим гарчи калом санъатида дунё аҳлини лол этса ҳам, тарихчи ва ҳофиз Қирриянинг ўғлидан зеҳни ўткирроқ, воиз агар Ҳасан Басрийдан гапдонроқ, наҳвий агар Сийбавайҳдан билимдонроқ бўлса ҳам, луғат олими луғатларни сақичдек чайнаб ташласа ҳам, аммо улар Қуръон йўли олдида ҳақиқатни идрок этишдан ожиздир. Қуръонга хос бўлган маъноний ва баён илмларида пешқадам бўлганларгина бу ишни уддасидан чиқиши мумкин”.

Маҳмуд Замахшарий тафсир илмига қўйилган барча талабларни мукаммал ўзлаштиргандан сўнггина тафсир ишини давом эттиради ва уни Маккага иккинчи марта қилган сафари мобайнида, яъни 1130-1134 йиллар орасида муваффақиятли якунлайди. Аллома Маккага сафар қилганида шаҳар амири Ибн Ваҳҳос унга: “Яхши ҳамки, ўзингиз диёримизга қадам ранжида қилдингиз, сизнинг “Бақара” сурасига қилган тафсирингиз донғини эшитиб, ғоят мамнун бўлдим. Ҳаттоки, юртингизга элчи юбориб, олиб келмоқчи бўлдим”, дейди. Амирнинг бундай илтифотли сўзларини

эшитган аллома давр илм аҳли, шогирдлари, ҳаттоки, амирлар ва юксак мансаб эгалари учун мана шундай тафсир асари зарурлигини англади ва уни ёзишга қаттиқ киришди.

Айнан шу вақтда Замахшарий олтмишдан ошган ва турли соҳаларга оид кўплаб асарлар ёзган эди. Умрнинг ғаниматлигини англаган олим ўзи севган, ҳаётининг асосий мазмунига айланган Қуръони карим тафсири билан шуғулланишга астоидил бел боғлади. Муҳими, Байтуллоҳ ёнида, Расулуллоҳ (с.а.в)нинг таваллуд топган жойида туриб, бундай шарафли ишни амалга ошириш алломага кучли илҳом бағишлайди. Аллома ёшининг катталигини ҳисобга олиб, вақтдан ютиш мақсадида тафсир ёзиш услубини ўзгартирди, “Кашшоф” асарининг қолган қисмини дастлаб ёзган “Бақара” сураси тафсирига нисбатан ихчамроқ қилиб ёзди. У ихчамроқ бўлишига қарамасдан, аллома унда барча эҳтимолларни ҳисобга олган ҳолда, савол-жавоб тариқасида “Ундай десанг, бундай дейман” деган услубида ёзган.

Маҳмуд Замахшарий ўз тафсирининг кириш қисмида ушбу асарни Абу Бакр халифалиги муддатида яъни, Каъбатуллоҳ ёнидаги Сулаймония даҳлизида ҳижрий 528 йили, рабиъул аввал ойининг 23-куни, 21 январ 1134 йил душанба тонгида ёзиб тугатган.

“Кашшоф” дунёнинг кўплаб илмий ва ўқув даргоҳларида жумладан, Мисрдаги Азҳар университетида ҳам тафсир бўйича асосий манба сифатида ўқитилмоқда. Асар бошқа тафсирларда бўлмаган кўп афзалликлари билан ажралиб туради. Бу ўринда алломанинг Қуръони каримдаги балоғат, фасоҳат, баён илмларига доир томонларини очиб бериши муҳим аҳамият касб этади.

Тафсир манбаларида “Кашшоф” ва унинг муаллифига юксак баҳо берилган. Асарнинг тили, услуби, балоғати ва фасоҳати тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Асарнинг юқори илмий савияси унинг замондош ва кейинги давр олимлари томонидан кенг ўрганилишига сабаб бўлган.

Маҳмуд Замахшарий “Кашшоф” асари турли даврларда йирик олимлар томонидан ўрганилган мухтасар қилинган, шарҳлар битилган. Дунё фондларида асарнинг, унинг мухтасар ва шарҳларининг жуда нодир қўлёзмалари сақланади. “Кашшоф” тафсирини монографик ўрганишда унга ёзилган шарҳларнинг аҳамияти жуда катта.

Имом Аҳмад ибн Мунир Моликий Искандарий (ваф. 683/1284) “Кашшоф” га бағишлаб “Интисоб” – “Тикланиш” номли асарини ёзган.

Муаллиф асардаги мўътазила ақидасига тааллуқли ўринларга танқидий муносабатда ёндашади. Асарнинг тили, балоғати, фасоҳатига жуда юқори баҳо беради[1].

Аламуддин Ироқийнинг (ваф. 704/ 1305) “Инсоб” – “Тиклаш” номли шарҳи. Мазкур шарҳда Аламуддин Ироқий Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” ва Имом Аҳмад ибн Мунир Моликий Искандарийнинг “Интисоб” асарларини қиёсий таҳлил қилади ва мазкур икки манбага нисбатан ўз фикрларини баён қилади[2].

Абу Али Умар Суккуний Мағрибийнинг (ваф. 717/ 1317) “Тамйиз” – “Ажратиш” номли шарҳи. Муаллиф “Кашшоф” асарининг илмий, филологик жиҳатларига ижобий баҳо беради, лекин ундаги муътазила ақидасига тааллуқли бўлган томонларини танқид қилади. Шарҳнинг нодир нусхаси Қоҳирадаги Дорул-кутуби-л-мисриййа кутубхонасида сақланади[3].

Валийюддин Аҳмад ибн Зайнуддин Ироқий (ваф. 826/1423)нинг “Инсоф ала-л-Кашшоф” раддия шарҳи. Муаллиф Ибн Мунирнинг “Илму-д-дин”, Абу Ҳайённинг “Тафсиру-л-баҳр”, Ибн Ҳишомнинг “Муғний” асарларига таяниб “Кашшоф”даги ҳадисларини тахриж қилган. Валийюддин Ироқий асарни 826/1423 йилда ёзиб тугатган. Асарнинг бир нусхаси “Дару-л-кутубил-мисриййа” қўлёзмалар фондида сақланмоқда[4].

Бурҳониддин Ҳайдар Ҳиравий (ваф. 830/ 1427) устози шайх Саъднинг “Кашшоф”га ёзган ҳошиясига ёзилган ҳошия. Унда устозининг “Кашшоф”га бўлган салбий фикрларига раддия ёзган. Ушбу асар “Дару-л-кутубил-мисриййа” қўлёзма фондида сақланмоқда.[5]

Аҳмад ибн Исмоил Куроний (ваф. 893/ 1488) “Ғояту-л--амоний фи тафсири-л-каломи-р-раббоний” - “Аллоҳнинг каломини тафсир қилишдаги энг сўнгги ғоя” асарини ёзган. Олим ҳошияда Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” ва Қози Байдовийнинг “Тафсир” асарларига танқидий муносабат билдирган. Асар “Дару-л-кутубил-мисриййа” қўлёзма фондида сақланмоқда[6].

---

[1]Хожи Халифа. Кашф аз Зунун. Дор Саодат. –Ж.2. –Б. 147; Доктор Мустафо ас Ас-Совий ал-Жувайний. Манҳажу аз-Замахшарий фи тафсир ал-Қуръан ва байани иъжазиҳи. –Миср: Дор ал-Маориф, 1984. -Б. 272.

[2] Қаранг: Ўша манба. -Б. 271.

[3] Ўша асар. –Б. 272.

[4] Доктор Мустафо ас-Совий ал-Жувайний. Манҳажу аз-Замаҳшарий фи тафир ал Қуръан ва байани иъжазиҳи. Дор ал Маориф. Миср. Б. 274. 1984

[5] Ўша асар. -Б. 274.

[6] Ўша асар, –Б. 275.

Абу Саъд Имодий (ваф. 982/1574) нинг “Маъақиду-т-тараф фи аввали тафсир сурати-л-Фатҳ мина-л-Кашшоф” – “Кашшоф”даги Фатҳ сураси тафсирига изоҳ” номли ҳошияси.

Имом Ҳофиз Шаҳобиддин Абу-л-Фазл ибн Али ибн Ҳажарнинг “Кофийу-ш-шофий фи тахрижи-л-аҳадиси-л-Кашшоф” – “Кашшоф” даги ҳадисларни тахрижи бўйича етарли“ номли асари.

Муҳйиддин Афандининг “Танзилу-л-оёт ала шаваҳид мина-л-абят” – “Оят маъносини қувватлайдиган байтлар” номли асари. Унда Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирига киритган байтлари шарҳланган, уларнинг муаллифлари кўрсатилган.

Хидр ибн Атоуллоҳнинг “Исъаф би шарҳи абяти-л-Қозий ва-л-Кашшоф” – “Қозий” ва “Кашшоф” байтларини шарҳлашга ёрдам”номли асари. Асар икки жилддан иборат, 994/ 1586 йили ёзилган.

Шайх Муҳаммад ибн Али Ансорий (ваф. 662/ 1264) шарҳи. Замахшарийнинг “Кашшоф” асаридаги муътазила ақидасига доир фикрларни чиқариб ташлаб, аҳли сунна вал жамоа мазҳабига мос келадиган жиҳатларини қолдирган[7].

Носириддин Қозий Байдовийнинг (ваф. 692/ 1293) “Анвору-т-танзил” -“Қуръон нурлари” номли асари. Унда “Кашшоф” асарига раддиялар билдирган ва муътазила ақидасига доир жиҳатларига танқидий ёндашилган[8].

Шайх Тақиййиддин Саббокий (ваф. 765/ 1364) “Сабабу-л-инкифоф ан икрои-л-Кашшоф” - “Кашшоф”ни ўқишдан юз ўгириш сабаблари” номли мухтасар асарини ёзган[9].

Абу-с-Саодат Муборак ибн Муҳаммад ибн Асир Ҳизрийнинг “Инсоф фи-л-жамъи байна-с-Саълабий ва-л-Кашшоф” - “Кашшоф” ва Саълабий тафсирини инсоф билан жамлаш” номли асари[10].

Бадриддин Муҳаммад Мукрий Ҳалабий (ваф. 705/1306) “Мухтасару-р-рошиф мин зулали-л-“Кашшоф” мина-т-тафосир” - “Кашшоф”нинг зилол сувларидан ичиш” номли асарида Абу-л-Аббос Аҳмад Маҳдий, Абу Лайс Самарқандий ва Саълабий фикрларини “Кашшоф” асари билан

---

[7]Доктор Мустафо ас-Совий ал-Жувайний. Манҳажу аз-Замаҳшарий фи тафир ал Қуръан ва байани иъжазиҳи. Дор ал Маориф. Миср.1984. –Б. 276.

[8]Ўшаасар, –Б. 276.

[9]Ўшаасар, -Б. 276.

[10]Ўшаасар, –Б. 277.

қиёсий таҳлил қилган. Олимлар ушбу асарни “Кашшоф”нинг муҳим мухтасарларидан бири сифатида баҳолаганлар [11].

Имод Канадийнинг (ваф. 720/1320) “Кафил би маъании-т-танзил” – “Қуръон маъноларининг кафолати” номли 23 жилддан иборат асари. Бунда ҳар бир оятнинг тафсиридан сўнг Маҳмуд Замахшарийнинг бу ҳақдаги фикрини келтириб ўтилади. Имод Канадий наҳв илми борасида машҳур олимлардан бўлганлиги сабабли “Кашшоф”нинг балоғат, грамматик жиҳатларига алоҳида эътибор беради ва алломанинг фикрларини айнан келтиради[12].

Низомиддин Қумий Нисобурий (ваф.728/1328) “Кашшоф”га бағишланган мухтасар муаллифи. Олим ўз мухтасарида Имом Розийнинг “Тафсири кабир” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирини қиёсий таҳлил қилади[13].

Шамсуддин Абу-с-СаноШофеъий (ваф. 749/ 1348). У Имом Розийнинг “Мафотиҳу-л-ғайб” - “Ғайб калитлари” асари ва Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирини қиёсий ўрганган[14].

Абу-с-Саъид Уммадийнинг (ваф. 982/1574) “Иршоду-л-ақли-с-салим ила мазая-л-китаби-л-карим” - “Соғлом ақлни Қуръон ҳидоятидан баҳраманд қилиш” номли мухтасар асари. Мазкур асар “Тафсири Абу-с-Саъид” номи билан машҳур бўлган[15].

Имом Яҳё ибн Ҳамза Алавий Яманий (ваф. 749/ 1348) . “ Олим “Тироз” – “Намуна” номли китобини “Кашшоф” асари таъсирида ёзган. Асар муқаддимасида олим кўплаб тафсирларни ўрганганлиги аммо уларнинг бирортасида ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсиридаги каби баён ва маъоний илмларини қамраб олган, Қуръони карим лафзи ҳамда маъносидаги мўъжизавий маъноларини ёритиб берадиган мукаммал тафсир кўрмаганлигини ёзади ва шогирдларининг илтимосига кўра юқоридаги тафсирнинг балоғати ва фасоҳатига бағишланган ушбу асарини ёзганлигини таъкидлайди[16].

Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсири билан боғлиқ манбаларни ўрганиш асарга ўзи яратилган даврдан ҳозирга қадар саксондан ортиқ шарҳ, ҳошия, мухтасарлар ёзилганлигини кўрсатмоқда.

---

[11] Ўша асар. –Б. 277.

[12] Доктор Мустафо ас-Совий ал-Жувайний. Манҳажу аз-Замаҳшарий фи тафсир ал Қуръан ва байани иъжазиҳи. Дор ал Маориф. Миср.1984. –Б. 277.

[13] Ўша асар, -Б. 277.

[14] Ўша асар, –Б. 277.

[15] Ўша асар.–Б. 277.

[16] Ўша асар. –Б. 278.

Улар сирасига Қутбуддин Шерозий (ваф. 710/ 1311) “Кашшоф” асарига икки жилдли ҳошияси[17], Қутбуддин Шаққор (ваф. 698/ 1299) “Тақрибу-т-тафосир” -“Тафсирларнинг қиёси” номли шарҳи[18], Али Тусий (ваф. 561/ 1166) “Жавомиъу-л-жавомиъ” - “Жамларнинг жами” шарҳи[19], Фозил Юсуф ибн Ҳусайн Ҳилвоний (ваф. 854/ 1450) ҳошияси[20],Тожиддин Аҳмад ибн Мактумнинг “Дурру-л-лақит мина-л-баҳри-л-муҳит” - “Уммондан топилган дур” деб номлаган Абу Ҳаённинг “Кашшоф”га ёзилган мухтасари, Шарофуддин Тибий (ваф. 743/ 1343) “Кашшоф” асарига 6 жилдлик “Футуҳу-л-ғайб фи кашф ан қаннаъи-р-райб” – “Шак-шубҳаларни кетказиш, ғайбни очиш” номли ҳошияси, Шайху-л-Ислом Баҳро Яҳё Ҳаравий (ваф. 906/ 1501) “Кашшоф”нинг Фотиҳа сурасидан Бақара сурасининг ўртасигача бўлган қисми шарҳи[21] каби асарлар киради.

Демак, Маҳмуд Замахшарийнинг“Кашшоф ан-ҳақоиқи-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” “Қуръоннинг берк ҳақиқатларини ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич” номли тафсири муфассирлар орасида эътиборли илмий манба сифатида эътироф этилган. Асарга ёзилган шарҳ, ҳошия, мухтасар ва таълиқотларни ўрганиш мусулмон дунёсининг жуда кўплаб олимлари унга мурожат этганлигини кўрсатади. Бу асарларнинг қўлёзмалари давримизга қадар етиб келган. Уларда Маҳмуд Замахшарий тафсирининг филология соҳасидаги аҳамиятига алоҳида урғу берилган айниқса, балоғат ва фасоҳат соҳасидаги ўрни юқори баҳоланган.

[17] Кашф аз Зунун. -Ж.2. -Б. 147; Доктор Мустафо ас-Совий ал-Жувайний. Манҳажу аз-Замахшарий фи тафсир ал Қуръан ва байани иъжазиҳи. –Миср: Дор ал-Маориф, 1984. -Б. 272.

[18]Ўша асар. –Б. 276.

[19] Ўша асар. –Б. 277.

[20] Ўша асар. –Б. 278.

[21] Доктор Мустафо ас-Совий ал-Жувайний. Манҳажу аз-Замахшарий фи тафир ал Қуръан ва байани иъжазиҳи. Дор ал Маориф. Миср. –Б. 275. 1984.

ҲАСАНОВ Аҳаджон Ахмаджанович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
"Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA"
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

ИСЛОМ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: *В статье говорится, что курс «История» ислама преподается практически во всех областях в Международной исламской академии Узбекистана, с разницей в отведенных для этого часах, разделив его на 4 основных этапа. При этом используются все новейшие педагогические технологии и инновации. Основными принципами преподавания истории ислама являются научный, светский, не противоположный богословский и научный подходы, а их взаимодополняемость, использование положительных результатов, если это возможно, для всех исследователей Востока и Запада.*

Ключевые слова: *этапы истории ислама, инновационные решения проблемы возникновения ислама, праведные халифы, омейяды, аббасиды, независимые династии на востоке халифата, османские турки, ислам и современный Узбекистан.*

Annotation: *The article says that the "History" of Islam course is taught in almost all areas at the International Islamic Academy of Uzbekistan, with the difference of the hours allocated for it, dividing it into 4 main stages. In this case, all the latest pedagogical technologies and innovations are used. The main principles in teaching the History of Islam are scientific, secular, not opposing theological and scientific approaches, but their complementarity, the use of positive results if possible for all researchers of the East and West.*

Key words: *stages of the History of Islam, innovative solutions to the issue of the emergence of Islam, righteous caliphs, Umayyad's, Abbasids, independent dynasties in the east of the caliphate, Ottoman Turks, Islam and modern Uzbekistan.*

"Ислом тарихи" фани Академиянинг деярли барча йўналишларида 2,3 ва 4 курсларда ўқитилади. Фанни ўқитишдан мақсад- ислом таълимотининг зуҳур бўлиши, унинг тарихий илдизлари, тадрижий тараққиёт босқичлари ва башарият тамаддунидаги тарихий аҳамиятини илмий-таҳлилий жиҳатдан кенг ёритишдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб,

ислом дини ҳақида муайян пайтда вужудга келган ва ҳозир ҳам фаолият кўрсатаётган мафкуравий тизим сифатида мустақил фикр-мулоҳаза юритиш ва илмий изданишлар олиб бориш, Ислом таълимотининг моҳияти, унинг Шарқ халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни ҳақида маълумотлар бериш фаннинг вазифаси деб белгиланган. Шунингдек, шак-шубҳасиз, Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг ибратли ҳаётларидан, буюк аждодларимиз билан боғлиқ воқеалардан воқиф бўлиш талабаларимизда руҳий камолотга элтувчи маънавий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади[22].

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Ислом тарихи” фани асосан 4 даврга бўлиб ўтилади: 1) “Жоҳилия” ва илк ислом даври; 2) хулафои рошидийн ва уммавийлар даври; 3) аббосийлар даври; 4) усмоний турклар ва ҳозирги замон.

Дастлабки маъруза ва семинар машғулотлар қадимги Арабистон тарихига бағишланади, зеро кимки исломнинг зуҳур бўлиши ҳақида фикр юритар экан, албатта, унинг олдида ундан олдин Арабистон тарихи қандай кечган, деган масала кўндаланг бўлиб туради. Қолаверса, Пайғамбар (с.а.в) вафотидан сўнг марказлашган араб мусулмон давлатини бошқарган иккинчи халифа Умар (р.а) “Жоҳилия” тарихини билмасдан туриб, исломнинг қандай зуҳур бўлганини англаб бўлмайди, деган эканлар[23].

“Ислом дини пайдо бўлишининг омиллари” деб аталган маърузада чуқур илмий-назарий масалалар ўртага ташланади ва уларнинг том маънодаги инновацион ечимлари берилади. Гап шундаки, кўпинча ғарб, рус ва собиқ совет шарқшунослари ислом вужудга келган аср араб жамиятини ижтимоий жиҳатдан ўта қолоқ, патриархал муносабатлар ҳукм сурган дея таърифлаб, гўёки у бадавийлар орасида зуҳур бўлгандай тасвирлашарди. Биз манбаларга асосланган ҳолда унинг батамом аксини кўрсатмоқдамиз: ислом таълимоти бошланганда Макка шаҳри ўша даврнинг энг ривожланган, бой шаҳари бўлган, у ерда ҳозир биз ишлатётган “бозор иқтисодиёти”, “халқаро савдо”, “суғурта”, “узоқ масофаларга молларни элтиш”, “уларни ортиш-тушириш” каби иборалар кенг истеъмолда бўлган. Энг муҳими, бу маълумотлар Қуръон оятлари, ҳадис ривоятлари, кўплаб шарқ ва ғарб тилларидаги адабиётлар билан ўз

[22] Мирзиёев Ш.М. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошираётган илк қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида.- Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Б.4

[23] Салем Абдал-Азиз. Тарих ал-Араб қабл ал-Ислам. Искандария. 1974. Б.16

тасдиғини топаяпти[24]. Тўғри, Макка зодагонлари маънавий жиҳатдан тубанликда бўлганлар. Аллоҳни таниган-билган ҳолда Унга ўз санамларини шерик қилганлар, яъни "мушрик", эътиқод жиҳатдан жоҳил бўлганлар. Қадимги юнон файласуфи Платон антик полисларга нисбатан ишлатган "тўнғизлар шаҳри" ибораси қайсидир маънода Ҳижоз шаҳарлари-полисларига ҳам тўғри келади[25].

Яна бир нарсага эътиборни қаратяпмиз. Кўпгина ўрта аср кўп жилдли араб тарихий адабиётида Муҳаммад (с.а.в) ва умуман, илк мусулмонларни жанговар қилиб кўрсатиш урф бўлиб келган. Бу ҳилдаги манбалар асосан Пайғамбаримиз (с.а.в) вафотидан 100-150 йил кейин, яъни араб юришларидаги "ғалаба нашидаси"да ёзилган, улардан империя руҳи шундоқгина сезилиб туради. Пайғамбаримиз (с.а.в) бошқарган 20-30 кишилик Мадинадан ташқарига амалга оширилган ҳарбий юришлар (арабча "сариялар") бир камон ўқи отилмаган бўлса-да, "ғазот", "ғазовот" деб ном олган. Ҳатто ўрта аср араб тарихий адабиётида бутун бир "ал-Мағози" деган жанр пайдо бўлди. Ахир "ғазот", "ғазовот" босиб олиш дегани эмасми?! Бу "қош қўяман, деб кўз чиқаришдан" бошқа нарса эмас. Қуръонда "Ла икроҳа фид-дин"- "Динда мажбурлаш йўқ", деган қоида мавжуд. Пайғамбаримиз (с.а.в) даврида доимо бу қоидага қатъий риоя қилинган. Маълумки, Мухаммад (с.а.в) фаолияти туфайли Арабистон ярим ороли тўлалигича бирлаштирилган, йирик марказлашган давлат тузилган эди. Аммо бу нарса жангарилик билан эмас, аксинча, сулҳпарварлик ва тинчликпарварлик йўли билан амалга оширилганди. Ҳатто 630 йилда Унинг раҳнамолигида Макка шаҳри деярли қон тўқилмай фатҳ этилди.

Ниҳоят, ислом таълимоти бутпарастлар ва ундан олдин идеологик тизим сифатида шаклланиб улгурган икки монотеистик дин- яҳудийлик ва насронийлик вакиллари билан юз берган кескин баҳс-мунозаралар асносида вужудга келди. Бундай мукаммал таълимот, биринчидан, бадавийлар орасида эмас, балки Макка ва Мадина каби ривожланган шаҳарларда, иккинчидан, рационал, кучли мантиқ асосида ва, учинчидан, тенги йўқ даҳо фаолияти туфайли юзага келиши мумкин эди. Буларнинг барчаси исбот талаб қилмайдиган аксиомадир.

---

[24] Зайдан Джуржи. Ал-Араб қабл ал-Ислам. Ал-Қоҳира. 1958. Ибн Хишам Абу Мухаммад. Сират ан-Наби (с.а.в) 1-жилд. O'laery Delacy. Arabia before Muhammad (s.a.v). London-New York, 1937

[25] Тойнби А. Постижение истории. М. "Наука", 1991. Б.515

Муҳаммад (с.а.в) ўзидан кейин унинг бошлаган ишни изчил ва иштиёқ билан давом этдирувчиларни қолдириб, ҳаётдан кўз юмди. Аммо у Зот тириклик пайтидаёқ англаб етгандики, илоҳий илҳом ила тузулган йирик давлат- Ислом давлатини энди сиёсий йўл билан бошқаришга тўғри келади, яъни илгари бошқа ўлкаларда юз бергани каби динийликдан дунёвийликка ўтиш юз беради. Пайғамбар (с.а.в) нинг: "Мендан кейин халифалик 30 йил, ундан сўнг амирлик-подшоҳлик" мазмунидаги машҳур ҳадислари ўз исботини топди. Бу жараённинг биз чорёрлар- тўрт хулафо рошидийн даврида амалга ошганини кўрамиз[26].

Умавийлар даври ҳақида араб тарихий адабиётда асосан салбий фикр билдирилади. Буни тушунса бўлади, чунки бу адабиётнинг ўзи кейинги даврда- аббосийлар ҳукмронлиги пайтида вужудга келган[27].

Бу ерда, содда қилиб айтганда, фалсафанинг "инкорни инкор қилиш" қонуни ўзини кўрсатди дея қолиш кифоя, гўё. Аслида юз йилдан ортиқроқ давом этган юришлар даврида (661-750 йиллар) Араб халифалиги ғарбда ҳозирги Испаниядан Шарқда Хитой чегараларигача чўзилган эди. Ҳозирги Марказий Осиёнинг фатҳ этилиши ва бу ерга ислом динининг кириб келиши ҳам айнан шу даврда юз берди. Бу ҳодиса (феномен) Марказий Осий учун объектив равишда ижобий роль ўйнади ва тақдир тақозоси билан у яқин келажакда ислом дунёсининг илмий марказига айланди.

Деярли 5 асрдан ортиқ ҳукм сурган Аббосийлар даврини одатда 2 қисмга бўладилар: а) Муътасимгача бўлган (750-861 йиллар) ва б) Мўғуллар истилосигача бўлган (861-1258 йиллар) даврлар. Биринчи даврда, барча тарихчилар эътироф этишича, юксайиш, иккинчисида эса таназзул юз берди. Дарҳақиқат, биринчисида хўжалик, илм-фан ўз тараққиётининг чўққисига чиққан бўлса, иккинчисида буюк империя парчалана бошлади. Пойтахт Бағдодда ҳукми давом этган аббосий халифалар қўғирчоқларга айланиб қолдилар. X аср ўрталаридан бошлаб мусулмон дунёсида шиаларнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилди: ғарбда- фотимийлар халифалиги, Сурияда алавийлар, Яманда – зайдийлар ва, ниҳоят, Бағдоднинг ўзида бувайҳийлар ҳукмронлик қилдилар[28].

Айнан шу даврда воқеъ бўлган антиқа ҳолатга дуч келамиз: Аббосий халифалари Шарқда вужудга келган мустақил сулолаларга умид билан,

---

[26] Прозоров С.М. Исломда олий ҳокимият масаласи. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Т.2003. Б.32.

[27] Махмуд Шокир. Ат-Тарих ал-Исламий.Бейрут, ал-Мактаб ал-Исламий, джилд 4. Б.409-412

[28] Али Ибрахим Хасан. Ат-Тарих ал-Исламий ал-Амм.Ал-Кахира без даты.Б.426-459

аҳлу-с-сунна вал-жамоани қайта тикловчи-халоскорлар сифатида қарадилар, уларга “мубойялар” бериб, “салатин ал-ислам” дея атадилар. Маҳмуд Қошғарий ўзининг XI асрнинг 70-йилларида таълиф етилган “Девону луғоти-т-турк” асарида: “менинг Шарқда аскарим бор, у турк дея аталур, агар кимки менинг ғазабимни қўзғатса, мен уларни унга қарши йўллайман”, мазмунидаги ҳадис қудсийни келтиради. Бу умидлар, қайсидир маънода ўзини оқлади ҳам: 1056 йилда Салжуқ султон Тўғрулбек Бағдодни ишғол қилиб, бувайҳилар ҳукмига барҳам берди ва “ахлус-с-сунна вал-жамоа”ни тиклади[29].

Ислом цивилизациясига Арабистонда асос солинган бўлса-да, у ўзининг сарҳил меваларини Мовароуннаҳрда, бугунги Ўзбекистон ҳудудида берди. Зеро, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, аз-Замахшарий, Ибн Сино ва Берунийдек сиймоларни бошқа юртлардан топа олмайсиз. Кўп тилларга таржима қилинган швейцариялик олим Адам Мецнинг асари “Мусулмон ренессанси” деб аталиб, унда IX-XI асрларга шундай баҳо берилган экан, ўша даврда етишиб чиққан юзлаб энциклопедик алломаларнинг мутлақ кўпчилиги Мовароуннаҳрдан бўлган. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, юртимизда ислом динининг маърифий мазҳаби-ҳанафийлик чуқур илдиз отгани, уни такомул босқичига кўтарган зотлар бизнинг ватандошларимиз Мотрудий ва Абул Муъин Насафийлар бўлгани аниқ. Шу нарса эътиборлики, мазкур алломалар ўз Ватанида олим сифатида шаклланиб, сўнгра мусулмон дунёсининг шаҳарлари бўйлаб кезганлар. Зеро Мовароуннаҳрда VIII аср охиридаёқ дунёга машҳур мадрасалар мавжуд бўлган. “Иккинчи мусулмон ренессанси” деб нои олган ҳодиса ҳам XIV-XV асрларда Амир Темур салтанати – Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берди.

Кейинчалик Усмонли турклар даврида ислом цивилизацияси янги босқичга кўтарилиб, замонавий кўринишга эга бўлди[30]. Айнан Усмонли турклар салтанати таркибига кирган Миср ва Сурияда бошланган “ислом модернизми” ҳозирги кунда ҳам даво этмоқда.

Эътироф этиш лозимки, охирги ўн йилликлар мобайнида мусулмон дунёсида катта изланишлар кетмоқда. Масалан, бугун Туркия республикаси том маънода Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк ролини ўйнамоқда. Кувайтда “ал-Васатия”-ўрта йўл доктринаси, Малайзияда “Исламе хадаре”, яъни цивилазацион ислом йўли расман қабул қилинган.

---

[29] Босворт К.Э. Мусульманские династии. М. “Наука”, 1971. Б.33-34

[30] Бартольд В.В. Халиф и султан. Соч. Том VI. М.1986. Б.75-78

Саудия Арабистонида “ваҳҳобийлик” деган сўз умуман истеъмолдан тушурилиб, “салафия”-содиқ ўтмишдошлар атамасини ишлатмоқдалар. Мисрда машҳур Ал-Азҳар шайхлари “Араб баҳори” воқеаларидан сўнг ёшларга тўғри исломни тарғиб қилиш зарурати ҳақида сўз юритмоқдалар.

Мустақиллик йиллари енгил кечмаган бўлса-да Ўзбекистон раҳбарияти диний соҳада оқилона ва изчил сиёсат олиб борди. Бу даврда бизнинг энг катта ютуғимиз- диний ва дунёвий илмларни бир-бирига зид қўймай, аксинча, уларнинг уйғунлиги, бир-бирини тўлдиришига бўлди, десак ўринли бўлар. Охирги 3 йил ичида бу соҳада юртимизда батамом янги давр бошланди, дейишга тўла асос бор. Тарихан жуда қисқа вақт ичида давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон нафақат мусулмон дунёси балки жаҳонда ўзига хос ва ўзига мос ўринни эгаллаб улгурди[31].

“Ислом тарихи” фанини ўқитишда рус тили гуруҳларида дарс бериш баъзи хусусиятларга эга, зеро бу талабаларнинг аксарияти Россияда нашр қилинган адабиётлардан фойдаланишади. Табиийки, бу ҳилдаги адабиётларнинг ўз йўналиши бор ва у муайян ўқувчига мўлжалланган бўлади. Ўқитувчи маъруза ва семинарлар жараёнида талабаларнинг эътиборини шу ҳолатга қаратиши ва уларга фойдали ва манфаатли нуқталарни ажрата билиш кўникмасини бериши керак. Ғарбда баъзида ҳар қандай террористик актни сунъий равишда ислом билан боғлашга уринилаётган пайтда гуруҳ талабаларида джиход масаласида тўғри фикр шакллантириш зарур. Қуръоннинг аксарият сура ва оятлари Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳаётлари ва фаолиятлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни ўзида акс этдиради. Масалан, “Ихлос” сураси мушриклар билан кескин баҳс жараёнида нозил бўлган ва у Пайғамбаримиз (с.а.в)га бевосита Аллоҳнинг мурожаатидир. Рус тили гуруҳидаги талабаларга янада тушунарлироқ бўлиши учун қуйидаги таржимани таклиф қиламиз: “А ты скажи: Аллах-един, Аллах вечен-неизменным. Не родил Он и не рожден. Никем иным-незаменим». (Таржима бизники – А.Ҳ.).

Хулоса қилиб айтганда “Ислом тарихи” фанини ўқитиш жараёнида дунёвийлик, илмийлик, холислик, Шарқ ва Ғарб диншуносларининг ижобий фикрларидан фойдаланиш асосий тамойил бўлиб хизмат қилади. “Исломофобия” тарафдорлари, бир томондан, ислом динини ўзларига

[31] Мирзиёев Ш.М. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошираётган илк қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора тадбирлар тўғрисида.- Тошкент: Ўзбекистон, 2018. Б.409-412

“ниқоб” қилиб олган баъзи исломий экстремистик ташкилотлар, иккинчи томондан, ўзларининг мантиқсиз иддаолари билан жаҳон оммасини чалғитишга уринаётган пайтда Ислом тарихини объектив ўрганиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

ЗИЯЕВА Доно Ҳамидовна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ САНЪАТ НАМОЁНДАЛАРИ (XIX-XX аср боши)

Аннотация: *Статья содержит информацию об основных направлениях музыки и пения традиционного искусства в Узбекистане, классической музыке, песнях, музыкальных инструментах, ведущих артистах и их деятельности.*

Ключевые слова: *музыка, маком, великое пение, хафиз, композитор, педагог, ученик, нота, мелодия, песня, труппа, искусство.*

Annotation: *The article contains information about the main directions of music and singing of traditional art in Uzbekistan, classical music, songs, musical instruments, leading artists and their activities.*

Key words*: music, maqom, great singing, hafiz, composer, teacher, student, note, melody, song, troupe, art.*

Минтақада анъанавий мусиқа санъати асрлар давомида ривожланиб, нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли оғзаки тарзда, яъни авлоддан авлодга ижрочилар орқали ўтиб келган. Кўлами, ижро йўллари, шакллари, мураккаблигига қараб анъанавий мусиқа санъати профессионал мусиқа асарлари (мақом, катта ашула, достончилик) ва халқ куйларига (лапар, ялла, қўшиқ, ашула) бўлинган.

Анҳанавий мусика санъатининг Фарғона, Бухоро, Хоразм каби минтақавий мактаблари ва марказлари шаклланган бўлиб, уларда машҳур хофизлар санъат ихлосмандларига куйлаш ва соз чалишни ўргатиб борганлар, бу жуда узоқ вақт, катта сабр ва зеҳн талаб килган.

Анъанавий мусиқа санъатида мақомчилик муҳим ва асосий ўринни эгаллаган. Унинг шаклланиши XVIII асрда Бухорода

“Шашмақом” нинг тузилиш билан боғлиқ эди[32]. “Шашмақом” Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида созанда-ҳофизлар томонидан мароқ билан куйланар эди. “Шашмақом” асосида юзлаб куй ва ашула йўллари яратилган, уни ўзбек ҳамда тожик тилларида бирдек севиб ижро этишган.

Мақомчилик Бухоро-Самарқанд, Тошкент-Фарғона ҳамда Хоразмда кенг ривожланган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Бухоро ва Самарқандда “Шашмақом” макомлари, Тошкент ва Фарғонада катта ашула ва ўзига хос мақом туркумлари, Хива ва Урганчда Хоразм мақомлари ва суворалари кенг ёйилган.

Бухоро ва Хива хонликларида ҳукмдорлар етук санъанткорларни саройга тўплаб, уларга алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, Бухоро амирлиги саройида “Шошмақом”ни яхши ўзлаштирган етук хофизлардан Ота Ғиёсиддин Абдуғаниев ва Ота Жалолиддин Носировлар яшаб, ижод қилганлар. Йигирма ёшида «Шашмақом» ни мукаммал ўрганиб олган Ота Жалолиддин Носиров Бухоро амирлигидаги сарой ҳофизи қилиб тайинланган[33]. У сарой мусикачиларига рахбарлик килиб, ёш шогирдларга санъат сирларини ўргатиб борган. Ота Жалолиддин Носиров макомчилар устози, «Шашмақом» нинг донишманд билимдони, мураккаб усуллар устаси, ажойиб танбурчи ва хушовоз хонанда эди. У маком куйлашда “устойи куллий” (арабчада “Устозул-куллий”, яъни ҳамма куйларни мукаммал ва тўкис-тугал билувчи) даражасига эришган[34].

Профессор В.А.Успенскийнинг кайд этишича, Ота Жалолиддин Носиров Бухорода мақомни чуқур билган, уни сақлаб, авлодларга етказган энг сўнгги вакил эди.Ота Жалолиддин Назиров, Ота Ғиёсиддин Абдуғаниев каби мақомчилар нафақат сарой аҳли, балки кенг халқ доирасида ҳам тан олинган машхур хофизлар эди. Улар яратган мақомчилик мактабидан Леви Бобохонов, Домла Халим Ибодов, Уста Шоди Азизов, Самарқанддан Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов каби таниқли мақомчилар етишиб чиққанлар[35].

Бухоро мақомлари Самарқандда ҳам севиб ижро этилган, бу ерда Бухоро мақомчилик мактаби анъаналарини ўзлаштирган мақомчи хофизлар етишиб чиққан.

---

[32] Ражабов И. Мақомлар. Тошкент: “San’at”, 2006.Б. 40

[33] Олимбоева К., Йўлдошева Т., Аҳмедов М., Мирзаева Т. Ўзбекистон халқ созандалари. II Китоб. 1974.Б. 31-33

[34] Ўша асар. 31-33, 39-бетлар

[35] Ўша асар. 31-33, 39-бетлар

Хива хонлиги хукмдори Мухаммад Рахимхон Феруз мамлакатда саънат ва адабиёт ривожланишига катта эътибор қаратиб, қатор муҳим чораларни амалга оширади. XIX асрнинг сўнгги чорагида Хоразмлик машҳур мақомчи ва бастакор Ниёзжонхўжа Бухорога бориб, у ердаги ижрочилардан "Шашмақом" ни ўрганади ва ўз шогирдлари билан мазкур анъаналарни Хоразм ҳудудида ўзлаштирилишида катта роль ўйнайди[36].

Айнан шу даврда Хива хони Мухаммад Рахимхон Феруз топшириги билан европача ноталарни ўрганган хоразмлик шоир, олим, машҳур бастакор Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий) Хоразм танбур нота чизиғини ихтиро қилади. Мақомларни ноталаштириш мақсадида яратилган ушбу нота ёзув усули махсус танбур учун мўлжалланган бўлиб, унинг 18 пардасига мослаштирилган эди. Комил Хоразмий ишини бастакорнинг ўғли, шоир Муҳаммад Расул Мирзо давом эттириб, қолган ҳамма мақомларни нота чизиғига ёзиб колдиришга муваффақ бўлади[37].

Бу нота усули Хоразм мақомларини XIX аср холатида ўрганишда ўз замонаси учун катта аҳамиятга эга бўлди. Хива хони Мухаммад Рахимхон Ферузнинг ғазалларни бузиб ижро этишни расман таъқиқлаб қўйиши мамлакатда мақомчиликни асл холида сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этди[38].

“Шашмақом” яратилгандан кейинги даврларда Тошкент ва Фарғона водийсида бир неча мусиқа асарлари туркуми, юзлаб куй ва ашулалар – мақом вариантлари тарзида юзага келади. Тошкент-Фарғона мақом йўллари деб ном олган Баёт, Дугоҳи Ҳусайний, Чоргоҳ туркумлари “Шашмақом”нинг шу номлар билан аталган шўбалари асосида яратилган. Тошкент ва Фарғонада машҳур бўлган бу мақом туркумлари асосан ашула йўлларидан иборат бўлиб, уларда “Шашмақом”даги каби чолғу йўллари учрамаса-да, созандалар бу ашула йўлларини чолғу асарлари сифатида ҳам ижро этиб келганлар.

Тошкент-Фарғона мақом йўлларидаги яна бир туркум “Шаҳнози Гулёр” бўлиб, у ҳам Рост ва Сегоҳ мақоми шўъбалари асосида юзага келган. Умуман, “Шашмақом” йўллари ва мақом шўъбалари асосида юзага келган Тошкент-Фарғона мақомлари мақомчиликнинг ашула йўллари бўлиб, кенг ҳалқ оммаси ўртасида жуда машҳур бўлган.

---

[36] Олимбоева К., Йўлдошева Т., Аҳмедов М., Мирзаева Т. Ўзбекистон халқ созандалари. II Китоб. 1974.Б. 31-33

[37] Ўша асар. 40, 261, 285, 293, 319-бетлар

[38] Ўша асар.. 40, 261, 285, 293, 319-бетлар

Тошкентда маҳаллий ижрочилик анъаналарини чуқур эгаллаган Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов (1868-1943)[39], Шораҳим Шоумаров (1876-1969) ўз даврининг машҳур ва етук хофизлари эдилар. Улар нафақат Тошкент, балки Фарғона водийсига хос хонандалик услублари, мураккаб ашула ва мақом йўлларини ҳам пухта ўзлаштирган эдилар. Мулла Тўйчи ҳофиз Навоий, Машраб, Бедил, Фузулий каби мумтоз шоирларнинг ижоди билан яқиндан танишиб, чуқур ўрганган ва уларнинг ғазаллари асосида "Шаҳнози Гулёр" мақомлар туркумини севиб куйлаган.

Мулла Тўйчи Хофизнинг репертуаридан "Чоргоҳ", "Дугоҳ Ҳусайн", "Баёт" туркумлари ва 20 дан ортиқ мумтоз мусиқалар жой олган. У Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистонда ва Шарқий Туркистон шаҳарларида бўлиб, ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилган[40].

Мулла Тўйчи ҳофиз Тошкентда ўша даврнинг таниқли ҳофизлари – Абдуқаҳҳор, Саидаҳмад, Назирхонлар билан ҳамнафасликда "Қўшиқ базми" кечаларини ташкил этган. Тошкент ва Фарғона водийсида кўплаб шогирдлар етиштириб,ўзбек мумтоз мусиқа меросининг сайқал топишига, кейинчалик янги авлод вакилларига етказиб беришга катта хисса қўшган.

Фарғонада лирик шеърлар асосида айтиладиган катта ашулалар ўзбек профессионал мусиқасининг ўзига хос жанри бўлиб, улар чолғу асбоблари жўрлигисиз (баъзан патнис ва ликопча билан), эркин мавзуда (шарқ шоирларининг ишқий ғазаллари ёки панд-насиҳат) айтилган[41]. Ҳофизлар ғазаллардаги мисраларни такрор-такрор талқин этиб, тингловчига етказиш орқали фалсафий мушоҳадага ундаганлар. Марғилон, Қўқон, Баликчида катта ашулачиликнинг маҳаллий мактаблари юзага келган.

Катта ашула ижросининг қийинлиги, ашулачидан зўр куч талаб қилиши ва унинг юқори пардада узоқ туриши сабабли уларни одатда икки, баъзида уч ашулачи навбатма- навбат ижро этган. Фарғона водийсида катта ашула айтувчилардан Эркақори, Мақсуд ҳофиз, Макайли ашулачи, Мамадбобо Сатторов, Болтабой Ражабов, Ғанижон Мирзаев,

---

[39] Олимбоева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. I Китоб. Тошкент: 1959. 8, 10, 11,13, 29-бетлар.

[40] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-Жилд. Тошкент: 2005. 5-бет.

[41] Олимбоева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. I Китоб. Тошкент: 1959. 8, 10, 11,13, 29-бетлар

Жўрахон Султонов каби Тошкент ва Фарғоналик ашулачиларнинг номлари машҳур бўлган[42].

Лирик ашулалар танбур, дутор ёки созандалар ансамбли жўрлигида мумтоз шоирлар шеърлари билан ижро этилган. Ашулачилар репертуарида Шарқнинг машҳур шоирлари: Умар Хайём (XI–XII асрлар), Румий (XII аср), Жомий (XV аср), Навоий (XV аср), Бедил (XVII-XVIII асрлар), Муқимий, Фурқат ва бошқаларнинг лирик шеърлари ўрин эгаллаган.

Бу даврга келиб Фарғона водийсида азалдан хунармандчилик маркази хисобланган Марғилон шаҳри санъаткорлар марказига айланган. Шахар хунармандлар кундалик меҳнатдан сўнг чойхонларда тўпланиб, санъаткорлар бахслашувларини томоша қилганлар. Марғилоннинг “Чор чинор” мавзеида ашулачилар баҳслашувлари ўтказилган, унда Абу Баҳриддин, андижонлик Деҳқонбой, Ашурали, қўқонлик Ҳамроқул қори, Турғун Сариқ, Холқора, Абдураҳмон қори, бачкирлик Муҳаммадали қори сингари водийнинг таникли санъаткорлари иштирок этганлар[43].

Анъанавий мусиқа санъатида халқ чолғу мусиқаси муҳим ўрин тутган. Халқ чолғу асбоблари пуфлаб (карнай, сурнай, най, қўшнай), чертиб (тор, танбур, дутор, рубоб) ва уриб (доира, ноғора) чалинадиган, камонча билан чалинадиган (ғижжак ва б.) мусика асбобларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўз ўрни бўлган. Доира, ноғора, карнай ва сурнай чалувчи созандалар дасталари тўйларда иштирок этар, байрам кунлари бозор майдонларида мусика чалар, халқ цирки ва қўғирчоқ театри томошаларида қатнашардилар[44].

Торли мусика асбоблари – дутор, тор, танбур чертувчилар мураккаб чолғу куйларини ижро этар, мақомчи ва ашулачиларга жўр бўлардилар. Масалан, Бухорода “Шашмақом” туркуми билан чамбарчас боғлик равишда танбур, най, ғижжак, бухороча (афғонча деб ҳам юритиладиган) рубоб каби мукаммал созлардаги ижрочилик кенг ривожланди.

Бастакорлик сохаси ҳам ривожланиб, Бухоро-Самарқанд мусиқа услубиюзага келган. Самарқандлик Хожи Абдулазиз Абдурасулов каби

---

[42] Олимбоева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. I Китоб. Тошкент: 1959. 8, 10, 11,13, 29-бетлар

[43] Олимбоева К., Йўлдошева Т., Аҳмедов М., Мирзаева Т. Ўзбекистон халқ созандалари. II Китоб. 1974. 31-33, 39-бетлар

[44] Олимбоева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. I Китоб. Тошкент: 1959. 8, 10, 11,13, 29-бетлар

етук санъаткорлар хонандалик, созандалик (танбур, дутор) ҳамда бастакорлик соҳаларида нафақат Ўрта Осиё, балки Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва қатор араб мамлакатларида ҳам кенг танилдилар.

Бухорода танбур чертишда Отағиёсиддин Абдуғаниев ва Хожи Абдураҳмон Умаровлар халк орасида катта шуҳрат қозонганлар. Халқ чолғучиларининг аксарияти моҳир санъаткор бўлиб, ҳам куйлаб, ҳам тор четганлар.

XX аср бошларида Хоразмда гижжакчи Қаландар Дунмас, дуторчи Машраб Қанбар, танбурчи Матёқуб Харратовлар жуда машҳур эдилар[4].

Фарғона водийси ва Тошкент воҳаларида ғижжакчилик, дуторчилик ва сурнайчилик мактаблари юзага келиб, равнақ топган. Машҳур сурнайчилар Юсуфали Меҳтар ва Рустам Меҳтар,найчи Абдуқодир Исмоилов, сурнайчи ва қўшнайчи Аҳмаджон Умирзоқовлар машхур эдилар[4]. Улар “Шашмақом” даги Наво, Дугоҳ ва Ирок мақом йўлларини сурнайларда ижро қилиб, халқ шодиёналарида, тўйларда, байрамларда уларга завқ бағишлаганлар.

Доира чалишда эса фарғоналик доирачи Уста Олим Комилов, андижонлик ноғорачи ва доирачи Хожимат меҳтар ўз маҳоратлари билан ном чиқарган эдилар.

Созандаликда катта тажрибага эришган санъат усталарига нисбатан “мехтар”, яъни улуғлик даражасининг нисбат берилиши уларнинг юксак маҳорати ҳамда халқ эътирофи ва эҳтироми баландлигидан далолат берар эди. Ўзбекистонда халқ чолғу мусиқаси ҳам кенг ривожланган. Халқ чолғучиларининг репертуарига якка ижро ва чолғу ансаблларининг ҳам хар хил бўлишига олиб келди.

Бу даврда хотин-кизлар орасида хам санъат ихлосмандлари кўп бўлиб, уларни Тошкент ва Фарғона водийсида яллачи, Хоразмда халфа, Бухорода созанда деб атаганлар. Уларнинг репертуарларида рақс билан айтиладиган лирик қўшиқлар, кулгили мазмундаги оддий халқ ашулалари, ялла ва лапарлар бўлиб, турли кайфият ва муносабатлар билан куйланган. Тошкент ва Фарғона яллачилари лапар ва яллаларни, Бухоро созандалари мавригини, Хоразм халфалари терма ва лапарларни севиб айтардилар. Яллачилар одатда дутор ёки доира жўрлигида, Хоразм халфалари эса, гармон жўрлигида куйлаганлар.

Маданий ҳаётнинг барча жабҳалари қатори анъанавий мусиқа санъатининг ҳолати, узоқ ўтмиши ва келажакда ривожланиш йўналишлари ҳақида ўз даврининг илғор зиёлилари Абдурауф Фитрат,

Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Зиё Саид, Хамза Хакимзода Ниёзий каби зиёлилар ўз мақолаларида кенг фикр-мулоҳаза юритдилар, анъанавий мусиқий меросни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалалари нафақат санъаткорларни, балки миллий маданият фидойиларини ҳам кўп ўйлантирар эди[45].

XX аср бошларида уларнинг жонбозлиги туфайли янги баёз тўпламлари босма равишда чоп этилиб, тез орада оммалашиб кетди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий машҳур халқ куйларига асосланиб, қўшиқ учун қатор янги шеърлар яратади. Унинг "Миллий ашулалар учун миллий шеърлар тўплами" (1915) ва "Оқ гул" ва "Қизил гул" (1916) номли қўшиқлар туркумларида ўзи яратган ҳар бир шеър ижроси учун куй ҳам белгиланган эди.

Анъанавий мусиқа санъати ўлкага ташриф буюрган хорижий сайёҳлар, санъат фидойилари эътиборини тортган. Бу даврда Тошкент, Қўқон, Марғилон, Зангиота, Чиноз каби катта-кичик шаҳарларда ўзбек халқ куйлари ва оммабоп қўшиқлари Август Эйхгорн, Р. Пфенинг, Франтишек Лейсек томонидан европача нотага тушира бошланди.

Айрим композиторлар хусусан, машҳур рус композитори П.И. Чайковскийнинг илк шогирди Н. Кленовский (1853-1915) бир қанча "шарқона" асарлари қатори –"Қарайберсам кўринмайди" номли ўзбек халқ қўшиғини овоз (сопрано) ва симфоник оркестр учун қайта ишлаб, 1893 йили Москвада уюштирилган этнографик концертда ижро эттирди.

Туркистонга ташриф буюрган таниқли ҳарбий оркестр капельмейстри ва фольклоршуноси Н.Н. Миронов (1870-1952) Марғилон, Қўқон, Тошкент, Самарканд шаҳарларида бўлиб, ўзбек халқ куйларини, кейинчалик эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қўшиқларини нотага олди.

Шу тариқа асрлар давомида ривожланиб, сайқал топиб келган анъанавий мусиқа санъати фидоий санъаткорлар туфайли устоз-шогирд мактаби асосида авлоддан авлодга етиб келди.

[45] Ражабов И. Мақомлар. Тошкент: "San'at", 2006. 40, 261, 285, 293, 319-бетлар.

АГЗАМХОДЖАЕВ Саидакбар Саидович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”
кафедраси профессори, тарих фанлари доктори,

ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА ИСЛОМШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: *В данной статье на основе англоязычной литературы рассматривается становление науки исламоведение в странах Запада, где проживают мусульмане,таких как Великобритания, Германия и Франция. Анализируются научные подходы исламоведческих исследований и система преподавания учебных предметов, связанных с изучением ислама и исламской культуры, в высших учебных заведениях.*

Ключевые слова: *востоковедение, исламоведение, страны Запада, научно-исследовательский центр, университеты Оксфорда, Кембриджа и Сарбоны, арабский язык, ислам и исламская культура.*

Annotation: *This article based on English-language literature, examines the formation of the science of Islamic studies in Western countries where Muslims live, such as the United Kingdom, Germany and France. The article analyzes scientific approaches to Islamic studies and the system of teaching academic subjects related to the study of Islam and Islamic culture in higher educational institutions.*

Key words: *Oriental studies, Islamic studies, Western countries, research center, universities of Oxford, Cambridge and Sarbons, Arabic language, Islam and Islamic culture.*

Бугунги кунда Ғарб мамлакатларида мусулмонлар сонининг тобора ортиб бораётгани ва бу ҳол айниқса, Германия, Англия, Франция ва Италия давлатларида кўпроқ кузатилаётгани барчага маълум. Санаб ўтилган давлатларда исломшунослик фани ўз тарихига эга бўлиб, ислом тарихи ва фалсафаси, ислом илмлари бўйича кўплаб асарлар ёзилганига қарамай, кўп йиллар давомида бу фанга шарқшуносликнинг бир бўлаги деб қаралиб, ислом дини тарқалиши натижасида унга юзага келган ислом цивилизацияси сифатидаги ёндашув етакчилик қилаётган эди. Эндиликда Европада мусулмон жамоаларининг кенгайиб бораётгани Ғарб олимларини исломни алоҳида фан объекти сифатида тадқиқ қилиш, унинг турли маданиятларда қандай синтезлашиб кетганини ўрганиш, шунингдек

европаликлар орасида исломга қизиқишнинг ортишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш замонавий исломшуносликнинг тадқиқот йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Хозирги замонда Ўзбекистон исломшунослигида катта ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтида исломшуносликка таалуқли фанлар бўйича дастурлар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилмоқда. Долзарб муаммоларнинг ечимини аниқлашга қаратилган докторлик диссертациялар ҳимояси ўтказилмоқда.

Бу соҳада фаолият олиб борувчи мутахассислар нафақат маҳаллий, балки чет тилларидаги махсус адабиётлардан фойдаланиш, Ғарб исломшуносларининг асарлари билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Хозирги даврда нафақат хорижий Шарқ мамлакатлари, балки Ғарб давлатлари исломшунос олимларининг асарларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу билан бирга мутахассисларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва янги мавзулардаги тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон олий таълими тизимида ўтаётган ислоҳотлар Европада ривожланган, етакчи давлатларнинг олий таълим соҳасидаги ижобий тажрибасидан фойдаланишни талаб этмоқда. Буюк Британия, Германия, Франция, Голландия, ва Туркияда ихтисослашган университет, институт ва илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди, уларда исломшунослик фани бўйича турли ўқув курслари ўқитилмоқда.

Харижий адабиётларни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, Ғарбий Европа давлатларида, хусусан, **Буюк Британияда** исломни ва мусулмон оламини илмий ўрганиш шарқшунослик фанининг ичида олиб борилган. Тадқиқотларда Яқин Шарқ ва Марказий Осиё давлатлари қизиқиш доирасига қамраб олинган. Илк изланишлар 1632 йилда Кембрижда ва 1634 йилда Оксфорд университетлари томонидан амалга оширилди[46]. XIX асрга келиб Буюк Британиянинг мусулмон олами билан савдо-тижорат алоқалари кенгайгандан сўнг бу соҳага қизиқиш янада ортди. XX асрда эса ислом оламининг маданияти ва тилини тадқиқ қилиш дипломатия, сиёсат ва халқаро иқтисодий ривожланишда муҳим омил сифатида баҳоланди ва унга катта эътибор берила бошланди.

[46] Albert Hourani, Islam in European Thought.Cambridge: CUP,1991.– P.13.

Исломшунослик шарқшуносликдан чиққани ҳолда ўзининг методологиясига, асосий мавзулари ва классик матнларига эга бўлган фан сифатида шаклланди десак бўлади. Айрим олимлар унда кўпроқ араб тилига, классик матнларга ва ислом дининг асосий манбалари ҳисобланган Қуръон ва Ҳадисга урғу берсалар, бошқалари унга сиёсий, ижтимоий ва антропологик жиҳатдан ўрганишга ёндашишни маъқул кўрадилар.

Исломшунослик фанига тавсиф беришда англиялик олим доктор Атоуллоҳ Сиддиқий қуйидагиларни ёзади: "Исломшунослик битта фан эмас, балки исломни тадқиқ қилиш давомида унинг тарихига, фалсафасига, илоҳиётига, санъатига ва архитектурасига аҳамият берилиши лозим. Лекин шуни ишонч билан айтишим мумкинки, исломшуносликни ўқитиш жараёнида шундай ядро борки, биз уни университетларнинг таълим дастурига киритилишига қаттиқ эътибор беришимиз лозим. Бу классик ядро Қуръон, яъни барча исломий илмларнинг асоси сифатида намоён бўлади. У ўз ичига ҳадисни, айрим фиқҳий илмларни ва ислом тарихини Муҳаммад пайғамбар туғилган йилдан бошлаб ўрганишни ўз ичига олади деб айта оламиз"[47].

Буюк Британияда ушбу турфа қарашлар фаннинг ўзида ва ундаги ёндашувларда ҳам ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда Британияда мусулмонларнинг сони кўп бўлишига қарамай, Оксфорд университетининг ичида ташкил этилган исломшунослик марказидан ташқари бундай номда аталувчи марказлар жуда ҳам кам учрайди. Айрим университетлардаги факультетларнинг номига эътибор берадиган бўлсак исломшунослик масалаларини ўрганадиган фанлар "Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маданияти" деб номланади. Айнан шу йўналишларнинг ичида ушбу давлатларнинг маданиятини бир қисмини ташкил этувчи ислом дини ҳам ўрганилади[48].

Исломшуносликни Англиянинг олий таълим тизимида ўқитилишига тўхталадиган бўлсак, Британия университетларида ислом илмларини тадқиқ қилувчи ва ундан дарс берувчи олимларнинг етишмаслиги бу фанни ўқитиш олдида турган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

---

[47] Dr. Ataulloh Siddiqui. Islam at universities in England: Meeting the needs and investing in the future. England.: Minister of state for lifelong learning and further and higher education, 2007. – P. 27.

[48] International approaches to Islamic studies in higher education. A report to HEFCE. Subject Centre for Languages, Linguistics and Area Studies and Subject Centre for Philosophical and Religious Studies. Great Britain, 2008.– P.16.

2007 йилда исломий тадқиқотлар ўтказиш Британиянинг миллий қизиқишларида стратегик жиҳатдан муҳим деб белгиланди. Британияда мусулмонлар сонининг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, олимлар орасида ҳам фан соҳасининг стратегик долзарблиги тўғрисида баҳслар ва мунозаралар ўтказилди. Ушбу мунозаралар давомида баъзи олимлар исломшунослик соҳасига академик мустақиллик берилишини, фанни "сиёсийлаштиришга" скептик ёндашишни қўллаб-қувватласалар, қолганлари ҳозирги кунда давлат аҳамиятидаги масалаларни, айниқса экстремизмга қарши курашишда унинг роли муҳимлигини изоҳлаб ўтишди[49].

Германияда ислом ва ислом маданиятини ўрганиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. 1143 йилда Испанияда Қуръоннинг лотин тилидаги илк таржимаси тайёрланди ва Швейцариянинг Базель шаҳрида биринчи бор нашрдан чиқарилди. Унинг қайта ишланган нашри Германияда 1546 йилда амалга оширилди ва кейинги 400 йил мобайнида Европада ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Германияда араб тилини илмий ўрганиш эса, XVI асрда, яъни бир қанча қўлёзма манбалар Ҳеидельбергдаги кутубхонага келиб қолганда ва суриялик христианлар ушбу қўлёзмалар устида иш олиб боришганда бошланди. Лекин ўша даврда исломшуносликнинг ҳақиқий маркази сифатида Голландия тан олинди. Унинг ёркин намоёндалари сифатида Томас Эрпениус (ваф.1624 й.) ва Жакоб Голиус (ваф.1667 й.) қайд этилади. Айнан улар томонидан Ибн Туфайлнинг "Ҳай ибн Якзон" китоби араб тилидан лотин тилига таржима қилинди[50].

Германияда исломшунослик XIX асрда шарқшуносликдан алоҳида фан сифатида ажралиб чиқди ва соҳа бўйича кўплаб изланишлар амалга оширилди[51]. Лекин тадқиқотлар кўп ҳолларда филологияга ҳамда Жанубий Африка ва Осиё халқлари маданияти ва тарихини матнлар асосида ўрганишга асосланар эди. 1933 йилга қадар Германия олимлари академик институтлар томонидан қўллаб-қувватланар ва изланишлар олиб бориш имкониятига эга бўлганлар. Лекин 1933-1945 йиллар оралиғида

[49] Islamic Studies Network project team. Teaching Islamic Studies in higher education. England, 2010. – P.12.

[50] Annemarie Schimmel. Islamic Studies in Germany: A Historical Overview. Islamic Research Institute, International Islamic University, Islamabad, 2010. – P.401.

[51] Mouton de Gruyter. Mapping Islamic Studies: Genealogy, Continuity, and Change. The Study of Islam in German Scholarship by Jacques Waardenburg. Berlin: New York, 1997.– P.5.

олимларнинг эркинлиги чекланиб, бу соҳадаги изланишлар бир қанча муддатга тўхтаб қолди[52].

XIX асрда исломшунослик соҳасига танқидий ёндашув ва шу турдаги асарлар кенг тарқалди ва уларнинг пайдо бўлишига туртки бўлган омил бу шарқшунослик соҳасидаги ютуқлар ва айниқса Германия шарқшунослигида олиб борилган изланишларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

1960-1970 йиллар давомида яна шарқшунослик соҳасини ривожлантиришга уринишлар бўлди. 1972 йилда Германия шарқшунослик жамияти томонидан берилган ҳисобот исломни алоҳида фан сифатида ўрганишга ва тил кўникмаларини ривожлантириб, ислом маданиятини тадқиқ қилишга эътибор қаратишга бир қанча сабабларни келтириб ўтди[53].

Францияда исломшуносликнинг илдизлари XVI асрдан бошланган. 1539-йилдан бошлаб Франциянинг "Collège de France" коллежида араб тили ўқитила бошланди ва 1793-йилда Шарқ тилларини ўқитиш учун миллий мактаб ташкил этилди. XVIII асрдан бошлаб мусулмон мамлакатларига сафарлар уюштириш ва уларнинг аҳолиси билан қизиқишга эътибор ошгунга қадар шарқшуносликнинг матнли ва филологик анъаналари тизимидаги таълим тизими Францияда етакчи ўринда бўлган. Шундан сўнг исломга этнографик жиҳатдан қизиқиш кучайди ва араб илмларини ўқитиш бўйича марказлар очишга эҳтиёж туғилди[54].

Франциянинг ўзида эса иккинчи жаҳон урушидан сўнг "Institut d'Études Islamiques" (Исломшунослик институти) биринчи бўлиб Сарбонада ташкил этилган. Араб яриморолли ги ва Ўрта Шарқ мамлакатларини ўрганиш бўйича 1962-йилдан сўнг Бордо, Ланс ва Страсбургларда тадқиқот марказлари очилди. Ушбу марказларнинг ташкил этилиши эндиликда исломга шарқшуносликнинг бир бўлаги сифатида қарашдан узоқлашиб, алоҳида фан сифатида шаклланишига туртки бўлди. 1997 йилда Сарбона университетининг ислом тарихи бўйича профессор Муҳаммад Аркон таъкидлаганидек, "...Францияда исломга нисбатан лингвистик, сиёсий ва тарихий жиҳатдан ёндашиш

[52] Andrew Higgens. The Lost Archive: Missing for Years, Cache of Photos Spurs Research on Islam's Hallowed Text. The Wall Street Journal. 2008. – P. 14.

[53] International approaches to Islamic studies in higher education. A report to HEFCE. Subject Centre for Languages, Linguistics and Area Studies and Subject Centre for Philosophical and Religious Studies. Great Britain, 2008 – P.25

[54] Mouton de Gruyter. Mapping Islamic Studies: Genealogy, Continuity, and Change. The Study of Islam in French Scholarship by Mohammed Arkoun. Berlin: New York, 1997. – P. 33.

устунлик қилаётгани сабабли, ижтимоий ва антропологик қарашлар иккинчи даражага тушиб қолган"[55].

1907 йилдан бошлаб Европада мусулмон оламини тадқиқ қилиш учун махсус марказлар ташкил этила бошланди. Бундай марказлардан дастлабкиси профессор Беккер томонидан 1910-йилда "Der Islam" номи остида очилди.

Ислом дини Францияда эътиқод қилувчилар сони бўйича роман католигидан кейинги 2-ўринни эгалллайди. Исломга эътиқод қилувчи миллий аҳоли умумий аҳолининг 5-10% ини ташкил этиб, бу Ғарбий Европада мусулмонлар сонининг кўрсаткичи бўйича 3-ўринда туради. Маълумотларга кўра мусулмонларнинг асосий қисми суннийлик мазҳаби вакиллари ҳисобланади[56].

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Францияда мусулмонлар бошқа Ғарб мамлакатларига нисбатан ўзларини эркинроқ ҳис қилар эканлар.

Францияда секуляризм (дунёвийлик) анъаналарига қаттиқ амал қилиниши давлат томонидан молиялаштириладиган институтлар ва диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг чекланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ислом таълим институтлари кўп ҳолларда алоҳида мустақил фуқаролик жамияти уюшмалари тарзида ташкил этилиб, унда асосан имомлар ва шу билан бир қаторда, араб тили ва ислом илмларини ўргатишга ҳам аҳамият қаратилади[57].

Бугунги кунда Францияда исломшуносликни ўқитишдаги асосий ёндашувлар бу лингвистик ва адабий ёндашувлардир. Буларга мисол тариқасида сиёсатшунослик, тарих, антропология, дин социологияси кабиларни келтириш мумкин. Франциянинг Сарбона университетида кўпроқ тилларга урғу берилса, Париж университети "Ўрта асрларда ислом" мавзусига кўпроқ эътиборни қаратади.

Ижтимоий фанлар таркибига кирувчи сиёсий жиҳатдан ўрганиш имконияти "Institut d'Études Politiques" (Сиёсатшунослик институти)да мавжуд. Ушбу институт бир қанча олимларни ўзида жамлаган "The Centre

---

[55] International approaches to Islamic studies in higher education. A report to HEFCE. Subject Centre for Languages, Linguistics and Area Studies and Subject Centre for Philosophical and Religious Studies. Great Britain, 2008.– P.19.

[56] http://en.wikipedia.org/wiki/Islam_in_France

[57] International approaches to Islamic studies in higher education. A report to HEFCE. Subject Centre for Languages, Linguistics and Area Studies and Subject Centre for Philosophical and Religious Studies. Great Britain, 2008. – P.21.

d’Études et de Recherches” Internationales (Халқаро таълим ва тадқиқотлар) миллий маркази билан ҳамкорлик қилади.

Ислом ва мусулмон жамияти бўйича олиб борилган тадқиқотлар турли фанлар йўналишида, жумладан, тарих, сиёсат, социология, антропология, тил ва адабиёт соҳаларида тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутган марказларда амалга оширилади. Ушбу марказларнинг кўпчилиги Ўрта Ер денгизи мамлакатларига эътиборни қаратиб, Франциянинг мусулмон жамияти билан узоқ йиллик тарихини ўрганишни ўз ичига олади.

Франция олимлари исломшуносликни ўқитиш бўйича бир қанча йўналиш ва ёндашувларни ишлаб чиққанлар, лекин шуни ҳам қайд этиш жоизки, бу соҳада таълим олаётган талабалар сони камчиликни ташкил этади. Францияда сўнгги йиллар давомида исломга бағишланган кўплаб китоблар нашр этилганига қарамай, уларнинг кўпчилиги публицистик жанр усулида ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, кўриб чиқилган Ғарб давлатларида исломшунослик ҳали ҳам алоҳида фан сифатида шаклланмоқда. Бу фан соҳаси ҳақида билдирилган фикрлар турлича ва олимларнинг қарашлари тарқоқ ҳолда ривожланаётганини кузатишимиз мумкин. Ғарб мамлакатларида исломшуносликни ўқитишда йўлга қўйилган ёндашувлар ва самарали лойиҳалар билан танишиш, ўзига хос илмий тадқиқот тажрибасини Ўзбекистоннинг махсус олий ўқув юртларига, хусусан Ўзбекистон халқаро ислом академиясига, жорий қилиш бугунги кун талабларига жавоб беради деган умиддамиз.

РАСУЛОВА Дурдона Бахроновна
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ФРАНЦИЯДА ИСЛОМШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: *В данной статье говорится о распространении ислама во Франции, о месте мусульманской культуры в развитии цивилизации Запада, освещаются франкоязычные исследования XVII–XX вв. в сфере*

исламоведения. Проводится анализ становления и развития исламоведения в системе востоковедения. Кроме того, в статье изучаются вопросы перевода Корана на французский язык и значимость исследований по его переводу во Франции.

Ключевые слова: *Восток, Франция, Коран, ориентализм, ислам, исламоведение, востоковедные школы, историография, источниковедение, французское востоковедение, источниковедческие основы, исследования, история, этнография, культура, религия, суфизм, искусство.*

Annotation: *The article illustrates the spread of Islam in France, the role of Islamic culture in the development of Western civilization, French researches on Islamic-studies from XVII to XX centuries, as well as the improvement of Islamic-studies is analyzed in the context Oriental Studies. Moreover, the issues of translating the Koran which is the fundamental source of Islam into French on Islamic-studies have been researched and the significance of fundamental researches on its translation in France have been widely analyzed.*

Key words: *East, France, the Koran, orientalizm, Islam, Islamic-studies, orient schools, historiography, source studies, French oriental studies, source bases, researches, history, ethnography, culture, religion, sufizm, art.*

Тарихда исломнинг моҳиятини англаш, ўрганиш ва унга бўлган ёндашувлар турлича бўлган. Европаликларнинг Шарқ дунёсини ўрганишга бўлган катта қизиқиши шарқшунослик фани доирасида “исломшунослик” йўналишининг шаклланишига олиб келди. Хусусан, Францияда шарқшуносликнинг ривожи ва бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар асосан “исломшунослик” ва “қиёсий тилшунослик” каби фанларнинг ривожи билан белгиланади.

Исломшунослик – бу диншуносликнинг ислом тарихи, манбалари ва маросимларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи соҳасидир. Ислом тарихи манбалари, ақидалари, маросимлари, Қуръони карим, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти ва фаолияти, ҳадисларни ўрганиш, тадқиқ қилиш исломшунослик фанининг асосий вазифаси ҳисобланади[58].

Ислом дини ва унинг инсоният тарихий тараққиётидаги ўрни масаласи барча даврларда ҳам қизиқарли тадқиқотлар олиб борилишига сабаб бўлган. “Ислом диний таълимот бўлиши билан бир қаторда ижтимоий тараққиёт жараёнига охирги минг йилдан зиёдроқ вақт ичида таъсирчан, қимматбаҳо маънавий озуқа бериб келаётган тарихий омил

[58] Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – Б.119.

ҳамдир. Демак, исломни фақат диний таълимот сифатида эмас, жаҳон маданияти тараққиётининг маънавий омилларидан бири сифатида қарамоғимиз ҳам лозим”[59].

Сўнгги йилларда дунёда ислом маданияти тарихи ва унинг маънавий таъсирини ўрганишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ислом динининг дастлабки ижтимоий-тарихий ривожланиш босқичлари ва бошқа ҳудудларга ёйилиши, хусусан, Европага кириб келиши ҳали етарли даражада ўрганилмаган[60]. Европада исломшунослик масалалари бўйича мутахассис Сара Сильвестрининг таъкидлашича, “Исломнинг Европада тадқиқ этилиши ва уни университетларда фан сифатида ўқитилиши ҳамон долзарблигича қолмоқда”[61].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон маънавий ҳаётида кузатилган ўзгаришлар ислом дини ва илмий меросини чуқур тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқарди. Ислом дини ва айниқса, Қуръоннинг Ғарбда ўрганилиши масалалари бугунги кунда кенг кўламда тадқиқ этилмоқда[62].

Маълумки, VIII аср бошларида ислом дини Европага кириб борди. Бунда Пиреней ярим ороли дарвоза вазифасини ўтаган. Айниқса, Андалусия давлати тарафидан қилинган кўплаб ҳужумлар VIII асрнинг биринчи ярмидаёқ ҳозирги Испания, Португалия, Италиянинг баъзи ороллари ва Францияниг чорак қисмини ислом билан таништиришга муваффақ бўлган.

Мусулмон Шарқи VIII–XI асрларда тараққиётда Ғарбдан олдинда бўлиб, бу даврда хорижликлар мусулмон файласуфлари ва табибларидан сабоқ олганлар. Ғарб савдогари ислом дунёсидаги савдонинг кўламига

---

[59] Абдуллоҳ Мубашшир ат-Тарозий. Олам узра тарқалган Ислом. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 3 б.

[60] *Қаранг:* Devin De Weese. Devin A. Islamization and native religion in the Golden Horde. Pen State Press. 1994. P.17. Кадиров А. Европа ва ислом маданияти тарихига бир назар // ТИУ Илмий-таҳлилий ахборот. – 2009. –№ 3. – Б. 12.

[61] *Қаранг:* Studying Islam and Europe. Ian Mundel. Europeanvoice.com.2009. Кадиров А. Европа ва ислом маданияти тарихига бир назар// ТИУ Илмий-таҳлилий ахборот. 2009, №3. - 12 б.

[62] Бобожонов Б. Ислом тарихнавислигини ўрганишнинг янги методологияси // ТИУ илмий-таҳлилий ахборотномаси. – 2010. – № 2. – Б. 9–12; Комилов Д. Теодор Нёльдекенинг Ғарб қуръоншунослиги ривожидаги ўрни // ТИУ илмий-таҳлилий ахборотномаси. – 2011. – № 3–4. – Б. 55–57; Абдуллаев А. Европада Қуръоннинг ўрганилиши // ТИУ илмий-таҳлилий ахборотномаси. – 2012. – № 3. – Б. 4–6; Алимов А. Ғарб олимларининг Қуръонга оид тадқиқотлари // Имом Бухорий сабоқлари. – 2013. – № 2. – Б. 111–112; Даминов И. Калом Шарқ ва Ғарб олимлари нигоҳида // Имом Бухорий сабоқлари. – 2014. – № 3. – Б. 44–47.

ҳавас билан қараган, Шарқ товарлари Ғарбда зеб-зийнат моллари ҳисобланган. “Буларнинг барчасида асосий мафкура вазифасини бажарган исломнинг ижобий хизмати буюк, албатта”[63].

Европада Уйғониш даври бошланишига мусулмон маданияти салмоқли таъсир кўрсатган. Мусулмонлар томонидан ёзилган ва юнон тилидан араб тилига ва араб тилидан бошқа Европа тилларига таржима қилинган асарлар билан танишганидан сўнггина, илм-фан ва маданий ҳаёт ривож топа борган[64]. Мусулмон маданиятисиз Европада фан-таълим ва маданият бундай шиддат билан ривожланмас эди.

Қуръоншунослик – фани ўрта асрларда юзага келган Қуръон илмларини қамраб олади[65]. Улар қаторида Қуръоннинг бошқа тилларга таржима қилиниши ва таржимага қўйиладиган шартлар ҳам ўрин олган. Ғарб тадқиқотлари араб-мусулмон олимларининг Қуръонга доир масалаларга янгича қараш ва фикрлари билан ойдинлик киритишларига туртки бўлди. Чунки, “европалик шарқшунослар Қуръонга нисбатан илмий ва танқидий қарашларга эга бўлган. Шунинг учун мусулмон олимлари танқидий қарашларга қарши раддия, мушкул ўринларда изоҳ беришга ҳаракат қила бошладилар”[66].

Ислом маданияти ва Қуръони каримни ўрганиш Европада IX асрдан бошланган. Америка, Европа ва Россия исломшунослиги ва Қуръоншунослигида олиб борилган тадқиқотлар кўплиги, маълумотларга бойлигига қарамай, уларда чекланганлик, бирёқламалик бор эди[67].

Қуръони Карим Роберт Кеттон, Андре дю Риё, Луи Марраччи, Клод Савари ва Албер Казимирский каби шарқшунослар томонидан лотин ва француз тилларига таржима қилинган. “Қуръон таржимасида икки хил услубдан фойдаланилади: сўзма-сўз таржима (*таржима бимисл* ва *таржима биғайри мисл*)[68] ҳамда маънавий таржима”[69]. Араб тилидан

---

[63] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 4. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 240.

[64] Монтгомери Уотт У. Влияние ислама в средневековую Европу. – М., 1976. – С. 65.

[65] Абдуллаев А. Қуръоншунослик. – Тошкент, 2010. – Б.6.

[66] Абдуллаев А. Қуръоншунослик. – Тошкент, 2011. – Б.13.

[67] Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – Б. 123.

[68] “*Таржима бимисл*” – аслига ўхшаш таржима. Сўзма-сўз таржима унинг муқаддас аслиятини ўрнини боса олмайди.“*Таржима биғайри мисл*” – аслига ўхшамаган таржима, яъни Қуръон назмига эътибор бермаган ҳолда, имкон қадар оятлар мазмунини бошқа тилга ўгириш.

бошқа тилларга таржима қилишда кўплаб махсус атамаларнинг муқобил вариантларини топиш мумкин эмаслигини инобатга олиб, кўпинча маънавий таржимага амал қилинган. Лекин, "Қуръонни араб тилидан бошқа тилга айнан таржима қилиб бўлмаслиги, яъни калом фақат у яратилган тилда бўлиши шарт"[70] деган ақида узоқ вақтгача Қуръоннинг таржима қилинишига тўсиқ бўлиб келган. Бунда таржимон оятлар мазмунини ўзининг заковати даражасида тушунади ёки нотўғри талқин қилиши ҳам мумкин. Қуръоншунослик бўйича Европада кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, турли таржима нусхалари юзага келган.

Қуръони карим XII асрдан бошлаб лотин, француз, инглиз, немис каби Европа халқлари тилларига таржима қилинган. Дастлабки тадқиқот 1143 йилда Клюни монастири (Франция)да амалга оширилиб, Қуръон маънолари лотин тилига таржима қилинган эди[71]. Қуръоннинг Европада илк маротаба лотин тилига таржима қилиниши аббатлар – Пьер Венерабл (*Pierre de Vénerable)* ва Роберт де Кеттон (*Robert de Ketton)* бошчилигида амалга оширилган[72]. Ушбу тадқиқот ўз даври учун муҳим саналса-да, аммо бунда таржимадаги парафраз ҳолатларни исломнинг баъзи бир ҳақиқатга зид ғоялар асосида талқин қилиниши ҳам кузатилган. Чунки, "бу даврда Ғарб дунёси мусулмонларга нисбатан ҳам адоват, ҳам ҳавас билан қарар эди"[73]. Клюни монастири Қуръоннинг биринчи таржимаси амалга оширилган жойга айланиши тасодиф эмас, албатта, бу христианликнинг ислом динига қарши турадиган мафкуравий (баъзида ҳарбий ҳам) маркази эди.

Роберт де Кеттон таржимаси лотин тилида бўлиб, унда кўплаб камчиликлар мавжудлиги, айрим жойларда асосларнинг етишмаслиги, маънодан узоқлашиб кетиш ҳоллари кузатилиб асл матндан катта фарқ қиладиган шарҳ ёзилган эди[74]. Лекин айнан ушбу таржима бир неча асрлар давомида Европанинг бошқа тилларига таржима қилинган ҳамда тайёрланган шарҳлар учун манба бўлиб хизмат қилган. Унинг асосида Петр Достопочтенный лотин тилида мусулмон ақидалари тўплами (*Summa*

---

[69] Маънавий таржима – оятларни бошқа тилда шарҳлаб, маъноларини баён қилиб беришдир. Бундай таржимада оятларнинг тартиби ва мурод бўлган маъноларининг мукаммаллиги шарҳ қилинмайди.

[70] Религия и ислам. 3-ое Изд. / Подготовил Осман Карабыйык. – Turkey, 2004. – С. 28.

[71] Dugat G. Histoire des orientalistes de l'Europe du XII au XIX siècle, precede d'une esquisse historique des etudes orientales. T.1. – Paris: Maisonneuve et C e Libraires Éditeurs, 1868. – P. 42.

[72] Переводы Корана. https://ru.wikipedia.org/wiki

[73] Белл Р., Уотт У.М. Корановедение. Введение. Москва-Санкт-Петербург. 2005. – С.200

[74] Остроумов Н. Коран и прогресс. – Ташкент, 1901. – Б. 20.

totius haereris Saracenorum) ва унга раддиялар (*Liber contra sectam sive haereris Saracenorum*) тузган[75]. Улар ислом ҳақидаги илк илмий асарлар эди.

Қуръоннинг француз тилига қилинган таржимаси бўйича энг биринчи тадқиқот **Андре дю Риё** (*André du Ryer, 1580-1660*) томонидан олиб борилган. Шарқшунос ва таржимон Андре дю Риё Константинополда дипломат, Александрияда консул вазифаларида фаолият олиб борган. 1630 йил Францияга қайтгандан сўнг Андре дю Рие шарқ тиллари бўйича қирол Людовик XIII га таржимон вазифасини ўтаган. Андре дю Риё тадқиқоти натижалари "*L'Alcoran de Mahomet*" номи остида чоп этилган[76]. Дю Рие гарчи диншунос бўлмаса-да, шарқ тилларини мукаммал ўзлаштирган мутахассис эди. Балки шу сабаблидир, баъзи жойларда ислом ақидаларига танқидий нуқтаи назарда ёндашиб, қарши фикрлар ҳам билдирган. Лекин унинг таржимаси Европада исломга оид билимларнинг тарқалишида алоҳида ўрин тутган. Қуръоннинг Андре дю Риё таржимаси бир асрдан ортиқроқ вақт мобайнида, яъни 1775 йилгача қайта-қайта нашр этилган[77].

Андре дю Риёнинг француз тилидаги дастлабки таржимаси Қуръоннинг Александр Росс (*d'Alexander Ross, 1649*) томонидан инглиз тилида[78] ва П. Постников томонидан (1716) рус тилидаги таржималари яратилишига асос бўлди[79]. 1790 йилда ушбу Андре дю Рие таржимаси М. И. Верёвкин томонидан рус тилига ўгирилган[80]. Лекин, Андре дю Риё ҳам Роберт Кеттон хатоларини такрорлаган эди[81]. Андре дю Риенинг ушбу таржмаси А. С. Пушкин ижодида, хусусан, машҳур "Қуръонга тақлидлар" ни ёзганда ҳам манба сифатида хизмат қилган.

Қуръоншунослик бўйича кейинги йирик тадқиқот файласуф ва илоҳиётчи, юнон, иврит, араб тилларининг мукаммал билимдони **Луи**

---

[75] Монтгомери Уотт У. Влияние ислама в средневековую Европу. – М., 1976. – С. 98.

[76] Andre du Ryer. L' Alcoran de Mahomet. Translaté d' arabe en François, par le sieur Du Ryer, sieur de la Garde Malezair. – Paris, 1649. – 712 p.

[77] L'Alcoran de Mahomet. Traduit de l'arabe, par Andre du Ryer, sieur de la Garde Malezair, avec la traduction des Observations historiques & critiques sur le mahometisme, mises à la tete de la version angloise de M. George Sale. – Paris, 1775. – 488.

[78] Абдуллаев А. Қуръоншунослик. – Тошкент, 2010. – Б.14.

[79] Остроумов Н. Коран и прогресс. – Ташкент, 1901. – С. 22–23.

[80] В книге две части, в каждом из которых сказано, что она "Перевод с арабского на французский язык Андрея дю Риера-де-ла Гард Малезера". Перевел с французского М.И.Веревкин. *Қаранг:* Климович Л.И. Книга о Коране: его происхождениеи мифологии. 2-Изд. И доп. – М., Политиздат, 1988. – С. 99.

[81] *Қаранг:* https://fr.wikipedia.org/wiki/Coran

Марраччи (*Louis Marracci, 1612–1700*) томонидан амалга оширилган. Луи Марраччи асли италиялик шарқшунос олим бўлиб, 1698 йилда Қуръонни лотин тилига араб тилидаги матни ва шарҳлари билан нашр эттириши ўз навбатида янги тадқиқот эди[82]. Икки жилддан иборат ҳолдаги манба шарқ тиллари асосида яратилган бўлиб, Қуръоннинг дастлабки ишончли таржимаси саналади. Бу таржима лотин тилида бўлса-да, унга кейинчалик 1721 йилда француз ориенталисти Антуан Галлан томонидан тузатишлар киритилган[83].

Луи Марраччи ўз тадқиқотида шарҳлар ёзиш учун кўплаб тафсиршунос ва мусулмон тарихчиларининг қўлёзмаларидан фойдаланган. Шу сабабли ҳам у яратган таржима нисбатан аниқ ва мукаммал саналган. Умуман олганда, Луи Марраччи Пьер де Венерабль (1143), Марка де Толед (1209-1210) каби тадқиқотчилардан кейин Қуръонни лотин тилига таржима қилган учинчи муаллифдир. У араб ва ислом манбаларига соғлом танқидий қараш асосида ёндашиб, уларни холисона ўргангани боис, таржимада илмий шарқшуносликнинг янги қирралари сезилиб туради.

Францияда Қуръоншунослик бўйича кўзга кўринган, бутун Европа диний илмларига таъсир кўрсатган тадқиқотлардан яна бири шарқ тиллари билимдони, мисршунос олим **Клод-Этьенн Савари** (*Claude-Étienne Savary, 1750-1788)* томонидан олиб борилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Францияда Андре дю Риёнинг Қуръон таржимаси 1647–1775 йилларда кўп марта нашр қилиниб, катта қизиқиш билан ўқилган. Аммо, Клод-Этьенн Савари таржимасидан (1775) кейин ушбу манба ўз мавқеини йўқота бошлади.

Қуръоннинг ушбу таржимаси 1783 йил Парижда икки жилдда нашр этилган[84]. Мазкур манбанинг сўзбошисида айтиб ўтилганидек, Клод-Этьен Савари ўтмишдоши Андре дю Риёдан фарқли равишда оригинал услубни сақлаб қолган ва шеърий тарзда бандларга бўлиб *(la division en versets)* таржима қилган[85] {балки, бу бир нафасда айтиладиган оятнинг қисмларидир – *Д.Р.*}. Шунингдек, у Луи Марраччо томонидан қилинган

---

[82] Marracci L. Refutatio Alcorani, in qua ad mahumetanicae superstitionis radicem securis apponitur et Mahumetus ipse gladio suo jugulatur... Ab auctore Ludovico Marraccio Lucensi... – Patavii [Padova] : ex typographia Seminarii, 1698. – [8], 838, [10] c.

[83] *Қаранг:* https://fr.wikipedia.org/wiki/Coran

[84] Le Coran. Traduit de l'arabe accompagné de notes. Précédé d'un abrégé de la vie de Mahomet. Tiré des écrivains orientaux les plus éstimés. Par M. Savary. – Paris: G. Dufor, 1821–1822. T.1–2.

[85] Le Coran. Traduit de l'arabe accompagné de notes. Précédé d'un abrégé de la vie de Mahomet. Tiré des écrivains orientaux les plus éstimés. Par M. Savary. – Paris, G. Dufor, 1821-1822. T.1–2.

лотин тилидаги таржимага ҳам ҳурмат билан ёндашишини қайд этиб кетган. Ушбу таржима билан бирга К. Савари томонидан “Шарқ алломалари томонидан келтирилган фикрлар асосида пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётига қисқача шарҳ”[86] ҳам илова қилинган.

Асли келиб чиқиши польшалик бўлган, шарқшунос олим ва таржимон **Альбер Казимирский де Биберштейн** *(Albert Kazimirski de Biberstein, 1808–1887)* ҳам Қуръон таржималарини яратишда сезиларли из қолдирган. У 1830 йил қўзғолонидаги иштироки сабабли Польшадан кетишга мажбур бўлган. 1834 йил Парижда Адам Мицкевич билан “Славян жамияти”га *(Towarszystwo słowiańskie)* асос солган. Кейинчалик Шарқ мамлакатларида таржимон ва дипломат лавозларимида фаолият кўрсатган.

1783 йилда Б. Казимирскийга шарқшунос К. Савари томонидан амалга оширилган таржимани қайта кўриб чиқиш вазифаси юклатилган. К.Савари таржимаси билан танишиб чиққандан сўнг, Людовик Марраччи (1698)нинг лотин тилидаги ва Джордж Сейль *(George Sale)* (1734) томонидан қилинган инглиз тилидаги Қуръон маънолари таржимасига таяниб, Б. Казимирский ўзининг янги таржимасини яратган (1840)[87].

Бу даврда қилинган барча таржималар каби у ҳам араб тилидаги асл матннинг сўзма-сўз таржимасини сақлаб қолишга ҳаракат қилмай, балки Ғарб маданияти ўқувчиси учун тушунарли тарзда маънавий таржима усулидан фойдаланган[88].

Б. Казимирский таржимаси асосида К. Николаев томонидан “Коран Магомета” номли рус тилидаги таржима яратилди[89]. Бу рус тилидаги таржима ҳам олдингиларидан унча фарқ қилмаса-да, бир неча маротаба қайта чоп этилиб, христиан оламини ислом маданияти билан яқиндан таништиришга муваффақ бўлди.

1857 йил Париж Ёзма ёдгорликлар ва бадиий адабиёт академияси қуръоншунослик соҳасини янги поғонага олиб чиққан танлов эълон қилди. Унга кўра танлов иштирокчиларига “Қуръон қисмларининг бошланғич кўриниши, тартиби ҳамда Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётига

---

[86] Le Coran, traduit de l’arabe, accompagné de notes, et précédé d’un abrégé de la vie de Mahomet, tiré des écrivains orientaux les plus estimés. – Paris : Amsterdam, Leyde. 1782-1783.

[87] Kasimirski A de Biberstein. Le Koran. Traduction nouvelle faite sur le texte arabe par M.Kasimirski. Nouvelle edition avec notes, commentaires et preface du traducteur. – Paris: Charpentier, 1841. – 521 p.

[88] Библиографическая заметка. Коран Магомета // Туркестанские ведомости. – 1902, 21 март (3 апрель). – № 23 (2048).

[89] Остроумов Н.П. Коран и прогресс : По поводу умственного пробуждения современных российских мусульман / Н.П. Остроумов. – Ташкент: А.Л. Кирснер, 1901. – С. 23.

оид Қуръонда зикр этилган ўринлар, буни ёритишда араб тарихчилари, муфассирлари асарларидан фойдаланиш, Қуръоннинг энг дастлабки даврда талаффуз қилинишидан, то унинг ҳозирги кундаги ҳолатигача бўлган даврдаги ўзгаришларини ўрганиш, қадимги нусхаларни ўрганиш, бунда уларнинг турли қироатларда ўқилишини аниқлаш"[90], – вазифаси юклатилган. Бу танловда немис тадқиқотчиси Теодор Нёльдеке ғолиб чиққан.

Қуръон маънолари таржимасида қилишга араб тили грамматикасини чуқур ўрганиш катта ўрин тутган. Бундай тадқиқотлар ислом маънавиятининг Европада кенг танилишига олиб келган. Ушбу жараёнда Марказий Осиёнинг ўрта аср мутафаккирларининг ўзига хос ҳиссаси мавжуд. Хусусан, Хоразм диёрининг фахри ҳисобланган Маҳмуд аз-Замахшарий бу боради катта ўрин тутиб, араб тили грамматикасини яратиш бўйича дунёда сезиларли из қолдирган.

Маҳмуд аз-Замахшарий асарлари А.Казимирский томонидан Қуръон таржимасини яратишда[91], Сильвестр де Саси эса томонидан эса араб тили дарслигида кенг қўлланилган[92]. Шунингдек, ушбу дарсликда С.Саси Маҳмуд Замаҳшарийнинг Қуръон тафсирига бағишланган "ал-Кашшоф" асаридан ҳам кенг фойдаланган ва матнлардан парчалар келтирилган. Ажам ва ғайри ажам халқларнинг устози сифатида тан олинган аз-Замаҳшарий мероси Францияда зўр иштиёқ билан ўрганилган. Унинг "Ўгит ва пандлардан иборат мунчоқ доналар"[93] ва "Навобиғу-л-калим"[94] номли асарларининг француз тилига таржима қилиниши араб тили грамматикасини мукаммал ўрганишда (вазн ва қофияларни шакллантиришда) катта ўрин тутган.

Қуръони карим Ғарб қуръоншунослиги тадқиқотлари учун объект вазифасини бажарган бўлса-да, лекин ушбу тадқиқотлар кейинги инглиз, немис, голланд, нидерланд ва рус тилидаги қуръоншунослик

---

[90] Обидов Р. Қуръоншунослик. – Тошкент, 2011. – Б.15.

[91] Kasimirski A de Biberstein. Le Koran. Traduction nouvelle faite sur le texte arabe par M.Kasimirski. Nouvelle edition avec notes, commentaires et preface du traducteur. – Paris, Charpentier, 1844. – P. 11.

[92] Sasy S. Chrestomathie arabe, ou extraits de divers écrivains arabes : tant en prose qu'en vers, à l'usage des élèves de l'École spéciale des Langues Orientales vivantes. Par A.I. Silvestre de Sasy. – Paris, 1806.

[93] Mahmud az-Zamakhschari. Les collier d'Or: Allocutions morales de Zamakhschari. Texte arabe suivi d'une commentaire philologique par C. Barbier de Meynard. – Paris: Imprimerie Nationale, 1876. – 258 p.

[94] Mahmud az-Zamakhschari. Les Pensées jaillessantes. Texte arabe suivi d'une commentaire philologique par C. Barbier de Meynard. – Paris: Imprimerie Nationale, 1876. – 128 p.

тадқиқотлари учун асос сифатида хизмат қилиб, умумевропа миқёсида мусулмон маданиятини танитишга сабаб бўлган.

“Ислом жалб этади, ислом қизиқтиради, ислом қўрқитади, ислом ҳамма жойда (Муҳаммад исми энг кўп тарқалган исм сифатида дунёда биринчи, Францияда иккинчи ўринда туради)”, дейилиши бежиз эмас[95].

Қуръон маъноларининг француз тилидаги таржималари гарчи турли камчиликлардан холи бўлмаса-да, лекин ўз даври учун йирик тадқиқотлар ҳисобланган. Айнан шундай тадқиқотлар орқали француслар ислом маданияти манбалари билан танишиш имконига эга бўлди. Шунингдек, ҳадис, фиқҳ, тасаввуф каби ислом илмлари соҳаларида[96] ҳам тадқиқотлар олиб борилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Европадаги исломшунослик фанлари тарихини илмий тадқиқ этиш, унинг маънавий бойлиги ва қадриятларини янада теранроқ мушоҳада этишга ҳамда ислом маданиятининг Европа халқлари тамаддуни ва тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини англашга имкон яратади. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад, ота-боболаримиз яъни буюк муҳаддис, муфассир, мутакаллим, мутасаввуф алломаларимизнинг бой илмий ва маънавий мероси Ғарбда қандай ўрганилган ва унинг жаҳон интеллектуал меросидаги мавқеи ҳамда умумжаҳон маънавий мероси ривожидаги ўрнини аниқлаш, тарихий тафаккур ривожига қўшган ҳиссасини англаш долзарб масаладир.

---

[95] Кантен Л. Понять Ислам. Ключевые слова. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2008. – С. 5.

[96] Prideaux M. La vie de Mohamet u l’on decouvert amplement la veritade l’imposture. – Amsterdam: George Galiet, 1699. – 184 p.; Querry A. Droit Musulman. Reçuel de lois, concernant les musulmans schyites. Par A.Querry, Consul de France à Tébriz. – Paris: Maisonneuve et Cie, Libraires-Éditeurs. 1871–1872,Vol. 2.; Abou-Chodja Ibn Qâsim ai-Chassi. Fath al-Qarib. La revelation de l’omniprésent. Commentaire sur le précis de jurisprudence musulmane d’Abou Chodja. – Leide, 1894.; Clavel E. Droit musulman. Du statut personel et des successions d’apres les differents rites et plus particulièrment d’apres le rite hanafite. – T.1-2. – Paris: Larose, 1895. Vol. 2. Tom 1. Du statut personel. – II. 375 p. Tom 2. Des successions. – 444 p.

ДОНИЁРОВ Алишер Худайбердиевич
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси профессори
тарих фанлари доктори
АСҚАРОВ Мирзоҳид Маҳаммаджон ўғли
ЎзР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология”
бўлими таянч докторанти.

РЕЛИГИОЗНАЯ (ИСЛАМСКАЯ) ИДЕНТИЧНОСТЬ УЗБЕКОВ И ЕЁ ЗАРУБЕЖНАЯ ИСТОРИОГРАФИЯ

Аннотация: *Маълумки, диний идентиклик Марказий Осиё, хусусан Узбекистон аҳолисининг катта қисми ҳаётининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади. Инглиз тилида ёзилган хорижий тадқиқотлар тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу масала ҳали комплекс равишда ўрганилмаган. Чунки мавжуд инглиз тилли тадқиқотлар умумий ҳолатни тўлиқ очиб беролмайди, тадқиқотларга жалб этилган манбалар ҳажми катта эмас, олдинга сурилган далиллар эса бир-бирига зид ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, шуни таҳмин қилиш мумкинки, диний идентиклик тадқиқотлари жуда қийин шароитларда олиб борилган. Чунки Совет давлати мавжуд вақтда тадқиқотлар сиқувга олинган, ўрнатилган турли сиёсий тўсиқлар эса тадқиқотчиларга эмпирик маълумотларни тўплашга тўсқинлик қилган. Мақолада, муаллиф хорижий тадқиқотчилар фойдаланган методология ва умумий йўналишни кўрсатиб беришга ҳамда уларда кузатилган камчиликларни очиб беришга ҳаракат қилган. Сабаби, диний идентиклик масалалари замонавий ўзбек идентиклигининг шаклланишидаги асосий тамал тошларидан бири ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *ўзбек идентиклиги, диний идентиклик, ислом дини, мусулмон, мусулмон тили, суфизм, сиёсий конструкция, Туркистон мусулмонлари.*

Annotation: *It is known that religious identity is an integral part of the life of the majority of the population of Central Asia, in particular Uzbekistan. The study of foreign publications shows that this area has not yet been studied comprehensively. Because the existing English-language studies do not reveal the full picture, the sources involved are few, and the presented facts are contradictory. Based on this situation, it can be assumed that the study of*

religious identity was conducted in extremely difficult conditions, since during the Soviet state, research in this area was very narrowed, and the existing political barriers did not allow many researchers to collect empirical materials. In the article, the author tried to show the general direction and methodology of foreign researchers, and to identify the most important shortcomings. Since religious identity is one of the cornerstones in the formation of modern Uzbek identity.

Key words: *Uzbek identity, religious identity, Islam, Muslim, Muslim language, Sufism, political construction, Muslims of Turkestan.*

Как известно, на сегодняшний день исследование в области «идентичности» занимает один из ведущих мест в современной этнологии и социальной антропологии. Эта тенденция коснулась и современную этнологическую науку Узбекистана. Не смотря, что понятие «идентичности» является недавним явлением, которая впервые была использована Э. Эриксоном в 40-50 года XX века, оно сумело проникнуть во многие сферы гуманитарных наук. В статье мы используем понятие «идентичности» в смысле восприятия «себя» в границе какой-либо социальной группы людей, которых объединяет либо экономические или политические выгоды, либо приобретенные идентичности после рождения. В статье мы попытаемся проанализировать и сопоставить некоторые англоязычные исследования, в котором содержаться сведения о категориях «религиозной идентичности».

Было исследовано и выявлено, что в доколониальный и колониальные периоды на территории Узбекистана сосуществовали сразу же несколько категорий «идентичностей», такие как: *религиозная (или конфессиональная), родо-племенная, территориально-региональная, сословная (клановая), языковая, хозяйственно-культурная* и т.д. Не стоит забывать, что «этнические» идентификаторы такие, как узбек, таджик и киргиз также существовали в этом культурном пространстве, однако неэтнические категории (например, племя, район, город, деревня или религия) были гораздо более склонны к использованию людьми для навигации по социальному миру чем вышеупомянутые «этнические категории»[97].

[97] Hierman B. Central Asian Ethnicity Compared: Evaluating the Contemporary Social Salience of Uzbek Identity in Kyrgyzstan and Tajikistan // Europe-Asia Studies, 2015. №67. Vol.4. P. 521-522.

Чтобы отличаться, каждый вид идентичности имел свою границу, которая отличала одну группу от другой, но это различие иногда бывало настолько неуловимым, что даже опытный исследователь мог ошибиться в их оценке. Примечательно, что с одной стороны сложность, а с другой стороны особенность идентичностей народов Средней Азии определялся их соотношением сразу к нескольким идентичностям одновременно. Этот вид идентичности можно предположительно назвать «*полиидентичностью*» или «*меняющийся идентичностью*».

Обычно зарубежные исследователи разделяют эти категории на две группы и считают, что «настоящими» идентичностями населения Центральной Азии являются те, которые выжили с досоветского прошлого. Эти идентичности были описаны как категории более широкие (например, Туркестан, ислам) или более узкие (например, родство, местность)[98].

Исходя из результатов анализа зарубежных литератур, мы разделили категории идентичностей народов Центральной Азии на несколько больших групп: *религиозную, родоплеменную, регионально-территориальную, лингвистическую и сословную (клановую)*. Их особенность в том, что каждая категория преобладала в разных местностях, иногда в одном и том же местности наблюдалось сосуществование сразу нескольких идентичностей. Подробно рассмотрим религиозную идентичность.

Религиозная идентичность, то есть отношение себя в ту или иную религиозную группу, была исследована в трудах таких исследователей, как: А. Халид[99], Д. Абрамзон[100], Д. Монтгомери[101], Ж. Расанагаям[102], Ш. Акинер[103], Ш. Акбарзаде[104], О. Феррандо[105] и др[106].

---

[98] Esenova S. Soviet Nationality, Identity, and Ethnicity in Central Asia: Historic Narratives and Kazakh Ethnic Identity // Journal of Muslim Minority Affairs, 2002. Vol. 22, №.1, P. 12.

[99] Khalid A. The Roots of Uzbekistan: Nation making in the early Soviet Union / Uzbekistan: political order, societal changes, and cultural transformations. Ed. M. Laruelle. Washington, D.C.: The George Washington University, 2017. P. 1-5.

[100] Abramson D. and Karimov E. 'Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State' / in Sahadeo, J. & Zanca, R. G. (eds) Everyday Life in Central Asia: Past and Present. Bloomington, IN: Indiana University Press, 2007. P. 319-338.

[101] Montgomery D. 'Namaz, Wishing Trees, and Vodka: The Diversity of Everyday Religious Life inCentral Asia', in Sahadeo, J. & Zanca, R. G. (eds).Everyday Life in Central Asia: Past and Present. Bloomington, IN: Indiana University Press, 2007.

[102] Rasanagayam J. Islam in Post-Soviet Uzbekistan: The Morality of Experience. Cambridge University Press, 2011. 213 p.

[103] Akiner Sh. Melting pot, salad bowl - cauldron? Manipulationand mobilization of ethnic and religious identities in Central Asia // Ethnic and Racial Studies, 1997. Vol. 20. №:2. P. 362-398.

Как нам известно, ислам являлся определяющим аспектом жизни народов Центральной Азии после полного установления здесь исламской религии. Не смотря на существования других религий и учений, ислам всегда оставался ведущим среди них. Данный факт был отмечен и Д. Абрамзоном, который считал, что священные места, преимущественно святыни, сыграли ключевую роль в повседневной духовной жизни мусульман на протяжении большей части истории региона, то есть за последние двенадцать веков.[107] По верному утверждению Д. Абрамзона, "...многие из ритуальных практик, наблюдаемых сегодня, имеют многовековые корни, у них также есть новые, современные значения для мусульман региона".[108] Действительно ли все было именно так?

Для исследователя, незнакомого с историей Центральной Азии, религиозная жизнь народа кажется заполненной противоречиями и трудно для понимания. Например, многие оседлые жители региона могут заявить, что они истинные мусульмане, но способы, которыми они практикуют свою религию, чрезвычайно разнообразны и часто действительно противоречивые. Этот феномен возникает из постсоветского контекста, в котором мусульмане Средней Азии разрываются между множественными тенденциями, влияющими на их отношение к религии[109]. Есть некоторое объяснения, почему ислам, не смотря на свое единство, все равно практикуется по-разному. Нам известно, что население нашего региона не

---

[104] Akbarzadeh Sh. The political shape of Central Asia // Central Asian Survey, 1997. Vol. 16. № 4. P. 517-542; Егоже. A note on shifting identities in the Ferghana valley // Central Asian Survey, 1997. Vol. 16. № 1. P. 65-68.

[105] Ferrando O. Manipulating the Census: Ethnic Minorities in the Nationalizing States of Central Asia // Nationalities Papers, 2008. Vol. 36. №3. P. 489-520; Егоже. Soviet population transfers and interethnic relations in Tajikistan: assessing the concept of ethnicity // Central Asian Survey, 2011. Vol. 30. № 1. P. 39-52.

[106] Hierman B. Central Asian Ethnicity Compared: Evaluating the Contemporary Social Salience of Uzbek Identity in Kyrgyzstan and Tajikistan // Europe-Asia Studies, 2015. Vol. 67. № 4. P. 519-539; См. еще: EsenovaS. Soviet Nationality, Identity, and Ethnicity in Central Asia: Historic Narratives and Kazakh Ethnic Identity // Journal of Muslim Minority Affairs, 2002. Vol. 22. №1. P. 11-38.

[107] Abramson D. and Karimov E. 'Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State' / in Sahadeo, J. & Zanca, R. G. (eds) Everyday Life in Central Asia: Past and Present. Bloomington, IN: Indiana University Press, 2007. P. 319

[108] Abramson D. and Karimov E. 'Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State' / in Sahadeo, J. & Zanca, R. G. (eds) Everyday Life in Central Asia: Past and Present. Bloomington, IN: Indiana University Press, 2007. P. 319

[109] Roberts S.R. "Everyday Negotiations of Islam in Central Asia: Practicing Religion in the Uyghur Neighborhood of Zarya Vostoka in Almary, Kazakhstan"/ in Sahadeo, J. &Zanca, R. G. (eds) Everyday Life in Central Asia: Past and Present. Bloomington, IN: Indiana University Press, 2007. P. 339.

являлось полностью оседлым или полностью кочевым, а также в разные периоды сюда проникали множество этнических групп, которые имели разную степень знаний в исламе. Вся эта разнообразная палитра этнических и хозяйственных особенностей отразилась в степени и вариации исповедования ислама.

Существуют разные мнения о том, почему религиозная (исламская) идентичность в современной Центральной Азии, в частности в Узбекистане, изучается неполноценно. Согласно результатам нашего анализа, было выявлено, что многих зарубежных авторов запутывало «двух значимость» использованных терминологий. Например, немецкая исследовательница И. Бальдауф, в своем исследовании, затруднялась определить точное значение термина «мусулмон тили». Она сомневалась в том, что следует ли рассматривать «мусулмон тили» как язык «мусульманской нации» или все таки это «псевдо-язык»[110]. По нашему мнению, чтобы корректно рассмотреть данный вопрос нужно учитывать две вещи. Первое, местное население, в большинстве случаев, различали себя как «мусулмон» в отношении к русским (европейцам), то есть жители мусульманского вероисповедания. Если смотреть с этой точки зрения, то «мусулмон тили» будет означать язык местного населения, например: «чагатайский» язык. А если смотреть на это с точки зрения религиозного языка, то «мусулмон тили» будет означать «арабский язык», то есть язык исламской религии. Конкретно в этой ситуации, когда речь шла о «мусулмон тили», то есть о мусульманском языке, она имела в виду язык мусульманского населения, то есть язык местных жителей.

Как показывает мнение некоторых исследователей, термин «мусульмане» использовался как собирательное название для местного населения Центральной Азии. Исходя из этого, можно предположить, что «мусулмон тили» это местный язык, на котором говорило большинство мусульман. Следовательно, «мусулмон тили» это не арабский язык, а чагатайский.

Исследователи по-разному оценивали роль и значение ислама в жизни народов Центральной Азии. По мнению английской исследовательницы Ш. Акинер, ислам не всегда функционировал как маркер идентичности, так как практически вся Центральная Азия исповедовала ислам, была общая система верований, общие институты,

[110] Baldauf I. Some thoughts on the making of the Uzbek nation. In: Cahiers du monde russe et soviétique, vol. 32, n 1, 1991. En Asie Centrale soviétique Ethnies, nations, États. pp. 79-95

общие социальные и культурные ценности[111]. Данное утверждение исследовательницы имеет две особенности. Во-первых, до вторжения Российской империи у местного населения не возникало потребности использовать «мусульманскую» идентичность в качестве маркера границы, так как здесь в большом количестве проживали только мусульмане. Но, во-вторых, когда данный регион был захвачен и превращён в часть Российской империи, и сюда стали переселять русское (европейское) население с другой верой, именно ислам (мусульманство) стало тем, маркером идентичности, которым обладали практически все местные жители. Следовательно, исследовательница должна была четко обозначить временной промежуток, до какого периода мусульманство не считалось маркером.

Американский исследователь А. Халид в отличии от Ш. Акинер утверждает, что в странах Центральной Азии наиболее распространенным термином для описания общины коренных народов были «мусульмане Туркестана»[112]. Как показывает практика, позиция А. Халида близка к действительности, так как другие виды локальных идентичностей (родоплеменная, языковая/диалектическая, региональная) не развились до политически значимого уровня[113].

Известно, что «мусульманин» обозначал членов конфессионального сообщества, а не тот, который определяется силой внутренней веры или ритуального соблюдения. Как в русском, так и в местном использовании «мусульманин» использовался в качестве прилагательного, относящегося к местному (сидящему) населению – «мусульманской части города», «мусульманской одежде» и даже «мусульманскому языку»[114]. Это подтверждает, что имелась перечень общепринятых атрибутов мусульманской идентичности. Именно этот вид идентичности являлся наиболее стойким новой националистической политики советского государства. Таким образом, даже в сталинскую эпоху мусульманские общины идентифицировали себя непосредственно как часть исламского

---

[111]Akiner Sh. Melting pot, salad bowl - cauldron? Manipulationand mobilization of ethnic and religious identities in Central Asia // Ethnic and Racial Studies, 1997. Vol. 20. №:2. P. 365-366.

[112]Khalid A. The Roots of Uzbekistan: Nation making in the early Soviet Union // Uzbekistan: political order, societal changes, and cultural transformations. Ed. M. Laruelle. Washington, D.C.: The George Washington University, 2017. P. 1.

[113]Esenova S. Soviet Nationality, Identity, and Ethnicity in Central Asia: Historic Narratives and Kazakh Ethnic Identity // Journal of Muslim Minority Affairs, 2002. Vol. 22. №1. P. 12.

[114]Khalid A. Making Uzbekistan: nation, empire, and revolution in the early USSR. Ithaca and London: Cornell University Press, 2015. P. 42.

мира, и были идентифицированы остальными мусульманами в других местах как часть этого мира[115].

Однако эта ситуация начала меняться с 20-х годов XX века. Мусульманская (религиозная) идентичность уступила свое место «этнической» идентификации. Эта ситуация связана с повышением сознания национальности среди народа, и отчасти с политическими действиями Советского государства.

Факты указывают, что еще в 1922 году на вопрос о «национальности» респонденты отвечали как: узбек, 43; ислам, 2; муслим 4; сарт, 2; узбек тюрк, 1; нет ответа, 33[116]. По приведенному примеру видно, что население, в большинстве случаев, уже идентифицировала себя как «узбек», а некоторые считали себя «мусульманином». Но некоторое количество местного населения просто не знала, как отвечать на вопрос, так как они ощущали себя одновременно и узбеком, и мусульманином, и поэтому они просто не давали ответа. Это доказывает, что до появления национального государства уже имелось понимание узбекской идентичности, но также имело место «множества идентичности», а процесс демаркации и создания национальных Советских государств дала толчок для кристаллизации этих процессов.

Самые противоречивые результаты были выявлены в процессе исследования Ферганской долины. Местное оседлое население в течении многих веков впитывала в себя всевозможные этнические компоненты, и каждый из них по-своему пытался сохранить свою «самость», что привело к формированию разновидных идентичностей, которые не отрицали друг друга.

Как считает австралийский исследователь Ш. Акбарзаде, для жителей Ферганской долины идентичность была многослойной концепцией; активация каждого слоя зависела от внешних обстоятельств. Все больше сталкиваясь с «кафир»скими[117] россиянами в XVIII веке, *локальные* (курсив мой – М.А.) идентификационные знаки были недостаточными, чтобы выразить глубину разницы, которая отделяла их. Их идентичность, связанная с местом рождения/проживания или их подчинением хану были

---

[115]Voll J.O. Central Asia as a Part of the Modern Islamic World / Central Asia in historical perspective.Edited by Beatrice F. Manz. USA: Westview Press, 1998. P. 66.

[116]Khalid A. Making Uzbekistan: nation, empire, and revolution in the early USSR. IthacaandLondon: CornellUniversityPress, 2015. P. 278.

[117]Кафир это – человек, не исповедовавший ислам, и живущий по правил противоречащим законам шариата.

отнесены к второстепенному значению, когда они столкнулись с сообществом не мусульман. Конфессиональная идентичность стала известной среди мусульман Ферганской долины, и в этом они нашли основания для единства с другими мусульманами в ханствах Бухары и Хивы[118]. Автор, верно, отметил особенность изменения вектора идентичности в Ферганской долине.

Вся этническая, родословная или территориальная самоидентификация отошла во второй план после возникновения внешнего, немусульманского агрессора, что стало причиной укрепления «мусульманской (религиозной)» идентичности. Ш. Акбарзаде наверно именно это хотел выделить, но только не дописал последнее, решающее предложение.

В исследованиях О. Феррандо встречается информация о некоторых категориях самоидентификации до колониального периода. В частности, автор пишет, что в доколониальные времена среднеазиатцы не были знакомы с этнонимами. Они использовали разные регистры идентичности в зависимости от ситуации: связи с родиной дали указание на географическое происхождение; профессиональная деятельность выявила свою роль в обществе; религиозные практики указывают на общую веру. Общество было структурировано по линии сетей солидарности, члены которых осознавали общую семью, родство, клан, племя или территориальную идентичность[119]. Однако автор не указывает, который среди идентификаций следует считать первостепенным или преобладающим среди остальных. Также, он не уточняет о возможности соотнесения сразу к нескольким идентичностям одновременно.

Согласно результатам историографического анализа, было также выявлено, о существовании отрицающих выводов по отношению религиозной идентификации. Например, исследовательница А. Сенгупт считала, что в Центральной Азии «ислам» никогда не был реальностью. И отмечает, что различные другие тенденции, такие как суфизм или даже доисламские религии, такие как шаманизм и другие религии, особенно буддизм, оказывали широкое влияние и обладали властью. Существует также взаимодействие в регионе между догматической религией, суфизмом и народным благочестием, «официальным» исламом и

[118]Akbarzadeh Sh. A note of shifting identities in Ferghana valley // Central Asian Survey, 1997. Vol.16 №1. P. 65-66.

[119]Ferrando O. Soviet population transfers and interethnic relationsin Tajikistan: assessing the concept of ethnicity // Central Asian Survey, 2011. Vol.30.№1. P. 43-44.

«популярным» исламом. И делает заключение, что все эти потоки разделяют одну веру, но социальные структуры, в которых развивались их общие исламские настроения, различались, как и их политический опыт[120].

В качестве аргумента она ссылается на большое количество западных грантов по исследованию решающей роли «Ислама» в регионе, что было обусловлено «анти-Исламской» пропагандой Советского государства[121].

Действительно, во время так называемого «холодного» периода поощрялись антисоветские исследования. Однако это не может отрицать тот факт, который на самом деле здесь достаточно долго существовал. То есть, существования общей «исламской» идентичности, которая показала себя еще до появления Советского государства, во время колониальной политики Российской империи.

По мнению А. Сенгупт, нужно критически рассматривать роль ислама как общую идентичность для региона, поскольку общая исламская культура не оказалась силой, достаточно сильной, чтобы объединить центральноазиатские государства. В заключении автор делает акцент на то, что в регионе существует много видов ислама. Синкретическая культура региона также будет означать, что религия тоже имеет синкретическую форму, и она представляется как образом жизни, нежели чем система хорошо интегрированных структур. И напоследок утверждает, что ислам, является политической конструкцией новой националистической элиты[122].

По нашему видению, сохранение некоторых черт местных доисламских верований, подтверждает утверждение о том, что население Центральной Азии издревле является автохтонным, а с приходом исламской религии в VIII веке, эти религии заменяются исламской, но с сохранением некоторых местных традиций. Там, где Басилов и Снесарев предполагают идею унитарного «чистого» ислама и пытаются отличить это от неисламской или доисламской практики, более продуктивно

---

[120]Sengupt A. The Making of a Religious Identity: Islam and the State in Uzbekistan // Economic and Political Weekly, 1999. Vol. 34. No. 52. P. 3649-3652.

[121] Для примера разнообразности религиозных верований в Центральной Азии, которые встречались в советской этнографии, А. Сенгупт предлагает ознакомиться исследованиями Г.П. Снесарева и В.Н. Басилова.

[122]Sengupt A. The Making of a Religious Identity: Islam and the State in Uzbekistan // Economic and Political Weekly, 1999. Vol. 34. No. 52. P. 3652.

рассматривать всю идентифицированную мусульманскую практику, как часть единой местной традиции[123].

Если смотреть на исламскую идентичность с точки конструктивисткой теории, то для его создания и эффективного существования нужны средства пропаганды, такие как печатные издания. Именно приход печатного капитализма позволил влиять на сознание очень большого ареала населения. А такого масштабного печатного производства не существовало на территории Центральной Азии до прихода Российской империи, что является подтверждением о не возможности конструирования исламской идентичности в то время. Следовательно, толчком для консолидации в границах одной исламской (религиозной) идентичности стало вторжение Российской империи, и появлении на крае населения другой религии.

В заключении нужно подчеркнуть, что до сих пор существует путаница в понятии и оценки роли религиозной (исламской) идентичности в жизни народов Центральной Азии, в частности Узбекистана. Существующие расхождения во мнениях, подтверждает о необходимости комплексного исследования в досоветский период истории узбекского народа. Большинство зарубежных исследований остаются не изученными, что приводит к возникновению ложной действительности, которые они выдают за факты. Решения этим проблемам можно найти только посредством совместных исследований.

МУСТАФАЕВА Нодира Абдуллаевна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими раҳбари,
тарих фанлари доктори

ХХ АСРДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Annotation: *The article analyzes the research of the twentieth century on the study of the Khorezm Academy of Mamun, which made a significant contribution to the development of world science and culture. On the example*

[123]Rasanayagam J. Healing with spirits and the formation of Muslim selfhood in post-Soviet Uzbekistan // Journal of the Royal Anthropological Institute (N.S.), 2006. Vol. 12. P. 381.

of historiographical processes, it is shown that the study of this issue is determined by a great interest in the history of science.

Key words: *Mamun Academy, Dorul Hikma, Abu Rayhan Beruni, Abu Ali Ibn Sina, scientific research, source studies , historiographical process.*

Аннотация: *В статье анализированы исследования XX века по изучению Хорезмской академии Маъмуна, которая внесла значительный вклад в развитие мировой науки и культуры. На примере историографических процессов показано, что изучение данного вопроса определяется большим интересом к истории науки.*

Ключевые слова: *Академия Маъмуна, Дорул хикма, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сина, научные исследования, источниковедение, историографический процесс.*

Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон тарих фанининг долзарб вазифаси саналади. Маълумки, Мовароуннаҳрда X-XII асрлар мамлакат тараққиётида юксак даражага эришиш, барча соҳаларда буюк, истеъдодларни етказиб беришда муҳим босқич бўлган давр ҳисобланади. Айниқса, X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмда иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги юксалиш ва Хоразмшоҳ маъмунийларнинг илм аҳлига ҳурмат-эътибори натижасида даврнинг энг машҳур олимларининг Гурганжда тўпланиши туфайли илм-фан, адабиёт, тарих янада ривож топди. Шарқнинг энг улуғ, машҳур олимлари тўпланган йирик илмий марказ — “Дорул ҳикма”, (“Донишмандлар уйи”) Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун фармони билан ўз фаолиятини бошлади.

Маъмун академияси турли фан соҳаларида тадқиқотлар ўтказиладиган ўз даврининг етук ва йирик регионал ва халқаро даражадаги илмий масканга айланди. Уни машҳур немис олими Карл Броккельман илк маротаба илмий жамоатчиликка «АКАДЕМИЯ» деб тақдим этди.

Хоразмшоҳ Маъмун II даврида “Дорул ҳикма” довруғи янада ошди. Бу даргоҳда хоразмликлардан ташқари Бухоро, Самарқанд, Нишопур, Марв, Балх, Эрон, Ҳиндистон, Миср, Сурия, Ироқ ва бошқа мамлакатлардан ҳам илмга ихлос қўйган олиму фузалолар муҳим тадқиқотлар олиб бориб, турли соҳаларда буюк кашфиётлар яратдилар. Абу Райҳон Беруний бошчилигида Абу Наср Ироқ, Абул Хайр ибн

Ҳаммор, Абу Сахл Масихий, Абу Али ибн Сино каби кўплаб олимлар илм-фанда янгиликлар уларнинг салоҳиятини дунёга танитди.

Мазкур илмий марказ фаолиятида унинг вазири Абу-ал-Хусайн Ахмад ибн Мухаммад Ас-Суҳайлининг ўрни беқиёс эди. Машҳур шарқшунос олим Ю.Н.Завадовский қайд этганидек, муассасани ташкиллаштириш, тузилмаларини шакллантириш ва молиявий масалаларни ҳал этиш бу шахснинг зиммасида эди[124].

Маъмун академияси тарихда қисқа вақт фаолият юритган бўлса ҳам, унда астрономия, математика, табобат, кимё, география, минералогия, геодезия каби табиий фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, адабиёт, тилшунослик, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар соҳаларида ҳам бир қанча кашфиётлар, янгиликлар яратилдики, буларнинг ҳаммаси дунё тамаддунига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса, академияда математика, геометрия фанларида яратилган “Ҳаммор теоремаси”, табобат соҳасида Ибн Синонинг тиб қонунлари, кимё соҳасида моддаларнинг солиштирма оғирликларини аниқлаш, уларни иксирлаш масалалари, Берунийнинг астрономия, минералогия, гидрология, география соҳаларидаги янгиликлари, дунёда илк бор Ер шарини акс эттирувчи рельефли глобуснинг кашф этилиши, эклиптика текислигининг экваторга нисбатан оғиш катталигининг аниқ ўлчаниши, географик кенгликларнинг ниҳоятда аниқликда белгиланиши, тарих, адабиёт, санъат, тилшунослик соҳаларида яратилган кўплаб асарлар илм-фаннинг бугунги тараққиётига ҳам хизмат қилмоқда.

Шу қисқа давр ичида бу даргоҳдан жаҳон илм-фани хазинасини ўзининг бебаҳо асарлари билан бойитган қомусий олимлар етишиб чиққани диққатга сазовор. 1017 йили Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан забт этилади ва бунинг оқибатида кўпчилик олимлар Ғазнага олиб кетилади.

“Дорул ҳикма” фаолияти Хоразмшоҳлар — Ануштегинлар давлати барпо этилиши билан Маъмун академияси фаолиятининг иккинчи даври бошланди. Бу даврда ҳукм сурган Қутбиддин Отсиз, Эл Арслон, Такаш, Алоуддин Муҳаммад ва ўғли Жалолиддин Мангуберди илм-фан ривожига катта эътибор берганлар. Бу даврда Фахриддин Розий, Исмоил Варрақ Азриқий, Ал Марвазий, Умар Чағминий каби олимлар фаолият кўрсатган.

Бевосита Хоразм Маъмун академияси тарихини ўрганилиш жараёнига назар солинса, аввало, бу мавзу XX асрда илм фан тарихига бўлган

[124] Қаранг: Завадовский Ю.Н. Абу Али Ибн Сина , жизнь и творчество. – Душанбе, 1980.

қизиқишнинг ортиши билан белгиланади. Айниқса, ўрта асрлар Ислом даври маданиятини тадқиқ этишда улкан ишлар амалга оширилди. Хориж тарихшунослигида бу масалага алоҳида эътибор берила бошлагач, совет сиёсатининг дунё мафкуравий вазиятидаги етакчилигини кўрсатиш, шунингдек, жаҳон илм фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган қомусий олимларнинг Ўрта Осиё ҳудудида етишиб чиққанлиги нуқтаи-назаридан совет ижтимоий фанлари зиммасига ушбу муаммони ўрганиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, бу жараён катта кўламдаги мавжуд манбалар ва қўлёзмалар хазинасини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ эди. Бу борада йирик шарқшунос олим В.В.Бартольднинг номини алоҳида қайд этиш лозим[125]. Олимнинг асарларида IX-XIII асрлар Ўрта Осиё ҳудудида маданий ҳаёт, бу давр илмий адабиётлари таҳлилига алоҳида эътибор берилганлиги билан алоҳида диққатга сазовор.

Совет даври илмий адабиётларида Хоразм Маъмун академияси ҳақидаги маълумотлар бевосита араб дунёси фани ва маданияти контекстида тақдим этилди. Бу ўринда А.Ю.Якубовский, Т.И. Райнов, И.Ю. Крачковский, Г.П. Матвиевская, И.П.Петрушевский каби олимларнинг ишларини келтириш жоиз[126]. Шунингдек, бу даврда мусулмон ўрта асрлари даври фан ва маданиятига тааллуқли бўлганхорижий илмий адабиётлар таржимасига қўл урилди[127].

Ўзбекистонда ҳам бу борада самарали натижалар қўлга киритила бошланди. Ўрта Осиёда ўрта асрлар давридаги табиий ва ижтимоий фанлар тарихини ёритувчи К. Муниров, А. Аҳмедов, А.Файзуллаев, М.Хайруллаев, М.Ахадова, И.Абдуллаев, З.Буниятов каби шарқшунос ва файласуф олимларнинг бир қатор илмий тадқиқотлари яратилди[128].

---

[125] Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана//Сочинения. Том 2. М.1963; Шу муаллиф. Работы по исторической географии//Сочинения. Том 3. М.1965; Шу муаллиф. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии//Сочинения. Том 2; часть 2. М.1964; Шу муаллиф. Туркестан в эпоху монгольского нашествия//Сочинения. Том 1. М. 1963.

[126] Якубовский А.Ю. Культура и искусство Средней Азии. Л., 1940; Райнов Т.И. Великие ученые Узбекистана (IX XI вв). Ташкент, 1944; Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература//Изб.соч. Том 4. М,Л, 1957; Матвиевская Г.П. К истории математики Средней Азии IX-XV веков. Ташкент, 1962. 125с.; Шу муаллиф. Учение о числе на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент, 1967; Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках. Л., 1966.

[127] Гибб Х.А. Арабская литература (классический период). М.1960. 187с.; Мец. А. Мусульманский Ренессанс. М., 1973 ва б.

[128] Муниров К. Сокровищница восточных рукописей. М.,1962. 23с.; Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Тошкент, 1971; Ахмедов А.А. Вопросы обоснования геометрии на средневековом востоке. Автор.дисс.к.физ-мат.н. Ташкент, 1970; Шу муаллиф. Вопросы обоснования геометрии на средневековом Ближнем и Среднем

Совет йилларида Хоразм Маъмун академиясининг тарихига мурожаат нима учун қизиқиш уйғотди? деган ҳақли савол туғилади. Бу энг аввало, илмий масканнинг йирик дарғалари бўлган, жаҳон илми ва тамаддунида алоҳи ўринга эга бўлган, Ўзбекистон заминида таваллуд топган Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мухаммад ибн Мусо ал Хоразмий каби олимларнинг номлари билан боғлиқ эди. Энг муҳими, ушбу мутафаккирларнинг илмий меросларини таржима қилиш ва кўп жилдли танланган асарлар кўринишида тақдим этиш каби эзгу ишлар амалга оширилди[129]. Абу Райҳон Беруний[130], Абу Али ибн Сино[131], Муҳаммад ал

Востоке. Ташкент, 1972; Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент, 1972; Файзуллаев А.Ф. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. Ташкент, 1974; Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане /Под ред. И.М.Муминова и М.М.Хайруллаева/. Ташкент, 1976. -588; Математика и астрономия в трудах ученых средневекового Востока /под ред. С.Х.Сиражиддинова/ Ташкент, 1977. -141с.; Матвиевская Г.П., Тллашев Х.Х. Математические и астрономические рукописи ученых Средней Азии X-XVIII вв. Ташкент, 1981. -143с.; Очерки истории арабской культуры (V-XV вв) М., 1982; Ахадова М.А.Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага оид ишлари (VIII-XV асрлар). Тошкент, 1983. 216 б.; Абдуллаев И.А. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане в X начала XI вв. Ташкент, 1984. 255с.; Буниятов З.М. Государство хорезмшахов Ануштегинов. 1097-1231гг. М., 1986. 247с.

[129] Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. Тошкент, 1973-1976. 5та жилд; Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., 1968; Абу Рейхан Бируни. Индия. Под ред. А.Б. Халидова, Ю.Н. Завадовского, В.Г. Эрмана. Репринтное воспроизведение текста издания 1963 г. - М., 1995; Абу Али Ибн Сина. Канон врачебной науки, т. 2, перевод с арабского Ю.Н. Завадовского и С. Мирзаева, Ташкент, ФАН, 1982, 832 с.; Ибн Сино. Тиб қонунлари. Тошкент, 1956, 1960, 1961.; Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми. Математические трактаты. Ташкент, 1983; Мухаммад ибн Мусо ал Хоразмий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Аҳмедов А.А. Ташкент, 1982.

[130] Ахадова М.А. Беруний ва унинг математикага оид ишлари. Тошкент, 1976. 32б.; Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Ташкент.1972; Матвиевская Г.П. Беруний ва табиий фанлар. Тошкент, 1963. 48б.; Мўминов И.М. Хоразмлик буюк энциклопедист олим. Тошкент, 1973; Умаров Г.Я. Беруни, Коперник и современная наука. Ташкент, 1973; Шарипов А.Д. Великий мыслитель Абу Райхан Бируни. Тошкент, 1972 ва б.

[131] Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига. Тошкент. 1980. 200б; Абу Али ибн Сина и естественные науки. Ташкент, 1981. 250с.; Ахадова М.А. Абу Али ибн Сино ва физика математика фанлари. Тошкент, 1980. 46 б.; Ахмедов А.А. Научное наследие ал Хорезми и его место в истории науки и культуры. Дисс.докт.ист.н. Ташкент, 1986; Завадовский Ю.Н. Абу Али ибн Сина. Жизнь и творчество.(по таджикским, персидским и арабским рукописным источникам). Душанбе, 1980. -112с.; Завадовский Ю.Н. Абу Али ибн Сина. Опыт критической биографии. Автореф. Дисс. К.ист.н. Ташкент, 1958. 23с.; Завадовский Ю.Н. Абу Наср ал Фараби второй учитель, и Абу Али ибн Сина иначе называемые ал- Фарабийани (два Фараба)//Аль Фараби. Научное творчество. М.1975. с.100-111.; Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент, 1980. 202б.; Каримов У. О медицинском наследии Ибн Сины// К 1000 летию со дня рождения Ибн Сины. Ташкент, 1980. С.122-149.; Терновский В.Н. Ибн Сина. М. 1969. 190с.; Математика и астрономия в трудах Ибн Сины, его современников и последователей. Ташкент, 1981 ва б.

Хоразмий[132] ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритувчи тадқиқотлар кенг жамоатчиликка тақдим этиб борилди. Бу мутафаккирлар ҳақида яратилган илмий адабиётлар библиографияси тарихшунослик соҳасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди[133]. Бундан ташқари совет йилларида Ўзбекистонда Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий ҳаёти ва фаолиятини ўрганувчи қатор илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилди[134]. Фанлар академияси Шарқунослик институти олимлари томонидан кўп жилдлик "Шарқ қўлёзмалари тўплами"нинг нашр этилиши Ўзбекистон манбашунослиги фанига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди[135]. Табиийки, унинг саҳифаларида Маъмун академиясида фаолият олиб борган олимларнинг асарларига ҳам кенг ўрин берилди. Мустақиллик йилларида бу тўпламнинг махсус аниқ ва табиий фанлар ҳамда медицинага бағишланган жилдлари чоп этилди[136].

Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида Хоразм Маъмун академияси тарихининг ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу мавзуга доир тадқиқотларни шартли равишда икки қисмга, яъни, 1991-1997 йиллар ва 1997 йилдан ҳозиргача бўлган даврга бўлиш мақсадга мувофиқ.

1994 йилда М.Жуманиёзовнинг ""Маъмун академияси" номли китоби нашр этилди[137]. Унда мазкур илм даргоҳида фаолият олиб борган олимлар ҳақида маълумотлар тақдим этилди. А Зоҳидий, М.Хайруллаев, Р.Баҳодиров каби олимлар ўрта асрлар давр илм фани ривожини "Мусулмон маданияти", "Уйғониш даври маданияти" контекстида таҳлил этдилар[138]. Ўзбекистон ижтимоий фанлари соҳасида, айниқса фан тарихи кесимида Хоразм Маъмун академияси тарихига у ёки бу маънода тааллуқли бўлган диссертацияларнинг ёзилганлиги ҳам диққатга сазовор[139].

---

[132] Файзуллаев А.Ф. Муҳаммад ал Хоразмий ва унинг илмий мероси. Тошкент, 1983.

[133] Лунин Б.В. Библиографический указатель советской литературы об Абу Али ибн Сине и издание его произведения. (1918-1978).//ОНУ. 1979 №4.39-62с.; Аль Хорезми в зарубежной научной литературе /Составитель В.Замараев/. Ташкент, 1983. -70с.

[134] Носиров А.,Хикматуллаев А. Ахмад Фаргоний. Тошкент, 1966. 24б.; Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. Ташкент, 1967. 355с. ва б.

[135] Собрание Восточных рукописей АН УзССР. 1-11 тома. Ташкент, 1952-1987.

[136] Собрание Восточных рукописей АН РУз. Точные и естественные науки. Ташкент, 1998. -248с.; Собрание Восточных рукописей АН РУз. Медицина. Ташкент, 2000. -304с.

[137] Жуманиязов М. Маъмун академияси. Урганч 1994.

[138] Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб мусулмон маданияти . Тошкент, 1993; Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Тошкент, 1994; Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал Хоразми ва илмлар таснифи тарихидан. Тошкент, 1995. 143б.; Ҳомидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. Тошкент, 1995. 176б.

[139] Ибодов Дж.Х. Арабские и персидские энциклопедии X-XVIII вв. как источник по истории точных наук. Автореф. дисс.на соис.уч.ст. к.ист.н. Ташкент, 1994; Аҳмедов Т.Н.

1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1880-сон фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ Хоразм Маъмун академияси Хива шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида Мусулмон Ренесанси даври маданияти ва илм фанида Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг фаолияти, фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда асарлари таҳлил қилинган тадқиқотлар сони ортди. Хусусан тарих (Б.А. Абдухалимов С.У. Каримова, Р.М. Баходиров, Р.Б.Матибаева)[140], филология (З.М. Исломов)[141], юридик (Ф.А.Мухитдинова)[142], педагогика (Ф.А. Бабашев, К.Ж.Носиров)[143], фалсафа (П.К.Хабибуллаев, А.Ф.Файзуллаев, Ф.Н.Жўрақулов)[144] соҳасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 ноябрь “Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш

Беруний асарларида дин муаммолари. Фалсафа ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1994; Машарипова Г.К. Абу Али ибн Сино “Усул илм ал ҳандаса” асарининг математик манба сифатида фан тарихидаги ўрни”. Тарих ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1995; Назаров А.Ф. Мумтоз ийқоъ назарияси (Форобий ва Ибн Синонинг мусиқий ритмика таълимоти). Санъатшунослик ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1995.

[140]Абдухалимов Б.А. «Байт ал Ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Боғдоддаги илмий фаолияти. (IX XI асрларда табиий фанлар). Тарих ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. Тошкент, 2001. 304б.; Каримова С.У. Роль ученых Мавераннахра и Хорасана в развитии химии и фармакологии на средневековом Востоке (по письменным источникам IX XI вв). Автореф.дисс.д.ист.н. Ташкент, 2001.; Маънавият юлдузлари. Тошкент, 2001. Бахадиров Р.М. Классификация наук на средневековом мусульманском Востоке. Ташкент, 2000; Матибаева Р. Б. Абу л Муайяд ал Маккий ал Хоразмийнинг “”Маноқиб Аби Ханифа” асари ханафийлик бўйича нодир манба. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2010.

[141] Исломов З.М. Маҳмуд Замахшарийнинг “”Муқаддамату л адаб” асарининг қўлёзма манбалари ва арабча туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий танқидий матни. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 1998.

[142] Мухитдинова Ф.А. Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий ҳуқуқий таълимотлари (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сиёсий ҳуқуқий қарашлари асосида). Юридик фанлари доктори илмий даражасини ёзилган диссертация. Тошкент, 2010.

[143] Бабашев Ф.А. Хоразм Маъмун академияси алломаларининг маърифий аҳлоқий қарашлари. Педагогика ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2000; Носиров К.Ж. IX X асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг аҳлоқий тарбия ҳақидаги ғоялари (Ал Бухороий ва ал Форобий асарлари мисолида). Педагогика ф.н. илмий даражасиниолиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2000.

[144] Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация. (под ред. П.К.Хабибуллаева и А.Ф.Файзуллаева). Ташкент, 2000. Жўрақулов Ф.Н. Абу Райҳон Беруний табиий илмий ва ижтимоий фалсафий меросининг ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши. Фалсафа фанлари номз. илм.д. диссертация. Тошкент, 2007.

тўғрисида”ги 532-сон қарори том маънода бу мавзуни ўрганишга кенг имкониятлар яратди.

Энг аввало, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш бўйича юбилей тадбирлари ўтказиш режалаштирилди. 2006 йил ЮНЕСКО ҳомийлигида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. 2006 йил 2 ноябрь Хивада «Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди ва маърузалар тўплами нашр қилинди [145].

2006 октябрь ойида Берлиндаги Макс Планка номидаги Тарих институтида Германиядаги Ўзбекистон элчихонаси ҳамкорлигида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказилди. Беруний ва Ибн Синоларнинг ҳаёти ва фаолияти билан шуғулланувчи Берлин-Бранденбург фанлар академияси профессори Готхард Штромайер: “Хоразм Маъмун академияси жаҳон цивилизациясининг энг қадимги илмий марказларидан бўлиб, узоқ йиллар давомида регионнинг ижтимоий сиёсий, маънавий маърифий ва маданий тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлди”, деб таъкидлади. Конференция доирасида немис ва инглиз тилларида "Peter Stein Verlag" нашриёти ҳамкорлигида нашр этилган "Хорезмская Академия Маъмуна - древний и вечный храм науки" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тантаналар муносабати билан мавзу доирасида бир неча илмий тўпламлар[146], монографиялар[147] ҳам чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистон

---

[145] Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм фани тараққиётидаги ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент Хива, 2006. 207б; Боннель М. Место и роль Академии Маъмуна и утверждении идей толерантности и диалога между цивилизациями// Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм фани тараққиётидаги ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент Хива, 2006 194 198 б.; Дайбер Х. Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмдаги илмий алоқалар ва маданият// Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм фани тараққиётидаги ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент Хива, 2006. 108 110бб.; Файзуллаев А.Ф. Философская дискуссия Беруни с Ибн Синой и ее значение для современной науки // Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни / Халқаро анжуман материаллари. Тошкент-Хива: Фан, 2006. – Б. 177-180.

[146] Хоразм Маъмун академияси. Илмий монографик тўплам. Тошкент 2005; “Мажлиси уламо” (Хоразм Маъмун академияси) ўрта аср Шарқининг йирик илмий маркази. ТДШИ. Илмий – амалий конференция материаллари. Тошкент 2006.

[147] Бабашев Ф. Хоразм Маъмун академияси – маърифат ўчоғи. Тошкент, 2005; Исломов Т. Аҳмад Фарғоний ва Байт ул Ҳикма. Тошкент, 2006; Кабулов В.К., Файзуллаев А.Ф., Назиров Ш.А. Ал-Хорезми, алгоритм и алгоритмизация. Т: Фан, 2006. – 664 с.

Республикаси биринчи Президенти И.Каримов Хоразм Маъмун академияси фаолияти тарихи ва унинг илмий меросини таълим муассасаларида ўқитиш таклифини ўртага ташлади[148]. Ушбу таклиф инобатга олиниб, ижодий ўрганилган ҳолда, 2007 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ўрганиш бўйича 10 соатлик (6 соат маъруза, 4 соат семинар) факультатив дарс ва семинар машғулотларини ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Буйруқда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш чора – тадбирлари белгилаб берилди. Олий таълимнинг бакалавриат мутахассислари учун мўлжалланган «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм – фани тараққиётидаги ўрни» факультатив курси бўйича услубий тавсиялар ва ўқув дастури тайёрланди[149].

2017 йилнинг 27 январида Хоразм вилоятига сафари давомида Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Хоразм Маъмун академиясига ташриф буюрди. 2017 йилнинг 14 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 211-сонли қарори қабул қилинди. Мамлакат раҳбарининг таклиф ва мулоҳазалари ҳамда ушбу қарор Республика Фанлар академиясининг минтақавий бўлими — Хоразм Маъмун академиясининг келгуси фаолиятини янада ривожлантириш ва илмий тадқиқотларни кучайтириш, уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Бу эса Ўзбекистон илм фани тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган Хоразм Маъмун академияси тарихини яна кенгроқ тадқиқ қилишни ва фундаментал тадқиқотларни яратишни тақозо этади.

---

[148] Каримов И.А. “Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди”. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. “Халқ сўзи”, 2006 йил 3 ноябрь.

[149] «Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм – фани тараққиётидаги ўрни» факультатив курси бўйича услубий тавсиялар ва ўқув дастур. Тузувчи: фалсафа фанлари номзоди, А. Сафаров. Самарқанд, 2007.

НУРИДИНОВА Тамара Садриддиновна
Государственный музей искусств Узбекистана,
старший научный сотрудник,кандидат исторических наук

УДОВЕНКО Ольга Юриевна
заведующий отделом НПИ Узбекистана
Государственный музей искусств Узбекистана

МУЗЫКАЛЬНЫЕ ИНСТРУМЕНТЫ: ВИДЫ И ИХ РАЗВИТИЕ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: *Данная статья посвящена появлению музыкальных инструментов на территории Узбекистана. Рассматриваются музыкальные инструменты различных видов на примере произведений из коллекции Государственного музея искусств Узбекистана.*

Ключевые слова: *музыка, искусство, фрески, храм, оссуарии, музыкальные инструменты, композиция.*

Annotation: *This article is devoted to the emergence of musical instruments in Uzbekistan. The article discusses the various types of musical instruments on the examples from the collection of the State Art Museum of Uzbekistan*

Key words: *music, art, fresco, temple, ossuary, musical instruments, composition.*

Вопрос конкретной даты зарождения музыкального искусства, происхождения музыки, очевидно, навсегда останется открытым. Существует немало легенд о возникновении музыки, так древние греки приписывали музыке божественное начало и считали музыку даром богов, а бога Аполлона – покровителем музыки и искусств, его изображали с кифарой, разновидностью лиры. С древнейших времен человек выражал в пении свои чувства, отношение к окружающему миру и с развитием человека, развивалось и музыкальное искусство. Трудно представить себе музыку первобытного человека, но если, обратить внимание на современные племена, живущие в условиях первобытнообщинного строя, на их «пение»: звукоподражание крикам птиц и животных, простых напевов из повторений нескольких звуков – это ли не зачатки музыкального искусства, хотя и не отличающегося благозвучием. К первым музыкальным инструментам можно отнести разного рода

колотушки из кусков дерева, камней. Барельефы на развалинах ассирийских храмов, египетские фрески, памятники на территории Узбекистана сохранили для нас изображения музыкантов и музыкальных инструментов. Фигурки различных музыкантов лютнистов, флейтистов, барабанщиков, арфистов на фризе из Айртама I в.н.э., терракотах и росписях дворцов и храмов Топрак-калы III в.н.э., Пянджикента VII в.н.э., оссуариях говорят о высокоразвитом музыкальном искусстве далеких эпох. Видя, эти древние музыкальные инструменты и зная, как звучат их современные аналоги, можно представить себе общее музыкальное звучание тех давних времен.

Средняя Азия является регионом, имеющим богатую музыкальную культуру и традиции искусства изготовления музыкальных инструментов. Народные музыкальные инструменты длительное время складывались в существующие ныне классические формы инструментов с выработавшимся внешним видом, звучанием, использованием определенных видов материалов при их изготовлении. Формы узбекских, каракалпакских, казахских, туркменских, таджикских, иранских, афганских, индийских музыкальных инструментов имеет схожие черты, что объясняется общностью культурного развития. Узбекские музыкальные инструменты отмечаются разнообразием видов ударных, струнных и духовых инструментов. Наиболее популярны среди ударных инструментов - дойра, нагара, кайрак, сафаиль; среди духовых – карнай, най, сурнай; среди струнных – дутар, танбур, рубаб, гиджак, чанг.

Ударные музыкальные инструменты, как было отмечено выше, относятся к ранней стадии развития музыкального искусства. Основным прототипом ударных инструментов являются ладони человека – ими он отбивал ритм, хлопая, еще, будучи на ранних ступенях своего развития. Хлопки в ладоши, сопровождающие пение и танец очень распространены в Узбекистане. Использование камней, костей, дерева в качестве ударных инструментов является еще одной стадией музыкального искусства. К таковым относятся кайрак-каменные кастаньеты, кошук-ложка. Другим древним ударным инструментом является бубен. В Узбекистане бубен носит различные названия – дойра, чильдырма, чирманда, дапп и др. и имеет широкое распространение. Бубен состоит из деревянного корпуса-обруча обтянутого кожаной мембраной. С внутренней стороны к обручу прикрепляются металлические кольца, при игре на бубне, кольца, ударяясь друг о друга, создают шумящий звук. По кругу дойры из

собрания ГМИ Узбекистана (ИНВ-81) проходит деревянный обруч инкрустированный перламутром. Узорные композиции отграничены медной проволокой. По верху обруча располагаются десять одинаковых по узору полос, отделенных друг от друга поперечными «лентами». В каждой полосе основу узора составляет цепь вытянутых овалов. Обруч диаметром 42 см обтянут животным пузырем. При игре дойрист использует четыре пальца обеих рук, извлекая из бубна большое количество различных ритмов. Дойра является популярным народным инструментом, под ее аккомпанемент исполняются танцы и песни. Нагора - тип литавр, древнейшего музыкального инструмента. Котлообразный корпус из керамики или металла затянут животной мембраной. Сетка из сухожилий обтягивает корпус и крепит мембрану. В основном литавры входили в состав военного оркестра, также нагора используется во время больших праздников и свадеб.

Наиболее ранние духовые инструменты были сделаны из костей животных и человека, также из рогов животных, затем появляются трубы из глины и металла (меди), к каковым относится карнай. Карнай представляет собой длинную 2-х метровую (и более) латунную составную трубу с расширяющимся раструбом. Карнай исполняет роль фанфар и используется в торжественных случаях (свадьбах, праздниках). Виртуозные карнайчи одновременно с исполнением мелодии делают вращательные движения в воздухе раструбами карнаев. Это придает живописности музыкальному ансамблю. Другой вид духового инструмента – най, тип флейты. Най (в переводе с иранского «камыш») – разновидность свистковой флейты. Най из собрания ГМИ Узбекистана (ИНВ-10) имеет 8 отверстий для пальцев, сделана флейта из камыша и перевязана кишечными струнами. Сурнай (тип гобоя) отличается от других узбекских духовых инструментов сложностью своей конструкции. Известны гобои, найденные в египетских пирамидах, т.о. за 2000 лет до н.э. этот инструмент уже имел сложившуюся форму и конструкцию. Сурнай имеет коническую форму корпуса, хорошо отполированного, покрытого резьбой или инкрустацией. Сурнай из собрания ГМИ Узбекистана (ИНВ-69), работы Усмана Зуфарова сделан из цельного куска дерева с семью круглыми отверстиями по одной стороне и одному – с другой. Инструмент украшен инкрустацией костью, перламутром, рогом, резьбой.

Происхождение струнных музыкальных инструментов возможно отнести ко времени после изобретения лука[150]. Человек обратил внимание, что натянутая тетива, если ее тронуть пальцем, издает мелодичный звук, так очевидно, возник посыл к созданию первых струнных инструментов близких к форме лука. Постепенно корпус выпрямлялся, изменяясь в форму грифа струнного музыкального инструмента, когда-то он обрел резонатор из тыквы или ореха. Бюст музыкантши с лютней и фрагмент арфы с кистью женской руки из городища Халчаян I в. до н.э. - I в. н.э. сохранили для нас вид струнных инструментов - лютня с очень широкой декой и суженой шейкой и арфа с крутым выгибом корпуса у основания. Арфа и лютня изображены на оссуарии (VI-VII вв.) из окрестностей Юмалактепа, г.Шахрисабз, найденного в 2012 г. Оссуарий ящичного типа декорирован с внешней стороны оттисками однотипной композиции из фигур животных и людей. Сюжет композиции иллюстрирует представление согдийцев о судьбе души усопшего в загробном мире – небесный суд у моста Чинвад, которые вершат божества Михр, Адур, Рашн и Срош. Рашн взвешивает все благие и плохие деяния человека, которые он совершил в своей жизни. В композицию включены фигуры юношей-музыкантов. Один из них держит в руках угловую арфу-чанг, инструмент, сохранявший популярность до XVI в. У другого музыканта в руках лютня – уд, с изогнутым грифом[151]. Фигуры музыкантов, цветы подчеркивают, что перед нами изображение «благоухающего рая», где праведные души наслаждаются самой прекрасной райской музыкой и пением[152]. Струнные и смычковые узбекские инструменты более сложные в изготовлении, чем ударные и духовые инструменты. Широко распространенный струнно-смычковый инструмент гиджак имеет округлый гриф, переходящий в металлическую подставку, и небольшой шарообразный корпус-резонатор. Гиджак работы Усмана Зуфарова с круглым туловом-резонатором (ИНВ-73), составленным из узких полос дерева и верблюжей кости. Наружная сторона донышка резонатора украшена композицией инкрустации из мелких кусочков дерева и кости. Верх обтянут телячьей кожей. Гриф инкрустирован перламутром. Верхняя часть грифа увенчана навершием. 4 колка. С правой стороны грифа

[150] В.Беляев. Музыкальные инструменты Узбекистана. Москва, 1933.

[151] А.Э. Бердимурадов, Г.И.Богомолов, Н.О.Хушваков. Новая находка штампованных оссуариев в окрестностях Шахрисябза. Археология Узбекистана, №2(5), Самарканд. 2012.

[152] Н.А. Аведова. Искусство оформления узбекских музыкальных инструментов. Ташкент, 1966.

надпись: «Уста Усмон иши 1963-64 й». Гиджак другого мастера А.Закирова (ИНВ-74) состоит из круглого резонатора, обтянутого по срезу животной мембраной, круглого грифа с фигурным навершием. В верхней части грифа окошечко, закрытое резной медной решеткой. 4 колка, 4 струны. Струны крепятся снизу на четырехлапчатой металлической пластине с надписью: 1978. Весь инструмент инкрустирован перламутровыми вставками, белыми и красными стеклянными вставками. Смычок инкрустирован перламутром. Благодаря своему мягкому тембру гиджак занимает важное место оркестре узбекских народных инструментов. Другой популярный узбекский народный инструмент – дутар. Техника его изготовления отличается от техники изготовления остальных струнных инструментов. Корпус дутара не выдалбливается из куска дерева, а склеивается из 10-12 тонких гнутых деревянных пластин. С наружной стороны стыки закрываются деревянными или костяными пластинками при помощи деревянных гвоздиков. Гриф дутара часто украшает инкрустация из кости, бирюзы, перламутра, малахита. Дутар (ИНВ-79), работы мастера Усмана Зуфарова имеет гриф с изогнутой резной головкой в виде лепестка, внутри лепестка – бутон со вставкой из коричневого стекла. Инструмент покрыт изящной резьбой и инкрустацией. Мастер часто использует как материал для инкрустации верблюжью кость, т.к. она надолго сохраняет свой белый цвет. Вдоль грифа выложены перламутровые вставки в виде ромбиков и цепочек. На шейке – рельефная резная ветка с двумя птицами. Вся тыльная часть резонатора инкрустирована белыми фигурными полосами; широкая полоса украшена более пышным узором, в котором чередуются круглые и ромбовидные мотивы и мотивы в виде пиявок. По сторонам полосы – накладные перламутровые веточки с цветком и бутоном.

Танбур принадлежит к лютневым инструментам и имеет древние корни. Традиционный танбур имеет маленький резонатор и длинный массивный гриф. Танбур работы известного ташкентского народного мастера Усмана Зуфарова (ИНВ-67) имеет обычную форму, гриф его украшен перламутром и костью с изображением голубя. На лицевой стороне грифа танбура (ИНВ-82) инкрустация богаче, она расположена тремя долевыми полосами. В верхней части грифа перламутровый пластинки имеют форму наклоненных друг на друга треугольников. На деке по краю – полоска из ромбиков, внизу – изображение хлопковой коробочки. Резонирующее отверстие закрыто перламутровой ажурной

розеткой. На танбуре исполняются довольно сложные композиции – макомы. Рубаб кашгарский состоит из массивного грифа и круглого долбленого резонатора, затянутого мембраной. На пяти колках крепятся четыре металлические и одна жильная струны. Характерной деталью рубаба являются два рогообразных завитка у основания шейки грифа. Рубаб из коллекции ГМИ Узбекистана (ИНВ-75) имеет резонатор из тутового дерева, гриф сделан из тала. Над резонатором расположены два выступа в виде рогов. Лады разделены медными пластиночками. Инструмент декорирован резьбой и инкрустацией. Афганский рубаб имеет крупный резонатор, покрытый резьбой. Форма инструмента (ИНВ-71) напоминает афганскую или иранскую форму. Инструмент резан из одного куска дерева. Тыльная сторона и лицевая часть боковины украшены художественной резьбой. Мотив резьбы растительный, кроме того на боковине – пятиконечная звезда и надпись, сделанная мастером. Древнейший струнно-ударный инструмент чанг представляет собой корпус в виде ящика трапециевидной формы на поверхности которого натянуты в два ряда струны. Корпус и крышка чанга (ИНВ-63) покрыты росписью, Орнамент росписи растительный. Звук извлекается ударами двух палочек по струнам.

При оформлении музыкальных инструментов мастера учитывают как та или иная отделка отразится на их звучании. Для изготовления инструментов в Узбекистане традиционно используют древесину тутовника, ореха, чинара, урюка. Особое предпочтение отдается тутовнику, благодаря его хорошей проводимости звука. Инструменты, созданные мастерами Хаджи Ахуном, Ташбаем Султановым, Усманом Зуфаровым стали золотой классикой искусства музыкальных инструментов Узбекистана. Многие инструменты обрели статус произведений искусства и вошли в состав многих музеев Узбекистана. Народные музыкальные инструменты вне моды - современную музыкальную культуру Узбекистана нельзя представить без профессионального исполнения на дутаре, рубабе или дойре, индивидуальность звучания народных инструментов добавляет яркий компонент в современные композиции. Музыка сопровождает человека на протяжении всей его жизни, в минуты радости и печали. Велика сила музыки, что подтверждается знаменитым ученым Ибн Сино, который относил музыку к действенным лекарственным средствам (*Жавомеъ ил мул-мусикий*), способным улучшить физическое состояние человека.

ФАЙЗИЕВА Васила Салиховна
Директор Государственного музея искусств Узбекистана

ЗОЛОТОШВЕЙНЫЕ ХАЛАТЫ XIX-XX ВВ. ИЗ СОБРАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ ИСКУССТВ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: *Данная статья посвящена золотошвейному искусству Узбекистана на примере мужских золотошвейных халатов из собрания Государственного музея искусств Узбекистана. В статье рассматриваются виды золотого шитья и типы золотошвейных халатов по композиции орнамента.*

Ключевые слова: *национальный костюм, золотое шитье, халат, орнамент, вышивка.*

Annotation: *This article is devoted to the art of gold embroidery in Uzbekistan by the example of men's gold embroidery robes from the collection of the State Museum of Art of Uzbekistan. The article discusses the types of gold embroidery and the types of gold sewing robes according to the composition of the ornament.*

Key words: *national costume, gold embroidery, robe, ornament, embroidery.*

Представители разных стран, культур часто ассоциируются с определенным видом одежды, составляющей частью национального костюма, так, сари - Индия, кимоно - Япония, ханбок – Южная Корея, так и у узбекского народа есть такой вид одежды это – халат (чапон). Устойчивость национального костюма объясняется сохранением традиций, его самобытностью. Узбекский традиционный халат шили из различных тканей – выбор зависел от финансовых возможностей: бедняки носили халаты из хлопчатобумажной ткани, люди состоятельные предпочитали шелковые, бархатные, золотошвейные халаты. До начала XX века халат служил своего рода знаком отличия представителей различных слоев общества и был обязательным предметом одежды мужчин, начиная с юного возраста, как того требовали принятые в обществе правила этикета. Халат, орнаментированный золотым шитьем, был призван подчеркнуть высокий ранг владельца халата, представителя элиты общества. Традиционный золотошвейный халат сегодня является скорее символом, чем видом одежды, который имеет функциональное предназначение и в повседневной жизни золотошвейный халат не носят.

Однако, халат как и прежде является ценным и почетным подарком по случаю торжества – свадьба, обрезание. В собрании государственного музея искусств Узбекистана золотошвейное искусство представлено коллекцией, насчитывающей свыше 200 произведений второй половины XIX - XX вв. Коллекцию золотого шитья составляют головные уборы – тюбетейки, женские головные уборы («пешанобанд», «кулютапушак»), обувь, платки, пояса, сумочки, попоны и конечно золотошвейные халаты.

Украшение тканей вышивкой известно с глубокой древности. Дошедшие до нас памятники скульптуры Ассиро-Вавилонии дают нам характер узоров на бытовавших одеждах. На одеяниях изваяний из Нимруда изображены сцены охоты, крылатые фигуры божеств. Ученые склоняются к гипотезе, что узоры на вавилонских тканях не были вытканы, но выполнены вышивкой[153]. Вавилонские роскошно вышитые покрывала украшали богатые дома знати[154]. Способ вышивки золотыми нитями имеет древнюю историю и родиной его считается Восток[155]. Исторические письменные источники свидетельствуют, о том, что искусство вышивки и золотого шитья достаточно высокого уровня процветало при дворе Тимура. Рюи Гонзалес де Клавихо, испанский посланник, в своем известном дневнике путешествия в Самарканд в 1403-1406 несколько раз описывает роскошные шитые золотом предметы, украшавшие двор Тимура и одежду его близких. Так он в деталях описывает ограды, которые окружали шатры: «Одна из этих [двух] оград была сделана из красного ковра, расшитого прекрасной вышивкой, [выполненной] золотыми нитками с всевозможными узорами и разводами, приятными на вид. [Сама] ограда была выше, чем те, которые раньше поставили. Вход в нее также был выше и сделан в виде арки со сводом и как будто с навершием. Эта арка и навершие были прекрасно вышиты золотом: дверь также была сделана из ковра и тоже расшита золотой вышивкой. Выше, над дверью, находилась четырехугольная башня с зубцами из такого же ковра и с такой же вышивкой, как и дверь. А вся ограда по кругу была украшена зубцами и [сделана] из такого же ковра и с такой же вышивкой.» Говоря об ограде, Клавихо приводит ее местное название – «салапарда (сарапарде)» – что в переводе означает «самая

[153] Н.Н. Соболев. Очерки по истории украшения тканей. Москва-Ленинград, 1934. с.17.
[154] Т. Арманд. Орнаментация ткани. Москва-Ленинград, 1931. с.5.
[155] П.А.Гончарова. Золотошвейное искусство Бухары. Ташкент, 1986. с. 7

красивая, лучшая»[156]. Таким образом, мы имеем историческое документальное свидетельство тому, что вышивка золотом была хорошо развитым ремеслом в Самарканде XV века. Золотое шитье украшало не только одежду, головные уборы и обувь вельмож, но интерьер и экстерьер их палаток и шатров. Вышивка золотыми нитями была высокоразвитым производством, однако из-за дороговизны золотошвейные изделия были предназначены лишь для эмира и его двора. К XIX веку золотошвейное производство сосредоточилось главным образом в Бухаре, где оно обслуживало двор эмира и его приближенных. Золотое шитье в силу своей дороговизны было официальным придворным искусством. Двор эмира был основным заказчиком золотого шитья, поэтому возникли дворцовые мастерские. Дворцовые мастерские не занимались изготовлением мелких изделий: сумочек, мешочков, поясных и головных платков, деталей украшения женского платья. Существовали и частные мастерские, которые они всецело зависели от заказов двора. Никто из высших сановников не имел права заказывать для себя золотошвейную одежду, он только получить ее в подарок от эмира. Изготовление золотошвейного халата предусматривало ряд этапов. Выбранная ткань поступала к дворцовому закройщику, затем, раскроенная ткань вместе с рисунком передавалась вышивальщикам. Рисунки, изготовленные рисовальщиком, подавались эмиру для утверждения. Мастер, выражаясь современным языком, сначала обдумывал дизайн изделия, затем делал разметку расположения узоров. Эта работа требовала от него не только наличия сноровки и навыков, но и художественного вкуса и умения видеть будущее изделие. В качестве основной ткани для золотошвейного халата использовался бархат, иногда шелк и сукно, очень редко вышивали золотом по атласу. Материалом для вышивки служили золотые и серебряные нити, которые поступали на бухарский рынок из Индии, Ирана и России. Использовались нити разных видов – металлическая нить, спряденная на шелковую нить, и «волоченое золото» - представляющее собой тонкую серебряную позолоченную проволочку «сим». С течением времени менялись нити, используемые для шитья, так, со второй половины XIX века местные мастера начинают работать с золотыми нитями фабричного производства. Раскроенные детали будущего халата нашивались на бязевую основу предварительно

[156] Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Москва,1990. с.117.

натянутую на пяльцы-корчуб, которые достигали 320 см в длину. В работе над одним халатом могли быть заняты до 10-12 вышивальщиков. Вышивку золотом выполняли в прикреп, т.е. золотую нить выкладывали рядами и прикрепляли к ткани шелковыми нитями. Прикреплять золотую нить необходимо так, чтобы не было заметно следов иглы. Основными приемами вышивки являются различного типа направления (укладывание) золотой нити. Золотое шитье, в зависимости от техники исполнения, делилось бухарскими золотошвеями на следующие виды:

1. «зардузи-заминдузи»- сплошная вышивка фона золотом;
2. «зардузи-гульдузи» - шитье по рисунку, вырезанному из кожи, бумаги или картона
3. «зардузи-гульдузи-заминдузи» - комбинированное шитье, сочетающее «заминдузи» и «гульдузи»;
4. «зардузи-беришимдузи» - комбинированное шитье, сочетающее мотивы, вышитые шелком, с мотивами, вышитыми золотом;
5. «зардузи-пулякчадузи» - золотое шитье сочетается с нашитыми блестками -«пулякча».

Изменение расположения нитей в шве и их сочетание давали поразительные по красоте и выразительности результаты. Технические приемы шитья передавались из поколения в поколение. Прежде чем начать работать самостоятельно, необходимо было пройти длительный этап ученичества, досконально изучить технику шитья. Расположение узоров на изделии свидетельствует о высочайшем профессионализме зардузов-золотошвей. Создание изящных узоров требовало от мастеров обладания тонким художественным вкусом. В золотом шитье используются сочетания растительных и геометрических орнаментов. Различные мотивы стилизованных цветов, листьев, фруктов (миндаль, гранат, померанец и т.д.); розетки, ветки, кусты, деревья, пальметты составляют композицию вышивки халата. Для придания узору рельефности вышивальщики выполняли швы по настилу из хлопчатобумажных нитей или подкладывали кусочки кожи, картона или сложенной в несколько слоев ткани. Сложного рисунка орнамент, словно отлитый из драгоценного металла покрывает все поле халата и кажется невероятным, что орнамент выполнен нитями и иглой. По композиции орнамента халаты делятся на следующие типы, которые можно видеть на примере халатов из собрания Государственного музея искусств Узбекистана:

1. «Дархам» («переплетенный») - композиция построена на непрерывности узора: орнамент состоит из сложных многоугольных фигур, соединяющихся между собой и заполняющих все поле. В центре многоугольников – цветочная розетка. Халат вышит в 1900 году (**ИНВ-8**); все орнаментальное поле заполнено небольшими округлой формы медальонами с розетками, вписанными одна в другую, с четырехлепестковым цветком в центре. Медальоны соединены между собой каймой, шитой вкруговую, спиралью. Халат вышит в 1886 году (**ИНВ-27**); по всему полю сложное геометрическое плетение с мотивами тюльпанов, четырехлепестковых цветков. Халат датирован 1870-1875 гг. (**ИНВ-41**). Халаты «дархам» имеют очень богатый и нарядный вид. Работа высокого качества.

2. «Буттадор» («буттадори-таукнок», «буттадори-чилёляк», «буттадори-дарахт») -композиция халатов «буттадор» состоит из равномерно расположенных по полю узоров «бутта»-«куст» (**ИНВ-3).** Разновидности халатов «буттадор»: «буттадори-таукнок» - поле зашито ««бутта»-«кустами», а на спине вышит крупный медальн «таук» (**ИНВ-232**); «буттадори-чилёляк» - поле зашито кругами «чилёляк» (**ИНВ-31**); «буттадори-дарахт» - представляет собой композицию из вертикальных полос мотива «дерева» и мотивов «бутта», расположенных в шахматном порядке (**ИНВ-32**).

3. «Даукур» («окаймленный») – каймой «кур» обшиты концы рукавов, полы и низ халата, на спине вышит медальон «таук». Медальоны и каймы разнообразны по композиции: медальон «таук» с восьмиконечной звездой с четырехлепестковой розеткой и четыре розетки вокруг звезды, чередующиеся со стилизованными плодами. Широкая кайма орнаментирована розетками и стилизованными плодами. Халат датирован 80-ми гг. XIX в. (**ИНВ-22**); «таук» - круглый медальон с шестиугольником, разделенным радиусами на треугольники; в центре треугольника помещена шестилучевая звезда с розеткой. Кайма орнаментирована растительным узором. Халат датирован 1900 г. (**ИНВ-25**); спина и грудь военного мундира орнаментированы крупными медальонами, представляющими собой стилизацию плакучей ивы, изображенной в виде двух переплетенных между собою изогнутых стволов деревьев. Лиственный узор плакучей ивы выполнен золотом и серебром. Кайма растительного узора вышита по краям рукавов, полам и

ницу. На левой поле мундира вышит узор миндаля с двумя ветками плакучей ивы. Мундир датирован 1861-1865 гг. (**ИНВ-46**).

Изысканной декоративности золотошвейным изделиям и особенно халатам добавляют бархатные ткани. Немалую роль играет и контраст цвета использованных тканей по отношению к вышивке. Подкладки золотошвейных халатов выполнены из кустарного или фабричного шелка и полушелка. Отдельную категорию составляла золотошвейная одежда, дополненная жемчугом и драгоценными камнями (алмазами, топазами, рубинами и др.), которая принадлежала исключительно эмиру. Золотом шили женскую и детскую одежду, обувь, пояса, тюбетейки, платки, попоны, сюзане, молитвенные коврики и т.п. Каждое изделие отличает индивидуальное решение - дизайн каждого халата, попоны, сапог, тюбетейки тщательно продуман и разработан мастерами: гармоничное сочетание узоров и техники шва создает ощущение совершенства. Благодаря своеобразию искусства узбекского золотого шитья, сложившими многовековыми традициями, культурой и подлинным профессионализм, золотошвейные изделия неизменно привлекают, и будут привлекать внимание людей во всем мире искусным исполнением и исключительному богатству орнаментов.

TULEMETOVA Gulchehra Tajimatovna
PhD in Social Philosophy, dozent.
Center of Islamic Civilization in Uzbekistan.
GULOMOVA Orifa Rustamali qizi
Researcher of Center of Civilization in Uzbekistan

"ISSUES OF VERIFICATION OF SCIENTIFIC TEXTS IN THE WORKS OF ISLAMIC THEOLOGIANS AND PHILOSOPHERS FROM BUKHARA IN VIII-XII CENTURIES"

Annotatsiya: *Maqola VIII-XII asrlarda Buxoroda islom ulamolari va faylasuflarining asarlarida verifikatsiya masalalariga bag'ishlangan. Verifikatsiya – bu tekshiruvdan so'ng biron bir narsa yoki uning sifatini tasdiqlash jarayoni. Verifikatsiya dinshunoslikda alohida katta ahamiyatga ega, chunki bu erda haqiqat masalasi keskinlashgan.*

Kalit so'zlari: *dalil, verifikatsiya, fakt-cheking, haqiqat, imom Buxoriy, mutaqallimlar, ibn Sino.*

Аннотация: *Статья посвящена вопросам верификации в трудах исламских богословов и философов в Бухаре VIII-XII веков. Верификация – это процесс подтверждения истинности чего-либо или его качества после проверки. Особую ценность верификация обретает в религиоведении, так как вопрос истинности здесь стоит наиболее остро.*

Ключевые слова: *доказательство, верификация, факт-чекинг, истина, имам Бухари, мутакаллимы, ибн Сина.*

A number of researchers of Islamic civilization describe Bukhara, especially the Golden Age of its history - VIII-XII centuries, as the center of scientific thought, art. Also as an environment that gave birth to many great local scientists and invited scholars from various parts of the Islamic world. The purpose of this article is to show how the scientific world of Bukhara convinced listeners and readers in the rightness of their ideas, what kind of proof was used, that is, what distinguishes a scientific work from other literary genres. In other words, what verification methods did the scientific thought of Bukhara use during the Samanids Period?

The term "verification" itself originated from two Latin words: verus - "true" and facere - "to do". It is the process of verifying the truth of an action, event, object, or its quality after the examination. Verification gains particular value in theology, which divides statements mainly into true and false. For comparison, verification methods were used by: 1) Imam Bukhari during the selection of hadiths for "Al Jaami' al-Sahih"; 2) representatives of the Kalam school; 3) Avicenna and others in their philosophical works.

Studying the process of verifying the hadiths for truth by Imam Bukhari in preparation for the publication of his collection of reliable hadiths proves that he effectively used verification methods in the IX century. The degree of the truth of Hadiths in the works of Imam Bukhari is multistage: reliable, that is, mostly and in detail confirmed; good, that is, mostly confirmed; weak, that is, probable, but not confirmed; and false.

Imam Bukhari travelled productively a lot in order to verify the material for his works, he visited almost all Islamic countries of his time, including Baghdad, which was the center of the caliphate and science. As a result, the foundation was laid for the main book of his ¬ "Al Jaami' al-Sahih" ("Collection of Authentic Hadiths"). Besides, commentaries on Qur'n, books on ethics, and history: "Manners in Islam", "The Great History," "The Medium

History", "The Brief History", "Name of the Companions", "Great Commentary on Koran", "On Respect for Parents", "The Book on the Nicknames of Hadith Narrators" and others were written.

Every book on Islamic theology has a section "The Book of Knowledge"[157]. According to F. Rosenthal, it was Ismail al-Bukhari who started this tradition. His "Book of Knowledge" is a "methodology of knowledge", indispensable in the study of hadith[158]. Hadith verification was achieved by analyzing the content of the hadith (content analysis), followed by interviewing the chain of transmitters from the moment of its written fixation to the original source, i.e. to the Prophet Muhammad or his companion (isnad). As a result of verification, obtained a truth-checked informative part - the main text (matn).

Before recognizing the hadith as reliable (this is the initial requirement for selecting a hadith for the collection), Bukhari determined the criteria for their truthfulness and set appropriate standards for himself. He studied the lives of all people in the chain of hadith transmitters in detail; examined where and when the narrators lived, met with them, discussed the hadiths if they were told by someone else, and ascertained whether they were present at that time. Other hadith collectors did not require a personal meeting of the two narrators to clarify the hadith together. Thus, the method of verifying the fact, the so-called fact checking - a term that has been strengthened in recent years in science and journalism, is also related to the works of Imam Bukhari. In addition to the truthfulness of the content, fact-checking is characterized with the ethical aspect of the result of verification: fairness, impartiality, honesty.

Therefore, in "Al Jaami' al-Sahih", the goal that his teacher had set for al-Bukhari was achieved, and the future imam (Bukhari) did an excellent job with it. That is, he collected only reliable hadiths.

The same goal was pursued by the compilers of the Shia hadith collection.

Just like the written version of the holy Qur'an ("Usman Mus'hafi"), the publication of hadith collections by Imam Bukhari was an important step towards the transition from oral Islamic culture to written one. This allowed a

---

[157] Sh. Ziyodov. Abu Mansur al-Maturudining yozma merosi va uning "Kitob at-ta'vilot" asari (Written legacy of Abu Mansur al-Maturudi and his "Kitab at-ta'valat"): doctoral thesis. – Tashkent, 2003. – 23 p .; See also: S.Oqilov. Abu-l-Mu'in an-Nasafiy va uning moturidiya talimoti rivojiga qo'shgan hissasi (based on the work "Tabsiratu-l-adilla") (Abu l-Muin-an-Nasafi and his role in the development of the teachings of Maturidi (based on the work "Tabsiratu - l-adilla")): doctoral thesis. ... – Tashkent, 2005. – 23 p.

[158] Islomda bilim va ratsionalizm mavqei. Islom Falsafasi. (The position of knowledge and rationalism in Islam. Islamic Philosophy) URL: http://faylasuf.uz/index.php/sharq-garb/falsafa-tarixi/islom-falsafasi/149-islomda-bilim-va-ratsionalizm-mav-ei (date: 04/21/2014).

much larger number of Muslims to study the sacred sources of Islam independently. The wide distribution and authority of "Al Jaami' al-Sahih" of Bukhari practically led it to canonization, its impeccability in Sunnism is equated to the second source of Islam after the Qur'an. Having become a kind of link between the era of early Islam in Arabia and everyday life, the "Collection of Authentic Hadiths" was used as a manifesto of traditionalism. It contains, all principles, from the fundamental to the smallest details, on how the life of Muslims was regulated. In addition to the practical issues of marriage, divorce, the manners of eating, shaving the beard, etc. there were hadiths on theoretical issues of faith, such as the creation of the world, etc. Verified hadiths, using the example of the pious lifestyle of the Prophet, gave a model of behavior for Muslims.

At the same time, the appearance of such a detailed multi-volume work of Bukhari, which left a bright trace in the history of Islamic civilization, along with many other factors served as a cause for disagreement in Islam. Legal attitudes of various madhhabs, their polemics among themselves and with representatives of other faiths often went into philosophical discussions. This is due to the fact that in addition to the Qur'an ¬ a common source and foundation in resolving legal issues ¬ different madhhabs also use Sunnah, the instructions of religious authorities, the opinion of a religious community, local customs, traditions, and so on. The decision of the Faqihs of different madhhabs inevitably varied, which led to the formation of different currents and groups (firqa) in Islam. In addition, the coexistence of various religious schools, the development of new religious doctrines within the framework of Arab civilization also served as a factor encouraging heated debate.

Altogether, this accelerated the formation of the first trend of Arab-Muslim philosophy in the VIII century - Kalam (from the Arabic. - "speech", "word") and the appearance of its followers – mutakallim (Arabic. Mutakallim - "speaking"). Two stages are distinguished in Kalam: the early, Mutazil'a Kalam (from the Arabic. Mu'tazil - "isolated"), and the late, Ash'ari Kalam, by the name of its founder, Abu al-Hasan al-Ash'ari (d. about 935-936 yy.)[159].

Kalam is a speculative discipline that gives Islamic dogmas rationalist explanations, that is, based on reason ("aql"). Unlike Kalam, taqlid (Arabic: "following", "imitation") practices following the authority of the husband in deciding on important issues of Islamic law. Mutakallim preferred to draw

[159] Wolf M.N. Medieval Arabic Philosophy: Mutazil'a Kalam. Textbook for graduate students of the Faculty of Philosophy on the course "Medieval Arab Philosophy". – Novosibirsk, 2005. – 4 p.

independent logical conclusions from Islamic dogma instead of paraphrasing the opinions of the ulama (Islamic scholars). This is the difference between the Mutakallim and the dogmatic Salafis, who declared the Kalam heresy. Salafis (in Arabic - "ancestors") - the early Muslim community in different periods of Islam, called for adherence to the beliefs and lifestyle of "righteous ancestors" and considered all subsequent innovations heresy. Besides, it is the common name of Muslims sharing the views of Salafism supporters. According to Ibn al-Jawzi (d. 1327 y), the methods of Kalam tested the strength of Mutakallim's faith and led many of them to godlessness ("ilkhad")[160].

Kalam arose and spread in the process of debate among various religious and political groups (Khawarij, Kadariyah, Jabiriyah, Murji'ah, etc.). In the Middle Ages, the term Kalam was widely used in Islamic literature and meant any religious and philosophical judgment. In a narrow sense, Kalam is a section of Islamic theology that reinforces Islamic dogma with rationalistic arguments.

The Mutakallim made extensive use of reasonable arguments and logical reasoning in public debate. This brought them closer to the philosophers. The weakness of verification, as a method of verifying the truth in Islamic theology, lies in the fact that, being rational, it does not take into account religious dogmas (aqidah). Therefore, along with the principle of verification in religious philosophy, the principle of falsification (i.e., refutability) is used. Mutacallims were characterized by the use of the method of proof from the contradiction (ilzam). The opponent agrees with the thesis of mutacallim, and he draws a conclusion undesirable for the opponent, or absurd. A typical example: "Do you claim that there is no God? Can you prove that there is no God? No? Therefore, this concept is quite acceptable for study along with rational ones".

The like-minded Imam Bukhari and the bright representative of Kalam - Muhammad Abu Mansur al-Maturidi (870-944 yy.), using the principle of falsification, published a series of "Denials" refuting the arguments of the mu'tazilites. Being a very erudite and experienced lawyer, Maturidi virally used the methods of falsification in evidence and possessed well-deserved authority[161].

---

[160] Islam: an encyclopedic dictionary. - The answer. ed. Prozorov S.M. – M.: Science, The main edition of oriental literature & SP "Dom Biruni", 1991. – 129 p.

[161] Tulemetova G.T., Munavvarov Z.I., Bekmirzaev I.I. New organizations of secular and religious education in Uzbekistan. // Central Asia, South Asia, and the Middle East: Proceedings of the First Three-Regional Conference. - Kazakhstan, Astana, Eurasian National University named after L.N. Gumilev, February 14-15, 2018. – 21-30 pp.

Al-Ash'ari (representative of Shafi'i madhhab) and al-Maturidi (representative of the Hanafi madhhab) are great representatives of the Kalam. They tried to reconcile the supporters of the literal "retelling" ("naql") and rational conclusions of "aql". Prominent Muslim scholars such as Imam al-Ghazali (d. 1111 y.) have expressed positive and negative opinions regarding Kalam, based on the knowledge of his time. Rationalist principles, ways of thinking and reasoning, developed by Kalam, were adopted and creatively processed by later theological schools and philosophers.

The great scientist, born near Bukhara, ibn Sina (Avicenna), with the help of simple and understandable rules of logic, was able to bring rationalistic ideas of Aristotle of Neoplatonism and Farabism to Islamic dogma. Ibn Sina believes that in order to know everything, one must proceed from the principles of necessity, possibility, reality, and causality. The necessity is what certainly exists in the Universe; the possible is what is possible to exist under certain conditions. The necessity is a single, unconnected whole, the most powerful, wise Supreme God. Everything else is possible comes from God. The necessity and the possibility are the relationship of cause and effect. This process is carried out gradually in the form of emanation, like sunlight. Therefore, the mind, the soul, and the body, given as opportunities, connected with the celestial spheres, turn into real things. God is eternal and the result of His creation - matter is also eternal[162]. All the work of Avicenna is an example of clear logic and reasonable evidence. Understanding that the search for truth is a formal process that does not depend on a person's desire, the scientist was a principled supporter of honesty and objectivity in science. Contrary to tempting offers, Avicenna, like Biruni, did not participate in questionable experiments of alchemists in converting simple metals into gold.

Verification as an important process of verifying the truth was widely used in the works of Imam Bukhari, Mutakallim and philosophers in the 9th-12th centuries. in Bukhara.

As a concept of modern philosophy, verification is advisable to apply in the philosophy of religion and in theology. Maintaining a high standard of Medieval traditions of verification and fact-checking, along with the improvement of modern techniques, serves to improve the quality of scientific products, trust in its truth, fights against plagiarism, fake information and distortion of facts.

[162] Abu Ali ibn Sino. URL: http://e-tarix.uz/shaxslar/140-ibn-sina.html (date: 12/18/2018).

ШОДМОНОВ Бахтиёрхўжа Исахонович
Тошкент вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳудудий маркази "Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси" кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: *В этой статье были обсуждены социально-демографическое состояние молодёжи Узбекистана и динамика роста научного потенциала молодёжи.*

А также наряду со сведениями об участии молодежи в годы независимости в развитии области науки, их месте, достижениях и проблемах, были внесены предложения по этим вопросам.

Ключовый слова*: Молодёжь, науки, демократические идеи, интеллектуальны молодёжь, образования, высшее образование, бизнес, науки молодёжь, Годы Независимости, История, История Узбекистана.*

Annotation: *This article discusses the socio-demographic situation and the scientific potential dynamics of youth in Uzbekistan. In addition to providing information on the participation of youth in the development of science in the years of independence and the suggestions are also included regarded to their role, achievements and problems.*

Key words: *Youth, knowledge, democratic idea, intellectual youth, education, high education, business, young scientists, Independence years, History, History of Uzbekistan.*

Бугун юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига қарамай, бундан буён ҳам мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш устивор мақсад бўлиб қолаверади. Бу, бир томондан, мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва ватанимиз манфаати йўлида фойдаланиш ҳуқуқини бергани Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шу олий неъматдан бархаманд бўлаётгани билан боғлик бўлса, иккинчидан, мустақиллик йилларида ана шу муқаддас қадрият ва миллий анъаналарга таянган ҳолда яшаш ҳуқуқини ҳам берди. Уни сақлаб қолиш учун мустақилликни асраб-авайлаш керак бўлади. Маълумки, мустақилликгача

миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этилар эди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби муқаддас миллий байрамлар тақиқланган эди. Амир Темур, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди. Бугун мустақиллик туфайли уларнинг номлари, миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, ўзлигимизни чуқурроқ англаб бормоқдамиз.

Бугун ёшлар ўз миллий тарихини ўрганмокда. Она тили, маданият, урф- одат ва анъаналарининг қайта тикланиб бораётгани уларни ўзлигини англашга шарт-шароит яратиб бераётгани ҳам муҳим ютиқдир. Бугун ёшлар шунчаки миллий-маънавий қадриятларини ўрганиб қолаётгани йўқ. Улар дунё халқлари эришган ютуқлардан бахраманд бўлмоқда. Хорижий давлатларда ўқиш, билим олиб, фан-техника ютуқлари, илғор технологияларни эгаллаб жамиятимиз ижтимоий ҳаётига жорий этиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Маълумки, 2008 йилда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача булганлар эса - 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни[163] ташкил этган эди.

Бугунги кунда эса мамлакатимизда 33,5 млн. нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 18 млн.га яқини (60%) ёшлар ҳисобига тўғри келади, ўсиш кўрсаткичлари эса йилига 500 минг нафардан ортиқни ташкил этади[164].

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши масалалари шу боис ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатдан ҳам хал килувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида турибди.

Зеро, юртбошимиз қайд қилганларидек: “Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни хал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин

---

[163] Мадалиева З. Хукукий маданият ва ёшлар.- Т.: “Академия”, 2008. 5- бет.

[164] Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори.Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ID-4824 https://regulation.gov.uz/uz/document/4824

фуқаролик жамиятининг маънавиятни шакллантиришда, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда қурадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборат".

Маълумки, тарбия инсон шахси маънавиятини, эътиқодини, ўзини англаш, ён-атрофга бўлган муносабатини шакллантиришга қаратилган жараёндир. Шундай экан, ушбу жараён мутаносиблигини таъминлашда таълим-тарбия ишини уйғун тарзда олиб бориш лозим бўлади. Таълим орқали ёшлар ҳаётида ўз ўринларини топишда маълум бир касб-ҳунарни ўрганиш билан бирга, ўзларини булажак ҳаётга тайёрлаб борадилар.

Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги, жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлида муваффақиятли равишда олга силжитишда хал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, бошловчи аҳамиятга эгадир. Бироқ жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштирмасдан ҳақиқий эркинликка эришиб бўлмайди.

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларга таяниш, унинг талқини ва жамиятимизда иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда тутган ўрни бугунги муҳим муаммолар жумласидандир. Миллат учун эркинлик адолат тантанасининг олий ифодасидир. Эркинлик бировни ўзига қарам қилишга, бировнинг мол-мулкини талон-тарож этишга, бировга хиёнат қилишга, бировни ўлдиришга ёки зарар етказишга йўл қўймайди. Чунки эркинлик қонунга асосланади: қонун доирасида олиб борилган ишлар ва хатти-ҳаракатлар ахлоқий ҳамда ҳуқуқий қадриятлар жиҳатидан хақли ҳисобланади. Кундалик турмушда, ўзаро муносабатларда инсон эркинлиги қонун ҳамда ахлоқий нормалар билан чекланган бўлади. Эркинликни туғри тушуниб, уни ҳаётимизга туғри татбиқ этганимиздагина, бу буюк неъмат-адолат ва эркинликни сақлаб қолишимиз ва ундан кейинги авлодларимиз улардан баҳра олишлари мумкин.

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларга таяниш муайян мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар:

• Ёшлар ўз дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларга таянмаса, уларнинг онги ва тафаккуридан мутлақо бегона қадриятлар жой олади. Ўзининг миллий-маънавий қадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш шаклланади.

• Ёшларнинг миллий-маънавий қадриятларга бўлган муносабатиниг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, уларнинг амалий фаолиятларида кўпрок қайси қадриятлар устивор бўлиб бораётганини аниқлашга ёрдам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад уларнинг миллий-маданий мерос ва қадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашдан иборат.

• Ёшларнинг миллий-маънавий қадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодининг мустаҳкам бўлиши Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва мос тараққиёт йўли талабларидан келиб чиқади ҳамда ёшлар олдига аниқ вазифаларни қўяди.[165]

Жамият маънавий ҳаётида миллий қадриятга муносабат муаммоларини қуйидаги омилларга боғлаш мумкин:

1. Мустақиллик улуғ неъмат ва қадрият эканини чуқур идрок этган ҳолда, умуммақсад йўлида ёшлар озод шахс ва эркин фуқаро сифатида жамият олдидаги ўз маъсулиятини чуқур англаб, фаоллик кўрсатиши уларнинг қалб амрига айланиши лозим.

2. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият демократия ҳамда ёшлар дунёқарашидаги миллий-маънавий қадриятларга таяниш билан ҳам узвий боғлик. Мамлакат, халқ, миллатнинг бугуни ва келажагига дахлдор бўлган қадриятлар ҳакида ўз фикрини очиқ ва эркин билдириш айрим салбий ҳолатларнинг олдини олади. Энг муҳими, фикрни эркин айтиш муҳим. Ёшлар фикрига ҳурмат билан қараш, ўзгалар фикрига таяниш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш орқали жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданият юксалиб боради.

3. Демократик жамиятда миллий-маънавий қадриятларни тиклашга эҳтиёж ортиб, фикрлар хилма-хиллиги, мунозара маданияти шаклланади. Фақат ўз фикрини ўтказиш, ўзгалар фикрини буғиб қўйиш ҳолларига бархам берилади.

4. Миллий-маънавий қадриятларнинг тикланиши туфайли ёшлар ўз эркинлиги ва мустақиллигини қадрлайдиган, унга хурмат билан қарайдиган, шу туйғуга кўпрок эҳтиёж сезадиган бўлиб боради. Маданий меросга нисбатан бефарқлик ва лоқайдлик каби айрим иллатлар бархам топади.

5. Бугун раҳбарлик лавозимларида ишлаётган айрим шахслар фаолиятида учрайдиган, қадриятларимизга туғри келмайдиган салбий иллатларга бархам бериш имконияти туғилади.

6. Мустақил мамлакатда ҳар бир ёшнинг қайси соҳада ишлашидан

---

[165] Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. -Т.: “Академия”, 2008. 15-16- бетлар.

қатъи назар, аввало, озод ва эркин шахс, инсон сифатида ўзлигини англамоғи зарур бўлади. Ўзликни англаш эса маънавий қадриятларни чуқур ўрганиш, асраб-авайлаб ривожлантириш орқали амалга ошади[166].

Мустакил Ўзбекистоннинг кучли давлатдан кучли жамият сари тараққиёти даврида, асрий маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимизнинг тарихий тажрибаларидан туғри фойдаланиб, уларнинг ибратли ишларидан сабоқ олиш мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларини амалга оширишга, халқимизнинг маънан юксалишига хизмат қилади.

Халқимиз мустақилликнинг ўз ҳаётида ва тақдирида хал қилувчи аҳамият касб этганини тобора теранроқ англаб етмоқда. Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ёш мустақилликнинг берган неъматидан бархаманд бўлмоқда, деб айта оламиз. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ёшлари ўз тақдирини ўзи хал этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бугун Ўзбекистон бировга қарам эмас, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаб, мустакил ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ёшлар кўз ўнгида иқтисодий ҳаёт ўзгармоқда. Мулкнинг хилма-хиллигига ўтилгани ҳар бир ёшга ўз хоҳишига кўра иқтисодий фаолият билан шуғулланиш имкониятини берди. Бир томонлама, режали иқтисодиёт ўрнида бозор иқтисодиётига асосланган эркин меҳнат фаолияти шаклланмоқда. Тадбиркорлик, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилмоқда. Бугун Ўзбекистон ўзига қарашли бўлган, халқнинг меҳнати билан яратилган бойликни ўзи ўз ихтиёри билан тасарруф этмоқда. Унга ўзи эгалик қилмоқда. Бугун изланувчан, тадбиркор, янгича фикрлайдиган ҳар бир кишининг ҳаёт тарзи ҳам ўзгариб бораётгани шубҳасиз. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда 2011 йилни “Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб қуватлаш йили” деб эълон қилиниши, айниқса диққатга сазовордир.

Жамиятда ёшлар тарбияси муаммолари ҳар доим куннинг биринчи даражали мавзуларидан бири бўлиб келган. Айни пайтда, дунёда глобаллашув жараёни тезлашмоқда. Дунё халқлари, давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучаймоқда. Ўзбекистон ҳам ундан четда тургани йўқ. Турли халқларга хос бўлган қадриятлар Ўзбекистон ёшлари ҳаётига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бундай муҳит халқаро ахборот тизими, интернет, ОАВ, реклама, турли хил кино кўрсатувлари билан боғлик асарлар ёшлар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатиши, турли хил қадриятларнинг кириб

[166] Ўша асар. 15- бет.

келишига шароит ҳозирлайди.

Унинг қайси жиҳатларидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни ёшлар яхши билишлари лозим. Қадриятларни бир-биридан фарқлаш, миллий қадриятларни йўқотмаган ҳолда муносабатда бўлишлари муҳимдир.

Ёшлар ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни муҳим; миллий кадриятларни яхши билмаган ёшларнинг хатти-ҳаракатларида носоғлом ақидапарастлик ҳолатлари тезроқ жой олади. Мустақиллик янги қадриятлар тизимига, миллий-маданий мерос ва анъаналарга таяниш орқали ёшларни умуминсоний қадриятларни туғри баҳолашлари янги имкониятлар очиб бермоқда.

Мустақиллик ёшлар ҳаётида янги даврни белгилаб берди ва ёшларнинг буни чуқур хис этишлари мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларни мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад уларни фақат ўз қадриятларига таяниб яшашга ўргатиш эмас, балки шу умумбашарий қадриятларни ҳам ўзлаштириб, мамлакатнинг ўзига хос тараққиёти унга боғликлигини ҳисобга олиб яшашга, ишлашга даъват этишдир.

Бундан ташқари, миллий-маънавий қадриятларни чуқур билиш ёшлар томонидан мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бу мамлакатнинг истиқболдаги ривожи билан узвий боғликдир.

Мустақиллик шароитида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзининг ҳаққоний мазмунига эга бўлмоқда. Ёшларнинг у тўғрисидаги қарашлари ва муносабатлари ҳам ўзгариб бориб, миллий-маънавий қадриятларга умуминсоний қадриятнинг негизи сифатида қаралаётгани муҳим ютиқдир.

Ҳозирги даврда кулга киритилган муҳим ютиқларимиздан бири таълим-тарбияда миллий, маънавий қадриятларнинг устиворлигига эришганимиздадир. Бу ёш авлодга бой тарихий, миллий, маънавий меросни сингдириш ҳамда асрлар давомида шаклланган халк педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия бериш демакдир. Зеро Абдулла Авлоний айтганидек “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”[167].

Ота-боболаримиз илм ўргатиш билан фарзандларига авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий маънавий, ахлоқий қадриятларни сингдирганлар. Истиқлолнинг тараққиёт ва ўзгаришларга бой даврида

[167] Баркамол авлод орзуси. -Т.; “Шарк”, 1999, 39-бет

ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши ҳозирги куннинг талаб ва эҳтиёжидир.

Бизга маълумки, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратиши билан бир қаторда, уларнинг олдига тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш каби кўплаб талабларни қўймоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор ёш авлод вакилларини ўйлантириб келаётган бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган илғор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинган “ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – 2030” концепцияси ёшлар йўналишидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устивор вазифаларни, асосий мақсад ва йўналишларни белгилаб беради. Уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган технологияларни янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

Шунингдек, бу ҳужжат ёш авлод вакилларини ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятни бошқариш ишларига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асосларни, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги тажрибани бойитган ҳолда, мамлакатимизда ёш авлоднинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар ҳамда чора-тадбирларни белгилашга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид қонунчилиги, шунингдек, БМТнинг “Ёшлар-2030” концепцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига асосланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида ҳамда

миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширилади.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида ёшлар билан ишлашнинг янгича моделларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни қўллашга оид кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июнда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида кўтарилган долзарб масалалардан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида 2 та қонун ва 16 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони билан ёшлар масалаларига оид 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони, 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги ислоҳотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширилишига ҳуқуқий замин яратди[168].

Ўтган вақт ичида ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа турли йўналишлардаги салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, "Темурбеклар мактаби", "Президент мактаблари", "Ижод мактаблари" деб ном олган мутлақо янги намунадаги

---

[168] Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори.Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ID-4824 https://regulation.gov.uz/uz/document/4824.

таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган бешта ижобий ташаббус доирасида амалга оширилаётган катта қурилиш ва ободончилик ишлари, яратилаётган шароитлар, ташаббусларнинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани, мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси ва самараси сифатида намоён бўлмоқда.

Ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлили ёш авлод билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан бир қаторда, соҳада ечимини кутаётган муаммоли масалалар ҳам сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Аксарият ёшларда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш даражасининг пастлиги, бу борада мамлакатимиз маънавиятига мос бўлган фикрлар хилма-хиллиги ҳолатида ягона ёндошув, тушунча ва тасаввурларнинг етарлича шаклланмагани терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, мутаасиблик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда жамият кучларини бирлаштириш ва уни ижтимоий ҳаракат даражасига олиб чиқишга имкон бермаяпти.

Айниқса, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, уларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш ва мавжуд салоҳиятини амалга оширишга муносиб шароитлар яратиш билан боғлиқ қатор масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришга қаратилган туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш борасида янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Бу эса мазкур йўналишдаги принципиал ёндашувлар такомиллаштирилишини, стратегик мақсад, вазифа ҳамда устувор йўналишларнинг концептуал асослари ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда.

САЛИМОВ Арифжон Муслимович
Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори
ТУРСУНОВА Дилноза Рауфжоновна
Фарғона политехника институти ўқитувчиси

ИСТИҚЛОЛИМИЗ УЧУН КУРАШГАН ВАЛИХОН ТЎРА

Аннотация: *Благодаря независимости внимание уделяется восстановлению исторической памяти, увековечиванию памяти тех, кто боролся за независимость, раскрытию исторической справедливости, связанной с судьбой нашей страны, раскрытию недавних черных страниц нашего народа и нации, делая выводы из этой истории, Это долг и долг увековечивать память о невинных жертвах.*

Ключевые слова: *национальная ценность, Исламская религия, просвещение, национальное освобождение, историческая память.*

Annotation: *Thanks to independence, attention is paid to restoring historical memory, perpetuating the memory of those who fought for independence, revealing the historical justice associated with the fate of our country, revealing the recent black pages of our people and nation, drawing conclusions from this story. It is a duty and duty to perpetuate the memory of the innocent the victims.*

Key words: *national value, Islamic religion, enlightenment, national liberation, historical memory.*

Ўтганлар хотирасини эзозлаш, тирикларни қадрлаш хам аслида муқаддас анъаналаримиздан хисобланади. Тарихий хотира бу умр мазмунига, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканлигини, хаётнинг бамисоли узвий халқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғимиздек асраш демакдир.

Истиқлолимиз шарофати билан тарихий хотирани тиклашга мухим эътибор борилмоқда. Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, ҳалқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак хаётимизга онгли қарашни шакиллантириш, бегуноҳ қурбон

бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз ҳам фарз эди.

Бу ишлар халкимиз, ўниб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онги шурурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларни қарор топтириш уларнинг маънавий оламини кенгайтиришгда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан айниқса эътиборлидирлар[169].

Яқин-яқингача эшиклари очилмай келган архивларда ўтириб ишлаш чоғида келган хулосамиз шулардан иборатки, узини жахондаги енг демократик, яъни инсонпарвар деб эълон қилган советларнинг давлат дарахти фуқароларнинг дарё-дарё кони эвазига қурилган экан[170]. Марғилон шахрининг 2000 йиллик тўйида кўрсатилганидек, Марғилоннинг мўътабар заминида Бурхониддин Марғилонийнинг кўплаб сафдош ва издошлари илму-маърифат, дину-диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизматлар қилгани хам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани диққатга сазовор. Биз ана шундай алломаларнинг пиру-комилларимизнинг хаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, жамоатчилликка етказиш бўйича бошланган ишларни давом эттиришимиз керак. Марғилон халқининг севимли фарзанди, улуғ рахномаларидан бири Валихон Тўрам эдилар. Бу муборак зотнинг таваллуд топганига бу йил 202 йил (1811-1888) тўлади. Валийхон Тўрам туғилганларига битилган касидада шундай дейилади.

Кўйдилар фил ҳол Балихон тўра от,
Ер юзига келди деб Маҳдий сифат,
Ул Валихон тўра Махдий жаноб,
Хизр рахбар олам узра офтоб.

Валихон тўра 1811 йил Марғилон шаҳрида Пошшохон тўра хонадонида туғилган. Пошшохон тўра (1773-1855) Убайдуллохон тўранинг фарзандлари эди. Сайиид Убайдуллохоннинг отлари Саййид Абдуллохон бўлиб, ул зот етук диний илмга ега бўлганлар. Диний илмни Хиндистонда пирлари Миёни Обиддан олдилар. Хиндистонда ўша даврда Бобур авлодидан подшох Алигавхарнинг чиройлиқизлари бўлиб туғма шол булади. Подшох изтиробда бўлиб, Миёни Обидга хабар беради. У киши одоб сақлаб подшох хузурига киради, бемор кизни исм шарифларини айтиб икки марта чақирадилар. Шунда балоғат ёшигача хеч

[169] Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” китоби, Тошкент, Маънавияти, 2008 йил. 98-99-бетлар.

[170] Халқ хотираси олдида бош эгамиз китоби, Тошкент 2001 йил “Шарқ наширёти манба 26-бет.

қачон оёқда юрмаган қиз ўрнидан туриб, “Лаббай хожам” деб истиқболларига пешвоз чиқиб келди. Бу мўъжизадан сарой аҳиллари ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Абдуллохонга никоҳ қилади. Тез кунда улар ўғил кўрадилар, исмларни Убайдуллоҳ деб атайдилар. Бу зоти шариф Пайғанбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг насабларидан бўлганликлари учун Сиййид Убайдуллохон ҳожи деб номланадилар. Улар қиз фарзанд кўрадилар. Шундан сўнг аёллари хаста бўлиб вафот этадилар. Саййид Убайдуллохон ҳожини олиб Марғилонга қараб йўл оладилар[171].

Ўз даврида Саййид Абдуллохон хожа эшон “Қутбул Ақтаб” даражасига етадилар. Кунлар етиб, қазо қилганларида бутун Мовороуннахр аза тутади. Марғилон шаҳрига дафн этилдилар. Бу жой “Улуғ Хазрат бобо” деб аталади. Саййид Абдуллохоннинг оталари Қашқар подшохи Саййид Хидоятллохон (Офоқ хўжам) (1625-1694) яъни, уфқлар, олам хожаси, ягона авлиё мақомларини беради. Саййид Абдуллохон оталари Махдуми Аъзам авлодларидан-хожа Муҳаммад Юсуф, оналари Қашқар Сиййидларидан Мирсайид Жомилнинг қизи Зулайходир[172].

Саййидлар хонадонида кўп йиллар хизмат килган 95 ёшли Набихон отанинг айтишларича, Валихон тўранинг ақл-заковатли, фаҳм-фаросатли, валийлик хислатларини боболари баён килганлар. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи-Лазизий” китобида Валихон тўра хақида шундай ёзади:

-Махфий қолмасинким, Худоёрхон Қўқон хони синглиси Момохон бегимни шу Валихон тўрага берган экан, ўзлари домда (куёв) подшозода ҳам булар экан. Қўқон хони Умархон Марғилонда хокимлик қилган даврида шахардаги Махдуми Аъзам авлодларининг ёрдамида таяниб иш кўрган. Маълумотларга кўра машхур шоира Нодирабегим (Мохларойим) маълум бир вақт шу хонадонда яшаган. (Худоёрхон Маллахон, Султон Муродбек) нинг пири хисобланган.

-Русия Махрамдан ўтиб, дарё лаби бирла Андижонға тобе Тўда қишлоғида бозор куни эди, қушин бор деб, эшитиб келган Русия аскарлари бозорчиларни кўриб, аларнинг кўпларини отуб, бозорлар бузилиб, алар қочдилар. Андин ўтуб дарё лаби ила тўғри Намангонга келиб Намангонни олди. Ул вақтда Марғилон тарафда Валихон тўра деган

[171] “Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари” китоби, “Фарғона” наширёти 2007 йил 104-бет.
[172] “Кўхна Марғилон зиёратгоҳлар” китоби, 126-бет.

бир киши чиқиб, дарё лабига боруб, кечаси дарёдан ўтиб туриб зарба берган, дейилади. Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида:

– Валихон 20 минглик қўшини билан Марғилон ва Балиқчида курашни давом эттирди. У Марғилонни олгач, махаллий халқлар унинг хокимиятини дарҳол тан олди.

– Бу вақтда Пўлатхон томонидан Марғилон беги лавозимига тайинланган Валихон 20 минг киши билан Файзиободга хужум қилади.

– Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмайди. Руслар хали Ўрта Осиёда бундай (Қўқондагидай) узоқ ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар. Генерал губернатор Фон Кауфман шундай тан олган.

Валихон тўра истиқлол учун курашчи, шерюрак аждодларимиздан эдтлар. Уларнинг кураш йўли ёшларимиз учун ибрат бўлиб, мустақилликни улуғлаш ва ардоқлаш намунасидир.

XII асрда Бухорои шарифдан сўнг Марғилон “Сандиқул орифийи”, яъни олимлар макони деб аталп бошлади. Бу эса ислом дунёсига танилган тариқат пирлари, фикҳ-ислом қонуншунослари, ҳадисшунос олимлар, уламою ҳофизлар етишиб чиққан. Буюк бобомиз Бухориддин марғилоний тимсолида буни яққол кўрамиз.

Шахардаги Улуғ ҳазрат бобо зиёратгоҳи ва ул муборак зотнинг авлодлари ҳақида ҳамма хам билавермаса керак.

Бу зиёратгоҳда Махдуми Аъзам авлодларидан Саййид Абдуллохон дафн этилган. Бу хақда Жўрахон Авлиёхоннинг Фарғона водийсида “Расулуллоҳ авлодлари”номли мақоласида, жумладан, қуйидагилар келтирилган: “Ўз даврида Саййид Абдуллохон Хўжа Эшон Қутбул Ақтоб даражасига етишдилар”. Кунлари етиб қазо қилганларилда бутун Мовароуннаҳр аза тутди. Марғилон шаҳрида дафн этилдилар. Жафн этилган жойлари бу улуғ зот шарафига Улуғ Ҳазрат ёхуд Улуғ Хон номи билан машхур). Ушбу зиёратгохга (ўз даврининг авлиёси сифатида Улуғ Абдуллохнинг чевараси Валихон тўра дафн этилаган. Ушбу зиёратгоҳ ёнида Валихон тўра яшаган ҳовли-жойининг айрим иморатлари сақланиб қолган. Маҳаллий меъморчилик асосмда XIX аср бошларида қурилган бу иморатда Умархон (Қўқон хони) Нодирабегим, Маллахон, Шералихон, Мадалихон, Худоёрхон, Султон Мурод бегим, Убайдуллохон тўра (Қиргули мозор) пирим пошшохон тўра, Валихон тўрам ва уларнинг авлодлари яшаганлар.

Қўқон хони Умархон Марғилонда хокимлик қилган давирда шаҳардаги Махдуми Аъзам авлодларининг ёрдамига таяниб иш кўрган. У Хиндистон шохи бўлмиш Алигавхарнинг куёви СаййидАбдуллоҳнинг набираси (она томонидан Бобурийзода) Саййид Пошшохон Тўра хонадонига кўп ташриф буюрган. Маълумотларга кўра Нодирабегим маълум бир вақт шу хонадонда яшаган. Пошшохон тўранинг ўғли Валихон тўра эса Шералихон ва унинг ўғиллари (Худоёрхон, Мадалихон, Султон Мурод бек) нинг пири хисобланган.

“Равзат ул-Ансоб” китобида айтилишича, Валихон тўра Қўқок хони Шералихонни давлатда юз берган адолатсизликларга қарши курашга чорлаб, уни халққа зулум килмасликка даъват этган, Ҳа, у ҳалқпарвар, юртнинг ғам-ташвишларида яшаб ўз ҳалқи озодлиги учун курашган сиймоларидан бири сифатида тарих сахифаларидан ўрин олга зотдир. Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олиш учун Фаргона водийсига бостириб кирган вақитда Валихон тўра ўз бурчини тўғри англаб, миллий озодлик харакатига бошчилик қилган. Бу ҳақда “Тарихи Азизни” қитобида қуйдагича баён этилади:

-Гарчи Валихон Тўра бошчилик қилган миллий озодлик ҳаракати, кучлар тенг булмаганлиги ва ахолининг харбий сохадаги тажрибасизлиги оқибатида маъғлубиятга учраган бўлсада, унинг она ватанга бўлган муҳаббати босқинчилар юрагига қўрқу солиб турди.

Ривоят қилишларича, Валихон Тўра тушларида Ҳазрати Али карамуллоҳа важхийни кўраи, мозори шарифлари йўлини очмоқни амр

қилдилар. “Сандан умидим кўпдир, белинга богла камарим” деб тилло камарни белларига боғладилар. Бу тушни кўриб уйғондилар. Шод-ҳуррам бўлиб темирчиларга кетмон, теша, болта асбоблари буюрдилар. Ахли Марғилонни йиғдилар. Қишлоқлардаги муридларни чорладилар. Уч минг киши йиғилиб, Шохимардон сари йўлга чиқдилар. Тоғни кесиб йўл очар эдилар, ногвҳон бир катта тош тепадан тушди. У тошни жилдиришнинг иложи йўқ еди. Шунча харакат килдилар жилдириб бўлмади Тошнинг катталиги мисоли уйдек еди. Тошни жилдтра олмасликларини айтиб Валихон Тўрага арз қилдилар. Шунда Валихон Тўрам Аллоҳга илтижо қилдилар. Шундан кейин икки ракат нафл намози ўқиб савобини хазрат Алига бағишладилар ва тошнинг олдига бориб, “Шер даргоҳ бобом, мадад айлаг” деб қўлларини тошга теккизган замон тош ўрнидан бир қарич жилди ва уни йул четига қўйдилар. Халқ хайрат ила оҳ-фарёд уриб йиқилдилар. Валихон Тўрамга юзланиб, Тақсирим бу тошнинг оғирлиги қанча, деб сўрадилар, шунда Валихон Тўрам “50 пайса келса керак”, дедилар. Шундан буён бу тошнинг номи “эллик пайса” бўлиб қолди.

Марғилонлик Саййидзода Тўралардан Саййид Рустамхон Тўра Саййид Убайдуллохон Тўра (Қиргули мозори)-нинг эвараси бўлиб, ул зот ўз замонасининг энг обрўли улуғларидан бўлган. Марғилон ва унинг атрофларидан бобоси Валихон Тўрадан ер-сув, боғ-роғлар қолган. Бу муборак жой Марғилон дарвозаларидан бири бўлиб, Гулчаман деб аталган. Рустамхон Тўра ҳаж сафарларига борганларида нуфузли кишилар бу ерда кутиб олиб иззат-икром кўрсатганлар. Одамларни доимо аҳил-иноқ яшашга ундаган. Обрўйи бениҳоя баланд бу инсон аҳли илм ва уламони қуллаган, ундан хаёт дарсини олганлар. Бу ҳқда Рустамхон Тўранинг невараси Жалолхон Тўра отаси Акрамхон Тўрадан кўп бор эшитган экан.

Дарҳақиқат, Валихон Тўра катта миқдорда ер-сувларини, бутун мол-мулкини камбағал етим-есирларга сарф қилган.

Валихон Тўра XIX асирнинг 80-йилларида вафот этган. Бугунги кунда бу қутлуғ даргохда (Ж.Султонов номли кўча 58-уйда) Валихон Тўранинг авлодларидан Жалолхон Тўра Рустамов истиқомат килади. Фикримизча водийимиздаги тарихий обидалардан бири бўлган бу бинони асраб-авайлаб, келажак авлодга қолдириш бурчимиздир.

АБДУЛЛАЕВА Насиба Бўроновна
Ўзбекистон Миллий университети
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ДИН ВА САНЪАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ БАДИИЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Аннотация*: В этой статье анализируется взаимосвязь религии и искусства, влияние их друг на друга. Изучена роль ислама в Центральной Азии в развитии художественной культуры и эволюционный характер религиозных и художественных потребностей на примере поэзии, архитектуры, каллиграфии, изобразительного искусства.*

Ключевые слова*: религия, исскуство, литература, образ, религозно-художественные потребности, символ, художественнная культура.*

Annotation: *This article analyzes the relationship of religion and art and their mutual interaction. Furthermore, the role of Islam in Central Asia in the development of artistic culture and the evolutionary nature of religious and artistic needs are thoroughly examined in the contexts of poetry, architecture, calligraphy, and fine art.*

Key words*: religion, art, literature, image, religious and artistic needs, symbol, artistic culture.*

Инсон маънавий маданиятининг энг қадимий элементларидан бўлган дин, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам беради ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатади. Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида гап кетар экан, миллий маданиятнинг диний адабиёт, санъат асарлари деб аталадиган маданият дурдоналари, турли йўналишдаги диний-фалсафий таълимотлардан иборат махсус қатлами ҳам шаклланганини таъкидлаш зарур. Бу қатламсиз маданиятнинг бир бутунлигини тасаввур қилиш ниҳоятда қийин, амалий жиҳатдан мумкин эмас. Шунингдек, ҳар бир диний эътиқод кенг омма орасига кириб бориши учун маънавий ҳодисалар кўмагига таяниши табиий заруратдир. Шу нуқтаи назардан образлилик, рамзийлик хусусиятларига эга бўлган санъат ва дин ҳамкорлиги ҳар икки соҳада ижобий аҳамият касб этди. Дин ва санъат бир-бирини тўлдириб, дин санъатнинг равнақига, санъат эса диннинг ёйилишига хизмат қилади, натижада маънавий қадриятлар, диний-бадиий асарлар, диний-бадиий рамзлар вужудга келди.

Дин ва санъатнинг ўзаро муносабатлари жараёнида ҳар бир динда ўша диннинг ўзига хос, мазмун-моҳиятини ифодалайдиган санъат тизими шаклланиб ва ривожланиб борганлиги, динлар ўзлари учун ўша диннинг моҳиятини акс эттирадиган у ёки бу санъат тизимини шакллантирганига гувоҳ бўлиш мумкин. Буддавийлик динида Будда ва Ботҳисатвалар (авлиёлар) тимсоли ҳайкалларда тасвирланган бўлса, ислом маданиятида меъморчиликдаги гумбаз-Аллоҳ жамолини, гўзаллигини, минора-Аллоҳ қудратини, пештоқлардаги оятлар-Аллоҳ сифатининг рамзлари сифатида гавдаланади. Христиан динида иконалар (православ ва католицизмда) - Иисус Христос, Биби Марям, авлиёлар, Муқаддас китобдан олинган турли воқеалар туширилган тасвирларни айтиш мумкин. “Умуман олганда, халқ ҳаётида ижтимоий, маънавий, маданий, тарихий жараёнлар дин билан у ёки у даражада боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин. [173]

Диний бадиий асарда диний-бадиий рамзлар алоҳида аҳамият касб этади. Рамзда шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодалайди, шу боис ҳам у сирли, яширин, уни муайян билимга эга бўлмай туриб англаш мумкин эмас. Бу эса кишини фалсафий мушоҳадага, фикрлашга ундайди. Масалан, диний-бадиий рамзлардан нур Аллоҳнинг моҳияти, доимий ёруғлик сочувчи ва шу билан мавжудотга жон бахш этувчи абадий ҳамда мутлақ зиёнинг рамзи, ёки насронийлар ҳаворийлари бошидаги нурли гардиш уларнинг авлиёлигини англатади.

Ислом дини Ўрта Осиё халқлари турмуш тарзига, маданиятига турли қирраларда ўз таъсирини кўрсатгани меъморчилик, ҳуснихат, тасвирий санъат, бадиий адабиёт кабиларда ўз ифодасини топган.

Барча санъат асарлари каби диний-бадиий асарлар ҳам муайян қатъий қонунлар асосида яратилади. Диний-бадиий қонун меъморчиликда масжид-жоменинг кираверишдаги пештоқда Каломуллодан оятлар, бир ёнда мезона-минора, томда гумбаз, ҳовлида таҳорат учун ҳовуз, ичкарида махсус жой мақсура, фатволар ўқиладиган, ваъз айтиладиган минбар, қибла томонда меҳроб кабиларда намоён бўлади. Бунга Шоҳизинда меъморлик мажмуи, ёки Кёльн жомеси, Будда ибодатхоналарини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин.

Бадиий адабиётда эса диний ғоялар бадиият орқали ифода топди. “Абу Муслим жангномаси”, “Ҳазрат Али қиссаси”, “Машраб қиссаси” каби асарларни, тасаввуф шеърияти орқали кириб келган ошиқ, ишқ, май,

[173] Лебедев В.Ю. Религиозный ритуал западного христианства: культура, традиция, семиотика (XVI-XX вв.). Тверь. 2008. С. 14.

бода каби бадиий рамзларни таъкидлаш мумкин. Уларда инсоний маърифат, инсоний кечинмалар тасвири ва таҳлили билан олиб борилади. Масалан, Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон”, “Саломон ва Абсол” номли асарларида рамзлар орқали сўфиёна маърифатга эришиш тасвирланади.

Тасаввуф таълимотида фалсафий тафаккур билан бадиий тафаккур бақамти ривожланган. Ишқ, май, майхона, харобот, соқий, қадаҳ, хум, маҳбуб сингари кўпдан-кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва улар орқасида ётган яширин маънолар шулар жумласидандир. Масалан, Навоий “майни илоҳий ишқ— маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли илҳомнинг, беҳад хурсандчилик, сурурнинг рамзий ифодаси сифатида тилга олган”[174]. Шунингдек, Абдураҳмон Жомий, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний каби тасаввуф таълимотининг вакиллар ижодида кўпоҳангли, кўпмаъноли тимсоллар ва рамзлар кўплаб учрайди.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда китобаат, ҳуснихат санъати ривожи, ҳаттотлик мактаблари вужудга келиши, Амир Темур даврида бунёд этилган ноёб тарихий обидаларнинг сайқаллашуви ёки тасвирий санъатнинг хаттотлик билан уйғунлашуви ҳақида таъкидлаш мумкин. Жомий, Навоий, Ҳофиз Шерозий, Бобир, Лутфий, Фурқат каби мумтоз шоирлар асарлари ҳаттотлик услубларидан фойдаланилган ҳолда кўчирилган ва китобаат санъатининг гўзал намуналари пайдо бўлган. Улар бугун жаҳон музейларида энг қимматли дурдона сифатида сақланмоқда.

“Ислом дини ва тасвирий санъат алоқадорлигини комил инсон образи пайғамбарлар, валийлар, авлиёлар, донишмандлар сиймосида бадиий тасвирлангани орқали кўриш мумкин.”[175]. Бу тарихий тажриба ва аждодлар меросидан ижодий фойдаланиш, уни бойитиш ҳамда халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш учун бугун замонавий рассомлар иш олиб боришмоқда. Замонавий тасвирий санъатда тасаввуфий ғояларининг ифодаланиши Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида «Тасаввуф ва тасвир» номли замонавий тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ташкил этилиши, ёки ўзбек мусаввирлари ижодида нафис тасвирий санъат, кубизм, экспрессионизм, абстракционизм, фотоарт, инсталляция каби

[174] Н.Комилов Хизр чашмаси. Т: Маънавият, 2005.-Б.60

[175] Эшанова Г. Тасаввуфий ғоялар ва тасвирий санъат // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2007. –No 1. –Б. 54 –55

услубий йўналишларида диний қадриятлар мавзусининг кенг тасвирланиши жамият бадиий маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади.

Демак, юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, санъатнинг бир қанча турларида янги услуб ва тенденциялар, мажозий тимсолларнинг шаклланишида дин бевосита таъсир кўрсатган. Шунингдек, диний-бадиий эҳтиёжнинг такомиллашиб бориши эволюцион характерга эга бўлиб, у янги-янги ижодий ишларни вужудга келишига сабаб бўлади бу эса, маданиятлар ва қадриятлар тўқнашуви юз бераётган ҳозирги пайтда бадиий-эстетик қадриятларимизнинг мустаҳкамлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади.

МИРҚОСИМОВА Марғуба Мирқобиловна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
"Дин психологияси ва педагогика" кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТОЛЕРАНТЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

Аннотация: *В данной статье рассматриваются причины, по которым формирование качеств толерантности у студентов стало социально-духовной необходимостью в условиях современной глобализации. Формирование качеств толерантности связано со степенью развития мышления и культуры толерантности. Воспитание молодежи в духе религиозных и светских наук, национальных и общечеловеческих ценностей является одной из серьезных задач образовательных учреждений; это означает светскую и религиозную толерантность в будущей деятельности будущих специалистов, уважение к другим религиям и национальностям, уважение к культуре и ценностям других народов, а также к национальному богатству, дружбе. Можно поддерживать социальный и духовный баланс в обществе, когда мы воспитываем таких молодых людей. В своей будущей практике студенты будут опираться на знания, навыки и умения, приобретенные ими в этой области.*

Ключевые слова: *образовательный процесс, качества толерантности, толерантное мышление, социально-духовная необходимость, культура толерантности, светская и религиозная толерантность, основная проблема научного исследования, дидактический, аксиологический и археологический подходы, исторические корни толерантности, принципы толерантности.*

Annotation: *This article describes the reasons why the formation of the qualities of tolerance in students has become a socio-spiritual necessity in today's globalization. The formation of the qualities of tolerance is related to the degree to which the thinking and culture of tolerance are developed. Educating young people in the spirit of religious and secular sciences, national and universal values is one of the serious tasks of educational institutions; this means secular and religious tolerance in the future activities of future professionals, respect for other religions and nationalities, respect for the culture and values of other nations, as well as national wealth, friendship. It is possible to maintain social and spiritual balance in society, when we educate such young people. In their future practice, students will build on the knowledge, skills and abilities they have acquired in this area.*

Keywords: *educational process, qualities of tolerance, tolerant thinking, socio-spiritual necessity, culture of tolerance, secular and religious tolerance, the main problem of scientific research, didactic, axiological and archeological approaches, historical roots of tolerance, principles of tolerance.*

Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат қуриш йўлидан борар экан, толерантлик тафаккурини барча жамият аъзолари, айниқса, ёшлар онгида шакллантириш, ёшларни диний ва дунёвий илмлар, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш таълим муассалари олдидаги жиддий вазифалар сирасига киради. Зотан, Олий таълим муассасаларидаги ёшларда толерантлик сифатларини таркиб топтириш аввало толерантлик тафаккурини шакллантириш билан чамбарчас боғланади. Ёшларда толерантлик сифатларини таркиб топтиришнинг бош мақсадини эса бўлғуси мутахассисларнинг келажакдаги фаолиятларида дунёвий ва диний бағрикенглик, ўзга дин ҳамда миллат вакилларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ўзга миллатлар маданияти билан қадриятларига, миллий бойликларига ҳам ҳурмат билан қараш, дўстона муносабатда бўлиш ташкил этади. Сабр-тоқатлилик, чидамлилик, бардошлилик, биродарлик, ҳамдардлик, камситмаслик, хўрламаслик,

тинч-тотув яшаш, жамиятда барқарор руҳий мувозанатни сақлаш каби сифатлар толерантлик тафаккури орқали шакллантирилади.

Дунё миқёсида глобаллашув ва ижтимоий-иқтисодий интеграциялашув жараёнлари кучайган ҳозирги паллада элатлар, миллатлар мафкуралар хилма-хиллигини қамраб олувчи ҳамжиҳатлик фалсафаси ҳамда маданиятига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО ташкилотига аъзо давлатлар иштирокида имзоланган "Бағрикенглик тамойиллари деклорацияси" да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди.. Таълим-тарбия тизимида ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши жаҳон олимлари томонидан ҳам таъкидланмоқда[176]. Мазкур масала қатор илмий тадқиқотлар марказида турибди: Россия олимларидан З.Г.Апресян, Т.Болотина, М.Золотухин, И.В.Крутова, В.Н.Павлов каби олимлар толерантлик сифатларини ёшларда оиладан бошлаб узлуксиз таркиб топтириб бориш – шахс шаклланишининг зарурий элементи эканлигини асослаб, бу тушунчанинг фалсафий-маънавий қирраларини тадқиқ қилганлар[177]. Хорижлик олимлардан Э.Риэрдон Бетти, Т.Адорно[178], Ж.Элпорт[179] тадқиқотларида толерантлик тушунчасининг семантик мазмуни, толерантлик ва замонавий жамият зиддиятлари ўрганилган. Ўзбек олимларидан Х.Бобоев, И.Жовлиев, М.Хаджиева[180], Г.Кушакова[181] ва бошқалар томонидан амалга оширилган ўнлаб тадқиот ишларида ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг дидактик, аксиологик ҳамда акмеологик мазмуни аниқлаштирилган.

Бугунги кунда толерантлик турли-туман зарарли ғоя ва тушунчаларга қарши кураш омилига айланди: иқтисодий, маънавий-мафкуравий, диний муносабатларга киришишнинг замонавий қонун-қоидаларини ўрганишдан тортиб, инсонлараро муносабатларда миллати, ирқи, насаби, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига кўра ажратмаслик, бир-бирига қарши

---

[176] А.Г.Асмолов. Историческая культура и педагогика толерантности. М.: 2001.-стр. 61-65.

[177] В.А.Воробъева. Педагогические технологии воспитания толерантности у учашихся. М.:2004.-65с.

[178] Риэрдон Б.Э. Толерантность – путь к миру.- М.: "Бонфи".-2001.-304 с.

[179] Adorno T. Aspects of Sociologu. Beacon.-2003.-210 p.

[180] М.Хаджиева.Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фан.док.дисс.автореферати.Т.: 2012.-42 б.

[181] Г.Кушакова. Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш технологияси. Пед.фан.док.дисс.автореферати Т.: 2020.-49 б.

қўймаслик, турли эътиқод эгаларини ҳурмат қилиш, диний ғояларни зўравонлик билан сингдиришга уринмаслик кабилар сиёсий, мафкуравий, маънавий-рухий мувозанатни сақлаш меъёрларини англатади.

Толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг тарихий илдизларига эътиборни қаратсак, қадимги Хитой, Ҳинд, Миср, Зардўштийлик маданиятларида бағрикенглик ғоялари илгари сурилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Айниқса, ислом фалсафаси ва маданиятининг таъсирида Ғарб Ренессанс даври инсонпарварлик ғоялари шаклланди. Мусулмон маданиятига хос "тасаммул" тушунчаси кечиримли бўлиш, меҳрибонлик, халимлик, хайриҳоҳлик, сабр-қаноат, ўзаро ҳурматни англатади. "Бирортангиз ўз биродарингизни ўзингиздек яхши кўрмасдан туриб, эътиқодли бўлолмайсиз" деган ақида ислом динидаги толерантлик тушунчаси асосий ғоясини англатади. Айни шу мазмундаги ёндашув Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида бўртиб кўринади: жамият аъзолари ўртасидаги тенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик унинг тинчлиги ва фаровонлиги гарови эканлиги алоҳида таъкидланади. Олимнинг фикрига кўра: "Маълум халқ ва инсоният тўплаб келган маънавий-миллий мероси орқали "руҳлари", яъни шахсларнинг маънавияти, онги миллийлашиб, бир-бири билан қўшилиб боради."

Толерантликнинг тарихий илдизлари "Авесто", "Ўрхун-Энасой битиклари"дан бошлаб ислом маданияти таркибида шакллантирилган **комил инсон ғояси,** тасаввуф таълимотига хос қарашлар заминида ривожланиб, ўзбек маърифатпарварларининг комил шахс сифатлари талқинига оид тарбия тамойиллари ҳамда мустақиллик даврига келиб, замонавий **"баркамол шахс"** ғоясининг педагогик мазмуни, ҳар жиҳатдан ривожланган баркамол шахсга хос сифатларни таркиб топтириш мақсади, вазифалари, метод ва усуллари янгиланганлиги билан чамбарчас боғланади.

Ўзбек миллий қадриятлари таркибидаги толерантлик ғояси ҳам одамларга меҳрли-оқибатли бўлиш, уларнинг ёши, миллати, ирқидан, насл-насабидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлишни ифода қилади . Бундай муносабат инсоний маданият саналади. Шу сабабли ёшларда толерантлик сифатларини шакллантириш аввало мазкур тушунча моҳиятини тўла идрок этишлари, уларда толерантлик тафаккурини таркиб топтириш, толерантликка оид билим, кўникма ва малакаларни илмий-назарий жиҳатдан тарихий илдизларига таяниб шакллантиришни ҳамда ўз фаолиятларида бу тамойилларга амал қилиб яшашларини тақазо этади.

АРИПОВА Зухра Джахангировна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар” кафедраси доценти
тарих фанлари номзоди

МИСРДА МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШГАН МОВАРОУННАҲРЛИК САРКАРДАЛАР

Аннотация: *В средневековой истории Египта особое внимание привлекает периоды правления династий тюркских султанов Тулунидов, Ихшидидов и Мамлюков. Данная статья посвящена египетским военачальникам по происхождению из Мавераннаҳра, благодаря которым Египет уцелел в период монгольского нашествия.*

Ключевые слова: *Египет, страна, султан, Бахриты, история, халифат, монголы, наука.*

Annotation: *In the medieval history of Egypt, particular attention is drawn to the periods of the reign of the dynasties of the Turkic sultans Tulunids, Ihshidids and Mamluks. This article is dedicated to Egyptian warlords from Maverannar, thanks to whom Egypt survived during the Mongol invasion.*

Key words: *Egypt, country, sultan, bourgeois, bourgeois, history, caliphate, madrassa, building, city, historical process, science.*

Тарихдан маълумки, ҳар бир тарихий давр, ҳар қайси сиёсий гуруҳ ўз сиёсий манфаатларини тўла-тўкис ифодалайдиган раҳнамо ҳамда йўлбошчиларни олдинга суради. Тарих оқимида сиёсий қарашлар ва ғояларни олға сурган, шакллантирган, инсон маънавий дунёсини бойитувчи асарлар яратган ҳамда инсоният тарихидаги кескин бурилишларга кўмаклашган саркардалар, сиёсий ва давлат арбоблари, файласуфлар, султонлар, амирлар ва хонлар бўлган. Мисрда Марказий Осиёдан чиққан туркий қабилалар вакиллари турли даврларда ҳукмдорлик қилди. Биринчи давр IX асрга тақалиб, унда Мисрда Тулунийлар сулоласи (868-905) ҳукмдорлик қилган эди. Сулоланинг асосчиси Аҳмад ибн Тўлун аслида Бағдодда халифанинг туркий лашкарбошиси бўлган. Унинг отаси Аҳмад Бухоро атрофидаги кўчманчи туркий қабилалардан бўлиб, у IX аср бошида ёшлигида қул сифатида Бағдодга юборилган. Ўзининг шахсий фазилатлари, кучли ҳарбий тайёргарлиги туфайли Тўлун катта мансабларга эришди ва халифанинг яқинларидан бирига айланди. Ўғли Аҳмад ибн Тўлун Мисрга ҳоким қилиб тайинлангандан сўнг, у ерда

мустақил сиёсат олиб борди ва тез орада Мисрни кучли давлатга айлантирди. Тарихчилар Тўлунийлар сулоласи ҳукмдорлик қилган даврни Миср ўрта аср тарихида “Олтин давр” деб ҳисоблашади[182]. Аҳмад ибн Тўлун Миср ҳимояси учун ҳарбий кемалардан ташкил топган кучли флот барпо қилган.

Шундай туркий ҳукмронлардан яна бир тоифаси 1250-1382 йиллар мобайнида Мисрда ҳукмронлик қилган бахрий мамлук султонларидир.

Мамлук султонлари Ойбек Туркманий 1250-1257 йилларда, ал-Музаффар Сайфиддин Қутуз 1259-1260 йилларда, аз-Зоҳир Бейбарс 1260-1277 йилларда, ал-Мансур Сайфиддин ал-Қалаъун 1280-1290 йилларда ҳукмронлик қилишган, ва бошқалар араб қавмига эмас, балки туркий элатларга, хусусан Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилаларга ёки мўғул истилосидан қочган хоразмликларга таалуқли эканини машҳур ўрта аср тарихчилари ал-Макризий, Ибн ал-Ийёслар кўрсатиб ўтишган.

Султон ал-Музаффар Сайфиддин Қутуз 1259-1260 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган мамлук султонидир. Ҳукмронлиги давомида ўзининг қобилиятли лашкарбоши эканлигини намоён қилди. У Ойбек Туркманийнинг ўғли Алидан тахтни тортиб олади ва уни тоғдаги қалъага қамаб қўяди ва ўзини Миср султони деб эълон қилади[183]. Қутузнинг бу ишидан норози бўлган амирларга “Биз мўғуллар билан курашиш учун бирлашишимиз керак, бу ишда султонсиз ҳеч нарса қила олмаймиз, агар душманга бўлинган ҳолда қаршилик кўрсатсак, бу нарса яхшиликка олиб келмайди, салтанат ичидаги майда ихтилофлар ҳам шуни тақозо қилади” – деб, мурожаат қилади[184]. Мамлуклар даври тарихчилари ал-Макризий(1364-1442) ва Ибн ал-Ийёс (1448-1524) ўзларининг тарихий битикларида Миср лашкарлари бошида турган Миср султони Қутуз асли Моваройнаҳрдан деб ёзилган. Уни Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердини жияни деб тахмин қилинган ва унинг асл исми Маҳмуд ибн Мавдуд деб таъкидлашади[185]. Шунингдек, уни Жалолиддин

---

[182] Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. с англ. П.А.Грязневича. М.: «Наука», 1971. – Б.73

[183] Маҳосин Муҳаммад Ваққод. Ат-Табақот аш-ша‘биййа фий-л-Қоҳира ал-мамлукиййа. – Қоҳира: Ал-ҳай’а ал-мисриййа, 1999. – Б. 417

[184] Абу ал-Фидо’ Исмо‘ил. Ал-Мухтасар фи ахбор ал-башар. Ж3. –Қоҳира, 1907. – Б. 199-200.

[185] Нур ад-Дин Халил, Сайф ад-Дин Қутуз – Қоҳира ал-мугул, Муассасату Хаврас ад-давлийа мин-нашр ва-т-тавзиъ. Ал-Искандария, 2005. – Б.104, Ходжаева Р.У. Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII-XVасрлар). Т.2013 – Б. 15, Шамий Яҳё. Шажарат ад-Дурр-

Мангубердини (ابن أخت) опаси ёки синглисини ўғли деб ёзишган. Маълумки, араб тилида (أخت) сўзи опа ҳам, сингил ҳам маъносида ишлатилиши мумкин. Уни қул бозорида сотишади ёш Қутузни Аюбий сотиб олиб, ҳарбий мактабда ўқитиб, тарбиялайди. У султон ёнида маслаҳатчи вазифасигача кўтарилди.

1260 йили 3 сентябрда айни мамлук султони Қутуз Фаластиндаги Айн Жалут деган жойда мўғуллар билан жанг қилиб, уларни шиддатли мағлубиятга учратди ва Хулагу қўшинларини орқага улоқтириб ташлади. Уни бу тарихий ғалабаси ҳақида қатор насрий асарлар битилган ва ҳозирги кунгача Мисрда ўрганилади[186]. Жангдан сўнг Мисрга қайтиш мақсадида Дамашқдан йўлга чиқади. Халқ бу йирик ғалабани нишонлашга тайёргарлик кўраётган эди. Уни йўлда Амир Бейбарс бошчилигидаги аскарлар кутиб олишади ва Султон Қутузни шафқатсизларча ўлдиришади. Амир Бейбарс билан султон Қутуз ўртасида бу ҳодисадан анча олдинроқ келишмовчилик келиб чиққан эди. Амир Бейбарс жамоасидан бўлган хушдошларни (ҳамкурслар) Султон Қутуз ҳақоратлагани сабабли Султон Қутуз ва Амир Бейбарс Бундуқдорий жамоаси ўртасида душманлик пайдо бўлган эди. Улар қулай фурсат кутиб туришган эди. Дамашқдан Мисрга келаётган Қутузни пайт пойлаб ўлдиришади. Ўрта аср тарихчиси Ал-Мақризийнинг ўзининг тарихий асарида ёзишича: “Султон Қутуз ўлдирилгач, амирлар кенгаши ўтаётган вақтда Амир Ақтоий амирларга қарата “Сизлардан қай бирингиз уни ўлдирди?”, - деб сўраганида Бейбарс “Мен ўлдирдим”,- деб жавоб қайтаради. Ақтоий “Ундай бўлса султон ўрнига тахтга ўтир”,- деб айтади”[187]. Шу тариқа Султон Малик Аз-Зоҳир Рукниддин Бейбарс 1260 йилда тахтга ўтиради ва 1277 йилгача ҳукмронлик қилади.

Шундан кейин Султон Бейбарс мўғуллар Мисрни босиб олмаслиги учун ҳаракат қилди. Шунингдек, Миср шу даврда мўғуллар ҳужумига дош бера олмаган Бағдоддан устунлиги кўриниб қолди. Султон Бейбарс 1258

маликату-л-муслимин ва ъасимату-д-дунйа ва-д-дин. Дар ал-фикр ал-араби. Байрут –Лубнан. 2004. – Б.83.

[186] Аҳмад Шалабий. Ат-тарих ал-исломий. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа , 1990. – Б.235, Ҳамза Абд ал-Ҳофиз. Нияба Ҳалаб фий аср салотин ал-мамолик. – Қоҳира: Ал-Ҳай’а ал-мисриййа, 2000. – Б. 100

[187] Тақий ад-дин Ал-Макризий. Ас-Сулук фи ма‘рифа дувал ал-мулук. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрийа. Ж1.1970. – Б.436, Шаҳоб ад-дин ал-Умарий. Масолик ал-абсор фий мамолик ал-амсор. Ж.16– Қоҳира: Дор ал-кутуб, 1964. – Б. 598, Ибн Тағриберди Абу ал-Маҳосин. Китоб ан-Нужум аз-Зоҳира фий мулук Миср ва-л Қоҳира. Ж.7. –Қоҳира, 1963. – Б.104

йилда Бағдодда мўғуллар истеълоси натижасида завол топган Аббосий халифаликни 1261 йилда Қоҳирага кўчиради. Бейбарс олиб борган омма орасидаги сиёсати, айниқса, унинг салб юрувчиларга қарши кураши туфайли катта обрў-эътиборга сабаб бўлди. Унинг исми Миср халқи оғзаки ижодида Аббосий халифа Хорун ар-Рашид (786-809) ва Салоҳ ад-дин Айюбий билан бир қаторда тилга олинади.

Мамлук султонлари даврида Миср кучли давлатга айланди. Айни улар Фаластинда салибчиларнинг қолган кучларини тор-мор қилиб, минтақадан бутунлай йўқотганлар, ва айниқса, бутун мусулмон дунёсини қақшатган мўғулларни салтанат чегарасида тўхтатиб, Айн Жалут деган жойда уларга 1260 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган жангда катта зарба етказиб мағлубиятга учратиши халқлар хотирасида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Айн Жалут жангида мўғул истилосини бошидан кечирган хоразмликлар алоҳида жасорат кўрсатганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор[188].

Шундай қилиб моваройуннаҳрлик мамлук лашкарбошилари Шом ва Мисрга бостириб кирган салбчиларни, сўнг мўғулларни тор-мор этиб, араб ерларини босқинчилардан озод қилишди.

БОЛТАЕВ Абдураҳим Амонович
Бухоро давлат университети доценти,
сиёсий фанлар номзоди, доцент

ИБН СИНО – ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ТАЛҚИНИДА

Аннотация: *В этой статье рассматриваются взгляды бухарского мыслителя, суфи, великого представителя учения суфиев Накшбанди, Ходжа Мухаммада Порсо жившего в XIV-XV веках про своего соотечественника Ибн Сины.*

Annotation: *This article discusses the views of the Bukhara thinker, Sufi, a great representative of the teachings of the Naqshbandi order, Khoja Muhammad Porso who lived in the XIV-XV centuries about his compatriot Ibn Sina.*

[188] Ал-Ибодий Аҳмад Мухтор. Фи-т-тарих ал-айюбий ва-л-мамлуки.– Искандарийа: Ал-муассаса шаббоб ал-жомиʻа, 1992. – Б. 151.

Ключевые слова: *Суфий, исламская культура, средневековье, ученые, мистицизм, ибн сина, философия, ирфон.*

Key words: *Sufi, Islamic culture, the Middle Ages, scholars, mysticism, Ibn Sina, philosophy, Irfon.*

Хожа Муҳаммад Порсо *(1345, Бухоро – 1419, Мадина)* ўз ижоди ва фаолияти билан тасаввуф илмий меросида ўзининг ўчмас изини қолдирган буюк мутасаввиф алломаларимиздан ҳисобланади. Унинг деярли барча асарлари тасаввуф ва сўфийлик йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган бўлиб, ислом маданияти ривожида ўзининг катта тарихий-илмий, маънавий-ахлоқий ўрнига эгадир. У ўрта асрлар муҳитига хос бўлган кўплаб илмларни пухта ўзлаштирган эди. Жумладан, Қуръон, ҳадис, калом, тарих каби илмларни ўрганди. Кейин эса Баҳоуддин Нақшбанддан тариқат сирларидан таълим олди. Нақшбандиянинг етук мутасаввифларидан бири бўлиб етишган Хожа Муҳаммад Порсо умрининг иккинчи ярмидан бошлаб сермаҳсул ижод қилди. Унинг “Рисолаи қудсия”, “Таҳқиқот”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Мухтасари тарихи Макка” ва “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” каби йигирмадан ортиқ асарларни яратди.

Унинг “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” (“Дўстларни висолга етакловчи хитоб китоби”) асари ўзида 500 га яқин муаммоли диний масалани атрофлича ёритиб берган, унинг ечимларини аҳли сунна вал жамоа мазҳаби ақидавий талабларидан келиб чиққан ҳолда Қуръон, ҳадис ва жуда кўплаб алломаларнинг асарларидан фойдаланиб, шунинг уларнинг ўзлари ҳақида ҳам айрим маълумотларни бериб, уларнинг қарашларини кўрсатиб, очиб берган. Шу сабабли у узоқ давр шу мазҳаб тариқатларининг ҳам зоҳир уламолари, ҳам ботин илми намояндалари ўртасида асосий қўлланмалардан бири сифатида фойдаланиб келинган. Мазкур асар араб ва форс тилларидан бир хил фойдаланилган ҳолда ёзилганлиги учун айрим шарқшунослар учун бироз мураккаб асарлар сирасига киради. Тил тўсиқларидан ташқари унда мураккаб диний-тасаввуфий муаммолар, турли фиқҳий ёки тасаввуфий мактаблар қарашларининг ёки турли бидъат ва хурофотларнинг ўзаги Қуръон, Ҳадис, Қиёс ёки Ижмоъга мос ёки мос эмаслиги тадқиқ қилинганлиги билан ҳам ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Мазкур китоб ўтган аср бошларида бир неча бор чоп этилган бўлсада, ўзбек тилига ҳозирча тўлиқ таржима қилинмаган. Асарнинг биз учун яна бир қимматли томони шундаки, унда айрим юртимиздан етишиб чиққан машҳур

алломалар билан бирга ҳали илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилинмаган юртимиз олимларининг, уларнинг айрим асарларининг номларини ёки уларга муносабатни учратамиз.

“Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” (“Дўстларни висолга етакловчи хитоб китоби”) асарини эски Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов литографиясида хаттот томонидан ҳижрий 1331 (милодий 1913) йил санаси қайд этилган нусхаси асосида ўрганганимизда, унда турли масалалар ечими кўсатилаётган пайтда ватандош олимларимиздан айримларининг бу масалага доир фикрлари илова қилиб кетилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, асарда ватандошимиз, тариқатда ўзига хос “ҳакимиййа” йўналишини вужудга келтирган, машҳур “Хатмул авлиё” асарининг муаллифи Абу Абдуллоҳ ал-Ҳаким ат-Термизийни[189], улуғ аллома Мустамлийни[190], унинг кетидан эса “ат-Таъарруф” асари соҳиби ал-Калободийни[191] ҳам эслайди. Шунингдек, биз учун у қадар таниш бўлмаган термизлик олим Муҳаммад ибн Ҳомид ат-Термизийни[192], Абулбаракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий[193], Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий Аҳмад ибн Маҳмуд ал-Бухорий ас-Собуний[194], Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий[195], Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий кабиларни зикр қилиб, улар тўғрисидаги хулосаларини ва муносабатини қисқача билдириб ўтади.

Хожа Муҳаммад Порсо номларини келтираётган алломаларнинг аксарияти мутасаввифлар, сўфийлар ёки калом илми, фиқҳ илми намояндалари ҳисобланади.

Маълумки, тасаввуф ва фалсафа олам ва одам моҳиятини англашнинг ўзига хос икки оқими бўлиб, ҳозиргача яшаб келмоқда. Хожа Порсо тасаввуфнинг йирик намояндаларидан бири сифатида табиийки, файласуфларга эргашмаган, уларнинг фикрларига асосан, қарши томонда турган. Бу ҳатто жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган, номи

---

[189] فصل الخطاب بوصل الأحباب. خواجه محمد پارسا. Литографія Гулъям Хасанъ Арифджанова. Стар. Ташкентъ. 1915, 43-бет.

[190] Ўша асар: 57-бет.

[191] Ўша асар: 57-бет.

[192] Ўша асар: 72-бет.

[193] Ўша асар:90-бет.

[194] Ўша асар:90-бет.

[195] Ўша асар:127-бет.

абадиятга муҳрланган зот, қомусий олим Ибн Синога нисбатан ҳам ўзгармади.

У мазкур асарида бу буюк ватандошини эслаганда унинг фикридан ўзи рад қилган хулосани келтириб, кейин Ибн Синонинг назарий билиш ақидасида хатоси бор бўлганлигини, Ибн Синонинг ўзи буни кейинчалик тушуниб, аввалги ақидасидан қайтиб, тўғри йўлга кирганлигини таъкидлайди. У ёзади: "Айрим орифлар илмул яқинни фикрий қонун ва назарий далил билан эгаллаш қийинлигини таъкидлайдилар. Моддий нарсаларни англашда фақат далил керак бўлсада, бошқа кўплаб нарсаларни англашда биргина далил мутлақо ҳеч нарса қилолмайди. Аҳли басират ва соғлом ақл эгаларига тушунарлики, англаш икки хил йўл биландир. Биринчиси кўриш ва далил келтириш йўли билан, иккинчиси ботинни поклаш ва Аллоҳ таъолога илтижо қилиш орқали эришиладиган кашф йўли билан. Назарий мартабада ҳол аввал қилган машқларимиздан тиниқлашади ва шунда қалбни поклаш ва том маънодаги фақр билан, қалбнинг борлиққа тааллуқли барча нарсалардан, билим ва қонуниятлардан бутунлай фориғ қилиш билан Аллоҳ таъолога таважжуҳ қилиш йўли кўринади.

Аҳли назарнинг устози, уларнинг муқтадоси раис Ибн Сино Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайн Али Ибн Сино ўзининг бу йўлдаги изланишларида назарий қувватнинг фитратни соғломлаштириши мумкинлигини ёки у орқали завқ ва илҳом йўлини очиш имкони борлигини рад этувчилар йўлидан кетди. У кўп ўринларда нарсаларнинг ҳақиқатларини англаш башарнинг қудратида эмаслигини, аксинча, инсоннинг бош ғояси нарсаларнинг хислатларини ва уларнинг қайси керак, қайси нокераклигини аниқлаш эканлигини айтди. У мақсади ва фикрининг тўғрилигини қатъий баён қилган бўлсада, кейинроқ яна Ҳақ таъолонинг маърифати масаласига қайтганда, у аввалги айтганларига хилоф гапларни айтганлиги машҳур. Ҳаётининг сўнгида у тавба қилди, ўзида бор нарсаларни камбағалларга садақа қилиб берди, мазлумларга ёрдамашди. У Қуръонни ёддан ўқиб, ҳар уч кунда хатм қиларди. 428 йилда рамазон ойининг биринчи жумасида вафот қилди ва Ҳамадонда дафн қилинди. Туғилган санаси 370 йилда дейишади, яна бир жойда 373 йил дейилган. Отаси Балхлик бўлган. Бухорога Нуҳ ибн Мансур ҳукмронлиги даврида келиб, Хармитан ва Афшона қишлоқларида иш бошқарувчи бўлган. Шу жойда уйланган ва ундан Абу Али дунёга келган. Кейинроқ Бухорога кўчиб борган. Ибн Сино у ерда имом Исмоил аз-

Зоҳиддан фиқҳни ўрганган. Ал-Ёфиъийнинг тарихида Абу Али ҳақида ёзилишича, у ўн саккиз ёшни тўлдирмай туриб, барча илмларни тўлиқ ўрганган экан. Унинг юзга яқин асарлари бўлиб, улардан бири “Рисолатут тайр”дир. У мусулмон файласуфларидан ҳисобланади. Кейин у Аллоҳ таъолонинг иноятн ва раҳмати билан тавба қилиб, танассук (зоҳидлик) ва табаттул (дунёдан узилиш) қилиб, ботинини софлаган экан. Яна ҳақиқатини Аллоҳ билувчироқдир[196]".

Хожа Муҳаммад Порсо, бу асарида ўз юртдошлари орасидан энг катта эътиборини Ибн Синога қаратган. Унинг биографиясига, ҳаёт йўлига кенгроқ тўхталган. Порсонинг Ибн Синога ҳурматининг баландлиги яна шундан маълум бўлмоқдаки, у нафақат Ибн Синога катта ўрин ажратган, балки, уни мазкур китобнинг асосий ўқувчилари ҳисобланган сўфийлар ва мутасаввифлар олдида оқлаб, унинг фалсафадан қайтиб, ботиний илмларни ҳам эътироф этган ва ҳаётида ҳам қўллаган киши сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Биринчи бор Ибн Сино тўғрисида бу каби хулоса берган мутасаввиф фақат унинг ўзи бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, унинг инсон руҳининг камолоти масаласига бағишланган “Рисолатут тайр” (“Қуш рисоласи”) асарини алоҳида таъкидламоқдаки, бунинг асосий сабаби Ибн Синодан илҳомланган Абу Ҳомид Ғаззолий, Суҳравардий, Нажмиддин ар-Розий ва Фаридуддин Аттор каби кўплаб сўфий ва мутасаввифлар бу рисолага катта қизиқиш билан қараганлар ва бу асарга суяниб, унинг умумий сюжети асосида тасаввуфий нуқтаи назардан шу каби номлар билан янги асарлар ҳам яратганлар. Бу анъана Порсодан кейинги даврда ҳам давом этиб,

[196] فصل الخطاب بوصل الأحباب. خواجه محمد پارسا. Литографія Гулъям Хасанъ Арифджанова. Стар. Ташкентъ. 1915, 199-бет.

Навоийнинг “Лисонут тайр” асари дунёга келди.

Шу сабабдан Хожа Муҳаммад Порсо ўз ватандошининг бу мавзуда биринчилардан бўлиб қалам тебратган инсонлигини таъкидлаяптики, бу ҳол Хожа Порсонинг буюкликни қанчалик нозик тушунишини, шунингдек, уни эъзозлашини, бу билан эса ўзининг ҳам шу каби инсонлар тоифасидан эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Булардан ташқари у ўз ўқувчилари олдида тасаввуф тарихи ва назариясининг катта билимдони, етук ориф ва мутафаккирлигини кўрсатиб турибди.

Аждодларимизнинг ўз ораларини бир неча юз йилликлар ва ғоявий қарама қаршилик ажратиб турган бўлсада, кейингиларнинг аввалгиларга чуқур ҳурмат кўрсатганлиги биз авлодларга ўрнак эканлиги шубҳасизир.

МАТИБАЕВА Разия Балтабаевна
Ўзбекистон халкаро ислом академияси
“Араб тили ва адабиёти ал-Азхар” кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

МАНОҚИБ ЖАНРИДАГИ АСАРЛАРНИНГ ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИДАГИ ЎРНИ

Аннотация: *В статье говорится о жанре манакиб. Произведения жанра манакиб являются ценным научным наследием в истории духовности нашей страны, в котором содержится обширная информация о сотнях ученых, которые покинули нашу страну и внесли значительный вклад в развитие исламских наук и их трудов.*

Ключевые слова: *жанр, манакиб, научное наследие, Центральная Азия, ислам, источниковедение.*

Annotation: *The article talks about the manakib genre. The works of the manakib genre are a valuable scientific legacy in the history of the spirituality of our country, which contains extensive information about the hundreds of scientists who left our country and made a significant contribution to the development of Islamic sciences and their works.*

Key words: *genre, manakib, scientific heritage, Central Asia, Islam, source study.*

XI–XII асрларда Хоразм Марказий Осиёдаги илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлган. Шу даврда Ўзбекистоннинг мазкур ўлкасида кўплаб буюк олимлар фаолият юритганлар. Хоразм ўрта аср туркий-ислом давлатлари билан қиёсланганда ўзига хос ва алоҳида мавқега эга бўлган. XIII аср бошлари – Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлганини айтиб ўтиш билан бир вақтда унинг ўзига хослиги қаторида ўша давр мусулмон дунёсининг чекка ҳудудларидан ҳисобланувчи давлат эканини қайд этиш керак. Шу билан бирга XI асрнинг биринчи ярми Хоразмда илм-фаннинг гуллаган даврига тўғри келганини зикр этиш даркор.

Мусулмон адабиётида маноқиб жанрида кўплаб асарлар ёзилган. Улар орасида аввалги ўринда тасаввуф намояндалари – авлиёларга атаб ёзилганлари туради. Жумладан, ислом олимлари, мазҳаббоши, мужтаҳид уламоларга атаб ёзилган маноқиб асарлар ислом дини, маданияти тарихи, турли мазҳабларнинг ақидавий таълимотларини ўрганишда ҳам ишончли ва қимматли манбалар ҳисобланади.

«Маноқиб» атамаси «Фазилатлар» маъносида ишлатилиб, бунда бирор аллома ёки авлиё каби буюк шахснинг фазл ва мартабасини мақтаб, у ҳақдаги ибратли ҳикояларни баён қилиш тушунилади[197]. Ушбу жанр кўпроқ тасаввуф намоёндалари ҳақида ёзилган асарларда ўрин олган бўлса-да, бошқа илм соҳалари уламолари ҳақида ҳам қатор маноқиблар ёзилган. «Маноқиб» жанри ҳақида гапиришдан олдин маноқибларга «жанр» истилоҳини қўллаш борасида тўхталиб ўтиш лозим. Маноқиб жанрига оид агиографик адабиётлар диний-ижтимоий тарихни ўрганишда асосий адабиётлардан саналади[198].

Турли энциклопедик луғатларда «*Жанр*» (*инг.* genre) сўзи қуйидаги маъноларни ифодалашда қўлланилган:

---

[197] Қаранг: Маноқиб // Ислом энциклопедияси. – Б. 151.

[198] Тиллабаев Р. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник (Жития шейхов накшбандиев). Автореф. … докт. ист. наук. – Ташкент: ИВАН РУз, 1994. – 54 с.

1) шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос белгилар бирлигига эга бўлган санъат асари тури;

2) турмуш манзараларини акс эттирган бадиий асар ёки расм;

3) усул, услуб, йўл[199]. Шунга кўра ушбу тадқиқот ишида «*Маноқиб жанри*» атамасини юқорида келтирилган икки асосга кўра ишлатиш мақсадга мувофиқ:

1. Шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос белгилар бирлигига эга бўлган санъат асари тури бўлгани учун.

Чунки маноқиб туридаги асарларда ўзига хос ҳиссий ва шаклий бирликлар мавжуд: Улар қуйидагилар: 1) маноқиб муаллифлари ўз асарларида ҳиссий жиҳатлар - «қаҳрамон»ларининг «энг яхши инсон» эканини, уларга нисбатан ўз ҳурматлари, ихлослари юқори эканини кўрсатиб беришга ҳаракат қилиши; 2) шаклий бирлик сифатида эса асарда ҳадислар, турли кишилар айтган ривоятлар ва муаллифнинг кучли эҳтиросларини акс эттирган шеърий ибораларнинг учрашини таъкидлаш мумкин.

2. Усул, услуб, йўл маъносида.

Ислом манбашунослиги тарихида буюк шахслар ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб маноқиблар усулида ўнлаб асарлар ёзилган. Шу сабабли ҳам бу услуб «*жанр*» даражасига кўтарилган дейишга асос бор. Мазкур факторга таянган ҳолда тадқиқотчилар «*жанр*» атамасини ўз илмий ишларида мазкур маъноларда ишлатганлар[200].

Маноқиб асарларининг муаллифлари «Имомга эргашувчи ҳар бир муқаллид ўзи эргашаётган имоми ҳақидаги асосий маълумотларни билиши керак», деб ҳисоблайдилар. Жумладан, шогирд ўз имомининг исми, куняси, насаби, яшаган аср ва шаҳарини билиб, унинг сийрати, фазилат ва сифатларини ўзлаштириши лозим бўлади[201]. Булардан ташқари шогирд имомнинг устозлари, унинг ёнида юрган ва доимо ундан хабардор бўлган дўстлари ҳамда ўқувчилари ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам турли мазҳаблардаги кўзга

---

[199] Русско-узбекский словарь. – Т. I. – Т.: Главная редакция УзСЭ, 1983. – С. 288.

[200] Қаранг: Мас.: Муминов А. Диссертация. – Б. 20; // Нажмуддинов З. Васлий ас-Самарқандийнинг «ал-Калом ал-афҳам» асари «Маноқиб Аби Ҳанифа» жанрининг Ўрта Осиёдаги сўнгги намунаси // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Тошкент: 2005 (бундан кейин: Нажмуддинов З. Васлий ас-Самарқандий. Ал-Калом ал-афҳам). – Б. 163; Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biografical Dictionaries // Arabica. – Т. 33. – 1986. – Б. 374.

[201] Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асомийи-л-кутуб ва-л-фунун (бундан кейин: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун) Т. 2. – 1360-62/1941-43. – Б. 1836.

кўринган олимлар ўз имомлари ҳақида манoқиб асарларини ёзганлар. Бу йўналишда ал-Ҳофиз Жалолуддин ас-Суютий (ваф. 1505 й.) ва Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ҳалабийлар (ваф. 1549 й.) «Манoқиб Ибн Арабий» («Ибн Арабийнинг фазилатлари») асарини таълиф этганлар. Суфён ас-Саврий, Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, Ибн Қудома ва бошқа кўпгина олимларнинг ҳаёти ва ижодларига бағишланган манoқибларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Манoқиб жанридаги асарларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) бир кишига бағишланган;
2) бир неча кишига бағишланган;
3) табақот усулидаги.

Бу жанрнинг энг кўп қисмини тасаввуф намоёндаларига бағишлаб ёзилган асарлар ташкил қилади. Улар сирасида Ҳисомуддин Хўжа Юсуф ал-Ҳофизийнинг «Манoқиб Баҳоуддин» («Баҳоуддиннинг фазилатлари»), Маҳмуд ибн Усмоннинг (ваф. 1531 й.) «Манoқиб Увайс Қараний» («Увайс Қаранийнинг фазилатлари»), Юсуф ибн Муҳаммаднинг «Манoқиб Боязид Бистомий» («Боязид Бистомийнинг фазилатлари»)[202] ва бошқаларни келтириш мумкин.

Саҳобийлар ҳақидаги манoқиблар ҳадис китобларида[203] ва уларга бағишланган алоҳида асарларда[204] ҳам мавжуд. Ҳадис китобларидаги саҳобийлар манoқиби асосан Муҳаммад (с.а.в.) сўзлари асосида ёзилган. Алоҳида манoқибларда эса ҳадислар билан бирга бошқа кишиларнинг асарларидан ҳам фойдаланилган. Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») номли асарида «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобийлари фазилатлари ҳақида»[205] номли алоҳида боб ҳам мавжуд бўлиб, унда саҳобийлар Муҳаммад (с.а.в.) уммати орасидаги энг яхши инсонлар сифатида тавсиф қилинган. Сўнгра уларнинг мартабалари, исломга киришлари ва уларга тегишли бошқа маълумотлар баён қилинган.

Саҳобийларга бағишланган алоҳида манoқиблар бўйича Аҳмад ибн Абдуллоҳ ат-Табарийнинг (ваф. 1295 й.) «Манoқиб Ҳазрат умму-л-мўминин Ойша» («Мўмина аёлларнинг онаси Ҳазрати Ойша

---

[202] Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Б. 1841.

[203] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): – Т. I. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991 (бундан кейин: ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. – Т. I). – Б. 379-381; Муҳаммад ат-Табризий. Мишкот ал-масобиҳ. – Т. III. – Байрут: Дору-л-фикр, 1991. – Б. 327.

[204] Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Т. 2. – Б. 1843.

[205] ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. – Т. I. – Б. 499.

фазилатлари»), Абу-л-Фараж ибн ал-Жавзийнинг «Манoқиб Умар ибн ал-Хаттоб» («Умар ибн ал-Хаттобнинг фазилатлари»), Жалолуддин ас-Суютийнинг «Манoқиб Фотима аз-Заҳро» («Фотима аз-Заҳронинг фазилатлари»), Абу Абду-р-Раҳмон Аҳмад ибн Шуайбнинг (ваф. 915 й.) ва бошқа қатор муаллифларнинг «Манoқиб Али ибн Толиб» («Али ибн Толибнинг фазилатлари») ёки бошқа номдаги асарларини келтириш мумкин[206].

Суннийликдаги тўрт мазҳаб асосчиларига атаб ҳам манoқиб жанрида бир қатор асарлар ёзилган. Ҳожи Халифа ўзининг «Кашфу-з-зунун ан асоми-л-кутуб ва-л-фунун» («Китоб ва илмлар исмлари бўйича гумонларни очиш») асарида ҳам сунний мужтаҳид уламолар манoқибларига атрофлича тўхталиб ўтган. Зикр этилган маълумотларга биноан аҳл ас-суннадаги тўрт мазҳаб асосчи олимлари орасида энг кўп ёритилгани бу Имом Абу Ҳанифа, кейин Имом Шофиий, сўнгра Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Имом Молик ибн Анасдир[207].

Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофиийларга бағишланган манoқиблар қолган икки олимнинг манoқибдан кўра анча кўп. Бу эса ҳанафий ва шофиий мазҳаблари бошқаларига нисбатан кенгроқ тарқалганидан дарак беради. Ушбу мазҳабларга эътиқод қилувчи аҳоли яшайдиган минтақалардан чиққан маҳаллий олимларнинг бу борада самарали фаолият олиб боргани бунинг асоси омилидир. Айни пайтда, Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофиийнинг таъсир доираси ва даражалари Имом Молик ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг мартабасидан юқорироқ бўлганида ҳам кўриш мумкин.

Ислом манбашунослигида пайғамбарлар, саҳобалар, авлиёлар, уламолар, мужтаҳид фақиҳлар каби буюк шахсларга атаб кўплаб асарлар ёзилган. Улардан энг кўп қисми XII асрга тегишлидир. Мовароуннаҳрда битилган манoқиб жанридаги манбалар ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг дунёвий ва диний билимларни эгаллашга қизиқишини ошириш, уларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялашда мухим аҳамият касб этади.

Асрлар давомида шаклланган, маънавий қадриятларимизни ўзида мужассам қилган, ўтмиш аждодларимиздан қолган бебаҳо маънавий меросни мустақилликкача ўрганишга эътиборсизлик билан қаралган. «Манoқиб» жанридаги асарлар ўлкамиз маънавияти тарихига оид

[206] Қаранг:Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Т. 2. – Б. 1844.
[207] Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Т. 2. – Б. 1839-1845.

қимматбаҳо илмий мерос бўлиб, у юртимиздан чиққан ва ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган юзлаб олимлар ва улар қолдирган асарлар ҳақида кенг маълумотларни ўзида мужассам этган. Шунингдек, ислом тарихида ўтган мазҳаб уламоларининг хизматларини кўрсатиб бериш йўли билан улар қолдирган илмий мерослари, қабул қилган фатволарида ислом динининг бирламчи манбалардан ташқарига чиқмаганликларини исботлаб бериб, мазҳабни инкор этувчи, гўёки фақат Қуръон ёки фақат суннат асосида яшаш лозимлигини даъво қилувчи фирқаларнинг иддаоларига раддиялар берилган.

ТАНИЕВА Гулдона Мамановна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

В.В.БАРТОЛЬДНИНГ “ТУРКИСТОН ТАРИХИ” АСАРИДА IX-XII АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Аннотация: *В данной статье показана важность произведения “История Туркестана” выдающегося востоковеда В.В. Бартольда в изучении истории городов на территории современного Узбекистана таких как Бухара и Самарканд в IX-XII вв. Также проанализированны научные выводы автора об отраслях промышленности городов, внутренняя и внешняя торговля, насиление, язык и религия с историографической точки зрения.*

Ключевые слова: *В.В.Бартольд, Бухара, торговля, Хорезм, религия, торговые дороги, Средняя Азия, Ренессанс, Самарканд, ислам, город, IX-XII века, мусульманская культура, Мавераннахр, Саманиды.*

Annotation: *This article depicts the importance of the work “The history of Turkestan” of outstanding orientalist V.V. Bartol’d while in the study the cities’ history on the territory of modern Uzbekistan such as Bukhara and Samarkand in the 9-12 centuries. Barthol’d’s scientific conclusions in terms of historiography were also analyzed in the field of cities industrial branches, internal and external trade, population, language and religion.*

Key words: *V.V. Bartol'd, Bukhara, trade, Khorezm, religion, trade roads, Central Asia, Renaissance, Samarkand, Islam, city, 9-12 centuries, Muslim culture, Maverannakhr, the Samanids.*

IX-XII асрларда Ўрта Осиёдаги шаҳарлар тараққиёти, тузилиши, аҳолиси, шаҳарлардаги иқтисодий, маданий ҳаёт каби масалаларни тадқиқ этиш жуда долзарб масала саналган. Чунки айни шу даврдан бошлаб бугунги кунда минтақадаги йирик қадимий шаҳарлар тараққиёти ислом дини мафкураси таъсирида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган.

Ўз тарихининг ана шу янги тараққиёт босқичидаги маданият, архитектура, сиёсий, ижтимоий ҳаёт изларини ўша давр ёзма манбаларида қолдирган Самарқанд, Бухоро шаҳарлари тарихини тадқиқ этишда йирик шарқшунос В.В.Бартольд илмий меросининг аҳамияти жуда катта саналади. Хусусан, унинг **"Туркистон тарихи"** асари шу масалалар тадқиқига бағишланган бўлиб, муаллифнинг тўлиқ асарлар тўплами иккинчи томига киритилган. Асар етти бўлимдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир бўлим Ўрта осиёнинг қадимги, араб ҳалифалиги, қорахонийлар, салжуқийлар, қорахитой ва хоразмшоҳлар даврида, муғуллар ва темурийлар ҳамда хонликлар даври тарихининг алоҳида-алоҳида таҳлилига бағишланган[208].

В.В. Бартольд асар бошида араблар эндигина босиб олган Ўрта Осиёдаги йирик шаҳарлар ҳақида ўша давр манбалари асосида маълумотлар ёзган, хусусан, бу даврда Марв Хуросоннинг марказий шаҳри бўлгани, Мовараунаҳрда эса марказий шаҳар Самарқанд эканлиги ҳақида баён қилган. Лекин, унинг таъкидлашича, Сомонийлар сулоласи асосчиси Исмоил Сомоний (892-907) ўз қароргоҳини Мовароуннаҳр маркази Самарқандда эмас, Бухорода жойлаштиради.

В.В. Бартольд Мовароуннаҳрнинг исломдан олдинги маданияти тараққиёти даражаси хусусида ҳам тўхталиб ўтади. Унинг хулосасига кўра, VII асрда Мовароуннаҳр маданий даражаси ўша вақтдаги Сосонийлар Эронидаги тараққиёт даражасидан анча орқада бўлган, лекин X асрга келиб, у билан тенглаша оладиган даражага кўтарилган. Бу ҳолатни шаҳарлардаги ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг тараққий этиши, ана шунинг ҳисобига шаҳарлар майдонининг кенгайиши билан изоҳлайди, муаллиф[209]. Араблар, дейди муаллиф ёзма манбалардаги маълумотларга таяниб, Мовароуннаҳрда худди Эрондаги Қум, Шероз ёки

[208] Бартольд В.В. История Туркестана. Сочинения. М. 1963. 2 том. Часть-1. С. 109-169.
[209] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 120.

Озарбайжондаги Ганжа шаҳарлари сингари катта шаҳарлар бунёд этмаганини, лекин Самарқанд, Бухоро, Марв каби шаҳарларнинг майдони жуда сезиларли даражада кенгайганини айтиб ўтади.

Асарда IX-X асрларда **шаҳарлардаги ишлаб чиқариш** ҳолати хусусида ҳам қизиқарли илмий хулосалар тақдим этилган. Жумладан унда пойтахт Бухорога кўчирилган бўлса-да, Самарқанд аввалгидек, энг кўп аҳолига эга, ишлаб чиқариш ривожланган йирик савдо маркази сифатида тараққий этишда давом этгани ҳақида қайд этилади ва самарқандликлар 751 йилги жангда асир олиб келтирилган хитойликлардан қоғоз ишлаб чиқаришни ўрганиб олгани, кейинчалик Самарқанд шаҳрида қоғоз ишлаб чиқариш кенг тараққий этганини, айнан Самарқанд қоғози ҳам мусулмон оламида, ҳам европада илгарги ёзув учун ишлатилган папирус ва пергаментни истеъмолдан сиқиб чиқарганини таъкидлаб ўтади.

Эрон ҳудудидаги шаҳарларга европадан тарқалган тўқимачилик ишлаб чиқариши ўз навбатидан Эрон орқали Ўрта Осиё шаҳарларига ҳам кириб келади. Бу даврда Муаллифнинг фикрича, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм шаҳарларида Миср ва Эрон шаҳарлари номи билан аталган матолар кенг ишлаб чиқарилган. Самарқанд шаҳридан шимоли-шарқда жойлашган кичик мавзе - Ведари мавесида Ведари деб аталадиган пахта мато ишлаб чиқарилгани тарихий манбалардан аён, дейди В.В. Бартольд.

Шаҳарларда **савдо-сотиқнинг** тараққий этиши ҳам улар майдонининг янада кенгайишига сабаб бўлганлиги ҳақида гапиради В.В. Бартольд ва айниқса, Мовараунаҳр атрофидаги кўчманчи аҳолининг нон, ҳунармандчилик буюмлари ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжи шаҳарлар яқинига чорва молларини уларнинг ўзлари ҳайдаб келишига мажбур қилган, дейди. Бу IX-X асрларда ва кейинги даврларда ҳам Ўрта Осиё шаҳарлари тараққиётида муҳим аҳамият касб этган омил бўлган. Муаллифнинг ўрта асрларда Ўрта Осиё давлатлари билан Европа давлатларидаги маданий, савдо-сотиқ ривожидаги айрим фарқ қилувчи жиҳатлар ҳақидаги илмий хулосалари жуда қимматли саналади. Яъни худди Европа тарихида бўлганидек, қудратли сиёсий ҳокимият барпо этиш билан савдо-сотиқ ва маданият соҳаларида катта ютуқларга эришиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Ўрта Осиё тарихида кузатилмайди, дейди ва мусулмон олами ичида сиёсий инқироз ҳеч қачон турли вилоятлар ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг узилиб қолишига, сусайишига олиб келмаган, деган хулосани беради муаллиф[210]. У бу

[210] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 135.

жиҳатни Бағдод сингари пойтахт кейинги даврларда бўлмаган бўлса-да, бир-бири билан рақобатлашган майда ҳукмдорлар барчасининг ўз пойтахтлари ва саройларида илм-фан намоёндаларини, шоирларни, алломаларни тўплашга ҳаракат қилгани, бу ўз навбатида марказий ҳокимият кучсиз бўлса-да, шаҳарларда маданиятнинг тараққий этишига имкон бергани билан изоҳлайди. Бизнингча, бу жиҳат нисбий бўлиб, Ўрта Осиё тарихининг барча даврида шундай бўлган, деб бўлмайди. Ахир бекорга ҳукмдорлар ўртасида йирик халқаро савдо йўлларини эгаллаш учун ўзаро рақобат бўлмаган. Масалан, Амир Темур давлатининг қудратли империяга айланиши ҳам унда маданият, савдо-сотиқнинг тараққий этишини таъминлаган муҳим омиллардан бири бўлган.

Тўғри, Ўрта Осиё тарихининг айрим даврларда, хусусан, минтақада ягона қудратли империя эмас, ўзаро рақобатлашган майда давлатлар ҳукм сурган даврларда эса В.В. Бартольднинг мулоҳазаси ўринли эканлигини намоён қиладиган ҳолатлар мавжуд. Шунинг учун муаллифнинг бундай мулоҳазаси XVI-XIX асрларни тадқиқ этувчиларни асосий эътиборни ана шу жиҳатларга ҳам қаратишга чақиради. Биз В.В. Бартольднинг турли минтақаларда бир вақтда кечган тараққиёт омилларини қиёслаб таҳлил қилиш усулидан фойдаланиш сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё карвон йўлларининг инқирозга учраганлиги ҳақидаги айрим илмий хулосаларнинг хато эканлигини исботлаш учун хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Яна муалллиф юқоридаги фикрларини давом эттириб, ташқи оламда эса Ўрта Осиёда марказлашган қудратли сиёсий ҳокимият ўрнида вужудга келган майда давлатлар учун йирик ҳарбий ҳаракатлар ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди, дейди ва *“мусулмон савдогарлари ва илм-фан намоёндалари бошқа халклар, давлатлар ҳудудига шунчалик даражада кириб бордики, ҳарбийлар ҳам ҳудудни эгаллаш борасида бу даражада катта муваффақиятга эришолмас эди*”, деб фикрига хулоса ясайди.

Гап савдо-сотиқ ҳақида борар экан шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, савдо-сотиқ иши алоқа йўллари тараққиёти билан бевосита боғлиқлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Шу боисдан ҳам В.В. Бартольд айни масалалар таҳлилини бир ўринда амалга оширган, дейиш мумкин. Унинг хулосасига кўра, мусулмон савдогарлари суғдлар даврида мавжуд бўлган алоқа йўллари орқали сафар қилиб ўзларидан узоқдаги бошқа мусулмон халқлари маданияти билан танишиш имконига эга бўлган[211]. Демак,

[211] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 124.

эндигина исломни қабул қилган Ўрта Осиёда аввалдан сератнов бўлган қадимги йўллардан фойдаланишда давом этилган. Бу эса минтақага янги ислом дини ва маданияти кириб келган бўлса-да, суғдийлар давридаги ижтимоий, иқтисодий ҳаёт тарзидаги кўп жиҳатлар янги шароитда янгиликлар билан давом этганини кўрсатади.

Минтақа савдогарлари ўз молларини сотиш учун асосан Хитой, Талас, Иртиш, Турфон ва Энасойгача қатнаган, дейди муаллиф. У хитой манбаларида қайд этилган маълумотларга асосланиб, X асрда Ўрта Осиё савдогарлари ҳатто шарқий Муғулистон, Орхонгача бўлган ҳудудларга қадар жойлашган юртларга қатнагани ҳақида ёзади.

Хоразм савдогарларининг фаолияти унданда юксак бўлган, дея Волгабўйи аҳолиси орасида ислом дини, ислом маданияти айнан улар воситачилигида кенг ёйилганлиги, ҳатто исломгача ва у эндигина Ўрта Осиёга ёйила бошлаган даврда ҳазорлар юртида хоразмликлардан саркарда ва ёлланма жангчилар кўп бўлгани ҳақида ҳам эслатиб ўтади. Сомоний давлати билан Волгабўйи халқлари ўзаро яқин алоқада бўлган. Буни у ҳатто Ибн Фадлан асаридаги маълумотлар асосида, ҳатто 921-922 йилларда Бағдоддан Волгага келган элчининг Кавказ орқали ўтган яқин йўлдан эмас, балки Бухоро ва Хоразм билан ўтган айланма йўл орқали ҳаракатлангани тўғрисида далилдан ҳам билиш мумкинлигига ишора қилади. Ҳатто муаллиф X аср охирида Хоразмшоҳлар давлатининг кенгайиши ва кучайишининг асосий сабаби ҳам бу даврда минтақада айнан савдо-сотиқнинг жуда тараққий этгани билан изоҳлайди.

Асарда яна Мовароҳауннаҳр аҳолиси ва уларнинг **тили, дини** хусусида ҳам тўхталинган. Хусусан, унда юқорида номи тилга олинган Ведари мавзесида яшовчи аҳоли араб бўлгани ҳақида гапириб, демак, Ўрта Осиёга нафақат ҳарбий араблар келиб жойлашган, балки ишлаб чиқаришдан хабардор араб аҳолиси ҳам келган, дея хулоса беради[212] Муаллиф фикрича, Ўрта Осиёда шаҳарча ҳаёт тарзи ва ишлаб чиқаришнинг кенг ёйилишига замин яратган асосий омил аҳолининг Эрон ҳудудидан кўчиб жойлашиши бўлган. Эрондан *"тожик"* аҳолисининг оммавий кўчиб келиши сабаблари ҳали манбалардан аниқланмаган бўлса-да, лекин бундай кўчиш натижасида аввалги мавжуд суғд тилининг Мовароуннаҳр текислик қисмида истеъмолдан аста-секин чиқиб кетиши, унинг ўрнини форс тилига жуда яқин бўлган тожик тили эгаллашига олиб

[212] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 121.

келганини айтади. Лекин бу даврда Хоразм ўзининг аввалги тилини сақлаб қолгани ҳақида гапиради, муаллиф.

В.В.Бартольднинг фикрича, дастлабки даврдарда *“тожик”* ёки *“тазик”* атамаси араблар томонидан шимолий Арабистонда яшаган қабилалардан бирига нисбатан ишлатилган, туркий халқлар эса бу атамани мусулмончиликдаги халқларга нисбатан қўллаган.

Асарда ўша даврда Мовароуннаҳрда дин ҳақида ҳам берилган илмий хулосаларнинг аҳамияти катта. Хусусан, муаллиф IX асрда Мовароуннаҳр аҳолисининг аллақачон тўла ислом динида бўлгани, улар орасида ханафийлик мазҳаби устун бўлгани, айнан шу даврда илк мусулмон мактаблари вужудга келгани, улардан ташқари яна аҳоли орасида Хоразмда зардўштийлик, Сирдарёнинг жанубий тарафида эса христианлик динидаги жамоаларнинг, Ургут атрофида христианларнинг йирик черковининг ҳам мавжуд бўлгани, мусулмонлар орасида шиалик йўналишидаги аҳолининг ҳам бўлгани хусусидаги фикрларни баён қилади.

В.В.Бартольд VIII асрда ислом дини ҳали христианлик, буддавийлик динлари сингари миссионерлик даражасига кўтарилмаганини ёзади ва буни ўша вақтда хитойда христианлик, буддавийлик динига доир хитой тилидаги асарлар кўп бўлгани, лекин у ерда келгинди мусулмонлар жуда кўп бўлганлигига қарамасдан, исломга доир асарлар бўлмагани билан изоҳлайди[213]. Чунки дейди, муаллиф, бу даврда ислом динини ёйиш муайян шахсларнинг эмас, асосан давлатнинг сиёсий вазифаси саналган. Яъни савдо-сотиқ билан ўзга юртларга саёҳат қилган мусулмонлар исломни тарғиб қилиш билан шуғулланмаган. Муаллифнинг фикрича, суфий дарвишлар давлатнинг тарғиботчилик вазифасидан мустақил равишда исломни ички ва ташқи ислом оламида омма орасида кенг ёйиш учун хизмат қилган. Лекин муаллиф айтганидек, шайхлар ўтроқ аҳоли орасидан кўра, чўл ва даштларда яшовчи аҳоли орасида кенг таъсир доирасига эга бўлган. Унинг шайхлар қўшни бўлиб яшаган кўчманчилар уруғлар орасидаги мавқеи билан кифояланиб қолиб, исломни тарғиб қилиш мақсадида узоқ юртларга кенг миқёсда миссионерлик саёҳатлари уюштирмаган[214], деган хулосаси унчалик ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди, бизнингча. Чунки йирик шайхларнинг нафақат қўшни дашт аҳолси ҳудудларига, балки узоқ юртларга саёҳат қилгани, у ерларда кўплаб

[213] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 125.
[214] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 125.

муридлар орттиргани ва масжид, хонақоҳлар бунёд эттиргани тўғрисида, ҳатто улардан кўпчилигининг узоқ вақтга чўзилган ҳаж сафарлари давомида ҳам ислом тарғиботи кенг кўламда олиб борилганлиги ҳақида далиллар жуда кўп.

В.В.Бартольднинг ушбу асаридаги илмий фикрларни таҳлил қилиб, IX-X асрларда ислом дини ва маданиятининг тарғиботи Ўрта Осиё минтақасида, хусусан, халифалик ҳудудида ва унинг ташқарида қуйидаги йўналишларда амалга оширилган, деган хулосага келишга ёрдам беради: ***биринчиси***- халифалик давлат аппарати юритган сиёсат натижасида, ***иккинчиси,*** халқлар, шаҳарлар ўртасида жадал кечган маданий алоқалар натижасида, ***учинчиси*** эса, сайёҳ суфийларнинг тарғиботи натижасида.

999 йилда Мовароуннаҳрда Сосонийлар сулоласи ўрнига мусулмон динидаги туркий давлат Қорахонийлар ҳокимият тепасига келади ва X-XII асрлар давомида Ўрта Осиёда ҳукм суради. Қорахонийлар даврида Бухоро эмас, Самарқанд давлатнинг марказий шаҳрига айланади. В.В.Бартольднинг хулосасига кўра Сомонийлар ўрнига Қорахонийларнинг ҳукмронлигининг мустаҳкамланиши муносабати билан минтақада маданият ва ривожланишда узилиш, инқироз кузатилмайди, аксинча, ривожланишда давом этган. Энг кўзга кўринган ўзгариш шу бўлганки, дейди муаллиф, Сосонийлар даврида бошқарувда ҳеч қандай ҳуқуқ ёки имтиёзга эга бўлмаган бой ер эгалари- деҳқонларнинг мавқеи Қорахонийлар даврида ошган. Буни у турли деҳқонлар томонидан алоҳида тангалар зарб этилгани билан изоҳлайди ва лекин бу ҳолатнинг ҳам узоқ вақтга чўзилмаганини таъкидлайди у[215].

XI асрда шаҳарлар ҳудуди кенгаяди, уларнинг тузилиши ҳозирги сақланган ҳолатга келади, яъни савдо дуконлари қатор жойлашган марказий кўчалар шаҳар ўртасида туташган жойда Чорсу вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, В.В. Бартольднинг бу асарларидаги илмий хулосалар XI-XII асрларда Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарлар тарихини кенг ўрганишда аҳамияти жуда катта. Бу аҳамият шу билан белгиланадики, ***биринчидан,*** муаллиф ўша даврда араб, хитой тилида ёзилган манбалардаги тарихий маълумотларни илмий муомалага тортган. ***Иккинчидан,*** В.В. Бартольд шаҳарларнинг Ўрта Осиёда ислом дини ёйилишидан олдинги ва ундан кейинги тараққиётини ўзаро қиёслаган ҳолда янги босқичда улар тараққиётида содир бўлган ўзгаришларга доир қимматли илмий хулосалар

[215] Бартольд В.В. История Туркестана. С. 129.

берган. ***Учинчидан,*** В.В. Бартольд асарларидаги бундай илмий хулосалар XI-XII асрларда Ўрта Осиё шаҳарлари цивилизациясига бағишланган келгусидаги янги тадқиқотларда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб беради. ***Тўртинчидан,*** асарнинг илмий қиммати яна шундаки, унда муаллиф фойдаланган тадқиқот усуллари барча даврлар тарихини ўрганиш учун ҳам тадбиқ этиш мумкин бўлган жиҳатларга эга.

ҲАСАНОВА Гулруҳ Джуманазаровна
Бухоро муҳандислик-технология институти
"Менежмент" кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ХОЖА НИЁЗ ХОРАЗМИЙ – АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ АСОС СОЛГАН ХОЖАГОНЛИК ТАРИҚАТИ ЗАНЖИРИНИНГ БОШЛАНИШИДА ТУРУВЧИ УЛУҒ АВЛИЁ

Аннотация: *В статье рассматривается мнение о великом святом мистическом мире, учителе хаджаганского тариката Абдухалике Гиждувани - великом пире, великом ученом, валиюллахе Ходже Ниез Хорезми ("Хазрат Бобо Лаклакаги"). Это станет основой для изучения истории ислама в мусульманском мире, в основном, истории еще одного великого предка, а также станет еще одним толчком к развитию паломнического туризма в Бухаре.*

Ключевые слова*: исламская культура, "семь святых пиров", туристическая индустрия, туристические ресурсы, паломнический туризм, паломничество, архитектурный комплекс.*

Annotation: *The article presents an opinion about the great holy mystical world, the teacher of the khajagan tariqa Abdukhalik Gijduvani - the great feast, the great scientist, valiyullakh Khoja Niyoz Khorezmi ("Hazrat Bobo Laqlaqagi"). This will be the basis for studying the history of Islam in the muslim world, mainly the history of another great ancestor, and will also be another impetus for the development of pilgrimage tourism in Bukhara.*

Keywords: *ilamic culture, "seven holy feasts", tourism industry, tourist resources, pilgrimage tourism, pilgrimage, architectural complex*

Ҳар бир миллат ва элатнинг ўз тарихи бор. Тарих замирида эса миллий ўзликни англаш, қадриятларга ҳурмат, аждодлар хотирасига эҳтиром туйғуси мужассам. Юртимиз қадимий қадамжоларга бой. Бу заминда буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилган.

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида зиёрат қилиш мақсадида келаётган туристлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиботларини босқичма-босқич соддалаштириш, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК (Тян) билан биргаликда Малайзия, Индонезия ва бошқа мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасидаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризм йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бу борада керакли реклама тадбирларини ўтказиш, логистика, жумладан, чартер рейсларни ташкил этиш, шунингдек, 2022 йил 1 январга қадар: меҳмонхоналар – бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган малакали хорижлик мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлаш ҳамда меҳмонхоналарга бошқарув ходимлари сифатида жалб

қилинадиган малакали хорижлик мутахассислар даромадлари – жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод этишга алоҳида урғу бериб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш; фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш; туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш; туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш; болалар, ёшлар, ногиронлар ва, аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш; туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш; тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш; туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш; туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш варивожлантириш; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш вауларнинг малакасини ошириш; чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш каби асосий йўналишларнинг қайд этиб ўтилганлиги мамлакатимизда ушбу тизимнинг ривожлантирилиши давлат сиёсати даражасида эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, зиёрат туризми бўйича Бухоро декларациясини Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти ҳамда Жаҳон сайёҳлик Ташкилоти томонидан маъқуллангач, 2019 йилнинг феврал ойида Бухорода ўтказилган бирини халқаро зиёрат туризми форуми доирасида Ўзбекистонни зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш бўйича Бухоро декларацияси тузилди ҳамда форумда иштирок этган давлатларнинг ўндан ортиғи мазкур ҳужжатни имзолади. Ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг, хусусан Бухоро шаҳрининг зиёрат туризми бўйича салоҳиятини яна бир бор эътироф этиш, АЙСЕСКО – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти томонидан 2020 йилда Бухорони “Ислом маданияти пойтахти” сифатида эълон қилганини яна бир бор тасдиқлайди. 2019 йилнинг 16 сентябр куни Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Миср вазирликлараро сиёсий маслаҳатлашувларнинг 9-раундида Бухоро 2020 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинганлиги бир томондан, “Етти Пирлар маскани” бўлган Бухорои Шарифга фахр бахш этса, иккинчи томондан, зиёрат туризмини янада ривожлантиришга, учинчи томондан, мусулмон

дунёсидаги ислом маданиятини, тарихини, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий меросини, тарихий ёдгорликларини ўрганишга кенг йўл очиб беради.

Бухоро — табаррук замин. Азал-азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бу кўҳна гўшанинг оҳанграбоси, кўрку таровати инсонни доимо ўзига чорлаб туради. Бухорога йилига дунёнинг турли нуқталаридан минглаб сайёҳлар келади. Улар бу шариф заминда тарих билан юзлашадилар. Инсониятнинг асрлар оша яшаб келаётган эзгу тутумлари, маданияти ва қадриятларига гувоҳ бўлиб, уларнинг моҳиятида ётган умумбашарийлик, боқийлик сирларини англашга уринадилар. Ислом дини пешволари, алломалари, азиз-авлиёлари босган тупроқни, қўлларининг қайноқ тафти қолган масжиду минораларни, руҳлари кезиб юрган манзилларни зиёрат қилишга ошиқадилар... Бухорога дунё халқлари эътиборининг кучайиб бораётгани бу қадимий маконда туризм индустриясини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигидан далолат.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳукуматимиз раҳбари томонидан ҳар йили Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларининг нишонлаши учун алоҳида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги қонуний ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва мазкур тадбирларни юртимизда юқори савияда ўтказилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

“Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандниг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни “Баҳоуддини Балогардон” деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди”[216].

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Ромитаний, Бобойи Самосий каби меъморий мажмуаларни ўз ичига олган

[216] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 25.

“Етти пир” зиёратгоҳи нафақат ҳамюртларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланади.

Бухоро вилоятининг Ромитан тумани қадимий ва салоҳиятли ҳудуд, унинг илк тарихи Афсонавий ҳукмдор Афросиёбга бориб тақалади. Булар улуғ авлиёлар Хожа Уббон, Хожа Заъфарон, Хожа Ниёз Хоразмий - Ҳазрат Бобойи Лақлақағий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Бобойи Самосий, Ҳаким Мулла Мир ҳазратлари, Чорикулбой каби саховатпеша инсонлари билан машҳур юрт.

Улуғ пир, буюк аллома, валиюллоҳ Хожа Ниёз Хоразмий халқ орасида “Ҳазрат Бобо Лақлақагий” номи билан улуғланган. У киши тасаввуф оламининг улуғ авлиёси, хожагонлик тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Ғиждувонийга устозлик қилганлар. Шу сабаб Хожа Ниёз Хоразмий Абдухолиқ Ғиждувоний асос солган хожагонлик тариқати занжирининг бошланишида турувчи улуғ авлиё саналади. Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг мақбаралари олдида ўрнатилган лавҳада Хожа Ниёз Хоразмий Абдухолиқ Ғиждувонийга устозлик қилганликлари тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, етти пир тўғрисида битилган кўплаб илмий асарларда, жумладан, Садриддин Салим Бухорий, тарихчи олим Ҳ. Тўраевнинг илмий асарларида ҳам Ҳазратнинг Абдухолиқ Ғиждувонийнинг устозларидан бири эканликлари алоҳида таъкидланган.

Юртимизда асрлар мобайнида ислом оламининг турли хил йўналишдаги диний - фалсафий таълимотлари, жумладан, хожагонлик - нақшбандия, Кубравия, Яссавия ва шунга ўхшаш диний - фалсафий йўналишлар шаклланган бўлиб, улар орасида ўзининг халқчиллиги ва оммавийлиги билан хожагонлик - нақшбандия таълимотининг алоҳида ўрни бор. Бу таълимотнинг шу ҳудудда шаклланиб ривож топишида улуғ авлиё, тасаввуф оламининг йирик вакили Хожа Ниёз Хоразмийнинг ҳам улкан хизматлари бор.

Мақбаранинг таъмирдан олдинги кўриниши

Хожа Ниёз Хоразмий - Ҳазрат Бобойи Лақлақагий тахминан XI асрнинг 70 йилларида туғилиб, XII

асрнинг биринчи ярмида яшаб ирфоний фаолият кўрсатиб, ижод этган. Хожа Ниёз Хоразмий Абдухолиқ Ғиждувоний асос солган хожагон тариқати занжирининг бошланишида турувчи улуғ тасаввуф пири саналади. Ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувоний ёшлик йилларида сабоқ олмоқ учун Ғиждувондан Ҳазратнинг ҳузурига пиёда келар ва ҳар сафар Зарафшон дарёси устида қурилган "Пули Лақлақа" кўпригидан ўтар эканлар. Кўприкдан ўтишда кўприк доимо қимирлаб тургани сабаб "Пули Лақлақа" яъни "Лақлақа кўприги", қимирлайдиган кўприк деб аталган. Мазкур кўприкни Хожа Ниёз Хоразмий ўз маблағлари ҳисобидан қурдирганлар. Айтишларича, бу кўприкдан то Зарафшон дарёси устида Чориқулбой кўприги қурилгунга қадар фойдаланиб келинган бўлиб, у асрлар давомида қайта-қайта таъмирлаб турилган.

Тарихий манбаларда битилишича, Ҳазратнинг ўзлари ҳам кўп марта муридлари тарбияси учун атроф ҳудудларга бориб турганлар, воҳанинг деярли барча туманларида кўплаб марта сафарларга чиққанлар. Ҳазрат ўз тирикчиликларини ўтказиш учун деҳқончилик билан машғул бўлганлар.

Хожа Ниёз Хоразмий Абдухолиқ Ғиждувонийга сабоқ берган йиллари ёшлари анча улғайган бўлиб, у кишига нисбатан "Бобо" сўзини илк бора А.Ғиждувоний қўллаган эканлар. Шунингдек, "Туҳфатул зоирин" асарида келтирилишича, А.Ғиждувоний шайх Ниёз Хоразмийнинг ҳурматини жойига қўйиш учун кўп хизматларини қилиб, дуоларини олган эканлар.

Ҳазрат "Бобои табаркобон", яъни "Болта билан урувчи бобо" номи билан ҳам машҳур бўлганлар. Бу ном у кишига ўз шогирдларининг диний ва маънавий тарбиясига нисбатан ўта талабчан бўлганликлари учун берилган экан.

Мақбаранинг таъмирдан олдинги кўриниши

Қадимда улуғ авлиё қабрлари устига пахсадан мақбара сифатида иморат қурилган, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида эса шу ерлик саховатпеша инсонлар Султон Ҳамроев ва Юсуф Ҳусеновлар томонидан пахсадан қилинган

мақбаранинг устки қисми олиниб, ёғочдан иморат кўтарилган ва зиёрат қилувчилар учун қисман шароит яратилган.

Марказий Осиё халқлари тарихи ва Бухоро ва унинг атроф қишлоқлари илк тарихи ҳақида хиқоя қилувчи М. Наршахийнинг 943-944 йилларда ёзилган "Бухоро тарихи" асарида келтирилишича, қадимда Ромитан деганда ҳозирги Хожа Али Ромитаний зиёратгоҳи олдидаги Қўрғонтепа ҳудуди тушунилган. Илк ўрта асрларда яъни ҳазрат яшаган ҳудуд, шунингдек, ҳозирги Ромитан шаҳри ҳудуди умумий ном билан Лақлақа деб, айрим манбаларда "Лақлақаи кўҳна" деб ҳам юритилган. Ҳазратнинг номлари ҳам шу номдан олинган бўлиб, яъни лақлақалик авлиё маъносини англатади.

Қадимда Зарафшон дарёсининг асосий ўзанларидан бири Вобкентдарёдан Зандани ва Сомжан каналлари бош олган бўлиб, Сомжан суви то Варахша ҳудудигача етиб борган. 1896 йилда Бухоро воҳасида топографик ишларни амалга оширган Н. Ф. Ситняковский Сомжан каналини Ромитан канали деб ҳам атаган.

Тарихий манбаларда битилишича, Бухоро амирлиги даврида, яъни XVI асрдан бошлаб ҳозирги Ромитан тумани Сомжан тумани номи билан аталган. Собиқ Шўролар даврида Ўзбекистон ҳудуди 1926 йилда қайта районлаштирилган вақтда Бухоро вилояти таркибида Сомжан тумани ташкил этилган, кейинчалик эса Ромитан тумани деб, шу даврда Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини умумий ном билан Лақлақа фуқаролар йиғини деб юритилган

Ҳазратнинг абадий қўним топган жойлари Ромитан шаҳрининг жануби - ғарбида собиқ Зарафшон дарёси бўйида унча баланд бўлмаган тепалик устида жойлашган қабристон ичида бўлиб, бу жой ҳозирги кунда "Ҳазрат Бобо" қабристони деб юритилади. Халқимиз азбарои устозга ҳурмати нуқтаи - назаридан мазкур қабристонни Ҳазрат номи билан атаган. Кейинги йилларда кўпгина марҳумларнинг қабрлари ҳазратнинг қабрлари томон тобора тақалиб келинганлиги оқибатида Ҳазратнинг мақбараларигача кириб боришнинг мутлақо имкони бўлмай қолган эди.

Шунингдек, Ҳазрат Бобо қабристони минг йиллик тарихга эга бўлиб, ўтган асрнинг 90 йилларида қабристонни кенгайтириш мақсадида Хайрабод канали тўғрилаб олинган ва қабристон ҳудуди қарийб икки гектар майдонга кенгайтирилган. Хожа Ниёз Хоразмий зиёратгоҳини обод этиш мақсадида ўтган асрнинг 90 йилларида ҳазратнинг қабрлари устига

мақбара қуриш ишлари олиб борилган. Мақбарани қуриш ишлари уста Илҳом Ҳамроев ва унинг шогирдлари томонидан амалга оширилган.

Тумандаги “Донолик” фирмаси раҳбари Шавкат ака Тойиров 1994-1996 йилларда ҳазратнинг қабрлари устига ҳозир тўлиқ қайтадан реконструкция қилинган мақбарани пишиқ ғиштдан миллий анъаналар асосида қуришни бошлаган, аммо қурилиш ишлари охиригача етказилмасдан қолиб кетган. Ўша пайтда мазкур бино тагзамини темир - бетон қилиб мустаҳкамланмаган, ҳазрат абадий қўним топган қабр жойи аниқ белгилаб олинмаган экан. Шунингдек, ҳазрат абадий қўним топган масканни қабристондан ажратиб олиш ва уни алоҳида мажмуа сифатида шакллантириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилмаган, мақбара оддий пишиқ ғиштлар билан қурилиб, қурилиш ишлари, жумладан унинг гумбази охирига етказилмасдан қолиб кетган эди. Натижада таъмирлашни бошлашдан олдин Ҳазрат қўним топган жойга кириб боришнинг умуман имкони қолмаган эди.

Бу ерда қурилиш - ободонлаштириш ишларини амалга оширишдан асосий мақсад ҳазратнинг қабрлари жойлашган мақбарани алоҳида мажмуа сифатида ажратиб олиб, атрофини девор билан ўраш, мажмуага кириш дарвозаси ўрнатиш, йўлаклар ётқизиш, манзарали дарахтлар ўтқазиб кўкаламзорлаштириш ва зиёратчилар учун қулай шарт - шароитлар яратиб беришдан иборат эди. Шу мақсадда энг аввало Ҳазратнинг тугалланмай қолган мақбаралари атрофидаги кўплаб қадимий сағана ва қабрлар кўчирилди, мақбаранинг атрофлари қабристондан ажратиб олиниб алоҳида мажума сифатида шакллантирилди ва зиёратга келувчилар учун қулай шарт - шароитлар яратилмоқда.

Ҳазратнинг мақбаралари қайтадан тўлиқ реконструкция қилинди, қабр устига мармар тош ўрнатилди. Ҳазратнинг мақбаралари устига мармардан қабр тоши қўйишдан олдин қабр очилиб, жасаднинг аниқ жойи белгилаб олинди. Оллоҳ кароматига қарангки, Ҳазратнинг бу дунёдан ўтганларига шунча асрлар ўтган бўлса ҳам, қабрдаги суяклар гард юқмагандек бус - бутун турганлиги, ҳазрат жасадлари

сажда ҳолатида ётганлигининг гувоҳи бўлинди. Ҳазратнинг жасадлари пахсадан қилинган шоҳсупада қўйилган экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича мақбара Зарафшон дарёси бўйида баландликда жойлашганлиги, зах сувлар доимо оқиб кетганлиги туфайли жасад узоқ асрлар давомида қуруқда турган ва унга асрлар силсиласи унча таъсир кўрсатмаган.

Мақбара тагзамини тўлиқ очилиб темир - бетон панжаралар билан қайтадан мустаҳкамланди. Мақбара томонлари 8,5х8,5 метр ва баландлиги қўшқаватли гумбази билан 8,5 метрдан зиёдроқни ташкил этади. Ҳазратнинг қабрлари устига қурилган мақбаранинг тўрттала томони бир - бирига тенг қилиб қурилгани, унинг асрларга хизмат қилишига асос бўлади десак ҳечам янглишмаган бўламиз. Зиёратгоҳни, жумладан мақбарани қайта реконструкция қилишнинг бош лойиҳаси республикамизнинг таниқли меъморларидан бири, пуртажриба инсон Маҳмуд Қосимович Аҳмедов томонларидан юртимизда узоқ асрлар давомида шаклланган миллий-тарихий анъаналаримизга мос ҳолда тайёрланиб, амалга оширилди.

Мақбаранинг ҳозирги кўриниши

Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлар идораси раиси ўринбосари, Шайх Абдулазиз Мансур Ҳазратларининг зиёратгоҳнинг очилиш маросимидаги табрик сўзи

Ҳазратнинг сағаналари устидаги мармар тошни юртимизнинг улуғ сангтарош усталаридан бири, нуроталик Тойир ака Раҳимов сифатли Ғозғон мармаридан тайёрлади. Шунингдек, мақбара асосини ўраб турган мармартош тахталар ҳам шу уста томонидан сангтарошликда янгича усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланиб ўрнатилди.

2016-2017 йилларда ҳамюртимиз, саховатпеша инсон, тадбиркор Ҳусенов Низом Юсуфович томонларидан Ҳазратнинг қабрлари қайтадан реставрация қилинди, қабр тепасига мармар ёдгорлик тоши қўйилиб, қабр устида мақбара тўлиқ қайтадан реконструкция қилинди. Мақбарага нақшкор дарвозалар ўрнатилди, мақбара атрофида ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, жуда ҳам кўп дарахтлар, гуллар экилди. Бу ердаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳануз давом эттириб келинмоқда.

Шунингдек, мақбара ёнидаги қабристонда —Шаҳидлар майдончаси (Хотира майдони) ташкил этилиб, унда Улуғ Ватан урушида шаҳид бўлган Рометан тумани Лақлақа қишлоғилик юртдошларимиз номлари битилди.

Бухоро вилоятининг собиқ ҳокими Ў.И.Барноевнинг зиёратгоҳнинг очилиш маросимидаги табрик сўзи

Мақбара рўпарасида жойлашган Жомеъ Масжиди ҳам қайта қурилди, унда келадиган зиёратчилар учун барча шароитлар яратилиб, ҳожатхона, таҳоратхоналар қурилди. Жомеъ Масжиди атрофида ҳам турли хилдаги дарахтлар, гуллар экилди, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Маънавият ва маърифатни ҳаётининг бош аъмоли деб билган кўҳна ва боқий Бухоро халқи бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида ўз

тарихининг янги саҳифаларини очмоқда. Ромитанлик савобталаб инсонлар — ҳар бир инсон ўтган улуғларнинг, жумладан, “Хожа Ниёз Хоразмий - Ҳазрат Бобойи Лақлақағий”нинг муборак қадамжоларини янада обод этиш, уларга муносиб бўлиш ишқи, меҳри билан, олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ўз улушини қўшиш илинжида яшамоқда. Бугунги кунда “Хожа Ниёз Хоразмий - Ҳазрат Бобойи Лақлақағий” зиёратгоҳида зиёратчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Зеро, азиз-авлиёларнинг авлодларига насиҳати янглиғ янграган қуйидаги мисралар бугун ҳам тиллардан-тилларга кўчиб юрибди:

Бизни ёдга олганнинг замони обод бўлгай,
Макони обод бўлгай, жаҳони обод бўлгай.
Не экса ўриб олгай, ўшани одам, бешак,
Бизни ёдга олганнинг хирмони обод бўлгай!

Ўйлаймизки, Бухорода шундай азиз-авлиёларнинг муборак қадамжоларининг обод этилиши ҳам мусулмон дунёсида ислом маданияти ва санъатининг ривожланишига, Марказий Осиё мутафаккирлари илмий мероси ва тарихий ёдгорликлари эпиграфикаси ва архитектурасининг ўрганилишига, шунингдек, зиёрат туризмини шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш орқали иқтисодиётимиз ҳам равнақ топаверади.

ҲИДИРОВА Наргиза Ўриновна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН ВАҚФ МУЛКЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (БУХОРО ХОНЛИГИ МИСОЛИДА)[217]

Аннотация. *В данной статье основополагающие свойства, установленные женщинами, изучаются на примере Бухарского ханства. На основе вакфних документов произведен анализ виды имущества*

[217]Ушбу мақола ЎзРФА Тарих институти амлга оширилаётган ПЗ-20170929569 рақамли “Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ вақф ҳужжатларини каталоглаштириш (XVI-XX аср бошлари Бухоро хонлиги мисолида)” инновацион лойиҳаси доирасида тайёрланди (бажарлиш муддати 2018-2020 йиллар).

фонда, учреждения.

Ключевые слова: *Вакф, женщина, средневековье, архив, собственность, мечеть, медресе, максурахана, мактабхана (школа).*

Annotation: *In this article, the fundamental properties established by women are studied using the example of the Bukhara Khanate. Based on the vaccine documents, an analysis was made of the types of property of the fund and institution.*

Key words: *Waqf, woman, the Middle Ages, archive, property, mosque, madrassah, maksurahana, maktabhana (school).*

Араб, форс, туркий (эски ўзбек тили) тилларда ёзилган архив ҳужжатларини илмий муомлага киритиш, улар асосида Ўзбек давлатчилиги тарихини очилмаган қирраларини кўрсатиб бериш шарқшунос ва тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви (олдинги Марказий давлат архиви), айрим вилоят архивлари, музей фондларида кўплаб қўлёзма манбалар билан бирга вақф[218] ҳужжатлари ҳам сақланади. Ушбу ҳужжатлар нафақат диний балки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳаётни ўрганишда муҳим ўрин тутади. Жумладан, вақф ҳужжатлари орқали ўз даврида муомалада бўлган пул ва ўлчов бирликлари, масжид, мадраса, карвонсарой, мактаб, бозор, мақбара, хонақоҳ каби маданий-маърифий муассасалар тарихи билан танишиш мумкин. Шунингдек, бу ҳужжатлар орасида аёллар томонидан мустақил таъсис этилган вақфномалар, мутавалли (вақф хўжалигини юритувчи) аёллар, турли хил мулкларни вақф қилган аёллар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Улар қаторига жойбор аёлларидан *Ойпошша биби*, *Халима бону*, ўз даврининг йирик ҳарбий саркардаларидан бири Нурбек бийнинг қизи *Мусулмон энагаларни* киритиш мумкин.

Аёллар мавзуси тадқиқотчилар “рўйхатидан” доимий, мустаҳкам ўрин олган бўлсада, ўрта асрлар даврида яшаган аёлларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнлардаги иштироки, ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятдаги ўрни каби масалалар ҳозирги кунгача Ўзбекистон тарихида алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Шунингдек, тарих саҳифаларига муҳрланган аёлларнинг шахси, фаолиятини тўлиқ очиб берадиган илмий изланишлар деярли амалга оширилмаган. Чунки, бу

[218]Вақф-туриш, тўхташ. Шамсиев П. Навоий асарлари луғати. Тошкент. 1972. 147-бет; “Тутиб туриш”, бир молнинг аслини ушлаб туриб, фойдасини Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун сарфлаш. Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя. III-жуз. Тошкент. 2008. 303-бет.

мавзу махсус билим, кўникмалар, манбаларни тўғри танлаш, масалани ҳар томонлама тарихий фактларга асосланиб чуқур тадқиқ этишни талаб қилади. Айниқса, ўрта асрлар даврида яшаб фаолият юритган аёллар ҳаётини ўрганаётган тадқиқотчи манбалардаги майда деталлардан аёлларнинг тарихий портретини яратади. Бундай портретни яратиш учун даврни ўзига хос хусусиятларини билиш, мавжуд маълумотлардан унумли фойдаланиш зарур.

Шу ўринда бу давр билан боғлиқ тадқиқотларнинг жуда кам яратилаётганлигини ўзига хос сабабларидан бири сифатида аёллар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи мавжуд манбаларнинг аниқланмаганлиги, уларга махсус реестр (рўйхат)лар тузилиб, каталоглаштирилмаганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Биз мазкур мақолада аёллар томонидан таъсис этилган вақф мулкларининг ўзига хос хусусиятларига тўхталамиз.

Ўрта Осиё хонликларида аёллар томонидан вақф қилинган мулклар, уларнинг турлари ва диний муассасалар

Ўрганишимиз натижаларига кўра Ўрта Осиё хонликлари ҳудудларида аёллар томонидан вақф қилинган мулкларни[219] қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Ер мулклари.
2. Боғлар.
3. Уй, ҳовли.
4. Дўкон, сарой.
5. Тегирмон, жувозхона.
6. Таҳоратхона.
7. Пул.
8. Масжид, мадраса ва мактабхона.

Вақф сифатида ажратилган мулклар ичида кенг тарқалгани ер мулклари бўлиб, уларнинг ҳажми бир танобдан[220] тортиб, бир ярим минг

[219]Ислом қонун-қоидаларига кўра вақф қилувчи шахс (воқиф) ва вақф қилинувчи мулкка нисбатан ўзига хос талаблар қўйилган. Шундай талаблардан бири вақф қилинаётган мулк қандай кўринишга эга бўлишидан қатъий назар (масалан: кўчар ва кўчмас мулк) вақф қилувчининг шахсий мулки бўлиши шарт этиб белгиланган. Қаранг: Исламское право. Вопросы экономики и общественных отношений. Перевод с персидский Дж. Мирзоева; научний редактор А. Баешев. Том 2. Москва. 2017. Стр. 252.

[220]Таноб-Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларида қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги. Бир таноб ер майдонинг юзаси 60х60 газга тенг бўлган. Бир газнинг ўлчами ҳар-ҳил бўлганлиги сабабли танобни ҳам ўлчами бир ҳил бўлмаган. XIX аср иккинчи ярмида Самарқандда бир таноб 1820,9 кв.м. (бир газ=71,12 см), Зарафшонда эса бир таноб 2845,1562 кв.м. (бир

танбгача бўлган. Айрим вақф ҳужжатларида ер мулклари хирожий (хирож тўланадиган) ва ҳур (тўловдан озод этилган) деб кўрсатилган[221]. Жумладан, Уста Бедил қизи *Биби Кичик Ой* томонидан Бухоронинг жанубий Руд туманида жойлашган 1та уй, 4 таноб хирожий ва 2 таноб ҳур ерлар ҳамда Хўжа Зайниддин гузарида[222] жойлашган 1 та уй ушбу гузар масжиди фойдасига вақф қилинган[223]. Боғлар кўп ҳолларда ер мулклари билан бирга вақфга ажратилиб, ҳужжатларда мевали ва мевасиз дарахтларнинг сони ҳам кўрсатилган. Масалан, *Чучук ойим* 18 таноп ер ва 15 туп тут дарахтини мулло Шоҳ гузарида жойлашган масжидга вақф қилган[224].

Уй, ҳовли каби кўчмас мулклар асосан масжид, мадрасалар ва талабалар фойдаланиши учун вақф қилинган. Хусусан, *Биби София* исмли аёл Бухоронинг Иноятулло хожа гузарида жойлашган уйини битта кизил араб гилами билан бирга Собунгарон хиёбонидаги масжидга[225], шунингдек, *Ҳушвақт ой* ўз турмуш ўртоғи билан бирга Меҳтар Анбар гузарида[226] жойлашган 1 та уйларини ушбу гузар масжидида Қуръони Каримни рамазон ойларида хатм қилиш учун вақф қилганлар[227].

Вақф мулки сифатида ажратилган дўкон ва саройлар[228] ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Улар қаторига Абдулҳамидбой қизи *Мастура ой* томонидан 2 та дўконни хожи Доруға кўчасидаги масжидга, Содиқбой қизи *Ширин Жамол* ғишт ва ганчдан қурилган 1 та саройни Волидахон

газ=88,9 см) тенг бўлган. Қаранг: Аҳроров Н. Қадимий ўлчов бирликлари (қисқача изоҳли луғат). Тошкент. 1996. 81-бет.

[221]Қаранг: ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №357, 269, 169 вақф ҳужжатлари; Хирож (ёки хараж) Ўрта Осиё хонликларида ердан олинган солиқ, у ҳосилни бир қисми тарзида ёки пул кўринишида йиғиб олинган. Қаранг: Исмоилов М. Шаропов А. Тарих атамалари луғати. Тошкент. 2013. 467-бет.

[222]Хожа Зайниддин гузари Гаукушон мавзесида жойлашган бўлиб, масжид XVI асрда қурилган. Қаранг: Сухарева О.А. квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). Москва. 1976. Стр.196.

[223] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №169.

[224] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №374, №223.

[225] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №162. Собунгорон гузари Хиёбон мавзесида жойлашган. Қаранг: Сухарева О.А. квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). Стр.164.

[226]Меҳтар Анбар гузари Калабод мавзесида бўлиб, бу ерда масжид, мактаб ва хожа Шариф Аттор мадрасаси жойлашган. Қаранг: Сухарева О.А. квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). Стр. 258.

[227]ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №563.

[228]Сарой-ҳукумдорлар қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли улкан бино, қаср; карвонлар тўхтаб ўтадиган работ (ёки карвонсарой). Қаранг: : Исмоилов М. Шаропов А. Тарих атамалари луғати. 378-бет. Вақфга ажратилган саройларни асосан карвонсарой, бирон нарса сақлайдиган жой (кўпроқ ижора асосида), меҳмонхона маъноларида тушиниш мумкин.

(ёки волидаи хон) кўчасидаги хожа Муҳаммад Турк Жондий масжид фойдасига вақф қилганлар[229].

Ака-ука, опа-сингиллар келишган ҳолда умумий (ёки меросий) мулкларидан вақфга қилган ҳужжатлар ҳам учрайди. Хусусан, *Малика ой ва Улан ой* исмли аёллар ўз ака-укалари билан бирга Коми, Абу Муслим туманларининг Қирғизон мавзесида жойлашган 16,5 таноб ерлари ва Муҳаммад Али хожи гузарида жойлашган таҳоратхонани масжид фойдасига вақф қилинганлар[230].

Вақф ҳужжатлари орасида масжид, мадраса, мактабхона каби иншоатларни қурдирган ва уларни бевосита вақф мулки сифатида расмийлаштириб, қўшимча равишда вақф мулклари ҳам ажратган аёллар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Шундай аёллардан бири Подшоҳ *биби* бўлиб, у хонақоҳ, мадраса, таҳоратхоналар қурдирган[231]. Муҳаммад Саид қизи *биби Халифа* шу номли мадрасага экинзор ерлар, 2 та тегирмонни, Қулмуҳаммад додҳоҳ қизи *Чучик ойим* бир қанча қишлоқлар ва ерларни ўзининг номи билан аталадиган мадрасага вақф қилганлигини кўриш мумкин[232]. Шунингдек, мадрасаларда таълим олаётган талабаларни бепул еб-ичиши ва турар-жой билан таъминлаш мақсадида, алоҳида ҳужралар, ерлар ҳам вақф қилинган.

Тегирмон, жувозхона (хар-ҳил маҳсулотлардан ёғ олувчи тегирмон), таҳоратхона каби кундалик ижтимоий, маиший ҳаётда зарур бўлган жойлар вақфига ҳам айрича эътибор қаратилган. Бундан ташқари кўчмас ва кўчар мулклар билан бирга пуллар вақф қилинган. Хусусан, пулни вақф қилиш бошқа хонликларга нисбатан Хива хонлигида кўпроқ кузатилишини алоҳида таъкидлаш зарур[233].

Мақсурахона ва қабристон (мозор)ларга ажратилган вақфлар

Аёллар томонидан вақф қилинган муассасалар орасида мақсурахоналар ҳам учрайди[234]. Мақсурахоналар тарихига назар солсак улар асосан VII-VIII аср бошларида айрим катта масжидларда[235] мавжуд

---

[229] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №219.

[230] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №352.

[231] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №117.

[232] ЎзР МА. Фонд 323, 1-рўйхат. №45, №40.

[233]Бу ҳақда батафсил қаранг: Жалилов О. Хива хонлигида пулни вақф этиш тўғрисидаги ҳужжатлар (XIX-XX аср бошлари). Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1989. №1. 45-49-бетлар.

[234]Мақсур-қисқартирилган, қисқа, чегараланган; тахсисланган, хосланган. Шамсиев П. Навоий асарлари луғати. 382-бет.

[235] да бўлган: намозгоҳ (ёки мусалла), жума масжиди, гузар масжид, йўл бўйи масжиди, муассасалар қошидаги масжидлар. Батафсил қаранг: Хаитова С. Архитектурно-планировочное формирование мечетей Таджикстана (вопросы генезиса, классификации и

бўлган. Бунда ҳукумдор (ёки бирон бир мансабдор шахс)ни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида масжид мехроби ва минбари, номоз ўқийдиган зал махсус ясалган кўчма девор (панжара) билан ўралган[236]. Баъзи ҳолларда улар махсус қурилган. Бунга Бухорода жойлашган номозгоҳ масжидини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу масжидга Амир Темур даврида қўшимча мақсурахона ҳам қурилган[237]. Аёллар томонидан қурдирилган мақсурахоналар ҳам учрайди. Мени фикримча бундай мақсурахоналарда нафақат ҳукумдор (ёки мансабдор) шахс номоз ўқиган балки, мутасаддилар томонидан Қуръон тиловатлари ҳам қилинган.

Хусусан, Камолиддин Маҳдум қизи *Маҳмуда ой* ва Мирзо Олим қизи *Муслима ойлар* Барақиён гузаридаги битта ҳовлиларини ушбу гузарда жойлашган масжид мақсурахонаси фойдасига вақф қилганлар. Бунда масжид муаззини маълум кунларда уларнинг қабрларига бориб Қуръони Каримнинг “Мулк” ёки Ихлос” сурасини 3 мартадан ўқиши шарт қилинган[238].

Қабристонга оид вақфлар асосан азиз авлиёларнинг зиёротгоҳ мозорлари, юқори табақага мансуб шахслар ва воқифнинг шахсий мозорига ажратилганлиги билан характерланади. Айниқса, Бухоро хонлигида катта мавқейга эга бўлган жўйбор хонодонига мансуб аёлларнинг вақф ҳужжатларида буни учратиш мумкин[239].

Масжид, мадраса, мактабхона каби муассасаларни қурдириш ҳамда кундалик зарурий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сув билан боғлиқ ҳовуз, таҳоратхона, ариқларни барпо этиш, уларга ўз мулкларидан ҳайр-эҳсон (ёки садақаи жория) қилиш катта савоб ҳисобланган. Ушбу савобли ишда нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам четда турмаганлигини юқорида келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, ушбу маълумотлар ўзбек халқига хос бағрикенглик, ислом динининг яхшиликка тарғиб қилиши, силаи раҳм қилиш, жамиятни ривожланишига хизмат

художественного образа). Автореферат диссертации на саискание ученой степени кандидата архитектуры. Душанбе. 2018. стр. 12.

[236]Кирюшкина Е.В. Особенности формирования и развития декора дворцовой архитектуры мусульманской Испании // Актуальные проблемы теории и истории искусства. Санкт-Петербургский государственный университет (Санкт-Петербург). 2012. №2. https://www.elibrary.ru/contents.asp?issueid=1352331

[237]Ислам на бывшей на Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск. №1. Составитель и ответственный редактор С.М. Прозоров. 1998. Стр. 83.

[238]ЎзР МА. Фонд 323, рўйхат-1. №449.

[239]Бу ҳақда батафсил қаранг: Хидирова Н. Ўрта Осиё аёлларининг ижтимоий-иқтисодий мавқеини тадқиқ этишда вақф ҳужжатларининг ўрни. Sharqshunoslik. 2016. №1.55-63-бетлар.

қиладиган илм-фанга ўз маблағларини холисониллоҳ сарфлаш каби жиҳатларни ҳам очиб беради. Аёллар номи билан боғлиқ вақф ҳужжатларини ўрганиш ўрта асрлар даврида яшаган аёлларнинг ҳаёти ва фаолиятини кенг тадқиқ этиш, уларни бир тизимга солиш имконини беради.

ХОДЖАЕВА Раъно Умаровна
Профессор кафедры "Литература стран Зарубежного Востока" Ташкентского государственного университета востоковедения, доктор филологических наук.

ЖЕНЩИНЫ–ПРАВИТЕЛЬНИЦЫ В ИСТОРИИ ИСЛАМСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Annotasiya: *Islomdagi ayollarning ahvoli bugungi kunga qadar munozarali va nozik masalalardan biri bo'lib qolmoqda. So‘nggi o‘n yilliklarda islom tsivilizatsiyasida ayol muammosiga bir tomonlama stereotipik yondashuvni bartaraf etish va bir xil baholarni rad etish tendentsiyalari mavjud.*

O‘ziga xos yondashuvning stereotipi, masalan, musulmon ayolning o‘z mamlakatlarining ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotidagi shaxs sifatidagi rolini butunlay inkor etishida namoyon bo‘ldi. Shu bilan birga, tarix turli xil popritdagi faoliyati tufayli katta shuhrat qozongan ko‘plab musulmon ayollarning ismlari qayd etildi. Ular orasida tarixiy maydonda chiqish qilgan hukmdorlar, Qur'onni sharhlovchi mufassir ayollar, muhaddis ayollar, hadislar bo‘yicha mutaxassislar, shar'iy qonun bo‘yicha huquqshunos ayollar, o‘qituvchilar, so‘fiy ayollar, xatiblar, shoirlar, taniqli qo‘shiqchilar, yozuvchilar bor. Yigirmanchi asrning mashhur turkiy ziyolisi Rizouddin Faxriddin O‘g'li "Mashhur ayollar" kitobida 500 dan ortiq mashhur musulmon ayollarning ismlarini sanab o‘tgan va ularning faoliyatini tavsiflagan. Aslida yana ko‘plab taniqli ayollar bor va ular o‘z mamlakatlarining ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotida muhim rol o‘ynagan. Maqolada haqiqatan ham taxtda o‘tirgan, farmonlar chiqargan va o‘z nomi bilan tangalar zarb etgan musulmon hukmdorlari haqida. Xususan, maqolada Misr xalqining salibchilarga qarshi kurashini boshqargan misrlik Shajarat al-Durrning noyob shaxsi qayd etilgan. Uning rahbarligi ostida salibchilar qattiq zarba berishdi, shundan keyin ular

endi tiklanishmadi va salibchilar yurishlari barbod bo'ldi. Islom tsivilizatsiyasida taniqli ayollarning faoliyati bilan tanishish Islom tarixidagi musulmon ayollarning roliga bo'lgan o'ziga xos yondashuv stereotiplarini engishga yordam beradi.

Kalit so'zlar: *Islom tsivilizatsiyasi, musulmon ayol, Xatun, Sultana, Mamlyuklar, salibchilar.*

Annotation: *The question of the status of women in Islam remains one of the controversial and acute issues to this day. In recent decades, there have been trends towards overcoming the one-sided stereotypical approach to women's issues in Islamic civilization and rejecting unambiguous assessments.*

The stereotype of an unambiguous approach was manifested, for example, in the complete denial of the role of Muslim women as individuals in the socio-political and cultural life of their countries. Meanwhile, history has recorded the names of many Muslim women who have gained great popularity due to their activities in various fields. Among these women are rulers who have performed in the historical arena, mufassir women who comment on the Quran, muhaddis women, experts in Hadith, female lawyers who are experts in Sharia law, teachers, Sufi women, Khatib women, poets, as well as famous singers, and writers. Rizouddin Fakhriddin ogli , the famous Turkmen educator of the early twentieth century, counted more than 500 names of famous Muslim women and gave a description of their activities in his book "Famous women". In fact, there are much more famous women and they played a role in the socio-political and cultural life of their countries. The article focuses on Muslim female rulers who actually sat on the throne, issued decrees, and minted coins with their names. In particular, the article notes the unique personality of the Egyptian Shajarat ad-Durr, who led the struggle of the Egyptian people against the Crusaders. Under her leadership, the Crusaders were dealt a crushing blow, after which they did not recover and the Crusades came to naught.

Familiarity with the activities of famous women in Islamic civilization will help to overcome the stereotypes of an unambiguous approach to the role of Muslim women in the history of Islam.

Key words: *Islamic civilization, Muslim woman, Hatun, the Sultana, the Mamluks, the crusaders.*

В наблюдениях историко-социологического, культурологического и этнографического характера существует однозначное мнение, что мусульманская женщина веками вела затворнический образ жизни, совершенно не участвовала в общественной и культурной жизни своей

страны. Но как быть тогда с именами тех женщин, которые оставили заметный след на исторической арене, не выходя за пределы четырех стен стали известными личностями благодаря своей деятельности на многих поприщах. Источники, созданные носителями национальной культуры (рукописи, исторические хроники, трактаты), позволяют с большей долей достоверности определить роль мусульманской женщины в исламской цивилизации. Например, известный тюркский просветитель Ризоуддин Фахриддин угли в своей книге "Знаменитые женщины" ("Машхур хотунлар")[240] написанной в начале XX веке упомянает 550 знаменитых мусульманских женщин, прославившихся у себя на родине и за её пределами, и описывает особенности их деяний. Среди них сподвижницы пророка Мухаммада (сахаба), знатоки хадисов (мухаддиса), комменаторы Корана (муфассира), проповедницы (хатиба), знатоки исламского законоведения (факиха), преподаватлеи (мударриса), литераторы (адиба), в том числе знаменитые поэтессы (шоира) и певицы (муғаннія) и др.

Современный египетский ученый – исламовед Али Джума Мухаммад в своей книге "Женщина в исламской цивилизации" перечисляет имена даже нескольких женщин-судей (кади) официально назначенных на эту должность.[241]

Между тем, в нашей статье мы заостряем внимание на женщин, правительниц в мусульманском мире. История зафиксировала имена более 50 мусульманских женщин, которые оказали самое непосредственное влияние на ход исторических событий. Речь идет не о тех матерях и женах правителей, которые будучи сильными личностями, из-за стен гарема могли влиять на своих царствующих мужей и сыновей, вмешиваясь в государственные дела, возвышая и смещая визирей, создавая атмосферу дворцовой интриги. Таких примеров в истории очень много, имена этих женщин и их деяния известны. В данном случае речь идет о тех мусульманских женщинах-правительницах, которые действительно восседали на троне и от их имени издавались указы, иногда чеканились монеты. В разных мусульманских регионах их называли по разному: султана (султанша), малика (царица), аль-хурра (буквально «свободная»), хатун. На страницах исторических хроник запечатлены имена Ситт аль-Малик из династии Фатимидов в Египте (XI в.), цариц

[240] Rizouddin Faxriddin o'g'li. Mashhur xotunlar (tarixda nomi chiqqan ayollar). Perevod tureskogo Maryam Eshmuhamedovoy i Baxriddina Umrzakova. Tashkent, Navruz, 2019.

[241] Ali Djum'a Muxammad. Al-mar'atu fi-l-xadarati-l-islamiyyi, Kair, Dar as-Salama, 2006.-P.5

Асмы и Арвы в Йемене (конец XI в.), Зейнаб ан-Нафзавийи из Андалусии, султанши Разийи (Радийи) из Дели (середина XIII в.), мамлюкской султанши из Египта – Шаджарат ад-Дурр (середина XIII в.), Айши аль-Хурра из Андалусии, Ситт аль-Араб, аш-Шарифы аль-Фатимийа, Аль-Хатун Хатла Таркан, Аль-Хатун падишах и других женщин-правительниц мусульманского Востока.

Как правило, эти женщины были предприимчивые яркие личности, вставшие у руля власти и взявшие бразды правления в свои руки в силу политических и жизненных обстоятельств в критические, переломные времена.

Ситт аль-Малик, царица из династии Фатимидов, сместила с трона своего неуравновешенного брата – шестого фатимидского халифа Хакима (правил в 996-1021 гг.), из-за его неадекватных действий, доставлявших большие неприятности населению, особенно, после того как он объявил себя «божеством» и велел поклоняться себе.

В последние годы правления парализованного правителя Саны (Йемен) аль-Мукаррама Ахмада (1047-1067) из династии Сулайхидов реальная власть перешла к его деятельной супруге – царице ас-Саййиде Арве, правившей вплоть до 1138 г., когда она скончалась в возрасте девяноста двух лет. Ас-Саййида Арва способствовала распространению исмаилитской религиозной пропаганды и поощряла деятельность в стране фатимидских шиитов.

Четыре года с 1236 по 1240 процарствовала на троне Делийского султаната Радийа Бегим. Из-за ее проницательного ума, силы воли, умения управлять делами государства ее отец Шамс ад-Дин Илутмышхан предпочел оставить трон ей, а не сыновьям. Первыми шагами правления Радийи Бегим были чеканка монет с ее именем и принятие титула «Радийа ад-дунья ва-д-дин». В историю она вошла также под именем Джалалат ад-дин Радийа Бегим. В своих действиях Радийа Бегим опиралась на народные массы, у которых пользовалась почетом и уважением, но вскоре была убита в атмосфере борьбы за трон.

Полностью вмешивалась в дела государства мать Мухаммада Хорезмшаха Туркан Хатун. Накануне монгольского нашествия в стране фактически царило двоевластие. Дочь кипчакского хана Ходжанкеша и жена могущественного Хрезмшаха Текеша Туркан хатун имела свой собственный двор, своих придворных, свою канцелярию, откуда издавала указы с подписью «защитница мира и религии, царица женщин всего

мира», причем указы, издаваемые ею, могли противоречить указам ее сына. В своих действиях она опиралась на кипчакских ханов, вносивших раскол в управление государством. Строптивая Туркан хатун предпочла сдаться в позорный плен монголам, чем объединить усилия в борьбе с ними со своим отважным внуком Джалалиддином Мангуберды.

Действия другой мусульманской правительницы из Египта Шаджарат ад-Дурр были, напротив, направлены на борьбу за избавление своей страны от иностранных захватчиков-крестоносцев.

Шаджарат ад-Дурр настолько уникальная историческая фигура в исламской цивилизации, что на ее яркой личности стоит остановиться более подробно. Она первая мусульманская правительница, которая в 1250 году всенародно и официально была провозглашена султаншей на троне Египта. Именно она способствовала переходу власти в Египте, а затем и в Сирии от династии Аййубидов к мамлюкам-бахритам, основавшим первый мамлюкский салтанат (1250-1389), в котором был очень силен тюркский элемент. Первые правители мамлюкского салтаната происходили из тюркских племен Центральной Азии и были в молодости на положении мамлюков (рабов). Шаджарат ад-Дурр благодаря незаурядному уму и необыкновенной красоте возвысилась из положения рабыни до положения любимой жены аййубидского султана ас-Салиха Наджмиддина Аййуба. Пока ас-Салих окончательно не утвердился у власти в 1240 г., Шаджарат ад-Дурр прошла с ним все тяготы борьбы за египетский трон, узурпированный его младшим братом. Конец правления ас-Салиха совпал с седьмым походом крестоносцев под предводительством французского короля Людовика IX. Высадившись в устье Нила в 1248 г., крестоносцы захватили г. Думят и, двинувшись вверх по реке, вплотную подошли к г. Мансура, захват которого открывал прямую дорогу к г. Каир. Султан ас-Салих внезапно скончался, и вся тяжесть обороны легла на плечи его вдовы Шаджарат ад-Дурр, которая сумела мобилизовать силы египтян на отпор захватчикам. В этой военной обстановке проявились ее мужество, сметливость, решительность, энергичность, умение трезво оценить обстановку – все те качества, которые отмечают такие средневековые историки, как Ибн Ийас, аль-Макризи, ас-Суюти, аль-Ханбали и др.

Прежде всего она скрыла смерть султана ас-Салиха, чтобы сохранить моральный дух войска и народа. «Шаджарат ад-Дурр так устроила дела», - пишет аль-Макризи – «будто ничего не изменилось. Султанская

канцелярия продолжала работать, приемы проходили каждый день. Эмиры приходили на службу, а она им говорила: «султан болен, никто к нему не пройдет».[242]

Мамлюкские эмиры султана ас-Салиха оттеснили крестоносцев от г.Мансура, затем полностью разгромили их, взяв в плен их предводителя – французского короля Людовика IX. Блестящая победа египтян над крестоносцами при Мансуре получила большой резонанс и привела в дальнейшем к окончательному вытеснению крестоносцев.

Вопрос о наследнике на египетском престоле повис в воздухе. Главные эмиры – мамлюки-бахриты Актай, Бейбарс, Айбек, ар-Рашиди, Балбай, Шункар ар-Румий – считали себя достойными султанского трона. В результате был выбран компромиссный вариант, потрясший мусульманский мир: 10 числа месяца сафар 648 г. хижры (приходится на май 1250 г.) в торжественной обстановке в присутствии главных эмиров и знатных особ Шаджарат ад-Дурр была провозглашена султаншей Египта, что было зафиксировано официально со стороны аль-кади (судьи) Таджиддина ибн аль-Агарра. Кандидатура Шаджарат ад-Дурр как вдовы султана ас-Салиха и матери её умершего в младенчестве сына Халила ибн Салиха устраивала и примиряла всесильных мамлюкских эмиров, не желавших приглашать аййубидских принцев со стороны. Таким образом, некоторые средневековые историки считают Шаджарат ад-Дурр последней аййубидской султаншей (Ибн Ийас, например), другие (аль-Макризи) – первым мамлюкским правителем.

Имя Шаджарат ад-Дурр упоминалось в молитвах с минбаров и минаретов после имени багдадского халифа и, как свидетельствуют исторические хроники, звучало примерно так: «Сохрани Аллах праведную власть царицы мусульман, защитницы мира и религии, высокочтимую мать Халила, сподвижницы царя ас-Салиха». Сама Шаджарат ад-Дурр строго следила, чтобы ее называли только по имени сына – «Умм Халил» - «мать Халила». На монетах, отчеканенных в период ее правления, было выбито: «Высокочтимая высокодобродетельная царица мусульман, мать Халила – эмира верующих». Одна из таких золотых монет с ее именем хранится в Британском музее.[243]

---

[242] Ali Djum'a Muxammad. Al-mar'atu fi-l-xadarati-l-islamiyyi, Kair, Dar as-Salama, 2006.-P.42

[243] Al-Ibadi Axmad Muxtar. Kiyam davlatil-l-ma malik al-ula fi-l-Misr va-sh-Sham Mu'assasatu-sh-shabab al-djamiyya, Al-Iskandariya, 1994.-P.119

Естественно, официальное провозглашение женщины султаншей на египетском троне не могло не вызвать недовольства, особенно религиозных деятелей во главе с шейхом Иззиддином ибн Абд ас-Саламом. Но более всех негодовал багдадский халиф аль-Мустасим (1241-1258), у которого, как главы мусульманской общины, просили утвердить полномочия Шаджарат ад-Дурр. В ответном письме он обрушился с упреками на египтян, избравших женщину правительницей, и в частности заметил: «Если у вас не осталось мужчин, достойных занять трон, дайте нам знать, пришлем достойного» .[244]

В этой сложной ситуации Шаджарат ад-Дурр, проявив благоразумие, добровольно отказалась от власти и уступила трон своему визирю Айбеку, за которого вышла замуж.

Шаджарат ад-Дурр официально правила всего 3 месяца, но эти месяцы по насыщенности события равнялись годам. Ей удалось окончательно оттеснить крестоносцев с устья Нила и договориться с французами об огромном выкупе в 800000 динар за освобождение из плена Людовика IX. Шаджарат ад-Дурр с трудом удалось убедить фанатично настроенных сторонников расправы над пленными, что соглашение очень выгодно для страны. Она выдала хорошее жалованье войску. И при правлении Айбека ат-Туркмани, вошедшего в историю как султан аль-Муизз (1250-1257) Шаджарат ад-Дурр активно вмешивалась в государственные дела. Но вскоре аль-Муизз повел самостоятельную политику, прежде всего он разогнал близких ей мамлюкских эмиров, а затем посватался к дочери мосульского правителя Бадриддина Лулу. Поводом для новой женитьбы послужило отсутствие наследника от Шаджарат ад-Дурр. Оскорбления султанша в отместку организовала убийство мужа – султана аль-Муизз Айбека, вскоре и сама погибла от рук его приближенных.

Как мусульманская правительница Шаджарат ад-Дурр была типичным продуктом своего времени, но, с другой стороны, она проявила завидную смелость и мужество в решающие моменты, в интересах страны и народа принимала такие волевые решения, на которые не отважились бы иные правители-мужчины.

Она сумела сохранить в тяжелый период единство в войске и стойкость духа, объединить вокруг себя мамлюкских эмиров.

---

[244] Yaxya Shami. Shadjarat ad-durr-malikatu-l-muslimin va ismatu-d-dunya va-d-din, Dar al-fikr al-arabi, Beyrun, Lubnan, 2004.-P.50

Средневековые историки ас-Суюти, аль-Макризи, Ибн Ийас, аль-Ханбали и многие другие неоднократно подчеркивают ее блестящий ум и другие высокие личные качества.[245]

После смерти султана аль-Муизза и гибели Шаджарат ад-Дурр почти все главные мамлюкские эмиры – Кутуз, Бейбарс, Калаун сменили друг друга на египетском троне.

Мощь и успех основанного Шаджарат ад-Дурр мамлюкского государства были очевидны и внушительны. В 1260 г. один из ее бывших эмиров Кутуз (существует версия, что он – сын сестры Джалалиддина Мангуберды, последнего хорезмшаха) наголову разгромил монголов Хулагу в местечке Айн Джалут, а султан Бейбарс, также из ее бывших эмиров, закрепил эту победу и поставил на ноги государственное управление.

Египет хранит память о своей отважной правительнице. В ее честь названа одна из улиц Каира, созданы: роман «Шаджарат ад-Дурр» основоположником жанра исторического романа в новой арабской литературе Джиржи Зайданом и Мухаммадом аль-Арйаном, одноименная пьеса Азиза Абаза и ряд телесериалов, которые до сих пор демонстрируются по телевидению Египта.

Таковы яркие и подчас трагические судьбы некоторых мусульманских правительниц, которые появлялись на политической арене своих стран в переломные моменты их истории и решительно брали бразды правления в свои руки. Их правление, за редким исключением ас-Саййиды Арвы, обычно было недолгим, но оно оставляло заметный след в истории исламской цивилизации.

[245] Ali Djum'a Muxammad. Al-mar'atu fi-l-xadarati-l-islamiyyi, Kair, Dar as-Salama, 2006.- P.15

КОТЮКОВА Татьяна Викторовна,
Институт всеобщей истории Российской Академии Наук
Институт научной информации по общественным наукам
старщий научный сотрудник Российской Академии Наук
кандидат исторических наук

РЕВИЗИЯ СЕНАТОРА К.К. ПАЛЕНА И «МУСУЛЬМАНСКИЙ ВОПРОС» В ТУРКЕСТАНЕ

Аннотация: *В статье рассматриваются результаты сенатской ревизии под руководством графа К.К. Палена, послужившие основой для разработки дальнейших преобразований в управлении краем, в том числе в отношении «мусульманского вопроса» в Туркестане.*

Ключевые слова: *Туркестанский край, сенатская ревизия, К.К. Пален, шариат, мусульманский вопрос.*

Annotation: *In article the results of senatorial audit under the leadership of the count K.K. Palen which formed a basis for development of further transformations in management of edge including concerning "a Muslim question" in Turkestan are considered.*

Key words: *Russian Turkestan, senatorial audit, K.K.Palen, Shari'a, the Muslim question.*

С конца XIX в. до 1917 г. в Российской империи предпринимались неоднократные попытки унифицировать систему управления Туркестанским краем, выработать и принять новое Положение об управлении, призванное стать следующим этапом развития управленческой системы после Положения об управлении 1886 г.

При этом у некоторых высокопоставленных чиновников в Петербурге возникали мысли учесть опыт исламской традиции и законов шариата, с тем, что бы на его основе выработать новые региональные управленческие практики. Особо отмечались столь необходимые имперской власти навыки беспрекословного послушания и подчинения, выработать которые у коренного населения помогала, по мнению экспертов, конфессиональная школа-мактаб, опиравшаяся в своей деятельности на традиционную мусульманскую этику.

В марте 1908 г. была назначена сенатская ревизия Туркестанского края. Проводить ее поручили графу К.К. Палену[246]. Ревизия началась в июле 1908 г. и в основной своей части была закончена в 1909 г. Важно отметить, что карьера Палена проходила исключительно в западных регионах империи и Константин Константинович никогда не служил в так называемой Азиатской России. Пробыв в крае практически целый год, группа ревизоров под его руководством работала достаточно кропотливо и профессионально. Яркое подтверждение этому – состав документов фонда ревизии в Российском государственном историческом архиве (РГИА)[247].

Однако туркестанская администрация проявляла недовольство по поводу назначения ревизии и оказывала работе комиссии всяческое противодействие.

Ревизия коснулась практически всех сторон жизни Туркестана. Пален объехал все пять областей, побывал а Бухаре и Хиве. Во время этих поездок он детально знакомился с положением дел, как по документам местных канцелярий, рапортам начальников, так и по многочисленным жалобам населения. Он лично принимал посетителей.

В результате ревизии был поставлен вопрос о непригодности старого бюрократического аппарата на местах и о вопиющих административных нарушениях[248].

---

[246] О ревизии см.: *Morrison A.* "Sowing the Seed of National Strife in This Alien Region": The Pahlen Report and Pereselenie in Turkestan, 1908–1910 / Acta Slavica Iaponica. Tomus 31 (2012), pp. 1–29; *Idem*, The Pahlen Comission and the re-establishment of rectitude in Transcaspia, 1908–1909 / Acta Slavica Iaponica. Tomus 4 (2013), pp. 45–64; *Махмудова Н.Б.* Развитие административного управления, социально-экономических и культурных процессов в колониальном Туркестане в начале XX века (по материалам ревизии сенатора К.К. Палена). Ташкент, 2015; *Любичанковский С.В.* Сенаторская ревизия Туркестанского края в 1908—1909 гг. // Вопросы истории. 2015. № 1. С. 127—132; *Morrison A.* Creating a Colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Palen, the hidaya and Anglo-Muhammadan Low / Eds. V. Barth, R. Chetkovsky. Imperial cooperation and Transfer, 1870–1930. London; New Delhi; New York; Sidney, 2015; *Котюкова Т.В.* Окраина на особом положении… Туркестан в преддверии драмы. М, 2016; *Янченко Д.Г, Андреев А.А.* Тезисы Всеподданнейшего отчета сенатора К.К. Палена о ревизии в Туркестане: от черновых записок к заседанию Совета Министров // Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия Гуманитарные науки. № 1–2. 2018. С. 29–36; *Васильев Д.В.* Классический пример ориентализма. Мемуары К. К. Палена как взгляд высокопоставленного чиновника на миссию России в Туркестанском крае [Электронный ресурс] // Вестник Оренбургского государственного педагогического университета. Электронный научный журнал. 2018. № 4 (28). С. 87—100. URL: http://vestospu.ru/archive/2018/articles/8_28_2018.pdf. DOI: 10.32516/2303-9922.2018.28.8; и др.

[247] РГИА. Ф. 1396. Ревизия сенатора К.К. Палена Туркестанского края.

[248] *Котюкова Т.В.* Окраина на особом положении… Туркестан в преддверии драмы. М., 2016. С. 42.

Пален высказал мнение о необходимости введения в Туркестане, продолжавшем в начале XX в. жить на «особом положении» и управляться военным министерством, в полном объеме законов Российской империи лишь с незначительными изменениями.

В свою очередь начальник Азиатской части Главного Штаба генерал-майор С.В. Цейль, в чьем непосредственном ведении находился Туркестан, считал, что, прежде чем приступить к созданию нового Положения об управлении краем, следовало решить: применимы ли в полном объеме к нему общеимперские законы[249]. Говоря об этом Цейль имел ввиду, в том числе, и «мусульманский вопрос».

Необходимо напомнить, что в отношении ислама в Туркестане вплоть до начала XX в. проводилась политика невмешательства, больше известная, как политика «игнорирования», основанная на тезисе о самоликвидации ислама, если власть не будет обращать на него внимание и как-либо законодательно фиксировать его статус. Статус ислама и так называемого мусульманского духовенства в Положении об управлении Туркестанским краем 1886 г. отражен не был. Но действие этого документа распространялось только на Самаркандскую, Сырдарьинскую и Ферганскую области. Поэтому с конца XIX в. до 1917 г. предпринимались неоднократные попытки унифицировать систему управления Туркестанским краем, выработать и принять новое Положение об управлении, общее для всех пяти областей.

Так, Степное положение 1891 г., на основании которого осуществлялось управление Семиреченской областью, предусматривало процедуру выборности мулл. Право «утверждения или устранения от сего звания» принадлежало военному губернатору области[250]. В Положении об управлении Туркестаном 1886 г. подобная процедура не предусматривалась и слово «мулла» никакого официального статуса и значения не имело.

Однако на момент объявления ревизии практические задачи, легшие в основу политики «игнорирования», на практике в полном объеме реализованы не были. Это означало – ислам, как фактор внутренней

---

[249] РГВИА. Ф. 400. Оп. 1. Д. 3959. Л. 6–7.

[250] Подробнее см.: *Котюкова Т.*В. Проекты духовного управления мусульман Туркестанского края: докладная записка А. А. Семенова о порядке утверждения мулл в Семиреченской области // ЭНОЖ «ИСТОРИЯ». Том 10 Выпуск 1 (75). 2019. [Электронный ресурс] // URL: https://history.jes.su/s207987840002590-8-1. ISSN 2079-8784. Код статьи S207987840002590-8-1 DOI 10.18254/S0002590-8-1(последнее обращение: 01.04.2020).

политики Российской империи в Туркестане нужно серьезно изучать и возможно начать контролировать или даже использовать, а не игнорировать. На наш взгляд и «игнорированием» и «контролированием» в конечном итоге стремились добиться одной цели – «интегрирования» окраины в империю. Но как в процессе интеграции совместить нормы общеимперской юридической практики с законами шариата и адата?

Ответ на этот вопрос, вероятно, также должна была дать ревизия. Во всяком случае, судя по документам собранным в Туркестане и сохранившимся в РГИА, сам Пален искал ответ на этот вопрос.

Будучи профессиональным юристом, он тщательно анализировал информацию о правовых отношениях коренного мусульманского населения, собирал статистические и другие сведения о количестве мактабов, медресе, персональном составе мулл, вакфах и т. д.[251]

Судя по мемуарам, Пален очень интересовался исламом, особенно шариатом, но не как цивилизационно-культурным феноменом, а как инструментарием, использование которого могло дать те практические результаты, которых, по его мнению, не дала в полной мере политика «игнорирования». На наш взгляд, проводя ревизию, он сам для себя сформулировал некую сверхзадачу: как совместить традиционное устройство жизни, в первую очередь ее правовую часть, с имперским российским законодательством и, в идеале, поставить ему на службу империи. Рассуждая о Туркестане в составе Российской империи, Пален отмечал, что теперь приговоры кадиев (судей) в народных судах стали основываться на рациональной адаптации шариата к российской системе правосудия[252].

В эмиграции Пален вспоминал, что почувствовал, оказавшись в Туркестане: дополнительно к другим обязанностям попытаться понять основные принципы взгляда местного населения на жизнь, изучить работу их ума и оценить изменения, которые вызвал контакт с другой цивилизацией[253].

Сенатор предложил учредить в Туркестане специальный орган для изучения местных традиций ислама. Планировалось постепенно упорядочить вопрос о правах, обязанностях и отношении к властям

---

[251] См.: РГИА. Ф. 1396. Оп. 1. Д. 391.

[252] Mission to Turkestan: Being the Memoirs of Count K. K. Pahlen. 1908—1909 / ed. R. A. Pierce. London: Oxford University Press, 1964. P. 12–13.

[253] Там же. P. 21.

улемов. Подобная мера помимо политической причины имела и экономический резон – разре

шение так называемого «вакуфного вопроса»[254].

Система шариата, вызывала у Палена живой интерес. Он считал, что она вырабатывает «естественное стремление к покорности и дисциплины» среди коренного населения. В широкие массы эта система проникала через мактабы, которые являлись своеобразным инструментом формирования этой покорности и дисциплины[255].

А. Моррисон справедливо отмечает, что самой амбициозной целью ревизии 1908–1909 гг. «было создание единого, письменного кодекс шариата для использования его всеми казиями Туркестана». По его мнению, это должно было наложить еще большие ограничения на казиев и гармонизировать «правовой быт» местных мусульман, начав использовать в Туркестане законы шариата вместе с общими законами Российской империи. При этом, вместо того, чтобы внимательно изучить имевшийся общеимперские правовые нормы или более ранние попытки регулирования исламского права в России, Пален обратился к опыту другой европейской державы – к британскому опыту в Индии[256].

Действительно, в сохранившемся черновом варианте «всеподданнейшей записке», составленной Паленым на имя императора Николая II с целью максимально подчеркнуть недостатки российской системы управления в Туркестане сенатор сравнивал ее с английской колониальной системой. В британской Индии «вопросы направления политики и определение жизненных интересов метрополии по отношению к колонии» в отличие от Туркестана, всецело находятся в руках центрального правительства[257]. Однако, на наш взгляд, это не означает, что британский опыт был оценен позитивно и положен в основу новых

---

[254] *Янченко Д.Г, Андреев А.А.* Тезисы Всеподданнейшего отчета сенатора К.К. Палена о ревизии в Туркестане: от черновых записок к заседанию Совета Министров // Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия Гуманитарные науки. № 1–2. 2018. С. 32.

[255] Mission to Turkestan: Being the Memoirs of Count K. K. Pahlen. 1908—1909 / ed. R. A. Pierce. London: Oxford University Press, 1964. P. 22–63.

[256] *Morrison A.* Creating a Colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Palen, the hidaya and Anglo-Muhammadan Low / Eds. V. Barth, R. Chetkovsky. Imperial cooperation and Transfer, 1870–1930. London; New Delhi; New York; Sidney, 2015. P. 140.

[257] Цит.по: *Янченко Д.Г, Андреев А.А.* Тезисы Всеподданнейшего отчета сенатора К.К. Палена о ревизии в Туркестане: от черновых записок к заседанию Совета Министров // Современная наука: актуальные проблемы теории и практики. Серия Гуманитарные науки. № 1–2. 2018. С. 32.

имперских практик в Туркестане к выработке которых призывал Пален. В своих мемуарах Пален не раз особо подчеркнуто пишет о различиях между владениями двух империй, в частности о безжалостном взыскивании податей в Индии местными сборщиками по поручению британцев[258].

При этом, попытка, предпринятая Паленым, по мнению британского исследователя, была не первой попыткой «кодифицировать шариат» в Российской империи. Однако, тот факт, что такая мера не была успешно реализована в Туркестане, является на его взгляд показателем слабости русского государства[259]. Позволим себе возразить, обратив внимание на тот, что главной целью ревизии была не сама по себе «унификация шариата в Туркестане», а перевод края «с особого положения» на общеимперскую законодательную базу.

Как известно в имперский период в Туркестане были сохранены суды казиев у оседлого населения, действовавшие на основании правовых норм шариата, и суды биев у кочевого населения, в большей степени опиравшихся на нормы адата – обычного права. Изучению так называемого «правового быта» коренного населения края ревизорами было уделено особое внимание. Прежде чем вести речь о совмещении традиционных правовых практик и имперского законодательства, по мнению Палена, необходимо было навести порядок в этом самом «правовом быте», поскольку не просто нормы адата и шариата зачастую плохо коррелировались между собой, но и в правоприменительной практике казийских судов встречались разночтения требовавшие унификации.

Поэтому 21 мая 1909 г. в Ташкенте под председательством Палена старшим чиновником при ревизии К.И. Савичем с привлечением мусульманских правоведов было организовано представительное трёхнедельное «Совещание для выяснения вопросов правового быта оседлого туземного населения коренных областей Туркестана». В нем участвовали региональные эксперты (Н.П. Остроумов, Н.С. Лыкошин, В.П. Наливкин), военные губернаторы Самаркандской, Ферганской и Сырдарьинской областей, помощник туркестанского генерал-губернатора,

---

[258] Mission to Turkestan: Being the Memoirs of Count K. K. Pahlen. 1908–1909 / ed. R. A. Pierce. London: Oxford University Press, 1964. P. 16.

[259] *Morrison A.* Creating a Colonial Shari'a for Russian Turkestan: Count Palen, the hidaya and Anglo-Muhammadan Low / Eds. V. Barth, R. Chetkovsky. Imperial cooperation and Transfer, 1870–1930. London; New Delhi; New York; Sidney, 2015. P.142.

в тот момент исполнявший его обязанности, генерал К.А. Кондратович, управляющий Канцелярией В.А Мустафин, участковые приставы, начальники уездов, председатель Ташкентской судебной палаты А.А Чебышев, прокурор судебной палаты барон А.А. Тизенгаузен, председатель окружного суда Н.М. Захаров, казии и народные судьи. Подготовку к совещанию начали еще в апреле. Однако времени, чтобы детально проработать весь необходимый материал по обширному кругу вопросов, оказалось недостаточно[260].

Отчасти, как нам представляется, по этой же причине отдельный отчет по «мусульманскому вопросу» в целом подготовлен не был, хотя изученный комплекс архивных документов позволяет с уверенностью сказать, что подготовка его велась, и сенатор целевым образом собирал необходимую для этого информацию. Такие чувствительные темы, как образование мусульман, управление духовными делами, правовое положение туркестанских мусульман в Российской империи и многое другое, не смотря на то, что в ходе ревизии эта информация была собрана, в работе не поднимались.

Собравшиеся на совещание пришли к выводу, что «чистый киргизский адат предков не сохранился и вылился в современное обычное право киргизов, представляющие смесь правил адата и шариата»[261].

Собственно напрямую с «мусульманским вопросом» связаны два отчета подготовленные по итогам ревизии «О народных судах»[262] и «Правовой быт»[263]. Отчет «Правовой быт» содержит краткий обзор истории мусульманского права, рассмотрение обычного права (адат), описание Ташкентского съезда и его результатов. Ряд исследователей отмечают обстоятельство на которое Пален обратил особое внимание. Даже в Положении 1886 г. составители не решились дать в руководство народным судьям кодекс русского права, а ограничились изданием статьи 210, «уполномочивающей народные суды, как кочевого, так и оседлого населения, решать дела “на основании обычаев”, совершенно упустив из виду, что у оседлого населения правовых обычаев не существует, так как

---

[260] См.: РГИА. Ф. 1396. Оп. 1. Д. 385.

[261] Правовой быт. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К. К. Паленым. Спб., 1910. С. 80.

[262] См.: Народные суды. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К. К. Паленым. СПб., 1910.

[263] См.: Правовой быт. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К. К. Паленым. СПб., 1910.

они поглощены всецело писанными правилами мусульманского права – шариата»[264].

Однако сохранился черновик «Всеподданнейшей записки К.К. Палена о происхождении и сущности ислама», в котором идет речь о происхождении ислама, об идее панисламизма как о политическом явлении, о влиянии панисламизма на население Туркестана, о задачах Российской империи в Туркестане и т. д. Распространение в крае «политических и бытовых идей панисламизма», сенатор связывал с «неотатарскими (термин К.К. Палена. – Т.К.) и другими политическими течениями». Главными непосредственными проявлениями панисламизма, по его мнению, были Андижанское восстание 1898 г. и новометодные школы.

Какими средствами Российская империя могла добиться решения задач, поставленных еще во времена первого туркестанского генерал-губернатора К.П. фон Кауфмана, зачинателя политики «игнорирования»? По мнению Палена, усилия нужно было сосредоточить в трех направлениях: в области религиозного быта; традиционной школы и шариатского суда[265].

Вся сущность «мусульманского вопроса» как такового, вся трудность его разрешения для государств, в состав которых вошли народы исповедующие ислам, заключалась, по мнению сенатора, в том, что «всякий закон, не основанный на Коране, не есть закон и исполнение его равносильно измене в вере». Именно этим Пален объясняет то недоверие, и даже враждебность, с которыми мусульманское население Туркестана и мусульмане всего мира вообще встречают любые изменения и реформы в государственном и общественном строе, вводимые немусульманскими правительствами. Они невольно видят в этом посягательство на их религию, тот бытовой уклад, который установлен шариатом и, следовательно, «освещен ореолом божественного законодательства»[266].

В 1910 г. в Ташкенте вышел сборник «Шариатные статьи», который на наш взгляд не может быть отнесен к категории «отчетов», как полагают некоторые исследователи, подготовленных по итогам ревизии[267]. В

---

[264] *Махмудова Н.Б.* Историко-источниковедческий обзор отчетов ревизии сенатора К.К. Палена // Метаморфозы истории. 2019. №13. С. 136.

[265] См.: РГИА. Ф. 1396. Оп. 1. Д. 361.

[266] РГИА. Ф. 1396. Оп. 1. Д. 361. Л. 45.

[267] Шариатные статьи с переводом на русский язык о правовых отношениях мусульманского населения Туркестанского края, извлеченные из коренного, действующего

отличие от изданных в Санкт-Петербурге «Отчетов», «Шариатные статьи», изданные в Ташкенте, носили прикладной характер и были посвящены исключительно вопросам правовых отношений мусульманского населения Туркестана и являлись кодифицированным сборником юридических норм. Своим появлением сборник был призван устранить некоторые разночтения в толкованиях тех или иных норм зафиксированных в шариате в разных регионах края, у оседлого населения.

Исходный материал для отчетов «Народные суды» и «Правовой быт», а так же проведения «Совещания», собирался в разных уездах края, но особое внимание было уделено Ферганской долине. Как нам представляется, выбор Ферганского региона не был случайным: Фергана, с ее преобладающим оседлым населением, глубокими религиозными традициями и двумя восстаниями (Пулат-хана 1873–1876 гг. и Андижанского 1898 г.) была, если можно так выразиться, самым мусульманским регионом Туркестана.

На основании специально разработанной сенатором «Анкеты», начальники уездов должны были собрать информацию и подготовить «Доклады по исследованию вопросов правового быта населения». Так оседлое мусульманское население Наманганского уезда придерживалось правовых норм писанного мусульманского права ханафитского мазхаба, и в практике местного народного суда ссылки на толкования других мазхабов (маликитского, шафиитского и ханбалитского) не допускались[268]. По мнению начальника уезда, правосознание по шариату глубже всего укоренилось среди таджиков и сартов; у кипчаков, тюрков и вполне оседлых кара-киргиз сохранились еще кое в чем следы прежнего обычного права – «адата» – быстро вытесняемого шариатом и в кочевых волостях уезда[269].

Обращает на себя внимание хорошая осведомленность и погруженность в материал некоторых уездных начальников.

Ревизионной командой был разработан еще один документ «Вопросы по мусульманству». Он также являлся специальным и обязательным

арабского изложения, по вопросам, предложенным Сенатором графом К. К. Паленом на обсуждении комиссии ученых туземцев, созванных из трех областей края в Ташкенте. Ташкент, 1910.

[268] РГИА. Ф. 1396. Оп. 1. Д. 391. Л. 5–12.

[269] Там же.

опросным листом для местных чиновников[270]. В отличие от «Анкеты», «Вопросы» выходили далеко за рамки мусульманского права и включают различные аспекты социально-политической, культурной, семейно-бытовой и религиозной жизни коренного населения Туркестана.

Необходимо отметить, что работая с ответами на «Вопросы» очень интересно сравнить фактологию по разным уездам одной области с примерно одинаковым составом населения.

Итак, очевидно, что задача по всестороннему изучению «мусульманского вопрос» в Туркестане был далеко не последней в перечне поставленных перед ревизией, как правительством империи, так и самим главным ревизором. Однако вопрос, почему отчет (отчеты) посвященный другим, не правовым, но не менее важным сторонам жизни коренного населения края подготовлен не был, не смотря на масштаб собранной первичной информации, пока остается открытым и ждет своего дальнейшего изучения.

ҚЎЛДАШЕВ Шерали Темиралиевич
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Шарқшунослик институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди, доцент

XVII-XIX АСР ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ТАРИХИГА ОИД УЙҒУР ТИЛИДАГИ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти манбалари асосида)

Аннотация: *В статье анализируются источники уйгурского языка, хранящиеся в Институте востоковедения Академии наук Республики Узбекистан. Эти источники датируются XVII и XX веками, с историческими данными по истории Центральной Азии. Эта информация важна при изучении истории и культуры Узбекистана.*

Ключевые слова: *Центральная Азия, Восточный Туркестан, уйгурские источники, ханы, анализ, заключение.*

Annotation: *This article analyzes the sources of the Uighur language stored at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the*

[270] Там же. Л. 14–16.

Republic of Uzbekistan. These sources date back to the 17th and 20th centuries, with historical data on Central Asian history. This information is important in the study of the history and culture of Uzbekistan.

Keywords: *Central Asia, East Turkestan, Uighur sources, khans, analysis, conclusion.*

Шарқий Туркистондаги тарихнавислик мактаби Шарқнинг мусулмон, жумладан, Ўрта Осиё тарихнавислик мактаблари билан бевосита боғлиқ хисобланади. Чунки, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё минтақасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар доимо бир-бирига таъсир қилиб келган. Шунингдек, тил, дин, урф-одатлар ва маданий жиҳатдан ўхшаш бўлганлиги учун ҳам яратилган тарихий, адабий асарларнинг услублари, хуснихат ва китобат санъати бир хиллик кузатилади. Шу боис, XVII-XX аср бошларида Шарқий Туркистонда яратилган тарихий, адабий асарларда икки минтақа тарихи билан бевосита боғлиқ маълумотларни ўрганиш орқали тарихий воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритилади.

XVI асрда ўрта осиёлик хўжалар, жумладан, Маҳдуми Аъзам[271] ва унинг ўғиллари Хўжа Калон (вафоти 1596-1597)[272] ва Хўжа Исҳоқ Вали[273]ларнинг диний-тасаввуфий ғоялари Шарқий Туркистон аҳолиси орасида кенг тарқалган эди. Айниқса, Хўжа Калоннинг “Ишқия” ва Хўжа Исҳоқ Вали яратган “Исҳоқия” деб ном олган тасаввуф тариқати вакиллари бу ўлка аҳолисини икки гуруҳга бўлиб юборган. Тарихий адабиётларда, бу икки диний гуруҳларнинг ажратиш учун “оқтоғликлар”

---

[271] XVI аср бошларида Фарғона водийсининг Косонсой кентида туғилган, Маҳдуми Аъзам номи билан машҳур бўлган Шайх Сайиид Аҳмад Хўжагон Косоний (1461–1542) ўз даврининг тасаввуфий олимлар Муҳаммад Қози, Ходжа Аҳрор Валилардан нақшбандийлик ғояларини ўрганган. У тасаввуф ва унинг назарий-амалий муаммолари ҳақида 30 дан кўп асар ёзиб қолдирган. Унинг тасаввуфий ғоялари Бухоро хонлиги ва Ёркенд хонлиги аҳолиси орасида тарқалган. Унинг фаолияти самарасида, аҳолисининг асосий қисми Фарғона ва Шарқий Туркистонда тасаввуфнинг нақшбандийлик тариқатига асосланган таълимоти кенг тарқалган. Темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур, шайбонийлардан Искандархон, Ёркенд хонлиги ҳукмдорларидан Абдурашидхон кабилар Маҳдуми Аъзамни ўзларига пир билишиб, катта ихлос қўйганлар.

[272] Хўжа Калон – асл исми Муҳаммад Имин хўжа Калон бўлиб, Маҳдуми Аъзамнинг тўнғич ўғли.

[273] Хожа Исҳоқ Вали – Маҳдуми Аъзамнинг кичик ўғли бўлиб, Косонсойда туғилган. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Ёркенд хони Абдукаримхон (1570-1592) даврида Шарқий Туркистонга келиб ўз диний-тасаввуфий ғояларини тарқатган. 1599 йилда 69 ёшида Самарқандда вафот этган(Хожи Нурхожи. Ёркенд хонлигининг қисқача тарихи. Урумчи., 1993. – Б.250-257). Қабри Даҳбедда жойлашган.

(“ишқия”) ва қоратоғликлар (“исхоқия”) атамаларини қўллаган[274]. Бу икки диний гуруҳ ўртасидаги зиддият Офоқхўжа[275] (Хидоятилла, 1625-1694) даврига келиб сиёсий кураш тусини олган. Ушбу хўжаларнинг авлодлари XVIII – XIX асрларда ҳам Шарқий Туркистонда фаол харакатлари олиб борган бўлиб, уларнинг бу харакатлари ҳақида “Тазкираи Маҳдуми Аъзам ва хўжа Исхоқ Вали”, “Ҳидоятнома”, “Сафарнома”, “Тазкираи хўжа Муҳаммад Шариф бузруквор”, “Тарихи Қашқар”, “Исломнома”, “Тазкираи азизон”, “Асар ул-футуҳ”, “Тазкираи тўрт имом”, “Тазкират ул-Буғрохон” каби бир қатор тарихий, агиографик, меъмуар асарлар яратилган. Бу асарларнинг аксарият қисми XIX асрда қайта кўчирилган.

“Ҳидоятнома” асари муаллифи Мирҳолиддин котиб ибн мавлоно қози Шоҳ Кучак Ёркандий бўлиб, Ҳидоятуллоҳ номи билан машҳур бўлган Офоқхўжанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўпгина маълумотлар берилган. Айниқса, ўрта осиёлик халқларнинг жунғорларга қарши курашлари

---

[274] «Оқ тоғликлар» – Шарқий Туркистоннинг Қашқар, Кучор, Оқсув ва Курла шаҳарлари атрофида кўпроқ яшаган бўлса, «қоратоғликлар» эса, Ёркент, Қозилиқ, Хўтон каби шаҳарлар атрофида жойлашганлар. Зайниддин Садр Қашқарийнинг ёзишича, бу икки гуруҳнинг кураши Офоқхўжа даврига келиб авжига чиққан. Бир гуруҳ Шарқий Туркистонни жунғорлар ҳукмронлигидан озодлиги учун кураш олиб борган бўлса, иккинчи бир гуруҳ эса ўлкани жунғорлар давлатининг вассали бўлиб қолиши керак деб билганлар. Ушбу икки гуруҳ ўртасидаги ўзаро курашга ҳатто жунғорлар, қирғизлар, қозоқлар, помир тожиклари, бадахшонликлар, тибетликлар, хитойликларни ҳам жалб қилган. Қоратоғликларни асосан помир тожиклари ва бадахшонликлар қўллаб қувватлаган бўлса, оқтоғликларга эса, Учтурфон аҳолиси, тяншан қирғизлари ёрдам берган. Бу ҳақда қаранг: Зайниддин Муҳаммад Имин Садр Қашқарий. Асар ул футух. – ЎзР ФА ШИ, қўлёзма. № 753. – 9-варақ.

[275] Офоқхўжа (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқон қишлоқ, Қашқар вилояти) – ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтга ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди. Офоқхўжанинг исми Ҳидоятуллоҳ бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган “Офоқ” (“Ёруғ дунё” ёки —Ёруғлик эгаси) – хўжа номи билан машҳурдир. Офоқхўжа ёшлигида отаси Муҳаммадюсуф ибн Эшони Калон билан турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 йилда Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги оқтоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 йилда Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида Офоқхўжа Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган. 1678 йилда Тибетда икки йилга яқин яшаган ва бу ердаги будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган. 1680 йили Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони билан танишган. 1681 йилда қалмоклар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтқазилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон “Офоқхўжа мозори” деб номланиб, зиёрат масканига айланган. Офоқхўжанинг Хонхўжа (Хўжа Яҳё ибн Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибн Хўжа Муҳаммадюсуф ибн Хўжа Муҳаммадамин ибн Махдуми Аъзам Даҳбедий) ва Кунхўжа (Хўжа Бурҳониддин) сингари ўғиллари сулола давомчилари сифатида Шарқий Туркистондан ташқари Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлишган. Яна қаранг: Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари шажараси // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1994. – №3. – Б. 9-12.

ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар берилган. Асарнинг уч нусҳаси Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти(№ 4603)да, бир нусҳаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиШарқшунослик институти (№ 1682), яна бир нусхаси Тожикистон Республикаси ФА ШИ (№196)да сақланади. Хўжалар тарихига оид асарлардан “Моноқиби Офоқхўжа” асари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиШИ да № 3426 рақам остида сақланади. Бу асарни XIX аср бошларида мулла Муҳаммад Алимирза томонидан уйғур тилида кўчирилган.

XVIII асрнинг 50-60 йилларида Чинг империяси[276] қўшинлари томонидан Шарқий Туркистон босиб олингач, манжурлар ўлкани маҳаллий ҳокимбеклар орқали назорат қилган. Ушбу ҳокимбекларнинг ваколати чекланган бўлса-да, уйғур халқини шоиру-ёзувчилари ҳамда тарихчиларига ҳам ҳомийлик қилганлар. Жумладан, Қашқар ҳокимбеги Зуҳриддин Тожибек (1830-1848) 1827 -1828 йиллар давомида Самарқанд, Бухоро, Тошкентга келиб, бир қатор мадараса мударрислари билан суҳбат қурган. Унинг даврида бир қатор тарихий асарларни уйғур тилига

[276] Хитой (Чинг империяси) – “Чинг” атамаси манжур тилида “ᡩᠠᡳ ᠴᡳᠩ ᡤᡠᡵᡠᠨ, Му Лунде”, хитой тилида эса “тоза”, “пок”, “одил” ва “шарқ” маъносини англатувчи 清 (Qīng) иероглифи қўлланилган. Ушбу атама 1644-1911 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган манжурлар империясига нисбатан ишлатилган. Рус тилидаги тарихий адабиётларда эса “Цин”(Дмитриев С. В., Кузьмин С. Л. Империя Цин как Китай: анатомия исторического мифа // Восток (Oriens). 2014, № 1. – С. 5-17.), инглиз тилидаги тарихий адабиётларда эса “Qing” деб ишлатилган (Dunnell, Ruth W.; Elliott, Mark C. & Foret, Philippe et al., eds. New Qing Imperial History: The Making of Inner Asian Empire at Qing Chengde, Routledge, 2004; Bickers, Robert. The Scramble for China: Foreign Devils in the Qing Empire, 1832–1914, Penguin, 2011). Европаликлар томонидан “Чин” (秦) атамаси “Чинг” (清) империясининг номи билан бир хил талаффуз этилиб, мазкур империя Caina деб номланиши оқибатида, илгари ҳеч ким томонидан Чин деб юритилмаган(Абдухолиқ Абдурасул ўғли. Чин ва мочин. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 134.) Шунингдек, рус адабиётларида бу империяни “Маньчжурская династия”(Думан Л.И. Аграрная политика цинского (манчжурского) правительства в Синьцзяне в конце XVIII в. – Москва: Издательство АН СССР, 1936. – С. 47-48), инглиз тилидаги адабиётларида эса “The Manchus” (Crossley, Pamela Kyle. The Manchus, Wiley, 1997) деб ишлатилган. Ўзбекистонда бу империя тарихига оид тарихий адабиётлар камлиги боис, бу атамани турлича қўлланилган. Жумладан, ўқув дарсликларда “Цин империяси”(Муҳамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи (Янги давр давлати ва хуқуқи). Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – Б. 400), “маньчжурлар” (Эргашев Ш. Жаҳон тарихи (Янги давр. 1-қисм. XVI–XVIII асрлар). Олий ўқув юртлари 5110600 “Тарих ўқитиш методикаси” таълим йўналиши учун ўқув қўлланма. Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 357.), лотин ёзувида ёзилган адабиётларда эса “Sin” деб ёзилмоқда(Lafasov M., Jo’rayev U., Xoliqov E., Qodirova D. Jahon tarixi. 9-sinf. – Toshkent: O’qituvchi, 2014. – B.95.). Кўпгина тарихчилар ушбу сулолани Цин ёки манжурлар империяси атамаси ўрнига Хитой ёки Хитой ҳукумати атамасини ишлатиб чекланиб қолганлар. Шу боис, хитой тилидаги 清 (Qīng) иероглифининг ўзбек тилида “Чинг” деб талаффуз қилинганлиги боис, “Чинг империяси” атамасини ёки 1644-1911 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган сулола номи билан “манжурлар империяси” ҳамда “Хитой” сўзларини қўллаш маъқул кўрилди.

таржима қилинган. Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарини форс-тожик тилидан уйғур тилига таржимаси ҳам шундай асарлардан бири бўлган. Таржимон Муҳаммад Шариф бўлиб, у бу асарни таржима қилиш билан бирга, унга Шарқий Туркистоннинг XIX асрнинг 30 йилларига қадар бўлган тарихини илова қилиб қўшган. Ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиШИ институти № 10191 рақам остида сақланади. Тадқиқотчилар О. Жалилов ва Я. Кваҳаралар томонидан 2008 йилда Токиода япон ва уйғур тилидаги нашрини амалга оширганлар. Муҳаммад Шарифнинг кўрсатишича, 1826-1828 йиллардаги Жаҳонгирхўжа қўзғолонида бевосита қўқонликлар ҳам иштирок этган[277].

Бу вақтда ҳам уйғурлар орасида ҳамсанавислик анъанаси давом этиб келган. Уйғурларнинг ҳамсанавислигида икки мақсад кўзда тутилган. Бири – Алишер Навоий “Ҳамса”сини кўчириб тарқатиш бўлса, иккинчиси – “Ҳамса”даги достонларга назиралар ёзиш. Зуҳриддинхўжа даврида Алишер Навоий “Ҳамса”си 500 нусхада кўчирилган[278]. Ҳозирда ҳам Шарқий Туркистонда “Ҳамса”нинг турли-туман нусхалари сақланмоқда. Фақатгина Қашқар вилояти музейида “Ҳамса”нинг 21 та нусхаси мавжуд. Бундан ташқари, “Алишер Навоий “Ҳамса”сининг қўлёзмалари катологи”даги маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиШарқшунослик институти ва Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалари фондида сақланаётган 170 та “Ҳамса” нинг 12 тасини кўчирган ҳаттотлар шарқий туркистонлик бўлган. Уйғур ҳаттоти Умар Боқий 1792 йили “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини тушунарли, оддий насрий услубда қайта ёзиб чиққан ва булар “Қиссайи Фарҳод-Ширин”, “Китоби Лайли-Мажнун” номи билан Тошкентда 1909, 1910, 1912, 1915 йилларда тошбосмада кетма-кет босилган. Биринчи достонга 13 та, кейингисига 11 та миниатюра ишланган[279]. Мулло Сиддиқ 1813 йили “Ҳамса”даги 4 достонга “Лисон ут-тайр” ни қўшиб, “Булбули гулшани Навоий” номи билан насрийлаштирилган.

Алишер Навоий асарлари Ёркенд хонлигидан бошлаб мактаб ва мадрасаларда ўқитила бошлаган, ғазаллари навоийхонлик кечаларига файз бағишлаган. Шу боис, XVIII асрда Қашқарда Навоий асарлари луғати тузилган. Айниқса, улуғ мутафаккирнинг содиқ мухлиси бўлган Назорий

---

[277]«Тарихи Рашидий”нинг иловаси / Муаллиф Муҳаммад Шариф – ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 10191. – 409б-варақ.

[278] Мухлисов Иусупбег. Эсирлар ва эсэрлар – Урумчи., 1989. – Б. 66.

[279] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган ҳаттотлар // Булоқ. – Урумчи, 1992. – № 3. – Б. 248.

1806 йили “Навоий” номли дарслик тузиб тарқатган[280]. Шоир Сабурий 1840 йилда “Навоийнинг адолатпарварлиги хусусида” номли китобини ёзиб, Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг ижтимоий-ғоявий хусусиятлари ҳақида мушоҳада юритган. Бу борада XX аср бошларида Марказий Осиёга кўп саёҳат қилган ва Тянь Шаньнинг жануби-шимолини айланиб чиққан швециялик олим Севин Хедин шундай ёзган: “Навоий бу ердаги китобхонлар учун фавқулодда суюкли муаллиф экан. Бунга мисол тариқасида ўша ерларда яшаётган уйғурлар орасида сақланаётган Навоийнинг ранг-баранг асарларини олсак бўлади. Ҳатто Шарқий Туркистоннинг энг узоқ ҳудуди бўлган Лобнорда Навоий шеърлари ашула қилиб айтилиб, назмгўйлик қилинар экан. Навоий достонлари оддий халқ орасида қиссахонлик кўринишида кенг тарқалган экан”[281].

1854 йилда Хўтон хокимбеги Муҳаммад Алишер бинни Абдулмўъмин ҳомийлигида “Таворихи мусиқийн” (“мусиқачилар тарихи”) асари ёзилган. Асар муаллифи Мулла Исматулла ибн Неъматулла бўлиб, Мўжизий тахаллуси билан ижод қилган. Асарда Пифагор, Форобий, Паҳлавон Маҳмуд, Муҳаммад Куштангир, Алишер Навоий, Нўъмон Самарқандий, шайх Сабъий Самарқандий, Қодирхон Ёркандий, Омонисса ҳоним каби мусиқачилар ҳаёти ва мусиқа илмига қўшган ҳиссалари баён қилинган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, Бухоро ва Қўқон хонликларида юз берган ўзгаришларни Шарқий Туркистон аҳолиси бир ҳил қабул қилмаган. Сиёсий бошбошдоқликлар ва ўзаро урушлар маданий ҳаётнинг кўпгина намоёндаларини ғарибликка ва мусофирликка дучор қилган. Айниқса, Тошкент босиб олингач, Қўқон хонлигининг собиқ амалдорлари, ҳунар аҳли, олим ва фузалолар Шарқий Туркистонга кўчиб борган. Улар Қўқон лашкарбошиси Муҳаммад Ёқуббек (1820-1877) барпо этган Шарқий Туркистондаги давлатида маданий ҳаёт марказларининг шаклланиши ва ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Муҳаммад Ёқуббек бошчилигида ва унинг қўллаб-қувватланиши билан бошқа шаҳарлар ҳокимларининг ташаббуслари натижасида Ёркенд, Хўтон, Турфон ва Қашқарда ўзига хос адабий муҳит шаклланиб, таржима ва ижод иши ривожланган. Бундай ворислик ва ижод аҳлига ҳомийлик Қўқон

[280] Усмон Ғ. Уйғур классик адабиёти тарихи. – Урумчи, 2001. – Б. 248.
[281] Уйғур адабиётининг қисқача тарихи. – Алмати, 1983. – Б. 62-63.

давлатида шаклланган адабий ва маданий марказларига муносабатни эслатади.

Бу ҳолат гўё бу ўлкада хонликдаги маданиятнинг қайта уйғонган ва тикланган шаклини намоён қилган. Шарқий Туркистонда шу даврда ислом дини ва тарихи ҳамда тарих, адабиётга оид кўпгина асарлар ёзилган. Шунингдек, кўпгина асарларни таржима қилиш ишлари жонланиб кетган. Ўзига хос таржимонлик мактаблари шаклланган. Улардан бири Хўтонда анча тараққий топган эди. Бу ерда Хўтон хокими Азизшоҳ топшириғи билан "Саловоти Маъсудий" ва Муҳаммад Ғаззолийнинг "Кимиёи саодат" асарлари форс тилидан туркий (ўзбек) тилига таржима қилинган. Ушбу икки асар Муҳаммад Исо деган киши томонидан таржима қилинган. Шу таржима кейинчалик тошбосма ва қўлёзма нусхаларида туркий тилли аҳоли орасида кенг тарқалган[282].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё аҳолисининг манжурлар империяси сиёсатига қарши кўтарилган қўзғолонлар ҳақида баён қилинган асарлар қаторига Мулла Шокирнинг "Зафарнома"[283], ғулжалик Мулло Билол Нозимий (1832-1900)нинг "Ғазот дар мулки Чин"[284], Мулло Мусо Сайрамийнинг "Тарих-и Хамидий"[285] ва "Тарих-и аминия"[286], Илёс Охунднинг "Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари", Саид Муҳаммад Қошийнинг "Шарҳи шикаста"[287] ларни киритиш мумкин. XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистонда юз берган сиёсий-ижтимоий воқеалар, Қўқон саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати ҳақида маълумотлар берилган.

Уйғур тарихчиси Мулло Шокир(1805-1870)нинг "Зафарнома" асари достони ҳам 1864 йилда юз берган Кучор қўзғолони ҳақида бўлиб, 1866-1870 йиллар оралиғида Учтурфонда ёзилган. Асар шеърий тарзда ёзилган

---

[282] Музаффарзода Г. Фарғона водийси маданиятининг таъсири. (Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг кимиёи саодат асари таржимаси мисолида) // Буюк Ипак Йўли ва Фарғона. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Андижон, 2004. – Б. 156-157.

[283] Мулла Шокир. Зафарнома // "Оқсув адабиёти" журнали. 1981-1982 йиллардаги сонларида.

[284] Мулла Билол Нозимий. "Ғазот дар мулки Чин" // "Шинжонг тазкираси" журнали. 1995. № 1-3 сонлар.

[285] Мулло Мусо Сайрамий. Тарихи Хамидий / нашрга тайёрловчи Анвар Бойтўра. – Урумчи: Миллатлар нашриёти, 1986. – 775 б.

[286] Мулла Муса бен мулла Айса Сайрами. Тарих-и Эминие (История, посвященная Эмину). – Казань, 1905. – 256 с.

[287] Аҳмад Мўмин Торими. Уйғур тарихшунослик тарихидан баён. Урумчи: Шинжонг халқ нашриёти, 2013. – Б. 251-253.

бўлиб, 230 бет, 3820 мисрадан иборат. Асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида № 12172 рақам остида сақланади. “Зафарнома”да дастлаб шарқ шоирлари одати бўйича “ҳамд” ва “наът”лар ёзади, Аллоҳга ва унинг пайғамбарларига мурожаат қилади. Шундан сўнг асар Кучор аҳолисини Чинг империясига қарши қўзғолон кўтариши ва ҳоким Аҳмад вонгни ўлдирилишидан бошланган. Халқ Рашидиддинни подшоҳ қилиб ўтқазганлар. Рашидиддин асли бухоролик Абулҳафиз Кабир Бухорийнинг авлоди бўлиб, Бухорода таҳсил олган. 1865 йилда Қўқон хонлиги саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Кучорга бостириб кириши ва мамлакатни бирлаштириш борасида қилган ишлари баён қилган.

“Ғазот дар мулки Чин” асар муаллифи Мулло Билол Нозимий 1828 йилда Ғулжа шаҳрида туғилган. У Ғулжадаги Байтуллоҳ мадрасасида таълим олган бўлиб, мадрасани тугатгач, Ғулжадаги масжидлардан бирида имом бўлиб фаолият олиб борган. 1864 йилда Чинг империясига қарши кўтарилган қўзғолонда иштирок этган. Асарни 1875 йилда ёзиб тугатган. Асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида № 9007 рақам остида сақланади. 6000 мисратдан иборат бўлиб асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Шарқий Туркистонда юз берган воқеа-ҳодисалар ёритилган. Жумладан, 1864 йилдаги Ғулжа қўзғолони ёритилган. Асарда қўзғолонда иштирок этган фарғоналик савдогарлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Уйғур тарихчиси Мусо Сайрамий(1836-1917)нинг “Тарихи аминия” (“тинчлик ва омонлик тарихи”) ва “Тарихи ҳомидий” асарлари пскентлик Муҳаммад Ёқуббек (1820-1877)нинг Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистондаги ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги муҳим манбалар хисобланади. Асар муаллифи Шарқий Туркистондаги Сайрам қишлоғида туғилган бўлиб, Кучардаги мулла Усмон охунд мадарсасида ўқиган. 1864 йилдаги қўзғолонларда иштирок этган. 1867-1877 йиллар давомида Муҳаммад Ёқуббекнинг Оқсувдаги закотхонасида мирза бўлиб етти йил ишлаган. У бир неча марта Муҳаммад Ёқуббекнинг ҳузирида бирга бир дастурхонда ўтириб чой ичган. Кейинчалик у бутун Шарқий Туркистонни айланиб чиқиб ўз асари учун маълумотлар тўплаган. “Тарихий аминия” асарини 1903 йилда ёзиб тугатган. Бу асар Н. Пантусов томонидан 1905 йилда Қозонда тошбосма нашри ҳам амалга оширилган. 1988 йилда Урумчидан уйғур тилида нашр қилинган. Кейинчалик ушбу асарга яна қўшимча маълумотлар билан тўлдириб 1908 йилда “Тарихи Хамидий” номи остида муаллиф томонидан қайта ёзилган. Асар 1986 йилда Пекинда нашр уйғур

тилида нашр қилинган. Мусо Сайрамий умрини охирги йилларини у Оқсувда ўтказган.

“Тарихи аминия” асари дебоча, бир муқаддима, икки достон ва бир хотимадан иборат. Асар бўлиб, аксарият мусулмон тарихнавислиги анъаналарига кўра Одам ато, Нуҳ алайҳиссалом, Муҳаммад пайғамбар (С.А.В.) га наът билан бошланиб, Чингизхон, ва Чиғатой даврида Мўғилистон (ҳозирги Шарқий Туркистон), Ёркенд хонлиги (1514-1759), Чинг империяси (1644-1911)нинг Шарқий Туркистондаги хукмронлиги ҳам Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлати (1864-1877) тарихи ёзилган. Асар муаллифи бевосита ўзи кўрган-кечирганларини ёзиб қолдириш билан бирга, кейинчалик бу маълумотларга тегишли хужжатлар тўплаган ҳамда ҳар бир воқеа-ҳодисани қайта-қайта таҳлил қилган. “Тарихи аминия” асарининг 29-34 бетларида Ёркенд хонлиги (1514-1759) ворисларидан бири Жаҳонгирхўжанинг Шарқий Туркистонда Чинг империяси қарши қўзғолон кўтарилиши, Жаҳонгирхўжа илтимоси билан Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842)нинг Қашқарга юриши ҳам Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатлари ёзилган. Қолган қисмларда бевосита Муҳаммад Ёқуббек томонидан ташкил қилинган Еттишаҳар (1864-1877) давлатида юз берган воқеа-ҳодисалар ёритилган. Айниқса, 1865 йилда Россия империяси қўшинлари томонидан Тошкент босиб олингач, тошкентлик ва қўқонлик саркардалар Ҳамдам ботурбоши, Туробхўжа ясавул, Абдуллоҳ пансод, Ғозибек пансод, Муҳаммадқули шиғовул, Хўжа калон худойчи, Исроилхонтўра, Умарқул баходир, Боқибек додҳо ва жами етти мингдан ортиқ киши Қашқарга ўтиб келганлиги ҳақида маълумотлар берилган[288]. Муҳаммад Ёқуббек Қўқон хонлиги устахоналаридан моҳир ва комил усталарни ўз давлатига олдириб келиб, дастлаб Қўқон хонлари Маллахон (1858-1862) ҳамда Сайид Султон(1863-1865)лар номидан тилла танга чиқарган[289]. Шунингдек, у Қўқон ва Бухородаги машҳур уста меъмор ва наққошларни ҳам олдириб келиб Еттишаҳарнинг турли шаҳарларида бинолар қурилишида ишлатган[290].

---

[288] Мулло Мусо Сайрамий. Тарихи Хамидий / Нашрга тайёрловчи Анвар Бойтўра. – Урумчи: Миллатлар нашриёти, 1986. – Б. 346

[289] Мулла Муса бен мулла Айса Сайрами. Тарих-и Эминие (История, посвященная Эмину). – Казань, 1905. – С. 186: Бу ҳақда яна қаранг: Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. – Т., 1989.

[290] Жалилов О. Мусо Сайромий. – Т. 1965. – Б. 17, 21

Қўқон адабий муҳитида шаклланган Акмал Тошкандий[291], 1866 йили шоир Тоиб билан бирга, қўқонлик Писандий ҳам Қашқар ва Ёркендда бўлган. У Қўқон саркардаси Мулло Аликулига атаб тарих ёзган. Асли тошкентлик бўлган Зариф Ёркендда шоир Тажаллий билан бирга суҳбатлашган, Шарқий Туркистонда бу даврда Фурқат, ҳамда тарихчилардан Имом Али Қундузий[292], Мирза Шамс Бухорий, Муҳаммад Тойиб Муҳаммад Амин ўғли[293], Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний[294] Ғиёсиддин Марғилонийлар ижод билан шуғулланганлар. Улар Шарқий Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этганлар.

Муҳаммад Ёқуббекнинг куёви 1830 йилларда Тошкентда туғилган Акмал Сайидаҳмадхон ўғли Тошкандий – XIX асрда яшаб ижод этган зуллисонайн шоир бўлган[295]. 1865-1877 йиллари Ёқуббекнинг шахсий котиби ва Қашқар қозиси бўлиб ишлаган бу шахс шаҳар ободончилиги ва осойишталиги учун катта хизмат қилган. Муҳаммад Ёқуббек вафотидан сўнг, у Тошкентга қайтиб келиб, мактаб очган. Уйғур тарихчиси Мусо Сайромий у ҳақда шундай ёзган: “Ва яна Акмалхон тўрам эдилар, фозил, улома, бо инсоф киши эди. Исмларига мувофиқ дарвоқе комил ва акмал эдилар”, – деб қайд этган эди[296].

Ғиёсиддин Марғилоний XIX аср иккинчи ярмининг бошларида Марғилондан Қашқарга кўчиб борган ва Қашқар адиблари билан жуда яқин муносабатда бўлган. Қашқардаги тараққийпарвар адабиёт вакиллари Низомиддин, Носим Қашқарий кабилар билан дўстлашган ва ҳамсуҳбат бўлиб, ижодий ҳамкорликда бўлган. Бу ҳамкорликнинг самараси унинг “Бадавлатнома” асари бўлиб, уни ҳам уйғур, ҳам ўзбек шоирлари биргаликда ёзганлар. Муҳаммад Ёқуббекнинг сирли ўлими ҳақидаги турли миш-мишлар ёки турли баҳсларга ойдинлик киритадиган асарлардан бири Илёс Охуннинг “Ёқуббек Бадавлатнинг сўнгги хотиралари” асари хисобланади. Бу асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси № 417 рақам остида сақланади. Муаллифни ўзи бевосита Муҳаммад Ёқуббекнинг ёнида юрган ходимларидан бири бўлганлиги учун ҳам асар муҳим аҳамиятга эга хисобланади.

---

[291] Абдуллаев И. Акмал Тошкандий // Имом ал Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2002. № 3. – Б. 213-217.

[292] Имомали Қундузий. Таворихи манзума – ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 597.

[293] Муҳаммад Тойиб Муҳаммад ўғли – ЎзР ФА ШИ, қўлёзма, инв. № 6696, 596.

[294] Муҳаммад Умар қори Умидий Марғилоний. Мактубчаи хон. – Тошкент.,Фан. 2007.

[295] Абдуллаев И. Акмал Тошкандий... – Б. 214.

[296] Муса Сайромий. Тарихи аминия... – С. 885.

Хуллас, сўнгги ўрта асрларда Марказий Осиё маданияти таъсирида Шарқий Туркистонда бир неча тарихий асарлар ёзилган. Уларни ўрганиш орқали ўша даврнинг илмий, маданий ва тарихий аспектларидаги масалаларга ойдинлик киритилади. Шу билан бирга, янги тадқиқотларга йўл очиб беради.

ТОҒАЕВА Анора Зайниддиновна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИ (САДУМ) ТАРИХИДАН: ФАОЛИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: *Советское государство и коммунистическая партия, исходя из своих идеологических интересов, вели беспощадную войну против всех конфессий, в частности исламской религии. Но, в связи от политической ситуации в мире, в разных периодах наблюдались и позитивные отношения в религиозной политике советской власти. Среднеазиатское Духовное Управление мусульман (САДУМ) организован на фоне международной обстановки в годы второй мировой войны и играла важнейшую роль в укреплении место ислама в обществе. В статье проанализируются некоторые аспекты организации и деятельности САДУМа.*

Ключевие слова: *Средняя Азия, Восток, Коран, религия, ислам, мусульман, муфти, кади, медресе, социальная жизнь, рамадан.*

Annotation: *Soviet Union and its political force which was Communistic Party struggled fiercely against all religions including Islam in order to strengthen her ideological interests. However, the policy on religion somehow weakened in some periods because of political and social situation in the world. Muslims' Bureau of Central Asia was established in connection with international situation during World War II and it became one of the reasons of the consolidation of Islam's status in the area. There has been analyzed some features relating to the establishment of the Bureau and its activity.*

Key words: *Central Asia, Orient, Quran, religion, Muslim, muftii, qadi, madrassa, social life, Ramadan.*

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси XX асрнинг ўрталарида, жуда оғир тарихий вазиятда ташкил топган бўлиб, унинг фаолияти коммунистик мафкуранинг кучли босими остида қолган исломий қадриятларни сақлаб қолишга қаратилган эди. Мазкур ташкилот ўз даврида ислом марказларидан бирига айланиб, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон мусулмонларининг ҳаётида катта аҳамият касб этган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида совет тузумининг диний сиёсатида кескин ўзгариш кузатилди. 1943 йилнинг октябрида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси[297] ташкил қилинди. САДУМ бешта совет республикаси – Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон доирасида фаолият юритган.

САДУМнинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятида ўз замонасининг йирик олими, нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг ўрни катта бўлган эди. Ўша даврда Иттифоқ бўйича фақат Уфа шаҳрида диний назорат мавжуд бўлиб, масофанинг узоқлиги Ўрта Осиё мусулмонлари учун қийинчилик туғдирар эди[298].

1943 йил, иккинчи жаҳон уруши давом этаётган бир пайтда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг ягона диний бошқармасини таъсис этиш ҳаракати фаоллашди. Шу мақсадда минтақа мусулмонларининг ташкилий комиссияси тузилиб, унинг таркибига Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари делегатлари билан биргаликда, Москва, Қозон каби мамлакатнинг бошқа ҳудудлари уламолари ҳам таклиф этилган эди. Эшон Бобохон раислигидаги қўмита иш бошлаб, 1943 йилнинг октябр ойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг биринчи қурултойи чақирилди. Қурултойда минтақанинг 5 республикасидан 160дан ортиқ вакил иштирок этиб, унда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диний назорат раислигига 83 ёшли Эшон Бобохон ибн Абдилмажидхон, Ўзбекистон қозиси қилиб Зиёвуддинхон Бобохов тайинланади. Қурултойда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний назоратининг низоми тасдиқланди. Ўрта

---

[297] Среднеазиатское Духовное Управление мусульман (Қисқартирилган номи “САДУМ” бўлиб, рус ва ўзбек тилидаги расмий ҳужжатларда кенг қўлланилган).

[298] Зиёвутдинов М. Муфтий Эшон Бобохон – йирик диний арбоб. Тошкент Ислом Университети. Илмий-таҳлилий ахборот. Т., 2005. 2-сон. 29-бет.

Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси Шайх Эшон Бобохонга “минтақадаги беш иттифоқдош жумҳуриятларнинг муфтийси” деган олий унвон берилди[299].

Қурултойда САДУМ мазкур минтақа мусулмонларининг энг олий ҳайъати эканлиги таъкидланиб, унинг асосий вазифа ва ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб берилди.

САДУМ дастлаб ўз фаолиятини Эшон Бобохоннинг ҳовлисида бошлаган, кейинчалик машҳур Бароқхон мадрасаси таъмирланиб, унинг қароргоҳига айлантирилган.

Гарчи мамлакатдаги сиёсий вазият ҳамда мафкуравий тазйиқлар оқибатида САДУМ давлат органлари назоратида бўлиб, ўз фаолиятининг ҳар бир соҳасида мавжуд сиёсат билан ҳисоблашиб туришга мажбур бўлса-да, мазкур ташкилотнинг тузилиши, унга Эшон Бобохон тимсолида илмли, салоҳиятли ва обрў-эътиборли шахснинг раҳбарлик қилиши дин йўлида ошкора хизмат қилиш имконини берди.

Иккинчи жаҳон уруши бораётган оғир вазиятда аҳолини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, босқинчиларга қарши курашга мамлакатдаги барча имкониятларни бартараф қилиш ва фронт ортида маблағ тўплашни ташкил этиш ишида САДУМ фаол иштирок этди. II жаҳон уруши йилларида масжидлар ва зиёратгоҳлардан тўпланган маблағларнинг маълум қисми мунтазам равишда мудофаа фондига юбориб турилди. Масалан, 1945 йил 1 январдаги маълумотларга кўра, Марғилондаги диний муассасалардан 8 ой ичида 42 800 сўм миқдорида маблағ йиғилган ва ундан 27 минг сўми мудофаа фондига топширилган[300]. Шунингдек, 1945 йил октябр ойига тегишли маълумотларга кўра, ҳайит намозида қилинган хайр-эҳсонлардан Шоҳизинда мазоратидан 94 минг сўм, Қўқон бўйича 26 минг сўм, Марғилон бўйича эса 20 минг сўм маблағ фронт эҳтиёжлари учун жўнатилган[301].

САДУМнинг фатвоси билан масжидларда фронт эҳтиёжлари ва жангчиларнинг оилалари учун пул, кийим-кечак, ҳатто танк қурилиши учун маблағ тўплаб берилган. Масалан, 1943-1944 йиллар мобайнидаги САДУМ ҳисобига тушган нақд пуллар жами 970 405 сўмни ташкил қилиб, унинг 876 626 сўми танк колоннасига ва қизил аскарлар оиласига ажратилган. 1945 йилда бошқарма томонидан 2 млн. сўм пул маблағи танк

---

[299] Бобохонов Шамсуддинхон. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон (Маънавият ва ибрат мактаби). Тошкент, 2001. 37-41 бетлар.

[300] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 46-йиғмажилд, 1-варақ.

[301] Ўша жойда, 64-65-варақлар.

колонналари, 260 минг сўм самолёт эскадраларини қуриш учун давлат ҳисобига ўтказилган эди. Бундан ташқари, евангел христиан-баптистлари ва яҳудийлар ҳам қизил аскар оилаларига ёрдам сифатида 200 минг сўм пулни давлат ихтиёрига берган эдилар[302].

САДУМ фаолияти ислом динининг софлиги, ҳар қандай диний оқимларни бир йўлга солишда катта аҳамият касб этган. Жумладан, 1948 йилда чақирилган бошқарманинг иккинчи қурултойида масжидлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилган ҳамда диний байрам ва маросимларни шариат қоидаларига биноан ташкил этишга эътибор қаратилган.

1945 йилдан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати органи сифатида араб шрифтида махус журнал чоп этила бошланди. Журналдан САДУМнинг расмий қарор ва кўрсатмалари, диний мавзудаги мақола, шеърлар, Ўрта Осиё ва ислом мамлакатларининг кўзга кўринган намоёндаларининг хизматлари ва биографиялари каби маълумотлар ўрин олган, шунингдек диндорларни қизиқтирган саволларга жавоблар ёритилган. СССР ХКС ҳузуридаги Диний ишлар бошқармасининг топшириғига кўра, Ўзбекистон КП (б) МК рухсат берган маълумотларгина журналда чоп этилган[303]. 1968 йилга келиб, “Совет шарқи мусулмонлари” номли журнал дунёнинг олти тилида нашр этила бошлаган.

1944 йилда муфтий Эшон Бобохон Ўзбекистон ҳукуматига қайта мурожаат қилиб, диний бошқарма учун кадрлар тайёрлашга мўлжалланган мактаб очишга рухсат берилишини, шунингдек, мусулмонларнинг муқаддас жойларга, жумладан, ҳаж сафарига бориб-келишларини ташкил қилишга ёрдам берилишини сўраган. 1945 йилда биринчи марта Совет Иттифоқидан ҳаж сафарига боришга рухсат берилди. Шу йилнинг бошларида муфтий Эшон Бобохон бошчилигидаги мусулмонлар илк бор ҳаж сафарига боришга муваффақ бўлдилар. Бу сафарда улар Саудия Арабистони қироли Абдулазиз ибн Абдураҳмон Оли Сауд билан учрашдилар[304].

САДУМнинг талаби билан мусулмонларнинг табаррук жойлари – Қусам ибн Аббос (Шоҳи Зинда) ва Имом Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нвқшбанд, Ҳаким Термизий, Юсуф Ҳамадоний мақбаралари унинг

---

[302] Мустафаева Н. Шўролар ҳукуматининг “иккиёқлама” диний сиёсати. Тошкент Ислом Университети. Илмий-таҳлилий ахборот. – Т., 2008. 1-сон. 41- бет.

[303] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 25-йиғмажилд, 6-варақ.

[304] Бобохонов Шамсуддинхон. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон. (Маънавият ва ибрат мактаби). Тошкент, 2001. 51-бет.

тасарруфига ўтказилган. Ташкилот томонидан халқ маънавий ва маданий меросининг нодир намуналари қайта тикланган ва таъмирланган.

1945-1947 йилларда Ўзбекистон ССР ҳукумати меъморий обидалар ва диний муассасаларни тиклаш ҳамда таъмирлаш учун давлат бюджетидан 1 млн. 800 минг сўмлик маблағ ажратди. Ушбу маблағ 22 та мадраса, хонақоҳ ва мақбара каби диний иншоотларни таъмирлаш учун мўлжалланган эди[305].

Ўрганилаётган даврда САДУМ ислом олами давлатлари билан, шунингдек, жаҳоннинг турли давлатларидаги машҳур дин арбоблари билан яқин алоқалар ўрнатган бўлиб, улар жумласидан Ҳиндистон, Албания, Индонезия, Покистон, Эрон, Тунис, Ливан, Судан, Ливия, Болгария каби мамлакатлар ўрин олган.

САДУМнинг совет давридаги чет эл мусулмон ташкилотлари билан алоқалари тарихини тадқиқотчилар иккига бўлиб ўрганишни тавсия этишади. Жумладан, биринчи давр 1943-1960 йилларни ўз ичига олса, иккинчи давр САДУМнинг халқаро алоқалар бўлими ташкил топган 1961 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни қамраб олади[306].

Биринчи даврда САДУМнинг чет эл мусулмон ташкилотлари билан алоқалари кам бўлган. Ташкилотнинг чет эллар билан алоқалар бўлимининг фаолияти тўғрисида 1972 йилда ёзилган маълумотномада кўрсатилишича, 1960-йилларгача диний назоратнинг таклифи билан Ўзбекистонга айрим мусулмон делегациялари ва ислом динининг арбоблари келганлар. Дастлабки мусулмон делегацияси Албаниядан бўлган. Покистондан Совет Иттифоқига, жумладан, Ўзбекистонга САДУМнинг таклифи билан “Мусулмон жамияти” раиси, йирик дин арбоби Мавлона ал-Бадаюний ал-Қодирий раҳбарлигида мусулмон делегацияси келган[307]. Диний назоратнинг Ўзбекистон Ўзбекистон диний ишлар бўйича кенгаш вакилига 1956 йил 14 ноябрда ёзган ахборотида Шайх Мухаммад Саид Киан раҳбарлигидаги Индонезия мусулмонлари делегациясининг Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти ва тарихий ёдгорликлари, жумладан, Бухородаги Исмоил Бухорий мақбараси, ва бошқалар билан танишганлиги батафсил баён этилган[308]. Шунингдек,

---

[305] Ўз МА. Р-837 жамғарма, 32-рўйхат, 2448-йиғмажилд, 15-варақ.

[306] Юсупов Р.М. Ўзбекистонда XX асрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти (МДА маълумотлари асосида). – номзодлик дисс. автореф. –Т., 2008. – 25-бет.

[307] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 537-йиғма жилд, 42-варақ.

[308] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 188-йиғма жилд, 48-52-варақлар.

Совет Иттифоқи, жумладан Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти билан танишиши мақсадида Суданнинг таниқли диний ва сиёсий арбоби, мамлакатнинг ташқи ишлар министри Али Абдураҳмон келган. Ливаннинг йирик мусулмон диний арбоби Нажим Жиср ҳам Ўзбекистонда бўлган. 1958 йилда Сурияниng мусулмон делегацияси давлатнинг бош муфтийси, доктор Абу Юсер Обидин раҳбарлигида Ўзбекистонда сафарда бўлган[309].

Шу тариқа, 1950-йилларда, оз бўлса-да, САДУМнинг шарқ мамлакатлари диний ташкилотлари билан алоқалари амалга ошириб турилган. САДУМнинг чет эл мусулмон ташкилотлари билан алоқалари 1961 йилдан, яъни, чет эллар билан алоқалар бўлими ташкил этилганидан кейин жонланган ва янада кучайиб борган.

САДУМ мамлакатнинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келган. Жумладан, 1952 йилда Загорск шаҳрида ўтказилган барча черков ва дин уюшмаларининг тинчлик ишига бағишланган “Халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун” анжуманида САДУМ раҳбари Эшон Бобохон Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон тинчликни ҳимоя қилиш комитети аъзоси сифатида иштирок этиб, маъруза қилади ва минтақамиз мусулмонларини атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Жаҳон тинчлик кенгашининг чақириқларини, Корея муаммосини тинчлик йўли билан ҳал қилишни қўллаб-қувватлашга даъват этади[310].

1955 йилда САДУМнинг кутубхонаси ташкил этилганлиги мазкур ташкилот фаолиятидаги муҳим воқеалардан бири бўлган.

1957 йилда САДУМ ташкилотчиси ва раҳбари Эшон Бобохон соғлиги ёмонлашганлиги туфайли ишдан бўшаб, унинг ўрнига ўғли Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон диний бошқарма раҳбари этиб тайинланган. Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон раҳбарлиги даврида САДУМнинг диний, ижтимоий масалалар, тинчлик, ҳамжиҳатлик каби соҳалардаги фаолияти янада жонланган.

САДУМ, айниқса, диний таълим муассасаларини ташкил этиш ва бошқаришда муҳим аҳамият касб этган. САДУМнинг Ўзбекистонда диний таълимни ривожлантириш йўлидаги энг катта амалий ҳаракатларидан бири Бухоро ва Тошкентда мусулмон диний ўқув юртларининг очилиши ҳисобланади. СССР ХКСнинг 1945 йил 10

---

[309] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 537-йиғма жилд, 42-43варақлар.

[310] Бобохонов Ш.З. Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. 104-бет.

октябрдаги, Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1945 йил 29 ноябрдаги қарорига асосан, Бухородаги "Мир Араб", Тошкент шаҳридаги "Бароқхон" мадрасасини Архитектура ишлари бошқармаси ихтиёридан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати ихтиёрига олиб беришга қарор қилинган[311]. Бухородаги мадраса 1946 йилда, Тошкентдаги мадраса 1956 йилда ишга туширилган ва ўз даврида республикада олий диний маълумотга эга кадрлар етказиб беришда муҳим ўринни эгаллаган эди.

САДУМнинг ташаббуси билан 1971 йил 1 ноябрда Тошкент шаҳрида Имом ал-Бухорий номидаги Олий ислом диний ўқув юрти ўз фаолиятини бошлади[312]. Унинг битирувчиларига араб, рус, ўзбек тилларини мукаммал билиш, Қуръон ва бошқа диний фанларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, халқаро сиёсий вазият таҳлил қила оладиган даражада кенг дунёқарашга эга бўлиш кераклиги каби талаблар қўйилган эди. Бу олий ўқув юрти "Қаффол Шоший" зиёратгоҳи ёнидаги масжид биносида жойлаган эди. Ўқув юртида САДУМ раҳбарлари билан бир қаторда, Тошкент олий ўқув юртларидан таклиф этилган профессорлар таълим берганлар. Ўқув муддати 4 йил бўлиб, 23 ёшдан 35 ёшгача бўлган, ўрта диний ва совет мактаби маълумотига эга бўлган талабалар қабул қилинган[313].

САДУМнинг фаолияти кенг қиррали бўлиб, мазкур ташкилот диний сиёсат, диний таълим билан бир қаторда диннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши масаласини ҳар томонлама назорат қилиб борган. Масалан, 1952 йилга оид маълумотларга кўра, САДУМ томонидан рамазон ойи рўзасини ўтказиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. САДУМ рўза вақтини белгилаб, уни ўтказиш тартибларини назорат қилиб борган. Таровиҳ намозларини ўқиш, хатми Қуръон (Қуръонни тўлиқ ўқиш) вақтлари белгиланар экан, қишлоқ жойларида уларни ўқиш тартиботларига ўзгартириш киритиш мумкинлиги қайд этилган. Масалан, далада ишлар қизғин бўлганда хатми Қуръонни белгиланган ўн кун ичида эмас, балки ундан кўпроқ вақт давомида ўқиш мумкинлигига ижозат берилган. Далада ишлар ўта қизиган вақтларда эса, хатми Қуръонни умуман ўтказмаслик мумкинлиги қайд этилган. Одатга кўра эса, Рамазон

---

[311] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 92-йиғмажилд, 7-варақ.

[312] Ўз МА. Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 521-йиғмажилд, 170-варақ.

[313] Мустафаева Н. Шўролар ҳукуматининг "иккиёқлама" диний сиёсати. Тошкент Ислом Университети. Илмий-таҳлилий ахборот. – Т., 2008, 1-сон. 45-бет.

ойининг биринчи ўн кунлигида мусулмонлар Қуръонни тўлиқ ўқиб туширишлари керак эди[314].

Шунингдек, САДУМ хатми Қуръон муносабати билан диндорлардан йиғилган маблағларни сарфлаш борасидаги йўриқларни ҳам берган. Унинг кўрсатмасига кўра, бу маблағлар қориларга берилмаслиги, балки дастурхон тузалиб, диндорларни меҳмон қилиш учун сарфланиши зарур бўлган.

Кўриб ўтилганидек, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) Ўзбекистон Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари мусулмонларининг диний ҳаётида, мазкур ҳудудларда диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги муҳим вазифаларни бажарган:

- САДУМнинг фаолияти ҳамиша давлат органлари назорати остида бўлишига қарамасдан, диннинг мамлакат сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилган.
- Ўзбекистонда диний таълимни тўғри йўлга қўйиш, бошланғич ва олий диний таълимни ташкил этиш ва бошқаришни, аҳолининг диний саводхонлигини таъминлашни ўз зиммасига олган.
- II жаҳон уруши йилларида фронт эҳтиёжлари ва жангчиларнинг оилалари учун молиявий кўмак бериш ишларига бошчилик қилган.
- Ўзбекистоннинг анъанавий миллий қадриятларидан бўлган маънавий ва моддий диний меросни қайта тиклаш, асраб-авайлаш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб борган.
- Ўзбекистон мусулмонларининг ислом олами анъаналари, олимлари билан ташишишларига имкон яратиб берган. Шунингдек, Ўзбекистондаги диний ҳаёт, диний қадриятлар, анъанавий мерос билан дунё мусулмонлари танишишларига йўл очиб берган.
- Диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини мустаҳкамлашда, халқнинг диний ҳаётини, диний амалларни бажаришини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этган.

Шу тариқа, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармаси XX асрнинг ўрталарида овет ҳукуматининг ички ва ташқи омиллар туфайли мунтазам равишда ўзгариб турган диний сиёсатидаги чеклашлар ва қаттиққўлликларга қарамасдан, халқнинг диний дунёқараши ва

[314] Ўз МА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 140-йиғмажилд, 180- варақ.

эътиқодини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлари билан республика ҳаётида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган эди.

МИРЗАЕВ Жалолиддин Зайниддинович
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази
Термиз давлат университети
тарих фанлари номзоди

ТЕРМИЗДА ХАНАФИЙЛИК МАЗҲАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация: *Исследования истории создания и эволюции локальных центров ханафитов в Центральной Азии позволяет реконструировать историю ислама в регионе. Исследования истории создания и эволюции локальных центров ханафитов в Центральной Азии, как правило, ограничиваются Бухарой и Самаркандом, основываясь на материалах поздних авторов.*

Наша статья основывается на дисперсных данных ранних источников. Она посвящена исследованию роли и значения богословов ханафитского мазхаба в Термезе в VIII-IX веках. В ней будет показано ключевая роль ханафитов в формировании научной среди Термеза, которая дала множество великих имен, выдающихся произведений для развития исламской цивилизации.

Ключевые слова: *Исламской цивилизация, Центральная Азия, ханафитский мазхаб, Термез.*

Annotation: *Studies of the history of the formation and evolution of local centers of Hanafites, which usually prevailed in various cities of Central Asia, allows reconstructing the history of Islamic civilization in the region. The past stage of the study of the history of the formation and evolution of the local centers of Hanafites in Central Asia, as a rule, was limited to Balkh, Bukhara and Samarkand, based on the materials of later authors.*

Our article is based on the systematization and analysis of dispersed data from early sources. It is devoted to the study of the role and significance of the theologians of the Hanafi madhab in Termez in the 8th-9th centuries. It will show the key role of the Hanafites in the formation of the scientific among Termez, which gave many great names, outstanding works for the development of Islamic civilization.

Key words: *Islamic civilization, Central Asia, Hanafi madhab, Termez.*

Инсоният ҳаётидаги улуғ маънавий янгиланиш Ислом динининг шаклланиши билан боғликдир. Аммо Ислом эътиқодининг теран мазмун ва моҳиятини мукаммал англаб етиш, унинг асосларини мусулмон жамоаси кундалик турмушига татбиқ этиш аждодларимиздан асрлар давомида изланишни талаб қилади.

Ислом тафаккуридаги эркинлик, маънавий ҳаётдаги хилма-хиллик қонунчиликда ҳам турли оқим вакилларнинг алоҳида мазҳаблари, яъни ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишнинг турли йўлларининг шаклланишига олиб келади. Мазкур жараён ислом дунёсидаги сиёсий ва иқтисодий шарт-шароит билан чамбарчас боғланган бўлиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит(699-767) томонидан тузилган ҳуқуқий тизимда кундалик турмуш масалаларида, хусусан, никоҳдан тортиб солиққача бўлган масалаларни ҳал қилишда ислом эътиқодининг мазмуни намоён этилди. Унда мусулмон жамоасида юксак инсонпарварлик муносибатларини шакллантиришга қаратилган муназзам ва мукаммал тизим юзага келади. Шу билан бирга, жамоа ҳаётини тартибга солишда исломни қабул қилган барча элатларнинг урф-одатларини ҳисобга олиш ғояси илгари сурилади. Натижада мазҳаблар орасида орасида энг кенг ёйилгани ҳанафия бўлиб қолди, мусулмонларнинг катта қисми унга риоя қиладилар.

Мовароуннаҳрда ҳам ҳанафия мазҳаби қабул қилинган ва асрлар давомида шариат асосларини белгилаб келган. Ҳозиргача Мовароуннаҳр олимларининг асарлари ҳанифия мазҳабининг асосий қўлланмалари сифатида бутун мусулмон дунёсида қабул қилинган.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа таълимотининг шаклланиши ва Марказий Осиёга ёйилиши борасида бизгача етиб келган тарихий манбалардан узуқ-юлуқ малумотларга эга бўлсак-да, ўша давр ҳақида умумий тасаввурлар ҳосил қилишимиз мумкин. Абу Ҳанифа таълимотининг Марказий Осиёга ёйилиши борасида айрим изланишлар олиб борилган бўлсада[315],

[315]SaffetBilhan. Les JuristesKanafetis de I AsieCentrale â I Epoque des Qarakhanides (Enseigmemen-Histoire-Philusophie) Juridiques (doktoratezi) Paris Hukuk Fakültesi, 1973.; Madelung Wilfred. The early Murji`a in Khurasan and Transoxania and the spread of Hanafism. Der Islam. Volume 59, 1982. Issue 1.;Josev van Ess.Theologie und Gesellschaftim 2. und 3. JahrhundertHidschra: Eine Geschichte des religiösenDenkensimfrühen Islam. 6Bände. De Gruyter, Berlin 1991–1997.; Rudolph U. Al-Maturidi und die sunnitischeTheologie in Samarkand. – Leiden, New York, Koln: Brill, 1997. 396 p.; Christopher Melchert, The Formation of the Sunni Schools of Law, 9th–10th Centuries C.E., Studies in Islamic Law and Society (Leiden, New York, Cologne,

фақатгина Жалолиддин Мирзаев ва Жўрабек Чўтматов мазкур жараёнада Термизийлар ўрнини ёритишга бағишланган тадқиқотлар олиб боришди[316].

Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг ақидавий қарашларининг Мовароуннаҳрда ёйилишига бағишланган тадқиқотларда хозиргача мазкур жараён Бухоро ва Самрақанд мактаблари фаолияти билан боғланади. Тарихий манбаларни ўрганиш мазкур масалада янги маълумотларни илмий муомилага киритишга имкон яратади.

Термиз – Мовароуннаҳрдаги илк исломий шаҳар

Ислом динининг ёйилиши жараёнида Термиз 689 йилда Амударёнинг шимолий томонидаги биринчи мусулмон шаҳрига айланади. Бундан аввал ҳам Ислом лашкарларининг зафарли юриши Мовароуннаҳрда кузатилган бўлса-да, улар вақтинчалик аҳамият касб этади. Мусулмонлар томонидан Амударё ва Сирдарё оралиғига берилган ном *"Мовароуннаҳр"* - "дарёнинг нариги томонидаги ер" атамаси, Термиз номининг кўчирмаси бўлиши мумкин. Чунки, австро-венгер олими Вильгельм Томашек(1841—1901) Термиз (у шаҳарнинг номини Tarmidh, Termiz шаклида келтиради) номининг келиб чиқишини бақтр тилидаги *taro-maetha* – "нариги томондаги манзилгоҳ" тушунчаси билан изоҳлаш мумкинлигига ишора қилади[317].

Аввал бошдан Термизда Ислом қадриятларининг ёйилиши ўзига хос кўринишга эга бўлади. Шаҳарда араб халифалигидан мустақил ҳудуд шаклланиб, унинг етакчиси амир Мусо ибн Абдуллоҳ қисқа муддатда бўлсада бутун Мовароуннаҳрга ўз хукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлади. Термиздаги диний баҳслар овозаси VIII асрнинг биринчи

1997). P. 244.; Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): тар.фан. докт. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б. Муминов А.К. Ханафитский мазхаб в истории Центральной Азии / под редакцией С.М. Прозорова.-Алматы: Қазақ энциклопедиясы, 2015.-400с.

[316]Мирзаев Дж.З. Термез – первый мусульманский город Мавараннахра // Uzbekistan's contribution to the development of Islamic civilization. Abstracts of the papers and addresses to the International Conference devoted to announcement of Tashkent as a capital of Islamic Culture for 2007 by the ISESCO.-Tashkent-Samarqand: Publishing Center oh al-Imam al-Bukhari, 2007.C.173-175.; Мирзаев Дж.З. К биографии Имама А'зама Абу Ханифы // Международная научно-практическая конференция «XII веков развития исламской науки и культуры в Казахстане». 25-26 сентября 2013 г.Алматы. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Тошкент: "Янгинашр", 2017.352б.

[317]Tomaschek W. ZentralasiatischeStudien I. Sogdiana // SPAW. Wien, 1877. Bd. LXXXVII. S.27(91).

ярмидаёқ бутун мусулмон оламига тарқалади[318]. Манбаларда, кейинчалик *жаҳмийлар*номини олган йўналиш асосчиси Жаҳм ибн Саффоннинг (вафоти 745) Термиздаги фаолияти қайд этилади. Унинг издошлари *калом* илмида дастлабки йирик мактабни шакллантирганлар. Термизда мусулмонлар билан буддавийлар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Мавжуд маълумотларга биноан шуни эътироф этиш мумкинки, Термиз ғоявий баҳслар майдонига айланади. Бу баҳсларнинг амалда турли йўналишларга ва алоҳида олимларга, жумладан, Имом Абу Ҳанифадан тортиб Имом Мотрудий ва бошқа алломаларнинг шаклланишида қандай таъсир қилганлиги ҳанузгача мукаммал англаб етилган, деб бўлмайди.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ва Термиз

Мовароуннаҳрда ханафийлик мазҳабининг ёйилиши ҳақида сўз юритганда биринчи навбатда Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг келиб чиқиши масаласини ойдинлаштириш лозим. Алломанинг келиб чиқиши борасида турли-туман фикрлар билдирилган. У қайси шаҳарда туғилганлиги хозиргача илмий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Манбаларда Абу Ҳанифа туғилган шаҳарлар орасида Термиз шаҳри ҳам қайд этилади. Хозирги билимларимиз доирасида алломанинг қайси шаҳарда туғилганлигини тўлиқ тасдиқловчи бир тўхтамга келишга имкониятимиз йўқ. Шунингдек, Абу Ҳанифанинг отаси ва бобосини Термиз шаҳри билан боғловчи маълумотлар ҳам ўзининг исботини топди дея олмаймиз. Лекин, манбалардаги маълумотлар Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит тарафдорлари Термизда VIII асрнинг биринчи ярмидаёқ етакчи бўлганлигини эътироф этишади.

Шимолий Африкадан Хитойгача, Россиядан Индонезиягача бўлган ҳудудларда асрлар давомида ўзининг барқарорлигини намоён этган ҳанафия мазҳабининг асосчиси шахси доимо қизиқиш уйғотиб келган. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа шахси азалдан афсоналар билан ўралган, унинг таржимаи ҳолида номаълум саҳифалар кўплаб учрайди. Улуғ аллома ҳаётининг ҳар бир саҳифаси муҳим аҳамият касб этади, чунки уларда мутафаккирнинг ижодини чуқур мазмун билан бойитган тарихий давр билан жонли боғланишлар ўз аксини топган. Илмий адабиётда Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Ироқдаги Куфа шаҳрида туғилган деган фикр

[318]Мирзаев Дж.З. *Термез – первый мусульманский город Мавараннахра* // Uzbekistan's contribution to the development of Islamic civilization. Abstracts of the papers and addresses to the International Conference devoted to announcement of Tashkent as a capital of Islamic Culture for 2007 by the ISESCO.-Tashkent-Samarqand: Publishing Center oh al-Imam al-Bukhari, 2007.C.173-175.

устиворлик қилади. Ҳақиқатда ҳам аллома ҳаёти ва ижодининг асосий қисми Куфа шаҳри билан боғлиқ. Лекин, у таваллуд топган жой ва аждодларининг келиб чиқиши масаласи асрлар давомида баҳсларга сабаб бўлиб келган[319].

Манбаларда келтирилган маълумотларда Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (80-150/699-767) Куфа, Нисо, Қобул, Бобил Термиз ёки Анбар шаҳарларида туғилган деган фикрлар билдирилмоқда. Абу Ҳанифа тўғрисида бизгача етиб келган дастлабки батафсил маълумот Хатиб Бағдодийнинг (392-463/1002-1072) "Тарихи Бағдод" асарида келтирилган[320]: "Нахаъий деди: "Бизга Сулаймон ибн Робийъ ривоят қилди ва деди: "Ҳорис ибн Идриснинг шундай деганини эшитганман: "Абу Ҳанифанинг асли Термиздан". Ушбу ривоят Сулаймон ибн Робийъ Наҳдийнинг камчилиги туфайли заиф дейилади. Илмий адабиётларда Ҳорис ибн Идрис номи манбаларда умуман келмаганлиги борасидаги фикр устиворлик қилади. Айрим манбаларда Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг отасини Термиз билан боғлаш кузатилади[321].

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг таваллуд топган шаҳарни аниқ белгилаш учун хозирги билимларимиз етарли эмас. Лекин, бизгача етиб келган тарихий манбалардан узуқ-юлуқ маълумотлар асосида Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг Термизийлар билан мустаҳкам алоқасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Абу Ҳанифанинг сафдошлари ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган бўлсада, бизгача Холид ибн Зиёд ибн Жарв Аздий Термизий фаолияти борасида муҳим хабарлар етиб келган. У Термиз қозиси сифатида қачондан фаолият кўрсатганлиги номаълум, лекин мазкур воқеа Мовароуннаҳр шаҳарлари орасида ҳанафийларнинг қозилик мансабини эгаллаши борасидаги илк қадам дейиш мумкин.

---

[319]Мирзаев Дж.З.*К биографии Имама А'зама Абу Ханифы* // Международная научно-практическаяконференция «XII веков развития исламской науки и культуры в Казахстане». 25-26 сентября 2013 г. Алматы.

[320]ал-Бағдади.*Тариху мадинат ус-салом ва ахбару муҳаддисийҳа ва зикру қуттониҳа-л-уламо мин ғайри аҳлиҳа ва варидийҳа.* – Байрут: "Дор ул-ғарб ул-исломий", 1422/2001. Т. 13. 325б.;Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо Айний. *Мағоний ал-ахёр фий шарҳи асамий ржал маъоний ал-осор*.–Байрут: "Дор ул-кутуб ул-илмийя", 2006. III. 120-121 б.

[321]Бадриддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо Айний. *Мағоний ал-ахёр фий шарҳи асамий ржал маъоний ал-осор*.–Байрут: "Дор ул-кутуб ул-илмийя", 2006. III. 120-121 б.;Шайх Муҳаммад Содиқ.*Кифоя* (*шарҳи мухтасари виқоя*). –Т.: "Шарқ", 2012. I, 37 б.

Холид ибн Зиёд ва Абу Ҳанифа Имом Абу Абдуллоҳ Нофеъдан(вафоти тахминан 117/735) таълим олишган[322]. Холид ибн Зиёд Термиз аҳолисининг етакчиси сифатида халифалик тарихида сезиларли фаолият кўрсатган. Манбаларда Холид ибн Зиёд Термизийнинг Уммавий ҳалифа Язид ибн Валид ибн Абдулмалик (86-126/705-744) ҳузурига кириш масаласида Имом Абу Ҳанифа билан учрашганлиги қайд этилади. Термиз қозиси Холид ибн Зиёд Термизий бир юз бир ёшида вафот этади. Унинг ўғли Абдулазиз ибн Холид отаси вафотидан сўнг Термиз қозиси лавозимини эгаллайди.[323] Юқорида келтирилган ҳодисаларнинг аниқ санаси номаълум бўлсада, айтиш мумкинки Мовароуннаҳр ҳудудида ҳанафийлар эгаллаган қози лавозимининг отадан ўғилга ўтиши биринчи бор Термизда рўй берган. Мазкур воқеа ўз даври учун муҳим аҳамият касб этган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ўрта аср шаҳарларида, ҳокимларнинг тез-тез алмашиниб туриши оқибатида, қозилар амалда шаҳар аҳолисининг қўллаб-қувватлашига таянадиган асосий бошқарувчига айланган[324].

Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг Термиздаги шогирдлари

Абу Ҳанифанинг Термиздан бўлган бевосита шогирдлари орасида Исроил ибн Зиёд Термизий ажралиб туради. У устозининг таърифу тавсифини - *маноқибини* битган.[325]

“Термиз аҳлининг имоми”[326] Абдулазиз ибн Холид Термизий Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг шогирдларидан биридир. У ҳақида Абдулқодир Қурашийнинг (696-775/1296-1373),[327] Бадриддин Айний (762-855/1360-1451)[328] асарларида маълумотлар келтирилади.Хуросон волийси Али ибн Исо ибн Моҳон (ваф. 195/810) даврида ғоялар хилма хиллиги ниҳоятда кучайиб кетиши, улар ўртасида муросасиз кураш ва зиддиятлар авж олиб

---

[322]Чўтматов Ж. *Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи.* Тошкент: “Янги нашр”, 2017. 73б.

[323]Имом Бухорий.*Ат-Тарих ул-кабир.* III, 150 б., 517-рақам. Ибн Ҳиббон.*Ас-Сиқот.* VI, 263 б., 7652-рақам. Ибн Абу Ҳотим.*Ал-Жарҳ ва-т-таъдил.* III, 332 б., 1493-рақам. Миззий.*Таҳзиб ул-камол.* VIII, 65-66 б., 1611-рақам. Заҳабий. *Тарих ул-ислом.* X, 163 б., 93-рақам, XI, 104 б., 75-рақам. Ибн Ҳажар.*Ат-Таҳзиб ут-таҳзиб.* III, 79 б.,172-рақам. Шу муаллиф.*Тақриб ут-таҳзиб.* 286 б.,1632-рақам.

[324]Средневековый город Средней Азии. Ленинград“Наука”, 1973.С.329.

[325]*Баззозий.* Маноқиб ул-Имом ул-Аъзам. II, 241 б. *Бадриддин Айний.* Мағоний ал-ахёр. III, 134 б.

[326]Баззозий.*Маноқиб ул-Имом ул-Аъзам*. II, 241 б. Али ибн Султон Муҳаммад Қорий.*Маноқиб ул-Имом ул-Аъзам* // Абдулқодир Қураший. *Ал-Жавоҳир ул-музийя*. II, 493 б., II, 554-555 б.

[327]Абдулқодир Қураший.*Ал-Жавоҳир ул-музийя.* I, 318 б., 848-рақам.

[328]Бадриддин Айний.*Мағоний ал-ахёр.* III, 134 б.

кетиши оқибатида Абдулазиз ибн Холид Термиздан бадарға этилади. Манбаларга кўра Фарғона ва Тошкентда ислом динининг маҳаллий аҳоли ўртасида кенг ёйилишида Абдулазиз ибн Ҳолид Термизийнинг ҳиссаси катта бўлган.

Абдулазиз ибн Холид Термиздан бадарға этилган даврда Термиз қозиси бўлган Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий(вафоти) манбаларда *жаҳмий* ва *муржиъий* бўлгани таъкидланади[329]. Аммо кенг доирадаги манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу аслида *Аҳл ар-ра'й* ва *Аҳл ал-хадис* йўналиши вакилларининг қарама-қаршилиги эканлиги маълум бўлади. Солиҳ ибн Муҳаммад Термизий Ҳаммод ибн Абу Ҳанифадан (ваф. 176/792) унинг отасидан ривоят қилган "*Нусхату Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа ъан абийҳи*" китобини тўғридан-тўғри ривоят қилган.[330]

Манбаларда Абу Ҳанифанинг таълимотини унинг етакчи шогирдларидан ўрганган термизлик олимлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Жумладан, улар Абу Ҳанифанинг Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фарқад Шайбоний (131-189/748-804), Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб Ансорий Кўфий Бағдодий (113-182/731-798) ва Зуфар ибн Ҳузайл (110-158/728-775) каби шогирдларидан ҳам таълим олган эдилар.

Абу Абдуллоҳ Солиҳ ибн Абдуллоҳ ибн Заквон Боҳилий Термизий(вафоти тахминан 239/853)[331]Абу Юсуф Яъқубнинг шогирди бўлган[332]. У Имом Аъзамнинг шогирди ва унинг таълимотини илк тарғиботчиларидан бўлган У биринчи бўлиб *"Қози ул-қузот*" - Қозилар қозиси ёки "*Қози қузот ут-дуня"* - "Дунё қозилари қозиси" унвонларини олган[333]. Самъонийнинг қайд этишича, Абу Абдуллоҳ Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизий Самарқанд қозиси Абу Ҳафс Умар ибн Яъқуб Омирий Санжадийзакийнинг (ваф. 240/855) устози бўлган.[334]

Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун Термизий Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг отасидир. Унинг устозлари сафига Абу Ҳанифанинг энг яқин шогирдлари ва издошлари киради: Имом Муҳаммад, Балх қозиси бўлган Шаддод ибн Ҳаким Абу Усмон, Абу Нуъайм Фазл ибн Дукайн (асл

---

[329] Josef van Ess. Theologie und Gesellschaft im 2. und 3. Jahrhundert Hidschra: Eine Geschichte des religiösen Denkens im frühen Islam. Band 2: 1992.S.557.

[330]Ибн Ҳажар.*Мўъжам ул-муфаҳрис.* 269 б., 1121-рақам.

[331]Josef van Ess. *Theologie und Gesellschaft*... Band 2: 1992.S.558.

[332]Заҳабий.*Ал-Кошиф*. I, 496 б., 2348-рақам.

[333]Зириклий.*Ал-Аълом.* VIII, 193 б.

[334]Самъоний.*Ал-Ансоб*. VII, 164 б.

исми Амр ибн Ҳаммод) Кўфий (ваф. 219/834) кирганлар[335]. Али ибн Ҳасан Термизийнинг Кўфа ва Имом Аъзамга алоқадор шахсларга яқинлиги ҳақида келтирилган маълумотлар у ва ўғли Муҳаммад Ҳаким Термизийнинг ҳанафийлар гуруҳига яқинлигини билдирувчи муҳим асослардандир. Шунингдек, Ҳужвирийнинг далолатича, фикҳ илмида Муҳаммад Ҳаким Термизий Абу Ҳанифанинг шогирдларидан таҳсил олган.

Термизийлардан муржиъаликда айбланган баъзи шахсларнинг эса айнан *Аҳл ар-ра'й* вакиллари бўлганлигини кузатиш мумкин. Улардан бири Мусо ибн Ҳизом Термизий (вафоти 250/864 йилдан сўнг) ҳанафийларнинг машҳур олимларидан бўлган Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 280/893 йилдан сўнг) билан боғлиқ бўлган[336].

Термизийлар Имом Таҳовий номи билан машҳур бўлган ҳанафий олим Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовийнинг (239/853-321/933) шогирдлари бўлишган. Унинг биринчи машҳур асари "Шарҳ Маони-л-осор" (Хабарлар маънолари шарҳи) халифаликнинг шарқий ҳудудларга Абулфазл Муҳаммад ибн Амр ибн Миҳрон Хатиб Термизий орқали ёйилган[337]. Манбаларда Мовароуннаҳрнинг олимлари Термизга келиб, Имом Таҳовийнинг китобларини ўрганганлиги қайд этилади[338].

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, Термизда ханафийлик мазҳабининг устиворлик этиши VIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ, Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарлардан олдинроқ юз беради.

ИСАКОВА Шохида Икрамовна
Қўқон давлат педагогика институти
филология фанлари номзоди

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ – ШАРҚШУНОС ОЛИМ НИГОҲИДА

Аннотация: *Эта статья посвящена научное творчество ученого-востоковеда Люсьена Керена. Ученый владел восточными языками и*

[335]Ҳаким Термизий.*Наводир ул-усул*. I, 19 б.
[336]Хатиб Бағдодий.*Ал-Жомеъ ул-ахлақ ур-ровий.* I, 318 б. Абу Нуъайм Асбаҳоний.*Ҳилят ул-авлиё.* IX, 185 б.
[337]Таҳовий. *Шарҳу маъоний ал-осор*. 28 б., 59 б. Кавсарий.*Ал-Ҳовий.* 12 б.
[338]Самъоний.*Ал-Ансоб.*I, 381 б.

досконально исследовал мемориальные и творческие работы восточных ученых. Люсьен Керен посвятил более 30 лет изучению истории Темура и его поколений. Предоставленное им расследование, служили для исторической памяти поколение Амира Темура. Керен несколько раз посещал Узбекистан и собирал ценную информацию, основанную на истинном характере исторической личности Амира Темура. Опубликовал много статьи на основе источников собранным им и написал книг об достижении, жизни и поколения Амира Темура. Также Люсьен Керен является переводчиком романа известного узбекского писателя Ойбека «Навои».

Ключевые слова: *востоковед, Сахибкиран, темуровед, оринталист, национальный характер, национальный дух, восточные школы, текст, язык, перевод.*

Annotation: *This article is devoted of orientalist-scientist Losine Keren. The scientist knew the oriental languages and thoroughly investigated the memorial and creative works Uzbek scholars. He also published articles based on the sources he had collected. Losine Keren devoted more than 30 years studying Temur's and his generations' history. His investigation was granted to recall generations of Temur. Keren visited Uzbekistan several times and gathered the valuable information based on the true character of Amur Temur's historical personality. This article is also written about Amir Temur's achievements, life and his generations. Keren wrote many books about Amir Temur and his generations. Also Losine Keren is the translator of the novel "Navoiy" by Uzbek prominent writer Oybek.*

Key words: *orientalist, Sahibkiran, national character, national spirit, oriental's schools, text, language, translation.*

Дунё цивилизацияси тарихида Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллайди. Маданий ва маънавий меросга бой заминимиз фақат Марказий Осиёда, балки бутун дунё ижтимоий жараёнларига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган.

Бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз меросини ўрганишда француз шарқшунослари, Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таъбири балан айтганда «кашшофлик қилганлар ва ажойиб натижаларга эришганлар».[1]

Француз шарқшунослик мактаби XVII асрдан бошлаб шакллана бошлаган. Ўзбек–француз адабий алоқалари узоқ даврларга бориб

[1]Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.:Ўзбекистон.1983.- Б.224.

тақалади. Бу йўналишдаги кескин миқдор ва сифат ўзгаришлари XX асрда янада ривожланди.

Уйғониш даврининг иккинчи босқичида Шарқ цивилизациясига катта ҳисса қўшган буюк бобокалонимиз Амир Темурга бағишлаб жаҳон шарқшунослигида кўпдан-кўп илмий, тарихий, оммабоп, бадиий асарлар ёзилган. Француз темуршунослик мактабида ҳам талайгина ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Мана шундай мактабнинг кўзга кўринган вакилларидан бири Люсьен Керендир.

Люсьен Керен 1920 йилда Франциянинг Страсбург шаҳрида таваллуд топган. Унинг мутахассислиги асли ершунос-биохимик бўлиб, 1941-1946 йилларда у Франциянинг машҳур Париж университетида тадқиқотчи (стажер) ва ассистент бўлиб ишлаган, 1951 йилдан Париж университетининг докторидир.

Керен узоқ йиллар давомида француз техникавий ёрдами ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури доирасида эксперт ва маслаҳатчи сифатида дунёнинг кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатган. Жумладан, Вьетнам, Бенин, Марокаш, Бразилия, Ливанда маслаҳатчи бўлиб хизмат қилган. У Марокашда ер химияси ва сув муаммолари лабораториясига раҳбарлик қилган. 1961 йилдан бошлаб Л.Керен ҳаётида бурилиш бўлди: Мирзачўлни ўзлаштириш мақсадида биринчи маротаба Ўзбекистонда сафарда бўлган. Сафар давомида Амир Темур ва темурийлар сулоласига қизиқиб, бу сулола тарихини ўрганишга киришади. Профессор Л.Керен Франциядаги “Темурийлар тарихи, санъатини ўрганиш ва француз-ўзбек маданий алоқалари уюшмаси”нинг раиси ва уюшма нашр этадиган “Темурийлар” журналининг муҳаррири ҳамдир.

“Темурбек жаҳон тарихида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. У ўз давридаги жамиятни янгилаган ва унга янги йўналиш бағишлаган. Ўрта асрни якунлаб, уйғониш даврини бошлаб берган. ...Ҳар томонлама гўзалликка, худога ишончни ифодалаб, кўкка интилган ёдгорликларни бунёд қилдирган”[1]

“Қизил империя” даврида Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқлар билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халки ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, уларни ҳамиша юрагида, қалб

[1] Керен Л.,Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996.- Б 85

тўрида сақлайди”. [2]

Профессор Керен ўз асарларини ёзишдан аввал Амир Темур тўғрисидаги Шарқ ва Ғарб манбаларини чуқур ўрганиб чиқди. Соҳибқирон тўғрисида жуда кўп маълумотлар тўплади, уларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқди. Амир Темур шахсига ҳолис ва мафкуравий ақидаларсиз ёндашди. Ўз асарларини ёзиш жараёнида бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюриб, соҳибқирон пойтахти - Самарқандга бориб, ўзбек олимлари билан мулоқотда бўлди.

Темуршунос олимнинг тўплаган маълумотлари асосида “Амир Темур салтанати” номли тарихий роман, “Амир Темур даврида Самарқандга саёҳат” тарихий саёҳатнома асар ҳамда “Амир Темур” трагедиялари дунёга келди.

Люсьен Кереннинг “Амир Темур салтанати” номли тарихий романи илк марта 1978 йил Швейцариянинг Нюшател шаҳрида жойлашган “Ла Баконйер” нашриётида чоп этилади. Китоб йигирмадан ортиқ тарихий харита ва суратлар билан безатилган эди. 1980 йил эса у Париждаги “Пайот” нашриёти томонидан нашр этилади (харита ва расмларсиз). Шундан сўнг Люсьен Кереннинг бу асари бир неча марта қайта нашр қилинди. Роман Самарқанд тарихи билан бошланиб, Амир Темурнинг дунёга келишидан умрининг охиригача босиб ўтган йўлини қамраб олади. Унда соҳибқирон барпо этган салтанатнинг кейинги тақдири ҳамда Бобурнинг ҳаётига ҳам алоҳида боблар ажратилган, буюк бобокалонимизнинг Оврўпа қироллари билан ўрнатган муносабатлари ҳақида маълумотлар ва темурийлар шажараси илова қилинган.

Мазкур романнинг қимматли томони шундаки, унда муаллиф ўзидан илгари Амир Темур ҳақида ёзилган асарларни ҳолисона изоҳлади, соҳибқироннинг фаолиятига тарихий нуқтаи назардан тўғри ёндошиб, ул зотнинг башарият олдидаги буюк хизматларини юқори баҳолади.

Профессор Люсьен Кереннинг йирик асарларидан яна бири “Темур даврида Самарқандга саёҳат” альбом-китоби илк бор 1990 йилда Парижда Франция Давлат нашриёти (Impremerie Nationale) томонидан чоп этилган бўлиб, иккинчи нашр 2002 йил, учинчи нашр 2006 йилда қайта нашр қилинган. Керен асарни французь тилига испан тилидан ўгирган. Бу асар Кастилия элчиси Рун Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга қилган сафари таассуротлари асосида ёзилган. Китоб Клавихонинг “Салмарқандга Темур саройига саёҳат” номли кундалигининг испан

[2] Каримов И.А. Эхтиром. “Халқ сўзи”, 1993- йил, 1-сон

тилидан француз тилига изоҳли таржимасидир. ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли-мулоқотлар йўли” дастури доирасида тайёрланган бу китоб илмий-тарихий маълумотларнинг кенг кўлами, миниатюра ва рангли суратларга бойлиги билан китобхонларни ўзига жалб этади, бошқа тилларда чоп этилган нашрлардан ажралиб туради. Испания - Кастилиянинг Амир Темур саройидаги элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1403-1406 йилларда Самарқандда бўлиб, кўпгина ишларни ўз кўзи билан кўрган. Шунинг учун Клавихонинг кундалик дафтарларидаги воқеалар ҳақиқатга анча яқиндир.

Китобнинг каттагина “Кириш” қисми Люсьен Кереннинг қаламига мансуб. Л.Керен “Амир Темур афсона ва тарихда”, “Шарқдаги саройга интилишлар”, “Клавихо асарининг қўлёзмалари ва ҳикоя услуби” каби бобларини ёзган, “Амир Темурнинг ёзишмалари” ҳақида маълумотлар ва изоҳлар илова қилинган. Иловалар орасида Л.Керен ва М.Маҳжуб томонидан француз тилига қилинган Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га мактуби ҳамда Л.Керен таржима қилган Амир Темурнинг Кастилия Кастилия қироли Энрике (Генри) III га битган номаси ҳам бор. Бу номаларнинг ўзбекча таржималари профессор Л.Кереннинг китобда келтирилган. Шунингдек, Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га мактуби форсийдан француз тилига Л.Керен, Д.Маҳжуб, Д.Богдановичлар томонидан ўгирилган.

Катта альбом шаклида нашр этилган бу рангли китоб турли фотосуратлар, тарихий минатюралар ҳамда Франция ва Испания архивларида сақланаётган нодир манбалар билан бойитилган.

Клавихонинг “Амир Темур саройига саёҳат” асарининг И.И.Срезневский тайёрлаган русча матнидан ўзбек тилига Очил Тоғаев, испан тилидан Улуғбек Жўраевлар ўгиришган.

Европа мамлакатларидан Хиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва у ерлардан Ўрта Осиё орқали ўтадиган, тарихда Ипак йўли деб аталмиш халқаро барча асосий йўлларда Темур карвонларининг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўради, Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоятда катта эътибор беради.

Бу мамлакатларда Амир Темур ўзини дипломат сифатида намоён қилади: Темур Византия, Венеция, Генуя, Испания-Кастилия, Франция ва Англия давлатлари билан иқтисодий алоқаларни авж олдиради. Дипломатик алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш муносабати билан Англия ва Франция қиролларининг Темурга ёзган мактублари

фикримизнинг далилидир. Мактубларнинг айримлари Франция Миллий архивида, Британия музейи ва Испания архивларида сақланмоқда.

Бундан ташқари Л.Кереннинг “Амир Темур” номли икки қисмли, олти пардадан иборат пьеса ҳам яратган. Пьесадаги воқеалар Амир Темурнинг Самарқандда тахтга ўтириши билан бошланиб, Ўтрор қалъасида тугалланади. Пьесада Амир Темур адолатпеша ҳукмдор, садоқатли дўст ва вафодор ёр бўлиши билан бирга чуқур билимлар соҳиби ҳамда фан ва маданият раҳномоси сифатида тасвирланади. Шунинг билан бирга мазкур асар айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Оврўпа драматургияси ҳусусиятларидан келиб чиқиб, муаллиф Шарқ ҳаётини бирмунча романтиклаштириб кўрсатади, айрим ўринларда Амир Темур ҳақида Оврўпада тарқалган афсоналардан фойдаланади. Асарни Баҳодир Эрматов француз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилган.

Профессор Люсьен Керен Темур ва темурийлар тўғрисида олиб борган тадқиқотлари жараёнида Темур авлодидан бўлмиш Парижда яшаётган Исломбек Худоёрхон ўғли билан танишади. Исломбек темурийлар маданиятининг инқирозига доир кўпгина қизиқарли воқеаларни сўзлаб беради. Салкам 35 йиллик Амир Темур тўғрисида олиб борган тадқиқотларининг хулосаси сифатида Л.Керен жаноблари шундай деб ёзади: “Темур - беқиёс, унинг қиёси йўқ. У буюк саркарда ва ташкилотчи, шу билан бирга санъаткор ва олимлар раҳнамоси, мозий йўриғини ўзгартира олган шахсларга йўлдош, сеҳрга эга бўлган кишидир”[339]

Люсьен Кереннинг темурийлар тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида олиб борган фидокорона хизматлари ва француз-ўзбек маданий алоқаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси муносиб баҳоланди.

Шарқшунос, темуршунос олим Люсьен Керен Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан “Шуҳрат” медали билан мукофотланди.

[339] Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т.: Адолат, 1996.- Б 43

ЖАМОЛОВА Дилноза Муҳиддиновна
Бухоро давлат университети ўқитувчиси
фалсафа доктори(PhD)

БУХОРО УЛАМОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТИГА МУНОСАБАТИ

Аннотация: *Как и во всех мусульманских странах, Бухарский эмират был исламским государством с высоким статусом улемах. Они придерживаются законов Корана и Шариата в управлении обществом, следуя правилам ислама. В данной статье анализируется история взглядов бухарских улемах на реформирование общества и их отношения с джадидами.*

Ключевые слова: *Бухарский эмират, улама, джадид, пресса, ислам, колониализм и реформа.*

Annotation: *As in all Muslim countries, the Bukhara emirate was an Islamic state with a high status of ulama. They adhere to the laws of the Qur'an and Sharia in the management of society, following the rules of Islam. This article analyzes the history of the views of the Bukhara ulama on the reform of society and their relationship with the Jadids.*

Key words: *Bukhara emirate, ulama, jadid, press, Islam, colonialism and reform.*

Барча мусулмон давлатларида бўлганидек, Бухоро амирлиги ҳам исломий давлат бўлиб, жамиятда уламоларнинг мавқе юқори эди. Улар ислом қоидаларига амал қилиб, жамиятни бошқаришда Қуръони карим ва шариат қонунларига сўзсиз бўйсунганлар.

Бухоро уламоларининг жамият ислоҳига оид қарашларини таҳлил қилишдан аввал, мустамлакачиларнинг ислом динига бўлган муносабатларини ва совет тарихшунослигида уларга берилган баҳони ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир. Динсизликни шиор қилиб олган советлар томонидан ҳар қандай диний уламо жоҳил, диндорлар эса жамият тараққиётини орқага тортувчи қора кучлар сифатида талқин этилди ва жадид-қадим муносабатлари ёритилган адабиётларнинг деярли барчасида уламоларга нисбатан салбий фикрлар билдирилди.

Адабиётшунос олим Ш. Ризаев уламоларга: *“...жадид тараққийпарварлари қарашларини аниқ тасаввур этиб, ижобий баҳолаганимиз ҳолда, “қадимчи”ларни тараққиётга тўсқинлик қилган*

қора гуруҳлар сифатида уч-тўрт жумла ва бир-икки жисмоний таҳдидларга оид далиллар билан "таърифлаб" ўтилган. Зеро, "қадимчи"лар биринчи навбатда консерватив нуқтаи назарни пухта назарий асосга суяниб илгари сурган мафкуравий мухолифлар эди..."[340], - деб таъриф беради.

Бироқ қадимчиликнинг моҳияти ҳақидаги масала тадқиқотларда амалий тарзда ўртага қўйилмади. Ваҳоланки, қадимчилар шариат меъёрларини халқ турмуш тарзида қатъий равишда сақлаб қолишни рус маъмуриятининг шовинистик сиёсатига ва провослав миссионерлик ҳаракатига қарши муҳим тўсиқ деб билганлар.

Уламолар қўйилаётган муаммога Қуръон ва ҳадисдан келиб чиққан ҳолда ёндашар эдилар. Агар ўша давр вақтли матбуотига назар солинса, бу икки гуруҳ ўртасидаги баҳслар 1917 йил Февраль инқилобигача асосан ахлоқий-маънавий, қисман сиёсий мавзулар атрофида айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу даврдаги жадид-қадим можароси нафақат Туркистон ва Бухорода балки бошқа мусулмон давлатларида мана шундай қарама-қарши фикрлар ва гуруҳлар фаолиятида намоён бўлаётган эди.

Абдурауф Фитрат ўзининг "Нажот йўли" асарида уламолар ҳақида фикр билдириб, уларни икки гуруҳга бўлади: *"Биринчи гуруҳ – ватан тараққиёти ва миллат тақдири учун қайғурадиган, мамлакат ва халқ фаравонлиги учун хизмат қиладиган уламолар. Улар мамлакат таназзулига сабаб – илм-фаннинг ривожланмаганлигидан, халқнинг илмсизлигидан, ҳукмдорларнинг сиёсий фаолиятсизлиги, илму маърифатни ривожлантириш учун ғамхўрлик қилмаётганлигидандир, деб кўрсатадилар; иккинчи гуруҳ – бу ўз мансаб ва манфаатларини ўйлайдиган, давлат ва фуқаро равнақи тўғрисида қайғурмайдиган уламолар бўлиб, улар мамлакат инқирозини, халқнинг аянчли аҳволини "тақдири илоҳий", деб ҳисоблайдилар"*[341].

"Туркистон вилояти газети", "Садои Туркистон" ва "Садои Фарғона", "Ал-Ислоҳ" каби даврий нашрларда уламолар мавзусида қатор мақолалар босилган бўлиб, "Садои Туркистон" газетасида: *"Уламолар шундай бир зотлардирки, азиз умрларини, мол ва жонларини ҳамиша миллат йўлига сарф қилурлар. Шунинг учундирки, ҳазрат пайғамбаримиз: Уламолар пайғамбарлар меросхўридир, демишдирлар. Бас уламолар бани Исроил*

---

[340] Шуҳрат Ризо. Маърифатпарварликдан маърифатпарварликкача // "Тафаккур" (Тошкент), 1995. - № 1. – Б. 79.

[341] Фитрат А. Нажот йўли. Таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов ва Г. Музаффарзода. - Тошкент: "Шарқ", 2001. – Б. 5-6.

анбиёларининг яхши сифатлари ила мутассуф бўлсалар, залолат биёбонида саргардон бўлиб қолганларни тўғри йўлга солсалар, жоҳил ва авомларга ваъз ва насиҳатлар қилиб, дин ва шариат буйруқларини ўргатсалар, албатта қандай улуғ ҳоди миллат ва қандай улуғ ходим дин ва шариат бўлур эдилар"[342],- деб ёзилган.

Шунингдек, "Улуғ Туркистон" газетасида чоп этилган Аҳмад Тожиддиннинг "Бухорода бир-икки кун" мақоласида *"Вақтинда Бухорони атрофға марказ илм этиб танитган уламо эди. Бу кунда Бухоронинг бу даражада таназзулина сабабда уламодир"*[343], - деб ёзади. Муаллиф мақоласида Афғонистон амири Абдураҳмонхон томонидан ёзилган 2 жилдлик тарихий асарга тўхталиб ўтади. Унинг ёзишича, афғон амири ўз китобида Бухоронинг 12 муфтиси ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида маълумот берган ва уларнинг хатти-ҳаракатидан норози эканлигини таъкидлаган. Асардан айнан ҳавола келтириб: *"Агар жаноб ҳақ ҳазратлари менга аскарим ила Бухорога кирувни насиб қилса эди, Бухоронинг 12 муфтисини арк олдина олиб чиқиб ўз қўлим ила забҳ этар эдим. Чунки Бухоро фасадининг азм ҳолининг сабаби шул 12 муфти ва 12 муфтининг амирга таалуқли насибасидур"*[344], - деб ёзади. Мақола муаллифи ўз кўрганларини афғон амирининг ёзганлари билан солиштириб, Бухоро уламоларининг жадидларга нисбатан салбий муносабатини қоралайди.

Бухоро амирлигидаги уламолар икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ Муҳаммад Икром ибн Абдуссалом Бухорий[345] бошчилигидаги ислоҳотчилар бўлса, иккинчи гуруҳ муфти Абдураззоқ[346] бошчилигидаги консерватизм тарафдорлари эди[347].

---

[342] Муфтизода. Уламоларимиз // "Садои Туркистон" (Тошкент), 1914 йил 5 ноябрь. - № 46.

[343] Аҳмад Тожиддин. Бухорода бир-икки кун // "Улуғ Туркистон" (Тошкент), 1918 йил 24 январь. - № 54.

[344] Ўша асар №54.

[345] Муҳаммад Икром ибн Абдуссалом (Икром Домла) 1847 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Боғикалон қишлоғида дунёга келган, кейинчалик Пойи Остона гузарида яшаган. Бошланғич мактабни тугатгач, 1860 – 1880 йиллари Бадалбек мадрасасида қози Абдушукур ибн Абдурасул Бухорийдан таҳсил олади. Муҳаммад Шариф Садри Зиё (1865-1932) ўзининг "Шуаройи мутааххирийн ва фузалойи муосирийн" асарида Икромча Домлани "Акрам" тахаллусида шеър ёзишини айтиб, "Бухоро талабалари аксариятининг устозидирлар" деб зикр қилган. "Тазкират аш-шуаро"да Домла Икром Мир Араб мадрасасида, "Афзал ат-тизкор"да эса "Абдуллахон" мадрасасида дарс бергани айтилган.

[346]Мулла Абдураззоқ асли қўқонлик бўлиб, 42 йил Бухорода яшаган. Бухорода "Розиқча" номи билан машҳур. Амир саройидаги хизматлари учун катта ер-мулк соҳибига айланган. Бухородаги консерватив гуруҳ раҳбари ва эски усул мактаблари тарафдори. У янги усул

Муфти Муҳаммад Икром ибн Абдуссалом (Икром Домла) Бухоронинг таниқли ва кўзга кўринган зиёлиларидан бири бўлиб, ўз атрофида жамиятни ислоҳ қилиш тарафдорларини тўплаган эди. У 1894-1896 йилларда Муҳаммад Аваз Хўжандий ҳамроҳлигида ҳажга борган ва Истанбул, Бағдод, Шероз каби исломий шаҳарлардаги тараққиётни кўриб таъсирланган. Сафардан қайтгач, Бухородаги таълим дастурларини танқид қилиб, мадрасаларда тафсир, ҳадис фанларини ўқитишни ёқлаб чиққан. Шунингдек, жадид мактабларини ташкил этиш тарафдори бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаган[348]. 1910 йил бошида Бухородаги мактабларни тафтиш қилиш учун Санкт-Петербургдан келган сенетор К. Пален бошчилигидаги ҳайъат Насрулло қўшбеги рухсатига кўра, Икром Домла билан музокара олиб боради. Паленнинг янги мактаб, ҳижоб ва соликлар ҳақидаги саволларига Икром Домла шариат юзасидан жавоб бериб, жадид мактаблари ислом динига зид эмаслигини айтиб ўтади[349].

Икром Домла 1912 йилда Янги Бухоро (Когон)да *“Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн” (“Уйқудагиларни уйғотиш ва жоҳилларга билдириш”)* номли китобини нашр эттирган[350]. Бу асар хусусида Садр Зиё ўзининг “Наводири Зиёия” асарида: *“.... бидъатлар бениҳоят даражада кенг тарқалган замонда, ислоҳ ниятида рисола услубида шариат, сиёсат ва Ватан ободлигини аниқ ибораларда бу бобга таалуқли асарларни чоп этиб, панду насиҳатларни бу шариф нишон диёрнинг амир, вазир, мансабдорлар қулоқларига чалинишини кўзда тутиб таржима қилдилар”*[351], - деб маълумот беради.

“Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн” асари кириш, 2 боб ва хулосадан иборат бўлиб, биринчи боб “Одамлар орасида машҳур бўлган, харом қилинган лаззатлар баёнида”; иккинчи боб эса “Замоннинг ўзгариши сабабли харом қилинган ишлар баёнида” деб номланади.

Биринчи боб икки қисмдан ташкил топган бўлиб, *биринчи қисмда:* судхўрлик (рибо); мадрасаларнинг вақф ҳужраларини сотиш; муфтиларнинг “оқ мухрлари”; нос ва чилим чекиш; диний илмсизлик; масжидларда намоз ўқишнинг кескин камайгани; шаробхўрлик; етимларнинг ҳақига хиёнат билан боғлиқ масалалар танқидий таҳлил

мактаби тарафдори бўлган Домла Икромнинг ашаддий душмани. 1914 йил ҳаж сафарига кетиб, Маккада вафот этади.

[347] Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Б. 22.

[348] Иноятов А., Солиева М. Зулматдаги зиёкорлар. - Тошкент: Hilol-nashr, 2016. – Б. 44.

[349] Бухорода усули жадид // “Туркистон вилояти газети”, 1910 йил 6 май. - № 33.

[350] ЎзР МДА, И-3 фонд, 2-рўйхат, 215-иш, 1-55-варақлар.

[351] Садри Зиё. Наводири Зиёия. - Тошкент: “Bayoz”, 2017. – Б. 102.

қилинган. *Иккинчи қисмда эса,* эркакларнинг зеб-зийнатга бурканиб, қимматбаҳо кийимлар кийишлари, тўй ва маросимларда ҳофизлар ва раққосаларнинг кескин кўпайгани, исрофгарчилик, талабаларининг "қориёна", "ижтимоъона" номли йиғинлари, савдогарлар томонидан ўйлаб топилган янги одатлар ҳақида гапирилиб, уларнинг ножоизлиги Қуръон оятлари ва ҳадислар орқали исботлаб берилган[352].

Иккинчи боб ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, *биринчи қисмда* судхўрликнинг ножоизлиги ҳамда қозилик ва раислик ишларидаги камчиликлар тўғрисида танқидий фикр билдирилган. *Иккинчи қисмда* эса, жамият ҳаётида тез-тез содир бўлиб турган ижтимоий, сиёсий ва диний масалалар муҳокама қилинган. Улар авлиёларнинг қабрини зиёрат қилиш; "Биби Сешанба" маросими; азадорлик маросимлари: "йигирма", "қирқ" ва "йил" ҳақида; бозордаги тарозибонларнинг ўғриликлари; кўпкари маросими; Зикри жаҳрия; Ёздаҳум хатмлари; "Гули сурх" ва "Мозори сахий" зиёрати; масжиддаги ғийбатлар; уламолар ўртасидаги баҳслардан иборатдир[353].

Бу китоб Бухоро мударриси ва муфтиси Абдураззоқ бошчилигидаги уламоларнинг кескин қаршилигига учрайди. Улар Икром Домлани Россия ҳукуматига сотилганликда ва "ислом динига қарши бўлган" усули жадид мактабларини тарғиб қилганликда айблаб, муллабаччаларни унга қарши қўйишга ҳаракат қиладилар ҳамда Домла Икромни Намозгоҳ масжиди майдонида Рамазон ҳайити куни ўлдиришга қарор қиладилар. Бундан хабар топган Бухоро ҳукумати Домла Икромни Зандана туманига қози қилиб юборади. Унга қўшбеги томонидан лавозими учун 600 танга маош белгиланади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Домла Икром Қоракўл туманига қози этиб тайинланади ва ҳар ой унга 1000 танга маош берилади[354].

У Қоракўлда қозилик қилган даврида ўз уйида жадид мактаби очади. Икром махдумнинг Қоракўлда ташкил этган мактаби хусусида "Ҳуррият" газетасида қуйидагича маълумот берилади: *"...Икром ал-Дин махдум Бухоронинг яхши тараққийпарварларидан ва газета ўқувчиларидандир. Туташ ўз уйинда татар ва ўзбек муаллимлар тутиб, болаларни усули*

---

[352] Домла Муҳаммад Икром муфти Бухорий. "Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн". – Б. 48-61.

[353] Домла Муҳаммад Икром муфти Бухорий. "Ийқозу-н-ноимийн ва иълому-л-жоҳилийн". – Б. 62-74.

[354] ЎзР МДА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 225-варақ.

жадида билан ўқута эди. Биз бу зотнинг бундай тараққийсига тараққийпарварлик кўзи билан қараганда буюк аҳамият берамиз”[355].

1914 йил январида Амир Олимхон мулла Абдураззоқ вафотидан сўнг, унинг ўрнига Икром Домлани муфти этиб тайинлайди[356].

1917 йил апрель ойи охирларида Мулла Холмурод бошчилигидаги қадимчилар муфтиларга жадид мактаблари шаръан “жоиз эмас”лиги, жадидлар билан мулоқот қилмаслик кераклиги ҳақидаги фатвога муҳр бостириб олишади. Икром Домла бунга қарши чиқади ва қўшбегига норозилик хати ёзади. Қўшбеги ва қозикалоннинг аралашуви билан ҳукумат уни Ғузор вилоятига қозилик қилиш баҳонасида иккинчи бор сургун қилади[357]. 1918 йил баҳорида Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлари Совети раиси Ф. Колесовнинг Бухорога қарши қуролли ҳаракатни амалга ошириши оқибатида Амир Олимхон Ёш бухороликларни хоинликда айблаб, жазолашни буюради. Улар орасида Икром Домланинг Ҳабибулло исмли ўғли ҳам бўлиб, Бухоро ҳукумати томонидан қатл этилади. Икром Домла ҳибсга олиниб, уй-жойи мусодара қилинади, барча китоб ва қўлёзмалари ёндириб юборилади.

1920 йилда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати томонидан Икром Домла бутун оиласи билан озод қилиниб, Бухоро шаҳрига келтирилади ва адлия вазирлиги нозири этиб тайинланади. 1922 йилга келиб эса янги ташкил этилган шаръий қозилик маҳкамасига раис этиб тайинланади. Домла Икром 1924 йилда нафақага чиққан ва 1925 йилда вафот этган[358].

Домла Икромнинг тарафдорлари амир саройида ҳам, халқ орасида ҳам кўп эди. Улар Бухоро жамиятига кириб келаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий янгиликларнинг фойдали жиҳатларини қабул қилиб, мамлакатни ривожлантириш учун фойдаланишни лозим деб билишарди. Аммо Бухоро уламоларининг иккинчи гуруҳига мансуб муфти Абдураззоқ, мадраса мударриси Мулла Қамариддин, Мулла Холмурод, Бурҳониддин раис ва уларнинг тарафдорлари ҳам бор эдики, улар жадидчилик ҳаракати ҳамда улар томонидан тарғиб қилинаётган янгиликларидан бутунлай норози эдилар. Уларни ташвишлантирган нарса жадидларнинг ғайридинлар билан яқинлашуви эди.

---

[355] Бухоро хабарлари // “Ҳуррият”, 1918 йил 29 сентябрь. - № 42.
[356] ЎзР МДА, И-3 фонд, 2-рўйхат, 215-иш, 65-66 варақлар.
[357] Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Б. 63.
[358] Иноятов А., Солиева М. Зулматдаги зиёкорлар. – Б. 46.

Бухорода яшовчи мулла Қамариддин Нўғай маҳаллий мактабда ўқитувчи бўлиб, мусулмонларнинг ғайридинларга қарши ҳаракатида фаол иштирок этган[359]. У ҳужжатларда домулла Қамар, мулла Қамариддин нўғай номлари билан ҳам тилга олинган.

Мулла Қамариддин Оренбург, Тошкент ва Истанбулдаги маърифатпарварлар билан яқин алоқада бўлган. 1912 йилги махфий маълумотларда мулла Қамариддин Россияга қарши Афғонистон билан махфий алоқалар олиб бораётганлиги қайд этилган[360]. Бухоро сиёсий агенти томонидан 1913 йил 31 октябрда Туркистон район муҳофаза бўлими бошлиғи Сизихга юборган маълумотда ёзилишича, мулла Қамариддин маърифий мақсадларни кўзлаган "Тараққийпарвар" жамиятининг ҳам кўзга кўринган вакилларидан бири бўлган[361]. 1914 йил 17 апрелда "Якшамбай" лақабли махфий хизматчи берган маълумотда қайд этилишича, мулла Қамариддин Бухородаги "Пушаймон" номли мадрасада мударрислик қилиб, асли самарқандлик "закун" лақабли татар мулласи Абдурасул билан Россия империясига қарши ташвиқот ишларини олиб борган. Буларнинг ҳар иккиси ҳам маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга бўлган[362].

Туркистон район муҳофаза бўлими маълумотларига кўра, мулла Қамариддин 1910 йил январда бўлиб ўтган тартибсизликларнинг раҳбарларидан бири эди. Бурҳониддин раис ва мулла Қамариддин шиа мазҳабидан бўлган Остонақул қўшбегини орадан чиқариш учун фитна тайёрлай бошлаганлар. Улар мамлакат ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир ножўя иш учун Остонақул қўшбегини айблашга ҳаракат қилишган. Масалан, уни жадидлар ва қадимчилар ўртасидаги низоларнинг юзага келиши ва кучайиб боришида сабабчи қилиб кўрсатганлар.

Улар кутган фурсат 1910 йил 9 (22) январь шанба кунида (ҳижрий 1328 йил муҳаррам ойининг 10-кунида) содир бўлади. Шиалар Бухоронинг Ўғлон дарвозаси яқинидаги сарбозхонада ўзларининг ашуро мотам маросимини ўтказаётганларида сунний муллаваччалар билан жанжал чиқиб, бир муллаваччани ўлдирадилар ва учтасини қамаб қўядилар. Остонақул қўшбеги оз сонли бўлган шиаларни ҳимоя қилади.

---

[359] ЎзР МДА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 180-варақ.
[360] ЎзР МДА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 447-варақ.
[361] ЎзР МДА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 502-варақ.
[362] ЎзР МДА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 38-варақ; 2178-иш, 17-варақ.

Бундай фурсатни кутиб турган Бурҳониддин раис ва мулла Қамариддин халқни ғалаёнга келтиради[363].

Шундай қилиб, 1910 йил 10 январда Бухоро шаҳрида икки мазҳаб вакиллари ўртасида уруш бошланиб кетади ва бу жангда суннийлардан 240 киши ўлдирилади[364]. Остонақул қўшбеги ва Насруллабек парвоначи Амир Абдулаҳадхон фармойиши билан, қўзғолонни бостиришга ҳаракат қилади. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Воқеанинг жиддий тус олганини кўрган Бухоро ҳукумати раҳбарлари Янги Бухородаги Россия ҳукуматидан ёрдам сўрайдилар. Бунга жавобан генерал Лелинталь бошчилигида 2000 нафар рус аскарлари Бухоро шаҳрига етиб келади[365]. Ўша йилнинг 13 январида Кармана шаҳридан Бухоро амирининг валиаҳди Олимхон Тўра Бухоро шаҳрига келади ҳамда 15 январда Остонақул қўшбеги ва унинг икки мулозимини лавозимидан озод этиб, Карманага жўнатиб юборади. Қўшбеги лавозимига Чоржўй беги Саидали тўқсабо, унинг ёрдамчиси вазифасига Шаҳрисабз беги Мироб Алиларни тайинлайди[366].

Валиаҳд Бухоронинг муллалари, раис ва олимларини қароргоҳи аркда йиғиб, ғалаён бостирилганлигини билдиради ҳамда бундан кейин шундай низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликларини тайинлайди.

Махфий полиция хизматчиси “Турецкий”нинг 1913 йил 3 сентябрда берган маълумотига кўра, Бухорода мулла Қамариддин томонидан ташкил этилган мусулмонларнинг “Иттиҳод” жамияти бўлиб, бу ташкилотнинг асосий мақсади – мусулмонларни ғайридинлар қўл остидан озод қилиш бўлган. Ташкилот аъзолари бутун Туркистон ҳудудида *“Ким мусулмонларга ёрдамлашса, у Оллоҳни англагандир”* шиори остида сиёсий-диний ташвиқот олиб борганлар ва жиҳод учун пул йиғишган. Жамиятнинг Самарқанд, Каттақўрғон, Қўқон ва Ўш шаҳарларида ҳам аъзолари бўлган[367].

Жамиятнинг бош тарғиботчилари Қўқон шаҳрида сармозорлик мулла Маҳмуд қози, Ўш шаҳрида Эшонхон ва мулла Холмирзо, Каттақўрғонда Каримбой, Комил ва Камол эшонлар, Самарқандда Маъруфбой (пахта бўйича савдогар, Хоним мадрасаси яқинида яшаган), Муҳаммад Раҳимбой

---

[363] *Бу ҳақда қаранг:* Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Б. 131.

[364] Бухорои Шарифда пайдо бўлган бетартибликлар хусусида.// “Туркистон вилояти газети”, 1910 йил 14 январь. - № 4.

[365] Ўша манба, 1910 йил 16 январь. - № 5.

[366] Ўша манба, 1910 йил 21 январь. - № 6.

[367] ЎзР МДА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 494-варақ.

(Қўшҳовуз маҳалласида яшаган), Муҳаммад Аминбой (Пули-Сафед яқинида яшаган), Маъруфбой (бўёқлар бўйича савдо қилувчи савдогар, Рангибор кўчасида яшайди), Ҳасанча (Кўҳна пойи Қобон) ва Қори Шариф (ипак билан савдо қилувчи савдогар, Гузари-Қорабой оқсоқол маҳалласида яшаган)лар эдилар[368]. Жамиятнинг фаол аъзоларидан Ҳожи Муҳаммад, Фақир Ота Ризаев, Ҳожи Ёқуб, Мирза Маҳди ва Ҳожибеклар ҳам Самарқандда яшашган[369]. Мулла Қамариддин ва унинг тарафдорлари халқ орасида 1917 йил 7 апрелгача, яъни амир фармони имзоланган кунга қадар норозилик ташвиқотларини олиб борганлар.

Хулоса қилиб айтганда, барча уламоларни “қадимчи”лар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Уламолар ичида шундай қатлам бор эдики, улар ҳам том маънода тараққийпарвар уламолар эди. Аммо ҳар бир янгиликка бидъат деб баҳо берувчи, Европа фан ва техникаси ютуқларини ўлкага киритилишига мутлақо қарши бўлган уламолар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган. Бу ички бўлиниш ва ихтилофлар маълум маънода мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Унинг мустамлакага айланиши жараёнини тезлаштирди.

ТИЛЛАЕВА Гулсанам Ҳамдамовна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
катта илмий ходими, Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

ИЛМ-ФАННИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ АСАРЛАРИДА: АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА

Аннотация: *Джадидизм (от араб. усуль аль-джадид - новый метод) - общественно-политическое движение за обновление культуры и общества среди российских мусульман Крыма, Поволжья и Урала, Кавказа и Средней Азии 1880-1920-х годов. Вдохновителями освобождения от национального и колониального гнёта явились джадиды. Джадидизм в Средней Азии во многом развивался под идейным воздействием крымско— татарского просветителя, ученого, педагога*

[368] ЎзР МДА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 496-498-варақлар.
[369] ЎзР МДА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 500-варақ.

Исмаила Гаспиринского (1851—1914 гг.). Издававшаяся им газета "Таржимон" в Бахчисарае с 1883 г. была трибуной пропагандистско—просветительских идей и получила широкое признание в Туркестане. Наиболее талантливым теоретиком и идеологом был просветитель-джадид Абдурауф Фитрат (1886-1938). Фитрат – целое явление в узбекской культуре начала XX века. Он сделал больше, чем десятки деятелей культуры. В своих первых произведениях Фитрат начинает беспощадно разоблачать социально-экономическое положение эмирской Бухары. Фитрат изображает жалкое существование таких сфер, как просвещение, здравоохранение, наука, изобличает бесправие, мракобесие, обнищание населения. Эти негативные явления в жизни общества нашли отражение в произведениях и трудах А. Фитрата. Автор данной статьи на примерах трудов Абдурауфа Фитрата ведёт суждение о роли науки в развитии общества просветительского движения джадидов.

***Ключевые слова**: джадид, усуль аль-джадид, новый метод, движение, вдохновитель, освобождение, колония, гнёт, талант, теоретик, идеолог, культура. бесправие, мракобесие, обнищание.*

***Annotation:** Jadidism (from Arabic. usul al-Jadid-the new method) - a socio-political movement for the renewal of culture and society among Russian Muslims in the Crimea, the Volga region and the Urals, the Caucasus and Central Asia in the 1880s and 1920s. The masterminds of liberation from national and colonial oppression were the jadids. Jadidism in Central Asia largely developed under the ideological influence of the Crimean Tatar educator, scientist, and teacher Ismail Gaspirinsky (1851-1914). the tarzhimon newspaper Published by Him in Bakhchisaray since 1883. it was a platform for propaganda and educational ideas and was widely recognized in Turkestan. The most talented theorist and ideologue was the educator-Jadid Abdurauf Fitrat (1886-1938). Fitrat is a whole phenomenon in the Uzbek culture of the beginning of the XX century. He has done more than dozens of cultural figures. In his first works, Fitrat begins to mercilessly expose the socio-economic situation of the Emir's Bukhara. Fitrat depicts the miserable existence of such spheres as education, health, science, exposes the lack of rights, obscurantism, impoverishment of the population. These negative phenomena in the life of society are reflected in the works and writings of A. Fitrat. The author of this article uses the examples of the works of Abdurauf Fitrat to judge the role of science in the development of the society of the educational movement of the jadids.*

Jadidism (from Arabic. usul al-Jadid-the new method) - a socio-political movement for the renewal of culture and society among Russian Muslims in the Crimea, the Volga region and the Urals, the Caucasus and Central Asia in the 1880s and 1920s. The masterminds of liberation from national and colonial oppression were the jadids. Jadidism in Central Asia largely developed under the ideological influence of the Crimean Tatar educator, scientist, and teacher Ismail Gaspirinsky (1851-1914). the tarzhimon newspaper Published by Him in Bakhchisaray since 1883. it was a platform for propaganda and educational ideas and was widely recognized in Turkestan. The most talented theorist and ideologue was the educator-Jadid Abdurauf Fitrat (1886-1938). Fitrat is a whole phenomenon in the Uzbek culture of the beginning of the XX century. He has done more than dozens of cultural figures. In his first works, Fitrat begins to mercilessly expose the socio-economic situation of the Emir's Bukhara. Fitrat depicts the miserable existence of such spheres as education, health, science, exposes the lack of rights, obscurantism, impoverishment of the population. These negative phenomena in the life of society are reflected in the works and writings of A. Fitrat. The author of this article uses the examples of the works of Abdurauf Fitrat to judge the role of science in the development of the society of the educational movement of the jadids.

Key words: *Jadid, usul al-Jadid, new method, movement, inspirer, liberation, colony, oppression, talent, theorist, ideologue, culture. injustice, bigotry, poverty.*

1916 йил қўзғолони ўзбек халқининг миллий озодлик учун олиб борган кураши тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Нафақат Туркистон, балки Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг ҳам кўпгина шаҳар ва қишлокдарида гуриллаб ёнган қўзғолон олови, бир томондан, чор ҳокимияти ўтказган зулмнинг ҳаддан ошгани, иккинчи томондан, XX асрнинг 10-йилларига келиб мўмин-мусулмон халқларнинг ижтимоий онги ўсиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ва мустамлакачилик кишанларини парчалаш учун курашга астойдил отланганидан дарак берди. XIX аср охири ва XX аср бошларида илм-фан ва маданиятга эътибор сусайган, жамият, нодонлик, билимсизлик халқ орасида кенг тарқалган эди. Бундай шароитда Туркистонни асрий қолоқликдан қутқазиш, илм-фан, адабиёт, маориф соҳасида ислоҳотлар ўтказиш, халқни фаолликка даъват қилиш жадидлар олдида турган долзарб масалалардан эди. Аммо, жадидларнинг бу миллий озодлик ҳаракатига муносабати ҳақида жуда оз ёзилган. Бу оз

маълумотларда ҳам уларнинг 1916 йил қўзғолонига бўлган муносабати фақат салбий баҳоланиб келинган[370].

Жадидчилик (араб, жадид – янги) — XIX аср охири, XX асрлар бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат бўлиб, XIX асрнинг 80-чи йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келган ва бу ҳаракат намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган.

Жадидчилик ҳаракатининг ёркин вакилларидан бири бўлган Абдурауф Фитрат (1886-1938) бир қанча асарларнинг муаллифи, маърифатпарвар олимдир. Унинг яшаган даврида Туркистон Чор Русиясига тобе бўлиб, мамлакат тушкунликка учраган, халқнинг аҳволи оғирлашган, зулм ва истибдод кучайган, иқтисодий танглик ўзининг юқори чўққисига кўтарилган давр эди. Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурауф Абдураҳим ўғли) (1886, Бухоро – 1938, Тошкент) ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби. Биринчи ўзбек профессори (1926)[371].

Олим ўзининг “Нажот йўли” китобида агар фуқаролар Қуръон оятлари ва ҳадисларда айтилган қоидалар ва ҳукмларга риоя қилишса мамлакат юксалади, иқтисодий салоҳияти кўтарилади, илм-фан ва маданият ривож топади, деган ғояни илгари суради. “Агар биз дунё ва охират саодати талабларида бўлсак, барча ғаразлик ва хасад ишларимизни бир тарафга қўйиб, самимий қалб билан унга мутеъ бўлиб, Қуръон ҳукмларига бўйсиниб, ижтимоий ҳаётимизга шунга мувофиқ тарзда тартиб берайлик”[372].

Шуни айтиш лозимки, Фитрат илм-фанни жуда кенг маънода тушунади. Унинг равнақини мамлакатни ҳар жиҳатдан юксалиши, халқнинг фаровонлиги, манфаати ва эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил қилади. Маърифатпарвар Фитрат ўз давридаги илмларнинг ҳар қайсисига баҳо беради. У дунёда илмларнинг турлари кўплигини, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам мамлакатга фойда келтиравермаслигини алоҳида таъкидлаб шундай дейди: “ҳақиқатда илм турлари кўп, баъзиларидан наф йўқ. Бироқ, мақсадимиз саодати дорайн экан, бу дунё ва охиратда фойда келтирадиган илмларни талаб қилишимиз, бу дунё ва

---

[370] Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. -Тошкет: Фан, 1990. 136-б.

[371] Ислом, тарих ва маънавият. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. 82-б.; https://ziyouz.uz/ozbek-ziyolilari/abdurauf-fitrat-2.

[372] Фитрат. “Нажот йўли” (Раҳбари нажот). -Тошкет, “Шарқ” НМК, 2001 19-б.

охиратда фойдаси бўлмаган ишларни тарк этишимиз лозим”[373]. Фитрат ўз даври талабларидан келиб чиқиб, худди ўзининг ўтмишдошлари Абу Наср Форобий, Абдаллоҳ Хоразмий ва бошқалар каби илмлар таснифини беради. Унинг назарида, ўзи тасниф қилган илмлар мамлакатни қолоқликдан халос қилиши, жамият тараққиётига ёрдам бериши керак.

Маълумки, илк Уйғониш даврида Форобий фанларни тақсимлашда борлиқ хусусиятидан келиб чиқиб табиатни, тафаккур ва нутқни ва мантиқни ўрганишга эътибор беради[374].

Фитрат эса, фанларни дунёвий ва илоҳий, зоҳирий ва ботинийга бўлади. Диний ва дунёвий фанларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар инсонни бу дунёда ва охиратдан бахтли қилишга қаратилган. У илмларни тасниф қилишда уларнинг жамиятга, инсонларга қай даражада фойда келтиришини эътиборга олади. У салафларидан фарқли ўлароқ, энг аввало, нақлий, яъни диний илмларни таснифлайди. Уларга тафсир илми, ҳадис илми, фиқх илми, калом илми ва лисоний илмлар киради. Хусусан аллома тафсир илмини зарурлиги ҳақида шундай фикрни билдиради; “Биз мусулмонларнинг ҳамма диний аҳкомларимиз Қуръонда йиғилган. Мусулмон эканмизми, Қуръонга амал қилишимиз вожибдир... “Қуръон” ҳукмларини билмоқ ва уларга мувофиқ амал қилмоқ “Қуръон” маъноларини билмоқ учун тафсир ўқимоқ шарт. Шунинг учун тафсир ўқимоқ ҳам бу дунё ва ҳам охиратда бизга катта фойдалар беради” [3, 39-б.].

Олим фикрича, тарих илми – муқаддас тарих ва маданият тарихига бўлинади. Жамият тарихи эса 3 қисмдан иборат: илм ва адабиёт тарихи, табиий тарих ва сиёсий тарих. Сиёсий тарих ўз навбатида умумий тарих ва хусусий –маҳаллий тарихга бўлинади. Унингча умумий тарих қадимдан то ҳозиргача дунёда пайдо бўлиб кейинчалик йўқ бўлиб кетган давлатлар, миллатлар, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, йўқолиб кетиш сабабларини ўрганади. Хусусий тарих эса бир давлат ёки халқ тарихининг пайдо бўлиши, эволюцияси, инқирозга учраши сабаблари ҳақида маълумот беради.

Фитрат ақлий билимларга ҳам кенг тўхталиб, уларнинг таснифини беради. Ақлий билимлар бошқалардан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятга эга. “Бу илмларни (яъни ахлоқий билимлар) умумий, хусусийси бўлмайди,

---

[373] Ўша асар. 37-б.

[374] Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий фикри тарихида илм-маърифий ғоялар. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. –Б. 27-28.

яъни бу билимлардан бирини насроний илми, мусулмонлар илми деб ҳам бўлмайди. Бу илмлар инсоний илмлар, ҳар бир инсон жинси ва мазҳабидан қатъий назар улардан баҳраманд бўлиши мумкин”[375] –деб таъкидлайди аллома. У ақлий илмларни ҳикмат деб атайди. Ҳикмат уч қисмдан иборат: табиий илм, риёзий илм ва фалсафий илм. Табиий илмлар ўз навбатида табобат илми, табиий ҳикмат илми, наботот илми, ҳайвонот илми ва маданлар илмига бўлинади. Риёзий илмлар эса ҳисоб, жабр, ҳандаса ва ҳайат илмидан иборат.

Фитрат руҳ илми, ахлоқ илми, илоҳиёт ва мантиқ илмини фалсафий илмларга киритади ва уларни мақсад ва вазифаларини кўрсатиб беради. Масалан, олим мантиқ илмини тавсифлаб шундай дейди: “Мантиқ илми тафаккур тарзини ва муҳокама қилиш қоидаларини ўргатади. Маълумки тафаккур этмаслик ва муҳокама қила билмаслик диний, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизга жуда кўп зарарлар келтиради. Бинобарин, шу зарарларнинг биронтасига дучор бўлишни хоҳламаган одам мантиқ илмини билиши керак”[376].

Умуман олганда, Фитратнинг илмлар таснифи фақат жамиятга фойда келтирадиган, инсонларнинг саодатга ... эришувига ёрдам берувчи илмларни қамраб олади. Шу билан бирга, Фитрат илм ўрганишга халақит берувчи тубан иллатлар балоҳат, яъни нодонлик, ҳуб, яъни худбинлик ҳақида ўз фикрларини айтади. Айниқса, аллома худбинликни қаттиқ танқид қилади. Олим фикрича, ақлий фазилатдан маҳрум қолган жамоага балоҳат сўзи ишлатилади. “Яна шундай жамоа борки, – деб таъкидлайди. Фитрат, – ҳақиқат излаб ҳаракат қиладилар, яъни билмаганларини уламолардан сўраб суриштирадилар, лекин асли ҳақиқатни билишга майллари йўқдир. Бу сўнги жамоа, яъни ҳар ишнинг ҳақиқатини билишга ва нодонликнинг зарарини йўқотишга ҳаракатлари бўлмаганлар, инсонлар доирасидан ташқаридадирлар, ҳайвон сифат, балка ҳайвондан ҳам баттар ва бешарафдирлар”[377] –дейди олим.

Фитрат илм эгаллашнинг жамият тараққиёти учун зарурлигини чуқур англаб етди, илмлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Фитратнинг илмни жамиятдаги ўрни ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотмасдан келмоқда.

---

[375] Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот). -Тошкет: “Шарқ” НМК, 2001. 52-б.
[376] Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот). -Тошкет: “Шарқ” НМК, 2001. 65-б .
[377] Ўша асар. 72-б .

КЛИЧЕВ Ойбек Абдурасулович
Бухоро давлат университети
“Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси
фалсафа доктори (PhD)

БУХОРОДА ЭЛЧИЛИК ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАҲАЛЛИЙ АНЪАНАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Аннотация: *В статье раскрыты комплекс мер по обеспечению послов побывавших в Бухаре. Также, сведения связанные с приготовлении и сервировкой дастарханов для представителей посольств. Эти данные были проанализированны на основе воспоминаний представителей посольств посетивших эмират.*

Ключевые слова: *посол, Бухарский эмират, “чанг босан”, пешоварский рис, печать, меню, дастархан.*

Annotation: *The complex of measures related with the supply of the ambassadors visiting the Bukhara is revealed. Also, the catering services for the representatives of embassies, Their preparation are studied based on the info given in the memories of ambassadors/ The frequent changes in the supply of ambassadors are presented.*

Keywords: *ambassador, emir of Bukhara, “chang bosan”, rice of Peshovar, stamp, menu, dasturkhon.*

Бухорода элчиларни кутиб олиш жойлаштириш уларнинг таъминотини амалга ошириш ҳамда юборишда бир гуруҳ маҳаллий удум ва анъаналар мавжуд. Мамлакат ҳудудига кириб келган элчилик вакилларининг таъминоти амирликнинг ҳудудий ҳамда марказий маъмурларининг назоратида бўлган. Бир гуруҳ манба ва адабиётларни таҳлил этиш натижасида Бухоро амирлиги даврида элчиларнинг таъминоти билан боғлиқ бир неча босқичли тадбирлар тизими мавжудлиги аниқланди. Ушбу тадбирлар маҳаллий урф-одатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилган. Жумладан, Бухорога келган элчилар ўзлари учун ажратилган уйларга жойлашганларидан сўнг "Чанг босан" (“Чанг босган”) удуми амалга оширилган. Бу удум элчиларни узоқ масофани босиб ўтиб, соғ-саломат кўзланган манзилга етиб келганликлари муносабати билан амалга оширилган. Удумга биноан, элчилар жойлаштирилганданг сўнг улар учун 95 хилдаги шарбат, мева ва ноз-неъматлар тортилган, ипак матолар ҳамда от совға қилинган.

Бухоро амирлиги ҳудудига ташриф буюрган элчиларнинг озиқ-овқат таъминоти муҳим аҳамиятга эга бўлган. Элчиларни ҳудуд бекликлари ёҳуд амирлик пойтахтида жойлашган уйларда доимо шарқона ноз-неъматлар ҳамда европача усулда тайёрланган дастурхон ҳозирланган. Узоқ йўлдан етиб келган элчилар учун дастурхон тайёрлаш ва унда шарқ ва ғарб мамлакатларида истеъмол қилинадиган маҳсулотларни қўйиш мезбонларнинг меҳмонларга бўлган муносабатини билдирган. Турли хилдаги шарқона ҳолва ва ширинликлар ҳамда чой истеъмоли меҳмонларнинг чарчоғини чиқаришга кўмаклашган. Баъзи ҳолларда амир қабулига ташриф буюрган меҳмонларга расмий қабулдан олдин ва қабул якунида ширинлик ва ноз неъматлардан татиб кўриш таклиф этилган[378]. Бу ҳам ўз навбатида муҳим масалаларни иккала томон ижобий ва кўтаринки кайфиятда ҳал этишини осонлаштиришга хизмат қилган.

Амирлик ҳудудида кутиб олинган элчиларнинг овқатланиши бекликлар ва бевосита амир амалдори хонадонида амалга оширилар эди. Элчилик вакилларига тайёрланган дастурхон хусусида А.В.Нечаев қуйидагиларни ёзади: *"Меҳмон махсус бек ҳовлисида қабул қилинган. Дастурхонга дастлаб Россия ширинлик фабрикалари ва маҳаллий кулинарлар томонидан тайёрланган қизил, сариқ ва оқ холвалар, печенье каби ширинликлар қўйилган. Дастурхонга қўйилган барча нарсалардан татиб кўриш керак. Меҳмонлардан қолган ноз-неъматлар эса хизматкорларга берилган. Мезбон, яъни бек меҳмонлардан барча нарсаларни истеъмол қилишни сўрайди. Биринчи овқат сифатида дастлаб қовурдоқ - кичик қўй гўшти, нон ва картошка аралашмаси, иккинчисига помидор аралаштирилган товуқ шўрва, учинчисига чучвара, тўртинчисига ош, охирида қовун, узум ва ширинликлар тортилган"*[379]. Шарқ халқлари овкатлари орасида ош амирликда асосан пешовар гуручидан тайёрланган.

XIX асрнинг биринчи ярмига қадар амирлик ҳукумати вакиллари барча меҳмонларни ерга тўшалган дастурхонда кутиб олишган. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам исботлайди: *"Қабулдан сўнг биз уйга қайтдик-шунда бизга дастурхон ҳозирланган экан. Аммо тантаналар учун мўлжаллаб кийинган кишига гилам устида тўшалган дастурхон олдида оёқларни чордона қилиб ўтириш ноқулайлик туғдиради. Сал вақт ўтиб*

[378] Игнатьев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году.- Спб.: Государсвенная типография, 1897.-С.223.

[379] Нечаев А.В. По горной Бухаре(путевые очерки).- С-Петербург.Типография М.М.Стасюлевича, 1914.-С. 62

ипак чопонлар кийган сарой хизматкорлари хонага кириб келишди. Уларнинг бири мис лаганларда қовун, узум, шафтоли, нон, сув ва муз, бирлари эса чой ва пиёлалар олиб келишди. Шунда элчилик аъзоларининг ҳар бирига бир бошдан қанд ҳам тақдим этилди"[380]. Аммо, кейинчалик амирлик ҳукумати ҳам элчилар учун қулайлик яратиш мақсадида меҳмондорчилик дастурхонини столда тайёрлашни мақул кўрган.

Амирлик ҳукумати вакиллари йўл давомида элчиларнинг дам олишлари учун махсус кигизлар тайёрлаганлар. Элчилик вакилларининг йўл давомидаги нонушта дастурхонига дастлаб, кунжутли ва пистали ҳолва, ундан кейин идишларда шўрва, пиёз билан қовурилган қўй гўшти ва нон бўлаклари ҳамда ширгуруч, охирида чой тортилган[381]. Гарчи ушбу дастурхон алоҳида ажратилган уй ёки хонада тўшалмаган бўлса-да, унда қошиқ, санчқилар каби овқатланишда ишлатиладиган буюмлар мавжуд эди. Шарқ мамлакатларида дастурхон бошида секинлик билан овқатланиш қадрланган. Тез овқатланиш баланд овозда сўзлаш билан баҳоланганлиги хусусида келган меҳмонлар хабардор бўлишган ва ушбу тамойилга риоя этишга интилишган.

Амирлик маъмурлари элчилик дастурхонини безатишда ошхона жиҳозларига алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Н.А.Маев ушбу манзарани қуйидагича тасвирлайди: *" Биз учун тайёрланган рангли матодаги дастурхон ерда эмас, балки стол устига тўшалган эди. Унинг атрофида стуллар жойлаштирилган. Шунда чой шиша идишларда тортилди. Ҳар биримизнинг олдимизга: фарфор тарелка, санчқи ва қошиқ қўйилган эди. Суҳбат чоғида бек амир унга доимо рус элчиларини қабул қилишни ишониб топширишини билдирди"*[382]. Н.А.Маев тасвирлаган дастурхон Шахрисабз беги Абдулжалилбек кўрсатмаси асосида тайёрланган эди. Бу амирлик беклари элчи ва меҳмонларни кутиб олиш тажрибасига эга эканлигидан далолат беради.

Манбаларда амир қабулига ташриф буюрган меҳмонлар нонуштадан олдин амир ва тўражон муҳр(факсимле)лари туширилган овқатлар рўйхати(меню)ни олишганликлари хусусида маълумотлар мавжуд[383].

---

[380] Соловьев М.М. Экспедиция в Бухару в 1841-1842 гг.при участии натуралиста А.Лемана. М-Л , Издателтство АН СССР, 1936. -С.67.

[381] Крестовский В.В. В гостях у Эмира Бухарского(Путевой дневник) // Русский вестник. - Т.171. М.: Университетская Типография (М.Катков), 1884.-С130.

[382] Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. – Ташкент,1875-.С.14-15.

[383] Новая Бухара // Туркестанские Ведомости. 1908 год 28 ноябрь №256.

Меню рўйхатининг тарқатилиши амирликдаги дипломатик қабул жараёнлари европача услубда кечганлигини англатади.

Амирлик ҳукумати вакилларининг европа услубида тайёрланган дастурхони И.Л.Яровскаго эътиборидан ҳам четда қолмаган. У ўз хотираларида шундай ёзади: *"Албатта, дастурхонга қўйилган ноз-неъматларнинг миқдори ва хили мени ҳайратлантирмади, чунки мен бухороча меҳмондўстликдан хабардор эдим. Ҳайратлантирган томони шундаки, дастурхон европача услубда безатилган. Унда скатерт, ошхона жиҳозлари, рус буюмларидан қошиқ ва санчқилар дейсизми, рус фарфоридан тайёрланган идишлар ҳам бор эди. Бундан ташқари нонуштага ташриф буюрган бухоролик амалдорларнинг бу каби ошхона жиҳозларини моҳирона ишлатишлари менинг ҳайратимни оширди."*[384].

Бу каби маълумотлар амирлик ҳукумати вакиллари бир томондан элчиларни меҳмондўстлик ва шарқона ноз неъматларга бой дастурхон билан кутиб олганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, амирликдаги анъанавий меҳмон кутиш тартибида трансформацион жараёнлар содир бўлганлигини кўрсатади.

НОРОВ Тожи Омонович
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ўқитувчиси фалсафа доктори(PhD)

АЛИШЕР НАВОИЙ ОНТОЛОГИК ҚАРАШЛАРИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: *Данная статья посвящена онтологическим взглядам великого мыслителя Алишера Навои и его значение в истории философии. В статье анализируется материалистический и теологический толкования бытия, в которых теологический взгляды Навои опираются на священном Коране.*

Ключевые слова: *философия, онтология, онтологические взгляды, бытия, субстанция, мир, источник бытья, материалистический, взгляд, теологический взгляд.*

---

[384] Путишествие Русского посольства по Авганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг, (из дневника члена посольства Д-ра И.Л.Яровскаго) в двух томах. С-Петербург. Типография д-ра М.А.Хана, Т.1.1882.-С. 37.

Annotation: *This article is devoted to the ontological views of the great thinker Alisher Navoi and its significance in the history of philosophy. The article analyzes the materialistic and theological interpretation of being, in which Navoi's theological views are based on the Holy Koran.*

Key words: *philosophy, ontology, ontological views, being, substance, world, source of being, materialistic, view, theological view.*

Инсоният энг ибтидоий даврлардан бошлаб ўзини ўраб турган борлиқнинг сир-асрорларини ўрганишга қизиқиб келган. Айнан ана шу қизиқиш ва уни ўрганишга интилиш инсоният ҳаёти ва тараққиётининг бош мазмуни, тамаддунлар тараққиётининг асосий генератори – яъни тараққиётининг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Борлиқ унинг яралиши, яшаш тарзи, шакл-шамойили, ички мазмуни, мангуликка дохиллиги ёки ўткинчилиги каби саволлар ибтидоий даврлардан то ҳозир кунгача фанларнинг онаси бўлган фалсафа фанининг, унинг асосий йўналиши ва мавзуси бўлган – Онтологиянинг бош муаммоми бўлиб келмоқда. Эътиборли жиҳати онтологик муаммоларнинг кўплаб саволлари назаримизда энг тараққий этган аниқ фанлар соҳасида катта ижобий натижаларга эришганлигига қарамай ҳануз очиқлигича қолмоқда. Булар тоифасига дунёвий яъни Ер илмида (геология) –Ерни яралиши, тузилиши, унинг таркибини(классик фалсафадаги тўрт унсур назариясидан тортиб то ҳозиргача) ташкил этган унсурлар, уларнинг хусусиятлари ....ва ҳаказолар.

Шубҳасиз, холис-объектив таҳлил қилганимизда – Онтологиянинг юқоридаги муаммолари дастлаб дунё тамаддунининг қадимги ўчоқлари қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Яқин Шарқ мамлакатлари, Арабистон ярим ороли мамлакатлари хусусан Ироқ, Шом, Шимолий ва Шарқий Африка, қадимги Шарқнинг бошқа минтақаси мамлакатлари ва қадимги Юнонистон каби минтақаларда даслабки даврларда оддий ибтидоий эътиқод тарзида намоён бўлган бўлса, кейинчалик бу қарашлар такомиллашиб, ривожланиб, мукаммаллашиб борган. Шу сабабли Алишер Навоий асарларидаги воқеалар ва фалсафий масалалар баёнида ҳам айнан ана шу тамаддун ўчоқлари тарихи, диний-фалсафий қарашлар, эришилган илмий-амалий ютуқларга кўплаб ишоралар, мисоллар мавжуд.

Онтология – янги лотин тилидан олинган onto – мавжуд, бор, бор нарсалар ва logos – таълимот сўзлари бирикмасидан олинган бўлиб, борлиқ ҳақидаги фан демакдир.

Онтология гарчи фалсафанинг муҳим йўналиши бўлишига қарамай унинг пайдо бўлиши ва тараққиёти анча мавҳум ва сочиқдир. Хусусан, борлиқ ҳақидаги қарашлар жуда қадим замонларда пайдо бўлган бўлсада уни мазмунини ангалатувчи “Онтология” сўзи 1613 йилда немис олими Р. Гоклениус томонидан фаслсафа термини сифатида фанга киритди. Х. Вольф эса бу тушунчани фалсафий билимлар тизимида мустаҳкамлади[385].

Онтология фалсафа фанининг муҳим соҳаси бўлиб, борлиқ, унинг яралиш ибтидоси, таркиби, борлиқ категориялари, асосий тамойиллари, қонуниятларини ўрганади.

Алишер Навоийнинг фалсафий қарашларининг Назорий асослари – Қўръони Карим, ҳадислар ва Ислом илмининг бошқа (аҳком) манбаъалари ҳисобланади. Унинг табиат ва Олам, Коинот (космос) масаласи бўладими, гуманистик фалсафасининг асоси айнан шу жиҳатини таъкидлаш керак.

Лекин Навоий Исломгача бўлган фалсафий илмлар тарихини ҳам жуда яхши ўргаган ва улар ҳусусида, мазмун-моҳият ҳусусида ўз асарларида кенг ўрин ажратган.

Унинг “Ҳайратул-аброр”, “Тарихи тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки ажам”, “Садди Искандарий”, “Насийимул-муҳаббат” ва бошқа бир-қатор асарларида қадимги давр тарихи, фалсафаси, йирик файласуф олимларининг қарашлари, ҳикматлари, асарлари таърифланади ва қиёсланади.

Низомийнинг “Искандарномаси”да (Иқболнома) Искандарининг Олимлар билан дунёни яралишиҳақидаги суҳбати.!!!

Низомийнинг “Искандарномаси”дан кейин, унда келтирилган юнон файласуфларининг борлиқнинг яралиш билан боғлиқ назариялари:

Юнон классик фалсафасининг 2,5 минг йилдан зиёдроқ ўрганишлар натижасида қилинган илмий ва фалсаий концептуал хулосалар шуни кўрсатадикий, уларнинг қаршларидаги кўп жиҳатлар, уларданан кейинги фалсафанинг хоҳ борлиқ фалсафаси бўлсин, хоҳ гуманистик фалсафа бўлсин назарий жиҳатдан умумий ўхшашлик бор. Хусусан, Юнон классик фалсафасининг йирик ва машҳур вакиллари – Сократ, Платон, Аристотель, Сицерон, Фолес, Анаксагорларнинг борлиқ фалсафасида ҳам пантеистик асос асосий ўринда туради. Масалан: Аристотель – оламни борлиқни яралишини ундан илгариги философлар моддий асосга

[385] https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9E%D0%BD%D1%82%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B3%D0%B8%D1%8F

эгалигини айтишганлигини эътироф этиб, ўзи ҳам –оламни асосини моддийлик ташкил этган деган эди[386].

Фалес – оламни, борлиқни асосини сув ташкил этади, ер сувни устида туради, деб айтган. Унинг исботи шундайки, ҳамма нарсанинг таркибида сув бор, ундан ташқари, иссиқлик ҳам намликдан пайдо бўлган. Шундай қилиб Фалеснинг якуний хулосаси, борлиқнинг уруғи сув, намлик.

Суқрот – борлиқ шундай нарсаки, ундан ҳеч нарса вужудга ҳам келмаган, мутлақо йўқ бўлиб ҳам кетмайди, улар бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтиб туради. Айрим нарсалар ўз таркибий тузилишини, ички тузидишини йўқотганидан кейин гўёки, ўлади. Аслда улар ўз табиатини йўқотмай, сақлаб қолади. бошқача айтганда, буюмлар, борлиқ ўз субстратини – асл табиати ва моҳиятини сақлаб қолади.

Бизни фикримизча, бу назариялар натижаси ўлароқ, онтологик фалсафанинг бир муҳим тармоғи кимё (химия) фани ажралиб чиқди. Айнан кимё фанининг бутун объекти ва предмети, моддалар ва уларни бир турдан иккинчи турга айланиши қонуниятларини ўрганиш хисобланади. Бу фаннинг асосий тамойили ва хулосаси, моддалар ўзининг ўз табиатини мутлақо йўқотмайди, балки турли реакциялар (аралашув, қоришувлар, ажралишишлар, ўрин олишлар) туфайли бир турдан ёки бир кўринишдан яна бир ўзгарган ҳолатга ўтади. Лекин уларнинг асл молекльяр массаси мутлақо йўқ бўлиб кетмайди деган қонуниятни исботлашдир.

Айниқса, рус олими М.В. Ломоносов томонидан “Моддалар массасининг сақланиш қонуни”ни ёки Ломоносов-Лаузье қонуни[387] назариясини яратилиши кимё, физика сингари табиатшунослик фанларининг ютуғи бўлгани баробарида оламни материалистик талқин қилувчилар – яъни материалистлар учун катта қурол бўлиб хизмат қилди.

Баъзи файласуфлар (Антик давргача бўлган) оламни яралишини худолар томонидан содир этилган деган кўпхудолилик таълимотларини илгари сурганлар. Бу кўпинча ибтидои фалсафа тарзида баҳо берилсада кейинги фаласафий қарашлар учун тамал тоши бўлиб хизмат

---

[386] Битья иматерия. Мир философии. М.: “Политиздат”, 1991. –С-184-190

[387] https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/massaning-saqlanish-qonuni-uz/ https://www.google.com/search?rlz=1C1GCEA_enUZ868UZ868&q=%D0%BB%D0%BE%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D1%81%D0%BE%D0%B2+%D0%BE%D1%82%D0%BA%D1%80%D1%8B%D1%82%D0%B8%D1%8F&sa=X&ved=2ahUKEwipzfbwwfzoAhWGuIsKHY2cAxIQ1QIoAXoECCIQAg&biw=1366&bih=657

қилганлигини унутмаслик керак. Зеро, антик даврдан илгари юнон афсонаси тарзидаги “Дедал ва Икар” афсонаси бўлмаганида эди, эҳтимол инсоният осмонга парвоз қилиш орзуси ва кейинчалик амалиёти кечиккан ҳатто умуман бўлмаган бўларди. Фалсафанинг асосий қонунларидан бири – инкорни-инкор қонуни кўпинча айнан шундай ҳолат мисолида тушуниш мумкин. Биз айтмоқчи бўлганимиз, жуда кўп фалсафий оқимлар ва мактаблар ўзларидан илгари яратилган ва ўзларининг эришган натижаларига асос бўлган назариялар ва уларни муаллифларини қарашларини рад этади, тан олишмайди, ёки устидан кулишади.

Бу ерда оламни борлиқни асоси сув бўлганлиги учун – денгиз худоси Океанидни – ота-онаси бўлган Океан ва Тефияни бутун мажудодни яратувчиси деб тан олишган. шунинг учун бошқа барча худолар сув билан қасам ичишган ёки сув худоси – Океанидга онт беришган. Бунинг натижасида Ер муҳитини асосий қисмидаги сув муҳитини – уммонлар – Океан деган юнонча сўздан олинган. Зеро бу сув худоси номидан олинган.

Анаксимен ва Диогенлар эса сувдан олдин бирламчи манбаъ ҳаво (proteron) бўлиб, бошқа оддий жинсли буюмлар уни қабул қилади.

Анаксагор (Эмпедоклдан аввал) – оламда биринчи чексиз нарсалар пайдо бўлган. Улар масалан, сув ва олов, улар фақат унсурлар бирлашагн ҳолда мавжуд, алоҳида ҳолда вужудга келмайди.қўшилиш ва бўлиниш орқали юз беради.

Геппас ва Гераклит - оловни бирламчи моҳият, жавҳар эканлигини айтишган.

Эмпедокл – тўрт унсурни борлиқнинг ташкил этган жавҳар (субстанция) деб, уларни тўртинчи унсури сифатида Ер (тупроқни)ни қўяди. Бу унсурлар (элемент) кўп ёки озроқ миқдорда бирлашиб, қўшилиб ёки бўлиниб сақланади. Лекин улар алоҳида вужудга келмаган ҳам келмайди ҳам, деган.

Онтология - борлиқнинг бирлиги категорияси, қонуниятларини билиш ва мантиқ назарияси тўғрисидаги фалсафий таълимотлар тизими.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Навоий онтологик қарашлари яъни борлиқ, олам унинг яралиши ва мавжудлиги жараёнлари билан боғлик асос теологик хусусиятга эга бўлиб, Ғарбий Европа тиллари ва фалсафасига асос бўлган юнонча заминга эга бўлган – пантеистик хусусиятга эга. Бошқача, аниқроғ айтганда Навоий онтологик қарашларининг бош назарий-методологик асоси Ислом динининг

муқаддас китоби –Қуръони Карим ва бошқа муқаддас, илоҳиёт манбаларидир.

Бизнинг назаримизда Навоий онтологик қарашлари гарчи теологик асосга эга бўлсада, унинг қуйидаги эътиборга лойиқ жиҳатларини қайд этиш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- Навоий онтологик муаммоларда ҳам гуманитар (экзестенциал) фалсафа масаласида ҳам, динни ўта мутассиблаштиришга қарши бўлганлигини айтиб ўтиш лозим;

- Навоий Ислом дини ва унинг гуманистик ғоялари фақат яхши ўзанда бўлиши ва фақат инсониятга хизмат қилишини уқтиради;

- Навоий онтология масалаларини ҳам ижтимоий масалаларни маърифий ёндошув – яъни илм-маърифат воситасида ўрганиш ва қўллаш тарафдори эканлиги, унинг "ҳар бир иш аввал илм тарозусида ўлчанмоғи лозим" ҳикмати бунинг ёрқин мисолидир;

- Навоий Ислом фалсафасининг "Ваҳдоният", "Ваҳдат ул-вужуд", "Ваҳдат ул-мавжуд" умуман дин ва фалсафанинг мақоми, тасаввуфдаги айрим ўта мутаассиблашган қарашларни муътадил ҳал қилиниши тарафдори эканлиги;

- Навоийда, илм, маърифат, таълим, тарбия, касб-маҳорат, санъат, ҳунар эгаллаш, ишқ-муҳаббат ва бошқа инсоний фазилатлар ўта мураккаблаштирилмай оддий инсоний мақомга туширилган, лекин, улуғланади;

- Навоий асарлари бошланиши анъанага кўра Аллоҳнинг ҳамди, пайғамбарларга саловотлардан бошланади. Лекин, асарлари баёнида, тарихни, илмни, фалсафани бошқа ижтимоий масалалар – илмий-фалсафий мушоҳада асосида ёритилади;

- Онтология муаммолари хусусида гап борар экан – Навоий Ҳинд, Хитой, Миср, Араб мамлакатлари, Юнон фалсафаси ва фани эришган натижаларига жуда ҳурмат билан қарайди. Унинг ҳар бир асари хусусан, "Садди Искандарий", "Тарихи мулуки ажам", "Тарихи анбиё ва ҳукамо" каби асарлари шулар жумласидан.

КАМИЛОВ Даврон Зафарович
Тошкент темир йўл муҳандислари институти
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА СЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МУСУЛМОН ЖАМИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. *Эта статья посвящена влиянию модернизации и секуляризации на мусульманские общества, которые происходят в глобальном масштабе с двадцатого века, и эта тема кратко освещена в историческом хронологическом смысле. В частности, анализируются особенности реформ и реформ в Турции, Иране, Сирии, Египте, Пакистане и республиках Центральной Азии. В нем также содержится аналитическая информация о «Всеобщей декларации прав человека», принятой Организацией Объединенных Наций, и «Каирской декларации», которая стала признанием мусульманских организаций.*

Ключевые слова: *модернизация, секуляризация, права человека, свобода совести, гендерное равенство, трансформация религиозных традиций.*

Annotation: *This article focuses on the impact of modernization and secularization on Muslim societies that have been going on globally since the twentieth century, and this topic is briefly covered in a historical chronological sense. In particular, the features of reforms and reforms in Turkey, Iran, Syria, Egypt, Pakistan and the Central Asian republics are analyzed. It also contains analytical information on the “Universal Declaration of Human Rights” adopted by the United Nations and the “Cairo Declaration”, which has become a recognition of Muslim organizations.*

Key words: *modernization, secularization, human rights, freedom of conscience, gender equality, transformation of religious traditions.*

XX асрда рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида аксарият мамлакатлар бошқарув тизимига секуляр ғоларнинг жорий этилиши, маданиятлараро мулоқотнинг интенсивлашуви таъсирида мусулмон дунёсида давлат ва жамият бошқарувининг этник ва диний ўзига хос хусусиятлари кузатилди. Мазкур ғояларга турлича муносабат ва татбиқ этилишдаги айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра араб, форс, турк, ҳинд, малай, Ғарбий ҳамда экваториал Африка, Болқон,

Кавказнинг йирик мусулмон жамоаларида модернизация жараёни нотекис ривожланди. Маълумки, дунё мамлакатлари тараққиёт тажрибасида ягона "модернизация назарияси" мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, давлат ва жамият бошқарув тизимини модернизациялаш тараққиётнинг мавжуд ягона йўли бўлиб қолмоқда. Умумий маънода мусулмон жамиятларининг янги стандартларни қабул қилиши давлатнинг ислоҳотларга бўлган эҳтиёжи ва жамиятнинг мазкур янгиликларни қабул қилиши билан бевосита боғлиқ.

Биринчи Жаҳон уришидан сўнг барча мусулмон жамиятларида аста-секин модернизациялашув жараёнлари кузатилди. 1924 йил 3 мартда расман Усмоний халифалиги бекор қилиниши ва Туркия Республикаси ташкил этилгандан сўнг К.Отатурк мамлакатда сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ислоҳотларни амалга ошириб, мусулмон дунёсида диний қоидалар мутлақо инобатга олинмаган дастлабки дунёвий давлатга асос солди[388]. Шунингдек, модернизация асосидаги секулярлашув Эронда паҳлавийлар сулоласи даврида кузатилди. Шахиншоҳ Ризо Паҳлавий бу йўл билан К.Отатуркнинг секуляр ислоҳотларини такрорлади. Кейинроқ бундай ислоҳотлар араб дунёсида Мисрда "Носирийлик", Сурияда "Баъс" ҳаракатлари мисолида намоён бўлди[389].

1922 йилги СССРни ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ мазкур давлат таркибидаги Ўрта Осиё ва Кавказ мусулмонлари истиқомат қилган ҳудудларда 1936 йилга қадар янги республикалар ташкил этилди ва улар дунёвий тартиблар ва атеистик мафкура асосида бошқариладиган бўлди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг мазкур мамлакатларнинг аксариятида демократик ва прогрессив ислоҳотлар ўтказилди. Уруш ниҳоясига етгандан сўнг Индонезия, Ҳиндистон, Малайзия, Бангладеш каби мусулмонлар зич яшайдиган давлатлар мустақилликка эришди ва уларда секуляр тамойиллар асосидаги бошқарув жорий этилди.

Ғарб мустамлакачилиги ва цивилизацияси таъсирида секуляризация жараёни аста-секин Миср, Ливия, Тунис, Жазоир, Мавритания каби аҳолисининг аксарият қисмини мусулмонлар ташкил этувчи

---

[388] Қаранг: Yildiz. A. Transformation of Islamic thought in Turkey since the 1950s. In I. M. Abu Rabi (Ed.), The Blackwell companion to contemporary Islamic thought.–Malden: Blackwell, 2007. pp. 39-54. http://dx.doi.org/10.1002/9780470996188.ch3. (date accessed 01.01.2006)

[389] Рафиқ Абдуссалом. Фил алмания ваддин валдимократия. Алмафаҳим ва сияқот. - Байрут: Аддарул аробияти лилулуми наширун ш.м.л., 2008. Б.87. (араб тилида و الدين والديمقرطي رفيق عبد السلام . في العلمانية)

мамлакатларда ҳам намоён бўлди. Хусусан, 1956-1957 йилларда Тунис қироллиги бош вазири бўлган Хабиб Бурқиба секуляр дастурини амалга тадбиқ этди. Унга кўра, мамлакатда ягона ҳуқуқий тизим ва дунёвий таълим жорий этилди, полигамия ҳамда ҳижоб каби исломга хос баъзи элементлар таъқиқланди[390].

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг содир бўлган яна бир воқеа БМТ Бош Ассамблеясида 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши бўлди. Умумбашарий ҳуқуқ ва эркинликлар тантанаси сифатида намоён бўлган мазкур декларацияга мусулмон уламолари томонидан дастлабки вақтда муносабат билдирилмади. Аммо мазкур ҳужжатнинг халқаро майдондаги аҳамиятининг ортиб бориши натижасида мусулмон олимлари инсон ҳуқуқлари масаласида мазкур декларация ва ислом динидаги меъёрларни тақосслашга киришдилар. Мисол тариқасида, XX асрда ислом оламининг таниқли олими Муҳаммад Ғаззолийнинг "Ислом таълимоти ва БМТ декларацияси орасидаги инсон ҳуқуқлари" номли асарини келтириш мумкин[391]. Жараён шу тарзда ривожландики, исломшунослик йўналишида исломда инсон ҳуқуқлари масалалари тадқиқига бағишланган янги жанр юзага келди ва бутун мусулмон дунёсида кенг миқёсда кўплаб рисолалар чоп этилди. Бундай вазиятда замонавий ижтимоий тенденциялар исломнинг инсон ҳуқуқларига оид кўплаб қарашларини бирлаштириб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган ҳужжат таъсис этишни тақазо қилди. 1981 йил илк бор нодавлат жамоат ташкилоти саналган Европа ислом кенгаши инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди.

Расмий мақомга эга "Инсон ҳуқуқлари бўйича ислом декларацияси" эса 1990 йил Қоҳира шаҳрида "Ислом Конференцияси Ташкилоти"га аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги XIX йиғилишида қабул қилинди. Мазкур декларация муқаддимасида ислом инсониятга фоний ва боқий дунёдаги ҳаёт ўртасида уйғунликка олиб борадиган ва билим имон билан уйғунлашадиган, универсал ва ҳар томонлама ривожланган тамаддун сифатида таърифланади. Мазкур ҳужжат ислом

---

[390]Rumeysa Dursun. Tunus'ta Otoriter Yönetim ve İslamcı Hareketin Doğuşu: Burgiba Dönemi Üzerine Bir Değerlendirme (1956-1987). Türkiye Ortadoğu Çalışmaları Dergisi. 133 s. https://www.researchgate.net/publication/318499737_Tunus'ta_Otoriter_Yonetim_ve_Islamci_Hareketin_Dogusu_Burgiba_Donemi_Uzerine_Bir_Degerlendirme_1956-1987. (Erişilen tarih 12.06.2017).

[391] Ғаззолий М. Хуқуқул инсан байна таъалимил ислам ва иъланил умамил муттаҳида. – Қоҳира: наҳзатул миср. 2005. 226 б. (араб тилида الغزلي.حقوق الإنسان بين تعاليم الاسلام إعلانو الأمم المتحدة محمد)

таълимоти асосида ўрнатилган қатор кўрсатмалар кўп ҳолларда дунёвий давлат тамойилларига мослашиб борганидан дарак берди. Жумладан, унда инсонлар “мўмин” ва “кофир” сифатида икки гуруҳга ажратилмади, аксинча “Барча одамлар Аллоҳнинг амри билан бирлашган бир оилани ҳосил қилади ва Одам Атонинг авлодлари ҳисобланади. Барча одамлар ирқи, танасининг ранги, тили, эътиқоди, жинси, диний ва сиёсий қарашлари, ижтимоий мавқеи ёки бошқа сабаблар туфайли юзага келадиган камситишларсиз қадр-қиммат, мажбурият ҳамда вазифаларда тенгдир. Тўғри эътиқод инсоннинг такомиллашуви жараёнида унинг шаънини юксалиши гарови ҳисобланади.

Барча одамлар Аллоҳнинг бандалари, ўзгаларга кўпроқ фойда келтирадиган бандалар Унинг суюкли бандалари ҳисобланади, ҳеч ким бошқа одамлардан кўра устунликка эга эмас, инсонлар фақат тақво ва солиҳ амаллари билан фарқланадилар”[392], деб таъкидланди. Сирасини айтганда, мазкур икки ҳужжат исломнинг янги дунёвий меъёрларга ўзига хос мазмунда мослашиб бораётганини билдирди.

Сўнгги чорак аср мобайнида айрим мусулмон уламоларининг гендер тенглиги билан боғлиқ масалаларга нисбатан янгича ёндошувлари кузатилмоқда. Маълумки, анъанавий мусулмон жамиятларида аёллар амир, қози ва имом бўлиши тақиқланган эди. Консерватив қарашларнинг янги меъёрларга қаршилигига қарамасдан амалиётда мусулмон аёлларини давлат раҳбари лавозимни эгаллаши бир неча бор кузатилди. Хусусан, 1980 ва 1996 йиллар оралиғида уч маротаба Покистон ислом республикаси бош вазири лавозимини эгаллаган Беназир Бхутто[393]ни ҳамда 2013-2017 йилга қадар Сингапур парламенти спикери лавозимини эгаллаган, 2017 йилга келиб мамлакат президенти этиб сайланган Ҳалима Якуб[394] кабиларнинг сиёсий фаолиятини мисол қилиш мумкин.

XX аср бошларидан бошлаб, ислом тарихида кузатилмаган воқеликлардан яна бири бу−мусулмон аёлларнинг масжидларда имомлик вазифасини бажариши бўлди. Хитойда илк бор аёллар масжидларга имом этиб тайинлаш амалиёти жорий этилди. Марказий ва Шарқий Хитойда 80

---

[392] Исломда инсон ҳуқуқлари бўйича Қоҳира декларацияси. https://www.islamonline.uz/index.php/dolzarb-mavzu/munosabat/item/767-qohira-dekloratsiyasi. (мурожаат санаси 10.12.2018).

[393] Қаранг: Беназир Бухутто биография. https://news.rambler.ru/asia/11535457-benazir-bhutto-biografiya/. 24.10.2011.

[394] Қаранг: Биринчи аёл Президенти Ҳалима Якуб. https://islom.uz/maqola/12701. (мурожаат санаси 12.11.2019).

та аёл имом мавжуд бўлиб, улар жаноза намозидан бошқа ҳар қандай маросимда ўз фаолиятларини юритишлари мумкин[395].

XXI асрда эса Европа АҚШдаги айрим мусулмон жамиятларида ислом феминизими таъсир сезилди. Хусусан 2005 йил Амина Вадуд Нью-Йорк шаҳридаги эркак ва аёллар ибодат қиладиган масжидда жума номозини ўқиди[396]. 2019 йил Париж шаҳрида Ева Жанаден ва Анна-Софияларнинг қўш имомлигида эркак ва аёллар бир сафда туриб ибодат қилди. Аёллар мазкур ноанъанавий исломий ибодатни бош кийимларсиз амалга оширишди[397]. Фикримизча, феминизмнинг ҳар қандай кўриниши, жумладан ислом феминизими ҳам дунёвий эркинликнинг таъсирида вужудга келди ва ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан ислом феминизми, бир томондан, диний анъаналарнинг трансформациялашувини ифодаласа, бошқа томондан, секуляризациянинг ўзига хос хусусияти сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, глобаллашув шароитида дунё мамлакатларнинг моддий фаровонлиги бевосита сиёсий ва иқтисодий модернизациялашув, замонавий умумэътироф этилган меъёрларни жорий этиш билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳозирда кўплаб диний қоидалар устувор бўлган мамлакатларда либераллашган замонавий дунёга юз тутиш масаласи кун тартибга чиқди. Бундай мамлакатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий интеграция жараёнларининг тўлақонли иштирокчисига айланиши учун, албатта, энг аввало, секуляр мазмундаги ислоҳотларни амалга ошириш зарурлиги ҳаммага яхши маълум.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили глобаллашув шароитида барча динлар қатори исломда муайян даражада янгиланиш жараёнларининг бошдан кечираётганини кўрсатмоқда. XX асрда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган қатор ҳужжатлар аҳамиятининг ортиши, бир томондан, Шарқ мусулмон оламида дунёвийлик мезонлари асосида бошқарилувчи давлатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бўлса, бошқа томондан, халқаро ислом ташкилотларининг замонавий стандартларни эътироф этишига туртки берди.

---

[395] Женщины-имамы: как Китай реформирует ислам. https://www.ttolk.ru/?p=5496 (дата обращния 18.07.2018)

[396] Призыв с минарета: женщины-имамы в Германии. https://viromiro.livejournal.com/38556.html (дата обращния 12.11.2008).

[397] Две женщины-имамы впервы возглавили молитви воФранции. https://rg.ru/2019/09/12/zhenshchiny-imamy-vpervye-vozglavili-molitvu-vo-francii.html

ТЛЕУМУРАТОВА Нуржамал Махсетовна
старший преподаватель Регионального центра переподготовки и повышения квалификации работников народного образования Республики Каракалпакстан.

ОТРАЖЕНИЕ КАРАКАЛПАКСКО-УЗБЕКСКИХ СВЯЗЕЙ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ БЕРДАХА

Аннотация: *Ушбу мақолада Бердах асарларида Қорақалпоқ – Ўзбекистон муносабатларининг вужудга келиши ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *Бердах"Сагара", Хоразм, достонлар, ўрта Осиё халқлари шеърияти.*

Annotation: *This article refers to the hatchings of Karakalpak-Uzbek relations in the works of Berdakh.*

Key words: *Berdakh, «Shazhara», Khorezm, epiks, poetry of the peoples of Central Asia.*

Между узбеками и каракалпаками существовали духовные связи в области фольклора, народной литературы. Бесчисленны предания у каракалпаков. В них можно найти материалы по их взаимоотношениям с соседними народами, особенно узбеками, казахами и туркменами. Многие из этих предании были записаны нашими фольклористами, историками, лингвистами.

Самым интересным источником в изучении этнокультурных связей каракалпаков с узбекским народом является «Шежире» каракалпакского поэта Бердаха. В этом произведении поэт в легендарной форме пишет о происхождении узбеков и каракалпаков и делает вывод о том, что два народа происходит из одного корня. «Шежире» Бердаха широко распространено во всех уголках Каракалпакстана, а также у соседних народов. В 1959 году члены литературоведческой экспедиции, организованной научно-исследовательским Институтом Каракалпакского отделения АН РУз. сообщили о широком распространении «Шежире» Бердаха во многих областях Узбекистана, особенно в Сырдарьинской, Самаркандской областях Узбекистана. И этот факт - еще одно свидетельство тесных историко-культурных связей узбеков и каракалпаков.

Некоторые данные приводит Бердах в историко-культурном произведении «Шежире» о переселении из Хорезма каракалпаков в Бухару в результате какой то смуты или других причин.

Каракаллак Ургенчтен кашты,
Бухара тарепине асты,
Барып Елибайдан тусти.[398]
Каракалпаки ушли из Ургенча
Переселились в Бухарскую сторону,
И остановились в местности Елибай.

Как указывается в «Шежире» каракалпаки переселялись в Бухарскую сторону. В произведениях устного народного творчества каракалпаков Хорезмского оазиса очень часто встречаются упоминания о местности «Жупар корыгы» или «Кыркжупар». В наше время уже очевидно, что эта территория находится в Бухаре, и связывается и именем легендарной женщины по имени Жупар.

В рукописи исторического произведения Бердаха «Шежире» подтверждает сведения о том, что каракалпаки жили на территории Миянколь и Кырк Жупар. Кроме того в рукописи эпоса записанным И.А. Беляевым имеются следующие слова: «Жупар йурты корыгында, Самарканд таубыгында» т.е. в Самаркандском владении, на земле Жупар журты корыгы появляется богатырь по имени Коблан. Дальше описывается богатырские подвиги народного героя Коблана, боровшегося за родную землю против внешних врагов.[399]

Бердах путешествовал, побывал во многих местах Центральной Азии, побывал в таких городах как Бухара, Хорезм. В своем автобиографическом стихотворении «Моя жизнь» он писал о том, что он искал бы такие земли как Дагестан, Индию, хотел бы побывать и в других местах.

Бердах изучал и хорошо знал восточную литературу, распространенную среди каракалпаков. Среди каракалпаков широко распространение получили «Мин бир тун» «Тысяча и одна ночь», «Тоты алма», «Калила Димна», «Бахрам и Гуландам», «Сказка о Хатамтай», «Мунлык-Зарлык», «Юсуп-Зулайха», «Малика-Зухра» и другие произведения Востока.[400]

---

[398] Бердах. Шежире. Н.1970. 72 с.

[399] Бердах. Избранные произведения. Нукус, 1950

[400] Маргулан А.Х. О носителях древней поэтической культуры казахского народа. Алма-Ата 1971.

У каракалпаков известны легендарные имена такие как Кзыр, Ильяс, Курди бий, Лукман хаким, Юсуп пайгамбар, Сулаймен патша, Жамшит и другие. Большинство их встречаются в произведениях Бердаха.

Кроме того Бердах хорошо знал такие литературные памятники Востока как «Гарип-Ашык», «Коруглы», Саятлы Хамра» и другие многочисленные произведения, широко распространенные среди народов Каракалпакии.

Одним из литературных произведений Востока был эпос «Коруглы» широко распространенный и любимый народом. Бердах много упоминает об эпосе Коруглы, сравнивает героев освободительной борьбы с богатырем Коруглы, который был любимым героем узбеков. По Бердаху Коруглы является символом героизма, честности. Об этом много говорится в произведениях Бердаха.

С Коруглы мы встречаемся в его историческом произведении «Шежире». Говоря об исторических лицах каракалпакского народа XVIII века, он сравнивал их с образом Коруглы. С образом Коруглы он сравнивал героя освободительной борьбы каракалпаков XIX в. Ерназара Алакоза. Таких сравнений в наследиях Бердаха очень много.

Все это говорит о том, что Бердах страстно любил этого замечательного дастана и стал распространять его среди народа. Как писал академик А.Маргулан: «Певцы (акыны) обладая природными дарованиями, хорошо знали историю и генеалогические предания народа, географию своей страны, в то же время имели познания в области философии и поэзии народов Средней Азии и являлись истинными просветителями народных масс».

Бердах как историк хорошо знал историю Хорезмского государства, его правителей с древнейших времен. Он пишет о легендарных правителях Хорезма, как например:

«Искандер Маглум и дарап,
Султан Махмуд журтты сорап,
Шынгыс алып кырды карап,
Бедбак алланын налаты.[401]

Искандер завоеватель мира,
Султан Махмуд покоритель страны,
Чингис уничтожил все народы.

[401] Тлеумуратов М. Каракалпак поэзиясы - тарихий дерек. Н. Билим, 1994, 68-69 стр.

Искандер, о котором говорит Бердах это Александр Македонский, завоевавший многие территории, в том числе и территорию Средней Азии. Далее говорит о хорезмском шахе Султане Махмуде создателя огромного государства хорезмской империи. Здесь он показывает эту реальную историческую личность, правивший перед монгольским завоеванием.

А также, в произведениях Бердаха очень много исторических имен из истории Бухарского и Хивинского ханства, деятелей науки и культуры.

Бердах очень тепло отзывается о таком крупном историке Средней Азии, Мунисе Шермухамед улы.

В произведении Бердаха «Кулен болыс» встречаем новые строки, которые до сих пор не были известны исследователям, в частности

Патшахларга айтып китап.

Ернамысы Мунис мирап

Сказав падишахам (содержание) книги

Доблестный Мунис Мираб - писал Бердах.

В истории культурных взаимоотношений народов средней Азии достойное место занимает «Хамса» Алишера Навои, состоящая из пяти поэм, среди них «Лейли и Межнун». Очень часто встречается в произведениях каракалпакских классиков в произведениях Бердаха и Ажинияза, Отеша и других представителей каракалпакской литературы. Бердах, как показывают его поэтические им наследия хорошо знал поэзию народов Средней Азии.

Таким образом, изучая поэтическую культуру двух народов, узбеков и каракалпаков он становится известным мастером поэтом и историком, который с помощью с его бесценными произведениями мы изучаем истории двух братских народов.

МАМАДАЛИЕВ Ҳусниддин Муйдинович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

ЎРТА АСРЛАРДА ВАҚФ ИНСТИТУТИНИНГ ШАҲАРЛАР ОБОДОНЧИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ТУТГАН ЎРНИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: *В статье на основе данных архивных документов и письменных источников вкратце прослежена роль вакфных институтов в обеспечении благоустройства городов.*

Ключевые слова: *города, вакфные документы, правители, женщины, медресе.*

Annotation: *Based on the data of archival documents and written sources, the article briefly traces the role of waqf institutions in beautification of cities.*

Keywords: *cities, waqf documents, rulers, women, madrassas.*

Ўрта Осиё ҳудуди қадимдан урбанизацион жараёнлар кечган ҳудуд ҳисобланади. Тарихий тараққиётнинг турли босқичларида бу ерда катта, кичик шаҳарлар вужудга келди, ривожланди. Айрим ҳолларда ижтимоий, сиёсий, табиий-географик омиллар таъсирида йўқлик томон юз тутди. IX – XII асрларда Ўзбекистон ҳудудида ислом дини ва маданиятининг кенг тарқалиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида каби шаҳарларнинг тузилиши, меъморчилиги ва ободончилигига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди. Натижада, минтақада вақф институтларининг юзага келди ва уларнинг тизимлашуви амалга ошди.

Шаҳарларнинг ободончилик масаласи ҳам ўрта аср ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Ўрта асрларда ҳар бир шаҳарнинг кўркига айланган дабдабали жомеъ масжидлари, улар қошида кутубхоналар юзага келди. Бунда вақф институти муҳим ўрин тутди. Айниқса, XI асрларга келиб, йирик шаҳарларда марказий ҳукмдорлар томонидан вақф мулки сифатида мадрасалар, касалхоналар комплекси барпо этилиши шаҳарлар ободончилигида муҳим ўрин тутди.

Қолаверса, ҳукмдорлар, мансабдор шахслар ва йирик мулк эгалари томонидан қилинадиган хайриялар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу хайрияларнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин бўлган. Масалан, Султон Маликшоҳ (1072-1092) бир марталик овда 10 мингта ҳайвон

ўлдирилганлиги сабабли 10 минг динор хайрия қилган. Бу хайриясини у Аллоҳ таоло яратган жонзотларининг қонини тўккани учун тавба сифатида тарқатган[402].

Ғазнавийлардан султон Масъуд (1030-1040) ўзининг ҳукмронлигининг дастлабки йиллари, яъни 1031 йили Рамазон ойи шарафига Ғазнадаги олимлар, яқин кишилари ва муҳтожлар учун бир миллион дирҳам хайрия қилганлиги айтилган[403].

Дастлаб мадрасалар юзага келмаган вақтда асосан масжидлар, хонақоҳлар, риботлар таъминоти вақф мулклари ҳисобига йўлган қўйилган бўлса, кейинчалик бир қатор ҳукмдорлар томонидан йирик мадрасалар вақф сифатида таъсис этилган. Айнан мадрасаларнинг шаҳарларда қурилиши уларнинг ободончилигига ижобий таъсир кўрсатган. Жумладан, минтақанинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ҳукмронлик қилган кўп ҳукмдорлар ўз мадрасасини қуришга уринганлар. Тамғачхондан ташқари Самарқандда Салжуқий Султон Санжар, Амир Темур, Улуғбек, Муҳаммад Шайбонийхон ва бошқалар мадрасалар барпо этганлар. Ан-Насафий томонидан Самарқандда мавжуд бўлган 5 мадраса номи зикр этилади. Булар Алп Жағрибек мадрасаси, Бакр ибн ал-Яман ал-Усрушоний мадрасаси, Дор ал-Жузжония мадрасаси, Саййид Бағдод мадрасаси, Тафғачхон мадрасаси. Тафғачхон мадрасаси Қорахоний ҳукмдор Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср Тамғоч Буғрохон (1052-1068) 1066 йил июнда барпо этилган[404].

Шаҳарлар бир томондан олиб қараганда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, сиёсат, маданият ва илм-фан маркази сифатида энг илғор ғояларни юзага келиши, ривожланиши ва тарқалишида муҳим ўрин тутганлар. Шаҳарларнинг ободончилигида турли хил ҳукмдорлар, мансаб эгалари, ҳукмдорларнинг аёллари ва қизлари, ҳунармандлар каби инсонлар, улар томонидан қурилган мадраса, масжид ва шифохоналар, ҳамда уларни ушлаб туриш учун вақф қилинган турли объектлар муҳим ўрин тутганлар. Ҳукмдорлар томонидан таъсис этилган мадрасалар илм-фан маркази вазифасини ўтаган бўлсалар, шифохоналар асосан камбағал аҳолининг

---

[402] Lev Y. Charity, Endowments, and charitable Institution in Medieval Islam. University Press of Florida, 2005. - P. - P. 23.

[403] Lev Y. Charity, Endowments, and charitable Institution in Medieval Islam. University Press of Florida, 2005. - P. 43.

[404] Камолиддин Ш. Новый источник по исторической географии Средней Азии. Новейшие исследования сочинения «ал-Канд фи зикр улама Самарканд» Абу Хафса ан-Насафи. Lambert Academic edition, 2014. С. 62-63.

даволаниши, озиқ-овқат билан таъминланиши, умуман ижтимоий ҳимоясида муҳим ўрин тутди.

Масалан, XI аср иккинчи ярмида қорахоний ҳукмдор Иброҳим ибн Наср Табғачхон (1052-1068) томонидан жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. У томонидан мадраса ва шифохона барпо этилган. Шифохонага оид вақф ҳужжатида шифохона ҳукмдор томонидан унга мол-мулк берган ва душманлари устидан ғалаба қозонишини таъминлаган Аллоҳга шукроналик рамзи сифатида таъсис этилганлиги айтилган. Бу касалхона ўз касалликлари ва дардларига дори-дармон олишга имкони йўқ бўлиб, ёрдамга муҳтож бўлган камбағаллар учун барпо этилган. Бу ерда фақатгина мусулмонлар, яъни самарқандликлар ва унинг меҳмонлари даволанганлар. Табиблар жамоаси табиб ва қон чиқариш бўйича мутахассисдан иборат бўлганлар. Улар зарур дори-дармонлар билан таъминланганлар. Беморларга текинга овқат тарқатилган ва қиш ойларида эса хоналар иситилган. Касалхонада вафот этганларга кафанлик ва жаноза сарф-харажатлари учун ҳам алоҳида жамғарма мавжуд бўлган. Шифохона ишлари Самарқанд жомеъ масжиди асосий масъуллари томонидан назорат қилинган. Касалхонанинг жума намози ўқийдиган имоми ва муаззини бўлган. Улар касалхонадан маош олганлар[405].

Шунингдек, зодагон аёлларнинг хайрия ишларида фаоллик кўрсатишлари маълум даражада урбанизацион жараёнларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатган. Албатта, аёлларнинг фаолияти билан боғлиқ XVI – XIX асрларга оид вақфномалар бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланади. Уларни тадқиқ этиш орқали аёлларнинг шаҳар ҳаётидаги ўрни, шаҳарларни ободонлаштириш, ижтимоий соҳаларни, таълимни ривожлантиришдаги ўрнилари орқали муҳим маълумотларни олиш мумкин.

Масалан, бир ҳужжатда Амир Ҳайдарнинг аёли Бибийи Подшоҳ, яъни Подшобиби томонидан авлодий вақф сифатида Хавзи Регистон Боло масжиди учун Хаёмобод деган ерда 15 минг таноб ер ажратилганлиги[406] тўғрисида айтилган. Масжидларга бундай катта ресурсларнинг ажратилиши уларнинг шаҳар ижтимоий объекти сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаган. XVIII аср Самарқанд, Бухоро ва бошқа йирик пойтахт шаҳарларда жойлашган масжидлар фақатгина масжидни ўзидан иборат

---

[405] Lev Y. Charity, Endowments, and charitable Institution in Medieval Islam. University Press of Florida, 2005. - P. 122-123.

[406] Ўз МА, 343-фонд, рўйхат- 1, инв. № 113/5.

бўлмасдан, балки мактаб, хонақолар, кутубхоналар, ҳамда фақирлар учун турар-жойлар масаласини ҳал қилувчи, ҳамда хайрия таомлари тарқатилувчи маскан вазифасини ўзида мужассамлаштирганлар.

Шунингдек, ўрта асрларда асосий таълим даргоҳи вазифасини ўтаган мадрасалар молиявий таъминотида уларга вақф қилинган ресурслар муҳим ўрин тутган. Бу борада аёллар ҳам анча фаоллик кўрсатганлар. Улар томонидан мадрасалар қурилиб, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун манбаларни таъминлашга алоҳида аҳамият берилган.

Жумладан, яна бизга архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, бошқа бир ҳужжатда эса юқоридаги Подшобиби томонидан Регистонда жойлашган Боло хавзи Регистон мадрасасига Қоракўл тумани Қизилча деган ердаги барча суғориладиган ерлар ажратилганлиги[407], Турсун шоҳ Ойим бинти Мирзо Жангирбой томонидан Бухоро шаҳар шайх Жалойир кўчасида жойлашган Турсунойим мадрасаси фойдасига Самчин тумани Мурғунсиюн мақбараси олдидаги 297 таноб суғориладиган ер ва иккита тегирмон[408] ажратилганлиги тўғрисида айтилган.

Вақфларга иқтисодий тиргак вазифасини ўташи мумкин бўлган ресурслар мамлакатнинг турли ерларидан ажратилиши мумкин бўлган. Жумладан, яна бир 1081 ҳ. / 1670 м. йил санаси қўйилган ҳужжатда Ойподшо биби Абдураҳима ҳожи қизи томонидан Бухоро шаҳар Жўйбори калон мадрасаси фойдасига Балх вилоятидаги (Шим. Афғонистон) Самнин, Фатҳобод, Сонсиз ҳудудларидаги, Чоржўй вилоятининг Тувача, Хайробод туманининг Тарнов, Зандовиёт, Хадча деган ҳудудларидаги барча суғориладиган ерлар, Ғиждувон туманининг Чоҳдари ва Хавзак деган ҳудудларидаги 570 таноб ер ва турли жойлардаги кўплаб суғориладиган ерлар ажратилганлиги[409] кўрсатилган. Бироқ бизнинг фикримизча, бундай имтиёзга кўпроқ пойтахт шаҳарларидаги олий давлат ҳукмдорларининг бевосита назоратида бўлган мадрасалар эга бўлганлар.

Вақфлар учун ресурс сифатида нафақат ерлар балки ўз даврида сердаромад ҳисобланган ҳаммомлар, дўконлар, савдо расталари, ҳаттоки масжид, мадрасалар, хонақолар атрофига экилган мевали ва мевасиз дарахтлар ҳам ажратилган. Масалан, 1303 ҳ / 1886 м. йили имзоланган бир ҳужжатда Моҳи биби Мусобий қизи томонидан тоза хайрия шаклида Бухоро шаҳридаги Махмурахон Моҳибиби мақбарасидаги қорилар

[407] Ўз МА, 343-фонд, рўйхат- 1, инв. № 113/6.
[408] Ўз МА, 343-фонд, рўйхат- 1, инв. № 114/7.
[409] Ўз МА, 343-фонд, рўйхат- 1, инв. № 115.

(Қуръон тушурувчилар) фойдасига Қозихона Тилгарон кўчаси бўйлаб 1 сарой ва 4 дўкон[410], ҳамда яна бир 1337 ҳ. / 1916 м. йили имзоланган ҳужжатда Қамар-ой бинти Абдулла томонидан Лаби хавзи Арбоб кўчасида жойлашган Мирзо Мавлон ўғли мадрасаси ва мақбараси фойдасига Ялпичи Боқижон қўшбеги ҳудудидаги ҳовли турар-жой берилганлиги[411] кўрсатилган.

Ажратилган сарой, дўконлар, ҳовли жойлар ижарасидан, уларда экилган мевали дарахтлардан тушадиган даромадлар мақбара, мадраса ва масжидлар учун молиявий ресурс вазифасини ўтаган. Машҳур мадрасалар шаҳарлардаги урбанизацион жараёнларда муҳим ўрин тутганлар. Улар олий ўқув юрти сифатида шаҳарларга келадиган аҳоли эътиборини жалб қилганлар. Кўп жиҳатдан шаҳарларнинг миграцион жараёнларда жозибадорлигини таъминлашда вақф мулклари алоҳида ўрин тутганлар. Вақфларнинг аёллар томонида таъсис этилиши амалиётининг кенг тарқалганлиги эса Марказий Осиё анъанавий жамиятида аёллар ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлардан четда қолмаганликларини кўрсатади.

GANIYEV Avazbek Oybekovich
Senior lecturer at the department of Islamic studies and learning Islamic Civilization ICESCO International Islamic Academy of Uzbekistan

KHARAJ AND THE ZAKAT COLLECTION SYSTEM IN THE BUKHARA EMIRATE ON THE EVE OF THE RUSSIAN EMPIRE'S CONQUEST

Аннотация: *Мустамлака даврида Ўрта Осиёдаги мустамлакачилар анъанавий солиқ тизимини ишлаб чиқиш ва закот ва анъанавий ушр тизимларини бутунлай йўқ қилиш имкониятига эга бўлишди. Бу мақола мустамлакачиларнинг эски солиқ йиғиш тизимларини ва закот йиғимларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларининг сабабларини аниқлашни мақсад қилган. Ушбу тадқиқот империал кучлар тузуми даврида диққат марказида бўлган давлатлардаги ижтимоий-сиёсий*

[410] Ўз МА, 343-фонд, рўйхат- 1, инв. № 116/2.
[411] Ўз МА, 343-фонд, рўйхат-1, инв. № 125.

ҳаётни аниқлаштириш ва ўша даврдаги солиқ ва закот тизимларининг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Калит сўзлар: *Закот, харож, чор Россияси, солиқ, мустамлака ҳокимияти*

Аннотация: *В колониальное время царская Россия в Центральной Азии увидели возможность развить систему налогообложения и полностью положить конец закятам и традиционным системам десятины. Эта работа также пытается определить причины, по которым царская Россия предприняла действия по изменению старых систем сбора налогов, а также сборов закят. Это исследование намеревается прояснить общественно-политическую жизнь в стране, находящихся в центре внимания во время режима царской России, и выявить сходные и различные характеристики систем налогообложения и закята в этот период.*

Ключевые слова: *закят, херадж, Царская Россия, налогообложения, колониальная держава*

The Russians in Central Asia took serious steps to modernize existing laws and establish, as they saw more advanced criminal and civil laws in order to influence socio-cultural relationships in respective states. Nevertheless, these efforts to initiate social changes did not totally change, but only influenced the population, who involved in government-related jobs. However, the conditions of people did not change as colonists targeted, because of strong traditions and family cohesiveness in building Muslim identity in relation to the religion especially were the same as before the colonists' invasion. "For instance, the Russians' programme to integrate their language to the local schools' syllabus did not result in increasing the population's interest in their language anyhow."[412]

The legal proceedings of Central Asia were in the hands of the Imams. Collected zakat by the local zakat collectors (*amil*) or *aksakal* (Aksakal-translated from Uzbek as 'White-beard': An elder, a village headman who played an important role at the village level and related works such as to help in solving family, tax and land disputes) in the case of Uzbekistan.

Insight on these structural changes in governing the country will allow us to understand the situation, which specifically reflects the administration of the zakat and the kharaj systems. Russians conquered lands of Bukhara and Kokand

[412] Bartold, V. V. (1963) General Works on the History of the Central Asia. Oriental Literature. Moscow. See p. 307

khanates gradually. Later, in 1868 Russians moved towards Samarkand and conquered this important city on May 2.

Zakat collection system in the Bukhara Emirate. Three main officials, *kush-begi* and two main regional *zakatchi* who were responsible for the Eastern and the Western part of the Bukhara Emirate governed the Zakat administration respectively. The Western part of the Emirate consisted of the districts Kermine, Nurata, Khatyrchi, Ziyauddin, Katta-Kurgan, Penjshanbe, Mitan and Yany-Kurgan and the *Zakatchi* responsible for this region, and resided in the city of Khatyrchi. In the Eastern part of the Bukhara Emirate, Samarkand (Shevdar), Urgut, Penjakent, Chalek, Djizak and Ura-Tyube districts were governed by the *zakatchi* and resided in the city of Samarkand. In the densely populated places, the above-mentioned *zakatchis* had assistant representatives. The *zakatchi* of the Khatyrchi had 10 assistants, in each Katta-kurgan and Kermin were one permanent representative. In Nurata, the assistant of the main *zakatchi* visited regularly. The *zakatchi* assistant in Katta-Kurgan administered other neighbouring Penjshenbe, Mitan and Yany-Kurgan districts as well.

The *zakatchi* residing in Samarkand had 15 trusted assistant representatives in this Shevdar region. Additionally, in the districts of Chalek 4, in Jizak 7 and in Ura-Tyube 3 permanent assistant representatives were administering the zakat system. In Urgut, Penjakent and Zamin districts trusted assistant representatives visited on a regular basis. In the Amu-Darya River and in the nomads' locations a special *zakatchi* was appointed in order to collect *zakat-sawaim* (zakat on livestock).

***Kharaj* collection system.** Zerafshan valley lands were divided into *amlaki, Waqf, mulki-kharaj, mulk-ushri* and *mulk-hurra-khalis* land tenure types. The afore-mentioned lands are discussed, in more details below in this paragraph.

Amlaki lands were taxed *kharaj* in full amount. "Under the Bukhara Emirate, *kharaj* rate varied depending on the location and it was collected in the rate ranging from 20% to 33% (in high fertile locations) of the produce."[413] The *kharaj* rate for the *Waqf* lands was according to the prescribed rate in the contract of *Waqf*. *Mulk-hurra-khalis* lands, which switched into *waqf* lands, were free from *kharaj*. Mejov in his work explains, *"Kharaj* collected from the *Waqf* lands were according to the contract. Allocation of the collected *kharaj* amount in some cases half went to the state treasury and half-allocated to the

[413] Mejov, V. N. (1874). Notes of the Russian Emperors' geographic society, department of Statistics. Turkestanskiy Sbornik Vol. 4. Saint Petersburg. Edited by Yanson E. Y. p.p. 367-375

religious establishments. However, there are other *Waqf* contracts where the ratios of allocation of the collected *kharaj* were different, for instance, there was a case where 2/5 was allocated to the state budget and 3/5 was used by the owners' will. Another case was where 1/8 of the collected *kharaj* went to the state treasury and 7/8 allocated to the religious establishments."[414]

Kharaj is collected from the *mulki* lands as well. *Kharaj* collected was of the same rate as from the *amlaki* lands. These lands belonged to the state and collected *kharaj* served as a payment for the usage of the land of the state. Grebenkin points out that the "*Kharaj* collected from the *mulki* lands were in two types, first is *kharaj-muvazef,* which is definite and unchangeable. Second is *kharaj-maqasima,* its rate depends on the size of the produce. The first type of *kharaj* was taken from all lands whether; they are used or not used. This type of *kharaj-muvazef* was collected in the higher Zerafshan valley. Only in the Fan *beglik*, *kharaj-maqasima* and *kharaj-muvazef* existed at the same time."[415] In the higher Zerafshan, *Kharaj-maqasima* was collected in the rate of 20% of the produce. In the Falgar, Fan, and Yagnaob *begliks* this type of *kharaj-maqasima* was collected in cash and fixed amount, according to the market prices for wheat. In the *beglik* of Machinsk, half of the *kharaj* was paid in cash. However, due to a bad harvest, it was collected not in cash; but instead, they paid zakat due either in cloth or silk material, which they produced. Because of bad weather conditions, this region was always experiencing low crop yields.

In Zerafshan valley, *Mulk-kharaj* lands were also obliged to pay *kharaj-muvazef.* The rates were from one *tanab* (land measurement in Central Asia, usually 1 tanab equals to 40 meters square.) land of wheat produce 2 *tanga* (One *tanga* equals to 3.36 grams of silver). or 40 *kopeek* and plus 15 pounds (6.1 kilograms) of wheat grains. From one *tanab* of lucerne 2 *Tenge* and from one *tanab* fruit produce 12 *Tenge* and from one *tanab* of grape 18 *Tenge.* Zakat was collected from the *mulk-ushri* lands as well and the rate fixed at 10% of the produce. *Mulk-hurra-khalis* lands were not obliged to pay any type of taxes.

Kharaj collections during the colonial rule were practised in Central Asia same way as prior to imperialists arrival. However, the Russian authorities made some changes in the system of the collection. Before these changes, the local authorities calculated *kharaj* lands. Group of people such as *mulla* (literate person), *aryk-aksakal* (elderly person) and *mirab* (water supplier) examined

---

[414] Ibid. See p. 368

[415] Grebenkin, A. D. (1868). Notes on Kogistan (in Samarkand department). Turkestanskiy Sbornik Vol. 2. Saint Petersburg. P.p. 71-83

every piece of land in order to assign to the owner a certain amount to pay as a *kharaj*. In this way, the so-called team of collectors made a list of records of the whole area that were required to pay *kharaj* for the upcoming term. This complete *kharaj* payment due list of records was then sent to *Bek* (Governor of the District). During his possession of the records list, any person who was on this list had the chance to ask with a valid reason (usually financial problems) to omit his obligation to pay *kharaj* for that term, from him directly. After the *Bek* issued the final ordinance for *kharaj* collection, no one could change it.

The *kharaj* collection during 1866 in Tashkent reduced dramatically, compared to the previous year. Its amount fell from 180,000 Roubles in 1865 to 80,000 Roubles in 1866. "The reason why there was such a drastic change was due to structural changes that Russians brought into this collection system."[416] After a few years of decline in the collections of the *kharaj* amount, results started to increase and the revenue in budget ascended as well. The reason why collections were few, it was due to Russians' strictness in the demand for the tax collection. They never omitted anyone from the payers' due list. The Other reason for the increase was due to a reduction of the labour cost during the collections. As Mejov points out: "Some changes occurred and it was characterized by the appointment of the *aksakals* (elderly of the village) who now, were directly passing collected money to the Russian authorities."[417] Prior to 1871, before the Russians brought changes into the *kharaj* collections system, it was managed by the *amlakdars* (local leaders to collect zakat) appointed by the *Bek*.

In the Bukhara Emirate, every district had one responsible person who was the head of the tax collections. This person called serker, who had a team of subordinates in order to make a list of records of payers, with the information about the amount of payment as well as with actual collection itself. Afore-mentioned subordinate collectors were darg, amin, mirza and jigit. Every darg was responsible for one dakha. These dakhas existed until 1872 when the Russians changed their name into volost or village communities. In the Bukhara Emirate, such division into dakhas, enabled collectors to work in an easy way and collected taxes from all over the area within a given period. Most of the dakhas were under the control of the local police or amin. His role was to control the produce after it was collected and put into bundles before the serker

[416] Mejov, V. N (1867) Population, income and expenditure of the Turkestan region. Turkestanskiy Sbornik. Sovremennaya Letopis. №24. July 2nd, 1867. P.p. 201-203.

[417] Mejov, V. N. (1875) Taxation system of Turkestan. Turkestanskiy Sbornik. Vol 152. Golos № 134. Saint Petersburg. 1875. P.p. 37-39.

came to measure them and assign the tax amount. He made sure that after the collection of the yield no one could steal or move part of the yield, in order to hide part of the produce that was due to kharaj, tanab or zakat. In some dakhas, these amins number depended on how big was the locality if the area was big; the number of amins reached up to four. The role of the jigit was designated as a messenger. In this way, in every amlakstvo, collection system came under the administration of the serker and his subordinates darga, mirza and jigit who assist him in anyways. However, they did not receive any wages from the collected money and it did not change after the Russians' arrival. The Russians re-established the collection of kafsen, and it was collected from farmers; then collected amount of kafsen was given to the collectors as a remuneration, which was around 10% of the collected taxes. As Sobolev points out, In Zerafshan region, around 1000 people were involved in the collection of the aforementioned taxes. Moreover, many village amins and aksakals were involved. Most of the collectors were not assigned any fixed salary; however, they had to be given a certain amount from the collected money as a reward. In Zerafshan okrug remuneration rate was 2.5% from the collected amount. However, Sobolev writes that the "Conquered regions by Russian in the earlier period, such as in Syr-Darya and Semirechensk oblasts were assigned remuneration of 5 to 10 % from the total collected amount."[418] Russians explained a difference in the remunerations that in the Bukhara Emirate additional, wage for the collectors' kafsen was re-established, amounting up to 10% from the collected amount.

Every year, at the beginning of March, serkers, together with his assistants' march in their area of responsibility, in order to make a list of records on taxes to be collected. Mirzas, assistants of a serker prepared these lists. In order to receive a reliable list of records for taxes due, it was necessary to calculate the tanab and kosh-pul lands in detail. All these counting were hard work to accomplish only by the mirzas alone in a whole district. It was important for the mirza to know the previous year's results, as to whether the irrigated land was the same size as compared to the previous year. The tanabchi periodically calculated the land size. If a new canal was going to open, the tanabchi knew how many acres of land this waterway was capable to irrigate and they added the new dimensions to the previous year's results. Hence, the tax of kosh-pul was defined according to the new size of the land. For the tanab collected from

[418]Sobolev, L. N (1874) Insights on the Zerafshan Okrug taxation system. Turkestanskiy Sbornik. Vol. 90. Saint Petersburg. See p. 351-352

the yield of fruits and vegetables, it was difficult to estimate the amount of the tax payment beforehand. Factors such as weather conditions and watering of the farmlands hindered the correct estimation of the expected yield. Mirzas used this chance to visit every farmland, personally estimate expected yield, and pre-agree with the farmer the payment amount as tanab. These record lists were not always checked by the serkers due to their commitment with the other types of taxes. For example, right after the tanab collections record list was ready; the serker had to focus on the record list of the taxes to be collected from the kharaj lands. This records list was very detailed and every person who had even a small land was included in this record list.

Kharaj records lists were compiled in the following way: instructed by the serkers, the dargs had to make sure that yielded crops were amassed by the farmers in stacks and the bundles. Darg observed these compiled bundles, after that he requested farmers not to move or hide any yield. At the field, farmers had to grind their cereals, during the process dargs made sure everything went well. After the grinding process ended, dargs sealed every bundle of the wheat with special clay from four sides, to make sure that wheat would not be stolen. For their work, Dargs received as a remuneration a certain amount of wheat.

The amount of the yield which had to be collected as a tax to the treasury depended on the amount of the bundle and it was determined Sobolev points out that during the measurement occurred "…in the presence of Serkers, mirzas, dargs, amin, aksakal, local dwellers and some officials of the Beg. With the consent of the owner of the yield, the payment amount as kharaj written down in the paygir (records)."[419] If the farmer had any hesitation regarding the due payment amount, his yield was re-measured and due payment written down in the list of records. The above-mentioned way of making the list of records on taxes was used for all types of yield upon their maturity. *Kharaji* records list was divided into two types: records of the white (ok) and blue (ko'k). The white record lists consist of the land produce, which ripened early, for instance, barley and wheat. The blue record list consisted of the yield ripen later, for example, corn, paddy and millet.

Collection of the kharaj from land produces were organized according to the list of records compiled by the aksakals, amins, darga and other relevant people appointed by the serkers, and all the collected amount brought to the serkers. Sobolev explains that: "When the Zerafshan region still was under the

[419] Sobolev, L. N (1874) Insights on the Zerafshan Okrug taxation system. Turkestanskiy Sbornik. Vol. 90. Saint Petersburg. See p. 351-352

Bukhara Emirate, collected kharaji money were spent as wages to the employees, officers as well as military servants."[420] In Zerafshan Okrug, at the beginning of the Imperial reign, the Russians did not manage to achieve success towards the taxation system administration, as they pursued. They did not want to hire land measurers (tanabchi), due to the extra costs and unavailability of the necessary funds to maintain the new system for collection. Even Russian researcher Sobolev concluded that it was better not to change the whole taxation system and study this system more in order to gain control over, in stages. Even though the local taxation and zakat system was more efficient than what the Russians could offer, of course, it also had some inaccuracies due to the human factor, but it was functioning better than after the Russian conquest. Nevertheless, in the minds of the conquerors, the question of taking control of this system existed. As a result, they could use the collected funds for their own purposes instead of the local society's benefit as used to be before their conquest.

АБДУЛЛАЖАНОВА Нигора Турдиалиевна
Наманган муҳандислик қурилиш институти ўқитувчиси

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Аннотация: *В статьи рассмотрены мысли Абу Райхана Беруни о вопросах культуры. Автор указывает значение научного наследия великого мыслителя в примерах произведений «Памятники минувших поколений», «Индия» и «Минералогия».*

Ключевые слова: *Абу Райхан Беруни, культура, «Памятники минувших поколений», «Индия», «Минералогия», язык, праздники.*

Annotation: *In paper it was considered thoughts of Abu Rayhan Beruni about questions of the culture. The Author indicates importance of the scientific heritage of the great thinker in example of his products "Chronology", "India" and "Mineralogy".*

Key words: *Abu Rayhan Beruni, culture, "Chronology", "India" "Mineralogy", language, holidays.*

[420] Ibid. See p.353

Қомусий аллома, дея эътироф этилган Абу Райҳон Беруний илмий мероси илм-фаннинг деярли барча соҳаларига тааллуқлидир. Жумладан, халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маросимларини ўрганувчи этнография фанига доир маълумотларни ҳам унинг асарларидан етарлича топиш мумкин. Шунингдек, Беруний илмий меросида санъат ва маданият масаларига доир фикрлар, мазкур соҳага оид мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Қайд этиш лозимки, алломанинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб ҳикоятлар ҳам маданий бойлик сифатида юртимиз ва жаҳон маданияти хазинасидан муносиб жой олган.

Ҳаёти давомида 150 дан ортиқ асар яратган алломанинг шоҳ асарлари ҳисобланувчи "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Ҳиндистон" , кабиларда турли халқлар урф-одатлари баён етилган. Масалан, Берунийнинг "Ал-Осор ал-боқийа ан қурун ал-холийя" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") асарини олайлик. Номидан ҳам кўриниб турибдики, китоб Беруний даврига келиб деярли унут бўлган ёки чалкашиб кетган кўплаб халқларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги ёдгорликдир. Академик Ю.И. Крачковский томонидан ҳозир ҳам Яқин Шарқ илмий адабиётида бу китобга тенг келадиган асар йўқлигини эътироф этилиши[421]нинг ўзиёқ унинг қандай қимматга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Аслида, астрономик ва фуқаровий хронология тарихига[422] бағишланган мазкур асарда юнон, рум, эроний, суғд, хоразм, қибтий (мисрлик) халқлари ва ҳарроний (юлдузга топинувчи), христиан, яҳудий, ислом динига эътиқод қилувчиларнинг йил ҳисобларини баён этиш асносида уларнинг урф-одатлари, байрамлари ва маросимлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Таниқли олим П.Г. Булгаков мазкур асарни бежиз ўтмиш авлодларга ёдгорлик деб атамаган[423]. Ҳақиқатдан ҳам асарда кўпгина халқларга тегишли бўлган ойлар ва уларнинг кунларига бағишланган одат, ирим, байрамлар номма-ном, кўп ўринларда изоҳи билан санаб ўтилганлигининг гувоҳи бўламиз. Эътиборлиси шундаки, аллома "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"и бошида бу борада қандай услубларни қўллаганлигини баён этган: "Ақлий нарсалардан далил келтириш, кузатилган [нарсаларга] қиёс қилиш йўли билан у хабарларни

[421] Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.IV. –М.-Л. 1964. С.244.

[422] Берунийнинг ушбу асарини дастлаб Европага маълум бўлганида ҳам унинг номи "Қадимги халқлар хронологияси" деб таржима қилинган ва илмий адабиётларда қисқартма шаклда "Хронология" деб аталади. Қаранг: Chronologie Orientalischer Völker von Albiruni herausagegeben von Dr. E.Sachau. Leipzig. ("Шарқ халқлари хронологияси"). 1976-1878. The Chronology of ancient nations. London. 1879. ("Қадимги халқлар хронологияси").

[423] Булгаков П.Г. Жизнь и труды Бируни. Т.: Фан, 1972. С.95.

билиб бўлмайди. Буни фақат “китоб аҳллари” (христианлар, яҳудийлар ва зардуштийлар – изоҳ А.Расуловники) ва турли дин арбобларига, шу [эътиқодларга] амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш ва уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан билинади. Сўнгра буни кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзини тозалагандан кейин уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади”[424]. Эътибор берилса, асардан келтирилган фикрнинг сўнгги қисми объективлик тамойилини ифодалайди.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида маданиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлган тил ва унинг келиб чиқишига оид қикрларини ёзиб қолдирган. Масалан, алломанинг ёзишича, тил сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Тилнинг вазифаси шуки, унда киши бир нарсани айтганда бошқаси ҳалигининг мақсадини дарҳол англаши керак[425]. Ўз фикрини давом эттирар экан, Беруний тилларнинг турлича бўлишига сабаб сифатида қуйидагиларни ёзган: “Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларини ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган[426]”.

Беруний маданий қадрият ҳисобланувчи байрамларнинг келиб чиқиши ва ўтказилишига оид ҳам қимматли фикрлар ёзиб қолдирган. Масалан, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг эронликлар ойларидаги ҳайитлар ва машҳур кунлар деб номланган бўлимида ҳайит (байрам)ларнинг баъзиси дунёвий ишлар учун, баъзиси диний ишлар учун белгиланганлиги қайд этилган. Байрамларнинг “дунёвийлари мукаррам ҳайитлар ва улуғ кунлар бўлиб, подшоҳлар, раислар шу кунларда маросимлар ўтказганлар ва улар орқали нафсларини севинтиришга, руҳларини шодлантиришга эришганлар ҳамда мақтов ва мадҳга сазовор бўлганлар, одамларнинг муҳаббатини жалб этганлар ва дуосини олганлар. Улар ўша кунларда оддий халқ учун ҳам бир турли

---

[424] Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.: Фан, 1968. Б.40.

[425] Беруний Абу Райҳон. 100 ҳикмат. Ибратли сўзлар. –Т.: Фан, 1993. Б.9

[426] Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. -Т.: Фан, 1968. Б.236.

маросим келтириб чиқарганлар. Оддий халқ маросимни адо этиб, подшоҳ ва амирларнинг шодликларига қўшилар, уларга ихлос билан бўйсуниб хизмат қилаётганини изҳор этарди. Ана шу ҳайитлар фақирлар ҳаётининг танглигини кенгликка айлантирувчи, умидларнинг орзуларини юзага чиқарувчи ва ҳалокатга яқинлашганларни хатар ва балодан қутқарувчи сабабларнинг бири бўлди[427]". Ушбу фикрлари билан аллома байрамларнинг моҳияти ва умуминсоний қадрият сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб берган. Шуниндек, аллома Наврўз байрами ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Ўзбек этнографлари учун "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ислом дини кириб келгунга қадар юртимиз ҳудудида яшаган аждодларимиз амал қилган йил ҳисоби, урф-одатлар, ўтказган байрам ва маросимлар ҳақида хабар берувчи муҳим манба ҳисобланади. Таниқли ўзбек элшуноси К.Ш. Шониёзовнинг "Беруний асарларида этнографияга оид материаллар[428]" деб номланган мақоласи ҳалқлар ва қабилалар, улар анъаналари, одатлари, эътиқодлари, маросим таомлари, исломгача бўлган даврдаги динлари, умуман, ўзбек халқи этногенези ва тарихий этнографиясига бевосита дахлдор бўлган масалалар хусусидадир. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам шу номдаги мақоласида мазкур тадқиқот кўламини ривожлантирган[429]. Ҳозирги даврда илмий тадқиқоти жараёнида мазкур асарга мурожаат қилмаган элшуносни топиш мушкул. Унда берилган маълумотларнинг ўзигина эмас, юқорида қайд этилган услублар ҳам тадқиқотчи учун ибрат олса арзирлидир.

Услубига кўра "Ёдгорликлар"га ўхшаш ҳисобланувчи "Ҳиндистон" асарида ҳам шундай ҳолатни кузатамиз. Олимлар уларнинг ҳар иккаласини, аввало, тарихий-этнографик, сўнгра табиий-илмий асарлар сифатида баҳолайдилар[430]. Асосан, аниқ ва табиий фанлар соҳасига бағишланган "Геодезия" ва "Минералогия" асарларида ҳам маданият ва унинг ривожига доир кўплаб фикрларни учратамиз.

---

[427] Ўша китоб. Б.252-253.

[428] Шониёзов К.Ш. Беруний асарларида этнографияга оид материаллар/ Беруний ва ижтимоий фанлар. Т.: Фан, 1973. Б.128-136. Мазкур мақола Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Геодезия", "Минералогия" асарлари асосида ёзилган.

[429] Абдуллажанова Н. Абу Райҳон Беруний илмий меросида этнографик материаллар/ Маънавий мерос – ёшлар тадқиқотларида. Республика ёш олимлар илмий тўплами. Т., 2011. Б.185-190.

[430] Булгаков П.Г. Жизнь и труды Бируни. С.208.

“Ҳиндистон” асарини ёзишдан аввал Беруний ёзма манбалар билан бир қаторда оғзаки сўров асосида йиғилган[431] маълумотлардан фойдаланиб бой материал тўплаган. Асарда қиёсий услуб етакчилик қилади. Масалан, у мазкур услуб ёрдамида ҳиндлар назарияларини қадимги юнонлар қарашлари билан таққослаган[432]. Ҳиндларнинг динга муносабатини ўрганиб, уни мусулмонларники билан солиштирган аллома бу борада шундай ёзган: “Биз улар топинганларнинг ҳеч бирини тан олмаймиз ва улар биз эътиқод қилганларнинг ҳеч қайси бирини қабул қилмайдилар”[433]. Мазкур китоб тарих ва этнография соҳасида ғоят қимматли маълумотлар жамланганлиги билан ажралиб туради.

Абу Райҳон Беруний асарларини маданият тарихига оид муҳим манба деб аташ ўринлидир. Уларда адабиётга оид мисолларни ҳам кўплаб учратамиз. Аллома “Минералогия” асарида шеърий парчалардан мисоллар келтирган. 1179-1229 йилларда яшаб ижод қилган олми Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ул-удабо” асарида эса Беруний қаламига мансуб шеърлар келтирилган[434].

Умуман олганда, Шарқ Уйғониш даврида яшаб ижод қилган мутафаккирларинг аксарияти қомусий билим соҳиблари бўлганлар. Улар яратган асарлар санъат ва маданият соҳасидаги назарий билимлар бўйича қимматли манба ҳисобланади. Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси мисолида бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур манбалар яна қатор фан соҳаларининг тадқиқот объекти сифатида ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

---

[431] Ўша китоб. Б.206.

[432] Ўша китоб. Б.207.

[433] Аль-Бируни Абу-Рейхан Мухаммед ибн Ахмед. Избранные произведения. Т.2. Индия. - Т.: Издательство АН УзССР, 1963. С.65.

[434] Беруний Абу Райҳон. 100 ҳикмат. Ибратли сўзлар. –Т.: Фан, 1993. Б.16-18.

ЖЎРАЕВА Феруза Шукуровна
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Араб филологияси” кафедраси
ўқитувчиси, эркин тадқиқотчи

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДА ХИТОБАНИНГ МАҚОМИ

Аннотация: *В статье рассматривается статус древне арабского литературного прозаического жанра «хитаба» -«ораторская речь» в период ранне исламской эпохи. Главный акцент сделан на выяснении причин быстрому и эффективному развитию жанра «хитаба» в эпоху раннего ислама. Значительное внимание уделяется на раскрытии могущественной силы ораторской речи во все времена, в особенности в период появления новой религии –ислама на Аравийском полуострове. Даётся некоторые общеизвестные описании термина «хитаба» и обосновывается роль этого жанра в период становления исламской государственности. В статье исследуются также характерные черты исламской ораторской речи и приведены важные научные взгляды ряда авторов. В заключении автор статьи замечает что арабская «хитаба» до сих пор существует в современном мире в исламизированных обществах, и призывает быть очень внимательным к тексту публичной речи и каждому слову в ней.*

Ключевые слова: *жанр, ранне исламская эпоха, хитаба или ораторская речь, могущество, слово, статус.*

Annotation: *The article considers the status of the ancient Arabic literary prose genre "khitaba" - "oratorical speech" during the early Islamic era. The main focus is on finding out the reasons for the rapid and effective development of the khitaba genre in the early Islamic era. Considerable attention is paid to the disclosure of the powerful power of oratory at all times, especially during the emergence of a new religion –Islam in the Arabian Peninsula. Some well-known descriptions of the term "khitaba" are given and the role of this genre in the period of formation of the Islamic state is justified. The article also examines the characteristic features of Islamic oratory and presents important scientific views of a number of authors. In conclusion, the author of the article notes that the Arabic "khitaba" still exists in the modern world in Islamized societies, and urges to be very attentive to the text of public speech and every word in it.*

Key words: *genre, the early Islamic era, khitaba or oratorical speech, power, word, status.*

Ислом дини инсониятни яхшиликка, ҳалолликка, инсонлар ўртасида жуда илиқ инсоний муносабатлар яратишга ва ўзаро ҳамжиҳат бўлиб тинч-осойишта яшашга ундайдиган мукаммал дин бўлиб юборилди. Ислом дини ўзидан аввалги жоҳилият замонларидаги ҳаёт тарзига, инсон манфаатларига зид, унинг ҳуқуқларини таҳқирлайдиган ҳар қандай одат-анъаналарга бутунлай қарши чиқди. Шу боис, Арабистон ярим оролида ислом дини пайдо бўлгунгача бўлган давр кейинчалик илмсизлик, жаҳолат даври деб номланди.

Айтиш жоизки, ҳали ўз жаҳолати қобиқларининг ич-ичида турган ва ундан кўп ҳолларда халос бўлишни ҳам истамаган оммага - ислом дини инсон зотини қандай улуғлаши, унинг шаръий ҳукмлари ҳар қандай вазиятга нисбатан адолат ва тенглик тамойиллари асосида иш кўриши, бу диннинг асоси ўзаро низо- адоватларга барҳам бериш, ботиний ва зоҳирий софлик, инсонлар ўртасида меҳр-муҳаббат, оқибатни кучайтириш эвазига доимий тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилганини тушунтириш осон иш эмас эди.

Негаки, биз араб халқининг қадимдан нотиқлик санъати бўйича улкан маҳоратга эга эканликларидан хабардормиз..” Араблар қадимдан нутқ санъатида ва импровизация – тўсатдан юксак даражада сўзлай олиш, нутқларида етук бадииятга интилиш бўйича алоҳида ажралиб турадилар”[435] ёки “Араблар араб тилини юксак қадрлайдилар, бу тил уларнинг хулқ-атворига ҳайратланарли даражада руҳий таъсир ўтказади. Араб олимлари деярли барча тиллар унда сўзлашувчилар ва уларнинг маданиятидан таъсирланишини биладилар, бироқ араб тили ундан фойланувчиларга маданият ва руҳият орқали таъсир ўтказади. Баъзи араб риторик олимлари, инглиз тили ҳеч қачон араб тили билан, ҳатто араб тилигагина хос бўлган; унинг эшитувчилар ҳис-туйғуларига таъсир қила оладиган мутлақ қудрати бўйича ҳам беллаша олмайди деб ишонадилар. Улар яна айтадиларки, дунёда бирон халқ,миллат арабларчалик, бадиий таъбир,каломдан шу қадар юксак фахрлана олмайди-хоҳ у айтилган

[435] Д.Муҳаммад Ҳадир Файаад Ал Ҳамадааний “Хасаисун насрил ислаамиййи “Ал хитабатату инмуузажан” Route educational and social Sce Journal, Volume 5(3) March 2018,p-171

ва ҳох у ёзилган бўлсин[436]. Шу боис ҳам азал-азалдан ана шундай нотиқлиги, сўзамоллиги билан танилган араб қабилалари билан юзма-юз туриб, уларни маҳлиё қиладиган даражада айтиладиган сўз, даъватга илк ислом даврида улкан эҳтиёж туғилди.

Бундай улуғ иш ва бундай улкан масъулият эса араб адабиётида жоҳилиятда юксак мақомни эгаллаб келган шеърият эмас, балки наср елкасига, яна ҳам аниқроғи, хитобаларга юклатилди.

Хитоба адабий наср тури бўлиб, у сажъ –қофияли насрдаги каломдир, ва у ҳам худди рисола каби боши ва охирига эга"[437], "Энг яхши хитоб-нутқ бу хитобадир ва у юзма-юз туриб сўз орқали учрашишдир"[438], "Хитобада тартибга солинган етук сўз санъати бор, бунга сабаб нотиқнинг ўз нутқига эътибор қаратиб, сўзни танлаб олишидир"[439], "Хитоба қобилияти инсон билан баравар туғилади, яъни у инсон ўзининг ичидаги, ботиний нарсаларни баён этиши,тилига чиқариши, ўзи айтган гаплари ва фикрининг тўғрилигига бошқаларни ишонтиришга бўлган эҳтиёжи қондирилиши учун берилгандир."[440]

Хитобага берилган таърифларни узоқ давом эттириш мумкин, аммо уларнинг ҳар бири ўзича беқиёс ва бири бирига ўхшамайди. Фикримизча, бундай ноякдилликнинг сабаби хитоба, нотиқлик –сўз санъати сифатида, аввалambор инсоннинг олий мавжудот сифатидаги тафаккури, ақли, ҳисларини ифодалаш усул, қолаверса, ҳар қандай тилнинг чексиз имкониятларини турли хил услубларда, рангларда, шаклларда ва маъноларда бера олиш санъатидир. Хитобанинг барча таърифларидаги ягона умумийлик унинг оғзаки бўлиши ва кимгадир ёки бирон жамоага юзма- юз туриб айтилиши жиҳатидир.

Аммо ҳар жумъа кунларида намознинг бир қисми сифатида, икки ҳайит байрамларида ёки никоҳ маросимларида ўқиладиган хутба билан илк ислом даврида араб адабиётида, хусусан насрида етакчилик

---

[436] Philip, K. Xitti "History of the Arabs" The third edition .revised. Macmillan and Co., Limited.St. Martin's street, London 1946.Part 1, Pre Islamic age /pp-107 Available at: www.thecsspoint.com

[437] Ибн Манзур "Лисаанул араб" 1990,Даарус саадир,Байрут,Лубнан, с-361, маддатун(хутаб)

[438] Аз Замахшарий(д.т) "Асаасул балаағати" ж-й.Дарул кутуб алъилмиййати,Лубнан,с-112.

[439] Ал Ҳавафий ,Аҳмад Муҳаммад,1972 "Фаннул хитаабати" т-4,Даару наҳдати Мисра лит тибааъати ван нашри. Ал фажжаалату, Ал Қааҳирату,с-5

[440]Аш шайх Али Маҳфуз,Фаннул хитаабати ва иъдаадул хатиибиби..,Даарул иътисаам Алқаҳирату, с-20

қилган хитобаларни айни бир нарса деб ўйлаш ножоиздир. Сабаби, бундай вазиятлардаги хутбалар илк ислом анъаналарининг таркибий қисми сифатида, тилга олинган вазиятларда ҳамиша бир хил матнда айтилади ва эшитувчиларга ушбу диний одатларнинг муқаддаслиги ва аниқ қоидалар билан амалга оширилиши лозимлигидан хабар беради.

Юксак сўз санъати сифатида туғилган бадиий сўз -хитоба эса араб халқининг энг қадимий, насрий адабий меросидир. Жоҳилиятдаги хитобалардан мақсад томонлар орасини ислоҳ қилиш; уруш оловини ўчириш; хун талаб қилиш; мулкни кўпайтириш; мол-мулк бўйича келишувларни тасдиқлаш; хавф-хатарлардан огоҳ этиш ва умуман одамлар орасида овоз чиқариб, уни кенг тарқатиш, шов-шув қилиш истагидаги ҳар қандай мавзуларни ёритиш эди.[441]

Ислом дини эса араблар ҳаётида улкан воқеа, янги саҳифани акс эттирди, араблар ўзаро кучли хусуматлашувчи қабилалардан бир-бирларига раҳм-шафқат ришталари билан боғланган ягона жамоага айланди. Айнан ислом дини фазилати билан яқин-яқинларгача қон душман бўлган қабилалар сиёсий, диний жиҳатдан бирлашдилар, уларнинг ижтимоий, ақлий ва иқтисодий ҳаётларида ривожланиш рўй берди, табиийки, уларнинг адабиёти: шеър ва наср ҳам ривожланди. Эътибор қилиш жоизки, хитоба жанрининг ривожланиши илк ислом давридаги бошқа адабий насрий жанрларга қараганда жадалроқ ва кенгроқ содир бўлди. Ҳаттоки ислом пайғамбарининг ўзи ҳам қавмига юзланиб, инсониятга ҳидоят қилиб йўлланган ушбу динни қабул қилишга даъват қилишда ва сўзларининг ҳақлигига уларни ишонтиришда энг асосий воситаси сифатида айнан хитобани танлаган эди. Исломий хитобаларда қабилавий руҳ йўқолди ва унинг мавзулари янгиланди: мусулмонларни дунё ва охират учун яхши аъмоллар қилишга чорловчи, тўғри йўл кўрсатувчи ваъзлар-диний хитобалар кўпайди. Ҳар бир фирқа, жамоа бирон ишни бошқариши, ўзининг ҳақлигини исботлаши учун ўз хатибларига эга бўлдилар ва сиёсий хитобалар мавзуларининг асосини ташкил этдилар. Аммо кўп ҳолларда сиёсий хитобалар ҳам диний хитобаларга яқинлашиб қолар

[441] Усмон Маваафи “Фи назариййати ал-адаб ал-арабиййи мин қадаайи аш-шиъри ван-насри фин-накди ал-арабиййи ал-қадим, Дарул маърифати ал жаамиъиййати, 2002, жузъ-1,саҳифа-67

эди.[442] Яна хитоба мавзулари орасида Расуллулоҳ с.а.в.га, унинг халифаларига, турли ҳил қабилалар номидан юборилган элчиларнинг табриклаб ёки ҳамдардлик билдириб, мадҳ қилиб ёки шикоят қилиб ўзлари ва қавмларининг ҳожатларини ифода этган нутқларини ҳам киритиш мумкин эдики, булар араблар ҳаётининг ижтимоий мавзуларини қамраб олган эди.

“Давлат насрга айланди,у билан расулоллоҳ ўз қавмини исломга даъват қилди; у орқали шоҳлар билан ёзишди; у орқали аҳдлар ёзди ва у орқали динни шарҳлади. Худди шундай, ундан сўнг унинг саҳобалари ҳокимият тепасига келишгач, хитобаларида шу ишларни амалга оширдилар; раҳнамоларига мажбуриятларни аниқ-тиниқ белгилаб бериш, турли юмушларни буюриш, вилоятлардаги ҳокимларига маслаҳат-кўрсатмалар бериш ва Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишга даъватларда шу насрдан фойдаландилар. Кейин эса аср охирига бориб, эътиқод масалалари бўйича баҳс-тортишувлар ва томонларнинг далил-исбот келтиришини осонлаштиришда яна сўз санъати кўпайди, худди шундай волийларнинг айбларини изҳор қилиш ва ва уларнинг обрўсини тўкишда ҳам сўзга мурожаат кўпайди”[443]. Илк ислом даврида юқорида тилга олганимиздек, араблар узоқ йиллар давомида яшаган қабилавий ҳаёт тарзи энди аниқ тамойилларга асосланган янги давлатга айлана бошлади. Шу маънода, исломий давлат манфаатлари ошди ва наср айни жараёнда ҳокимлар ва уларнинг қўл остидагилар, бошлиқлар ва уларга эргашувчилар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун янги самарали таъбир воситасига айланди.

“Исломда хитоба унинг ичида тинимсиз ҳаракатланаётган ҳаётнинг манзарасидир, бу манзараларда хитоба ушбу динни қалбдан қалбга етказади, фикрдан фикрга кўчади, замон эса унда авлоддан авлодга ўтади. Макон сифатида хитоба юртдан юртга кўчиб юради.”[444]

Исломни англаб етган арабларнинг тили - исломгача шеърият ва наср тили бўлган калом эришгандан кўра, хитобалар, рисолалар ва

---

[442] Д.Муҳаммад Ҳадир Файаад Ал Ҳамадааний “Хасааисун насрил ислаамиййи “Ал хитабатату инмуузажан” Route educational and social Sce Journal,Volume 5(3) March 2018, p-164

[443] Тарих ал адаб аларабиййи фи ъусурил садрил ислам вад давлатил уммавиййати/Мустафа Маҳмуд/ Т/Алҳалабий/ ж-1/с-43/

[444] Маъа аллаҳи.Муҳаммад Ал Ғаззалий Даарул кутуб ал исламиййати.Ал Қаҳирату,т-5, 1401/1981 с-8-9.

сўзлашув-мулоқот каби бошқа адабий турлар орқали юқорироқ даражага кўтарилди. Бунга сабаб шуки, исломни идрок этганлар башариятни лол қолдирган юқори даражадаги Қуръони Карим ва ҳадис тилини тинглашганидан эди.[445] Дарҳақиқат, илк ислом даври хитобаларининг жоҳилиятдаги хитобалардан кескин фарқи – бундай хитобалар қандай пайтда, қандай вазиятга қараб айтилишидан қатъий назар, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардан ўринли иқтибослар келтириш ва хитобаларни анъанавий таркибий қисмлар: Аллоҳни ҳамд этиш, унинг пайғамбарига салавотлар айтиш ва “амма баъд” жумласи билан бошлаш эди. Хитобаларнинг илк ислом давридаги мақомини таҳлил этарканмиз, Қуръони Каримнинг Арабистон ярим оролидаги барча мусулмонлар ўртасидаги хитоб тилини бирлаштирганлиги ҳақиқатини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топамиз.[446]

Демак, хитоба илк ислом даврида, баъзи араб адабиёти тарихчилари таъбирича, олтин асрни бошдан кечирди. Бунга сабаб эса, юқорида таъкидлаганимиз муқаддас диннинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти ва жамият ҳаётини қамраб олувчи янги қонун-қоидаларини одамлар орасида имкон қадар тез ва кенг тарқатишга ,тушунтиришга ва бу дин ҳақида маълумот берилган эшитувчилар жамоаларини ишонтиришга ва ўз тарафларига жалб қилишга бўлган жуда катта эҳтиёж эди. Бу эҳтиёжнинг қандай қондирилгани, араблардаги нотиқлик санъати намуналари- хитобалар қандай мўъжизавий қудратни намоён этганига бугун ислом динининг бутун дунё динлари орасидаги нуфузи ва у илгари сурган ва сураётган умуминсоний қадриятлари мисолида кўз олдимизга келтириш қийин эмас.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, араб нотиқлик санъати намуналари –хитобалар илк ислом даврида жуда юқори мартабага эришди. Бироқ бундай хитобалар орадан қарийб бир ярим мингга яқин йил ўтса ҳам, исломий жамиятдан бутунлай чиқиб кетгани йўқ ва энг ҳайратланарлиси, вақт ва макон ўзгаришларидан азият чеккани ҳам йўқ. Негаки ислом маданияти, унинг улкан буюк мероси йилдан

---

[445] Муқаддимату Ибн Халдун /Абдурраҳман Муҳаммад бин Халдун ТАбдулло Муҳаммад Ад Дарвиш/Даарул араб/ж-3/с-315/.

[446] Д.Муҳаммад Ҳадир Файаад Ал Ҳамадааний “Хасааисун насрил ислаамиййи “Ал хитабатату инмуузажан” Route educational and social Sce Journal,Volume 5(3) March 2018,p-166

йилга ўзининг янги-янги маъноларини кашф этмоқда, инсоннинг азалий руҳий- маънавий эҳтиёжларини қондиришга янги даврларда ўзгармас жавҳари Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар орқали кўмак бериб келмоқда. Бизнинг замонимизда, нотиқлик санъати ҳали ҳам юксак санъат ҳисобланади, аммо унинг инсоннинг ақли, шуурига фақат яхшилик сингдириш; у яшаётган жамиятни ҳар томонлама тараққий эттиришга ҳисса қўшишга ундаш каби муқаддас вазифаларни дастурил амал қилган хатиблар ва хитобалар яратилиши айниқса жуда муҳимдир. Негаки, хитобадаги энг муҳим омил, бу-хатибнинг ўз фикрини эшитувчиларга тўғри изоҳлаб, шарҳлаб, тушунтириб бериши ва эшитувчилар унга ишонишлари учун аниқ ва яққол исбот-далиллар келтира олишидир. Негаки, эшитувчиларни қандай йўлга ундаш, уларни нимага ишонтириш ва эргаштириш моҳир хатибнинг мақсад ва тамойиллари билан чамбарчас боғлиқ.

Хотима ўрнида айтмоқчи эдикки, бугун ҳам хитобалар, хутбалар ислом маданий мероси сифатида, нотиқлик санъатининг буюк куч –қудратини ўзига жо қилиб яшаётган экан, хитобаларда айтиладиган ҳар бир сўз, ҳар бир оҳангга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, “хитобада ҳам ақлий ҳам ҳиссий чегараларгача кириб борилади, унда барча илму фанлар акс этади. Хитобада бундай хилма хилликнинг қай биригадир юксаклик, қай биригадир фақирлик етмайди;чунки хитобанинг ҳукмига кирмайдиган, унга итоат этмайдиган бирон нарса йўқдир. Шу боис ҳам, уламолар хитобанинг масъулияти ҳақида шундай дейдилар: хатиб имкони етадиган даражада барча(кўп)илму санъатларни ўзида жамлаган бўлиши ва ҳар кунликда илмини оширишга астойдил жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши керак”.[447]

[447] Аш шайху Али Маҳфуз ,Фаннул хитоба ва иъдаад ал хатииби..Дарул Иътисами, Ал Қаҳирату, с-13.

МУБИНОВ Мухаммадали Акобирович
Преподаватель кафедры "Истории Бухары"
Бухарский Государственный Университет

ИЗУЧЕНИЕ РОЛИ ТЕОЛОГОВ-БУХАРЦЕВ В ФОРМИРОВАНИИ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Аннотация: *Ушбу мақолада Бухоро олим-илоҳиётчиларининг ҳаёти ва фаолияти тадқиқ этилган. Уларнинг ислом маданиятига қўшган ҳиссалари таҳлил қилинган. Бу ишнинг таҳлили илмий ишлар ҳақида ҳам, кенг аудиторияга мўлжалланган асарлар ҳақида ҳам хулосалар чиқариш имконини беради.*

Калит сўзлар: *Илоҳиёт, фиқҳ, тартиб, Олтин узук, тариқат, шариат, ал-Бухорий, Нақшбандий, етти пир (мураббий).*

Annotation: *The current article is drawn up in order to investigate activities and explorations about the role of central Asian theologians in the process of implantation of Islam. Having analyzed this work, one can make independent conclusions about both: scientific and widely shared literature.*

Key words: *theology, fikh, ordo, "the gold circle", tarikat, shariat, al-Bukhari, Naqshbandia, the seven saints.*

Территория Бухары с незапамятных времен считается местом, подарившей миру великих мыслителей Востока, мудрецов, и, несомненно, теологов. В разные временные формации здесь проживали выдающиеся хадисоведы, суфисты, члены духовно-религиозных орденов, о которых впоследствии заговорил целый мир. Именно благодаря им Бухара по сей день славится как город, который озаряет мир своей святостью.

Деятельность среднеазиатских теологов всегда вызывала необычайный интерес у европейцев. По этой простой причине они проделали большой труд по их изучению. Результаты этого труда еще один раз доказывает какое важное значение имели наши улемы в формировании и повсеместном распространении исламской религии.

Текст достаточно современной книги, названной «Биография Имама Бухари» ("The biography of Imam Bukhari") сравнительно новый, но, несмотря на это он содержит уйму полезной информации о рождении и

ранней жизни, учителях, характере, об уровне знания фикха и суждениях о фикхе Имама аль-Бухари[448].

Такой же масштабной является работа, изданная в Малайзии. В данной работе «Ас-Саххих аль-Бухори» рассматривается, скорее, как исторический источник, сообщающий о ранних стадиях распространения ислама. В книге собраны лучшие главы «Аль-Жоме» и интерпретированы Мухаммадом Асадом[449].

Не менее значим труд А. Франка. В своей работе он рассказывает о вероятности построения сыном Абдулхалика Гиждувани мавзолея в Туркестане, который мог быт построен также и учеником Ахмада Яссави Хусейнбеком[450].

А. Мария Элизабет Лоу приводит в пример хадис о пророке Мухаммаде, увидевшем свет, исходящий в небо с Земли. Этот озаряющий свет был направлен из священной Бухары.[451]

Очень интересна по своему содержанию и следующая книга, название которой можно перевести как «Классический Ислам и традиции суфийского учения Накшбандия», написанная верховным исламским консулом Америки – шейхом Мухаммадом Каббани. Книга содержит изложенные по порядку сведения членов «Золотого кольца»: их историю, происхождение, деятельность, идеи и прочее.[452]

Впрочем, этим не подразумевается, что научные деяния не велись лишь в Европе. Мы имеем достаточно материалов, казахских, киргизских, а также украинских, русских, и, несомненно, узбекских. Среди них можно выделить статьи Кобзевой О. («История исламской культуры и ее изучение в современном Узбекистане». Россия и Мусульманский мир.2017), Магомедовой З.А. («История проникновения Накшбандийского тариката в Дагестан». Известия ВУЗов. Северо-Кавказский регион. Общественные науки.2009), Анохина А.Н. (« О поручительстве и залоге в хадисах Имама аль-Бухари». Ученые записки Крымского Федерального Университета им. Вернадского. Юридические науки. 2008), Алсабекова М.Х. («Ходжа Ахмед Яссави и распространение суфийского направления ислама в Казахстане». Вестник Академии

[448] "The Biography oh Imam Bukhari". By IDP research division. 2019

[449] " Sahih al Bukhari. The early years of islam" Pola Hamida Asad.1981. IBT. Kuala Lumpur.

[450] "Bukhara and the muslims of Russia: sufism, education and the paradox of islamic prestige". Boston. 2012

[451] "Everyday Islam in Post-Soviet Central Asia". Maria Elisabeth Louw. 2007.NY.

[452] "Classical Islam and the Naqshbandi sufi tradition" Chairman, Islamic Supreme Council of America Shaykh Muhammad Hisham Kabbani.

Знания. 2013), Ямаевой Л.А («Суфийские братства на Южном Урале». Проблемы Востоковедения.2008) и других.

Небывалое количество произведений имеется раскрывающих особенности жизни и деятельности среднеазиатских религиозных деятелей и в отечественных трудах. Подавляюще большинство из них было издано уже в период независимости, так как любые изыскания в данной тематике были ограничены до 90-х годов ввиду конкретных политических причин. Именно независимость дала возможность ещё более глубокого изучения деятельности тех, кем гордится не только Узбекистан, но и весь исламский мир.

В основном это небольшого объема брошюры, справочники и сборники научных статей. Проанализируем их на примере нижеупомянутых трудов.

Одним из более значимых авторов, издавших много работ по изучаемой теме, был Садриддин Салим Бухорий. Его произведения невозможно просто обойти стороной, ибо они содержат значимые, достоверные сведения.

Рассмотрим его пособие, посвященное Абу Хавс Кабиру[453]. Данное пособие рассчитано на широкий круг читателей и примечательно содержанием достоверной информации о выдающемся мыслителе Абу Хавс Кабире, а также об улемах, покоящихся рядом с ним, в его мавзолее.

Абу Хавс Кабир имел важное значение в социально-культурной жизни Мавераннахра. Ведь именно благодаря его деяниям в стране открывается ряд учебных заведений, предназначенных для религиозных правоведов на основе учения ханафийа. Из-за пропаганды им в Мавераннахре учения Ханафийа его знали как «Учителя ученых и мыслителей Мавераннахра»[454]. Имел он величественный дворец, от которого, к слову, сохранилась всего лишь определенная часть (молельня), а также неимоверное количество учеников по всей стране.

Более обширные содержательные сведения об этом религиозном деятеле вбирает в себя работа еще одного автора - Нарзуллы Юлдашева под названием «Хожат Барор имом Абу Хавс Кабир Бухорий», изданная в Бухаре в 1994 году. Здесь можно встретить очень интересные факты: начиная от года его рождения (150 год хиджры)[455] в Бухаре. Данная работа

[453] Садриддин Салим Бухорий. «Хазрат Абу Хавс Кабир. Имом Хожатбарор».: 2006.Бухоро.

[454] Как сообщает источник, данная надпись была обнаружена в эпитафии мыслителя.

[455] В григорианском летоисчислении данная дата отождествляется с 767 годом

показывает, что он являлся учеником известного исламского правоведа Абу Ханифы Нуъмон ибн Собита. Также в источнике сообщается, что Абу Хавс Кабир исповедовал шиитский толк исламской религии и проделал немалый труд на пути распространения мазхаба ханафия.

В общем счете Н. Юлдашев издал определенное количество работ по изучаемой теме. В их перечень можно соотнести его книгу, также написанную на родном языке «История некоторых святых Бухары» («Бухородаги айрим авлиёлар тарихи») в 1993 году.

«Самая сложная и непостижимая тайна - это сам человек, познание им себя самого»[456]. Эти слова в полной мере отражают основную идею работы М.Н. Болтаева, посвященную жизнедеятельности Абдулхолика Гиждувони. В своем научном труде автор приводит к сведению читателя тот факт, что Гиждувани являлся духовным наставником и учителем Бахауддина Накшбанди.

В книге делается отсылка к произведениям самого Гиждувани, число которых равнялось четырем:

-«Рисола-и тарикат»;

- «Рисола-и сахабийа»;

- «Васиятнома»;

- «Зикри Абдулхолик Гиждувоний»

Выделяется среди всех трудов работа З. Жамоловой[457]. Особенной ее делает список «силсилаи шариф», так называемый «золотой круг», включенный автором в состав книги. Список представляет собой порядковое изложение всех членов (39) «золотого кольца» с годами их жизни. Так, к примеру, в данное объединение входили: Хазрат Абу Бакр Сиддик (572-634), Имом Жаъфар ас-Содык (700-765), Хожа Абдулхолик Гиждувони (1103-1179) и множество других.

В добавок можно упомянуть и внутренних правилах данного круга, которых автор насчитывает 17: Сабр, факр, тавозе, хавф, такво, ихлос, шукр, таваккал, ризо, якин, зикр, унс, курб, васл, мухаббат, вужуд, галаба[458].

Считаю долгом упомянуть и о другом произведении Садриддина Салима Бухори, (изданную на узбекском языке) «Бахоуддин Накшбанд

---

[456] «Хужа Абдулхолик Гиждувоний – инсондуст хаким, ърифат шайх». М.Н.Болтаев.:1994. – Б.43.

[457] «Етти пири комил». З.Жамолова.:2005. – Б.23.

[458] Там же. Стр.7

ёки етти пир»[459]. Работа содержит очень важные и содержательные сведения о деятельности шейха Бахауддина (1318-1389), о его влиянии в духовго-религиозный орден «Накшбандия», о его жизненном пути, наставлениях и передовых идеях, которые составляют основу его учения.

Очень уместно будет упомянуть здесь о работе издательства «Нашриёт» при Бухарском Государственном университете, посвященное шейху Бахауддину. В работе отражены жизненный путь шейха, а также тезисы и статьи ученых, проводивших свои исследования по данным вопросам.

Имеет место быть в этой статье и труд Г.Наврузовой «Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси», так как автор рассматривает в своей работы влияние учения накшбандия на умы народных масс.

Бахауддин Мухаммад бин Бурхан ад-дин Мухаммад аль-Бухари родился в 718 году Хиджры в 10 км от Бухары. Его родители – Саид Жалолиддин и Биби Арифа пользовались большим уважением среди сельского населения. С семи лет Бахоуддин уже знал наизусть Коран. Его учителями были Мухаммад Бабаи Саммаси и Абдулхолик Гиждувоний.

Своими деяниями Бахоуддин Накшбан оставил после себя неизгладимый след. К слову, как говорил первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов: «В современном сложном и тревожном мире, когда все еще продолжаются конфликты и столкновения, призывы Накшбанда – уважать и свято чтить человека независимо от его национальности, языка и религиозных убеждений, утверждать атмосферу взаимной любви и доброты, заботиться о сиротах и помогать нуждающимся – приобретают особое значение».

[459] «Бахоуддин Накшбанд ёки етти пир». Садриддин Салим Бухорий.: Т. Ёзувчи.1993

MURODOVA Dilrabo Shomurodovna
Buxoro Davlat Universiteti
"Buxoro tarixi" kafedrasi o`qituvchisi

O`ZBEKISTONDA ZIYORAT TURIZMINING RIVOJLANISHIDA NAQSHBANDIYA TARIQATINING TARIXIY AHAMIYATI

Аннотация: *в данной статье идет речь об историческом значении учения Накшбандия (тариката) в развитии паломнического туризма в Узбекистане.*

Ключевые Слова: *Накшбандия, тарикат (учение), суффизм, туризм, стратегия, концепция.*

Annotation: *This article contains information about the historical significance of Nakshbandia doctrine in the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan.*

Key Words: *Nakshbandia, tarikat, sufism, tourism, strategy, conception.*

Bugungi kunda mamlakatimizda ma'naviy qadryatlar yuksalishida o'ziga xos o'rin tutgan tasavvuf ta'limotining shakllanish jarayoni, tarixiy o'rnini ko'rsatib berish bilan birga ziyorat turizmini rivojlantirishning tarixiy konsepsiyasini tuzish zarur masalaga aylandi. Bu borada ayniqsa Buxoroiy Sharifning alohida e'tiborga sazovor bo'lgan hudud sifatida e'tiborga olinayotganligi bejiz emas, albatta buning o'ziga xos tarixiy jihatlari hisobga olingan. Buxoro zaminida tug'ilib o'sgan buyuk allomalarimiz orasida islom dini kamolotiga katta hissa qo'shganlar safi kengligini bugun jahon hamjamiyati keng e'tirof etganligi birgina Bahouddin Naqshband (1318-1389) ning naqshbandiya ta'limoti orqali tanilgani va hozirda Bahouddin Naqshband ziyoratgohiga ziyoratga kelganlar sonidan ham bilish mumkin. Shu o'rinda Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov "Bahouddin Naqshbandning muborak siymosi va uning hayotdan uzilmagan ta'limoti haqida alohida to'xtalib: ota-bobolarimiz ulug' avliyo Bahouddin Naqshbandga chin dildan ixlos qo'yib, uni "Bahouddin Balogardon" deb ta'riflab kelishida teran ma'no bor. Uning "Diling Allohda, qo'ling mehnatda bo'lsin", degan hayotbaxsh hikmati dinimizning olijanob ma'no-mohiyatini yorqin ifodalab, xuddiki shu bugun aytilgandek jaranglaydi"[460] – deya ta'kidlaganliklarini alohida qayd etish joizdir. 1993-yil Bahouddin Naqshbandiy 675 yillik yubileylari keng miqyosda nishonlanganligi

[460] Karimov I.A. ''Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch'' – T:.Ma'naviyat, 2008. – B.39.

barchaga ma'lum. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 10-mart kuni Bahouddin Naqshband majmuasida bo'lib, bu yerni obod maskanga aylantirish, ziyoratchilar uchun zarur sharoitlar yaratish borasida mutasaddilarga tegishli ko'rsatmalar bergan edi. Buxoroning jahon sivilizatsiyasi va Islom madaniyati rivojiga qo'shgan hissasi beqiyos. Bu zaminda ko'plab allomalar tavallud topgan va yashagan. Ularning boy merosini chuqur o'rganish va keng targ'ib qilish uchun bu yerda Toshkent islom universitetining maxsus fakultetinini tashkil qilish kerak,[461] degan edilar davlatimiz rahbari va ushbu masala ijrosi asosida "Islom tarixi va manbashunosligi" yo'nalishi ochilganligini qayd etish zarur. 2018-yil 16 – fevral kuni Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Buxoro viloyatiga tashriflari Bahouddin Naqshband majmuasidan boshlandi va tashrif chog'ida Prezidentimizning 2017-yil 11-iyul kuni qabul qilingan "Abdulxoliq G'ijduvoniy tavalludining 915 yilligini va Bahouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida" gi qarori ijrosi yuzasidan tizimli ishlar olib borilmoqda. Naqshbandiya tasavvufning eng katta hududlarda tarqalgan va hozirgacha izdoshlariga ega tariqat hisoblanadi. Dunyoning ko'plab mamlakatlarida Nqashbandiya tariqati davomchilari bor. Ushbu tariqatning zamon talabiga mosligi, barchaga xosligi uning keng tarqalishiga saba bo'ldi. Xususan, Osiyo, Yevropa kabi dunyoning katta qismini egallagan ushbu qit'alarda Naqshabandiya tariqati tarqalishi bir necha asrlik tarixga ega va bugungi kunda ham ushbu tariqatni o'rganuvchilar soni ko'pchilikni tashkil etadi.[462] Buni quyidagi tarixiy ma'lumotlar isbotlaydi. Hindistonda Xoja Ahmad Foruh Sirhindiy (1563/64-1624) naqshbandiya ta'limotining XVII asrda Hindistonda keng tarqalishiga muhim hissa qo'shdi.[463] 1690-yilda Yaman va Hijozda Naqshbandiya – Mujaddidiya kirib keldi. Uning a'zolari Misrda tarqaldi. Hind jamoasining ikkinchi migratsiyasi Xoja Muhammad Ma'sum (XVII asr)ning shogirdlari Muhammad Murod al Buxoriy(vafoti 1729-yil) nomi bilan bog'liq. U jamoaning g'oyalarini Hjioz, Misr, Suriya, Turkiyada targ'ib va tashviq qildi. Uning vafotidan keyin Turkiyada Murodiya tekkesi vujudga keldi. U Hind shohasining markazi bo'ldi. Bu shoha Bosniya, Suriya, Falastinga tarqaldi. Iyerusalimda ularni zaviyalarini o'zbekiya deb ataganlar. Irlandiya, Iroq, Eron, Kurdistonda XIX asr boshidan

[461] "Barcha ezgu ishlarimiz xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirihga yo'naltirilgan"// "O'zbekiston ovozi" 11.03.2017 .- 30(32.245). –B.1.

[462] Usmonov I. "Globallashuv sharoitida tariqatlar: ta'limot va uslublar tahlil va xulosalar". –T:. "Movaunnahr", 2014. -B. 208.

[463] Navro'zova G. Buxoroda Naqshbandiya – Mujaddidiya ta'limoti. –Buxoro. 2007 .B .22.

Naqshbandiya faol tarqaldi. Bu voqea Xolid Bag'dodiy (1776-1827) nomi bilan bog'liq. 1811-yilda vataniga qaytdi va Naqshbandiyaning Xolidiya shohasini tashkil etgan. Xolidiyani XIX asrda Turkiyani Nashbandiya jamoasi sifatida tanidilar. Xolidiya shohasi Kurdistonda ham tarqaldi. Hijoz orqali bu shoha Indoneziyaga (1840) yetib borgan, keyin u yerdan Malayziyaga, u yerdan Kilimanta orollariga va Mozambikka tarqalgan.[464] Shimoliy Turkiya hududidan Kavkazga tarqalgan. Yevropa, jumladan Buyuk Britaniyada pokistonlik, hindistonlik shayxlar tomonidan asos solingan naqshbandiya-mujaddidiya tariqatining hindistonlik shayxi Hazrat Ozod Rasul nomi bilan bog'liq bo'lgan tasavvuf markazi ochilgan.

Yuqorida qayd etilgan ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki bugungi kunda Buxoro viloyatiga aynan Bahouddin Naqshband tarixiy-me'moriy majmua ziyoratgohini ziyorat qilish uchun kelgan va keladigan doirasi hudud jihatidan keng va millat tanlamaydi, ziyoratchilar orasida millati nemis, hind, malayziyaliklar, indoneziyaliklar, amerikaliklar va umuman deyarli barcha yurtlardan aynan shu ziyoratgohni ziyorati uchun keluvchilar soni ko'pligi quyidagi dalillar orqali isbotlangan: 1996-yil 19-20-sentabr kunlari Olmoniyaning Konrad Adenauer fondi va O'zbekiston Musulmonlari diniy idorasi hamkorligida uyushtirgan "Shayx Bahouddin Naqshband ta'limotining diniy dunyoqarash borasidagi ahamiyati, axloq va siyosatga ta'siri" mavzusidagi Olmoniya va Markaziy Osiyo naqshbandshunos olimlar anjumani bo'lib o'tdi. Xalqaro Islom tashkiloti markazi direktori Abdulg'ani Abdullo, taniqli tasavvufshunos olimlardan biri, nemis kitob savdosi "Tinchlik" mukofoti sovrindori, professor – Annemari Shimmel xonimning 1996-yildagi tashriflari Buxoroga ikkinchi marta safarlari bo'lib, muqaddas qadamjolarni ziyorat qilganlar. Shu o'rinda Shimmel xonim ham "Naqshbandiya" gazetasiga bergan intervyularidan biri Buxorodagi Yetti pir ziyoratini amalga oshirish uchun sayyohlar uchun belgilangan yo'nalishlar ro'yxatiga kiritilmaganligini afsus bilan eslatib o'tib o'zlari mas'ul shaxslar yordamidagina Yetti pir ziyoratini ado eta olganliklarini aytib berganlar. Olmoniya tasavvufshunos olimlarining Hazrat Naqshband tariqatlariga qiziqishi katta ekanligining ifodasidir. Shuningdek, mehmonlardan – professor Yurgen Paul, Klaus Shats , Viilli Erl ma'ruzalari tarix sahifalaridan joy oldi. Markaziy Osiyo miqyosida o'tkazilgan bu anjumanda O'zbekiston va Tojikiston madaniyat tarix bo'limi mudiri Anvar Galliyev, Qirg'iziston Jahon tadqiqoti markazi direktor o'rinbosari Atirgul

[464] Usmon Turar. Tasavvuf tarixi . T:. Istiqlol , 1999. –B. 108.

Alishevalarning [465], 2002-yilda Malayziyadan Rajaf Amun, undan tashqari hatto bu davrda Amerika Oliy Islom kengashi raisi Muhammad Qabboniy janoblari ham tashrif buyurganliklarini alohida qayd etish lozim[466].

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, Bahouddin Naqshband tarixiy me’moriy majmuasiga kelib ziyorat qilib ketuvchilar safi katta. Naqshbandiylikning keng geografik hududlarga tarqalgani, bag’rikenglik va halol mehnatga da’vat etishi bilan sayyohlar e’tiboriga tushib ular qalbida ushbu muqaddas qadamjoni ziyorat qilish istagini uyg’otishini esa bir necha asrlik katta tarixiy jarayonlar bilan bog’liqligini asoslashga harakat qildik. Zero, ziyorat uchun kelgan xorijiy mamlakatlar vakillari ko‘pchilikni tashkil etishi yurtimizda ziyorat turizmi sohasini rivojlantirishga salmoqli hissa qo‘shib kelmoqda va bu jihatni e’tiborga olgan holda prezidentimiz tashabbuslari bilan ziyorat turizmi konsepsiyasi yaratilib loyihalashtirishga kiritilganligi bu sohada yangi bosqichga ko‘tarilishga zamin yaratdi. Bu esa 2017-2021-yillarda amalga oshiriladigan “Harakatlar strategiyasi”da belgilangan yo‘nalishlarda amalga oshirilayotgan islohotlarning amaliy isbotidan biridir.

ТАНГИРОВ Обид Эшмахматович
Тошкент ислом институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАСЖИДЛАР ҲАҚИДА

Аннотация: *Деятельность мечетей и медресе играет важную роль в истории ташкентских "старых городов", религиозных и образовательных учреждений. Помимо того, что она была местом молитвы, мечеть также служила начальной школой для детей района. Кроме того, некоторые крупные мечети служили центрами общественных собраний и работы с населением. Основные функциональные действия медресе были связаны с образованием, наукой и обучением.*

Ключевые слова: *мечет, медересе, образования, Ташкент*

Annotation: *The activities of mosques and madrassas play an important role in the history of Tashkent "old cities", religious and educational*

[465] Isroil Subhoniy. Naqshbandiya millat tanlamaydi// Naqshbandiya; 1996, oktabr -.B2
[466] Olis Amerikadan Bahouddinga// Naqshbandiya; 2002, oktabr –B. 1

institutions. Besides being a place of prayer, the mosque also served as an elementary school for the children of the district. In addition, some large mosques served as centers for public gatherings and community outreach. The main functional actions of the madrasah were related to education, science and training.

Key words: *mosque, medresah, education, Tashkent*

Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин мустамлакача ҳукмронликни ўлкага жорий қилинишида кўплаб муаммолар империя маъмурлари учун кўндаланг бўлиб қолди. Айниқса, аҳолининг мустаҳкам эътиқоди, шариат қоидаларининг асосий ҳуқуқий манба эканлиги, жамиятда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳатто сиёсий ҳаёти ҳам ислом дини билан чамбарчас боғланиб кетганлиги империя ҳукуматини сергак торттириб, бу масалага жиддийроқ ёндашишга мажбур этди. Россия империясининг мусулмон халқларни мустамлака ҳолатида бошқариш тажрибаси мавжуд бўлсада, Туркистон ўлкасида яшовчи халқлар ўзларининг кўп асрлик давлатчилик тарихи, мустаҳкам бошқарув анъаналарига эгалиги, ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тизимнинг шаклланганлиги туфайли мустамлака ҳукуматнинг ўлкада ўзгача сиёсат олиб боришига олиб келди. Аниқроғи, маҳаллий аҳолини бошқаришда ўлканинг анъанавий бошқарув усулларидан фойдалансада, умумий бошқарувни эса империя маъмурларидан бўлган ҳарбийларга топширилади. Аҳолининг диний назоратини анъанавий бошқарув усулларидан фойдаланиб амалга оширди. 1865 йил Тошкентни босиб олган М.Г.Черняевнинг биринчи қилган иши маҳаллий диний намояндалар билан муросага келишиш бўлган[467]. Чунки улар аҳоли орасида ҳурмат эътибори юқори бўлиб, ўзларининг ортларидан барча шаҳар аҳлини эргаштира олишлигини Россия ҳукумати вакиллари яхши билишган[468].

Бошқарув жиҳатидан Туркистон мусулмонлари Оренбург Мусулмонлар диний бошқармасига қараган. Аммо Туркистонда, ҳатто ўлканинг маркази бўлган Тошкент шаҳри билан Оренбург ўртасида амалий боғланиш мавжуд бўлмаган. 1867 йил Россия таълим вазирлигига К.Кауфман томонидан ёзилган бир хатда Туркистонга Қуръони Каримнинг келишлигини чегаралаш бўйича илтимос қилинганлиги империя ҳукумати зимдан ҳудудда исломнинг ривожланишига тўсқинлик

[467] Morrison A.S. Russifn Rule In Samarkand 1868-1910. – New York, 2008. – L. 55.
[468] Ўша жойда. – Б. 56.

қилганлигини кўрсатади[469]. Россия империяси ўлкада содир бўлган ҳар қандай ҳукуматга қарши чиқишлар, қўзғолонларнинг ортида ислом дини турибди деб ҳисоблайди. Шунинг учун аҳолининг диний эътиқодини заифлаштириш эвазига ўлкада мустаҳкам бошқарувни ташкил этиш мумкин деб ўйлаган.

Тошкент "эски шаҳар" диний ва таълим муассасалар тарихида масжидлар ва мадрасалар фаолияти муҳим ўрин тутади. Масжидлар аҳоли намоз ўқийдиган жой бўлиш билан бирга маҳалла болалари учун бошланғич таълим даргоҳи бўлмиш мактаб вазифасини ҳам ўтаган. Шунингдек, баъзи йирик масжидлар аҳоли тўпланадиган, жамоавий масалалар ҳал этиладиган марказ вазифасини бажарган. Мадрасаларнинг асосий функционал фаолияти таълим-тарбия, илм-фан ва кадрлар етиштириш билан боғлиқ бўлган.

Тошкент ҳудудий жиҳатдан ҳам катта бўлганлиги учун унинг масжидлари ҳам кўп бўлган. Н.Маев вақф мулкларидан мадраса, масжид, қабристонлар билан бирга таҳоратхоналарнинг харажатларида ҳам фойдаланилганлигини ёзган[470]. Демак йирик масжидларда алоҳида таҳоратхоналар ҳам фаолият кўрсатганлигини англаш мумкин. Шаҳардаги умумий масжидлар сони XIX асрнинг II ярмида 400 тача бўлган[471]. Архив материалларида Тошкент шаҳридаги масжидлар сони 1869 йилда 255 та[472], 1891 йилда 343 та деб кўрсатилган[473]. А.П.Хорошхин Тошкент шаҳрида XIX аср 60-70 йилларида 300 тача масжид фаолият кўрсатганлигини келтиради[474]. Сайёҳ Ю.Скайлернинг маълумотига кўра, XIX асрнинг 70-йилларида Тошкент шаҳрида 300 та масжид бўлган[475]. Ў.Султоновнинг "Тошкент масжидлари тарихи" асарида XX аср бошларида Тошкент шаҳрида 300-400 атрофида масжидлар фаолият юритган, дейди[476]. Масжидда асосан имом, мутавалли, муаззин каби вазифадорлар фаолият

---

[469] ЎзМА (Ўзбекистон Милли архиви). И-47-фонд, 2-иш, 2-3 варақлар.

[470] Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Ежигодник. Материалы для статистики Туркестанского края. – Санк-Петербург, 1876. – С. 286-287.

[471] Robert D. Crews – For Prophet and Tsar London 2006. – L. 252.

[472] ЎзМА. И-36-фонд, 1-рўйхат, 449-иш, 77-варақ.

[473] ЎзМА. И-36-фонд, 1-рўйхат, 3238-иш, 28-33-варақлар.

[474] Хорошхин А. Очерки Ташкента // Туркестанский сборник, Том 116. – Санкт-Петербург, 1876. – С. 87.

[475] Скайлер Ю. Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари. Таржима ва изоҳлар муаллифи З. Саидбобоев // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2013, № 3, 2014, № 3-сон, ўша жойда. – Б. 13.

[476] Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент, "Янги аср авлоди" нашриёти, 2010. – Б. 122.

олиб борган. Имом масжидга қатновчи аҳолига беш маҳал намозни имом сифатида ўқиб бериш билан бирга халқнинг асосий маънавий кўмакчиси, маърифат таратувчи зиёси сифатида ҳам аҳамиятга эга бўлган. Улар маҳалла аҳлига панд-насиҳат қилиш билан бирга, турли оилавий, қўшниларарo, қариндошларарo ва бошқа ижтимоий масалаларда низоларни бартараф этиб халқнинг эътиборидаги пешво ҳисобланган. Шунингдек, маҳалла болалари саводини ўзига яқин бўлган масжидда чиқарган. Уларга асосан, имом ёки муаззин дарс берган. Масжидларнинг имомлари халқнинг талаб ва истаклари асосида, мадрасани битирган илмли кишилардан тайинланган.

Масжидларда имомлар турли ёшларда фаолият олиб борган. XIX асрнинг 90-йиллари келтирилган архив материалларида Себзор даҳасидаги Дарвозакент маҳалласидаги масжид имоми 85 ёшли мулло Шоикром Шораҳим ўғли бўлган. Хадракўча маҳалласи масжид имоми Ёрмуҳаммад қори Мўминбой ўғли 81 ёшида бўлсада шу вазифада фаолият олиб борган. 1891 йилда Шайхонтоҳур даҳасида фаолият олиб борган қарийб 20 % имом 60 ёшдан ошган, 37 % имом 45-60 ёшлар оралиғида бўлган. Имомларнинг 7 фоизигинаси 21-30 ёшлар атрофида бўлган[477]. Кўкча даҳасидаги Кункўча маҳалласи масжидининг имоми 20 ёшли мулло Каримберди Бекберди исмли йигит бўлган. Умумий олганда шаҳарда кўпроқ 35-50 ёшлардаги кишилар имом сифатида фаолият олиб борганлигини кузатиш мумкин.

Масжидлар асосан, хом ғиштдан, гуваладан, баъзи катта масжидлар пишган ғиштдан қурилган. Улар маҳалла аҳли томонидан ёки шаҳарнинг мулкдорлари томонидан бунёд этилган. Бундай ҳомийлар масжидни қурдириш билан бирга уларни ҳар йили таъмирлаб турган. Шаҳарда Саидазимбой, Қосимбой, Шарифбой, Хонхўжа, Маткаримбой, Мажидбой, Розиқбой, Шожалил, Алимуҳаммад кабилар бир нечта масжидлар қурилишига ҳомийлик қилган[478]. Кўкча даҳасида кўп асрлик тарихга эга масжидлардан Маҳкама маҳалласида Хўжа Аҳрор валий ҳазратлари қурдирган масжид, аҳоли томонидан қурилган Шайх Зайниддин масжидлари кабилар ҳам XIX аср охирларида фаолият кўрсатиб[479], уларнинг вақфлари эвазига масжидлар таъмирланиб, жиҳозланиб турилган.

---

[477] ЎзМА. И-36-фонд, 1-рўйхат, 3238-иш, 28-30 варақлар.
[478] ЎзМА. И-36-фонд, 1-рўйхат, 3238-иш, 28-30 варақлар
[479] ЎзМА. И-36-фонд, 1-рўйхат, 449-иш, 193-211 варақлар.

Масжидларни доимий қавмларининг сони ҳам турлича бўлиб, баъзиларига кўпроқ, бошқаларига эса камроқ одам қатнаган. Масалан, Шайхонтоҳур даҳасидаги Қорёғди, Оққурғон, Эгарчи каби маҳаллаларда йирик масжидлар жойлашган бўлиб, уларнинг қавми 100, 200 киши атрофида бўлган бўлса, баъзи кўча масжидлари 25-30 тача қавмга эга бўлган[480]. Себзор даҳасидаги Тешикқопқа, Ёв, Работ каби маҳаллалардаги масжидларга 100-150 қавмга эга бўлган бўлса, Регистон маҳалласидаги масжидга 200 тача одам қатнаган[481]. Бешёғоч даҳасида Дўстчибой, Хонақоҳ, Янги, Қовурмоч маҳаларида 100-130 атрофида қавмга эга бўлган. XIX аср охирларида Кўкча дасидаги Каллахона, Айрилиш, Лангар, Чақчимон, Қулбилбой, Пичоқчи, Эшикобод, Гузарбоши каби маҳаллалардаги масжидлар 100-150 атрофида қавмга эга бўлган бўлса, Сағбон маҳалласидаги 3 та масжидларнинг бирига 100 та, иккинчисига 125 та, учинчисига 350 та одам қатнаган[482]. Масжидларга қатновчиларнинг турли-туманлиги аввало, ўша масжидга яқин яшовчи аҳоли сони билан боғлиқ бўлса, шунингдек, масжидга кўпчиликнинг қатнашлигида турли қулайликлар, имомнинг қобилиятлилик даражаси кабилар ҳам муҳим омиллардан саналган. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, XIX аср охири –XX аср бошларида шаҳардан мусулмонлар Макка шаҳрига ҳаж ибодатини амалга ошириши ҳам мумкин бўлиб, фақат ҳажга борувчининг ўзи моддий ва жисмоний жиҳатдан имконияти етса, ўзига ишонса икки йўл орқали Макка шаҳрига етиб борган. Биринчиси темир йўл орқали Тошкентдан Одесса шаҳрига ёки Батуми шаҳрига борган ундан Қора денгизда кема билан Туркия давлати орқали борилган (асосан, ҳожилар шу йўл орқали ҳажга борганлар). Иккинчиси, Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтиб Мумбай (Бомбей) шаҳрида кема орқали Жидда шаҳрига борган[483].

Мадраса, масжид ва мақбараларга молиявий жиҳатдан мутавалли жавобгар бўлган. Унинг вазифаси муассасанинг молиявий хўжалик фаолиятини, кирим-чиқим, ходимларнинг маошлари, даромадларнинг ҳисоб-китоби ва бошқаларни йўлга қўйган. Масжидларнинг вақфи унда фаолият олиб борадиган вазифадорлар иш ҳақи, масжид харажатлари учун етарли бўлиб, ҳатто икки, учтадан ошиқ дарсхоналарида маҳалла

---

[480] ЎзМА. И-36-фонд, 1-рўйхат, 3238-иш, 28-30 варақлар.

[481] Ўша манба, 30-33 варақлар.

[482] Ўша манба, ўша варақлар.

[483] О паломничестве (хадже) в Мекку / Туркестанский ведемости, 1908, № 184.// Туркестанский сборник. Том 477. – Ташкент, 1908. – С. 38-41.

болаларини саводини чиқаришга ҳам имконияти етган. Чунки юқорида айтилганидек, улар мактаб вазифасини ҳам ўтаган.

Хулоса қилиб айтганда, империя ҳукумати масжидларнинг фаолият олиб боришига имкон берсада, анъанавий таълим, диний ибодатлар давом эттирилган бўлсада, аммо уларнинг ривожланиши, такомиллашуви учун шароитлар яратилмади. Шундай бўлсада халқимиз илм-маърифатни эгаллаш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, аждодлардан қолган анъанавий таълим-тарбия ва фан ютуқларини келажак авлодга ўргатиш йўлидаги интилишларини имкон қадар давом эттириб бордилар.

ШОДИЕВ Жаҳонгир Жўракулович
Бухоро Мухандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

УМАР ХАЙЁМ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

Аннотация: *В статье рассказывается о жизни Умара Хайяма. Он отражает социально-экономическую и духовную среду эпохи Возрождения. Работы Омара Хайяма и королевские семьи ведут народ к совершенству.*

Ключевые слова: *средневековье, ренессанс, арабская оккупация, саманиды, газнавицы, сельджукиды, развитие науки, культуры, литературы, человек, судьба, совершенство, совершенство, духовная сфера.*

Annotation: *The article tells about the life of Umar Khayyam. It reflects the socio-economic and spiritual environment of the Renaissance. The works of Omar Khayyam and the royal families lead the people to perfection.*
Key words: *Middle Ages, Renaissance, Arab occupation, Samanids, gaznavitsa, Seljukids, development of science, culture, literature, man, destiny, perfection, perfection, spiritual sphere.*

Бир кун тузоқдан озод бўлмадим,
Бир нафас олмоқдан ҳеч шод бўлмадим.

Дарҳақиқат, Умар Хайём яшаган замон Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг нотинч даврлардан бири эди. Аммо шундай бўлишига

қарамай, бу Хуросон халқларининг уйғониш даври бўлди, ўз анъаналарини тиклаб ва янги куч билан тараққий эттириб, илм – фан, маданият ва адабиёт соҳасида жуда катта ютуқларга эришдилар.

Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг араб халифалиги ҳукумронлигидан қутулиши Тоҳирийлар (821-873), Саффорийлар (861-903), ва Самонийлар (875-999), сулолалари ҳукумронлиги даврида юз берди.

Ўрта Осиё ва Эроннинг сиёсий мустақилликка эришиши фан ва маданиятнинг тараққий қилиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

X асрда пойтахти Бухоро бўлган Сомонийлар давлати, айниқса, илғор фикр, илғор фан ва адабиёт маркази бўлди. Бу даврда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган олимларнинг асарлари фақат Шарқдагина эмас, Ғарбда ҳам кейинги асрларда илм – фаннинг тараққиётига катта таъсир кўрсатди, ҳамда башарият маданий меросига қўшилган зўр ҳисса бўлди[484].

Илм – фанга иштиёқ, дунё сирларини англашга интилиш халқимизнинг барча илғор фарзандлари, мутафаккир олим ва шоирларимизга хос хусусият эди. Улар ҳаёт муаммоларини ечишга, инсон онгининг дин томонидан камситилиши ва чекланишига қарши исён кўтарганлар.

Буюк олим, астроном, математик, файласуф ва ажойиб шоир Умар Хайём улар орасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Хайёмнинг бизгача етиб келган асарларининг энг аввалгиси XI асрнинг 60 - йилларида ёзилган. Бу даврда фан соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, кўпгина машҳур олимлар шу даврда етишиб чиққан. Лекин бу давр Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг гуллаган давр бўлишига қарамай, халқ тинч – осойишта яшамаган.

XI асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё ва Эронда феодализмнинг кўтарилиб, мустаҳкамланиб келаётган даври бўлди.[485]

Сомонийлар сулоласи тугатилгач, шоҳ Маҳмуд Ғазнавий даврида Эрон ва Ўрта Осиёнинг ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлган эди. XI асрнинг 30 йилларигача Эрон ва Ўрта Осиё Ғазнавийлар давлатининг таркибига кирган эди. Бу вақтда Ғазнавийлар давлатининг подшоси Маҳмуд Ғазнавий (990-1030 йиллар) тахтни бошқарган. Маҳмуд Ғазнавийхон ҳукмронлиги даврида унинг салтанати гуллаб яшнаган эди. Чунки деярли бутун Эрон ва Ўрта Осиёда

[484] Шомуҳамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Ўз фан. 1962 йил, 5 бет.
[485] Шомуҳамедов Ш. Умар Хайём (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Ўз фан. 1962 йил. 14 – бет.

Маҳмуд Ғазнавийхон кучли марказлашган давлат яратди[486].

1030 йил Маҳмуд Ғазнавийхон ўлимидан кейин, Ғазнавийлар давлати қисқа вақт ичида парчаланиб кетди. Тахт учун бўлган ўзаро курашлар, ечим тополмагач, ички инқирозлар бу салтанатнинг инқирозига сабаб бўлди. Бу вазиятдан кўчманчи туркман қабилаларининг бошлиқлари Тоғрулбек ва Чағрилбеклар фойдаланиб Салжуқийлар салтанатига асос солишди. Бу пайтда Ғазнавийлар сулоласининг подшоси Масъуд 1040 йилда Сарахс ва Марв остонасида жанг қилиб енгилади. Натижада султон Масъуд бу ҳолатдан қочиб жон сақлаб қолади. Бу жанг Ғазнавийлар салтанатининг инқирозини англатар, ҳамда туркман қабилалари учун ҳарбий йўналишни очиб берди. Ғазнавийлар қўл остида эндиликда фақат Шарқий ерлар қолган эди. Энг бой гуллаб яшнаган, маданий марказ ҳисобланган Хуросон бўлса, Салжуқийлар қўл остига ўтди. Салжуқийлар Ироқ, Курдистон, Кухистон ва Азарбайжонни забт этишди. 1055 йилда Туғрулбек Аббосийлар халифалиги пойтахти бўлган Бағдодни босиб олади. Барча ҳукумдорлик ишлари Салжуқийлар қўл остига ўтди ва улар ўзига фахрли ҳисобланган “султон” унвонини қабул қилишди.

Кўчманчи туркманларнинг Ғарбга бўлган юришига Туғрулбекнинг меросхўрлари бўлган Алп-Арслон ва Маликшоҳларнинг даврида ҳам давом этиб туради. Маликшоҳ даврида Салжуқийлар салтанати Хитойдан Ўрта ер денгизигача, Ўрта Осиёдан Сурия ва Фаластингача бўлган бепоён ерларни эгаллаб турган эди. Буюк Салжуқийлар империясининг ташкил топиши Ўрта Осиё ва бутун Ўрта Шарқ ерларида истиқомат қилувчи халқларнинг иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан ўзгаришларга олиб келди. Босиб олинган улкан ерларни назорат қилишни Салжуқийлар сулоласи ўз қавми ўртасида тақсимлади. Марказлашган Салжуқийлар давлатини айрим вилоятларга бўлиниши кейинчалик ҳам давом этди. Хуросон ерларини босиб олган Туғрулбек ва Чағрилбеклар қўл остидаги аскарлар кўчманчи туркманлардан иборат эди. Кўчманчи туркманлар шу юришлар натижасида маҳаллий зодагонлар ҳамда ёлланма аскарлардан ташкил топган қўшин орасида ҳали ҳурматга сазовор эди. Салжуқийлар даврида деҳқонлар деб аталмиш Эрон маҳаллий зодагонлари ўз мавқеларини йўқотишди. Деҳқон зодагонларининг бир қисми аста секин ўрта ҳол ва майда ер эгаларига айланди, бошқа бир қисми эса янги салжуқийлар ҳукуматига солиқ йиғиш хизматига ўтишди. Салжуқийлар ҳукумронлигининг биринчи ўн йиллигида “иқто” мулки

[486] Алиев Р. М., Османов М.Н. Омар Хайям. – М.: Акад. Наук СССР, 1959. - 13 с.

вақтинча шаклга эга эди. Иқтодорлар ўз ерларидан солиқ йиғишар эди. Лекин улар ўз ерларида тер тўкиб ишлайдиган деҳқонларнинг мулки ва шахсига хўжайинчилик қила олмас эди. Иқтодорларга берилган ерлардан ҳам давлат солиқ йиғиши мумкин эди. Кейинчалик вақтинчалик берилган иқто мулки то умрининг охиригача бўлган доимий мулкка айланади. Аста секин иқтодорлар вақтинчалик бўлган мулк эгаларидан доимий мулк эгаларига айланишиб, улар ўзларига тегишли бўлган ерда ишловчи деҳқонларни мулки ва шахсига ҳам эгалик қила бошлашди. Аста секин Салжуқийлар Халифат ва Ғазнавийларнинг марказлашган давлат тизимини пароканда этишди ва бундай марказлашган давлат барҳам топди. Салжуқийлар даврида Марказлашган давлат ўрнига вилоятларга бўлиниш ва ҳар бир вилоятни иқтодорлар томонидан бошқариш йўлга қўйилди. Марказлашган давлат аста секин вилоятлар ва туманларга ажралиб кетди. Уларнинг ҳукумдорлари эса Салжуқийлар империясининг бош султонига расмий бўйсунар эди. Аслида эса улар ўзига ўзи мустақил бек ва амирларга айланишди.

Салжуқийлар давлатининг биринчи ўн йилликларида бир қатор сабаблар ҳамда султонлар, Алп-арслон ва Маликшоҳ даврида вазир бўлган Низомулмулк фаолияти туфайли марказлашган солиқ йиғиш тизими бир мунча вақт сақланиб келди. Салжуқийлар салтанатида феодал муносабатларнинг ривожланиши катта мулк эгалари билан майда деҳқонлар ўртасида зиддиятларга олиб келди. Салжуқийлар салтанатида майда деҳқонларнинг мулки ва шахсияти эркин ҳисобланган, улар иқтодорларга фақат белгиланган солиқ тўлашар эди. Ўзининг “Сиёсатнома” асарида вазир Низомулмулк иқтодорлар ва майда деҳқонлар ўртасидаги муносабатга катта эътибор берган ва майда деҳқонларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга ҳам алоҳида аҳамият берган. Низомулмулкнинг “Сиёсатномаси”да майда деҳқонларнинг мулки оила азоларининг ҳаёти қонун томонидан ҳимоя қилинган ва иқтодорларнинг уларга тажовуз қилиши ман этилган. Ўз “Сиёсатномаси”да Низомулмулкнинг ёзишича, агар азият чеккан иқтодорларнинг зулмидан қийналган майда деҳқонлар султон саройига арз қилиб борса султон саройидагилар уларнинг арзини эшитишлари ва унга ёрдам беришлари лозимдир. Бундай шикоятларни эшитмайдиган амалдорлар ўз лавозимларидан маҳрум этилиши керак. Салжуқийлар даврида солиқ тизимидаги ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқдаги халқ ҳаётини бирмунча енгиллашишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётни ривожланиши учун

кучли турткич бўлди.

X аср охири XI аср бошларида Шарқда феодал муносабатлари ривожланган шаклга кирган эди. Шунинг учун шаҳарларда иқтисодий ҳаёт, Шаҳристондаги работларга ўтиб боради. Работларда эса бозорлар гавжум бўлиб, иқтисодий ҳаётда уларнинг аҳамияти юксалиб борар эди. Шаҳар аҳолиси асосан ҳунарманд, савдогар, амалдорлар ва руҳонийлардан ташкил топган эди. Ҳунармандлар шаҳар фуқароларининг кўпчилигини ташкил этар эди. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқ кучайиб боради. Шаҳарлар давлатнинг маданий ва савдо марказларига айланади. Эрон ва Ўрта Осиёнинг кўпчилик ҳунармандлари асосан жун, пахта ва шойи матоларни ишлаб чиқазишар, улардан хилма хил буюмлар, зеби зийнат, идишлар ҳам ишлаб чиқишар эди. Ҳунармандларнинг кўпчилиги бирлашмаларни ташкил қилар эди. Бу бирлашмаларни шайхлар бошқарар эди. Лекин Шарқдаги ҳунармандларнинг бирлашмалари сиёсий ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўла олмади. Савдогарлар ҳам ширкатларга бирлашиб карвон йўллари орқали Ҳиндистон, Хитой, Араб ва Ғарб давлатлари билан савдо ишларини олиб боришар эди. Ҳунармандчилик ва савдогарлик ўша даврда иқтисодий ҳаётни ташкил этар эди.

Салжуқий ҳукумдорларидан айниқса султон Алп-Арслон ва Маликшоҳ ҳукумронлигида иқтисодий ва маданий муносабатлар анча кучли ривожланди. Бу эса ўз навбатида Умар Хайём даврида маданиятнинг юксалишига муҳим ижтимоий омил бўлди.

Сомонийлар давридан бошлаб, араб тили ўрнига форс тили кириб келади ва бу тил Эрон, Хуросон ва бошқа кўпгина давлатларда етакчи тилга айланади. Форс дарий тилида кўпгина бадиий асарлар, рубоийлар ва илмий тадқиқотлар ёзилар эди. Умар Хайём даврига келиб форс тили санъат, маданият ва адабиёт тилига айланди. Умар Хайём даврига келиб шеъриятда қасида, ғазаллар ва рубоийлар ёзиш одатга кирган эди. Султон саройида йиғилган сарой шоирлари султоннинг барча ишларини шарафлаб, қасидалар ёзишар эди. Бундан ташқари ўша даврда тасаввуфий шеърият ҳам ривожлана бошлади. Тассавуф шайхлари оддий халқнинг қизиқишлари, кечинмалари, эҳтиёжларини ўзларининг шеърларида ҳамда ўз ғояларида катта бир маҳорат билан ифода этишар, халқдаги ҳикматни тасаввуф ғоялари билан уйғунлаштиришар эди. Машҳур сўфий шайх ва қаландарлар, оддий омма ўртасида катта ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган эди. Халқ уларнинг шеърларини меҳр билан тилга олар ва

такрорлар эди.

Сўфий шоирлари моддий бойликка боғланишни, халқни талон тарож қилаётган солиқлар, бева бечора етимларга раҳм шавқат қилмаган зодагонларни тинимсиз олиб бориладиган босқинчилик урушларини қоралашар, халқнинг меҳнаткашлиги унинг сабр тоқатлигини оддий одамларга хос бўлган камтаринлик, саховатлиликни улуғлашар эди. Шундай машҳур сўфий шоирлардан биз Умар Хайём даврида яшаган Саноий ва Ансорий каби шоирларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

X асрда машҳур бўлган шоир Рудакий ҳам Умар Хайём ижодига катта таъсир кўрсатган деб ҳисоблашимиз мумкин. Рудакий меросига хос бўлган диалектик ғоялар кейинчалик Умар Хайём шеъриятида ҳам кучли из қолдирган.

X асрда Тасаввуф шеърияти ҳали эркин қулоч ёзмаган эди ва унинг таъсири айниқса тарки дунёчилик, риёзат чекиш, навс ва ҳирсни тикиш каби ахлоқий тамойиллар кенг даврага кириб етарли даражада илдиз отмаган эди. Масалан, Рудакий шеърларида ҳаётни олқишлаш, ҳаётий тажрибадан келиб чиқадиган донишмандлик ҳақидаги фикрлар учрайдм. Рудакий инсоннинг келиб чиқишига эмас балки унинг туғма фазилатларига кўпроқ этибор берган. Шоир Абу Шукр Балхи шеърий тилга “гавҳар” тимсолини киритган ва “гавҳар” деб у инсоннинг туғма қобилиятларини атаган.

Абулқосим Фирдавсий ўзининг машҳур “Шоҳнома” асарида ҳам инсоннинг туғма фазилатлари, ғам - ғуссалари билан бирликда ҳаёт хурсандчиликлари ҳам хилма-хил лирик образларда гавдалантирилади. X асрдаги шоирларнинг кўпчилигида зиддиятларга тўла руҳий кайфиятлар авж олган. Уларнинг шеърларида ғамгинлик, истироб билан бир қаторда шоду хуррамлик ва жўшқинлик каби кайфиятларни учратиш мумкин. Бундай зиддиятларга бой шеърий лирика аслида ҳаётнинг ўзига хос бўлган ички кечинмаларини акс эттирган. Умар Хайём шеъриятида ҳам ўтмиш ва келажакни солиштириш ҳаётни шамол ёки булутга ўхшатишларини учратиш мумкин. X аср шеъриятида Абулқосим Фирдавсийнинг ижодида ҳам тафаккурни, ақлни юқори баҳолаш, уни инсон ҳаётидаги беқиёс ўрнини кўрсатиб бериш хос бўлган.

А.М.Алиев ва М.Н.Османовларнинг Умар Хайём деб номланган китобида, муаллифларнинг фикрича, Хайёмнинг рубоийларининг ёзилишига таъсир қилган шоирлар қаторида Рудаки, Фирдавсий ва Ибн Сино каби буюк мутафаккирлар бўлишган.

Умар Хайём ижодига кучли пессимистик руҳият хос бўлган, чунки ўз пессимизми орқали Хайём тақдир ва қисматнинг адолатсизлигидан бир кам дунёнинг номукамаллигидан шикоят қилади. X аср шоирлари Рудакий, Фирдавсий ҳамда Тасаввуф шеъриятидаги май тимсолидан, Хайём рубоийларидаги май тимсоли бошқа бир маънога эгадир. Тасаввуф шеъриятида май экстаз ҳолатини тимсоли сифатида берилади. Бундан ташқари тасаввуф шеъриятида машуқ ва маҳбуб тимсолларида сўфийнинг худога бўлган интилиши, унинг қалбдаги руҳий муҳаббати тарифланган бўлса, ушбу образларни Хайём рубоиётида учратмаймиз. Хайём ижодида май тимсоли ҳаёт хурсандчиликларини ифодалайди. Умар Хайём рубоийларига Араб халифалигида шаклланиб ривожланган фалсафий ғоялар ҳам таъсир этди. Араб маданияти илм фан хусусан математика ва табиатшунослик фанларига катта имкониятлар яратиб берди. Араб файласуфларидан машҳур бўлганлари қаторида, Киндийни айтишимиз мумкин. Унинг ижодига юнон фалсафаси айниқса Аристотель фикрлари катта таъсир кўрсатган эди.

Умар Хайёмнинг фалсафий қарашларига кучли таъсир қилган буюк сиймолардан бири бу Ўрта Осиёлик буюк мутафаккир Абу Наср Фаробийдир. Фаробийнинг ижодига ҳам юнон фалсафаси айниқса Платон, Аристотел ҳамда неаплатоникларнинг таълимоти кучли таъсир кўрсатган. Унинг асарларидан бири “Илоҳий Плотон ва Аристотел қарашларидаги фарқлар” деб номланган эди. Бундан ташқари Фаробий “Фанлар таснифи” китобини ҳам яратади. Бу китобда у ўзининг энциклопедик билимларини, фанларнинг классификацияси орқали моҳирона очиб беради.

Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари эса ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Фаробий ижодидаги рационал ва ахлоқий қарашлар, ислом ақидалари билан қўшилиб, ўзига хос бўлган фалсафий системани юзага келтирди. Хайём рубоиётидаги бир қатор фалсафий ғоялар Фаробийникига ўхшаб кетади. Фаробийдан ташқари Хайёмнинг дунёқарашига Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино қарашлари катта таъсир кўрсатди. Берунийнинг 150 дан ортиқ бизгача етиб келган асарлари Ибн Синонинг буюк “Тиб қонунлари”, “Донишнома”, “Аш-шифо” каби кўпгина асарлари ҳам Умар Хайёмнинг фалсафий дунёқарашини шаклланишига замин яратди. Уларнинг дунёқараши идеалистик бўлиб, рационалистик ғоялар билан бир қаторда иррационал, пантеистик қарашлари ҳам учрайди[487].

[487] Алиев Р. М., Османов М.Н. Омар Хайям. – М.: Акад. Наук СССР, 1959, - 25 с.

Шундай қилиб Умар Хайём яшаган давр зиддиятли бўлиб бир томондан маданият, илм фаннинг юксалиши содир бўлса, иккинчи томондан урушлар ҳам бу даврда авж олади. Айнан машу зиддиятлар, Умар Хайём ижодига бевосита таъсир қилиб унинг ижодидаги пессимистик руҳиятни юзага келтиради.

ЗИНАТУЛЛАЕВ Зиёдилла Иззатилла ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
"Ислом тарихи ва манбашунослиги
IRCICA" кафедраси ўқитувчиси

АРАБ ХАЛИФАЛИГИНИНГ МОВАРОУННАҲРГА ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ БИРИНЧИ БОСҚИЧИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

Аннотация: *В статье описываются этапы внедрения ислама в Центральную Азию и завоевания Мовараунахра арабами на основе первоисточников и научной литературы.*

Ключевые слова: *ислам, Мовараунахр, Центральная Азия, научная литература.*

Annotation: *The article highlights the stages of introducing Islam into Central Asia and the conquests of Movaraunnahr by the Arabs on the basis of primary sources and scientific literature.*

Key words: *Islam, Movaraunnahr, Central Asia, scientific literature.*

Марказий Осиёга араблар ҳарбий юришларининг бошланиши учинчи халифа Усмон ибн Аффон[488] даврига тўғри келади. 651 йил унинг Хуросондаги волийси Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз[489] даврида Ҳотим ибн ан-Нуъмон ал-Боҳилий Марвни тинч йўл билан эгаллади[490].

---

[488] Учинчи халифа Усмон ибн Аффон ибн Абул Ос ибн Умайя (р.а.) ҳижрий 24-35 (милодий 644-655) йилларда халифалик қилган. Усмон ибн Аффон даврида биринчи маротаба Қуръони Каримнинг тўлиқ матни хаттотлар томонидан янги араб алифбоси ёрдамида қоғозга туширилган, жума кунлари азон айтилиб, жамоа бўлиб намоз ўқиш, ҳайит кунлари хутба айтиш йўлга қўйилган. Илк бор шурат – миршаблар хизмати жорий этилган.

[489] Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз – 29/649-50 йилда 25 ёшида Ироқ ва Басра волийси этиб тайинланган. У Хуросоннинг Нишопур, Сарахс, Абивард, Марв, Балх, Толақон ва Фороб шаҳарларини куч билан, Омул, Марв ар-Руд, Ҳирот, Қобул шаҳарларини сулҳ билан фатҳ этиб, биринчи бўлиб Хуросон амири этиб тайинланган.

[490] Абул Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросонннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: ТошДШИ, 2017. 59-б.

Фақатгина Марвдан 7 фарсах масофада, Сарахс ва Марв ар-Руд[491] йўллари орасида жойлашган ас-Синж қалъаси куч билан олинди[492]. Ат-Табарийнинг маълумотига кўра, Абдуллоҳ ибн Амир Марв ҳокими Абраз билан 2 миллион 200 минг ёки 6 миллион 200 минг дирҳам эвазига сулҳ тузган[493]. Шунингдек, ўша даврда ҳозирги Афғонистонннинг шимоли, Эроннинг шимол-шарқий қисми ва жанубий Туркманистондан то Амударёгача бўлган ҳудудлар ҳам, яъни Хуросон[494] араблар томонидан эгалланган. Ушбу минтақанинг маркази Марв шаҳри эди[495]. Айнан Хуросон вилояти арабларнинг Мовароуннаҳрга ҳарбий юришлари учун таянч истеҳком вазифасини ўтади. Марказий Осиёда араблар томонидан эгалланган биринчи шаҳар Марв эди. Халифанинг Хуросондаги ноиби Абдуллоҳ ибн Омир ва Марв аҳолиси ўртасида сулҳ имзоланди[496]. Аҳмад Балазурийнинг[497] маълумотига кўра, Ибн Омир Амударёгача бўлган барча ерларни эгаллади. Мовароуннаҳр аҳолиси буни билгач, ундан сулҳ тузишни сўрайди. Дарҳақиқат, Ибн Омир бундай сулҳга имзо чекиб, унда белгиланган товонни олиш учун ўз одамларини юборади[498].

Арабларнинг Марказий Осиёга ҳарбий юришлари тарихчилар томонидан икки босқичга бўлинади. Биринчиси 650/651-705 йилларни ўз ичига олади. Мазкур даврда араблар бу ҳудудни тўлиқ эгаллаш эмас,

---

[491] Марв ар-Руд – Марв ар-Руд ёки Марв Руд Марвдан 40 ёки 47 *фарсах*, 6 *марҳала* ёки 5 кунлик йўл масофада Мурғоб дарёсининг юқори оқимида Балх йўлида жойлашган шаҳар ва вилоят. Ундан Ҳаротгача бўлган масофа 6 *марҳала*, Балхгача эса 12 кунлик йўлни ташкил этган. Одамлар унинг номини қисқартириб Маруд ёки Марруд шунингдек Марв ал-А‘ло “Юқори Марв” деб ҳам атаганлар. Ривоятга кўра, Марв сўзи ўт олдириш учун ишлатиладиган “оқ тош” маъносини билдирган. Абул Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросонннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: ТошДШИ, 2017. 120-б.

[492] Ўша асар. 14-б.

[493] Ат-Табарий. “История” ат-Табари. Перевод с арабского В.И. Беляева с дополнениями О.Г. Большакова и А.Б. Халидова.Ітом. 2897.

[494] Хуросон – Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Унинг номи паҳлавий тилида *xwrasan* – “қуёшнинг чиқиш ери”, “шарқ”маъносини билдиради. Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр/Ибн Ҳавқал; араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С,Камолиддин. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2011. 99-б.

[495] Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ. 2013. 108-б.

[496] Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.: ART-FLEX, 2010. 109-б.

[497] Балазурий – Абул Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ибн Жобир ибн Довуд ал-Катиб ал-Бағдодий ал-Балазурий (ваф. 279/892-893 й.) биринчи бўлиб арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида асар ёзган. Унинг асл келиб чиқиши форс бўлган, “Футуҳ ал-Булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) асарининг муаллифи.

[498] Ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. 17-б.

балки шу мақсадни кўзлаган ҳарбий тайёргарликни амалга ошириш, маҳаллий ҳукмдорлар ҳарбий қудратини синаш, минтақа билан боғлиқ географик, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий маълумотларни жамлаш мақсадида кичик ҳарбий юришларни амалга оширдилар. Иккинчи давр, яъни 705/6-715 йиллар оралиғида Марказий Осиё Араб халифалиги томонидан тўлиқ эгалланди[499].

VII асрнинг ўрталаридан бошлаб Марказий Осиё минтақаси тарихида кузатилган ўзига хосликлардан бири 640 йилдан бошланган Тан империясининг Ғарбий турк хоқонлигига ҳужумлари билан боғлиқлиги эди. Бу Ғарбий туркларни икки фронтда кураш олиб боришга мажбур қилди. Марказий Осиёдаги мулклар ва Ғарбий турк хоқонлигидаги сиёсий вазиятнинг ёмонлашуви арабларнинг ҳарбий юришларини тезлаштирди[500]. Бу даврда (643 й.) араблар Эроннинг Сосонийлар сулоласининг сўнгги подшоҳи Йаздагирд III ибн Шаҳриёр билан уруш олиб бораётган эдилар.

637 йил араблар Форс давлати пойтахти Мадоинга кириб бориб шаҳарни эгалладилар. Бу пайтда подшоҳ Йаздагирд оиласи билан Жалуло шаҳрига қочиб кетган эди. Жалуло шаҳри ҳам эгаллангач, подшоҳ Марв шаҳрига қочишга мажбур бўлади[501]. Йаздагирд Марвдан туриб, вилоятлардаги одамларни арабларга қаршилик кўрсатишга чақиради. Арабларга қарши урушда ёрдам сўраб Турк хоқонига ва Сўғд подшоҳи Гурек ҳузурига элчи юборади. Бундан ташқари ас-Син (Шарқий Туркистон) императори, Кобул ва ал-Хазар подшоҳларига ҳам мактублар ёзиб, улардан ёрдам сўрайди. Араб саркардаси ал-Аҳнаф ибн Қайс Марвга етиб келганда, туркларлардан ёрдам келавермагач, Йаздажирд араблардан қочиб, Амударёнинг ўнг соҳилига Марв ар-Руд шаҳрига ўтади[502].

Тарихи Табарийда келтирилишича, Ғарбий турк хоқони қулай фурсат топиб, Йаздажирдга ёрдам беради. У турклар билан келади ва Фарғона ҳамда Суғд аҳолисидан аскар тўплайди. Коалицион қўшин дарёдан кечиб ўтиб, Балхга қараб йўл олади. Балхда турган кўфаликлар Марв ар-Рудга, Аҳнаф ҳузурига чекинадилар. Кофирлар эса Балхдан юриш қилиб, Марв ар-Рудга арабларга қарши саф тортадилар[503].

---

[499] Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. 107-108-б.

[500] Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.: ART-FLEX, 2010. 110-б.

[501] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. 1-жуз – Т.:"Ҳилол-Нашр" 2018. 424-б.

[502] Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний//Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев/. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 1998. 18-б.

[503] Ат-Табарий. "История" ат-Табари. С. 11.

Аҳнаф Марв ар-Рудга йўл олганда, Йаздажирд Балхга юради. Куфалик араблар унинг кетидан қувиб бориб, Балх яқинида Йаздажирд аскарлари билан жанг қиладилар. Бу жангда Йаздажирд мағлубиятга учраб, одамлари билан Балх дарёси (яъни Амударё) томонга чекиниб, дарёнинг нариги қирғоғига кечиб ўтади. Турк хоқони турклар, Фарғона ва Суғд аҳлини йиғиб, Йаздажирдга ёрдамга келгач, улар бирга Балх дарёсидан Хуросонга кечиб ўтиб, Балхга келадилар. Куфалик араблар у ердан ал-Аҳнаф ёнига Марв ар-Рудга чекинганлар. Турк хоқони қўшини билан Балхдан Марв ар-Рудга келиб, шаҳар ёнида тўхтайди. Туркларнинг одатига кўра, жангдан олдин 3 ноғорачи бирин-кетин туғ кўтариб қароргоҳдан чиқиши ва ноғора чалиб, белгиланган масофадаги ерга бориб туриши лозим эди. Шундан кейин қўшин жангга отланар эди. Ўша куни Аҳнаф ибн Қайс кечаси қалъадан чиқади ва хоқоннинг қўшини турган ерга келиб тонг отишини кутди. Ноғорачилар бирин-кетин қароргоҳдан чиқа бошлаганда, Аҳнаф уларга ҳужум қилиб, уларни ўлдирди ва орқасига қайтди. Тонгда турклар жангга отланганда, ўзларининг 3 ноғорачиларининг ўлдирилган жасадларига дуч келдилар. Хоқон буни ёмон аломат деб қабул қилди ва жангга киришмасдан Балхга қайтиб кетди. Йаздажирд Марвга йўл олди ва у ерда қолдирган ғазнасини олиб Туркистонга ёки Сингa олиб кетмоқчи эди. Лекин Форс аҳли бунга қаршилик қилдилар, Йаздажирдга ҳужум қилиб, унинг ғазнасини тортиб олиб, бу ҳақида Аҳнафга хабар бердилар. Араблар Марвга етиб келдилар ва Йаздажирд тарафдорлари билан жанг қилиб, уларни шаҳардан сиқиб чиқардилар. Йаздажирд араблардан қочиб, дарёдан кечиб ўтди ва халифа Умар ҳукмронлигининг (13 – 23/634 – 644 йй.) охиригача Фарғонадаги турклар ҳузурида қолди[504]. Халифа Усмон даврида (23 – 35/ 644 – 656 йй.) Хуросон аҳли арабларга қарши бош кўтардилар. Йаздажирд ҳам Фарғонадан Марвга келди. Лекин бу ерда Йаздажирд билан Хуросон аҳли ўртасида низо вужудга келди. Йаздажирд улардан қочиб, бир тегирмонга яширинди. Хуросонликлар уни қидириб топиб, ўлдирдилар, жасадини эса ариққа ташладилар[505].

Йаздажирднинг ўлими ҳақида манбаларда турлича маълумотлар мавжуд. Йаҳйо ал-Балазурийнинг Футуҳ ал-булдон асарида келтирилишича, 651 йил ёзида Йаздажирд III ибн Шаҳриёр (632 – 651)араблардан қочиб Марвга келади. Бу ерда уни Моҳавайҳ ва

[504] Ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. 64-б.
[505] Ат-Табарий. “История” ат-Табари. С. 6

Бодғиснинг турк ҳокими Низак Тархон тантанали равишда кутиб олдилар. Низак Тархон Йаздажирддан унга қизини турмушга беришини сўраб мактуб ёзади. Бунга жавобан Йаздагирд “Сен менинг қулларимдан бирисан, қандай қилиб менга совчилик қилишга журъат этдинг?” деб, унга рад жавобини бериб, камига Моҳавайҳдан солиқларни тўлашни талаб қила бошлайди. Сўнгра уларнинг ўртасидаги муносабат бузилиб, Моҳавайҳ турклар билан битим тузган ҳолда Йаздагирдни қатл этишни ташкил қилган[506].

Юқоридаги маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, фарғоналиклар ва суғдлар турклар билан иттифоқдош бўлиб арабларга қарши кураш олиб борган. Фарғона Суғд таркибига кирмаган алоҳида жуғрофий ва маъмурий ҳудуд бўлган. Суғд ҳам Фарғона ҳам ўз подшоҳлари бўлганига қарамай, хорижий масалаларда Ғарбий Турк хоқонлигига бўйсунганлар ва унга аскар тўплаб бериш мажбуриятини олганлар[507].

Форс диёрлари араблар томонидан тўлиқ фатҳ этилгач, энди асосий эътибор Мовароуннаҳрга қаратила бошланди.

658-659 йилларда Тан империяси ва Уйғур хоқонлиги қўшинлари Ғарбий турк хоқонлигининг асосий ҳудуди – Еттисувнинг катта қисмини эгаллайди. Натижада Ғарбий турк хоқонлиги янада заифлашади[508]. Бундан фойдаланган араб қўшинлари 667 йилда Чағониёндаги туркий ҳукмдор (ябғу)га зарба берди. Хуросонда кенг кўламдаги ҳарбий юришлар қилиш ва сиёсий вазиятни мустаҳкамлаш мақсадида Марв волийси Умайр ибн Аҳмар[509] Басра ва Куфанинг ҳар биридан 25 мингтадан араб аҳолисини Хуросонга кўчириб, уларни бешта манзилгоҳга ҳарбийлашган гарнизон тарзида жойлаштиради. Ибн Аҳмар арабларни Марвга кўчириб келган биринчи волий эди[510]. Бундан кўзланган мақсад, биринчидан, ишғол қилинган ҳудудларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иккинчидан, кейинги ҳарбий юришларга замин ҳозирлаш бўлган. Бироқ, халифаликдаги

---

[506] Ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. 9-61-б.

[507] Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний//Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев/. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 1998. 19-б.

[508] Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент. “Шарқ”, 2001. 154-б

[509] Уъмайр ибн Аҳмар ал-Йашкурий – араб лашкарбошиси. 27/647-48 йилда халифа Усмон ибн Аффон даврида 1 йил Хуросон волийси бўлган. 45/665-66 йилда халифа Муовия ва ал-Ироқ волийси Зийод ибн Абу Суфён даврида аввл Марв шаҳри ва унинг вилоятига ҳоким этиб тайинланган.

[510] Ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. 20-б.

ҳокимият учун ички низоларнинг кучайиши натижасида арабларнинг Мовароуннаҳрга юриши маълум муддатга кечикди[511].

Наршахийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида Муовия ибн Абу Суфён[512] буйруғига кўра Хуросон ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд Жайҳун[513] дарёсидан ўтиб, Пойканд (ҳозирги Бухоро вилоятидаги Қоракўл тумани) ва Ромитонни эгаллайди ҳамда Бухоро шаҳрини қамал қилади. 680 йилда Бухоро подшоҳи Бидун Бухорхудот ҳалок бўлгач, унинг валиаҳд ўғли Туғшода ҳали эмизикли бола эди[514]. Шу сабабли тахтни Қабаж Хотин исмли Бухорхудотнинг беваси эгаллайди. Араб аскарлари шаҳар ташқарисида саф тортиб, палахмонларни шаҳарга тўғрлаб қўйди. Қабаж Хотин Ғарбий туркларга одам юбориб улардан ёрдам сўрайди ҳамда Убайдуллоҳ ибн Зиёдга ҳам одам юбориб етти кун муҳлат талаб қилади. Шунингдек, “мен сенинг итоатингдаман” деб, кўплаб ҳадялар юборади. Етти кунда турклардан ёрдам келмагач, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга қайтадан одам юбориб, яна етти кун муҳлат сўрайди. Ниҳоят, турк аскарлари етиб келади ва бошқалар ҳам йиғилишиб, лашкар кўпаяди.

Наршахийнинг ёзишича, кўплаб урушлар бўлади ва охири кофирлар енгилиб қочади, мусулмонлар уларни таъқиб этиб, кўпларини ўлдирадилар. Мусулмонлар қурол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган ашёлар ва асирлардан иборат катта ўлжани қўлга киритадилар. Улар Қабаж Хотиннинг бир пой этигини ҳам пайпоғи билан бирга оладилар. Улар тилла ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди, баҳоси икки юз минг дирҳам бўлган[515].

676 йили Саид ибн Усмон Хуросон амири бўлгач, Жайҳун дарёсидан ўтиб Бухорога келади. Бухоро ҳукмдори Қабаж Хотин унга одам юбориб, Хуросоннинг аввалги амири Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан ўртада сулҳ бўлганлигини билдиради ва унга совғалар юборади. Кутилмаганда Сўғд, Кеш (Шаҳрисабз) ва Нахшаб (Қарши) лашкарлари ёрдамга етиб келди. Қабаж Хотин ўртадаги сулҳни мустаҳкамлаш таклифини билдиргани ва совғалар юборганидан пушаймонлигини билдиради. Саид ибн Усмон совғаларни қайтариб юбориб: “Бизнинг орамизда сулҳ йўқ”, – деди.

---

[511] Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарқ. 2013. 108 б.

[512] Муовия I – умавия халифаларидан, халифалик йиллари: 661-680.

[513] Жайҳун – Амударёнинг арабча номи. Ибн Ҳавқал. Мовароуннаҳр/Ибн Ҳавқал; араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С,Камолиддин. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, – 2011. 99-б.

[514] Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, “Камалак” 1991, 92-б.

[515] Ан-Наршахий. Бухоро тарихи. 115-б.

Шундан сўнг араб қўшини ва турк лашкари қарама-қарши туриб саф тортди. Аллоҳ таоло кофирлар дилига ваҳима солди, турк лашкарлари урушсиз ортга чекинди. Қабаж Хотин имконсиз қолгач, яна одам юбориб Саид ибн Усмондан сулҳ сўрайди ва катта миқдорда товон пули юборади. Саид эса энди Сўғд ва Самарқандга бормоқчи эканлигини, у ердан қайтишда Бухорода ўтаётиб бирор муаммога дуч келмаслик учун гаровга одам талаб қилади. Қабаж Хотин маликазодалар ва Бухоро деҳқонларидан[516] саксон кишини гаров қилиб Саид ибн Усмонга беради[517].

Бухорода жиддий қаршиликка учрамаган Саид ибн Усмон 676 йилда Самарқандни бир ой қамал қилиб, битим тузишга эришди[518]. Наршахийнинг ёзишича, Саид ибн Усмон Самарқанд ва Сўғдда кўп жанглардан сўнг зафар қучади ва ўлжалар билан қайтади. У Бухорога етиб келганида, Қабаж Хотин одам юбориб, "соғ-саломат етиб келдинг, энди гаровни бизга қолдириб кет", – дейди. Саид эса "ҳали сендан хотиржам бўлганим йўқ, Жайҳундан ўтгунимгача гаровдагилар мен билан бўлади", – деб жавоб беради. Жайҳундан ўтганида хотин одам юборса, "Марвга етгунимча қўятур", Марвга етгач, Нишопурга, сўнг Куфага етиб олай деб Мадинагача олиб кетади. Мадинага етганидан кейин, Саид ғуломларига буюриб гаровдагиларнинг қиличларини ечтиради, улардаги қимматбаҳо кийимлар, тилла ва кумушларнинг ҳаммасини олиб, эвазига бўз (кийим)лар кийдириб, экин экиш ишларига банд қилиб қўяди. Улар бундан норози бўлиб, "Бу киши бизга бермаган яна қандай хорлик қолди? У бизни қул қилиб олиб оғир ишларга буюрмоқда, биз хорлик билан ўлгандан кўра бир йўла фойдали иш қилиб ўлайлик", деб Саиднинг саройи эшикларини беркитиб, уни ўлдиришади ва ўзларини ҳам ўлимга топширишади[519].

Сўнгра ҳижрий 61 (680/681) йилда халифа Йазид ибн Муовия томонидан Муслим ибн Зиёд (681–684)[520] Хуросон ва Сижистон амири этиб тайинланади ва Хуросонга етиб келади. Табарий Хуросон аҳлидан бўлган бир шайхнинг маълумотларига таяниб, Хуросон аҳли араблардан бўлган бирорта амирни яхши кўрмаган, фақатгина Муслим ибн Зиёдни

---

[516] Деҳқон – илк ўрта асрларда Марказий Осиёда қишлоқ ҳокимларига берилган ном.

[517] Ан-Наршахий. Бухоро тарихи. 116-б.

[518] Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сўғд муносабатлари. Монография. – Т.: ART-FLEX, 2010. 111-б.

[519] Ан-Наршахий. Бухоро тарихи. 117-118 б.

[520] Балазури. Завоевание Хорасана С. 67; История ат-Табари, С. 426; ан-Наршахий. Бухоро тарихи 118-б. Бартольд. Туркестан. С. 241.

яхши кўрган, шу сабабли 20 мингдан ортиқ болаларга Салим деб исм қўйганликлари ҳақидаги маълумотларни келтирган[521].

64/683-684 йилда халифа Йазид ибн Муовия вафот этгач, халифалик тахти Муовия ибн Йазид ибн Муовия қўлига ўтади. Қайсийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Ҳозим ибн Забйон ас-Сулами исён кўтариб, Хуросон ноиблигини қўлга киритади ва 72/691-692 йилгача Хуросонни бошқарди. Аммо арабларараро низолар натижасида ас-Сулами ўлдирилади. 73/692-693 йилда Бухайр ибн Вишах ас-Сақафий, орадан бир йил ўтмай, Умайя ибн Абдуллоҳ Хуросонга ноиб этиб тайинланади. Хуросондаги вазият бирмунча издан чиқади ва волийлар тез-тез алмаштирилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўз даврининг икки қудратли империяларидан бири Сосонийлар империясининг араблар томонидан фатҳ этилиши, империянинг шарқий қисми Хуросон ва унга туташ Амударёнинг нариги тарафидаги Ғарбий турк хоқонлигига қарашли бўлган Марказий Осиёнинг яриммустақил давлатларини эгалланиши учун қулай шароит туғдирди. Аммо халифаликдаги ички зиддиятлар араблар томонидан Мовароуннаҳр деб аталган Марказий Осиё ҳудудини тўлиқ эгалланишига имкон бермади. Шу боис, Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан тўлиқ фатҳ этилиши ҳарбий ҳаракатларнинг иккинчи босқичида, аниқроғи Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим (704/705–715) томонидан амалга оширилди.

АБДУЛЛАЕВА Дилафруз Суратиллаевна
Тошкент Давлат Шарқшунослик университети
таянч докторанти

ҒАДА АС-САММАН ҲИКОЯЛАРИДА ДИН ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация: *Эта статья посвящена анализу историй Гады а-Саммана, мульти-творческого сирийско-ливанского писателя, который внес существенный вклад в развитие универсальной литературы сегодня. Это иллюстрирует социальную среду 60-х и 70-х годов 20-го века в Сирии - внутренние религиозные конфронтации, секты в религии ислама и конфликты между различными политическими группировками, а также*

[521] ат-Табарий. “История” ат-Табари. С. 35.

проблемы страны в результате мусульманской арабской семьи вынуждены покинуть Родину. История представлена читателю на основе сильного психологического анализа, в котором он эффективно использует инструменты психологического анализа, такие как внутренний монолог, монолог, память, монолог, повторение, пейзаж и психологический портрет.

Ключевые слова: *арабская литература, литературный процесс, сирийская литература, психология, внутренний монолог, монолог памяти, дискуссионный монолог, внутренние религиозные противоречия, иммигранты.*

Annotation: *This article is dedicated to the analysis of the stories of Gada a-Samman, a multi-creative, Syrian-Lebanese writer, who has made a significant contribution to the development of universal literature today. It illustrates the social environment of the 60s and 70s of the 20th century in Syria – internal religious confrontations, sects within the religion of Islam and conflicts between various political factions, as well as the problems of the country as a result of a Muslim Arab family forced to leave their Motherland. The story is presented to the reader on the basis of strong psychological analysis, in which he effectively uses psychological analysis tools such as internal monologue, monologue, memory, monologue, repetition, landscape, and psychological portrait.*

Key words: *Arabic literature, literary process, Syrian literature, psychology, internal monologue, memory monologue, discussion monologue, internal religious contradictions, immigrants.*

Бадиий адабиёт жамият ҳаётининг қоғоздаги аксидир. Жамият ривожланар экан, бадиий адабиёт ҳам у билан ҳамнафас ривожланиб боради. Йиллар, даврлар ўтиши билан, адабиётда ҳам мавзу доирасида кенгайиб бориб, ҳар бир давр адабиёти ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётини очиб беради, қаҳрамонлар эса, ўша давр инсонларини тасвирлайди. Замонавий араб адабиётида ҳам Ғада ас-Самман, Жорж Салим, Надия Хаст, Закария Тамер, Муҳсин Ғаним каби ёзувчилар бугунги кун араблар қавмини, дин ва жамият, инсон ва замон мавзуларини қаламга олмоқдалар. Уларнинг асарлари араб халқининг кундалик ҳаётидан сарчашма олади. Араб танқидчилари ва ёзувчиларни анъанавий йўналишга мансуб деб ҳисоблайдилар[522]. Бу ёзувчилар ижодига хос

[522] Акбарова М.Х. Янги давр араб адабиёти. -Т., 2009. 222-б.

долзарблик, халқчиллик, гуманизм ўқувчилар диққатини ўзига жалб этмоқда.

Замонавий Сурия-Ливан адибаси Ғада ас-Самман бугунги кунда сермаҳсул ижод қилиб келаётган араб адибаларидан бўлиб, у ўзининг асарларида бугунги кун жамиятининг муаммоларни ётириб келмоқда. Адиба Ғада ас-Самман 1942 йилда Сурия пойтахти –Дамашқда, зиёли оилада таваллуд топган бўлиб, болалик дамлариданоқ оиладаги илмий ва адабий муҳит қуршовида улғайган. Унинг отаси Аҳмад ас-Самман ўз меҳнат фаолиятини Дамашқ масжидларидан бирида муаззинликдан бошлаган. Кейинчалик Дамашқ университетида фаолият юритиб, факультет декани, университет ректори, сўнг Сурия Маориф вазири лавозимларида ишлайди. Ғада ас-Самман болалигида Қуръони Каримни ёд олган, француз, инглиз тилларини мукаммал даражада билган. Унинг дунёвий ва диний билимлар соҳибаси эканлиги асарларида ҳам ўз аксини топган.

Ғада ас-Самман Дамашқ университетининг филология факультетини тамомлаб, Байрутдаги Америка университетида магистратурада таълимни давом эттиради. Магистратурадан сўнг илмий тадқиқот ишларини давом эттириш мақсадида, Лондонга қараб йўл олади, Лондон сафари эса Париж, Женева ва бошқа Европа шаҳарларига уланиб уланиб кетади. Узок йиллар давомида Европада яшаб, ижодни давом эттиради. Европадаги ҳаёти давомида араб моҳожирларининг қисмати билан яқиндан танишади, ўзи кўрган, гувоҳи бўлган ҳамда эшитган воқеа-ходисаларини қаламга олиб, мусулмон шахси ва замонавий Ғарб жамияти зиддиятлари масалани тасвирлашга, Ғарб жамиятида мусулмон халқи рўпара келаётган муаммоларни кўтаришга ва имкон қадар ечим беришга ҳаракат қилади. “Миёвлаш”, “Миллиард туни” каби асарларида Европага турли сабаблар – таълим олиш, пул топиш ва бошқа сабаблар билан келиб қолган муслима араб қизлари ва аёлларининг Ғарбдаги ҳаёти, муаммолари ва руҳий изтиробларини адиба психологик таҳлил орқали очиб берган.

Адибанинг “Ғариблар туни” (“ليل الغرباء” - “Лайлул Ғурабаа”) ҳикоялар тўпламидан ўрин олган “Ўзга бир совуқ оқшом” ҳикояси дин ва жамият мавзусига бағишланган бўлиб, унда ота ва фарзанд муносабатлари, Суриядаги диний ички бўлинишлар, унинг натижасида юзага келган зиддиятлар ва ички диний низолар, бу жараёнларнинг жамият ҳаётига салбий таъсири каби масалалар ёритилиган. Адиба Ғада ас-Самман ўзининг бу ҳикоясида ҳаётда кийналган, рухий тушкунликка тушган

муслима аёл образи талқинида Суриядаги мураккаб ижтимоий вазият, ички диний қарама-қаршиликлар ва бунинг касрида мухожирликка маҳкум бўлган сурияликлар тасвирланган. Ҳикояда ёлғиз араб аёлининг қисмати баён этилган бўлиб, унинг руҳий кечинмалари, изтироблари, дарди ва ички кечинмалари моҳирона тасвирлаган. Муаллиф ушбу ҳикоясида ҳам ўз услубига биноан ретроспектив сюжет тизимидан фойдаланиб, воқеалар бош қаҳрамон тилидан баён килинади.

Ҳикоя бош қаҳрамони Тима (Фотима) катта бир шахарда ёлғиз бир ўзи яшар эди. Ҳикояни муалиф Тиманинг тилидан баён қилиб, унинг рухий холатни очиб беришда психологик тахлил воситалари ички монолог, монолог хотира, нуткий характеристика, такрор сўзлар, адабий галлюцинация ва пауза воситисидан маҳорат билан фойдаланган. Ҳикояда айникса, монолог хотиранинг аҳамияти катта бўлиб, қаҳрамон ўтмишига қайтган воқеалар ҳеч бир огохлантиришсиз ҳикоя матнига киритиб кетилади. Фақатгина муалиф ушбу монолог хотира қисмларини қавс ичига олиб тўқ сиёҳ билан ёзади. Бу, восита адибанинг барча ретроспектив сюжет асосида ёзилган асарларида мавжуд бўлиб, унинг услубининг бир қисми ҳисобланади.

Ҳикояда ўқувчи учун мавҳум тафсилотлар диалоглар орқали маълум бўлади.

(- صغيرتي، ما اسمك الحقيقي؟..

- كان فاطمة، و صار في هذه المدينة "تيما".

- و مدينتك؟..

- مدينة منهن، عربية، من الضائعات عن أي يقين..

- أليس لك يقينك؟

- لم أعد أدري، الا حداث المتعاقبة مزقت اسرتي و أساطيري، و لم أجد أي بديل...[523]

(- Кичкинтойим, ҳақиқий исминг нима?

- Фотима эди, бу шаҳарда Тима бўлди.

- Шаҳринг?

- Араб шаҳри Минхун, йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланади…

- Яқинларинг борми?

- Билмайман, уқубатли ҳодисалар оиламни ва орзуларимни парчалаб юборди).

Тиманинг Фотима бўлган даври унинг хотираларида тасвирланади. Ҳикоя бош қаҳрамони Фотима (Тима), катта бир оиланинг кенжа фарзанди бўлиб, ота-онаси, уч акаси билан катта ҳовлида улғаяди.

[523] غادة السمان. ليل الغرباء. منشرات غادة السمان. بيروت، 1966. ص. 134.

Ота-онаси ва акаларининг ўлимидан сўнг, у ёлғиз қолади, ва барча ҳамшаҳарлари каби ўз шаҳрини тарк этишга мажбур бўлади.

Ҳикоя давомида муаллиф бир шахс қиёфасида икки характер – катта оиланинг эрка, кенжа фарзанди Фотима ва ёлғиз аёл Тима образини гавдалантиради. Ҳикоя воқеликлари хронологик кетма-кетликда эмас, ретроспектив сюжетда берилганлиги сабабли ҳодисалар ва воқеалар ҳикоя матнида сочиб ташланган. Муаллиф бош қаҳрамонни, гоҳ ўтмишига қайтиб Фотима бўлишни, гоҳ эса, реал ҳаётга қайтиб Тимага айланишини маҳорат билан акс эттиради.

Гарчи Тима ўша пайтларда, яъни Фотима бўлган дамларини чуқур энтикиш билан қўмсашини адиба хотира монологларида баён этади. Унинг шу маҳзунлигида оиланинг инсон ҳаётидаги ўрни салмоқли эканлиги ҳикоя давомида Тиманинг тақдири орқали тасвирлайди. Тима оиласи, ҳовлиси, ота-онаси, акаларининг олдига, ўзининг Фотималик даврига хотираларида қайтар экан, ота-онаси ва акаларига бўлган муносабатига алоҳида -алоҳида тўхталиб ўтади. Отаси мукаммал диний илм ва тақво соҳиби сифатида тасвирланади, аммо Фотима жуда яхши кўрадиган, ҳар соҳада ўзига ўрнак деб биладиган “замонавий диний билимларга эга” уччала акаси эса турли (бир-бирига зид) диний гуруҳларда фаолият юритадиган ва дин ниқоби остида сиёсий мақсадларини амалга оширувчи шахслар бўлади.

لم أكون أحبه، و لم أكون أكلامه. متت أحسده. كان يبدو قويًا، ما دنًا دومًا، مطمئنًا و سعيدًا. و كنت أتَمَنَّى أن أعرف سر مذا كله...

كنت انبش في غرفة مكتبة احوتى الثلاثة، لعلى أجد ذاك السر في كتبهم..[524]

“Уларни (отамни) яхши ҳам кўрмасдим, ёмон ҳам. шунча-ки, ҳасад қилардим. Кучли, доим вазмин, мамнун ва бахтли туюлардилар ва мен бунинг барини сирини билгим келарди...

Бу сирларни акаларимнинг китобларидан топиш мақсадида, уччала акамнинг кутубхонасини ковлардим...”.

Фотима ўз ота-онасини янги ҳаётни тушунмайдиган, дунёвий билимларини яхши билмайдиган деб ҳисоблаб,акаларининг илмли ва зиёли эканликларидан фаҳрланишини муаллиф хотира монологлари ва улардаги психологик портретда акс эттирган. Акаларини ўзи учун ҳар соҳада ўрнак биларди. Аммо унинг отасига берган портретидан ёзувчи шуни кўрсатиб турибдики, акалари каби зиёли бўлмаса ҳам, Фотима отасини акаларидан устун қўяди, унинг вазминлиги, бахтлилиги, мамнун

[524] غادة السمان. ليل الغرباء. منشرات غادة السمان. بيروت، 1966. ص.134.

ва кучлилигига ҳавас қилади, отасининг бу салобатида бир сир бор, деб ўйлайди. Айнан шу сирни топиш учун кўп китоб ўқирди ва ўзи билмаган ҳолда отаси каби бўлишни орзу қиларди. У фахрланган акалари эса унинг ишончини пучга чиқарадилар, отасининг ва бир-бирларининг қотилига айланиб, Фотиманинг ҳаётини барбод қиладилар. Отасининг сўзлари эса Тиманинг қулоқлари остида кечагидек жаранглamoқда.

لست ضد الثقافة، و لكننى لا أريد لكم ثقافة تقطع جذوركم مع ماضيكم، فتسودكم بدلاً من أن تهضموما أنتم، و تستخد موما خلال حذور اصالتكم.[525]

"Мен маданиятга қарши эмасман, аммо мен сизларга сизнинг илдизларингизни ўтмиш билан узиб ташлайдиган, сизларга сингиш ўрнига, сизларни бошқарадиган "эркинлик" илдизлари орқали сизлардан фойдаланадиган маданиятга қаршиман".

Отанинг ушбу монологи орқали эса жамиятда тақалаётган ва ёшлар онгини заҳарлаётган турли мафкураларга муаллиф ўз муносабатини билдирган. Айнан шундай асли нияти ёвуз бўлган мафкуралар Фотиманинг акалари каби ёш йигитлар онгини заҳарлади ва турли ички низолар ва бегуноҳ одамларнинг ўлимига олиб келганини муаллиф Фотиманинг тақдирида тасвирлайди. қанчадан- қанча оилалар йўқ бўлиб кетди, Фотима каби қизлар энди ёлғизлик азобига маҳкум бўлганликларини ўз ҳикоясида ифода этди.

و اقترب من خيط الدماء الدف كان يسيل من فمه. أحسَّسْت بغيرة لا حدلها من تلك الابتسامة العجيبة على شفتيه. كانت تحمل كل ما أبحث عند الداخل الكتب، و لا أعرف له لحديدًا: شيء كان يسميه أبى "الايمان".[526]

"Мен уларнинг (отамнинг) оғизларидан оқаётган қонли ип чизиққа яқинлашдим. Уларнинг лабларидаги ажабтовур табассумдан чексиз ғайратни ҳис қилдим. Унда мен китоблардан қидирган барча нарса мужассам эди, мен аниқ билмайман, аммо бу нарсани отам бир сўз билан атардилар: "Иймон"...

Фотима отаси салобатининг сирини акаларининг китобларидан изларди. Аммо у бу сирни отасининг жонсиз чеҳрасидаги табассумидан топади. Иймон – айнан шу сўз отасига мислсиз куч, ирода, ҳаётдан мамнунлик, чексиз бахт ва доимий вазминлик бахш этганини ёзувчи Ғада ас-Самман бир сўз билан тасвирлади. Бу нарса отасини ҳатто дунёдан кўз юмганида ҳам тарк этмади. Гарчи Фотиманинг акалари ҳам бир хилда "Иймон", "Иймон", дея бонг урсалар ҳам, фикран, қалбан бир-бирларига

[525] Ўша асар. Б. 136.
[526] Ўша асар. Б. 136.

қарши бўлганликларини муаллиф ҳикоя давомида акс эттирди: улар бир-бирларининг қотилига айландилар. Сабаби улар “иймон” дея атаган сўз остида аслида ҳар бирлари учун ҳар хил, умаман бошқа маънодаги мақсад турарди. Шу сабаб уларнинг иймони, уларнинг ишончини оқламади. Отасининг имони чин ва мустаҳкам бўлгани учун, ҳатто уни вафотидан сўнг ҳам тарк этмай, балки унинг юзида абадий табассум бўлиб қолганини ёзувчи юксак бадиий маҳорат иблан кўрсатиб берган.

Фотима аслида отасини қаттиқ яхши кўрарди, аммо қайсарлиги сабаб буни тан олгиси келмасди.

لا ادرى لماذا صرحت، و أنا أحس للمرة الأولى في حياتى ان أخدودًا من الصوان النارى ينفتح في أحشائى: بابا..[527]

“Билмайман нима учун қичқириб юбордим, аммо ҳаётимда биринчи бор ичакларимда аллақандай оловли ўра очилганини ҳис қилдим: Дадааа...”.

Масжид томондан гумбирлаган овоз келиб, ҳамма ёқни қора тутун қоплаганда, Фотима биринчи галда ўша томонга кетган отасини ўйлади!.. Отасининг қўлидан тушмайдиган қора тасбеҳини ўшанда олиб, қўйнига яшириб қўйганича, бутун умр асради. Аммо у нима бўлаётганини англаб етмас, ўша мудҳиш оқшомда отасининг жасадини эшикдан олиб киришганда сўнг, қисқа вақт ичида бирин-кетин қолган акаларининг ҳам жасадини олиб киришди... Шу тариқа ички низолар сабабли катта бир оила қирилиб кетишини муаллиф ҳикояда тасвирлаб, зиёли акалари каби минглаб йигитлар қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг ва ҳатто ўзларининг ҳам ўлимига сабаб бўлганликларини акс эттиради. Фотима бир нарсани тушунолмасди: уларнинг ҳаммаси зиёли ва ақлли эди, аммо нима сабабдан бир бир-бирига қарши эканликларини тушунмаётганини муаллиф қуйидагича тасвирлайди:

كنت عاجزة عن الفهم، لأن كلا منهم طالما حدثنى عن الاشياء نفسها التى حدثنى عند الأخر. كلهم يقول: الشعب، العقيدة، العمل...[528]

“Мен буни тушунишга ожиз эдим, уларнинг ҳар бири менга бошқаси ҳам сўзлаб берган нарсалар ҳақида гапирарди. Ҳаммаси айтарди: миллат, ақида, амал...

Лекин нега унда бир-бирларини ўлдирадилар? Нима учун бу нарса ҳамма ерда содир бўлади?!”

---

[527] [527] Ўша асар. Б. 138.

[528] Ўша асар. Б. 139.

Адиба Фотима уларнинг бир хил гапириб, бир нарсага интилиб, лекин келишолмай бир-бирларини ўлдиришлари сабабини тушунишга ожизлигини тасвирлар экан, қаҳрамон нутқидаги “мен тушунишга ожиз эдим”, “мен ҳали-ҳамон ожиз эдим”, “мен тушуна олмасдим” каби такрор сўзлар орқали айнан шу вазиятга эътиборни кучайтириб, ўқувчи диққатини жалб қилади. Ва бу билан муаллиф Фотиманинг айни дамдаги руҳий ҳолатини очиб беради.

Мазкур ҳикояда адиба Ғада ас-Самман араб мамлакатларида долзаб бўлган муаммолардан бири – ички диний қарама-қаршиликлар ва ички низолар мавзусини кўтариш орқали, бир муслима қиз тақдирида бу иллатларнинг қанчалик салбий ва ўзгартириб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрасатиб берган. Ҳар қандай даврда ҳам дин ва жамият муносабатлари тўғри йўлдан кетмаса, издан чиқса, дин ниқоби остида мутаассиб шахслар ўз қора ниятлари, сиёсий ўйинларини амалга оширсалар, бу жамият инқирозга юз тутишга муқаррардир. Мазкур ҳикоядаги Ота образида тимсолида биз Ватан рамзини, Сурия мамлакатини кўрсак, унинг ўғиллари тимсолида ички диний қарама-қаршиликларни ва низони юзага келтирган Сурия халқи рамзини кўрамиз. Фотима образи эса ана шу вазиятлар қурбони – низокор халқ касрига қолган, муҳожирликка, ёлғизликка маҳкум бўлган Ватанидан, она шаҳридан айрилган сурияликлар рамзини кўрамиз. Адиба Ғада ас-Самман ўз ҳикоясида бир оиланинг аянчли тақдири орқали бутун Сурия фожеасига ишора қилган. Адиба ўз ҳикояларида муслима қизлар тақдирини тасвирлаш орқали, ҳар қайси давр, ҳар қандай жамиятда Инсон ўзлигини сақлаб қолиши, дин ва жамият муносабатларида ақл-идрокка таянган ҳолда фикр юритиши, мукаммал диний илм ва мустаҳкам Иймонга эга инсонларгина бу муносабатларни тўғри ташкил қила олишлари мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, бугунги жамиятимимзда диний номукаммал билим, ички диний қарама-қаршиликлар, ички низолар сабаб кўплаб талофатлар ва йўқотишлар содир бўлаётганини таъкидлайди.

АБДУЛЛАЕВА Дилбар Зоиржон қизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

ФАНАТИЗМ ТУШУНЧАСИГА БЕРИЛГАН ТАРИФЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: *В статье даётся краткая информация про понятие фанатизм и об исторических корнях возникновения религиозного фанатизма. Также, в нем также анализируются комментарии различных ученых о концепции фанатизма.*

Ключевые слова*: Религозный фанатизм, религиозные идеи, фанатизм, невежество, крайность , преданность.*

Annotation: *The article provides brief information about the concept of fanaticism and the historical roots of the emergence of religious fanaticism. Also, it also analyzes the comments of various scholars on the concept of fanaticism.*

Key words: *Religious fanaticism, religious ideas, fanaticism, ignorance, extreme, devotion*

Маданий тараққиёт тарихида фанатиз феномени ҳар доим файласуфлар, дин мутафаккирлари, сиёсатчилар ва маданият намоёндалари ўртасида катта қизиқиш уйғотиб келган, чунки бу ҳодис турли хил шаклларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз аксини топиб келган. Хусусан фанатизмнинг жамиятнинг барча соҳаларида ўзига хос кўринишлари мавжуд: диний, сиёсий, спорт, санъат , ирқий, ҳуқуқий фанатизм каби турлари мавжуд. Диний фанатизм булар қаторида алоҳида ўрин тутади, чунки дин ижтимоий ва индивидуал хулқ-атворнинг энг муҳим руҳий тартибга солувчиси ҳисобланади. Диний соҳадаги озгина ўзгаришлар одамнинг фикрлари, ҳис-туйғулари ва хулқ-атвор тизимига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Шу ўринда савол туғилади фанатизм асли нима? Унинг асл моҳияти ва аҳамияти қандай. Қуйида турли олимларнинг бу ходиса юзасидан берган тарифларини таҳлилига тўхталиб ўтамиз.

Диний фанатизм (лот. Fanaticus “ғазабланган”) – диний ғояларга кўр-кўрона содиқлик ва амалий ҳаётда уларга риоя қилиш истагининг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги. Диний фанатизм асосан диний мазҳабларда яққол намоён бўлади. Бу диний фаолиятга, ундаги турли маросимлар ва

ибодатга мутаассиблик билан киришиш ва ўз хайрихоҳ гуруҳлари ичда бирлашиб кетиш[529]. Диний фанатизим одатда диний тамойиллар номи билан қурбонликни муқаддаслигига асосланади. Унинг психологик асоси – эътиқоддир[530]. Диний мутаассиб шахснинг эмоционал кечинмалари унинг рационал фикирлаш қобилиятидан устунлиги билан таснифланади. Яъни диний ақидапараст шахс воқеа-ҳодисаларни когнитив билиш орқали эмас балки эмоционал кечинмалар таъсирида таҳлил этади ва ёндошади. Диний ақидапарастликнинг асосий турлари орасида пассив-фикирловчи ва актив-экстремистик турлари ажралиб туради.

Ақидапарастлик тушунчасини илк бор Француз воизи ва илоҳиётчиси Жак-Бенинь Боссюэ (1627-1704) томонидан қўлланилган бўлиб, у ўз даврида католик динини монархия ҳокимияти устуворлик қилувчи Франсия учун расмий қарашлар тизими сифатида кўрган француз абсолютизмининг асосий мафкурачиларидан бири эди. Боссюэ ақидапараст тушунчасини ўша давр ўз диний эътиқодларини черков муносабатлари ва қоидаларига эмас, балки фақат ҳудогагина боғлиқлигига ишонган протестантларга нисбатан қўллаган.

Боссюэ диннинг асосини ахлоқ ва интизомда деб билган. Христианлик у учун ахлоқ нормаларининг наъмунаси эди, лекин у ҳар қандай илоҳий ҳис туйғулар ва мистик ҳодисаларни “руҳий вабо” (la peste spirituelle) сифатида қабул қилган. Шу кўринишдаги диний эътиқод вакилларини унинг наздида диний ақидапараст ва бидъатчи дея ҳисоблаган.

Боссюэ диний мурасасозлик тарғиботчиси эди. У Людовик XIV 1685 йили Генрих IV томонидан протестантлар ва католиклар учун тенгликни жорий этиш учун 1598 йили қабул қилинган Нантес фармонини бекор қилишга ундаган.

1764 йили Женевада “Фалсафий луғат” нашр этилди, унда француз файласуфи, маърифатчи, тарихчи ва шоири Вольтер (1694-1778)нинг “фанатизим” сўзига берган изоҳи чоп этилди. Вольтернинг таъкидлашича ақидапараст шахс – “Ўз нодонлигини куч орқалий ҳимоя қилувчилар”дир. Улар ўз ғоясини ҳимоя қилар экан, унга қарши бўлган барч инсонларга нисбатан куч ишлатиш ва қатл қилишга тайёрдир. Бунга мисол сифатида Вольтер тарихий Варфоламей кечасини мисол қилиб келтиради.

---

[529] https://psyfactor.org/lib/reladdict2.htm, Старшенбаум Г. В. Религиозный фанатизм: описание, терапия // «Психология и психотерапия зависимостей», М. 2006.

[530] Ольшанский Д. В. Психология терроризма. – Санкт Питербург: изд-во Питер, 2002 г. – 286 с.

“Ақидапарастлар – бу ўзларининг ғояларидан ўзгача фикирловчиларга ўлим ҳукмини ўқувчи судиялардир” – дея эътироф этган эди Вольтер.

Диний ақидапарастлик психологияси тўғрисида тўхталар экан, Вольтер – бу шунчакий “жоҳиллик меваси” ёки Бейль таъкидлаганидек “ибтидоий жон” эмас балки оламон психологияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолатдир дея таъкидлайди. Фанатизия ҳар доим қабиҳлик ва шавқатсизлик хусусиятига эгадир. У айни вақтда хурофот, ғазаб ва жоҳиллик каби иллатларнинг асосчиси ҳисобланади деб алоҳида эътироф этади Вольтер.

Рус диний ва сиёсий файласуфи Николай Александрович Бердяев (1874-1948) ўзининг 1937 йили “Русские записки” журналида чоп қилинган “Ақидапарастлик, ортодоксия ва ҳақиқат ҳақида” номли мақоласида диний ақидапарастликка танқидий фикрларини билдириб ўтади. У “ақидапарастилик” сўзига синоним сифатида “муросасизлик” нисбий маънода рашкчи маъносини келтиради. Унинг фикрича ақидапараст шахс худди рашкчи бир инсондек барча ерда хиёнат ва сотқинликни кўради. Бундай шахслар ўта шубҳа ва гумонларга берилувчан бўлиб, гўёки ҳамма ерда унинг эътиқодига нисбатан фитна уюштирилаётгандек туюлади.

Бердяев диний ақидапарастликнинг зиддиятли хусусиятларига ишора қилиб қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

“Ақидапараст шахс доимо ўзининг қандайдир тақиб остида деб хис қилади, атрофда уни шайтоннинг турли хила-ю найранглари қамраб олгандай хис қилади. Ўзини доимо турли душманларининг тақиб ости деб хис қилувчи инсон – ўта хавфли мавжудотдир, хавфда яшовчи инсон ўзи ҳам аслида тақиб қилувчига айланади”[531].

Бердяевнинг фикрича ақидапараст инсонлар шайтонга илоҳнинг мавжудлигидан кўра кўпроқ эътиқод қиладилар. Ақидапараст инсонлар ўз ички қўрқувини енгиш учун зўравонлик қилади, бу уларнинг ожизликларининг яққол наъмунаси. Унинг эътиқоди салбий тусга эга-чунки ақидапарастликнинг асли хам эътиқоднинг ожизлигининг яққол далилидир.

“Нигилизм ахлоқи” асрида С.Л.Франк фанатизмни муҳокама қилар экан, унинг жамият хаетида намоён бўладиган баъзи жиҳатларига тўхталиб, ушбу ҳодисага ўзигахос таъриф беради. Унинг фикрига кўра,

[531] Бердяев Н.А. Фанатизм как ценностная деформация сознания // Научные ведомости, Серия Философия. Социология. Право. 2012. № 20 (139). Выпуск 22

фанатизмни “севимли фикрга бўлган эҳтиросли садоқат”[532] деб тушуниш керак, бу эса бир томондан, одамни ўз хаётини қурбон қилиши ва бу орқали улкан ютуқларга эришиши, бошқа томондан эса бутун хаёти моҳиятини нотўғри, бузиб таҳлил этишига олиб келади. Шунингдек ўз фикрига хамроҳлик қилмаганларга нисбатан кескин муносабатда бўлиш каби хусусиятларга эга деган таърифни беради. С.Л.Франк томонидан фанатизм тушунчасига берилган таъриф бирмунча кенг қамровли ҳисобланади, сабаби унда нафақат фанатизм тушунчасининг эмоционал, мафкуравий ва салбий жиҳатларига, балки ижобий қирраларигахам кичик урғу бериб ўтилган. Яъний маълум турдаги ғоя ёки фаолиятга нисбатан муккасидан кетиш шахсда манашу фаолиятга нисбатан амалий кўникмаларни юксак ривожланишига туртки бўлади. Айнан “севимли фикрга бўлган эҳтиросли садоқат” қўйилган мақсадга эришиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда психологик нуқтаий назардан баъзи турдаги кучли эмоционал эҳтирос шахсда “турғун” сифат касб эта бошласа, шахсда бошқаларга нисбатан номувофиқ хулқ атвор кўриниши намоён бўла бошлайди ва шунингдек ўзгаларнинг ғояларини бузиб идрок этиш жараёни юз бериши мумкин.

Н. А. Калюжная фанатизимга “экстремаллик” сифатини берган. У фанатизмга қуйидагича таъриф берган “ўз эътиқоди ва ғоясига хаддан ортиқ берилган холда, бошқаларнинг эътиқодлари, урф-одатлари ва қадриятларини рад этишка олиб келадиган содиқлик”[533]. Юқоридаги тушунчадан хулоса қилиш мумкинки, бирон бир эьтиқодга ёки ғояга содиқ бўлган одамнинг радикаллиги уни одатда ўз мафкурасига зид ғояларга нисбатан салбий муносабатда бўлиши билан ифодаланади.

Юқоридаги келтириб ўтилган турли олимларнинг фанатизм термини юзасидан берган тарифларидан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, фанатизм бу мутлоқ салбий ходиса эмас балки унинг ўзига хос ижобий қирралари хам мавжуд. Лекин бу ижобий жиҳатлари хам шахсдаги ижтимоий муносабатларда салбий из қолдириши мумкин. Ўз фаолияти ёки ғоясига нисбатан кучли эҳтирос шахсни бошқа шахсларнинг эътиқодларига нисбатан норозилик кайфиятини туғдириши мумкин, бу эса шахслараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Лекин шуниси эътиборлики тарихан барча буюк ихтиролар ва маданият асарлари

---

[532] Вехи: Сборник: статей о русской интеллигенции. 4-е изд. Москва, 1909. – С. 170.

[533] Калюжная Н. А. Фанатизм: личностные и групповые черты // Философские науки. 2007. №9. – С. 79.

шахснинг ўз фаолиятига ёки эътиқодига нисбатан буюк эҳтироси сабабли юзага келган.

АБДУРАСУЛОВ Шоҳрух Абдунаимович
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Санъатшунослик институти таянч докторанти

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДАГИ ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Аннотация: *В статье анализируются театральные интерпретации философских и религиозных взглядов великого поэта Алишера Навои в поэме «Садди Искандари». Особое внимание уделяется режиссерскому подходу, актерскому исполнению и вопросам сценографии. Подчеркивается, что театр играет важную просветительскую и популяризаторскую роль в изучении и углубленном понимании литературного наследия Алишера Навои.*

Ключевые слова: *Алишер Навоий, “Садди Искандари”, “Хамса”, суфизм, суфийская литература, классическая литература, узбекский театр, спектакль, режиссерская трактовка, актёрского мастерства, сценография.*

Annotation: *The article analyzes the theatrical interpretations of the philosophical and religious wiews of the great poet Alisher Navoi in the poem “Saddi Iskandari”. Particular attention is paid to the director’s approach, acting and scenography. It is emphasized that the theatre plays an important educational and popularizing role in the study and in-depth understanding of the literary heritage of Alisher Navoi.*

Key words: *Alisher Navoi, “Saddi Iskandari”, “Hamsa”, sufism, sufi liteture, classic literature, uzbek theatre, performance, director’s interpretation, acting, scenography.*

Улуғ шоир ва мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоий ижодидаги тасаввуфий ғоялар, ишқий-илоҳий туйғулар ўзининг гўзаллиги, оҳорлилиги, бадиий-эстетик таъсирчанлиги, инсонни маънавий камолот сари ундаши ва бошқа фазилатлари билан ислом тафаккури ривожида алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, шоир адабий меросини чуқур ўрганиш,

унинг моҳиятидаги умуминсоний тушунчалар, ахлоқий қадриятлар, тасаввуф фалсафасини англаш комил инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Алишер Навоийнинг орифона қарашларини ўзида акс эттирган, “Хамса”даги ғоят ибратли ва муҳташам достон – “Садди Искандарий” ҳисобланади. Навоий аввалги тўрт достонда баён этилган қарашларини умумлаштириб, хотима ясар экан, Искандар тимсолида умрнинг ўткинчилиги, тожу тахт, амалу мансабнинг бебақолиги, дунёга келиш ва яшашдан мақсадни фалсафий йўсинда, юксак маҳорат билан тасвирлайди.

Маълумки, Шарқда Искандар Зулқарнайн, Ғарбда Александр Македонский номи билан довруғ қозонган жаҳонгашта шахс сиймоси нафақат тарих илми, балки адабиёт вакилларининг ҳам доимий эътиборида бўлиб келган. Етти иқлимга донг таратган румлик фотиҳ ҳақида Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўлмас асарлар яратишган. Аммо улар Искандар тимсолида оламларни бузишга қодир саркардани эмас, балки ҳақгўй, адолатпеша, одил шоҳ сиймосини кўришган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони ҳам ана шундай асарлар сирасига киради. Буюк мутафаккир адолатпарвар ҳукмдор Искандар образини энг олий пардаларда, юксак хаёлот билан тасвирлайди ва уни ўз даврига, тожу тахт илинжида “қирпичоқ” бўлаётган темурийзодаларга ибрат сифатида кўрсатади. “Ўзининг кўп жиҳатлари билан султон Ҳусайнни эслатувчи – бундан аввалги достон қаҳрамони Баҳром образидан сўнг, шоир шояд келгусидаги шоҳлар Искандардек одил, олим, халқпарвар ва тадбирли бўлсалар, деган умид билан ёнар эди”[534] .

“Алишер Навоий ўз халқининг она тилида Искандар ҳақида достон яратишга киришар экан, аввало Шарқ халқларининг шу сюжет билан боғлиқ бўлган барча адабий ва тарихий ёзма манбаларини синчиклаб ўрганди, салафлари достонларини қунт билан ўқиб чиқди, уларнинг ютуқ ва камчиликларига ўз муносабатини билдирди”[535]. Навоий тасаввуридаги Искандар адолат яловини тик тутган, хар ишни илм аҳли билан маслаҳатлашган ҳолда қиладиган, оқил ва доно, закий шахс. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ёзганидек, “Навоий кўп асарларида,

---

[534] Ғаниева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1962. – Б.72.

[535] Алишер Навоий. “Садди Искандарий” (насрий баёни билан). Сўзбоши муаллифи М.Ҳамидова – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.6.

хусусан, “Садди Искандарий” достонида адолатли давр ва муҳитда инсоннинг инсонлик шарафи нечоғлик юқори кўтарилиши, одамлар онгида маҳдудлик, кўнглида қўрқоқлик офати жой топмаслиги ғоятда ишонарли ва ва таъсирли оҳангларда тасвирлаб берилган”[536]. Достондаги Искандар олий рутбадан эмас, насл-насабининг тайини йўқ, онаси вафот этиб етим қолган, оддий ташландиқ вайронадан топиб олинган гўдак ҳолида тасвирланади. Навоий учун буюк музаффарнинг авлоду аждоди қизиқ эмас, балки унинг инсонийлиги, халқпарварлиги, хайрли амаллари, суратига эмас сийратига хос фазилатлари, жамиятдаги ўрни аҳамиятлироқ.

Мустақиллик йиллари маънавий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида Ҳазрат Алишер Навоий ижодини ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёш авлод шуурига сингдириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида Алишер Навоий асарларининг театр саҳналарида талқин қилиниши ҳам эътиборга молик воқеалардан бўлди. Боиси театр – жонли санъат, саҳнадаги воқелик бевосита томошабин кўз ўнггида содир бўлади, таъсир жиҳатидан театр – энг қудратли санъат турларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан Алишер Навоий асарлари асосида спектакллар яратилиши муҳим жараён бўлиб, бу улуғ шоир ижодининг умуминсоний моҳиятини кенг тарғиб қилиш, у қолдирган бой маънавий мерос билан халқимизни ошно этиш имконини берарди. Тўғри, мустабид тузуми йиллари ҳам театрларда Алишер Навоий асарларига мурожаатлар бўлган. Бироқ ушбу спектакллар кўпинча бирёқлама талқин қилинар, уларда шоир даҳоси ва ижодига етарлича аҳамият берилмасди. Бу хусусида таниқли театршунос Муҳсин Қодиров шундай ёзади: “Кўп ҳолларда китобхон ва томошабинларни Навоий даражасига кўтаришни эмас, балки Навоийнинг диди ва савиясини етарли одми аҳоли даражасига туширишни ўйладик. Баъзан Алишер Навоийнинг достонлари атайин соддалаштирилди, баъзан қаҳрамонлари ҳукмрон мафкура қарашларига мослаштирилди”[537].

Истиқлол йиллари Ўзбекистон театрларида “Хамса”нинг барча достонлари, жумладан, “Садди Искандарий” ҳам саҳналаштирилди. Хусусан, достон асосида адабиётшунос Шуҳрат Ризаев томонидан ёзилиб, ҳозирги Ўзбекистон давлат драма театрида режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган “Искандар” спектакли маданий ҳаётимизда воқеа бўлди.

---

[536] Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2007. – Б.82.

[537] Қодиров М. Навоий ва саҳна санъати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – Б.142.

Спектакль нафақат ўзига хос саҳнавий талқини, балки достон моҳиятидаги ишқий-илоҳий ғоялар, тасаввуфий қарашларнинг нозик дид ва теран дард ила идрок этилгани билан қимматли бўлди. Спектаклнинг барча ифода воситаларида тасаввуф билан руҳан яқинлик туйиш мумкин.

Режиссёр Б.Йўлдошев мумтоз шеъриятни чуқур ҳис қилиши, поэзия ва театрни бир бутунликда жонлантира олиши, шунингдек, ғоявий маслакни очишда новаторлик топилмаларидан унумли фойдаланиши "Искандар" спектаклида тўла-тўкис исботланди. Спектакль таъсирчанлиги, эстетик назокати, бадиий эмоционаллигини ошириш, режиссёр трактовкаси ва актёрлар ижросига фалсафий юк беришда моҳир рассом Георгий Бримнинг хизматлари беқиёс бўлди. Рамз ва метафорага бой саҳна қурилмалари, бамисоли илоҳийликка йўғрилган нақшинкор устунлар ва маҳобатли декорациялар томошабин эътиборини тортади. Айни дамда бундай тасвирий манзара соҳир овоз ила қироат қилинаётган муқаддас Қуръон оятлари билан уйғунлашиб, руҳиятга янада кучли таъсир кўрсатади.

"Спектаклнинг воқеавий асослари анча содда: Искандарнинг тахтга ўтириши, урушлари ва ўлими…Унинг замирида дунё мазмуни, ҳаёт моҳияти, ҳокимият маъсулияти ҳақидаги бир қарашда оддий кўринувчи, лекин неча минг йиллардан бери ечими йўқ ҳақиқатлар хусусидаги ўй-фикрлар ётади"[538].

Парда очилганда, Қуръон тиловатига ҳамоҳанг тарзда актёр А.Рафиқов ҳиссиётлар тизгинини бўшатиб, "Хамса"нинг сўнгги достони – "Садди Искандарий"ни ёзишга Яратгандан куч-қувват, мадад тилайди. Машаққатли ишни поёнига етказиш учун илтижою таваллолар қилади. Бу ҳолат актёрнинг қалб кечинмалари, юрак нолаларига уланиб, спектаклнинг умумий динамикасига жўшқин пафос ва эстетик жозиба бахш этади.

Режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг "Искандар" спектаклидан кўзлаган асосий мақсадларидан бири – Алишер Навоий сиймосини халқ билан яқинлаштириш эди. Шу боис пьеса муаллифи Ш.Ризаев достон ва унинг саҳнавий тили учун замонавий шакл излади, томошабинлар аудиториясига бирдек тушунарли монолог ва диалоглардан фойдаланди. Б.Йўлдошев эса воқеалар, фалсафий фикрларни рамзий топилмалар, поэтик мизансаҳналар орқали ифодалаб, улкан достонни ихчам ва ҳаракатчан томошага

[538] Баяндиев Т, Икромов Ҳ, Аҳмаджонова М. Ўзбек театрида миллий ғоя талқини. – Тошкент: 2009. – Б.43.

айлантирди. Агар спектакль сюжетининг тадрижий ривожига эътибор қаратсак, деярли барча саҳналар шартлиликка қурилгани, макону замондан тортиб, актёрлар ижроси, сценография, ҳатто реквизитларгача рамзий тафаккур маҳсули экани кўриниб туради.

Актёр Э.Носиров ижросидаги Искандар образида улуғ шоир илгари сурган фалсафий қарашлар, режиссёр белгилаган ғоявий мақсад мужассам. Яъни, тожу тахт, умрнинг ўткинчилиги, мансабу мартабанинг вафо қилмаслиги айнан Искандар хатти-ҳаракатлари, шахс ва ҳукмдор сифатидаги фаолияти орқали аёнлашади. Айниқса, достондаги ғоят ибратли саҳна – Искандарнинг тарки дунё қилган дарвеш билан учрашуви спектаклда жуда таъсирчан ифодаланган. Дарвеш Навоий билан суҳбатида бир вақтлар шоҳ бўлганини, бироқ дунёнинг ўткинчи ҳаваслари, ёлғон ақидаларидан воз кечиб, камтарона фақирлик йўлига кирганини сўзлар экан, бу ёруғ олам ҳеч қачон ҳеч кимга абадий маскан бўлолмаслигини таъкидлайди. Айнан шу фикрнинг саҳнавий ифодаси ўлароқ оқ либосга бурканган руҳлар бирин-кетин дарвеш атрофида айланиб, машҳур мутасаввуф аллома Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан намуналар ўқийди. “Яссавий сўзлари Навоий байтларига жўр бўлиб, уйғунлашган ҳолда ҳозирги кун билан ҳамоҳанг жаранглайди”[539] .

Искандар боқий дунёга рихлат қилишидан аввал шундай васият қилади: “Мени қабрга элтар чоғда бир қўлимни тобутдан чиқариб қўйинг. Токи ҳалойиқ бу ҳолга ҳайрат, вале ибрат кўзи билан боқсин. Бу қўллар шунча мулку мамлакатни забт этиб, у дунёға рихлат чоғида шол кишининг қўлларидай қуп-қуруқ кетаётганини кўрсинлар. Алқисса, одамлар дунё орттириш машғулотидан қўл тортсинлар”.

2012 йил “Садди Искандарий” достони ёш режиссёр Асқар Холмўминов томонидан моноспектакль шаклида саҳналаштирилди. Яъни, достондаги барча қаҳрамонларни биргина актёр – Сардор Абдуманнонов ижро этади. Б.Йўлдошевнинг монументаль спектаклидан сўнг достоннинг бундай услубда саҳналаштирилиши маданий жамоатчиликда қизиқиш уйғотди.

Спектакль воқеалари ровий тилидан ҳикоя қилинади. Мустафо Бафоевнинг “Зикр ал-ҳақ” симфоник асарларидан янграган садолар остида авансаҳнада елкасига хуржун ортиб, бир нечта ёй илган, қўлида асо тутган ҳолда ровий пайдо бўлади. Ибратли ҳикоятни бошлаш асносида

[539]Аҳмедов С. Саҳнага тўкилган меҳр (“Искандар” спектаклини кўриб…). // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1991 й, 17-сон.

воқеликни кейинги ривожига хизмат қилувчи тасвирий-декоратив топилмаларни ишга солади. Саҳна марказига туширилган бақувват арқонларга асони боғлаб, унинг устига поёндоз шаклидаги оқ матони ёзади ва дунёга келган бўлғуси жаҳонгирнинг шуҳрат-мартабасига ўзига хос тарзда ишора беради. Оқ мато аста кўтарилади, навбатдаги рамзий уйғунликни касб этиб, ҳукмдорлик нишонаси – тахтиравонга айланади. Тахт атрофидаги илгичларга осилган ёйлар эса умр мисли “камондан узилган ўқ” каби ўтиб кетишига ишора қилади. Воқеаларнинг кейинги баёни давомида ана шу топилмаларнинг ўрни алмашиб, то спектаклнинг хотимасига қадар асар манзараларини рамзий уйғунлик билан тўлдириб боради.

Искандарнинг отаси Файлақус билан видолашиш саҳнаси таъсирчан лавҳаларда очиб берилган. Бунда яна ўша ёй билан боғлиқ рамзий топилма ижрочига қўл келади. Искандар ёйларни бир-бирига кийгизиб, устидан оқ матони ўрайди, шу тариқа ота қабри бунёд бўлади. Актёр Сардор Маннонов отасидан айрилган жаҳонгирнинг ички кечинмаларини очишга киришар экан, қаҳрамони руҳиятидаги ўкинч, дард-алам ғалаёнини юқори пардаларда ижро этади.

Спектаклда Искандарнинг дарвеш билан учрашув саҳнага алоҳида эътибор қаратилган. Даставвал Искандар дарвеш олдида ўзини баланд тутиб, уни ҳузуридан қувиб солмоқчи бўлади. Аммо дарвеш ўзининг ақлли фикрлари билан шоҳ қалбига йўл топиб, вужудидаги кибр, манманлик ҳиссини сўндиради. Дарвеш қопчиғида иккита сўнгак, яъни бош чаноғи бор эди. У чаноқларни ҳукмдорга узатиб, ғоят ибратли саволни ўртага ташлайди:

Қўлга олиб кузат сен,
Ва хатоинг тузат сен.
Қайси бош чаноқ асли,
Тирикликда шоҳ бўлган?
Қайси бирининг насли
Гадо ўтган, тоқ ўтган?

Дарвешнинг фалсафий мулоҳазалари Искандар кўнглини юмшатади. Шу лаҳзалардаёқ уни устоз дея эъзозлайди. Боқий дунёни эслатиб, ўткинчи ҳо-ю ҳавасларни жиловлаб туриши учун бош чаноқларни тахт атрофига илиб қўяди. Достондаги энг ибратли ғояни ифода этувчи мазкур саҳнага ёш режиссёр ўзгача дид билан ёндашган. Бу борада режиссёр салоҳиятига актёр ижроси куч бағишлаган. Искандар ва дарвеш

мунозарасида актёр С.Маннонов ҳиссиётлар курашининг тўфонида қолади, икки мураккаб тақдир руҳиятини бор бўйича кўрсатиб, ўз ижросида жумбоқли саволларга жавоб ахтаради.

Искандарнинг фоний дунёни тарк этиши ҳам рамзий шаклда талқин этилади. Буюк фотиҳ учун тож-у тахт вазифасини бажарган оқ мато энди унинг кафанига айланади. Қудратли ҳукмдорнинг қўллари арқонга боғланиб, икки ёнга узала тушади, танаси оқ матога ўралиб, уни сўнгги манзилга кузатади. Искандар ўзи айтганидек, боқий дунёга бўш қўллар билан, бир парча кафан билан йўл олади.

“Садди Искандарий” достонининг бу икки талқини Ҳазрат Навоий илгари сурган умумбашарий ғоялар, тасаввуфий қарашларни акс эттиришга интилгани, рамзий воситалардан унумли фойдаланилгани, бадиий-ғоявий хусусиятлари билан ўзбек театри ҳаётида воқеа бўлди. Муҳими, саҳна санъатида Ҳазрат Навоий шахси ва ижодини англаш йўлида дадил қадамлар ташланди. Назаримизда, шоир асарлари асосида янги спектакллар яратиш бугун ҳам зарурият касб этмоқда. Сабаби, Алишер Навоий адабий меросини ўрганиш ва моҳиятини тушуниш оддий ўқувчи учун қийинчилик туғдиради. Театр эса халқни Навоий билан яқинлаштиришнинг энг таъсирчан воситаларидан бири. Спектакль томошабин онги ва руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади, саҳнадаги жонли муҳит Навоийни осонроқ тушуниш имконини беради. Демак, юртимиздаги мавжуд театрлар Алишер Навоий асарларини саҳналаштириш бўйича янги тажриба ва изланишлар олиб бориши, бу жараёнда янада фаол бўлишлари зарур.

РАҲМОНОВА Камолахон Амануллаевна
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Санъатшунослик институти таянч докторанти

ЖАДИД ДРАМАТУРГИЯСИДА ЁШ ҚАҲРАМОН АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МЕЗОНЛАРИ

Аннотация: *В статье рассматриваются этические взгляды и драматургические произведения джадидов, которые являются основоположниками национального возрождения, в их художественных решениях политических и социальных явлений эпохи. Важность идей и*

целей драматической драмы в духовности молодежи и сила моральной значимости в воспитании современной эпохи.

Ключевые слова: *Драматургия джадидов, молодой герой, образ, характер, тема, идея, конфликт, перипетия.*

Annotation: *The article discusses the ethical views and dramatic works of the Jadids, who are the founders of the national revival, in their artistic decisions of the political and social phenomena of the era. The importance of the ideas and goals of dramatic drama in the spirituality of youth and the strength of moral significance in the education of the modern era.*

Keywords: *Jadeed dramaturgy, young hero, image, character, theme, idea, conflict, peripeteia.*

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръондан энг биринчи нозил бўлган оят "Яратган номи билан ўқи" оятидир. Туркистон халқини миллий уйғонишга чақирган жадидлар илгари сурган ғоялар мазмун-моҳияти халқни илм-у маърифатга чорлаш, уларнинг маънавий-ахлоқий ўзлигини англатиш эди. Ўзбек драматургияси тарихида миллий уйғониш (жадид) асарлари Туркистон маданиятини янги босқичга кўтаргани билан аҳамиятли.

Миллий уйғониш илк намоёндаларидан Беҳбудий "Театр — ибратномадур... Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўзлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдирувчидир... Умумий одатларни нафи ва зараридан пайдо бўлатурғон натижаларни театрхонада айнан кўрсатурларки, ҳар ким мундан таъсирланиб, ёмон одатларни тарк этиб, яхшиликни зиёда ишламоҚға сабаб бўлур... теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур, мушаххис-актёр муаллими ахлоқдурлар", дея театрнинг асл моҳиятини очиб беради.

Европа типидаги янги пайдо бўлган ўзбек маърифий театрининг асоси бўлган жадид драматургияси ўша даврдаги Туркистон халқини қийнаётган муаммоларни қамраб олди. Эътиборли жиҳати шундаки, деярли барча масалалар ёшлар аҳлоқи ва тарбияси билан узвий боғланган бўлиб, жадид зиёлилари ёшларга урғу беришининг асосий сабабларини очишга туртки беради. Жадидлар ёшларга тўғридан-тўғри мурожаат қилган ҳолда тараққиёт учун курашга чақирдилар. Бу борада тараққийпарварларнинг айнан ўз мақолаларидан асосли жавоб топиш мумкин.

Беҳбудийнинг "Ёшларга мурожаат", "Муҳтарам ёшларга мурожаат" сингари мақолаларида тараққий этиш учун диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаш ҳақида фикрлар акс этган эди: "Ҳар миллат энг аввал

макотиби ибтидойисини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмағунча тараққий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас... “Муборизи ҳаёт” (ҳаёт учун кураш) майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларниг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. ...ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясига ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизом ва акмолиға (етук бўлишига) аҳамият беруб, болаларини миллий ва диний руҳда мукаммал суратда етишдурурлар. Анинг учундирки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётға молик бўлуб, ҳар ишда диёнат ва миллиятни муаддал (тенг) тутарлар[1”].

Абдулла Авлонийнинг ёшлар борасидаги аҳлоқий қарашларини “Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ” китобида учратиш мумкин: “Ажабо, қуръонимиз, пайғамбаримиз ўқингиз деб амр қилғон ҳолда, бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз, бошқа миллатларнинг ўғуллари, қизлари кеча демай, кундуз демай.... илм йўлида жонларини фидо қилуб, ...турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, ғафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз[540]”.

“Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, каби Авлоний тилидан жаранглаган сўзлар айни бугун жуда аҳамиятли бўлиб турибди.

Абдулла Қодирий эса театр ёш авлодни тарбиялашда муҳим восита эканлиги ҳақида шундай фикр билдиради: “Ёшларимизнинг тарбия жойи мактаб бўлса, зўр мезмонлик — театрдир”.

Тараққийпарварлар томонидан дарслик ва ўқув-қўлланмалар яратилади, мактаб, кутубхоналар ташкил этилди. Бироқ, ўз ҳақ – ҳуқуқларини билмайдиган на диний, на дунёвий саводи етарли бўлмаган халқни маърифатли қилиш учун бу етарли эмас эди. Шунингдек, янгиланиш йўлидаги ғояларни амалга ошириш учун маблағ ҳам зарур эди. Ана шу икки зарурат туфайли Европа типидаги янги ўзбек театри пайдо бўлди. Янгича фикрларни илгари сурувчи махсус асарлар ёзилиб, саҳналаштирила бошланди. Жадидлар ҳам драматург, актёр, режиссёр, театршунос-тарғиботчи сифатида театр фаолиятини йўлга қўйишди.

Тадқиқотчилар жадид драматургиясини даврлаштиришда турли принципларга таянади. Ёшлар мавзусини объект сифатида ўрганишда ғоя ва мақсад жиҳатдан икки даврга бўлиш мумкин:

1. 1911 йилдан 1916 йил октябр инқилобигача бўлган давр;

---

[540] Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ. Saviya.uz. 24 б.

2. 1916 йилдан 1930 йилларгача (жадидлар жисмонан йўқ қилингунгача) бўлган давр.

Тараққийчилар драматургиясидаги ёш қаҳрамонлар типологик характерга эга бўлиб, улар асосан фожеий жанрдаги асарлар эди. Асарлар бир-бирини тўлдириб, йилдан-йилга мукаммаллашиб борган. Биринчи давр асарларида асосан илмсизлик ва унинг оқибатлари, нодиний ва кераксиз миллий этнографик расм-русумлар, халқни маърифатга чорлаш ғоялари етакчилик қилган бўлса, иккинчи даврда аёлларнинг эрк масаласи, табақачилик, порахўрлик, ўз мансабини суистеъмол қилиш каби халқ орасидаги қусурлар мавзу қилиб олиинди.

Маърифатпарварлар ниятларини рўёбга чиқаришда жаҳон талабларидаги янги типдаги театрни оммага тақдим этишни мақсад қилдилар. Театр репертуарида ёшлар билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларида илмсизлик, миллий урф-одатлардаги қусурлар, аёлларнинг эрк масаласини ёш қаҳрамонлар билан бевосита боғлаган ҳолда олға сурилди.

Жадид драматургиясида ёшлар муаммоларини акслантирган дебют асар - “Падаркуш” (М.Беҳбудий) бўлиб, унда ўқимаган боланинг аҳволи, унинг жамиятни ҳалокатга етакловчи сабаблари қаламга олинади. Муаллифнинг ўзи асар мазмунини “Туркистон маишатидан олинган ибратнома” деб белгилайди.Тошмурод образи орқали ёшларнинг илмсизлиги оқибатлари кўрсатилади. Маълумки, Беҳбудий ҳам диний, ҳам дунёвий илмларнинг энг яхши билимдонларидан эди. У муфтий сифатида адолатли, ҳурфикрли қарорлари билан ҳурмат қозонган бўлса, замонавий зиёлилар орасида дунё кўрган маърифатпарвар тараққиётчи сифатида ўз ўрни бор эди. Мана шу дунёвий ва диний қарашларини у асардаги икки образ - тараққийпарвар зиёли ва эски мадраса домласи орқали беради. Зиёли персонажи билан халққа миллатнинг юзи бу – илм ва ҳунардир, илмсиз инсон жаҳолатга юз тутиб, ўз падарига қасд қилишдан ҳам тоймайди, деган ғояни сингдиришга ҳаракат қилади. Асар Самарқанд ва Тошкентда муваффақиятли саҳналаштирилди.

Турли газета ва журналларда “Падаркуш” ҳақида ахборот, мақола, тақризлар ёзилди. Бироқ, илк тажриба асари камчиликлардан ҳоли эмас эди. Асарда насиҳатга чорловчи узундан-узун монологлар, тушунтиришлар кўп эди. Бу ҳақда Миён Бузрук Салиҳовнинг “Ўзбек

театри учун материаллар” номли китобида ҳам бир қанча танқидий фикрлар учрайди.

Шунингдек, “Самарқандда Беҳбудий асарини найза билан қарши олган ва спектаклда иштирок этганларни “падаркушлар” деб ҳисоблаган кишилардан бири... таниқли шоир ва мударрис Саидаҳмад Васлий эди. У “Садои Фарғона” газетасининг 1914 йил 83-сонида чоп этилган “Шариати исломия” сарлавҳали мақоласида театрни ҳаром деб эълон қилади. “Ойна” журнали эндигина туғила бошлаган театр санъатига нисбатан бундай хато ва зарарли муносабатни мутаассиблик намунаси сифатида баҳолаб, унга кескин зарба беради[541]”.

Кейинчалик, Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?” номли “Туркистон турмушидан олинуб ёзилмиш[542]” бир пардалик комедияси “Падаркуш” асаридаги камчиликларни тўлдирган ҳолда илмсизликка қарши кураш ғоясини давом эттирди. Муаллиф ортиқча ваъзхонликдан қочиб, ўз фикрларини қисқа диологларда, ҳатти-ҳаракатларда баён этишга уринади. Адвокатдан ёрдам сўраб келган турли-туман шахсларнинг муаммоларини кўрсатган ҳолда халқнинг аҳволини билдиришга, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан эзилаётганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бинобарин, халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслиги бошига шундай кулфатларни келтирётгани сабаб қилинади. Халқнинг ташвишларидан боши қотган ёш адвокат: “Мана кўрасанки бу дунёдан хабарсиз, илму маорифдан маҳрум, маданиятдан узоқ яшаган бизнинг халқимиз ҳали қандай қизғонч, қандай қўрқинч, қандай таҳликали эканлиги офтобдан ҳам равшан кўринуб турадур”, деган фикрга келади. Авлоний ёш адвокат тилидан халқнинг бу аҳволига куйиниб шундай дейди: “Бир камбағал аробакаш нодонлик соясида бидъат тўй учун бутун бор –йўғидан айрилуб кафангадо бўлган. Мундай бидъат ва исрофларни(нг) оромиздан йўқотмак учун ёшларимиз бутун куч ва қувватларини(нг) илм ва маориф йўлига сарф қилмоқ ила баробар тиш ва тирноқлари ила бутун қувватларини(нг)бу бидъат ишларини(нг) йўқ қи(л)моқ йўлида тиришмоқлари лозимдир[543]”.

Ана шу масалани Абдулла Қодирий илк пьесаси “Бахтсиз куёв”да фожеий жанрда ёритади. Қодирий ортиқча расм ва исрофлар нафақат инсоннинг бор-будидан айриши (Абдулла Авлоний) балки, ўз ҳалокатига

---

[541]Каримов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Тошкент 2010, 47 б.

[542]Авлоний А. Танланганасарлар, 2-жнлд. Т., "Маънавият». 1998 й,1 б.

[543]А.Авлоний. Абдулла Авлоний. Танланганасарлар, 2-жнлд. Т., "Маънавият». 1998 й, 143 б.

сабаб бўлиши, катталарнинг бу борада ёшларни тўғри йўлга бошлаш ўрнига, дунё йиғиш ва уни бидъат тўй-ҳашам, ўйин-кулгу йўлида сарфлашда ўрнак бўлишлари мамлакат келажагини инқирозига олиб боришини ёшларнинг тўй қарзларини узолмай, бор мулкини сотиб, охири ўз жонларига қасд қилишларидаги фожеада гавдалантиради.

Жадид драматургиясининг кейинги (1916-1930 йиллар) даврида драматурглар асарларда аёлларнинг эрки масаласи кўтарилади. Бу бирёқламаликнинг асосий сабаби тузум эди. Келишувсиз мустақилликка эришиб бўлмаслигини англаган маърифатпарварлар ўз ғояларини ҳукумат белгилаган қолипдаги асарларда гўё рус сиёсатини ёқлаган ҳолда, халқни уйғотиш учун яратдилар.

Ҳамза асарларида ана шу ғоялар устунлик қилади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий динни нотўғри тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали келиб чиқаётган норозилик ва адолатсизликларни қаламга олади. 1915 йилда ёзилган "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари" фожеасида ота-оналарнинг дунё дардидаги хатоликлари ёшларнинг ҳалокатига сабаб бўлаётгани кўрсатилади.

1918 йилда яратилган Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" драмасида ҳам аёлларга бўлган номуносиб қарашлар, уларга қул каби муносабатда бўлиш, инсонни табақалаштириш, диний аҳкомларни ўз манфаатларига мослаштириб фойдаланиш, аёлларнинг паранжи ортидаги кирдикорлари қораланади.

Жамила персонажида курашувчанлик кучли. У охиригача курашади. Унинг "Мен қўлингизда тилка-тилка бўламан, аммо, эримга ҳиёнат қилмайман" деган қатъий сўзлари унинг иродасининг кучидан хабар беради. Бироқ, бой ва унинг атрофидагиларнинг "кучи" ёш ва ожиз қаҳрамонлардан устун келади. Жамила ўлимидан олдин онасига "Укамнинг бойларнинг хизматига берманг, бир илож қилиб бировга бериб ўқитинг" деган сўзларида Ҳамзанинг бойлар қўлида бутун умр ишлаб ҳатто уйланишга ҳаққи бўлмаган хизматкорнинг тақдиридан намуна олиб, ёшларни маърифатга чорлаётгани англашилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тараққиёт учун кураш бошланган 1910 йиллардан то октябр инқилоби юз бергунга қадар, яъни тузум ўзгармагунга (руслаштириш сиёсати кенг авж олмагунга)ча жадид драматургиясининг илк асарларида асосан илм-маърифат учун курашга ундовчи маърифатга чорлаш масаласи бирламчи аҳамият касб этган бўлса, кейинги даврда озодлик ҳаракати учун кураш акс этган асарлар яратилди.

Айниқса, 1916 йилландар сўнг, ҳукумат томонидан рус ва Европа маданиятини ёш томошабинга сингдириш, миллий урф-одат ва анъаналарни четлаб ўтган ҳолда, замонавий жараёнларни диндан, миллий маънавиятдан узоқлаштириб олиб чиқиш учун ҳаракатлар даври бўлди. Шунинг учун, жадид драматургиясида давр масалалари, жумладан, дин ва маънавият масалаларига бир ёқлама салбий қараш ҳукм сурди. Томошабинга таъсир қилиш кучини ошириш мақсадида, асосан фожеий асарлар, яъни кескин драматик конфликт асосига қурилган пьесалар яратилди.

Жадидлар томонидан илгари сурилган ғоялар кейинги йилларда ҳам ўзининг зарур хусусиятларини йўқотмади ва саҳналардан ўрин олиб келди. Айни бугунги кунда жадид асарларининг саҳналаштирилиши ёшлар билан боғлиқ ахлоқий муаммоларни бартараф этишда ижобий натижалар бериши шубҳасиз. Замонавий ўзбек театри репертуарида жадид драматургияси янги талқинларда саҳналаштирилмоқда. Демак, тараққийпарварлар шундай барҳаёт мавзуларни олиб чиқдиларки, улар замонавий жараёнларда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

МИРЗАЛИЕВА Дилором Талипжановна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси

ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: *История «народа туббаъ», «владельцев рва» относящаяся к раннему исламу и описанная в Коране, изучена на основе первоисточников, внесена ясность в сведения, касающихся исторических лиц и дат. Коран – важный источник, отражающий в себе влияние социально-политической и культурной среды раннего ислама (VI-VII веки) в истории развития общества и материально-духовной жизни.*

Ключевые слова*: Коран, ранний ислам, второе Химярское государство, «народ туббаъ», «кахтанидская традиция», «владельцы рва», город Наджран.*

Annotation: *The story of «Tubbaa» tribe, «the owners of holes» related to early Islam, described in Koran, are studied basing on the resources, information about historical persons and the dates are made clear. Koran is an*

important source, revealing the role of social-politic and cultural environment of early Islamic period (VI-VII centuries) in history of development of society and its material and spiritual life.

Key words: *the Koran, early Islam, the second state of Khimyar, «people of Tubbaa», traditions of Khakhtanids, the owners of holes, Najran city.*

Қуръон мусулмон дунёсининг диний-маърифий, илмий-маданий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт қонун-қоидаларини тартибга солиб туришини эътиборда тутиб, у исломнинг тарихий, маданий тараққиётини ўрганишда асосий манба ҳисобланади.

Қуръон арабларнинг исломдан олдинги, яъни Жоҳилия давридаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва диний ҳаётини очиб берувчи муҳим манбадир. Унда шу даврга доир бир нечта сура ва оятлар мавжуд бўлиб, улардан бири Духон:36-37, Қоф:13-14 оятларида келтирилган «туббаъ»лар ҳақидагисидир.

«Туббаъ» Ямандаги иккинчи Ҳимйар (275-525 йиллар) ҳокимларининг номларини англатиб, мусулмонлар халифаси, рим императори, Эрон кисроси, Мисрдаги фиръавн ва Ҳабашистон нажжошийси каби унвон бўлган[544]. Туббаълар ҳақида адабиётларда келтирилган турли, ўзаро зид маълумотларда, улар подшоҳ ва пайғамбар, деб талқин этилган. Масалан, Ибн Аббос фикрича, «туббаъ – пайғамбар бўлган»[545]. Шу каби маълумот тадқиқотчи Р.Обидов асарида ҳам учраб, бу қавмга баъзи ривоятда 12 минг, баъзида эса 13 та пайғамбар юборилгани қайд қилинган[546]. «Тафсири ҳилол»да ҳам туббаъ – пайғамбарга тенглаштирилган[547]. Тадқиқот натижасига кўра, туббаъ кучли ва тараққий этган давлатга эга бўлган, довруғи кенг тарқалган Яман подшоҳларининг титули бўлиб, уларнинг пайғамбарлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқлиги маълум бўлди.

Муфассир Абу Лайс ас-Самарқандий (299/911-375/985 йй.) Қуръондаги туббаъ билан Абукариб Асъадни бир шахс, деб ҳисоблайди. Ибн Ҳабиб туббаъ деб, Зайд ибн Ҳималга нисбат беради. Баъзи тафсирлар ва қаҳтонийлар анъанасининг нақлларида эса подшоҳ Шамар Юҳаръиш,

---

[544] М.Б.Пиотровский. Предание о химйаритском царе Ас’аде ал-Камиле. – М.: Наука, 1977. – С. 46.

[545] Қаранг: Муҳаммад ал-Амин аш-Шафиъий. Ҳадаиқ ар-руҳ ва ар-райҳан. – Ж. 26. – Макка, (санаси кўрсатилмаган). – Б. 385.

[546] Обидов Р. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 226-227.

[547] Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. – Ж. 6. – Т.: Шарқ, 2009. – Б. 414, 570.; Ўша муаллиф: Тафсири ҳилол. – Ж. 26. – Москва, 1995. – Б. 185-186.

деб келтирилган. Бироқ манбаларнинг аксариятида Қуръондаги шахс Абукариб Асъад эканлиги таъкидланади[548].

Тадқиқотчининг фикрига кўра, Қуръоннинг Духон:36-37 ва Қоф:13-14 оятларида зикри келган туббаъдан Абукариб Асъад ал-Комил (385-415 йй.) исмли иккинчи Ҳимйар давлати подшоҳи назарда тутилган. Унинг ҳукмронлик йиллари Жанубий Арабистон тарихида давлат ўз тараққиётининг чўққисига эришган давр бўлиб, айни машҳурлиги боис, арабларга яхши таниш бўлган ва бу ўз навбатида оятларда ифодасини топган.

«Қаҳтонийлар анъанаси» номли адабиётларда «туббаъ қавми» Ўрта Осиё, яъни Самарқандни истеъло қилгани ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Мақолада туббаъларнинг Ўрта Осиё, аниқроғи Самарқандни босиб олгани тўғрисидаги фикрлар тарихий воқеликка зидлиги исботланди. Аслида, Самарқанднинг араблар томонидан истеъло қилиниши Яман туббаълари (III-VI асрлар) даврида эмас, балки ундан уч-тўрт аср кейин, яъни 712 йилда содир бўлган.

Туббаъ Самар Хитойдан қайтаётганида, Самарқандга у ердан қоғоз ишлаб чиқаришни биладиган асирлардан олиб келгани[549] ҳамда туббаъ Абукариб Асъад Маккага бориб, Каъбани таъмир қилдиргани ва унга кисва[550] кийдиргани ҳақидаги маълумотлар ҳам асоссиз.

Демак, қаҳтонийлардан иборат аксарият ўрта аср араб муаллифлари сиёсий мақсадларни кўзлаб, ўз кўҳна тарихларини сохталаштирганлар, яъни VII-VIII аср тарихини III-V асрга кўчирганлар. Адиблар қавм ҳақидаги нақллар, шеърлар орқали Қуръон матнига афсоналар қўшиб, Арабистон тарихини «бўяб» кўрсатганлар.

«Қаҳтонийлар анъанаси» номли адабиётларидаги «туббаъ қавми» ҳақиқатдан батамом йироқ, бирор тарихий далил билан тасдиқланмаган, тўқима ривоятлар сифатида баҳоланиб, улардан манба сифатида эҳтиёткорлик ва чуқур танқидий назар билан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

III асрнинг иккинчи ярмида Ҳимйар давлати (275-525 йй.) тарихида ҳам майда давлат бирликлари ва қабилаларининг бирлашиб, империяга

---

[548] Қаранг: Пиотровский М.Б. Предание о химйаритском царе Ас'аде ал-Камиле. – М.: Наука, 1977. – С. 48.

[549] http://www.vostlit.info - Описание подобного раю Самаркандского вилайета 427 /230б/

[550] Кисва – Каъбанинг ёпинчиғи. (Қаранг: Ибн Ҳишом. Ас-сийра ан-набавиййа. – Ж. 1. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 34.

айланиши юз берган. Қулай фурсатда барпо бўлган Ҳимйарлар давлати икки даврни бошдан кечирган. Уларда йигирмадан ортиқ туббаълар ҳукмронлик қилган. Шамар Юръишдан кейин Соран Айфаъ, Карибаил Вотар Юҳанъим, Соран Юркиб ва Соран Юҳанъимлар подшоҳлик қилгани ҳақида ёзувлар[551] мавжуд.

Абукариб Асъад ибн Маликкариб ал-Комил 30 йил подшоҳлик қилган IV асрнинг охири ва V асрнинг биринчи ярми Ҳимйарнинг энг устунликка эришган, гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. Иккинчи Ҳимйар даври Яман давлатига вассанийликка қўшимча христианлик ва яҳудийлик динларининг кириб келиши билан характерланади. Шу ўринда христианлик динини ёйишда Рим (Византия)нинг кўзлаган мақсади кўпроқ сиёсий хусусиятга эга бўлганини эътиборда тутсак, у ҳолда Ҳимйар подшоҳлари христианлик динига аслида сиёсий ва иқтисодий мақсадда қаршилик қилганлари маълум бўлади.

Византия империясининг сиёсий босимига қаршилик кўрсатиш учун Ҳимйар давлатининг бир нечта подшоҳлари, хусусан, туббаъларнинг охиргиси Зу Навос (515-524 йй.) яҳудий динида собитқадам бўлиб, уни давлат дини даражасига кўтарган. Унинг Нажрон аҳлини оловли чоҳларда қатл этганининг хабари Византияга етиб келгач, император Юстианнинг қистови билан Ҳабашистон негуси Яманга катта қўшин тортди. Ҳимйар ва Арҳабдан бошқа барча Яман уруғлари Зу Навосни тарк қилганлиги туфайли, у мағлубиятга учраб, шу тарзда милодий 525 йилда туббаъ давлати барҳам топди.

Демак, ўрта аср араб адабиётида тарихни сохталаштириш ҳолатлари мавжуд экани инобатга олинса, Қуръон оятларида акс этган воқеалар тарихий аҳамияти жиҳатидан адекват ёндашув асосидаги тадқиқотни талаб этади.

Қуръондаги Буруж сураси 3-9 оятларида ўз ифодасини топган «асҳаб ал-ухдуд»[552] («чоҳ эгалари») ҳақидаги воқеа Арабистон яриморолиқабилалари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маданий муносабатлар тўғрисида бирламчи маълумотларни беради.

Яҳудий динига эътиқод қилган, охирги Ҳимйар подшоҳи Зу Навос аксарият аҳолиси христианлардан иборат Нажрон шаҳрига қирғинбарот келтиргани ҳақидаги маълумот ахборий ва христиан манбаларида ҳам баён этилган. Мақолада Зу Навос томонидан 523 йил уюштирилган ва

[551] Муҳаммад Баюмий Меҳрон. Тарих ал-араб ал-қадим. – Миср, 1993. – Б. 352-364.
[552] 523 йил Яманнинг Нажрон шаҳрида содир бўлган тарихий воқеанинг номи.

Қуръонда мушрикларга сабоқ берувчи ҳодиса сифатида зикр этилган «чоҳ эгалари» воқеаси тарихий ҳақиқат, деб топилди.

Манбаларда кўрсатилишича, «чоҳ эгалари» воқеасида 12 минг, 20 минг ва 70 минг киши ўлдирилган[553]. Ишнинг хулосасига кўра, Нажронда қатл этилганлар адади борасида муболаға қилинган ва у ерда бу каби кўп сонли аҳоли яшамаган.

Зу Навос нажронлик насронийларни азоблагани, қулай имкониятни кутиб турган Византия императорлиги учун баҳона бўлиб, аслида Византия ва Эрон Яман учун кураш олиб бораётган эди. Бундай вазиятдан Византия яхши фойдаланиб, бир зумда Яманни ўзига тобеъ қилиб олди.

Тадқиқотимиз хулосасига кўра, исломдан олдинги даврда Маккани асосий аҳолисини ташкил этган Қурайш қабиласи ҳар йили ёзда Шомга, қишда эса, Яманга тижорат сафарларини уюштирганликлари сабабли, туббаъ қавми ва «чоҳ эгалари» билан боғлиқ воқеалардан жуда яхши хабардор бўлган. Шунинг учун «туббаъ» ва «чоҳ эгалари» ҳақида нозил қилинган оятлар қурайшликларга янгилик эмас эди.

ҲИДИРОВА Гўзал Рустам қизи
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Шарқшунослик институти изланувчиси

ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИГА ОИД СЎНГГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Аннотация: *В данной статье анализируются последние исследования, относящиеся к историческим топонимам Средней Азии, и основное внимание направлено на диссертации.*

Ключевые слова: *исторические топонимы, исследования, название места, Центральная Азия, первоисточники, период тимуридов, оазис Нурота, Ташкентские топонимы.*

Annotation: *In this article is analyzed the latest researches concerning to historical toponyms of Middle Asia and the main attention is directed to dissertations.*

[553] Ваҳба аз-Зуҳайлий. Ат-тафсир ал-мунир. – Ж. 29. – Дамашқ, 1998. – Б. 153.; Аш-Шафиъий. Ҳадаиқ ар-руҳ. – Ж. 31. – Макка, (санаси кўрсатилмаган). – Б. 290.

Key words: *historical toponyms, researches, name of the place, Central Asia, primary sources, period of timurids, oasis of Nurota, Tashkent toponyms.*

Тарихий топонимия фанда олимлар эътиборидаги долзарб мавзулардан саналади. Бу соҳада Ўзбекистон олимларидан Ҳ.Ҳасанов[554], С.Қораев[555], Т.Нафасов[556], А.Муҳаммаджонов[557], О.Бўриев[558], Ш.С.Камалиддинов[559], Ғ.Б.Бобоёров[560]лар бир қанча изланишлар олиб борганлар. Бундан ташқари, сўнги йилларда тарихий топонимия масалалари диссертация шаклидаги бир нечта тадқиқотлардан ҳам ўрин олди.

Улардан бири Хайрия Бўриеванинг “Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари)” мавзусидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясидир[561]. Мазкур диссертацияда Тошкент шаҳри ҳудудидаги топонимлар таснифланган, уларнинг тарихи ўрганилган ва шаҳар тарихини ёритишда топонимларнинг ўрни аниқланган. Тадқиқотнинг

---

[554] Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т. С. 58.; Ҳасанов Ҳ. Ўрта осиёлик географ ва сайёҳлар. 252-б.; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. 262-б.; Ҳасанов Ҳ. Историко-топонимическая схема Средней Азии // Топонимика Востока. Исследования и материалы. М.: Наука, 1969. С. 156–160.;

[555] Қораев С. Географик номлар маъноси //Масъул муҳаррир: А.Р.Муҳаммаджонов. – Т.: Ўзбекистон, 1978 С. 203.; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. 240-б.; Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми?; Қораев С. Алишер Навиой асарларида географик номлар. 25–26-бетлар; Қораев С. Тошкент топонимлари;

[556] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). Тошкент, 1988

[557] Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент;

[558] Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2017 С. 350; Бўриев О. Ал-Хоразмий географияси; Бўриев О., Ўринбоев А., Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси.; Бўриев О., Колганов А. Об одном участке. – С.106–116.; Бўриев О. Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). 42-б.;

[559] Камолиддин Ш. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Т., 2006. С. 190.; Камолиддин Ш. “Китаб ал-ансаб” Абу Са’да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам’ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т., 1993. С. 182.; Камолиддин Ш. Заметки по древней и средневековой истории Чача. – Т., 2009. С. 99.; Камолиддин Ш. К вопросу об употреблении названий “Мавераннахр” и “Туркестан” // Ўзбекистон тарихи, 2002, №4. С. 61–68.

[560] Бобоёров Г.Б. Илк ўрта асрларда Чоч воҳасида туркий топонимлар // Ўзбекистон урбанистик маданияти. Халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент, 2003. 109–115-бетлар.; Бобоёров Г.Б. Ўзбекистон ҳудудида қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. Тошкент, 2005. 117–129-бетлар.; Бобоёров Г.Б. Илк ўрта аср манбаларида Туркистон атамаси // Ўзбекистон халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих. Тошкент, 2004. 40–43-бетлар

[561] Бердиева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2007.

даврий чегараси қилиб Тошкент шаҳри Россия подшоҳлигининг ҳукмронлиги остида бўлган вақт, яъни 1865 – 1917 йиллар белгиланган. Муаллифнинг фикрича, айнан мазкур даврда Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилган ва Тошкент ҳудудий жиҳатдан кенгайган, кўплаб русийзабон аҳоли кўчиб келиб жойлашган ва бу ўзгаришлар ўз ўрнида жой номларига ҳам таъсир этган. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, диссертация архив манбаларига, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти хужжатларига, рус олимларининг асарлари, сайёҳ ва ҳарбийларнинг кундаликлари, статистик материаллар, даврий матбуот материаллари, турли карта, расм ва фотосуратларга ва илмий тадқиқотларга асосланилган.

Диссертациянинг биринчи боби “XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари манбаларида Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси” деб номланган ва унда ўрганилаётган даврда Тошкент шаҳри ва атрофида жойлашган топонимларга доир тадқиқотларнинг шарҳи келтирилган ва шаҳар топонимларининг турли давр ёзма манбаларида акс этиши ёритилган. Диссертациянинг иккинчи боби “Тошкент шаҳар тарихий топонимларининг таснифи ва таҳлили” деб номланган. Унда XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент ҳудудида мавжуд сув тармоқлари, шаҳардаги маъмурий бўлинмалар, шаҳар дарвозалари, кўча, майдон, боғлар, бозорлар, қабристонлар, турли қурилмалар ва бошқа жойларнинг номлари санаб ўтилган, маълум гуруҳларга таснифланиб, уларнинг топонимик хусусиятлари тадқиқ этилган. Айрим жой номлари тарихий-топонимик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг “Тошкент шаҳри атрофидаги тарихий топонимлар” деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳри атрофидаги 200 дан зиёд мавзе ва қишлоқлар, маҳалла ва кўча номлари ўрганилган, диссертацияда топонимнинг батафсил этимологик таҳлилига бир мисол тариқасида Нўғайқўрғон этнотопоними тадқиқ этилган.

Х.Бўриеванинг ушбу тадқиқот ишида Тошкент шаҳрининг рус истибдоди давридаги жой номлари тарихи, этимологияси, лексикаси ўрганилган, даврларга бўлиниб, турли тилдаги манбалар (суғдий, форсий, арабий, туркий, русча ва бошқа) асосида тадқиқ этилган. Олима диссертация доирасида бир қанча хорижий ва республика миқёсида илмий мақолалар ҳам нашр этган[562].

[562] Бўриева Х.А. Нўғойқўрғон топониминиng тарихи хусусида. //Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари: Респ. илм.-амал. конф. докл. тез. – Тошкент, 1994. – 82-

Кейинги тадқиқот Омонулло Бўриевнинг “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси” номли илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори (DSc) даражасини олиш учун ёзилган диссертациясидир[563]. Диссертациянинг “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий топонимияси” номли бешинчи боби ўлканинг XIV – XV асрлардаги тарихий топонимиясини ўрганишда қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Муаллиф Марказий Осиёнинг Темурийлар давридаги топонимларини мазмун жиҳатдан икки гуруҳга ажратган:

1. Табиий объектлар номлари;

2. Маъмурий-ҳудудий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ номлар;

Бундан ташқари, бирор бир географик объектга мансублиги кўрсатилмаган мавҳум топонимлар мавжудлиги қайд этган ва матн мазмунидан келиб чиқиб, улардан баъзиларининг қандай географик объектга тегишли эканлигини тахмин қилган.

Тадқиқотда Темурийлар даври табиий объектлари номларига: денгизлар ва кўллар номлари, дарёлар номлари, Марказий Осиёнинг шарқий қисмидаги сувлар номлари, Мовароуннаҳрдаги сувлар номлари, Дашти Қипчоқдаги сувлар номлари, ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги сувлар номлари, Хуросондаги сувлар номлари, кечув (гузар)лар номлари, тўғонлар, кўприклар ва коризлар номлари киритилган ва улар темурийлар даври ёзма манбалари – Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Ҳофизи Абрунинг “География”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Абдурраззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Бобурнинг “Бобурнома”, Клавихонинг “Кундалиги” ва бошқа манбалар асосида таҳлил қилинган.

83б.; Бўриева Х.А. Илк манбаларда Тошкент шаҳри топонимияси. //Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари: Илм.-амал. анжум. материал. 2001 й. 25 апрел. – Тошкент, 2002. – 83-87б.; Бўриева Х.А. Роль российских учёных в изучении истории Ташкента (вторая половина XIX – начало XX вв. //Студент и научно-технический прогресс: Материалы международн. науч. студенч. конф. – Новосибирск, 2002. – 100-101б.; Бўриева Х.А. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимиясига оид тадқиқотлар. //Ж. Ўзбекистон тарихи. – 2002. №3. – Б.54-59.; Бўриева Х.А. Тошкент шаҳри топонимларининг таснифи (картографик маълумотлар асосида, XIX аср – XX аср бошлари). //Ёш олимлар: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Илмий нашрлар тўп. – Тошкент, 2002. – 87-91 б.

[563] Буриев Аманулла. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент, 2019.

Диссертацияда сон жиҳатдан сув билан боғлиқ жой номларидан сўнг оронимлар (тоғлар, довонлар, даралар, тепаликлар номлари) жой олган. Улар ҳудуд бўйича – Мовароуннаҳр ҳудудидаги, Дашти Қипчоқдаги, Мўғулистон ҳудудидаги, ҳозирги Афғонистон ва Хуросон ҳудудидаги оронимлар ва темурийлар даври манбалари – Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида қайд этилган оронимлар, "Матлаи саъдайн"да келтирилган оронимлар, "Тарихи Рашидий" ва "Бобурнома"да берилган оронимлар таҳлил қилинган.

Иккинчи гуруҳ яъни, темурийлар даври ёзма манбаларида маъмурий-ҳудудий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ топонимларга ўлка, вилоят, туман (булук, ўрчин), шаҳар, қўрғон, қасаба, шаҳар ичи ва атрофидаги жойлар, кичик аҳоли масканлари, машхур шахслар мозорлари, боғлар, экинзорлар номлари киритилган ва манбалар асосида тадқиқ қилинган.

О.Бўриевнинг мазкур диссертацияси XIV – XV асрларда Марказий Осиё тарихий географиясини шу жумладан, тарихий топонимиясини ўрганишда қимматли маълумотларни ўз ичига олган ҳамда ёзма манбаларга асосланганлиги билан ҳам характерлидир.

Бундан ташқари, олим тарихий географияга оид тадқиқотлари давомида тарихий топонимияга доир ҳам бир қанча халқаро ва республикамиз миқёсида илмий мақолалар нашр қилган[564].

Яна бир тарихий топонимияга оид диссертация шаклидаги тадқиқотлардан бири Хайриддин Бердиевнинг "Нурота воҳаси

---

[564] Buriyev A. Reflection of Temurids Renaissance in toponyms // American Journal of Research. №7-8. July – August, 2018. – P.112-116 (№23, SJIF, 5,069).; Буриев А. Материалы письменных источников XIV – XV веков по исторической топонимии Южного и Восточного Казахстана // Известия Национального центра археографии и источниковедения. №1. – Астана, 2011. – С.98-102.; Буриев А. Письменное наследие эпохи темуридов как источник для историко-географических исследований / Глобальные и региональные проблемы исторической географии. Материалы IV международной конференции по исторической географии. г. Санкт-Петербург, 25 – 28 апреля 2011 г. – Санкт-Петербург, 2011. – С.83-86.; Бўриев О. «Бобурнома»да Марказий Осиё топонимияси / Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2013. – Б.28-29.; Бўриев О. Марказий Осиёнинг тарихий топонимияси муаммолари / Профессор Суюн Қораев – замондошлари нигоҳида (Проф. С.Қораев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари.). Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2015. – Б.54-59.; Бўриев О. Амир Темур бунёдкорилигининг топонимлардаги инъикоси / «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият» мавзусидаги халқаро илмий конференция. Темурийлар даврида илм-фан ва маданият халқаро илмий конференция тезислари, 13-14 сентабр 2017 й. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.35-36 (ўзбек тилида); – Б.155 (инглиз тилида).; Бўриев О. «Бобурнома»даги топонимлар изоҳли луғати. – Тошкент: Наврўз, 2015. –140 б.

топонимларининг тарихий таҳлили (XIX аср охири ва XXI аср бошлари)” номли тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзган диссертациясидир[565]. Ушбу тадқиқот номидан маълумки, кичик бир локал ҳудуд – Нурота воҳаси топонимиясини тарихий манбашунослик материаллари асосида ўрганишга бағишланган. Диссертация XIX асрнинг охири ва XXI аср бошларигача давр оралиғида нашрдан чиққан ёзма манбалар, архив материаллари, тарихий хариталар ва дала тадқиқот материалларига асосланган бўлиб, унда Нурота воҳаси топонимларининг пайдо бўлиш сабаблари кўрсатилган, турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг топонимларга таъсири тарихи очиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Манбаларда Нурота воҳаси топонимлари ўрганилиши” деб номланиб, унда топонимлар юзага келиш сабаби ва тарихий шарт-шароитлари, ижтимоий-тарихий жараёнларга боғлиқлиги шарҳланган. Қадимий манбалардан “Авесто”, суғд ёзма ёдгорликлари, араб-форс тарихчи ва географлари асарлари диссертацияга жалб қилинган. Тадқиқот ишининг иккинчи боби “Нурота топонимларининг тарихий таснифи ва омиллари” деб номланган. Унда мазкур ҳудудда тарқалган ойконимлар, гидронимлар ва оронимлар хариталардан фойдаланиб кўриб чиқилган ва топонимларни тарихий манбавий таҳлил қилиш учун 3 туркумга бўлишни таклиф этган. Тадқиқотнинг учинчи боби “Нурота топонимларининг тарихий хусусиятлари ва трансформация жараёнлари” деб номланган. Унда муаллиф топонимлар генезисини этнографик, этимологик лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиб, воҳа топонимларини шартли равишда 6 та қатлам (давр)га бўлиб ўрганган:

– қадимдан ҳозиргача сақланиб келаётган суғдий ва туркий қатлам;

– асосан туркий ва форс-тожикча, қисман арабча қатлам (IX–XII асрлардан то XVII–XVIII асрларга қадар);

– ўзбек хонликлари (Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Бухоро амирлиги) даврига хос ўзбекча қатлам (XVI–XX аср бошлари);

– русча жой номларининг пайдо бўлиши (XIX асрнинг охирлари – XX асрнинг бошлари);

– советлар даврида пайдо бўлган атамалар (1917-1991 йиллар);

– ҳозирги қатламга (мустақилликка эришилганидан буён);

---

[565] Бердиев Хайриддин. Нурота воҳаси топонимларининг тарихий таҳлили (XIX асрнинг охири ва XXI аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

Х.Бердиевнинг мазкур диссертация шаклидаги тадқиқот иши XIX – XXI асрларда ўлкамиз хусасан, Нурота воҳаси тарихий топонимиясини ўрганишда ўз ўрнига эга. Бундан ташқари, олимнинг мавзуга бағишланган бир қанча илмий мақолалари ҳам мавжуд[566].

Навбатдаги тадқиқот иши Р.Худайбергановнинг “Истахрийнинг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асари (илмий-изоҳли таржима ва тадқиқот)” мавзусидаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) унвонини олиш учун ёзган диссертациясидир[567]. Диссертация сайёҳ, географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрийнинг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг илмий-изоҳли таржимаси ва тадқиқига бағишланган. Тадқиқотчининг фикрича, Истахрий ўзининг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарини янги маълумотлар билан тўлдирган ва асарнинг энг қимматли жиҳати унда “Мовароуннаҳр” қисми географияси ва харитасининг мавжудлигидир. Диссертациянинг бизга таалуқли қисми учинчи бобнинг иккинчи банди бўлиб, у “Жой номларининг ўқилиши ва ёзилиши” деб номланади. Муаллифнинг айтишича, “Китаб ал-масалик вал-мамалик”нинг “Мовароуннаҳр”[568] иқлимида тўрт юзга яқин жой номлари зикр этилган ва уларнинг ёзилиши ва ўқилиши билан боғлиқ мураккабликлар мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда жой номлари уч туркумга бўлинган. Биринчи туркум – бир қўлёзманинг ўзида битта жой номининг бир неча шаклда ёзилган ҳолатлари. Иккинчи туркум – жой номлари асарнинг турли нусҳаларида хилма-хил ёзилади. Учинчи туркум – жой номларининг

---

[566] Бердиев Х.А. Синтабсой топонимлари: ечим ва муаммолар // “Илм сарчашмалари” илмий журнали. – Урганч, 2011. №1. –Б. 41-46.; Бердиев Х.А. “Қизилча” топонимининг этимологик таҳлилига доир. // “Шарқшунослик” илмий журнали. – Тошкент, 2014. №3-4. –Б. 122-131.; Бердиев Х.А. Жизмонсой топонимлари: ечим ва муаммолар// “Шарқшунослик” илмий журнали. – Тошкент, 2010. №2 Бердиев Х.А. Бердиев Х.А. Нурота воҳаси топонимлари таснифига оид // Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент, 2016. – Б. 153-157.; Бердиев Х.А. Некоторые исторические заметки по этнотопониме Курама// Материалы международный научно-практической конференции “Литература и художесвенная культура тюркских народов в контексте Восток-запад”. – Казань, 2017. – стр. 148-151.

[567] Худайберганов Р.Т. Истахрийнинг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асари (илмий-изоҳли таржима ва тадқиқот) мавзусидаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2020.

[568] Худайберганов Р. Доисламский Мавераннахр в арабоязычных источниках // Приложение к Вестнику МИЦАИ №26, (Цивилизации Великого шелкового пути из прошлого в будущее: перспективы естественных, общественных, гуманитарных наук: Материалы Международной научной конференции, Самарканд, 28-29 сентября 2017 г.). – Самарканд, 2017. – №26. – С. 312-317.

ёзилиши бошқа тарихий манбалардагидан фарқ қилади. Муаллифнинг фикрича, асар матнларида бирор жой номи турли шаклларда ёзилган бўлса ҳам тарихий топонимларни ўрганишда у манбавий аҳамиятини асло йўқотмайди.

Р.Худайберганов ўзининг тадқиқот ишида тарихий топонимияга бир параграф ажратган бўлса ҳам, унда берилган жой номлари асарнинг 19 хил нусҳалари асосида таҳлил қилинган ва қиёслаб ўрганилган.

Юқоридаги тадқиқотлардан маълум бўладики, Ўрта Осиё тарихий топонимияси даврлар кўламида, яхлит ва регионал аспектда ўрганилган. Даврлар кўламида турли манбаларни қиёсий ўрганиш натижасида тегишли хулосалар қилинган.

РАХИМОВ Бурхониддин Мамаризаевич,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

XX АСР БОШИДА ТУРКИСТОНДАГИ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИДА ФАТВОЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: *Мақолада XX аср бошларида Туркистондаги диний-маърифий ислоҳотчилик ҳаракатлари, унда фатволарнинг ўрни масаласи тарихий маълумотлар асосида таҳлилга тортилган ҳамда бу борада илмий хулосалар берилган.*

Калит сўзлар: *Туркистон, сиёсат, дин, маориф, ислоҳот, фатво, уламо, муфтий, зиёли, мусулмон, ислом, эътиқод, матбуот, тарғибот, журнал, тарих.*

Annotation: *The article analyzes the religious and enlightenment reform movements in Turkestan in the early twentieth century, the role of fatwas in them on the basis of historical data, and provides scientific conclusions in this regard.*

Key words: *Turkestan, politics, religion, education, reform, fatwa, scholars, mufti, intellectuals, Muslims, Islam, beliefs, press, propaganda, magazines, history.*

Мустақиллик қўлга киритилгач, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасида асрларга татигулик улкан ишлар амалга оширилиб, аждодларимизнинг азалий орзу-умидлари рўёбга чиқарилди. Халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк

алломаларимиз, азиз авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжоларни обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, озодлик йўлида ўз жонларини тикиб, миллатнинг келажаги учун курашган аждодларимиз хотираси тикланмоқда. Уларнинг хотирасини тиклашда нафақат ижтимоий-сиёсий балки, диний-дунёвий нуқтаи назарларни ҳам четда қолдирмаслик лозим.

Зеро, "Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир" [569].

Мамалакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда амалга оширилаётган диний-маърифий ислоҳотлар хусусан, 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2995-сонли Қарори ва 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5416-сонли Фармони диний-дунёвий нуқтаи назарлар ўзаро уйғунликда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

"Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади"[570].

Диний-маърифий соҳада амалга оширилган мазкур ислоҳотлар бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилиш билан бирга, неча асрлардан бери Ислом динига эътиқод қилиб келаётган халқимизнинг диний маърифатини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур.

Зеро, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва комил инсон ғоялари руҳида халқимизни маънавий-ахлоқий камол топтиришда диннинг ўз ўрни бор. Асрлар давомида аждодларимиз ислом динига

---

[569] Шавкат Мирзиёев., Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. 10.09.2017.

[570] Шавкат Мирзиёев., "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5416-сонли Фармони. 16.04.2018

эътиқод қилиб келганлиги боис миллий ва диний қадриятлар ўзаро уйғунлашиб кетган. Буниси диний, буниси миллий, дея нисбат беришда хатога йўл қўйишимиз аниқ. Бундан маълум бўладики, ислом дини халқимизнинг қон-қонига, онгу шуурига шунчалик сингиб кетганки, диний-маърифий соҳасиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Буни шундай изоҳлаш ҳам мумкинки, дин давлатдан ажратилган, бироқ жамият ҳаётидан ажратилмаган. Бу албатта миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагига холис ёндашиб, диний-маърифий соҳанинг жамиятда ўз ўрни борлигини англаб, бу борада вақти-вақти билан ислоҳотлар амалга ошириб туриш кераклигини англатади.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаётида ислоҳотчилик фаолияти кенг кўламда амалга оширилди. Туркистон зиёлилари бўлмиш жадидлар ва уламолар бу борада ташаббусни ўз қўлларига олиб, қизғин баҳс-мунозараларга киришиб, ислоҳотчилик ҳаракатларини амалга оширдилар.

Туркистон уламоларининг нафақат ижтимоий-сиёсий балки диний-маърифий соҳада ислоҳотчилик ҳаракатларини олиб бордилар. Улар ўз даврининг уламолари сифатида замонни тушунган, диний қадриятларни яхши билган ва минтақа шароитини ҳисобга олган ҳолда изчил ислоҳ қилиш йўлидан бордилар. Зеро, ўз минтақаси шароитини тушунадиган уламолар масалалар ечимини ҳал қилмас экан, ихтилофлар ва хурофотлар барҳам топмаслиги мумкин эди. Шу боис масалалар ечими, фатво орқали амалга оширилган.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда диний ва дунёвий масалаларнинг ўзаро муносабати ва уйғунлашуви жараёнларига етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли тарихимизда кемтиклик пайдо қилмоқда. Бу нафақат олис тарихимизни ўрганишда, балки XX аср бошларида Туркистон халқининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўладиган кунларни ўрганишда ҳам аҳамиятлидир. Ушбу даврда “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Изҳорул-Ҳақ”(“Баёнул-Ҳақ”) журналлари диний ва дунёвий масалаларни кенг ёритиб, миллий матбуотимиз тарихида ўз ўрнига эга бўлди.

Туркистон уламолари фатволари динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини англатиб, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланишини ўрганишда аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, фатволар сўнгги асрларда пайдо бўлган бидъат ва хурофий одатларни ислоҳ қилишга қаратилган эди.

Зеро, XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида газеталар илм-маърифат ва тараққиёт жарчисига айланган бўлса, иккинчи ўн йилликка келиб, “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Изҳорул-Ҳақ”(“Баёнул-Ҳақ”) каби журналлар диний маърифат, миллат бирлиги, ислоҳот ва тараққиёт учун фаол тарғиботчилик вазифасини бажара бошлади.

Ушбу журналларда ёритилган илғор фикрли жадидлар ижоди, давр уламо, мударрисларининг ислом тарихи, мазҳаблари юзасидан олиб борган мунозаралари, диний ислоҳотчилик масалалари, ўзаро баҳслари, жадидчилик ва қадимчилик ёки турли диний оқимларга нисбатан муносабати жуда аҳамиятлидир. Бу албатта Туркистон уламолари фатволарининг маҳаллий матбуот саҳифаларида ёритилиш сабабларига ойдинлик киритади.

X аср бошларида барча фиқҳий масалалар ўз даври учун ечим топганлиги боис, “ижтиҳод эшиклари ёпилди” энди ҳеч ким “ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас”, деган асоссиз фикр ислом дунёсига тарқалиб, фиқҳ бўйича эркин фикр юритиш тўхтатиб қўйилди. Бу асрлар давомида ислом ҳуқуқининг ривожланиши йўлида ғоявий тўсиқ бўлди. X1X аср охирларига келиб, миллий озодлик ҳаракатларини жонлантириш ва шариат ҳукмларини такомиллаштиришда диний ислоҳотни амалга оширишнинг бирдан бир чораси сифатида ижтиҳод эшикларини очиш зарурлиги англаб етилди.

Шу боисдан, бир қанча машҳур уламолар ижтиҳодни тўхтатиш ҳеч қандай нақлий ва ақлий далилга асосланмаганлигини исботлаб, замон талабларига мувофиқ ижтиҳод юргизиш бир зарурат эканлигини таъкидладилар[571].

XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтиҳод эшикларини очиб, диний ислоҳотни амалга оширишда баъзи мусулмон дунёси уламолари ва татар маърифатпарварлари орасида динда ҳаддан ташқари эркин ижтиҳодий фикрлар илгари сурдилар. Миср муфтийси Муҳаммад Абдуҳ ва тарар уламоси Муса Беков томонидан ана шундай ҳаракатлар кузатилди.

Туркистон уламолари бунга бефарқ қараб тура олмадилар. Зиёлилар минбари бўлмиш миллий матбуот саҳифаларида очиқдан очиқ қаттиқ танқид остига олиб мусулмонларни бундан огоҳлантирдилар.

---

[571] Саидов.А.А., Жўзжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ(ўтмиш ва ҳозирги замон). –Т.: Адолат нашриёти, 2005. –Б. 84

Масалан, “Ал-Ислоҳ” журнали саҳифаларида ана шундай танқидий мазмундаги мақолалар ҳам талайгина. Шулардан бири “Рамазон шариф рўзасига доир бир неча сўзлар” номли мақола бўлиб, унда Муса Бековнинг рўзага оид фатвоси қаттиқ танқид қилиб, халққа шундай мурожат қилинади: “Ҳаммага маълумки, ҳозир Европага табиатланган уламолар чиқиб, янги мазҳаб ихтиро қилмоқдалар. Тараққиёт, тамаддун номлари билан миллатнинг кўзини очиш миллатга тухмат қилиш унвони билан Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлиши Ислом динини ўзгартиришга бор маблағларини сарфлаб, исломни бошқа динлар билан тенглаштириб, ҳеч ким тутган мазҳаби ва эътиқод билан гуноҳкор эмас, деб даъво қилмоқдлар. Бу ботил фикрларини оммага маъқул кўрсатиш, ҳаммани адаштириш учун тадбирлар уюштиришиб, рисолаю тафсирлар ёздилар. Татар матуботи уларга жону дилдан хизмат қилиб, уларнинг рисолаларини халққа тарқатмоқдалар. Мусулмонлар уларнинг бу асар ва рисолаларини ўқимасликлари лозим. Чунки улар ўзларининг ботил эътиқодларини шариатга мувофиқ сўзлар орасига киргазиб, оят ва ҳадисларни ўз фикрлари бўйича тафсир қилиб, муддаоларига далил қиладилар. Саводсизлар эса буларга ишонмоқдалар. Шунинг учун ҳар бир мусулмон уларнинг рисолаю асарларига қарамаслиги, ҳар бир ишда уламоларимиз ёки фиқҳий мўътабар китобларимизга мурожаат қилишлари шартдир.

Туркистон уламолари бу каби хилофи шариат бўлган сўзлар билан тўлдирилган рисолаларни кўрмаяптиларми? Аллоҳ ва Муҳаммад (с.а.в.) учун бу ишларга қарши чиқувчилар кўринмаяпти. Уламолар бу каби бидъатлардан кўз юмиб, мустаҳаб, макруҳ амаллар устида тортишурлар. Манфаат жалб қилишдан зарарни даф қилиш яхшироқ. Татарнинг ҳозирда имоми Аъзамга тенглаштираётган Мусо Бековлари бузуқ эътиқодлар билан халқнинг эътиқодларини заҳарламоқда. Буларга биринчи бўлиб қарши чиққан бу “Дин ва маишат” журналидир. Улар шариат хилофи бўлмиш сўзларга раддия ёзиб, халқни огоҳлантирмоқдалар.

Лекин Туркистон уламоларидан ҳеч садо чиқмаяпти. Тўғри, “Ал-Ислоҳ” орқали бир-икки уламолар ёзишиб турибди. Лекин улар озчилик, балки йўқ ҳисобда. Баъзилари бир даражали масалалар қолиб, кейинги даражали масалаларни ёзмоқдалар...”[572].

[572] Мулла Холмуҳаммад Мулла Тўрақули. Рамазон шариф рўзасига доир бир неча сўзлар //Ал-Ислоҳ. – Тошкент, 1916, -№12. – Б. 375-381.

“Танишув мақолалари ҳақида”[573], деб номланган мақола танқид усулида ёзилган мақолалардандир. Унда шайхларнинг, эшонларнинг тариқатдаги йўллари танқид остига олинган.

Шу ўринда диний-маърифий ислоҳотни амалга оширишда ҳанафий мазҳабининг кўзга кўринган уламолари асарлари асосида масалалар ечимига берилган фатволарни ва тавсияларни ўрганиш XX аср бошида Туркистондаги диний-маърифий ислоҳотчилик ҳаракатларида фатволарнинг ўрнини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Неча асрлар давомида ҳанафий мазҳабининг ўлкамиз ҳаётида тутган ўрнини тарихий нуқтаи назардан ҳам тадқиқ қилиш, мазҳабсизлик бош кўтариб, турли ёт оқимларнинг ёшлар онгини эгаллашга уринаётган бугунги кунда жуда аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ислом оламида XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган ислоҳотчилик ғояларининг кучли таъсири остида Туркистон уламоларининг ислоҳотчилик ғоялари асосан ижтимоий-сиёсий(маданият, маориф ва матбуот соҳаси) ва диний-маърифий йўналишда амалга оширилиб, ислом ғояларини XX аср ижтимоий талабларига мослаб, дунёвий тараққиётга хизмат қилдириш ва халқни дунёвий маърифатли қилишдан иборат бўлган.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда диний ва дунёвий масалаларнинг ўзаро муносабати ва уйғунлашуви жараёнларини ёритишда миллий матбуотимизни тадқиқ этиб, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий меросни ўрганиш ҳануз ечимини кутаётган бир талай муаммоларни ҳал қилишда муҳим босқич бўлиб, тарихимиздаги кемтикликни тўлдириши мумкин.

Уламолар томонидан жиддий танқид остида кўтарилган масалалар ўзбек халқининг XX аср бошларидаги турмуш тарзини, диний-маърифий саводхонлик даражасини ҳамда жаҳолат исканжасига берилган ғайри одатларини илмий тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкин.

Туркистон зиёлилари бўлмиш уламолар мавжуд иллатларни бартараф эттишда қандай йўл тутганлиги, масалалар ечимидаги ёндошувлари қандай бўлганлиги давр нуқтаи назаридан тўғри хулосалар қилиб бу каби иллатларни бартараф этишда амалий фойдаланиш мумкин.

Яна таъкидлаш жоизки, XX аср бошида Туркистондаги диний-маърифий ислоҳотчилик ҳаракатларида фатволарнинг ўрнини илмий-тадқиқот ишларида очиб беришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

---

[573] А. Муфтийзода. Танишув //Ал-Ислоҳ. – Тошкент, 1916. -№ 24. – Б. 607.

1. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ижтимоий ҳаётида фиқҳнинг ўрни ва Туркистон уламолари фатволарининг жамият ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш;

2. Тошкентда нашр қилинган “Ал-Изоҳ”, “Ал-Ислоҳ”, “Изҳорул-Ҳақ”(“Баёнул-Ҳақ”) каби журналлар ва уларда диний маърифат, миллат бирлиги, ислоҳот ва тараққиёт учун фаол тарғиботчилик қилган Туркистон уламолари фатволарини таҳлил қилиш;

3. XX аср бошида Туркистондаги диний-маърифий ислоҳотчилик ҳаракатларида уламоларнинг ўз ўрни мавжудлиги ва диний-маърифий ислоҳотчиликка оид фатволарининг маҳаллий матбуотда ёритилиш сабабларини очиб бериш;

4.“Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Изҳорул-Ҳақ”(“Баёнул-Ҳақ”) каби журналлар тарихий манба сифатида ёндашилиб, саҳифаларида ёритилган ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбия, диний-маърифий масалаларга доир материаллар таҳлил қилиниб, унинг ислом тарихи манбашунослиги нуқтаи назаридан қийматини белгилаш.

СОТВОЛДИЕВ Ойбек Хайрулло ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти

ҚОЗИ ИЁЗ “АШ-ШИФО” АСАРИНИНГ ИСЛОМ ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: *В мусульманском мире были написаны многочисленные работы по науке сийра. Одним из наиболее уважаемых источников является работа “аш-Шифа би таърифи ҳуқуқил Мустафо”, написанная в 12 веке известным ученым Кади Ияз. Стиль письма, повествование хадисов, ясное и свободное описание и многие другие аспекты работы получили большое внимание. Это стало любимой книгой во всех мусульманских странах. В статье представлена информация о жизни и творчестве автора Кади Ияз, об истории, составе и процессе распространения “аш-Шифа” в мусульманском мире.*

Ключевые слова: *Кади Ияз, ҳадис, сийра, шамаил, Магриб, Андалус, кади, Муробиты, Муваҳҳиды, обзор, комментария.*

Annotation: *Numerous works of “seerah” have been written in the Muslim world to this day. One of the most respected sources is the work of “Ash-Shifa*

bi ta'rifi hukukil-Mustafa", written in the 12th century by the famous scholar Qadi Iyaz. The style of writing, the narration of hadiths, the clear and fluent description and many other aspects of the work have received great attention. It has become a favorite book in all Muslim lands. The article provides information on the life and work of the author, the history of writing, composition and distribution process of "ash-Shifa" in the Muslim world.

Keywords: *Qadi Iyaz, Hadith, Seerh, Shamail, Maghrib, Andalus, qadi system, Almoravids, Almohads, Review, Commentary.*

Мағриб ва Андалус ҳадис мактабининг улуғ намоёндаларидан бири, мусулмон оламида ўзининг "аш-Шифо" номли сийрат илмида ёзилган асари билан машҳур бўлган муҳаддис Қози Иёз (тав.476/1083 й) ҳозирги Марокашнинг Сабта шаҳрида дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Абул Фазл Иёз ибн Мусо ибн Иёз ибн Амрун ибн Мусо ибн Иёз ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ибн Иёз ал-Яҳсубийдир[574]. Олим туғилган жойига нисбатан "Сабтий", вафот этган ерига кўра "Марокаший" деб нисбаланган. Аждодларидан бири саналмиш Яҳсуб ибн Мудрик асли Яманнинг Ҳимяр қабилаларидан бўлиб, аввал Андалусга, кейин Сабтага кўчиб келган.

Қози Иёзнинг ватани Сабта шаҳри Андалус ва Мағриб орасида ўтиш нуқатаси бўлгани сабабли йирик илм маркази ҳисобланган. Иёз илк илм таҳсилини шу ерда бошлаган. У кейинчалик Андалусдаги Қуртуба, Ғарнота ва Мурсия каби илм-фан ривож топган шаҳарларга саёҳатлар қилиб, илмий савиясини янада оширган. Қози Иёзнинг бу сафарлари фақатгина илм ўрганиш учун эмас, балки, у ерлардаги олимлар билан танишиш, илмий музокаралар қилиш, ўзаро билим ва тажриба алмашинуви каби мақсадларни ҳам ўзида мужассам этган[575].

Она шаҳрида илм таҳсилига киришган Қози Иёз аввалда Қуръони каримни 7 қироатда ёд олди, араб тили бўйича муҳим китобларни, тафсир, ҳадис, фиқҳ ва калом илмига оид асосий манбаларни ўқиб тамомлади. У Мағриб ва Андалусдаги олимлар, шунингдек, бу ерга Шарқдан келган олимларнинг ҳузурида ҳам илм ўрганди. Ўзининг "ал-Куня" номли китобида 100 га яқин устозларинининг номини зикр этиб, улар ҳақида маълумотлар берган. Тарихчи Аҳмад ибн Муҳаммад Маққарий (ваф.1632 й) ҳам "Азҳарур-риёз фи ахбори Иёз" (Иёз хабарларига оид боғларнинг

---

[574] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад. ат-Таъриф бил-Қози Иёз. – Мағриб: Визаротул-Авқоф, 1982. – Б.2.

[575] Маққарий. Азҳар ар-риёз фи аборил-Қози Иёз. – Работ, 1939. – III жилд, Б. 8-11.

гуллари) номли асарида олимнинг юзга яқин устозлардан таҳсил олганини қайд этиб, баъзиларининг таржимайи ҳолларини кенгроқ бериб ўтишга уринса, баъзиларининг эса исмларини келтириш билан чекланган. Улардан машҳурлари қуйидагилар: Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Жайёний ал-Ғассоний (ваф. 498/1105 й), файласуф Ибн Рушднинг бобоси Қози Абул Валид Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Рушд (ваф. 520/1126 й), Абдуллоҳ ибн Идрис ибн Саҳл Муқрий (ваф. 515/1121 й), Қози Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад Садафий (ваф. 514/1120 й) ва Абу Бакр Ибнул Арабий (ваф. 1148 й).

Қози Иёз Сабтадан Андалусга йўлга чиққунига қадар дарс мажлислари ташкил қилмади, балки, фақатгина илм талабида бўлди. Юзлаб устозлардан илм ўрганган аллома ўз навбатида илм олами учун йирик олимларни етиштириб беришда ҳам фаоллик кўрсатди. Унинг энг машҳур шогирдларидан бири “Китобус-сила фи тарихи аимматил-Андалус” асарининг муаллифи Ибн Башкувол (ваф. 578/1183 й) дир. Ибн Башкувол Қози Иёз Қуртубада эканида ундан дарслар тинглайди, кейинчалик эса мактуб орқали устозидан ижоза ҳам олган. Шунингдек, Ибн Абу Рижол деб танилган Абдуллоҳ ибн Аҳмад Абдарий (ваф. 566/1170 й), Юсуф Ваҳроний (ваф. 569/1173 й), Ибн Касир Абдураҳмон ибн Аҳмад Аздий (ваф. 575/1179 й), Ибн Хайр Ишбилий (ваф. 575/1179 й), Абдураҳмон ибн Муҳаммад Ансорий (ваф. 584/1188 й), Муҳаммад ибн Саид Ишбилий, Абдураҳмон ибн Ийсо Аздий (ваф. 606/1209 й) кабилар ҳам унинг талабалари бўлган.

Қози Иёз зуҳд ва тақво бобида ҳам таниқли эди. У Аллоҳ таолонинг солиҳ бандалари қаторида фарзлар билан бир қаторда нафл ибодатларда ҳам бардавом инсон бўлган. Кўп ҳолларда рўзадор бўлар, кечалари таҳажжудда қоим, туннинг бир қисмида эса Қуръон қироати билан машғул бўларди. Тоқати етгунга қадар бу ишларда собитқадам эди. Диний ва ижтимоий вазифалари уни ҳеч қачон илмий фаолиятидан тўсиб қўймади, бутун бу ибодатлар-у расмий вазифалар билан бир қаторда китоблари оламида яшар, ўқир, баҳслашар ва ёзар эди[576]. Ибн Хотима у ҳақида: “У суннатни улуғлайдиган, илмига амал қилувчи, тақводор, обид, зоҳид, ҳақни сўзловчи, ҳадис лафзларининг турли йўлларини пухта

[576] Муҳаммад Тавит. Тартибул мадорик муқаддимаси. – Работ, 1965.

эгаллашга эътибор бергучи эди. “Машориқ” номли китоби бунга айни гувоҳдир”, деб келтиради”[577].

Қози Иёз 515/1121 йилда 38 ёшида Сабта қозилиги лавозимига тайинланди. Узоқ муддат бу вазифани муваффақиятли адо этиб келгач, 531/1137 йилда Ғарнота қозилиги вазифаси унга топширилди. Лекин, Муробитлар давлатининг ҳукмдори Ташфин ибн Али (1143–1145 й) ва унинг тарафдорлари томонидан содир этилган зулм ва ҳақсизликларга қарши чиқиши унинг бу вазифадан кетишига сабаб бўлди. 532/1138 йилда эса яна Сабта қозилигига қайтди. Сабтадаги иккинчи қозилик вазифаси 539/1144 йилга қадар давом этган Қози Иёз ҳаётининг сўнги кунлари сургун ичида кечсада, қозилик қилишда давом этди ва “Қози” унвони ила танилмоққа лойиқ ҳолда бу дунёдан кўз юмди[578].

Қози Иёз ҳаётининг сўнги қисми Муробитларнинг заифликка юзланган, Муваҳҳидларнинг эса ҳокимятга кела бошлаган даврига тўғри келди. Муваҳҳидларнинг баъзи ғоялари Аҳли сунна ақийдасига тўғри келмаганини кўрган Қози Иёз аввал илмий доираларда, кейинроқ эса фаол сиёсий саҳнада уларга қарши мухолифлик қилди. Муваҳҳидларга қарши бошланган Сабта қўзғалонларида халқ ўзига Қози Иёзни раҳбар этиб сайлади. 542/1147 йилда Муваҳҳидлар етакчиси Абдулмўмин исённи бостириб, Сабтани забт этгач, Қози Иёзни Марокашга сургун қилди. Икки бор такрорланган Сабта исёнининг ҳар иккисида ҳам Қози Иёз ҳаракатга йўлбошчилик қилган эди.

Сургунда эканида ҳам қозилик фаолиятини давом эттирган олим 544/1149 йилда Марокашда оламдан ўтди. Муваҳҳидлар тарафидан заҳарлангани ҳақида ҳам айтилсада, бу ҳақиқатдан йироқдир. Қабри Марокаш халқининг зиёрат қиладигани етти муқаддас қадамжодан бири саналади[579].

Ҳаёти давомида турли машғулотлар билан бирга таьлифотлар учун ҳам алоҳида вақт ажратган Қози Иёз бир қатор қимматли асарлар ёзган. Унинг асарлари ҳам ғарб, ҳам шарқда кенг шуҳрат қозонган. Қози Иёз ҳақида ҳатто Мағрибда машҳур бир сўз бор: “Иёз бўлмасайди, Мағрибнинг номи эсга олинмасди”[580].

---

[577] Абдулазиз Мўмин. Шамоилул Мустафо таржимаси. – Тошкент : Ҳилол Нашр, 2017. – Б.12.

[578] Маққарий, III, 10-11.

[579] Ибн Халликон. Вафаётул-аьён. – Байрут: Дору Содир, 1972. – Б. 485.

[580] M.Gökalp. Kadı ve Şifa adlı eserinde peygamber tasavvuru (нашр қилинмаган докторлик иши). – Анқара, 2005.

Манбаларда унга нисбат бериладиган асарлар сони 40 га яқин. Аммо булардан баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари эса номлари турлича, асли бир бўлган асарлардир. Ўғли тарафидан унга атаб ёзилган асарда эса 19 та китобининг номи келтирилади[581]. Асарлари фиқҳ, ҳадис, тарих, сийрат ва адабиёт соҳаларига оид ҳисобланади. Булар қаторида: 1.Икмолул-муълим би фавоиди Муслим. Ҳадис илмидаги энг муҳим манбалардан бири "Саҳиҳи Муслим" шарҳи ҳисобланувчи бу асарда муаллиф Имом Мозарийнинг Муслимга ёзган "Ал-муълим би фавоиди Муслим" асаридаги камчиликларни бартараф қилишга уринган. Ўзида кўп фойдаларни жамлаган ушбу асар "Саҳиҳи Муслим"нинг энг муфассал шарҳи саналган Имом Нававийнинг "ал-Минҳож" асари учун ҳам манба вазифасини ўтаган. Қози Иёзнинг ушбу шарҳидаги баъзи камчиликларни тўғрилаган ҳолда тунислик муфассир ва муҳаддис Қози Уббий (ваф. 828/1425 й) "Икмолу Икмолил-муълим би фавоиди Муслим" номли янги бир шарҳ ёзган. Тилимсонлик олим Муҳаммад ибн Юсуф Санусий (895-1490) эса "Икмолул Икмол" учун мухтасар ёзиб, уни "Мукаммилу Икмолил Икмол" деб номлайди. Қози Иёзнинг "Икмол" асари Яҳё Исмоил таҳқиқи билан 1998 йилда Мансурада 9 жилдда нашр этилган. 2.Ал-Илмоъ фи забтир-ривояти ва тақйидис-самь**.** Усули ҳадисга оид бу асар Хатиб Бағдодийдан кейин бу борада ёзилган ва унинг ўрнини тўлдирган ягона асар ҳисобланади. "Ал-Илмоь" 1969 йилда Қоҳирада Саййид Аҳмад Сақр таҳқиқи остида нашр этилган. 3.Тартибул-мадорик ва такрибул-масолик. Бу асарида Қози Иёз Моликий мазҳаби асосчиси Имом Моликдан бошлаб то ўз давригача яшаган 1600 та моликий олимларини табақаларига кўра тасниф этиб, улар ҳақида маълумотлар беради. Ҳожи Халифа (ваф. 1657 й) нинг ўз замонасига қадар ўхшаши яратилмаган дея таърифлагани ушбу асарни Муҳаммад Товит Танжий нашрга тайёрлаб, Қози Иёз ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотларни илова қилган ҳолда Фасда 1965/1970 йилларда нашр эттирган. Шунингдек, асар доктор Аҳмад Бакр таҳқиқи билан Байрутта ҳам 1966 йилда нашр этилган. 4.Буғятур-роид лима тадомманаҳу ҳадису Умму Зар минал фавоид. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилиниб, ўзида кўплаб ғариб ифодаларни жамлаган Умму Зар ҳадисининг шарҳи. Муҳим қийматга эга бу асар устида доктор Яшар Кандемир докторлик ишини амалга оширган[582]. 5.Ас-Сайфул маслул аъла

[581] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад. ат-Таъриф бил-Қози Иёз. – Мағриб: Визаротул-Авқоф, 1982. – Б.116-118.

[582] Yaşar Kandemir. el-Kadı Iyaz ve Bug'yatur-raid fima fi hadis Ummu Zar min al-favaid. – İstanbul, 2001.

ман сабба асҳоб ар-Расул. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига қарши тил узатган кишиларга бағишланган китоб. “Аш-Шифо” асарининг сўнги бобининг бир бўлими ҳам шу хусусда бўлганидан, айтиш мумкинки, бу асар ўша бўлимнинг муфассал ҳолати ёки унга ҳозирлик сифатида қилинган иш. 6.Ал-Куня: Фиҳристу шуюхил Қози Иёз. Бу асардан Қози Иёзнинг юзга яқин устозлари биографияси ўрин олган. Асар Моҳир Зуҳайр Жаррор таҳқиқи билан 1982 йилда Байрутта нашрдан чиққан. 7.Ал-Иълом би ҳудуди қавоидил ислом. Болалар учун ёзилиб, исломнинг беш асосини ўз ичига олган мазкур асар Муҳаммад ибн Товит Танжий томонидан Работта 1964/1983 йилларда; Муҳаммад Содиқ Миншавий ва Маҳмуд Абдураҳмон Абдулмуним томонидан Қоҳирада 1995 йилда нашрдан чиқарилган. 8.Аш-Шифо би таърифи ҳуқуқил Мустафо. Қози Иёзнинг энг машҳур ва номини дунёга энг кўп танитган асари. Бу асар “ўхшаши ёзилмаган”, “ўз бобида ҳалигача мисли таълиф этилмаган фойдали бир асар”, “машойихлардан мусибат кунларида Шифони ўқимоқнинг манфаатли бир иш экани эшитилган” каби мадҳлар қозонган.

“Аш-Шифо” асари муқаддима ва 4 қисмдан иборат. Муқаддимада муаллиф асарнинг ёзилиш сабаби ҳақида сўз юритади. Биринчи қисм Аллоҳ таолонинг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шаънини қавлан ва феълан улуғлашлиги хусусида. Иккинчи қисм инсонларнинг Ҳазрати Пайғамбар қаршисидаги вазифа-вожиботлари хусусида. Учинчи қисм Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида ўйланиши ва сўзланиши жоиз ва мустаҳил (мумкин бўлмаган) бўлган ишлар ҳақида. Тўртинчи қисм Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тил теккизган ёки у зот борасида хатоликка йўл қўйганларнинг ҳукмлари борасида.

“Аш-Шифо” китоби мусулмон оламида жуда кенг тарқалди. Вақт ўтиши билан эса унга ёзилган кўплаб шарҳ, мухтасар, талҳис, тахрижлар дунёга келди. Ҳожи Халифа “Кашфуз-зунун” да “аш-Шифо” хусусида асар битган 22 та муаллиф ва уларнинг асарлари номларини келтиради[583]. “Кашфуз-зунун” муаллифи яшаган даврдан то кунимизга қадар “аш-Шифо” хусусида яна юзлаб ишлар амалга оширилгани ҳам кундек равшан. Машҳур аллома Жалолиддин Суютий (ваф. 911/1505 й) “аш-Шифо” даги хабар ва ҳадисларнинг тахрижига бағишланган “Маноҳилус-сафо фи тахрижи аҳадис аш-Шифо” номли таълифотни амалга оширди.

---

[583] Ҳожи Халифа. Кашфуз-зунун. – Байрут: Дору иҳё ат-турос ал-арабий. – II жилд, Б.1053-1055.

Имом Суютий ўз китобида манбаси номаълум ҳадис ва хабарларнинг ривояти келган китоблар номини келтиради, турлича санад ва ривоятлари бор ҳадисларнинг бошқа ривоятларини тақдим этиб, баъзи ҳадислар ровийларининг ҳолатини баён қилади. Шу тариқа “Маноҳилус-сафо” да 1326 та ҳадис ва хабар тахриж қилинган.

“Аш-Шифо” га ёзилган шарҳлар сирасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: 1.Абдуллоҳ ибн Аҳмад Тижоний – “Ал-Вафо фи шарҳиш-Шифо”. 2.Тожуддин Яманий – “Ал-Иктифо фи шарҳи алфозиш-Шифо”. 3.Нуриддин Али ибн Муҳаммад Оқбарс – “Фатҳус-сафо ли шарҳи маъони алфозиш-Шифо”. 4.Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Тилимсоний – “Куняту аҳлис-сафо фи шарҳиш-Шифо”. 5.Шуммуний – “Музилул-ҳафо аьн алфозиш-Шифо”. 6.Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳасаний Тилимсоний – “Ал-Манҳалул-асфо фи шарҳи ма тамассул-ҳожату илайҳи мин алфозиш-Шифо”. Хожа Халифа бу асарни “аш-Шифо”нинг энг гўзал шарҳларидан бири эканини қайд этган. 7.Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Далажий Усмоний – “Ал-Истифо ли баёни маони аш-Шифо”. 8.Мулла Алий Қорий – “Шарҳуш-шифо фи шамоили соҳибил-истифо”. 9.Шаҳобиддин ал-Ҳафожий – “Насимур-риёз фи шарҳи Шифоил-Қози Иёз”. 10.Абулҳасан Алий ибн Аҳмад Фосий Ҳурайший – “Фатҳул-файёз фи шарҳиш-Шифо лил-Қози Иёз”.

“Аш-Шифо”га ёзилган шарҳлар орасида энг машҳури ва кенг тарқалгани Мулла Али Қорий (ваф. 1014/1606 й) нинг “Шарҳуш-шифо фи шамоили соҳибил-истифо” асаридир. Ушбу шарҳнинг сўнги замонавий нашри Байрутда 2001 йилда 2 мужалладда амалга оширилган. Замонамизнинг таниқли олимларидан Ваҳба Мустафо Зуҳайлий “Аш-шифо” ва Мулла Алий Қорийнинг шарҳи асосида баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар билан “Шамоилул Мустафо” асарини ёзди. “Шамоилул Мустафо” асари эса 2017 йилда Тошкентда Абдулазиз Мўмин қалами билан ўзбек тилига таржима қилинди.

“Аш-Шифо” асари Қози Иёз қаламига мансуб мўтабар манба эканини тарихчи Маққарий “Азҳарур-риёз” асарида шундай таърифлайди: “Бу китоб у зотни бутун машриқ-у мағрибга танитди, оддий одамларнинг ҳам, хосларнинг ҳам, арабларнинг ҳам, ажамларнинг ҳам тилида достон бўлди. Унинг муаллифи ҳам, ўқувчилари ҳам Аллоҳга яқин бўлдилар”[584]. Аҳли илмлар орасида бу китоб мадҳида: “Агар “аш-Шифо” бўлмаганда одамлар

[584] Абдулазиз Мўмин. Шамоилул Мустафо таржимаси. – Тошкент : Ҳилол Нашр, 2017. – Б.12.

Мустафони яхши танишмас эди", деган гап бор. Ҳозирги кунда ҳам Мавританияда айрим уламолар робиъул аввал ойи кирганда бу китобни илм мажлисларида дарс қилиб ўқиб чиқишни одатга айлантирганлар[585].

Дарҳақиқат, "аш-Шифо" мусулмон оламида ўзгача ҳурмат-еътибор қозонган асарга айланди. Ўрта асрларда Шимолий Африка мамлакатларида душман ҳужуми ва касалликларга қарши "аш-Шифо" китоби ўқилган. Марокашлик олим Муҳаммад ибн Жаъфар Қаттоний (ваф. 1927 й) нинг таъкидлашича, бедаво ҳасталиклар ва офатлардан ҳимояланиш учун уйларда "аш-Шифо" китоби сақланган. Бу одат бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам тарқалган. Хусусан, Усмонийлар султони Абдулҳамидхон II (1876—1909 й) сургундалик даврида Чаноққалъа жангларида ғалаба тилаб "аш-Шифо"ни ўқигани манбаларда зикр қилинади. Асарнинг Мағрибда ўқишга қулай бўлиши учун Мусҳаф жузлари каби 30 жуз ҳолида нашр қилиниши ва Жазойирда харбий хизматга отланаётганларнинг "Саҳиҳи Бухорий" ва "аш-Шифо" билан қасам ичишлари каби одатлар бугун ҳам мавжуд. Ҳинд олими Саййид Сулаймон Надавийнинг ёзишича, у Франциядалиги вақтида шарқшунос Луи Массигнон (1883-1962 й) унга европаликларга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни танитмоқ учун "аш-Шифо"нинг Европа тилларидан бирига таржима қилинишининг ўзи кифоя эканини айтган. Усмонийлар архивининг кўплаб ҳужжатларидан маълум бўладики, Усмоний турклар диёрида "Шифойи шариф" номи билан танилган асарга ҳам давлат, ҳам халқ томонидан ката эҳтиром кўрсатилган. "Шифохон" ("аш-Шифо" ўқувчи) номи билан танилган мударрислар етиштирилган. Шунингдек, давлатнинг ва вақфларнинг дастаги билан қўшин ва денгиз флоти амнияти йўлида аввало Масжиди Набавий, қолаверса, Боби Сараскари, Боби Фатво, Фотиҳ Жомейи, Насруллоҳ Пошо Жомейи, Тарсус Нур Жомейи масжидларида Шифойи Шариф ўқилиб, хатмлар қилинган. Асар бугун ҳам турли мусулмон ўлкалари ва Туркиядаги баъзи жомеъларда халққа ўқитилишда давом этмоқда[586].

Ҳожи Халифа "Кашфуз-зунун" асарида баъзи адибларнинг асарга бағишланган қуйидаги мадҳини илова қилган эди:

Адн жаннатларига етишдинг эй, Иёз
Ёзган Шифо китобинг айлабон бадал

---

[585] Ўша асар, 12

[586] Ali Arslan. Kâdî Iyâz ve Endülüs'te Hadis İlmi. – International Journal of Cultural and Social Studies (IntJCSS), 2016. – S. 277-278.

Унда жам қилдинг саҳиҳ ҳадисларни
Топур ундан шифо қалблардаги касал[587]

Қози Иёз ўз китобини гўзал тартибда, масалаларни оят ва ҳадислар билан далиллаган ҳолда ёзган. Шунинг учун ҳам китоб юз йиллардан бери инсонлар қўлидан тушмай келмоқда. Китоб бугунгача дунёнинг турли тилларига таржима қилинди, саноқсиз ададларда нашр қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Қози Иёзнинг "аш-Шифо" асари бугунги кунгача сийрат илмига бағишлаб ёзилган асарлар ичида энг мўтабарларидан бири саналади. У ҳали ҳамон мусулмон оламида ўз ўрнини йўқотмай келмоқда. Уни ўқиган инсон Пайғамбар алайҳиссаломнинг сийрат ва шамоиллари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Ўзида гўзал хулқ ва одоблар шакллантириш борасида зарур хулосалар чиқаради.

ШОКАМОЛОВА Мафтуна Баходир кизи
Магистрант Международная исламская академия Узбекистана

АНАЛИЗ НОВОНАЙДЕННЫХ ЯРЛЫКОВ ИЗ КАНЦЕЛЯРИИ ХИВИНСКИХ ХАНОВ В ИЗУЧЕНИИ ИСЛАМСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Аннотация. *Маълумки, ислом цивилизацияси тарихини ўрганишда расмий ҳужжатларни тадқиқ этиш муҳимдир. Зеро, ҳужжатлар ҳукмронлик қилган сулолалар тарихи, у билан чамбарчас боғлиқ давлатчилик тарихи ва ислом цивилизацияси маданияти ривожини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Тақдим этилган илмий мақола 2018 йил Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти ходимлари томонидан ўтказилган археологик экспедиция вақтида Хивада истиқомат қилувчи фуқародан институт фонди учун сотиб олинган 72 ҳужжатлар коллекциясидаги 6 та Хива ёрлиқларининг илмий таҳлилига бағишланган. Хива ёрлиқлари хонликнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, суғориш тизими, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, маданияти бўйича қимматли маълумотлар беради. Ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар, хусусан ёрлиқнинг ким томонидан берилгани, мақсади, ҳужжатлардаги жой номлари, хонларнинг тўлиқ исми, ёрлиқларда*

[587] Ҳожи Халифа. Кашфуз-зунун. – Байрут: Дору иҳё ат-турос ал-арабий. – II жилд, Б.1055.

кўрсатилган мансаб ва унвонлар, мансабдор шахсларга юклатилган вазифалар, солиқ турлари каби маълумотларни ўрганишда ёрдам беради. Шунингдек, ушбу маълумотлар археологик маълумотлардан ўрганиш қийин бўлган жараёнларга аниқлик киритишда, хусусан хонликда сулолалар алмашинуви, ҳукмдорлар иерархияси, уларнинг этник келиб чиқишини тадқиқ этишда муҳимдир.

Калит сўзлари: *Хива хонлиги, ёрлиқ, палеографик ва дипломатик таҳлил, дипломатика.*

Annotation. *It is well known that the study of official documents is important in the study of the history of Islamic civilization. Documentary materials have a great importance in the study of dynastic history and the closely related history of statehood and culture. The presented article is devoted to the scientific analysis of six newly found labels of Khiva khans from the collections of 72 documents purchased from the Khiva in 2018 for the foundation of The Abu Rayhan Biruni Institute of Oriental Studies by the staff of this institution during an archaeological expedition. Documents, in particular, labels of Khiva khans convey valuable information about the socio-political situation of the khanate, the irrigation system, crafts and trade, and high culture. The information contained in the documents, in particular, helps to study information such as who issued the label, purpose, place names in the documents, full names of khans, positions and titles indicated on the labels, duties assigned to officials, types of taxes. Nevertheless, these informations are very significant, because they allow you to determine the change of dynasties, the hierarchy of rulers, their ethnicity, which is completely impossible to establish from archaeological materials.*

Key words: *Khiva khanate, yarliqs, paleographic and diplomatic analysis, diplomacy.*

В целом имеющиеся сейчас документы архива хивинских ханов содержат обширный и разносторонний материал по истории XIX в. Их изучение является актуальным и имеет важное значение. Наряду с этим, документальные источники, относящиеся к знаменитой Канцелярии Хивинских ханов, хранящиеся сегодня в Центральном Государственном архиве Узбекистана, в Рукописном фонде Государственного музея заповедника “Ичан-Кала”, в фондах Института Востоковедения имени Абу Райхана Бируни, являются важными источниками в изучении истории Хивинского ханства. Необходимо отметить, что важно значимые среди них являются и документы имеющиеся в различных коллекциях

храняўиеся в руках у населения. Публикация и исследование этих ярлыков позволят существенно уточнить политическую, социально-экономическую историю, культуру народа Хивинского ханства, а также многие важные моменты которые были известны только в общих чертах.

Издать и исследовать сразу все документы, связанные с ханством, невозможно ввиду их значительного объема. Как отметила О.Д.Чехович в своей статье *"Задачи Среднеазиатской дипломатики"* общее число восточных актов, хранящиеся в архивах и музеях Средней Азии, по приблизительному подсчету превышает сто тысяч[588]. Б.А.Казаков в своей работе, как *"Документальные памятники Средней Азии"* отметил, что число сохранившихся до настоящего времени среднеазиатских исторических документов – превышает 120 тысяч[589]. Но и это значительное число составляет лишь малую часть общего количества существовавших в разные периоды документов. Из огромной массы среднеазиатских документов *«Архив хивинских ханов XIX в.»*[590], опубликованная и исследованная П.П.Ивановым, содержит много материалов, в которой описаны более чем 137 документов из архива Хивинских ханов. Наряду с этим, значительны описания различных типов актовых материалов в публикации Ю.Э.Брегеля – *"Архив хивинских ханов (Предварительный обзор новых документов)"*[591]. Данная книга содержит впервые публикуемые документы из архива хивинских ханов XIX в., в которой документы издаются в русском переводе.

Подобные вопросы немало рассмотрены в трудах О.Жалилова, как: "Хивинские вакуфные документы из сокровищницы"[592], "Новая коллекция Хивинских документов"[593], где приводятся сведения о новой коллекции документов из Хивинского ханства, хранящейся в Национальном Архиве Республики Узбекистан в фонде № 323. Значительный интерес представляет собой "История комплектования и научного описания

---

[588] Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки. 1969. №6. – С. 75-83.

[589] Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 3.

[590] Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Новые источники для истории народов Средней Азии. – Л., 1940.

[591] Брегель Ю.Э. Архив хивинских ханов (Предварительный обзор новых документов) // Народы Азии и Африки, 1966, №1. – С. 28-103.

[592] Жалилов О. Хазинамиздаги Хива вақф ҳужжатлари // Шарқшунослик. Тошкент, 1994. №4. – Б. 26-71.

[593] Жалилов О. Хива ҳужжатларининг янги коллекцияси // Шарқшунослик. Тошкент, 2013. №16. – Б. 53-60.

архивного фонда “Канцелярия хана хивинского”[594], труд М.С.Исаковой, где освящаются вопросы истории формирования архивного фонда Хивинских ханов, где в хронологической последовательности раскрываются предпосылки и этапы сбора, пополнения и научного описания архивных документов, дающее сведения о специфике документоведения и делопроизводства в Хивинском ханстве. Далее, исследователь, А.Абдурасулов изучающий земельную собственность и аграрные отношения в Хивинском ханстве в XIX – начале XX в[595], в своей статье “Ханские ярлыки – как источник по истории Хивинского ханства”[596] подчёркивает значение ярлыков в изучении социально-экономической и культурной жизни Хивинского ханства. Также, примечательны труды В.Вуда[597], А.Шайховой[598], Э.Каримова[599] и других послужившие дополнением в изучении архивных материалов Хивинских ханов.

На сегодняшний день весьма значительны документы принадлежащие канцелярии Хивинских ханов, хранящиеся в различных фондах, особенно те, которые имеются в коллекциях у народа или же в руках у людей. Представляется крайне важной задача выделить количество ярлыков Хивинских хан на основе имеющихся в Рукописном фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Бируни Академии Наук Республики Узбекистан. Представленная научная статья посвящена научному анализу шести новонайденных ярлыков Хивинских ханов из состава коллекций 72 документов, выкупленные у жителя Хивы проживающий в районе Янгибазар Хорезмской области, в 2018 году для фонда института сотрудниками данного заведения. Исходя из вышесказанного, в данной статье попытались рассмотреть сведения точного количества и анализ

---

[594]Исакова М.С. История комплектования и научного описания архивного фонда “Канцелярия хана хивинского”// Вестник архивиста. – Москва, 2015. №4. – С. 269-281.

[595]Абдурасулов У.А. Правовая и фискальная динамика землевладения в Хорезме (XIX – начало XX в.) // Восток / Oriens. Инст. Вост. РАН. – Москва, 2015. №4. – С. 32-46.

[596]Абдурасулов У.А., Каримов. Э.Э. Ханские ярлыки – как источник по истории Хивинского ханства // Узбекистан в Средние века. История и культура. Ташкент, 2003. – С. 133-138.

[597] William Wood. A collection of tarkhan yarliqs from the Khanate of Khiva // Papers on Inner Asia. No 38. – Bloomington, Indiana. 2005.

[598] Шайхова А. Юридические документы как источник по истории социально-экономических (преимущественно аграрных) отношений в Хивинском ханстве в X1X – начале XX в.: Автореф. дис… канд. ист. наук / Ин-т востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН УзССР. – Ташкент, 1989.

[599] Каримов Э. Регистр казийских документов и хивинских йарлыков хивинского ханства XVII – начала XX в. Ташкент, 2007.

содержания хивинских *ярлыков* по определению их разновидности, по значению и периоду их выдачи, а также установление их подлинности и достоверности. В частности, в свете документов имеющиеся вышеупомянутой заведении был проведен их палеографический и дипломатический анализ и освящена их научная значимость.

Насколько нам известно, хивинские документы имеются в Рукописном фонде Института востоковедения им. Абу Райхана Бируни Академии Наук Республики Узбекистан. До разработки данной статьи, мы рассмотрели имеющиеся ярлыки из фонда института. По приблизительному подсчету выяснилось что в фонде существовало более чем 20 ярлыков Хивинских ханов описанные детально в "Каталоге Среднеазиатских жалованных грамот" (2007 г.)[600] опубликованное сотрудниками института. Данные ярлыки относятся ханам, как: Йадгар-хан (1075/1664-65), Иранг-Мухаммад-хан (1689-1694), Шир-Гази-хан (1714-1728), Аллах-кули-хан (1825-1842), Рахим-кули-хан (1842-1845), Мухаммад-Рахим-хан II (1864-1910) и Асфандийар-ханам (1910-1918). Ярлыки по тематике в основном выдавались для подтверждения налогового иммунитета, освобождающие потомков некоторых святейших шейхов от нескольких государственных налогов, податей и повинностей. Среди ярлыков в двух запродажных актах изложены вопросы продажи земель из государственного в *мулки-халис*. Также, существует один высочайший ярлык Саййид Мухаммад-хана (1856-1864) из фонда Хамида Сулеймана выданный в 1856г.

В ходе наших изучений несомненный интерес представляет собой 6 новые *ярлыки* (док. №28, №42, №45, №46, №49) обнаруженные и выкупленные для института (в 2018 г.) в процессе археографической экспедиции по Хорезмской области. Данные документы архива хивинских ханов содержат обширный и разносторонний материал, так, как в процессе анализа этих документов мы распределили и по их принадлежности. *Один высочайший ярлык* принадлежит Хивинскому хану – Саййид Мухаммад-хану (1856-1864), *2 высочайших ярлыка* выданы Рахим-Кули-ханом (1843-1845) и *3 ярлыка* были выданы Мухаммад Рахим-ханом II (1864-1910).

[600]Каталог среднеазиатских жалованных грамот. Из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. Составители: А.Урунбаев, Г.Джураева, С.Гуломов. Orientwissenschaftliche Hefte. – Halle, 2007.

В целом имеющиеся ярлыки написаны на узбекском языке. По палеографическому обзору документов: 4 ярлыка написаны на фабричной бумаге, 2 из них на кокандской бумаге. Все акты написаны чернилой почерком настаълик. Подробное сведение всех документов посчитали уместным дать в виде краткого обзорного научного описания:

Документ №28. Высочайший ярлык (*йарлиг-и а'ли*) хивинского хана Мухаммад-Рахима II (Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абу-л-Гази Саййид Мухаммад-Рахим Бахадур-хан), о продаже Назар-Али сыну Жиян-Мурада, под видом пожалования за нукерство и армейскую службу 10 танабов (указаны границы) из государственной земли в местностях Хайбат-буйи (буйли) Уйгур за 50 тилла. Запрещается кому бы то ни было претендовать на эти земли, считая их потомственно принадлежащими ему на правах *мулк-и халис*. Отмечается, что с момента публикации ярлыка переданная земля становится личной собственностью её получателя, после его смерти в таком же статусе – его наследников, в случае её продажи – такой же собственностью её нового владельца.

Печать: на л.с.: фигурная, 4 ×2 см.: текст печати полностью не сохранён. Дата: раби' ал-аввал 1283/июль-авг., 1866 г. Почерк настаълик, чернила. Бумага кокандская. 29,8 ×16,8 см. 14 строк.

Документ №42. Высочайший ярлык (*йарлиг-и а'ли*) хивинского хана Абу-л Гази Харезм-шаха (Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абу-л-Гази Харезм-шах) о назначении дамулла Ислам-хаджу и дамулла Баба-хаджу на должность кадия и раиса на территории Визир. Им вменяется в обязанность составление документов и реестров (*сукук ва сиджиллат*), раздел наследственного имущества (*тарика*), хранение имущества народа и решение других вопросов по шариату. В их обязанность также вменяется обучать мусульман религии, надзор и управление над мулла имамами и муэззинами, следить за посещением общественных молитв, за порядками посещения детей школ. Судебные дела (*мурофа'а*) рассматривать и решать согласно установлениям шариата. Предписывается назначенным лицам старательно выполнять всё, что вменяется в их обязанности. Отмечается, безусловно придерживаться всем данному указу хана.

Печать: на л. с.: фигурная, 4,2×2 см.: Абу-л-Гази Рахим-Кули Хорезм-шах. Дата: зу-л-хиджа, 1258/янв.-фев., 1843 г., год льва. Почерк настаълик, чернила. Бумага фабричная. 35×21,5 см. 15 строк.

Документ №45. Высочайший ярлык (*йарлиг-и а'ли*) хивинского хана Абу-л Гази Харезм-шаха (Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абу-л-Гази Харезм-шах), о продаже Жан-Мураду сыну Алла-Назара под видом пожалования за нукерство 5 танабов (указаны границы) из государственной земли в берегах канала (*йаф*) Хайбат за 25 тилла.

Запрещается кому бы то ни было претендовать на эти земли, считая их потомственно принадлежащими ему на правах *мулк-и халис*. Отмечается, что с момента публикации ярлыка переданная земля становится личной собственностью ее получателя, в случае ее продажи – такой же собственностью её нового владельца.

Печать: на л. с.: фигурная, 5,2×2,5 см.: ... Абу-л-Гази падишах. Дата: сафар, 1257/март-апр., 1841 г. Почерк настаълик, чернила. Бумага фабричная. 35×22 см. 11 строк.

Документ №46. Высочайший ярлык (*йарлиг-и а'ли*) хивинского хана Саййид Мухаммад-Рахима (Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абу-л-Фатх Саййид Мухаммад-Рахим Бахадур-хан), о назначении домулла Ишан-хаджу кади и раисом на место муллы Масум-хаджи и общества Саййид Насир-хаджи. Жителям предписывается считать назначенное лицо своим кадием, решения которого окончательны, подчиняться ему и обращаться в судейское управление по вопросам шариата. Ему вменяется в обязанность составление документов и реестров (*сукук ва сиджиллат*), раздел наследственного имущества (*тарика*), хранение имущества народа, обязанность преподавания религии мусульманам, надзор и управление над мулла имамами и муэззинами, следить за посещением людей общественных молитв, за порядками посещения детей школ. Судебные дела (*мурофа'а*) рассматривать и решать согласно установлениям шариата, а также наказывать неподчинившихся согласно шариату. Предписывается ему старательно выполнять все, что вменяется в его обязанность и действовать согласно приказу. Отмечается, безусловно придерживаться всем данному указу хана.

Печать: на л. с.: фигурная, 4×2,2 см.: текст печати полностью не сохранён. Дата: 24 раби' ал-аввал, 1285/16 июнь, 1868 г. Почерк настаълик, чернила. Бумага фабричная. 39,8×24 см. 21 строк.

Документ №49. Высочайший ярлык (*йарлиг-и а'ли*) хивинского хана Саййид Мухаммад Бахадур-хана (Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абу-л-Фатх Саййид Мухаммад Бахадур-хан), о назначении Ишан-хаджу кади и раисом в местностях Хайбат-буйи и Баджкир. Ему вменяется в

обязанность составление документов и реестров (*сукук ва сиджиллат*), раздел наследственного имущества (*тарика*), хранение имущества народа, обязанность преподавания религии мусульманам, надзор и управление над имамами и муэззинами, следить за посещением людей общественных молитв, за порядками посещения детей школ. Судебные дела (*мурофа'а*) рассматривать и решать согласно установлениям шариата, а также наказывать не подчинившихся согласно шариату. Предписывается ему старательно выполнять все, что вменяется в его обязанность и действовать согласно приказу. Отмечается, безусловно придерживаться всем данному указу хана.

Печать: на л. с.: фигурная, 5×3 см.: текст печати полностью не сохранён. Дата: 17 мухаррам 1278/25 июль 1861 г. Почерк настаълик, чернила. Бумага кокандская. 30×17,7 см. 21 строк.

Шестой документ. Высочайший ярлык (*йарлиг-и а'ли*) хивинского хана Мухаммад Рахима-II (Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абу-л-Гази Саййид Мухаммад Рахим Бахадур-хан), о назначении домулла Мухаммад Саййида и домулла Ишан-хаджу раисами в городе Хивы, которым вменяется в обязанность обучать мусульман науки религии, управление над имамами и муэззинами, следить за посещением людей общественных молитв, за порядком посещения детей школ. Предписывается проявлять соответствующее старание в вопросах одобрения или запрещения дел недозволенных, в подобных случаях наказывать не подчиняющихся согласно законам шариата. В обязанности адресата входит надзор за правильностью мер и цен, надзор над строительством разрушенных мостов и разоренных мечетей, а также выполнять обычные предписанные обязанности раиса.

Подчёркивается, что, поскольку будет приложена высокая печать августейшего хана, то все безусловно должны придерживаться данному указу.

Печать: на л. с.: фигурная, 4×2 см.: Саййид Мухаммад Рахим Бахадур-хан. Дата: мухаррам, 1302/ октябрь 1884 г. Почерк настаълик, чернила. Бумага фабричная 35,5×20,5 (19,5) см. 17 строк.

Следует отметить, что эти документы различаются и по палеографическим особенностям, так и по дипломатическим аспектам. Значимо внешний вид документов, по объему документы о назначении на ту или иную должность больше, чем запродажные ярлыки. Исходя из

значений ярлыков в подобном случаи можно отметить общие сходства документов:

Во первых: в четырёх документах выданные последовательно в период правления ханов Саййид Мухаммад-хана и Мухаммад Рахим-хана-II связаны с назначением на должности и продажей земель в местоположении *Хайбат;*

Во вторых: в трёх документах упоминается имя личности *Ишан-хаджи*. А вопрос на счет личности Ишан-хаджи, согласно сведениям приводящихся в ярлыках, то он являлся кади и раисом в период правления двух последовательных правителей и предполагаем, что он являлся одним из местных духовных чиновников ханства;

В третьих: в двух ярлыках земля в местности Хайбат продается личностям сыну Алла-Назара, *Жан Мураду*, и в другом ярлыке *Назар-Али*, сыну Жан Мурада. То есть предполагаем что они могут быть потомками Ишан-хаджи.

В тексте каждого документа, особенно частного акта, запечатлен кусочек судьбы конкретного человека или нескольких людей[601]. Вышеупомянутые ярлыки по нашим научным гипотезам взаимосвязаны и по аспектам геолокации и по их выдачам имеют совместные значения, то есть согласно всем шести документам можно предположить совместную локализацию “Хаджей” и “Ишан” в определенных местностях.

Из приведенных выше сведений явствует, что в процессе изучения множество ярлыков не меняется тенденция их изучения, но, встречаются разнообразия по типам их обращения и выдачи, могут быть разнообразны по тематике, по их принадлежности, по палеографическим особенностям. В свою очередь изучение этих актов, а именно ярлыков открывает возможность выяснения некоторых вопросов о деятельности ханской канцелярии, традиции оформления документов, а также официально-правовые основы социально-экономической жизни и культурной жизни ханства. Изучение именно новых хивинских законодательных актов, а также исторических документов, значительно послужат как ценнейший источник, представляющее собой – тот опорный хронологический материал, с помощью которого можно датировать используемые этнографами народные предания и проверять их фактическую достоверность.

---

[601] Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 31.

В заключении можно сказать, что на сегодняшний день актуальной задачей молодых учёных представляет собой сбор с рук у людей документов, в особенности ярлыков служащие как нарративные документы для изучения административной структуры. Значительно требуется их каталогизация и ввод их в базу данных. Мы рассмотрели 28 Хивинских ярлыков являющиеся ценнейшим источником в мусульманской дипломатике, хранящиеся в фонде Института Востоковедения АНРУз, служащие первоисточником и официальным документом в изучении истории ханства. В дальнейшем изучение большинство ярлыков в ЦГА и музее Ичан-Кала предоставит нам большую возможность для палеографического и дипломатического анализа Хивинских документов на основе более широких требований.

BAHRONOVA Munisa Ne'mat qizi
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi talabasi

MUSULMON MAMLAKATLARI MADANIYATI

Аннотация: *В статье описывается культура мусульманских стран, таких как Турция, арабский мир и Узбекистан. Различные аспекты культуры были изучены в историческом процессе и в сравнении с нынешним состоянием мусульманских стран. Если мы посмотрим на религиозную специфику турецкой музыки. Мы видим этапы арабской исламской литературы.*

Ключевые слова: *музыка, ремесла, арабская литература, аббасиды, городская литература.*

Annotation: *The article describes the culture of Muslim countries such as Turkey, the Arab world and Uzbekistan. Different aspects of culture have been studied in the historical process and in comparison with the current state of Muslim countries. If we look at the religious specificity of Turkish music. We see the stages of Arab Islamic literature.*

Key words: *music, crafts, Arabic literature, Abbasids, urban literature.*

Madaniyat inson faoliyati va shu faoliyatning ahamiyatini belgilovchi ramziy qurilmalar va asarlar majmuidir. Madaniyat musiqa, adabiyot, badiiy tasvir, me'morchilik, teatr va kinomatografiya kabi faoliyatlarda namoyon bo'ladi. Madaniyat inson taraqqiyoti va ijodining maxsulidir. Madaniyatda

insonlarning yarash tarzidan tortib uning millati, dini va ijodining mahsulini o‘zida aks ettiradi.. Markaziy Osiyo xalqlarining tarixi va madaniyati VIII asrdan boshlab islom dini bilan chambarchas bog’liqdir. Nafaqat Markaziy Osiyo xalqlari madaniyatida balki boshqa xalqlar madaniyatida asosiy rol o‘ynadi. Madaniyat odatda diniy urf-odatlarga ta'sir qiladi, lekin Islomga tegishli emas, chunki Islomda urf-odatlar Ollohning amrlariga binoan Islom madaniyati odamlarning kundalik amaliyotidan kelib chiqadigan urf-odatlarni anglatadi. Islom ta'limotlari Islomning besh ustuni va keyinroq ta'riflanadigan oltita iymon ustunlari asosida axloqiy tizimni ta'minlaydi. Bundan farqli o‘laroq, madaniy Islom avvalgi avlodlarning islomda hech qanday asosga ega bo‘lmagan yoki islomiy qarashlarning noto‘g'ri talqin qilingan an'analari va urf-odatlarini anglatadi. Bundan tashqari, aksariyat musulmonlar marosimlarni o‘zlarining asl ruhini anglamasdan bajaradilar, bu insonning fe'l-atvori va hayotiga ta'sir qilmaydi. Islomiy va islomiy bo‘lmagan narsalarni ajratmasdan, urf-odatlarga ko‘r-ko‘rona amal qiladiganlarni madaniy musulmon deb atash mumkin[602]. Islom madaniyatiga g'ayriislomiy urf-odatlar to‘rtta asosiy manbadan o‘tgan: Islomdan oldingi odatlar; qabul qilingan amaliyotlar; diniy yangilik; va fraktsionizm. Islomdan oldingi amaliyot Islom diniga uning avvalgi kunlarida kiritildi.

Aynan shu sababli ham musulmon mamlakatlarda madaniyatlari bir biridan tubdan farq qiladi. Xususan g’arb va sharq kesishmasida joylashgan Turkiyada bu farqni yaqqol ko‘zatamiz. Aholisining 99% musulmon bo‘lishiga qaramasdan Turkiyada g’arb madaniyati ayrim musulmon mamalakatlariga qaraganda anchayin kuchli seziladi.Bunga sabab qilib esa Turk Respubliksining tashkiltopishi va natijada din va davlatning bo‘linishi ko‘rsatiladi. Turkiya Respublikasi e’lon qilinganligining dastlabki yillarida tas’viriy san’atga katta mablag’ sarflagan. Bu esa ijodiy erkinlikning gullab – yashnashiga olib keldi va bu ishlar butun Turkiya bo‘ylab namoyish etildi. Biroq, Turkiyani zamonaviy g’arb mamlakatlariga o‘xshatish uchun qilingan barcha harakatlarga qaramay, aholisi hali – hanuz islom an’analariga amal qilmoqda. Bu esa Turkiyada g’arb va islom madaniyatining noyob uyg’unligini kursatadi. Turkiya aholisi madaniyatida ham hayotida ham islom madaniyatiga amal qilishadi. Buni turk musiqasida ham aks etganini kurishimiz mumkun. Turkida Alloh va rasulullohga bo‘lgan ishqni kuylovchilarni “Aşık” deb atashadi. Ashiklar musiqa orqali Allohga muhabbatlarini izhor qilishadi va uni madh etishadi.

[602] “A contrast between Islamic culture and culturak Islam”. Talat Mahmoor Ph.D researchgate.net

Ayniqsa Sivas shahrining ushbu yo‘nalish vakillari ruhiy baquvatliklari va ritmning o‘ziga hos holda qo‘llay bilishlari bilan farq qilishadi. Turkiyada ilohiy ishqni kuylovchi musiqaning yana bir turi borki o‘ning asosiy vositasi neydir[603]. Ular aynan ney va Mavlono Rumiyning she’rlaridan foydalangan holda tinglovchining ongiga ta’sir qilishadi. Musiqaning ushbu yo‘nalishlari asrlar davomida shakllanib saykqallangandir.

Boshqa musulmon mamlakatlarida bo‘lgani kabi Arabistonda ham urf-odatlar islom ta'limoti va arab urf-odatlariga asoslangan. Muborak Ramazon oyi va haj mavsumi va ularga ergashuvchi milliy bayramlar yilning muhim voqealari hisoblanadi. Ramazon oyi, unda musulmonlar tong otgandan to tong otguncha ro‘za tutadilar, Iyd Al-Fitr bayrami bilan yakunlanadi. Haj mavsumi har yili Makkaga dunyoning turli burchaklaridan millionlab musulmon ziyoratchilarni jalb qiladi. Qurbon hayiti bayrami bilan yakunlanadi. Saudiylarning qimmatbaho arab urf-odatlari saxiylik va mehmondo‘stlikni o‘z ichiga oladi. Arab qahvasi (uni tayyorlash ham madaniy urf-odatlarning bir ko‘rinishidir) ko‘pincha kichkina krujkalar ichida xurmo va shirinliklar bilan tashrif buyuruvchilarga, do‘stlariga yoki oilalariga mehmondo‘stlik sifatida taqdim etiladi[604]. Ammo arab madaniyatining eng go‘zal qismi adabiyotdir. Arab adabiyotining islomdan keying davri serjiloligi bilan ajralib turadi va bu davrning shox asari musulmonlarning muqaddas kitobi “Qur’oni” karimdir. Arablarning islom davri adabiyoti ham ikkiga bo‘linadi Ummaviylar davri adabiyot muhiti va Abbosiylar davri adabiyot muhitiga. Ummaviylar xalifaligi davrida Kufa va Damashq adabiy markaz bo‘lib hizmat qildi. Bu davrning mashhur shoirlari al-Ahtal (640-710); Jarir (728-yilda vafot etgan) va hajv yo‘nalishi adibi al-Farazdak (733-yil vafot etgan).Shaharlarda ham go‘zal she’riyat rivojlanadi. Makka shahrida usha davrda Umar ibn Rabia (taxminan 712 yil) o‘z she’rlari bilan arablar va g’ayri arablar ichida dovrug’ qozondi[605]. Islom davri adabiyotining ikkinchi davri Abbosiylar hukumronligi davriga kelib esa saltanatining poytaxti bo‘lmish Bag’dod madaniyatning asosiy markazi bo‘ldi. Ayni shu davrda arab klassik she’riyati va badaviy she’riyati o‘z jilosini ko‘rsatti. Ammo she’rlarda mazmun o‘zgarish yuz beradi, bu o‘zgarish esa shahar she’riyatining paydo bo‘lishi bilan baholaniladi.Ushbu she’riyat turining ko‘zgan vakili Abu Nuvasdir. Yangi davr shoirlari o‘z she’rlarida nafaqat

[603] Wikipediya.com
[604] Sacm.org.au
[605] Wikipediya.com

Allohga bo‘lgan muhabbatni shu bilan birga falsafiy dunyo qarashlarini ham aks ettirishdi.

Shu o‘rinda yurtimizning o‘ziga xos madaniyati haqida tuxtalib o‘tsak. O‘zbekiston madaniyati jonli va betakror bo‘lib, u ming yillar davomida shakllangan bo‘lib, zamonaviy O‘zbekiston hududida turli vaqtlarda yashagan xalqlarning urf-odatlari va urf-odatlarini o‘z ichiga olgan. Qadimgi forslar, yunonlar, arablar, xitoylar, ruslar va ko‘chmanchi turkiy qabilalar bularning barchasi O‘rta Osiyo va madaniyatlar chorrahasi deb hisoblanadigan o‘zbek madaniyatiga o‘z hissalarini qo‘shishgan. Islom dinining kirib kelishi natijasida o‘zbek madaniyatining ayrim jihatlari ma'lum o‘zgarishlarga uchradi, ammo u mahalliy madaniyatni butunlay yo‘q qilib yubormdi aksincha uni o‘zining tarkibiga kiritdi. O‘zbekistonning ko‘p millatli tabiatini aks ettiruvchi an'analar musiqa, raqs, rasm, amaliy san'at, til, oshxona va kiyim-kechakda hamma joyda mavjuddir. O‘zbekistonning har bir mintaqasi o‘ziga xos o‘ziga xos soyalarga ega, ular eng yorqin milliy liboslarda va mahalliy lahjalarda namoyon bo‘ladi[606]. Musiqa - o‘zbek madaniyatining muhim qismidir. Shashmakam - klassik fors musiqasiga o‘xshash mumtoz musiqa shakli. Xalq musiqasi diniy va oilaviy tadbirlarda, masalan to‘ylarda, shuningdek maxsus tadbirlarda yashaydi.

O‘zbekiston amaliy san'ati uslublar, materiallar va zargarlik buyumlari haqida gap ketganda juda xilma-xildir. Ipak, kulolchilik va paxtachilik, tosh va yog'och o‘ymakorligi, metall o‘ymakorligi, charmdan to‘qish, xattotlik va miniatyura rasmlari qadimgi zamonlardan beri mavjud bo‘lgan ba'zi janrlardir. Naqsh, gilam to‘qish va miniatyura rasmlari ba'zi zamonaviy versiyalarda bo‘lgani kabi an'anaviy shakli ham mavjud.

RAJAPOV Pirnazar Sardor o‘g‘li
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi talabasi

MUZAFFAR SAYFUDDIN QUTUZ – MO‘G‘ULLARNI MAG‘LUB ETGAN SARKARDA

Аннотация: *В статье рассматривается мужество Музаффара Сайфуддина Кутуза, племянника хорезмского султана Джалолиддина Мангуберди, победившего могущественного монгольского полководца*

[606] Advantour.com

Китбугу в 1260 году в палестинской долине Айн-Джолут, а также значение битвы в истории ислама.

Ключевые слова: *Махмуд ибн Мамдуд, Музаффар Сайфуддин Кутуз, Мамлюки, проблема с крестоносцами, Рукниддин Зохир Бейбарс Бундукдари, Китбуга, битва при Айн-Джолуте.*

Annotation: *In the article it highlightes the courage of Muzaffar Saif ad-Din Qutuz who was nephew of Khorezmshah Sultan Jalal ad-Din Mangburni. He defeated the army of the powerful Mongol commander Kitbuga in the Ain-Jalut Valley in 1260 which is situated in Palestine. The battle of Ain-Jalut is considered to be the most important event in islamic history.*

Key words: *Mahmud ibn Mamdud, Muzaffar Saif ad-Din Qutuz, Mamluks, the problem with the Crusaders, al-Zahir Rukn al-Din Baibars al-Bunduqdari, the battle of Ain-Jalut.*

Islom tarixi qahramonlaridan biri bo‘lgan Sayfuddin Qutuz kim edi?

U kishining asl ismi Mahmud ibn Mamdud bo‘lib, musulmon podshohlar oilasidan edi. Bu dunyo bunchalar tor bo‘lmasa! Sayfuddin Qutuz rahimullohning onasi Xorazmshoh Jaloliddin Manguberdining opasi, otasi esa Jaloliddinning amakivachchasi edi[607].

Jaloliddin Manguberdi ikki marta mo‘g‘ullar ustidan g‘alaba qozonganidan keyin Hind daryosi bo‘yida achchiq mag‘lubiyatga uchragan va Hindistonga chekingan edi. Oxir-oqibat u kurd millatiga mansub dehqon tomonidan ayanchli va fojeali sur’atda qatl qilingan edi. Mo‘g‘ullar Jaloliddinning qarindoshlarining ko‘pini o‘ldirgan, qolganini asir olgan edi. Sayfuddin Qutuz mo‘g‘ullar tirik qoldirib, qul bozorlarida sotganlar jumlasidan edi. Mahmudga Qutuz laqabini mo‘g‘ullar qo‘ygan edi. Mo‘g‘ul tilida “Qutuz” so‘zi “qopag‘on it” degan ma’noga dalolat qiladi[608]. Qutuzda yoshligidanoq qat’iylik, quvvat va jasorat alomatlari ravshan bo‘lgani uchun mo‘g‘ullar unga bu laqabni qo‘yishgan edi. So‘ngra uni Damashq qul bozorida sotib yuborishgan, keyinchalik uni Ayyubiylardan biri sotib olib, Misrga olib ketgan edi. Undan bunga sotilib, oxiri podshoh Mu’iz Izzuddin Oybekka yetib kelgan edi. So‘ngra Qutuz uning armiyasiga bosh qo‘mondon bo‘ldi. U Misr hokimi bo‘lgandan so‘ng “Podshoh Muzaffar” (g‘olib podshoh) laqabini oldi.

---

[607] Taqiyyiddin Abu-l Abbos Ahmad bin Ali bin Abdulqodir al-Ubaydiy Makriziy. as-Suluk lima’rifati duvalil-muluk (السلوك لمعرفة دول الملوك), I juz, 495. Beirut-Lebanon : Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997.

[608] Taqiyyiddin Abu-l Abbos Ahmad bin Ali bin Abdulqodir al-Ubaydiy Makriziy. as-Suluk lima’rifati duvalil-muluk, I juz, 520. Beirut-Lebanon : Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997; Rog‘ib Sirjoniy. Qissatut-tatar minal-bidayati ila Ayn-Jolut(قصة التتار من البداية إلى عين جالوت) , 238-bet. Qohira: Muassasa Iqro lin-nashr vat-tavzi vat-tarjima, 2006.

Qutuz qissasini o‘rganar ekanmiz, tarixning har doim takrorlanib turishining yaqqol guvohi bo‘lamiz. Fir’avn mulkining zavolidan qo‘rqib Bani Isroilning o‘g‘il farzandlarini qatl qildirdi. So‘ngra aynan o‘sha farzand (Muso alayhissalom)ni Fir’avnning o‘zi o‘z uyida o‘g‘il qilib, tarbiyalab ulg‘aytirdi. So‘ngra u sababli mulki zavol bo‘ldi. Mo‘g‘ullar ham musulmonlarning yosh-u qarisini qilichdan o‘tkazarkan, ularning farzandlaridan birini qul qildi va Damashqda o‘zlariga qaytarib sotdi[609]. U boshqasiga sotildi, so‘ngra boshqasiga, hatto butunlay boshqa o‘lkaga borib qoldi. U yetti uxlab tushiga ham kirmagan bir diyorda edi. Mo‘g‘ullar o‘z mulkining zavol qiluvchi dushmanini o‘zlaridan uzoq bir yerga olib borib saqlab qo‘ygan edi. O‘sha damlar yosh qul bolakay bo‘lgan bir nochor yillar o‘tib shu yurtning voliysiga aylanadi va mo‘g‘ullarni mag‘lub etadi.

Qutuz barcha mamluklar (Mamluklar arabcha “Mamolik” “qullar” yoki “bandalar” deganidir. Biroq “Mamolik” so‘zi islom tarixida istilohiy ma’no kasb etib, “Mamolik” deganda shunchaki qullar emas, balki muayyan asrdagi qullar jamoasi ko‘zda tutiladi.) singari kuchli diniy tarbiyada ulg‘aydi. Yoshligidanoq askariy bilimlar va jang uslublari, boshqaruv shakli va idora qilish yo‘llarini o‘rgandi. U kishi dinga muhabbatli, dinni qadrlovchi, jasur va mag‘rur bo‘lib yetishdi. Qutuz o‘ta sabr-bardoshli edi. Bundan tashqari, u podshoh xonadonida tug‘ilgan va go‘dakligida amirlarga xos hayot kechirgan edi. Bu esa unga o‘ziga bo‘lgan ishonchni bergan edi. Boshqarish, hukm yurgizish va idora qilish ishlari unga begona emasdi. Ustiga-ustak uning oilasi mo‘g‘ullar oyog‘i ostida halok bo‘lgan hamda yoshligida mo‘g‘ullarning qilmishlarini o‘z ko‘zlari bilan ko‘rgan edi. Bu esa mo‘g‘ullar fojeasini yaxshiroq tushunishiga katta turtki bo‘lganida shubha yo‘qdir. Bu omillarning barchasi to‘planib, Qutuzni qiyinchiliklarni yenga oladigan; dushmanlari har qancha ko‘p va kuchli bo‘lsa ham, ulardan umuman qo‘rqmaydigan mardlik timsoli bo‘lishiga olib keldi…

Asosiy maqsadimizga to‘xtaladigan bo‘lsak, Qutuzning qarshisida salibchilar muammosi ham bor edi. Falastin, Livan va Suriyaning ko‘p qismlari, xususan, O’rtayer dengizi sohillari salibchilar tomonidan bosib olingan bo‘lib, Akko, Xayfa, Sayda, Sur, Bayrut, Lazikiya, Antokiya salib amirliklari qo‘l ostida edi. Bu salib amirliklarining orasida eng quvvatlisi Falastin yerlaridagi Akko amirligi edi.

[609] Taqiyyiddin Abu-l Abbos Ahmad bin Ali bin Abdulqodir al-Ubaydiy Makriziy. as-Suluk lima’rifati duvalil-muluk, I juz, 520. Beirut-Lebanon : Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997.

Qutuz Akkoga vafd(delegatsiya) yo‘lladi[610].Vafd musulmonlar va salibchilar o‘rtasida muvaqqat tinchlik bitimi tuzishni o‘rtaga tashladi. Salibchilar tinchlik bitimini qabul qilishdi[611].

Qutuz lashkarning boshiga yetuk qo‘mondon Rukniddin Zohir Beybars Bunduqdoriyni tayin qildi. Uning lashkarning oldingi saflariga qo‘yilishidan maqsad birinchi zarbada mo‘g‘ullarni yer tishlatish edi. Beybars boshchiligidagi kuchli jangchilar guruhini ancha oldinda yurishga amr qildi. Bundan maqsad musulmon qo‘shini sonini oz qilib ko‘rsatib, mo‘g‘ul razvedkachilarining ko‘zini shamg‘alat qilish edi.

1260-yil 26-iyul kuni Beybars Misr hududlaridan oshib, Falastin yerlariga kirdi[612]. G‘azoda musulmon lashkari bilan Bayder boshliq mo‘g‘ul qo‘shini o‘rtasida to‘qnashuv sodir bo‘ldi[613]. G‘azodagi mo‘g‘ul guruhi musulmonlarga nisbatan ancha kuchsiz edi. Mo‘g‘ul qo‘mondoni Kitbuga va asosiy mo‘g‘ul lashkari G‘azodan 300 km uzoqda, Livan yerlarida joylashgan Baalbekda edi[614]. Beybars boshliq qo‘shin G‘azodagi mo‘g‘ullar ustidan g‘alaba qozondi[615].

Kitbuga bu mash’um xabarni eshitib, qattiq jahli chiqdi. Bu – mintaqada mo‘g‘ullarning ilk bor yengilishi edi. U darhol qo‘shinni hozirlab, janubga – Falastin sari yo‘lga otlandi.

Qutuz Ayn-Jolut vodiysini jang uchun eng qulay va munosib makon deb bildi. Bu vodiy yassi maydon bo‘lib, hamma tomondan o‘rta balandlikdagi adirlar bilan o‘ralgan, faqat shimoliy tomonigina ochiq edi. Xuddi taqasimon ko‘rinishda bo‘lib, atrofdagi adirlar buta va daraxtlardan iborat chakalakzor edi. Bu musulmon lashkariga chakalakzorga yashirinish, pistirma qo‘yish hamda vodiyning o‘rtasida mo‘g‘ul lashkarini qurshab olish imkonini berardi[616].

---

[610] Abdulloh Said Muhammad Safir al-G‘omidiy. (جهاد المماليك ضد المغول و الصليبيين)Jihadul-mamalik didda-l mo‘g‘ul vas-solibiyyin, 108-bet. Dar an-nashr, 1987; Rog‘ib Sirjoniy. Qissatut-tatar minal-bidayati ila Ayn-Jolut, 295-bet. Qohira: Muassasa Iqro lin-nashr vat-tavzi vat-tarjima, 2006.

[611] Abdulloh Said Muhammad Safir al-G‘omidiy. Jihadul-mamalik didda-l mo‘g‘ul vas-solibiyyin,108-bet. Dar an-nashr, 1987.

[612] Rog‘ib Sirjoniy. Qissatut-tatar minal-bidayati ila Ayn-Jolut, 299-bet. Qohira: Muassasa Iqro lin-nashr vat-tavzi vat-tarjima, 2006.

[613] Abdulloh Said Muhammad Safir al-G‘omidiy. Jihadul-mamalik didda-l mo‘g‘ul vas-solibiyyin,121 -bet. Dar an-nashr, 1987.

[614] Rog‘ib Sirjoniy. Qissatut-tatar minal-bidayati ila Ayn-Jolut, 301-bet. Qohira: Muassasa Iqro lin-nashr vat-tavzi vat-tarjima, 2006.

[615] Taqiyyiddin Abu-l Abbos Ahmad bin Ali bin Abdulqodir al-Ubaydiy Makriziy. as-Suluk lima’rifati duvalil-muluk, I juz, 516. Beirut-Lebanon : Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997.

[616] Rog‘ib Sirjoniy. Qissatut-tatar minal-bidayati ila Ayn-Jolut, 307-bet. Qohira: Muassasa Iqro lin-nashr vat-tavzi vat-tarjima, 2006.

Kitbuga kelmasdan burun Qutuz vodiyga yetib keldi va musulmon askarini tartibladi. Vodiyning ochiq tomoni, ya'ni shimoliy qismiga Beybars boshchiligidagi kuchli guruhni joylashtirdi. Qutuz butun askarni vodiyning sharq, g'arb va janub tomonidagi chakalakzorlarga berkitdi.

Hijriy 658-yil 25-ramazon/1260-yil 10-sentabr juma kuni islom tarixida ulug' kun bo'ldi. Mo'g'ul lashkari Beybarsning lashkarini bir hamladayoq qirib tashlaymiz deb hammalari jang maydoniga tushishdi. Bu Qutuzning rejasiga ayni muddao bo'ldi. Ruknidin Beybars asta-sekin ortga chekinar, chekingan sari mo'g'ul lashkari uning o'rnini egallab borardi. Musulmonlar "mag'lubiyat" o'yinini xuddi haqiqiydek o'ynab berdilar. Kitbuga bor lashkari bilan vodiyga kirdi[617].

Kitbuga bunday katta va qo'pol harbiy xatoga qanday yo'l qo'ydi?! U juda mohir va malakali sarkarda bo'lib, uzoq yillardan beri jang maydonida edi-ku! Oltmish yoki yetmish yoshni qoralagan tullak Kitbuga bundan 34 yil muqaddam o'lgan Chingizxon mo'g'ul davlatini barpo qilishida ishtirok etgan shaxslardan biri bo'lib, shundan beri jang maydonida edi. U Xulaguning ishongan tog'i edi go'yo.

Jang davomida musulmonlarning holi og'irlasha boshladi. Shunda Sayfuddin Qutuz o'zi oldinga otilib chiqdi. Dubulg'asini yerga urdi-da, bor ovozi bilan "Voo Islamoooh!!!" deya na'ra tortib, dushman tomon hamla qildi. Uning ortidan mardonavor askarlari ham dushmanga tashlandilar. Mo'g'ullarning qo'mondoni Kitbuga qatl qilindi. Uning amirlari ham qatl qilindi[618].

Mo'g'ullar Alloh taoloning oxirgi va mukammal dinini tan olib, musulmon bo'lishdi va bora-bora yerlik musulmonlarga aralashib ketdilar. Bu ham insoniyat tarixida misli ko'rilmagan ish bo'lib, islomning buyuk g'alabasi edi. Tarixda hech bir g'olib xalq o'zi mag'lub qilgan xalqning diniga bu shaklda kirmagan edi[619].

Xulosa qilib aytish mumkinki, Ayn-Jalut g'alabasi uzoq vaqtlardan beri musulmonlarni qiynab kelayotgan ruhiy tushkunlikni bartaraf qildi. Musulmonlardan oldin mo'g'ullarni hech kim yenga olmagan edi. Musulmonlar mo'g'ullar haqidagi tillarda doston bo'lgan afsonalarni yo'qqa chiqardilar.

---

[617] Rog'ib Sirjoniy. Qissatut-tatar minal-bidayati ila Ayn-Jolut, 322-bet. Qohira: Muassasa Iqro lin-nashr vat-tavzi vat-tarjima, 2006.

[618] Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Islom tarixi, II juz, 179-bet. – T.: Hilol nashr, 2017.

[619] Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Olam va odam, din va ilm, 415-bet. – T.: Hilol nashr, 2019.

Dushmanning quvvati har qancha kuchli bo‘lsa-da, bir kun kelib, zavol topajagini tushunib yetdilar. Bu jangdan so‘ng islom ummati o‘z o‘rniga qaytdi. Hatto Fors diyorini o‘ziga qarorgoh tutgan Xulagu ulkan mo‘g‘ul lashkari bo‘lishiga qaramay Shomni qaytarib olishga haddi ham sig‘madi. Eng ahamiyatli jihatlardan biri shundaki, “Zahabiya qabilasi” (Oltin O‘rda)ga mansub mo‘g‘ul boshliqlaridan biri iymonga keldi. U Xulaguning amakisining o‘g‘li va sarkarda Botuxonning ukasi, ya’ni Jo‘jixonning o‘g‘li – Chingizxonning nevarasi edi. Bu mo‘g‘ul boshlig‘i 1252-yil islomga kirgandan so‘ng Berka ismi bilan laqablandi. 1257-yil Oltin O‘rdaga bosh bo‘lgan Berkaxon mo‘g‘ullar davlatidan tashqarida, Kaspiy dengizining shimoliy mintaqalarida mustaqil ravishda hukm yurgizardi. U islomga kirgandan keyin uning qabilasidan ko‘pchilik islomni qabul qilishgan edi. Bir qarashda quvvat egasi bo‘lganlar zaiflarning diniga kirgan edi. Ayn-Jolut jangidan keyin esa Zahabiya qabilasining barchasi musulmon bo‘ldi. Ularga g‘alaba va islomning quvvati ta’sir qilgan edi. Ular vaqti kelib, Zohir Beybars hamda So‘g‘ut shahri hokimi Ertug‘rul ibn Sulaymonshoh bilan Xulaguning ziddiga ittifoq qurishdi. Natijada Shom, Turkiya va Falastinda mo‘g‘ul quvvatiga barham berildi. O‘z navbatida, bu omil Usmoniylar imperiyasining yuzaga kelishi uchun zamin hozirladi.

Bundan tashqari, Shom hududlari salibchi amirliklardan tozalandi. Xususan, 1266-yil Falastin shaharlari: Qaysariya, Xayfa, Husn, Arsuf, Safad ozod qilindi. Ayni shu vaqtda sarkarda Sayfuddin Qalovun Turkiyadagi Kilikiyani ozod qildi. Kilikiyada u kichik Armaniston podshosi Xaysum ustidan g‘alaba qozondi. Beybars 1267-1268-yillarda Yofani, 1268-yil Antokiyani ozod qildi. 1285-yil Toroblus mamluklar sultoni Mansur Qalovun tomonidan ozod qilindi.

Shuningdek, Qohira ilm-ma’rifat markaziga aylanib, Azharning mavqeyi ko’tarildi. Sultonlarga haqni ochiq va baralla so‘zlay oladigan olimlar yetishib chiqdi.

Bu yutuqlar Ayn-Jolut jangining samaralaridan edi. Yillarcha boshi egilgan musulmonlar qisqa vaqt ichida boshlarini ko‘tarib yana aziz bo‘ldilar.

RAKHIMOVA Farzona Farkhadjan qizi
Tashkent State University of Oriental Studies
1st year student of Bachelor

IMPORTANCE OF LITERARY SOURCES IN LEARNING ARABIC CULTURE

Annotatsiya: *Quyida keltirilgan maqolada arablarning ikkita asosiy xatti-harakatlari tizimi to'g'risida ma'lumotlar berilgan va ularning arab madaniyatini o'rnatishda muhim rol o'ynagan asosiy adabiy manbalari ko'rsatilgan. Ushbu ramziy kitoblar va she'rlar nafaqat qimmatbaho tarixiy meros sifatida, balki ularning urf-odatlari va ijtimoiy xulq-atvorining ma'nosini tushunishning mukammal usuli sifatida qaraladi va shu sababli ushbu maqolada aynan shu romanslar va she'rlar o'rganishda ma'lumot manbai sifatida qabul qilinadi. ushbu millatning ramziy xulq-atvorining me'yoriy tizimlari.*

Kalit so'zlar: *asabiya, muruvva, manbalar, kamharakat turmush tarzi, ajdodlar, erkaklar nasli, tanish, chinakam odam, qahramon, ritsar, she'rlar, romantika, figura, bilish.*

Аннотация*. Данная статья раскрывает суть двух основных стандартных систем символического поведения арабов и указывает на основные литературные источники, которые сыграли значительную роль в становлении арабской культуры. Эти произведения считаются не только важным историческим наследием, но и совершенными источниками в изучении традиций и общественного поведения арабов, и поэтому данная статья повествует о том, почему именно эти поэмы и книги считаются источниками систем нормативного поведения этой нации.*

Ключевые слова: *асабия, мурувва, источники, ближневосточная зона, мужская линия рода, лучшие качества, ознакомление, протагонист, поэмы, образ, познание.*

No side of the world shows deeper respect and loyalty for its customs like East. Like all other societies of eastern countries, Arabic community demonstrates incredible reverence for its traditions, might even more delicate attitude comparing with Far and Middle Easts. These unique customs have being established for centuries and their roots are found in deep earliest times. Their attachments for customary practices are noticed in everything - from

simple household habits to important events that contain human life. As we know, vast majority of these traditional practices obtain the basis from rules of sharia when the other ones, are based on ancient local norms and conceptions. In conceptions of common traditions, two normative systems of behavior of arabs can be noticed, which are up to even latter day, especially among inhabitants of Near East zone. They are asabiya and muruvva. In this thesis, I will direct readers to sources of information we can find for deeper and for clearer understanding these two standard systems, which have close connection to arabic culture studies. However, before doing that I wish to give exact definitions for both conceptions I mentioned above. Asabiya characterizes arabic conceptions that express loyalty for asab which is the male lineage. The term *asabiyah* has been variously translated as "solidarity," "group feeling," "social cohesion," and even "clannishness." Ibn Khaldun did not invent the term, but he did retool it for his own purposes. The meaning he imparted to it is largely what it means today.[1] Literally, the word "asabiya" itself means "family spirit". Members of tribal societies followed their common traditions, which are built in interdependence and fellowship. After these morals tendencies like "blood for blood" revenge and care about ancestor and descendant follow. And such customs exist not only among nomads nowadays, but among inhabitants who lead sedentary lifestyle. Influence of this normative systems of behavior on people is that huge that we can see it in lives of women after their marriage who still stay faithful for their asab.

What about muruvva, it is an ancient arabic term, which became common in preislamic period and expresses combination of best moral qualities of right man, like honor, dignity, eloquence, nobility, generousity and ability of loving and having a fun. Usually, women are not subjects of muruvva. For men muruvva is universal and it can be followed in spite of social status and confession.

And when we know definitions of these terms, it is time to turn to main questions: "How can we get definite descriptions and more detailed knowledge of these two systems of symbolic behavior and in which situations or events they can be identified?" For this, we have arabic literary legacies. Unfortunately, not all of these legacies survived to us. From survived reliable sources of information about asabiya, there are poems of Amr Ibn Kulsum in honor of tribe taglib, poems of al-Kharisa Ibn Hilliza in honor of tribe bakr and others.

Amr Ibn Kulsum was leader and national poet of tribe taglib. In sixth

century tribes taglib and bakr were in state of long-lasting war. And once, tribes, desiring to end an old argue, applied for Amr Ibn Kulsum and in role of representative of his tribe Amr made his speech as small-size poem.

First time, in poem, Amr tells about how affections of his beloved woman grew cold for him and after sad lyrical digression subject of his thoughts turned to his tribal neighbours and unfriendly relationship they had for a long time. Then he narrates about their battles and victory of taglib and glee and pride for his tribe sound in his every word, even threat, especially, when he applies for owner of Khira: " Do not you still taste our rage, Khira lord?

Then our rage gets anyone, without any word. Such faith in own tribe and such deep hatred for other ones are surely qualities of true follower of asabiya. Representatives of asabiya also are extremely proud of achievements of their ancestors, truly hoping for their blessings upon them.

---

https://scholars-stage.blogspot.com/2015/05/introducing-asabiyah.html?m=1

Proof for that we can see in next lines of this poem:

"To us our ancestors left the glory, we know,
And even in battle, we do not let go."

This poem serves not only as precious historical and literary legacies, but as a way to familiarize with such brave, confident and noble figure of Amr Ibn Kulsum and as a way to know how he cared for his people and felt great responsibility for their lives. In this poems he narrates that he never lets his people to suffer and to be humiliated by hands of his enemies and swarms of his life that he would rather die than let his people to be captured. He insists in being gathered and helping each other regardless of anything because they are with one flesh and blood like brothers. Such deep and noble feeling reflect in these beautiful lines:

"To protect them ready we are in need
Though linked we are with tight thread indeed."

All these heart-touching lines tell us about reverence for brotherhood and fellowship which are considered as basic conceptions in asabiya.

Moreover, there are other poets-leaders, in whose poems we can see the same raging passion to save his brothers from despiteful enemies. These people are al-Kharisa Ibn Hilliza with his poems in honor of tribe bakr, an-Nagibi in honor of union of abs and zubyan, Kumeyta Ibn Zeyd against tribe of Yemen

and others. At first sight, reading their poems we see undeniable feeling of owning in arabs behavior, glorious praise for their victories and profound despise for everyone who can harm their tribe and all these feelings come down to extremely delicate attitude for everything and everyone they consider as their family and this is right in what asabiya holds on.

The second system of normative behavior of arabs is muruvva, and like in asabiya, there are sources for better cognition this feature of arabic culture. However, unlike asabiya these sources are not lyric-epic but epic and much more universal. More well-known of them are "Thousand and one nights" and "The romance of Antar". Both of them contain aspects of muruvva.

As we already know, "Thousand and one nights" is collection of arabic and persian fairy-tales and novels surrounded by story of persian king Shakhriyar and his wife Shakhrazada. This collection consists of three types of tales. They are heroic, adventurous and picaresque tales. Heroic tales indicate qualities of man who follows muruvva, they are patriotism, nobility, honesty, valor, respect for women and dignity. Only these qualities identify true man and only such person might be in right path and leads decent life. Heroic fairy-tales help us to identify level of these qualities in arabs. This book includes about thousand tales and there is question: "Should we read them all to find aspects related to muruvva?" Actually, there is not much to get in adventurous and picaresque tales in case of muruvva. It would be enough familiarizing with heroic stories, which have two types: knightly novels and courtier tales. Knightly novels are "The romance of king Oman Ibn an-Numan", "Story of Ajib and Garib" and others, what about courtier tales, they include "Badr Basim and Gauhar" and others.

Let me give some examples of muruvva in these stories. Almost all protagonists of these tales suffered from pain of love and this pain made their attitude for women pure and gentle and all subjects of this high feeling are girls with breath-taking beauty and according to this, we can decide that their worshippers learnt from love to value true beauty, and this beauty softened their cold heart and made them better people. From example of main protagonist of "Tale of Sinbade-sailor" we see with what he sacrificed for his motherland, we see true patriot who even betrayed his lord because he could not bear homesickness anymore. We see true bravery and valor in image of Hammad who was ready to sacrifice with everything to gain his one true love and did not even spare his own life in way to her. All these qualities create one figure of right man, who is subject of muruvva.

The next source is epic poem "The romance of Antar". This book is much less artificial comparing to "Thousand and one nights" but it is more meaningful and instructive and has more to do with muruvva. It includes clear picture of Beduin society of preislamic period. The arabic atmosphere does not remain reader indifferent and first appearance of great Antar happens right in the center of his surroundings and figure of unbeatable warrior and wonderful poet deeply impresses us. Antar has never feared or despised war, he always accepted it as inevitable and had natural passion for it, but he was described as extremely noble and decent young man.

In this romance we also have other two quite interesting personages: Khaled and Djaida whose epic love was unforgettable, they are the ones who dedicated their lives for helping people to get rid of wild beasts. Brave and straight in their intentions, with good desire in their hearts, these two chase noble purpose. These figures are best examples of decent human being.

Collecting qualities these three heros had we get another beautiful figure who is worth naming as follower of murruva. But comparing the figure we got from qualities of book "Thousand and one nights", this one differs with its confidence and strength.

In conclusion, literary sources are best way of understanding culture of some country. They give us clear pictures of their lifestyle and help us to their customs and behavior. Poems and books I wrote my thesis about surely make any reader to feel true atmosphere of Near East and help them understand nature of arabs deeper.

II ШЎЪБА: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

УСМОНОВ Муҳаммадсидиқ Абдуманнонович
Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси мудири

ИМОМ НАСОИЙ – БУЮК МУҲАДДИС

Аннотация: *В этой статье речь идёт об одном из шести самых известных учёных мухаддисов Имаме Насаи. Также в ней подробно освещается жизнь и деятельность хадисоведа, даются подробные сведения о его наставнике и учениках, о его научных изысканиях и вкладе учёного в развитие науки Хадисоведения*

Ключевые слова: *Научный ислам, Наса, Балх, "Зуқоқул-қанодил" "Сунан", "Сияр аълам ан-Нубала", хадис-изречение пророка, хадисоведы, цепь передатчиков, Муҳаммад ибн Исмоил, "ийқон илми", "Ришол", "достоверные", "ҳаддасана", "ахбарана" Тарсус, преувеличение.*

Annotation: *In this article ,there will be a specific data about Imam Nasai,who was one of the most famous of six narrators in the Islamic world Furthermore there will be some information about the Narrator's life path,teachers,apprentices, also his scientific researches and his portion in terms of developing scientific hadith*

Key words: *Scientific Islam, NASA, Balkh, "Seoul-until" "Sunan", "aylam-Siyar an-Nubala", hadith-saying of the prophet, hadicaped, the chain of transmitters, Muhammad Ibn Ismoil, "ion Ilmi", "Real", "reliable", "adesina", "akhbarana" Tarsus, an exaggeration.*

Тарих сахифаларидан маълумки, Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар ичидан ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган жуда кўплаб алломалар етишиб чиққан. Ислом динининг иккинчи манбаси бўлган Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари, биринчи асосий манба – Қуръони карим оятлари маъно-моҳиятини тўғри англаш, ислом дини таълимотларини тўғри тушуниш борасида асосий ҳал қилгувчи манба ҳисобланади. Ҳадис илми борасида машҳур олтита саҳиҳ тўплам илм аҳли орасида машҳур ва катта аҳамиятга эга. Имом Насоий тўплаган ҳадислар ана шу олти саҳиҳ тўпламнинг бири саналади. Уламолар Имом Насоийни

олтита саҳиҳ тўплам муаллифлари ичида учинчи муҳаддис сифатида эътироф этадилар.

Имом Насоий 215/830 йилда Насо шаҳрида дунёга келган. Унинг тўлиқ исми Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр Насоийдир. Бу олим ҳадис илми борасида "Ўз асрининг имоми", "Қози" ҳамда "Ҳофиз" унвонларига эга бўлган.

"Насо" шаҳри тарихи ҳақида манбаларда турли хил маълумотлар мавжуд. Ушбу шаҳар ҳозирги Туркманистон Республикаси Ашхабод шаҳри яқинига тўғри келади. Эндиликда "Ниса" номи билан тарихий обида асоратлари сифатида сақланиб қолган жой мавжуд. Ёқут Ҳамавий "Муъжам ал-булдон"[620] асарида бу шаҳарнинг ўша даврда "Насо" деб номланишига бир неча сабабларни кўрсатган. Мусулмонлар Хуросонга юришни мақсад қилганларида бу шаҳарнинг аҳолиси фақат аёллардан иборат эди. Буни кўрган мусулмонлар: "Булар фақат аёллардан иборат экан, улар билан то эркаклари қайтмагунича баҳс мунозарага киришмаймиз. Уларнинг масаласини ҳозирча унутиб турамиз, бу ер "Мадинат ан-Насаа" (яъни "унутилган шаҳар")" дейишган. Иккинчи тахмин ҳам эътиборли бўлиб, шаҳар аҳолиси фақат аёллардан иборат бўлганлиги учун "Мадинат ан-Нисо" (яъни "Аёллар шаҳри") деб аталган.

Мазкур шаҳар Хуросон ҳудудида жойлашган бўлиб, у билан Сарахс оралиғи икки кунлик, Марвгача беш кунлик, Нишопургача эса етти кунлик масофани ташкил этган. Насо шаҳридан кўплаб машҳур олимлар етишиб чиққан. "Сунан" китобининг муаллифи Имоми Насоий ҳам шулар жумласидан.

Имом Насоий ҳайбатли, қизил юзли, очиқ чеҳрали киши бўлган. Узоқ муддат Мисрнинг китоб ва дафтарлар бозори жойлашган "Зуқоқул-қанодил" номи билан шуҳрат қозонган маҳаллада яшаган. Хулқи гўзал, катта-кичикка илтифотли бўлган. Илм ўрганиш мақсадида кўплаб шаҳарларга сафар қилган.

Имом Заҳабий "Сияр аълам ан-Нубала" асарида Имом Насоийнинг 70 дан ортиқ машҳур устозларини санаб ўтган[621]. Муҳаддис дастлабки таҳсилини ўз юрти уламоларидан олган. Манбаларда келтирилишича, Насоий 230/845 йил Балх шаҳрида Қутайба ибн Саъийд Бағлонийдан таълим олаётганда 15 ёшли ўсмир йигит бўлган.

---

[620] Ёқут ал-Ҳамавий. "Муъжам ал-булдон". Ж: 5. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия. Б.279-280.

[621] Шамсиддин Муҳаммад Заҳабий. "Сияр Аълам ан-Анубало". Ж:11. Қоҳира. Дор ал-ҳадис. 2006.

Нишопур сафари ҳам унга муваффақиятли кечган, зеро, “Ибн Роҳавайҳ” номи билан машҳур Исҳоқ ибн Иброҳим Ханзалий Абу Ҳусайн ибн Мансур ва Муҳаммад ибн Рофеъ каби олимлар билан учрашиб, улардан ҳадис илмини ўрганган ҳамда кўплаб янги ҳадисларни ёзиб олган.

Бағдод шаҳрида эса адиб, фақиҳ, муҳаддис, муаррих бўлган олим Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдулмажид ибн Муслим ибн Қутайба Дайнурий (213/828-276/889)дан кўплаб ҳадисларни эшитган. Имом Насоий 235/850 йилда Ибн Қутайба ҳузурида ҳадис илмига оид илмларини бойитган. Сўнгра Марвга бориб, Али ибн Ҳажар ва бошқа муҳаддислардан ҳадис эшитиб ёзиб олган. Марв сафаридан сўнг Имом Насоий Ироққа боради. Ирокда ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан бири “Абу Қурайб” номи билан машҳур бўлган, тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аъло ибн Қурайб ёки Карийб ал-Ҳамадоний ал-Куфий (161/778-248/862) билан учрашади.Абу Қурайб Куфада туғилиб, ўша ерда вафот этган, ҳадис илми борасида сиқа (ишончли) ҳофиз (100 000 дан ортиқ ҳадисни ёддан билган) бўлиб, 9 та саҳиҳ ҳадис китобларининг машойихларидан бири саналади. У Ўз навбатида Имом Насоийдан кейинги даврда шогирдлари ва айрим муҳаддислар ҳам ўзларининг ҳадис тўпламларида Имом Насоий ривоят қилган ҳадислардан фоидаланганлар.

Насоийни Имом Бухорий билан ҳам учрашганлиги ҳақида бир неча фикрлар бор. Тадқиқотчи олимлар бу масалада турли фикрларни ўртага ташлаганлар, уларнинг баъзилари Имом Насоий Имом Бухорий билан учрашган ва ундан ҳадис эшитиб “Сунан” асарининг бир неча ўринларда “***Муҳаммад ибн Исмоилдан”*** деб ривоят қилинган ҳадисларни далил сифатида келтирганлар. Бошқа тадқиқотчилар эса мазкур ривоят қилинган ҳадислардаги ***“Муҳаммад ибн Исмоил”*** санадидан мурод, айнан Имом Бухорий эмас, балки ***Муҳаммад ибн Исмоил Абу Бакр Табароний*** каби бу ном билан санадларда учрайдиган бошқа муҳаддислар ҳам борлигини таъкдлайдилар. Аммо тадқиқот жараёнида “Сунан” асарида ***“Муҳаммад ибн Исмоил”*** санади билан бешта ҳадис ривоят қилингани аниқланди. Уларнинг тўрттасида ***“Муҳаммад ибн Исмоил”*** номини ўзи келтирилган, (улар 627, 2203, 5029 ва 5671-ҳадислар) бу исмларнинг ҳаммаси ҳам Имом Бухорийга тегишли эмаслигини билдирмайди.[622] Лекин бешинчиси айнан ***“Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий”*** номи нисбаси билан ҳам аниқ келтирилган. Мазкур ҳадис 3098-рақам остида 295-бетда киритилган, шу

[622] Имом Насоий. “Сунан ан-Насоий” муққаддимаси. Муҳаққиқ Шайх Солиҳ ибн Аблулазиз. Ар-Риёз ш. Дор ас-салом. 1999.Б.295.

далилга асосан Имом Насоий Имом Бухорий билан учрашган, дея хулоса бериш мумкин. Жумладан, Имом Насоийнинг “муҳаддислар султони”дан кўплаб ҳадисларни эшитиб, унинг ҳадис илми борасидаги илм суҳбатларида иштирок этганлиги маълум. Бу фикрни кейичалик Насоий “Сунан” асарини бобларга аратишда айнан Имом Бухорий услубини қўлаганлиги ҳам тасдиқлайди.

Имом Насоий Шом ва Мисрга ҳам сафар қилган. У ерда Ҳишом ибн Аммор, Исо ибн Зуғба, Муҳаммад ибн Наср Марвазий, Исҳоқ ибн Мусо Ансорий, Иброҳим ибн Саъд ал-Жавҳарий, Иброҳим ибн Яъқуб ал-Жавзажоний, Аҳмад ибн Баккор, Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Заъфароний, Амр ибн Зурора, Абу Язид Журмий, Юнус ибн Абдулаъло, Ҳомид ибн Масъада, Али ибн Ҳишром, Муҳаммад ибн Абдулаъло, Миср қозиси Ҳорис ибн Мискин, Ҳаннод ибн Суфий, Муҳаммад ибн Башшор, Муҳаммад ибн Ғийхон, Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний каби муҳаддис алломалардан таълим олган. Шунингдек, мазкур уламолардан ташқари Хуросон, Ҳижоз, Ироқ ва Арабистон ярим оролининг ҳадис ҳофизларидан ҳам ҳадислар эшитиб, уларни саралаб жамлаган, натижада “***ийқон илми”*** (ҳадисларни ишончлилигини саралай олиш илми), “***улуввул иснод”*** (ҳадис ровийлари иснодининг бир-бирига боғланиши, санадлар саломатлиги аниқлаш каби илмларда машҳур муҳаддис даражасига етади. Имом Насоийнинг ҳадис ривоят қилган Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ханбал, ва Ибн Ҳаллаконнинг таъкидлашича унинг отаси машҳур фақиҳ, муҳаддис Аҳмад ибн Ханбал ва ҳофиз ибн Хажар Асқалоний таъкидлашича буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳам устозларидан ҳисобланади.

Ибн Адийнинг айтишича: “Фақиҳ Мансур ва Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саллома Таҳовийлар: “Абу Абдурраҳмон Имом Насоий мусулмонларнинг машҳур имомларидан биридир”, деган таърифини эшитдим”.

Абу Али Найсобурий эса: “Имом Насоийнинг ҳадис илми борасида имом эканлигига шубҳа йўқ”, деган. Ундан келтирилган бошқа бир ривоятда шундай дейилган: “Юртимда ва хорижда тўрт буюк ҳадис илми имомига гувоҳ бўлганман, улардан иккитаси Нишопурда: Муҳаммад ибн Исҳоқ ва Иброҳим ибн Абу Толиб, Мисрда эса Имом Насоий ва Аҳвазда[623] Абдан исмли муҳаддислардир”.

[623] Эроннинг жанубий-ғарбий қисмларига тўғри келадиган қадимий шаҳар.

Имом Ҳоким дейди: “Ҳофиз Али ибн Умар Дорақутнийдан бир эмас, бир неча марта: “Абу Абдурраҳмон ҳадис илми борасида ўз асрининг кўзга кўринган имомларининг энг машҳуридир, у Миср шайхларининг энг билимдони, ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заифларини ажратиш борасида илмлироғи, шунингдек, “Жарх ва таъдил”, “Рижол”, яъни ҳадис ровийларни ишончли ёки ишончсизлиги ҳақидаги илмларда ҳам билимдондир”, деганини эшитдим”. У шу даражага етгандан кейин унга ҳасад қиладиганлар ҳам бўлган.

Маъмун Мисрий: “Тарсусга[624] бирга бордик, у ерда машҳур ҳофизлардан Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Мураббаъа, Абул Авзон ҳамда бошқалар тўпланган эди. Улар ҳадис илми борасида ўзларига кимни шайх қилиб танлаш масаласини баҳс қилаётган эдилар. Уларнинг барчалари бир овоздан ўзлари учун Имом Насоийни шайхлари сифатида сайлаб олдилар”, дея ҳикоя қилади.

Ҳофиз Абу Ҳусайн Муҳаммад ибн Музаффар: “Мен Мисрдаги шайхларимиздан Имом Насоийни ҳадис илми борасида пешқадам, омонатдор деб эътироф этиб, уни туну-кун ибодатларда тиришқоқ, ҳаж ва ижтиҳодда бардавом деб таърифлаганларини эшитдим”, деган.

Тожуддин Субкий эса шундай таъриф берган: “Имом Насоий ҳадис илмида дунё имомларининг бири бўлиб, унинг исми бу илм соҳасида машҳурдир”.

Ибн Касир: “Имом ан-Насоий ўз асрининг имоми, замонасининг ўзи каби ҳадис илми олимларининг пешқадами ва фозилларидан”, - деган.

ИбнАсир: “Имом Насоий ҳофиз, шайхул ислом ва машҳур имомларнинг бири”, деган.

Уламоларнинг Имом Насоий ҳақидаги бу каби эътирофларини ичида Тожуддин Субкийнинг қуйидаги сўзи алоҳида эътирофга сазовор: “Мен шайхимиз Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Заҳабийдан сўрадим: “Ас-саҳиҳ” тўплами соҳиби Имом Муслим ҳофизроқми ёки Имом Насоийми?”. У: “Имом Насоий”, деди. Сўнг мен бу фикрни шайх Имом Волиддан сўрадим, у ҳам шайхимизнинг фикрини тасдиқлади”.

Ўз навбатида Имом Насоий кўплаб шогирдларни тарбиялаган. Улардан: 277/890 йилда Мисрда туғилган ўғли Абдукарим, “Ақида ат-Таҳовия” ва “Шарҳи маъония ал-осор” асарлари муаллифи Имом Таҳовий, “Ал-Маъажим” (Ал-Мўъжам ал-Кабийр ал-Авсат ас-Сағийр) асарлари муаллифи Табароний Аҳмад ибн Сулаймон Абулқосим, “Ал-Асмаа вал-

[624] “Ҳозирги Туркиянинг жанубида жойлашган қадимий шаҳар

Кунаа” асари муаллифи Абу Бишр Дулабий, “Саҳиҳ” тўплам муаллифи Ибни Ҳиббон, Абу Али Найсобурий ва “Амал ал-явм вал-лайла” асари муаллифи Муҳаммад ибни Сунний каби кўплаб машҳур шогирдларини келтириш мумкин.

Имом Насоий ўзидан кўплаб асарларни мерос қолдирган. Жумладан, тафсир, ҳадис, қироат, илми жадал (баҳс-мунозара илми), мусталаҳ ал-ҳадис (ҳадис илми атамалари), фиқҳ, наҳв, усул, баён, тарих, адабиёт, табобат ва илм-фанннинг турли соҳаларига тегишли беш юздан ортиқ асарларни келтириш мумкин[625]. Айниқса унинг “Сунан” асари ҳадис илми ривожига жуда катта ҳисса қўшган. Уламолар Насоийнинг Сунанда буюк муҳаддислар Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг ўзига хос икки муҳим йўллари жам қилинганлигини таъкидлайдилар. Асарда мавзуларни бобларга ажратиш ва тартиблашда Имом Бухорий, ҳадисларнинг узлуклилиги, ва ривоят қилиш иборалари “ҳаддасана” бизга айтишларича, “ҳаддасаний” менга айтишларича, “ахбарана” бизга хабар беришларича, “ахбараний” менга хабар беришларича, “қуриъа алайҳи ва ана асмаъ” унга ўқилди ва мен эшитдим каби лафзларга алоҳида катта эътибор қаратишлигида Имом Муслим услуби қўлланилган. Насоийнинг “Сунан” асарида ўзига хос жиҳати унда ривоят қилинган ҳадислар санад ёки ровийларида заифлик (иллат) бўлса уларни тайн қилиб кўрсатиб кетган. Муҳаддиснинг қолдираган мероси шубҳасиз маърифий ислом таълимотида катта аҳамиятга эга.

Муҳаддис умрининг кўп синовларга учрайди, унинг қаерда вафот этгани ҳақида манбаларда турли маълумотлар учрайди. Машҳур маълумотга кўра, у 303/915 йил 88 ёшида Макка шаҳрида вафот этиб, Сафо ва Марва яқинидаги қабристонга дафн қилинган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Имом Насоий ҳадис илмининг гуллаб-яшнаган даврида яшаб, ижод этган шахс сифатида мазкур илмнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшган муҳаддислардан ҳисобланади. Ўша даврда мавжуд кўплаб тўқима ҳадислардан саҳиҳларини ажратиб олиш ва тўплам ҳолига келтириш ўта мушкул ва шарафли иш саналган. Имом Насоий ҳадисларни йиғиш мақсадида ҳаёти давомида кўплаб юртларга бориб ҳадис эшитди ва олти саҳиҳ тўпламдан бирини ёзишга муваффақ бўлди. Ўнлаб ислом оламида машҳур шогирдларни тарбиялади. Унинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз

[625] Жалолиддин ас-Суютий. “Сунан ан-Насоий” шарҳи. Байрут.Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995.

аҳамиятини йўқотган эмас. Имом Насоий каби буюк алломаларнинг ҳаёт йўлларини, улар қолдирган бебаҳо меросларни илмий ўрганиш, кун сайин тобора муаммо бўлиб бораётган диний баҳс- мунозараларни ижобий ечимида катта аҳамият касб этади. Чунончи, динда ғулув кетган тури ҳил тоифалар айнан диний манбалари нотўғри талқин қилиш натижасида вужудга келган.

ЎРАЗБОЕВ Абдулла Дурдибаевич
Хоразм Маъмун академияси грант раҳбари
филология фанлари доктори

“РИЁЗУ-Д-ДАВЛА” – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ ТАДҚИҚИДА МУҲИМ МАНБА

Аннотация: *В статье приведена роль произведения Мухаммада Риза Агахи «Риязу-д-даула» в исследовании истории ислама в Центральной Азии. Также речь идёт об отражении на высоком художественном уровне в произведении принципов ислама, а также прославление, посвящение и жития святых.*

Ключевые слова: *Коран, иктибас (цитата), ислам в Центральной Азии, историко-литературное произведение, хамд (прославление), наът (посвящение), манКаъба, истории ислама, исламские учение.*

Annotation: *In the article, the role of Muhammad Riza Agahi’s work “Riyozu-d-davla” in the study of the history of Islam in Central Asia was shown. Besides, it has been spoken about the illustration of Islamic doctrine and the reflection of hamd (praise of God), na’t (praise of Prophet) and mankaba in the work with great literal standard.*

Key words: *Koran, citation, Islam in Central Asia, historical-literal work, hamd (praise of God), na’t (praise of Prophet), manqaba, history of Islam, Islamic education.*

“Риёзу-д-давла” Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий қаламига мансуб тарихий асарлар силсиласидаги биринчи мустақил китоби бўлиб, асарнинг бу қадар бетакрор ва беназирлиги унга кейинчалик “воқеъоту

футуҳот таълифи ва тарих таснифи...” “маврусий хизмат ва қадимий ҳирфат”[626] бўлиб қолишига замин ҳозирлади.

Хива хонлигининг Аллоҳқулихон давридаги (1825 – 1842 й.й.) энг муҳим, табиийки, у билан боғлиқ ҳолда атроф мамлакатлар ҳаётига оид айрим воқеаларни қамраб олган бу асарни муаррих 1844 йилда Муҳаммад Яъқуб меҳтарнинг ҳомийлигида ёзган. Асарда даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволи, хонлик ва қўшни ҳудудларда яшовчи турли этник бирликлар муносабати, ҳарбий сафарлар, дипломатик муносабатлар баёни, маърифий масалалар, айрим сиёсий арбоблар, машҳур шоир, адиб, фақиҳлар зикри, ҳудудларнинг табиати, кўплаб мавзе ва манзиллар тавсифи кабилар мавжуд.

“Риёзу-д-давла”нинг тарихий асар сифатида тадқиқи амалга оширилган монографик иш О.Муталов томонидан бажарилган[627]. Олим қайд этганидек, Хива хонлиги тарихнавислигининг йирик тадқиқотчиси Ю.Брегель фикрича, Хива хонлиги бўйича яратилган кўплаб асарлар Мунис ва Огаҳий қўлёзмаларидан фойдаланилмагани учун илмий жиҳатдан мукаммал тадқиқотлар қаторига кирмайди[628].

Асарда мамлакатдаги исломий таълим, ўзбек илм-фани тарихи учун муҳим фактлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, Аллоҳқулихон томонидан мажлисларида диний мавзудаги баҳс ва мунозаралар (“китобхонлиқ ва маънидонлиғ баҳсу жадал ва радду бадал русуми” 287[б])га алоҳига эътибор қаратилган. Шулардан бир намунани қуйидаги парчада ўқиймиз: “...ул ҳазрат уламойи киромға ижлос буюруб, тўрт китоб мутолаасиға амр эттиким, бири *“Мушкот”* ва бири “*Тавзиҳ*” ва бири “*Мутаввал*” ва бири “*Ҳидоя*”ким, ҳар бири балоғат жавоҳирининг кони ва фасоҳат завоҳирининг макони эрди ва уламо зубдаларидин тўрт азизким, илм аҳлининг сарафрози ва фузало зумрасининг соҳибимтиёзи эрдилар, уламонинг гуфтугў ва муколамаси мумайязлиғиға таъйин этдилар. Андоққим, бири муршиди роҳи ҳақиқат, маркази доирайи тариқат ҳожи ҳарамайни-ш-шарафайн, маржаъу-л-хафақайн, фуқаҳо хайлиға фойиқ *Хожа Муҳаммад Содиқ* эшони қози калон ва бири фатонатасари

---

[626] Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Гулшани давлат. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. №7572. 4[б]-варақ. Асардан олинган кейинги иқтибослар ҳам шу манба асосида бўлиб, қавс ичида саҳифаси кўрсатилади.

[627] Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 2003.

[628] Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б. 4.

шариатпарвар *Шамсуддин қозийи аскар* ва бири мутаълломакон ва диёнатнишон қози *Эшвайс эшон* ва бири фаросатойини фақоҳатталқин *Хожа Низомуддин муфтийким*, бу мазкур бўлған жамоанинг ҳар бири ҳидоят осмонининг ахтари жаҳонтоби ва шариат уммонининг гавҳари сероби эрдилар". (287[a]) Асар тарихий-адабий характерда бўлгани боис унда воқеалар силсиласи шеърий тарзда ҳам баён қилиниб борилади. Жумладан, қуйидаги маснавийда илм мажлислари, маънавий-маърифий ҳаётдан лавҳалар акс этган:

Ўтуруб бир тараф илм аҳли бир саф,
Бори фазл аҳли-ю ҳилм аҳли бир саф.
Сипоҳ аҳли аларға рўй бар рў,
Ўтуруб ўтуруб бир тараф зону базону.
Фазилат аҳли айлаб нукта изҳор,
Тўкуб ҳар нуктада юз дурри шаҳвор.
Биров тафсирдин айлаб мақолот,
Биров равшан қилиб асрори "Мишкот"[629],
Биров "Тавзиҳ"дин ҳар суруб сўз,
Биров "Талвиҳ" сори еткуруб сўз.
Биров сўзни қилиб ҳикматга оид,
Биров изҳор этиб рамзи ақойид.
Биров кашф айлабон сирри "Ҳидоя",
Сочиб ҳар нуктада дур бениҳоя.
Бировга "Мухтасар" ақди бўлуб ҳал,
Биров накд айлабон ганжи мутаввал.
Биров мантиқдин оғоз айлабон нутқ,
Ҳаёу ҳилм ила соз айлабон нутқ.
Биров наҳв ичра айлаб дурфишонлиғ,
Дурфишонлиғда топиб комронлиғ.
Биров сарф ичра айлаб фикрини сарф,
Маъоний сотиб айлаб ҳарф бар ҳарф.
Бири билмак тилаб сўзнинг савобин,
Бирига баҳс ила айлаб хитобин.
Бири айтиб жавобин еткуруб нафъ,
Қилиб билкул бирининг шубҳасин дафъ.
Бири изҳор этиб баҳсу жадаллар,

[629] Маснавийда китоб номлари ва уларнинг луғавий маънолари ўртасида ийҳом яратилган. Шунинг учун уларни "" белгисисиз ҳам ёзиш мумкин эди.

Бири жаҳд айлаб радду бадаллар.

Бири “ло наслиму”, бир “Бало” деб,

“Наъам” бири дебон, бириси “ло” деб... (307[а])

Муаллиф имкон қадар асарда баён қилинган фикр-мулоҳазаларига, шунингдек, тасвирланаётган воқеаларга муносиб тарзда оят ва ҳадислардан иқтибослар келтириб боришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолатда, одатда, “фаҳвоси била...”, “мазмуни била...”, “муқтазоси била...” каби бирикмаларни қўллайди. Масалан, “...садойи саҳим ҳайбатидин ер арконига зилзила тушуб “инна залзалата-с-сāʻати шайʼун ʻаẓимун”[630] мазмунин ошкор этти ва дуди қудуратогин гардун фазосин тутуб, “йавма таʼти-с-самāʼу бидухāнин мубӣн”[631] фаҳвоси била қизилбош аҳлиға қиёмат кунин равшан ва падидор қилди”. (275[а]); “шāвирҳум фил-амри” амрининг муқтазоси била...” (258[а]); “... атрофу жавонибидин от солиб “фаинна ҳизбаллāҳи ҳуму-л-ғāлибӯн”[632] муқтазосича...” (274[б]); “... куффори шайтанатшиорнинг мафориқи мазаллатосориға баворики офат ёғдуруб, “ва жаʻалнāҳā ружӯман лишшайāтӣн”[633] мазмунин олам аҳлиға жилвагар қилдилар...” (259[а]) ва ҳоказо.

Муҳими, асарни исломий манбаларни чуқур билмай туриб мутолаа қилиш ҳам, ундаги бадият ва фасоҳатни англаш ҳам имкони йўқ. Айниқса, асарнинг ҳамд, наът, манқаба қисмлари Огаҳийнинг бошқа тарихий асарлари каби ўзига хос тил ва услуб шакллантирилган. Зеро, Огаҳийнинг тарихий асарлари ўзбек тарихий ва бадиий насрининг ўзига хос ноёб дурдоналаридир. Ушбу асарлар эски ўзбек тилининг турли сатҳлар доирасида бор имкониятларини намоён қилувчи муҳташам обидалари саналиши билан бирга улар XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги ўзбек адабий тили шакллана бошлаганини эътиборга олсак, эски ўзбек тилида битилган сўнгги кўламдор ёдгорликлар ҳам ҳисобланади.

Аввало, Огаҳийнинг тарихий асарлари тили, унда ҳамд ва наът ҳамда манқабаларнинг айрим лисоний хусусиятлари борасида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши учун “Риёзу-д-давла” муқаддимасидан бир парча

---

[630] عَظِيمٌ إِنَّ زَلْزَلَةَ السَّاعَةِ شَيْءٌ (“Зеро, қиёмат зилзиласи улкан (даҳшатли) нарсадир”, “Ҳаж” сураси, 1-оят)

[631] يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاء بِدُخَانٍ مُّبِينٍ (“Сиз осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кутинг”, “Духон” сураси, 10-оят)

[632] فَإِنَّ حِزْبَ اللهِ هُمُ الْغَالِبُونَ (“албатта, Аллоҳнинг (бу) ҳизби чинакам ғолиблардир”,“Моида” сураси, 56-оят)

[633] وَجَعَلْنَاهَا رُجُوماً لِّلشَّيَاطِينِ (“ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик”, “Мулк” сураси, 5-оят)

келтирамиз: “Жаҳонбонлиғ маҳомининг нигини интизоми ва ҳукмронлиғ низомининг сарриштайи иҳтимоми ул подшоҳи адиму-л-иштибоҳнинг қабзайи иқтидор ва сарпанжайи ихтиёриға маҳкаму мусалламдурким, сипеҳри нилгуннинг айвони рифъатбунёни анинг бинойи санъатидин мутарраҳ ва рубъи маскуннинг фазойи вусъатнишони анинг меъмори қудратидин мусаттаҳдур. Азиму-ш-шон султонларнинг фарқи давлатиға анинг қуллуғи доғидин афсар ва рафеъу-л-макон хоқонларнинг жабҳайи иззатиға анинг эшиги туфроғидин зевар; малоъу-л-аъло сойирлари анинг ибодати футуҳотидин баҳраманд ва жарми ғабро сокинлари анинг итоати фуюзотидин ҳаловатпайванд; хуршиди дурахшон бир ламъайи нопадиддур байзойи ҳикматидин ва муҳити бекарон бир қатрайи номуфиддур дарёйи қудратидин; ваҳдату касрат азамати гулистонидин шабнаме, ҳаюло ва суврат ҳикмати уммонидин бир наме”. (246[a])

Эътироф этишимиз керакки, махсус тайёргарлик ва кўникмага эга бўлмаган ўқувчи матн мазмунини англамайди ёки тўла англаши қийин кечади. Мисол тариқасида келтирилган парча ҳозирги ўзбек адабий тилига уйғунлаштирса, қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин: “Жаҳонни тутишдек муҳим ишларнинг интизом нигини ва ҳукмронлик низомининг саъй-ҳаракатлари тизгини кўм-кўк осмоннинг юксак айвони унинг бинокорлик санъати билан тарҳи чизилмиш ҳамда бутун ер юзининг кенг фазоси унинг меъморлик қудрати билан текисланмиш Ул тенгсиз подшоҳнинг иқтидор қўли-ю ихтиёр панжасига хос ва фақат унгагина тааллуқлидир. Не-не улуғ султонларнинг давлати бошига унга қуллик доғидан тож етар ва юксак мақомли хоқонларнинг иззати манглайига унинг эшиги тупроғидан зебу-зевар; баланддан баланд маконларни сайр қилувчилар унинг ибодатидан топган футуҳотдан баҳраманд ва қора ерни маскан қилганлар ҳам унинг итоатидан етган файз билан ҳаловатга пайванд; чарақлаб турган қуёш унинг ёруғлик ҳикмати олдида бир кўринмас учқун, мавж урган чексиз уммон унинг қудрат денгизидан арзимас қатрадир; бирлику кўплик буюклиги гулистонидан бир шабнам, хаёлоту суврат ҳикмати уммонидан бир нам каби”.

Мумтоз матнни ҳозирги ўзбек адабий тилига уйғунлаштириш жараёнида унинг барча хусусиятларини сақлаб қолиш иложи йўқ. Бу нафақат Алишер Навоий “Хамса”си каби назмни насрлаштириш, балки юқоридагидек насрни наср орқали ифодалашда ҳам яққол кўриниб қолади. Мисол учун ҳозирги ўзбек адабий тилида “жаҳонни тутиш” бирикмаси

билан берилган “жаҳонбонлиғ” сўзи Огаҳий тилида “подшоҳлик” (“жаҳонбон” – “подшоҳ”) маъносини ҳам беради.

Ушбу бир парчада мумтоз адабиётимизнинг малоҳатини намоён қилувчи қатор бадиий санъатлар мавжуд.

Биринчидан, парча бошдан охир *бараоти истиҳлол* санъати асосида қурилган. Бу санъат ҳақида Атоуллоҳ Ҳусайний “... калом ибтидоси мақсадға ишора қилмоқ йўли била мақсудға муносиб қилинур” – дейди[634]. Огаҳий асар ибтидосида ўзининг фалсафий қарашларига ижтимоий-сиёсий мазмун бериш билан бошлагани унинг ушбу санъатдан унумли ва моҳирона фойдаланганини кўрсатади. Мазкур санъатни нисбатан соддароқ қилиб таърифласак, ундаги сўзлар асар мазмуни, номига муносиб тарзда уйғунлаштирилади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”и “Жон қуши чун мантиқи роз айлагай, Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай”[635] ёки “Арбаъин” “Ҳамд ангаким, каломи хайрул-маол Қилди элга расулидин ирсол”[636] – деб бошлангани каби. Бу мумтоз адабиётимизда асарларни бароати истиҳлол санъати асосида бошлаш анъанаси кенг тарқалганини кўрсатади.

Иккинчидан, матнда *жаҳонбонлиғ маҳоми, нигини интизом, ҳукмронлиғ низоми, подшоҳи адиму-л-иштибоҳ, қабзайи иқтидор, сарпанжаи ихтиёр, султон, давлат, қуллуғ, афсар, хоқон, жабҳаи иззат, итоат* каби ижтимоий-сиёсий; *сипеҳри нилгун, айвони рифъатбунён, фазойи вусъатнишон, хуршиди дурахшон* каби астрономик; *бино, санъат, меъмор, мусаттаҳ* каби бинокорлик; *ибодат, футуҳот, фуюзот, қудрат, ваҳдат, касрат, азамат, ҳаюло, суврат, ҳикмат* каби диний-тасаввуфий атамалар; *рубъи маскун, жарм, ғабро, сокинлар, муҳити бекарон, дарё, гулистон, шабнам, уммон, нам* каби табиий фанларга хос атамалар орқали таносублар силсиласи юзага келтирилган.

Учинчидан, матнда сажънинг бир неча тури ўзаро мутаносиб тарзда вужудга келтирилган. Сажъ, унинг турлари, хусусиятлари ҳақида мумтоз адабиётшуносликда муфассал маълумот берилган[637]. Ўзбек ва форс-тожик

---

[634] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форс тилидан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 252-б.

[635] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 7.

[636] Алишер Навоий. Арбаъин. – Тошкент: Наврўз, 1994. – Б. 5.

[637] Рашидиддин Ватвот. Хадойиқу-с-сеҳр... – М.: 1983.; Ваҳид Табризий. Джамъ-и Мухтасар. Критический текст, перевод и примечания А.К.Бертельса. – М., Издательство Восточной литературы, 1959. – С. 59.; Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форс

адабиётшунослари томонидан ушбу асарлар мумтоз адиблар ижодиёти мисолида кенг ўрганилган[638]. Сажъ санъати ўзбек насрининг қадимги намуналаридан, поэтик имкониятларидан эканинин қадимги туркий битиклардаёқ кўрамиз. Н.Раҳмонов ёзганидек, "Ёдномада сажъ ва лексик такрорлар воситасида вазнли насрнинг юзага келиш хусусиятлари билан кейинги даврдаги – XV асрдаги прозага хос умумий хусусиятларга эга эканлиги кўринади"[639].

Назарий манбалар сажъ мусамматнинг шаклланиш ва ривожланишида ҳам маълум ўрин тутганини кўрсатади. "Луғатномаи Деҳхудо"да "*мусаммат*" сўзи адабий термин сифатида икки хил изоҳланган: 1. Тўрт қисмга бўлинадиган ва дастлабки уч қисмда шоир *сажга* риоя қиладиган ҳамда тўртинчисида қофияланиб келадиган *мусажжаъ* шеър. 2. Мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, мутассаъ, муашшарлар тизими[640]. Ўзбек насрида сажънинг хусусиятларини пухта ўрганган Б.Саримсоқов "сажъ ва қофия айнан бир нарса, "насрда сажъ – назмда қофия" ёки "сажъ – қофияли проза" каби фикрлар, бизнингча, у қадар тўғри бўлмаса керак"[641] – хулосага келади.

Тўртинчидан, *жаҳонбонлиғ, ҳукмронлиғ – қуллуғ (қуллуқ)*; *сипеҳри нилгун, айвони рифъатбунён, малоъу-л-аъло – ғабро; сойир – сокин*; *хуршиди дурахшон – ламъайи нопадид*; *бекарон – қатрайи номуфид ваҳдат – касрат*; *ҳаюло – суврат*; *дарё, уммон – нам* каби тазодлар тизмаси юзага келтирилган.

Бешинчидан, *жаҳонбонлиғ, ҳукмронлиғ*; *интизом, низом*; *подшоҳ, султон, хоқон*; *қабза, сарпанжа*; *дарё, уммон, муҳит* каби бирликлар орқали қатор мутародифлар тизмаси шакллантирилган.

Олтинчидан, *интизом, низом*; *қудрат, иқтидор*; *маскун, сокин* каби бирликлар билан иштиқоқ санъати вужудга келтирилган.

Еттинчидан, *жаҳонбонлиғ маҳомининг нигини интизоми – ҳукмронлиғ низомининг сарриштайи иҳтимоми*; *азиму-ш-шон султонлар – рафеъу-л-*

тилидан А.Рустамов таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 62-66.

[638] Саримсоқов Б. Сажъ // Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Zarqalam, 2006. 50-56-б..; Раҳмонов В. Бадиий санъатлар. 1976.; Ҳодизода Р., Шукуров М., Жабборов Т. Луғати истилоҳоти адабиётшуноси. –Душунабе. 1964. – С. 95.; Зеҳни Т. Санъати сухан. – Душанбе. 1967. – С. 156.; Мусулмонқулов Р. Сажъ ва сайри тарихии он насри точик. – Душанбе. 1970.

[639] Раҳмонов Н. Култегин ёдномасининг поэтикаси // Қадимият обидалари. – Тошкент: Фан, 1989. 213-б..

[640] King Dehkhoda. Kingroid.co@gmail.com

[641] Саримсоқов Б. Сажъ ва қофия // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. №1. 78-б.

макон хоқонлар; *ибодати футуҳотидин – итоати фуюзотидин*; *хуршиди дурахшон – муҳити бекарон; байзойи ҳикматидин – дарёйи қудратидин; ваҳдату касрат азамати – ҳаюло ва суврат ҳикмати* каби бирикмалар тарсеънинг насрдаги гўзал намуналари яратилган.

Саккинчидан, *подшоҳи адиму-л-иштибоҳ, сипеҳри нилгун, айвони рифъатбунён, фазойи вусъатнишон, азиму-ш-шон султонлар, рафеъу-л-макон хоқонлар, жарми ғабро, хуршиди дурахшон, ламъайи нопадид, муҳити бекарон, қатрайи номуфид* каби бирикмаларда сифатлашлар ишлатилган.

Тўққизинчидан, матн мазмуни тамсилга асосланган.

Ўнинчидан, матнда *рифъатбунён* ҳамда *мусаттаҳ* сўзлари орқали "Қуръони карим"нинг "Ғошия" сураси 18- ва 20-оятларига[642] ишора қилингани боис иқтибоснинг ўзига хос кўриниши мавжуд.

Бундан ташқари унда тавзеъ (оҳангдорлик), ташбеҳ, ташобиҳ ул-атроф (тарафларнинг ўхшашлиги) каби санъатлар қўлланилган.

"Риёзу-д-давла" асари муқаддамисидан олинган микроматннинг умумий тарздаги лингвопоэтик талқини Огаҳий лексик ресурслар имкониятидан юқори даражада фойданганлиги кўрсатади. Бу эса муаррихнинг бадиий маҳорати юксаклигини, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Огаҳий тарихий асарлари билан беллашадиган асарлар камлигини намоён қила олади.

Қайд этилган умумий мулоҳазалар шу кунга қадар Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг тарихий асарлари адабиётшунослик, матншунослик, тарих, тилшунослик соҳаларида бир қадар ўрганилган бўлса, эндиликда уларга ислом тарихи йўналишида ҳам эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади.

[642] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти. 2001. 592-б.

БАРНОЕВ Санжар Қурбонович.
Ички ишлар вазирлиги
Бухоро академик лицейи ўқув бўлими мудири

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Аннотация: *Эта статья посвящена жизни Ходжи Юсуфа Хамадани и его огромный вклад в суфийское учение.*

Ключевые слова: *совершенный (идеальный) человек, тариқат, хальял, харам, пир (шейх), мюрид, ходжаган, ясавия, духовная цепочка.*

Annotation: *This article is dedicated to the life of Khodja Yusuf Hamadoni and his enormous contribution to Sufi teaching*

Key words: *perfect (ideal) person, tariqat (the way), halal, haram, feast (sheikh), murid (pupil), hodjagon, yassavia, spiritual chain.*

Марказий Осиёда ислом маданияти такомилида хизмат кўрсатган алломалардан бири Хожа Юсуф Ҳамадоний. Манбаларда ёзилишича Хожа Юсуф Ҳамадоний 1048 йили Ҳамадон атрофидаги қишлоқлардан бирида, косиб оиласида туғилган. Хожаи Жаҳон номи билан машҳур шайхнинг буюк издошларидан бири – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний» асарида ўзлариининг устози Юсуф Ҳамадоний таваллуди ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирадилар: «504 йил Зулқаъда ойининг йигирма саккизинчи куни сешанбада шайхимизнинг умридан бир минг тўққиз ой ва йигирма олти кун ўтган эди. Шайхимиз душанба куни – сафар ойининг иккинчи кунида таваллуд топганлар».[643] Ҳамадоннинг Ғўнайма маҳалласида туғилганликлари ҳақидаги маълумот ҳам шу асарда келтирилган.[644] Кўплаб манбаларда Ҳамадоний ҳозирги Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этиб, ўша ерда дафн этилгани, кейинчалик ўзининг васиятига кўра муридлари томонидан Туркманистоннинг Марв шаҳрига қайта дафн этилгани айтилади.

[643] Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 19-бет.

[644] Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 21-бет.

Абдулхолиқ Ғиждувоний эса, шайхнинг Самарқанддаги Ғатфар тумани, Хушвуруд маҳалласида дафн этилгани ҳақидаги маълумотни келтиради.[645]

Хожа Абуяъқуб Юсуф Ҳамадоний ёшлигиданоқ илм олиш истагида Бағдодга боради ва Абулисҳоқ Шерозий тарбиясига киради. Шу билан бирга Бағдод, Исфаҳон ва Самарқанднинг машҳур олимларидан ҳадис илмини ўрганади. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай дейди: «Ибтидода Бағдодқа борди ва шайх Абу Исҳоқ Шерозий мажлисида мулозамат қилди ва иши юқори бўлди ва ўз акрониға фиқҳ илмида ва ўзга улумда, хусусан назар илмида фоиқ бўлди ва Шайх Абу Исҳоқ ани кичик ёшлиғ эканида кўп улуғ поялиғ асҳобиға тақдим қилур эрди ва кўп уламодин Бағдод ва Исфаҳон ва Самарқандда ҳадис истимоъ қилди».[646]

Тасаввуф илмини эгаллашда Абу Али Фармадий, Ҳасан Симноний ва Абдуллоҳ Жувайнийлар Ҳамадонийга устозлик қиладилар. Айни пайтда Абдулқодир Гилоний, Имом Ғаззолий ва Ҳамидуддин Мўлтонийлар билан ҳамсуҳбат бўлиш шарафига эришадилар. Бир муддат Бағдоддаги Низомия мадрасасида дарс бергач, Мовароуннаҳрга сафар қиладилар. Бир неча йил Марв, Ҳирот, Урганчда истиқомат қилиб, талабаларга дарс берадилар ва халққа ваъз айтадилар, фуқаро ва уламолар назарига тушадилар.

Шайх умрининг бир қисмини Бухоройи шарифда ўтказадилар ва мадрасаларда талабаларга дарс берадилар. Айни пайтда, Шайхул ислом вазифасини ҳам бажарадилар.[647]

Шайхнинг сифат ва фазилатлари ҳақида гапирар экан, Абдулхолиқ Ғиждувоний у кишининг пиёда ўттиз икки марта ҳаж қилганликлари, Ҳафс қироати билан Қуръонни минг марта хатм этганлари, тафсир, ҳадис, фиқҳ, усул, фуруъ ва каломга оид етти юз китобни ёд олганлари, икки юз ўн уч нафар машойих билан ҳамсуҳбат бўлганлари, саккиз минг нафар (айрим манбаларда ўн минг нафар) бутпарастни мусулмон қилганлари, тавба қилдириб, ҳақ йўлга солган кишиларнинг саноғи йўқлигини ифтихор билан баён қиладилар.[648]

---

[645] Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 21-бет.

[646] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.Ўнинчи жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2012 йил. 298-бет

[647] Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Тошкент. «Шарқ». Нашриёт-матбба акциядорлик компанияси. 2004 йил. 105-бет

[648] Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 19-бет.

Шайхнинг ташқи кўринишлари ҳақида бир оёқлари иккинчисидан бир оз калтароқлиги, юзларида чечак хасталигидан қолган доғ борлиги, соқоллари узун ва қизғишлиги, кўзларининг устида бир нишона бўлганлиги маълумотлари бор. Кийимлари жундан ва мудом ямоқли бўлган, истеъмолда фақат арпа ёки тариқ унидан тайёрланган нон, уруғ (зайтун) ёғи ва қовун билан қаноат қилганлар. Доимо ёнларида Қуръон, жойнамоз, тароқ, мисвок хушбўйлик ва сочиқ бўлган, шу билан биргаликда Салмони Форсийнинг асо ва саллаларини кўз қорачиғидек асраб юрганлар.

Ўрта асрларга келиб, буюк тасаввуф алломалари сўфийликдаги таркидунёчилик, ўзликдан, дунё неъматларидан бутунлай воз кечиш каби қарашлар ўрнига Аллоҳ ёдини унутмай, халқ билан бирга бўлмоқлиқ, бирор касб-кор эгаллаб, ўз кунини ўзи кўришлик каби тамойилларни ёқлашни бошлайдилар.

Тасаввуфнинг машҳур донишманди Абулҳасан Ҳаррақоний уч ўғлининг бирини темирчига, иккинчисини дурадгорга, учинчисини қуролсозга шогирд қилиб беради. Муридларидан бири «ахир фарзандларингиз ҳунар эгаллаш билан банд бўлса, комиллик йўлидаги фарз ва суннатларни ўз вақтида бажара олмайдилар-ку?» деб сўраганида «ошиқларнинг қўли ишда, қалби ёрда бўлмоғи лозим, улар текинхўрлик ва таъмагирликка ўрганмасликлари керак» деб жавоб берган.[649]

Хожа Юсуф Ҳамадоний тариқатининг моҳияти ҳам шундан иборат. Пири комил ўз муридларига ҳамиша ўз меҳнати орқали кун кечириш лозимлиги, тиланчилик ва таъмагирликдан ҳазар қилиш кераклигини уқтириб келганлар.

Юсуф Ҳамадоний фазилатларидан яна бири шуки, ўзлари деҳқончилик ва этикдўзлик қилиб топган ҳалол ризқ-рўзни камбағал, етим-есир, бемор ва аёлмандлар билан баҳам кўришни хуш кўрардилар. У кишига сахийлик ва бағрикенглик жуда хос бўлган.

Салавоту истиғфорни кўп такрорлар, витр, таҳажжуд, ва тасбеҳ намозларини бир-бирига яқин вақтда адо этардилар, ҳар доим Ҳақ таолодан қўрқиб йиғлардилар. Қабристонларни ялангоёқ кезар, қабр аҳлига салом берар ва уларнинг руҳларига қуръон тиловат қилардилар. Доим таҳоратли юрар, узрсиз жума ва жамоат намозларини қолдирмас эдилар. Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз «Мақомот»ларида Ҳамадонийнинг

[649] Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент. 2004.181-бет.

ёлғончи, худбин, порахўр, мақтанчоқ, каззобларни, ноҳақ қон тўкувчиларни, золимларни ёмон кўришларини, фосиқ, муттаҳам, ҳаромхўр, обрў орттириш учун шариатни ниқоб қилувчилар ва бошқа мунофиқларни олдиларига чорлаб, кечирим сўраш ва тавба қилишга мажбур этишларини баён этадилар. Улар кўнмасалар, дашном бериб, ҳузурларидан қувиб солар ва уларни ўзларига душман ҳисоблардилар. Хожа Юсуф Ҳамадоний ўта хокисор, камгап, сермулоҳаза, мулойим табиатли, саботу матонатли инсон бўлганлар. Мана шу хислатлари у кишини замонасининг энг улуғ шайхи даражасига кўтаради, фуқаро, уламо ва умаро томонидан бир хилда эҳтиром этилишига сабаб бўлади.

Юсуф Ҳамадоний ўзларидан бой маънавий мерос қолдирганлар. Форс ва араб тилларида ижод қилиб, ўзларидан кейин «Рутбат ул-ҳаёт», «Кашф», «Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон», «Рисола дар ахлоқ ва муножот» асарларини қолдирадилар. Юсуф Ҳамадоний сўфийлик фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, у киши замондоши ва ҳампираси Имом Муҳаммад Ғаззолий каби кўплаб рисолалар битиш билан бирга ўз муридлари таълим тарбияси билан шуғулланишни, халқ ичида юриб панд-насиҳат қилишни афзал билганлар.

Ҳамадоний маънавий меросининг бизгача етиб келган дуру инжулардан бири «Рутбат ул-ҳаёт» (ҳаёт мезони) асарида буюк ориф бир неча саволларга Қуръони карим ва ҳадиси шарифга таянган ҳолда адабий ташбеҳу шоирона ифодалар орқали файласуфона жавоб бериб, инсоннинг Яратган махлуқотлари орасида энг азизи эканлигини таъкидлайди ва унинг ҳайвонийлик ва инсонийлик сифатларига баҳо беришга уринади. Асарда ҳалол ва ҳаром, моддийлик ва руҳият, дунё ва охират, тубанлик ва юксаклик муаммолари ҳар томонлама муҳокама қилинади, Қуръон оятлари ва ҳадислар орқали турли масалаларга ойдинлик киритилади.

Юсуф Ҳамадонийнинг қимматли ва ёшларни баркамол тарбиялаш учун аҳамиятли асари «Одоби тариқат»да муаллиф тариқат йўлига кирган солик қандай сифат ва фазилатларга эга бўлмоғи, сулукнинг қандай талабларини бажармоғи лозимлиги тўғрисида ўз қарашларини баён этади. Жумладан, мурид ўз йўли ва йўналишини қуйидаги тўрт асосга кўра белгилаши, бино қилиши лозим: Биринчиси – нафс риёзати. Яъни инсон шаҳват – дунёвий орзу-истаги ўлчовида эмас, балки ҳожат доирасида ейиши, ичиши ва кийиниши керак. Риёзиётнинг яна хилват ва узлат, кам ухлаш каби турлари ҳам бордир. Иккинчиси – луқманинг ва ҳирқанинг ҳалол бўлиши. Ҳаром луқма билан қалбда нур ҳосил бўлмайди, ҳаром

либос билан эса, ибодат завқини тотиб бўлмайди. Учинчи асос мужоҳададир. Унинг моҳияти эса, шайтон, дунё ва ёмонликка буюрувчи нафс сингари ботиний душманларга қарши мужоҳада қилмоқ, курашмоқдир. Тўртинчи асос – зикр. Ҳақ таолони таниш, ҳақиқатни англаш учун доим зикрда бўлиш лозим.

Юсуф Ҳамадонийнинг «Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон» - борлиқнинг инсонга бўйсундирилгани ҳақидаги рисоласида Ҳақ таоло томонидан инсонга улуғ неъмат сифатида бутун коинот инъом этилгани, инсон унга оқилона, эҳтиёткор ва тежамкорлик билан муносабатда бўлмоғи лозимлиги тўғрисида фикр юритилади. Шу билан бирга файласуфона тафаккур билан борлиқнинг моҳиятини англаш, унда инсоннинг ўрнини аниқлаш, коинот ва инсон ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қарашлар ўз ифодасини топади.

Ҳамиджон Ҳомидий фикрича, Хожа Юсуф Ҳамадоний форс тилида рисола битган илк мутасаввуф олимдир.[650]

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг «Рутбат ул-ҳаёт» (Ҳаёт мезони) асари таржимонлари Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан бир қанча манбаларга таянган ҳолда шайхнинг тасаввуфдаги пири Абу Али Фармадий бўлганини таъкидлайдилар.[651] Шу билан бирга унинг тариқат йўлида камолга етишишида Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симноний каби орифларнинг ҳиссаси салмоқли бўлган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний Марказий Осиёда ислом ривожига қўшган хизматларидан бири муносиб шогирдларни тарбиялаганидир. Улуғ мутасаввуф Мовароуннаҳрда бўлган чоғларида Хожаи жаҳон - Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавийларга устозлик қиладилар. Айнан шу сабабдан ҳам у зотни Хожагон ва Яссавия тариқатларининг маънавий асосчиси дейиш мумкин. Ҳазрат Навоий бу ҳақда шундай дейдилар: «Асҳоб аросинда хулафоси тўрт киши эрдилар: Хожа Абдуллоҳ Барқий ва Хожа Ҳасан Андоқий ва Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қаддас Аллоҳу таоло асрораҳум (Алоҳ таоло уларнинг сирларини муқаддас қилсин). Ва Хожа Юсуфдин сўнг сўнг бу тўрт кишидин ҳар бири иршод ва даъват мақомида эрмишлар ва муридлар анинг хизматида адаб била мулозим. Чун Хожа Аҳмад Яссавий

[650] Хожа Юсуф Ҳамадоний. «Рутбат ул-ҳаёт». Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 10-бет
[651] Хожа Юсуф Ҳамадоний. «Рутбат ул-ҳаёт». Тошкент. “Ўзбекистон”. 2019 й. 4-бет

Туркистон сори азимат қилди. Барча асҳоб ва иродат аҳлини Хожа Абдулхолиқ мутобаатиға далолат қилди».[652]

Маҳмуд Ҳасаний ва Мавжуда Раззоқовалар ўзларининг «Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий» асарларида Хожагон тариқатининг асосчиси деб Боязид Бистомий (803-874) ни кўрсатадилар.[653] Бу фикрга қўшилган ҳолда, яна шуни айтмоқчи эдикки, хожагон тариқатининг тараққий этишига улкан ҳисса қўшган мутасаввуф айнан Ҳамадонийдир. Мазкур тариқатнинг дастлабки тўрт ракшаси муаллифи сифатида Хожа Юсуф Ҳамадоний силсилаи шарифда ўз ўрнига эга. Силсила эса қуйидаги кетма-кетликда маълумдир:

1. Саййиди коинот Ҳазрати Муҳаммад Мустафо (Соллаллоҳу алайҳи васаллам);
2. Абу Бакр Сиддиқ (Розияллоҳу анҳу);
3. Салмони Форсий (Розияллоҳу анҳу);
4. Қосим Ибн Муҳаммад (қуддиса сирраҳу);
5. Жаъфари Содиқ (қуддиса сирраҳу);
6. Боязид Бистомий (қуддиса сирраҳу);
7. Абул Ҳасан Харақоний (қуддиса сирраҳу);
8. Абу Али Фармадий (қуддиса сирраҳу);
9. Хожа Юсуф Ҳамадоний (қуддиса сирраҳу).[654]

Шундан кўриниб турибдики, Хожагон ва Яссавия тариқатларининг маънавий асосчиси, тамал тошини қўйгувчиси Шайх Ҳамадоний бўлган десак муболаға бўлмас.

Хожа Юсуф Ҳамадоний Хожагон-Нақшбандия тариқатининг асоси ҳисобланувчи қуйидаги тўрт ҳисобланувчи қоидаларни амалга киритадилар:

1. «Хуш дар дам» - тариқат аъзоси, яъни солик, Аллоҳ шарафига қилинадиган хуфя зикр пайтида хушҳол ва хуш чақчақ юрмоғи лозим;
2. «Назар дар қадам» - солик ҳар доим ҳушёр бўлиб, паришонхотирликка йўл қўймаслиги керак;

---

[652] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.Ўнинчи жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2012 йил. 299-бет.

[653] Маҳмуд Ҳасаний, Мавжуда Раззоқова. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси, Шарқшунослик институти, Имом Бухорий илмий-маърифий маркази. Тошкент 2003 йил. 8-бет.

[654] Г. Наврўзова. Н. Нурматова. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг табаррук устози. Монография. Тошкент. Машҳур-пресс. 2016. 140-бет.

3. «Сафар дар ватан» - юксак ахлоқ соҳиби бўлган солик атроф-муҳит бағрини кезсин, ватан ичра сафарда бўлсин, халқ орасида бўлсин;

4. «Хилват дар анжуман» - солик зоҳирда халқ, ботинда эса, холиқ билан бўлсин.

Кейинчалик ул мўътабар зотнинг халфаси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд томонларидан юқорида баён этилган қоидаларнинг мантиқий давоми сифатида яна етти қоида ишлаб чиқилади ва улар умумлаштирилиб Нақшбандия таълимоти асосига айлантирилади. Улар қуйидагилар:

1. «Ёд кард» - солик Яратган ёди билан яшамоғи ва зикрга берилмоғи лозидир;

2. «Бозгашт» - солик ҳамиша Аллоҳ ишқида хуфёна муножот айтиб юрмоғи керак;

3. «Нигоҳ дошт» - солик хаёлини бир жойга жамламоғи, хотиржам бўлмоғи даркор;

4. «Ёддошт» - солик ваҳдати вужуд таълимотидан бохабар бўлмоғи лозим;

5. «Вуқуфи замон» - солик ҳамиша ўз вақтининг ҳисобини билмоғи, унинг қанчаси яхшилик ва қанчаси ёмонликка сарфланганидан огоҳ бўлмоғи даркор;

6. «Вуқуфи адад» - солик ҳамиша ўзининг ягоналигини, танҳолигини эътиборда тутмоғи керак;

7. «Вуқуфи қалб» - солик хуфя зикрда юриб, қалбда Яратганни сақлаши билан хотиржам юрмоғи лозим.

Хожагон Таълимоти илдизлари ҳақида Убайдулло Эргашевнинг «Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний – Хожагон тариқатининг асосчилари» номли рисолаларида ҳам ўзига хос талқинни кўришимиз мумкин: «Бу таълимот, яъни хожагон тариқати Абу Бакр Сиддикдан сўнг Имоми Аъзам тахаллуслари Абдуҳанифияга ўтган… Имоми Аъзамдан сўнг ушбу сулук таълимоти Салмони Форсга етган, Салмони Форсдан Имом Шайх Фаридиддун Аттор ёзган «Чаҳор» китобида Имом Жаъфари Содиқ томонидан ёзилган Усули дин баён этилиб, дин моҳияти назмий шаклда ҳар томонлама илмий методологик жиҳатдан ва бу исломий таълимот бугунги кунда ҳам ўз мазмун ва моҳиятини йўқотмаган. Азизлар томонидан кашф этилиб, босқичма-босқич тарқалаётган ушбу хожагон силсиласи Имом Жаъфари Содикдан Султон Орифинга, сўнгра Султон Боязидга, Султон Боязиддан Шайх Абдулҳасан Хурқонига етган. Шайх

Абдулҳасан Формадидан Шайх хожа Али Формадига етган, у кишидан Шайҳ Юсуф Ҳамадонийга етишини Каъбатуллодин билиб, хожагон сулукининг тўла мазмун ва моҳияти билан танишгандин сўнг Ҳазрати Хизр Алайҳиссалом шайх Юсуф Ҳамадонийни Самарқандга бориб, ўз фаолиятларини олиб боришларини халқу-халойиқ, устоди шогирдларни, барча-барчани пайғамбарларимиз кўрсатган тўғри йўлга бошлашни, янгича илмий, ижтимоий, табиий тараққиёт йўлини белгилайдиган хожагон сулукини тарқатишни маслаҳат бердилар... Хожа Юсуф Ҳсшадонийдан бу силсила Абдухолиқ Ғиждувоний бузрукворга етган».[655]

Умумий хулоса шуки, Хожа Юсуф Ҳамадоний XI-XII асрларда яшаб, ўзидан беназир маънавий мерос қолдирган улуғ тасаввуфий олимдир. Бугунги кунда ул зотнинг Рутбат ул-ҳаёт», «Кашф», «Рисола фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон», «Рисола дар ахлоқ ва муножот» каби асарлари ўзбек тилида чоп этилиб нафақат тадқиқотчилар томонидан балки, тасаввуф шайдолари бўлган турли соҳа вакиллари томонидан ҳам илиқ қабул қилинмоқда. Юсуф Ҳамадоний тўрт буюк халифаси - Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийларни тарбиялаб Марказий Осиёда ислом ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Шу билан бирга шайх ҳазратлари томонидан Хожагон ва Нақшбандия тариқатларининг тамал тоши қўйилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимоти ва асарлари ёшларни меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, сахийлик, бағрикенглик ва ҳалоллик ғоялари асосида тарбиялашда ва уларда турли бидъат, зарарли оқим ва экстремистик ғояларга қарши маънавий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

[655] Убайдулло Эргашев. Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний – Хожагон тариқатининг асосчилари. Тошкент. Адолат. 2003. 11-13 бетлар.

МАМАДИЕВ Шохрухмирза Абдуллахон ўғли
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман бўлинмаси раҳбари

БУЮК АЛЛОМА ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ФАҚАТ БИР МИЛЛАТ ЁКИ ХАЛҚНИНГ ЭМАС, БАЛКИ БУТУН БИР ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ МУЛКИДИР

Аннотация: *В этой статье говорится, что учёные Востока в своих научных трудах большой вклад внесли в развитие всего мира и научные труды учёных греков и Востока переведены на многие языки мира.*

Ключевые слова: *Великий шёлковый путь, ученый, мыслитель, академия, логика, лечение, космография, пространство, наследство, духовность, изящный, патриотизм, академия Маъмуна, дом мудрецов, закон, этика и другие.*

Annotation: *In this article the great contribution of the Oriental Renaissances to the development of science are emphasized. So I should mention that, in this Article. There is given some kind of skillful translation works by Greek scholars into a lot of foreign languages of the world and noted some world recognized scholars, works and play. It is important to say their kind of works; contributions are served to way to connect with nations. We should proud of having such kind of great ancestors without any hesitation.*

Key words: *The Great Silk Road, scholar, thinker, academy, logic, medicine, astronomy, space, physics, heritage, spirituality, delusion, evil, patriotism, content Academy of Mammun, the House of Wisdom, the law, ethics and others.*

Тарихий илдизлари уч минг йилдан чуқурроқ қадимиятга бориб тақалувчи ўзбек давлатчилиги кўп маротаба юксалишларни бошидан кечирган. Энг қадимги давлат уюшмаларининг шаклланиши натижасида тараққий топган давлатларнинг вужудга келиши, бу давлатларнинг Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан Буюк Ипак йўли орқали олиб борган алоқалари самараси ўлароқ Марказий Осиё халқлари маданиятининг гуркираб ивожланиши омиллари илм-фан аҳлини кўпдан бери қизиқтириб келади.

Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон инсоният цивилизацияси қарор топган минтақалардан бири сифатида ўз ўрни ва салоҳиятига эга

ҳудуд саналади. Ўз даврида ҳозирги замон илм-фанининг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган аждодларимиз қадим-қадимлардан Ғарб Шарқ халқлари яратган тафаккур, ғоя, кашфиётлар ва донишмандликни синчиклаб ўрганганлар. Шунинг учун ҳам ўрта асрларда ҳам Қадимги Римликлар ўзаро *"Ex Oriente lux"* яъни *"Нур Шарқдандир"*[656] иборани кўп бора ишлатилганлиги манбаларда қайд этилган.

Шарқ Уйғониш даври - Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Буюк аждодларимиз ўз илмий мероси билан инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлар. Шарқ ва Ғарбнинг илмий дунёси бирлашган ва уйғунликда ривож топган. Алломаларимиз фақат Марказий Осиёнинг илм-фан ютуқлари билан чегараланиб қолмасдан, хорижлик мутафаккирларнинг ҳам илмий ютуқларидан баҳраманд бўлганлар ва уларни янада бойитишга алоҳида эътибор қаратганлар.

Буюк алломаларимиз ўзларига мансуб бўлган фан соҳаларидаги фаолиятларидан ташқари, қадимги юнон тилида ёзилган Платонинг (*"Қонун ва Тимей"*), Аристотелнинг (*"Сиёсат", "Категориялар", "Аналитика", "Пайдо бўлиш ва йўқолиш тўғрисида", "Жон ҳақида", "Этика"*), Гиппократнинг *("Оғир касалликлар", "Инсон табиати"*), Галеннинг *("Ҳунар", "Қон томири ва касалликни даволаш", "Анатомиялаштириш"*), Эвклиднинг (*"Геометрия асослари", "Чўққилар"*), Птоломейнинг (*"Алмагест ал-Мажистий"*), Архимеднинг (*"Шар ва цилиндр тўғрисида", "Доирани тўрт ва етти қисмга бўлиш", "Туташувчи доиралар"*), Апполония Бергскийнинг (*"Конуссимон кесишмалар", "Ясси кесишмалар"*), Аристарх Самосский, Теофраст, Прокл, Александр Афродизий, Порфирий асарлари[657] машҳур бўлиб, қадимги юнон ва эллинизм даврида яшаган олимларнинг математика, фалсафа, тиббиёт, география, астрономияга оид бир неча юзлаб энг сара асарларини Шарқ аллома ва мутафаккирлари томонидан араб ва сурёний

---

[656] Васильев Л.С. История Востока. – Москва.: Юрайт издательство, 2013. – С. 37 .

[657] Умарова Р. Уйғоний даври ва Шарқ аристотелизми // Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари номли Республика илмий-амалий конференция тўплами (VII). – Тошкент.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – Б. 56-57.

тилларга таржима қилганлар. Мана шу таржималар ва ўзларининг асарлари шу тариқа Қадимги Шарқ фанининг шаклланиши ва юксак тараққиётида муҳим ўрин тутган.

X-XI асрларга келиб Хоразмда маърифатпарвар шоҳ Абуль-Аббос Абдуллох ибн Харун ал-Маъмун (*786-833 й*) раҳнамолигида Гурганжга тўпланган олимлар иштирокида 1004 йилда "Байт ул-ҳикма" (*"Донишмандлар уйи"*) ташкил топди. Бу илмий марказ тарихга "Маъмун академияси" (*X аср охири — XI аср бошлари*) деган ном билан кирди. юнон муаллифларининг томонидан яратилган асарлар таржима қилинди. Ҳалифалар Мансур, Ҳорун ар-Рашид (*763-809 й*), Маъмун (*786-833 й*) ҳам катта юнон тилида ёзилган асарларга эътибор қаратдилар, натижада VII–IX асрларда Яқин Шарқда Аристотелнинг деярли барча асарлари араб тилига таржима қилинди ҳамда уларга шарҳлар ёзилган.

"Маъмун академияси"га раҳбари сифатида Ҳазрат Абу Райҳон Беруний[658] (*973-1048 й*) қатор қомусий олимлар билан биргаликда астроном ва математик олим Абу Наср Ибн Ирок[659] (*960- 1036 й*), табобат илми намоёндаси Абу Али Ибн Сино (*980-1037 й*), астроном, тарихчи, тилшунос олим Абу Саҳл Масиҳий (*маҳ 971-1011 й*), мантиқшунос олим Абулхайр Ибн Ҳаммор[660] (*941-1048* й), Абу Фазл Байҳақий[661], Абу Мансур Абдумалик Ибн Муҳаммад Ибн Исмоил Ас-Саолибий Ан-Найсабурий (*961-1038 й*), Аҳмад Ибн Муҳаммад Ас-Саҳрий (*маҳ - 1015 й*), Абу Али Ал-Ҳасан Ибн Ҳорис Ал-Ҳубубий Ал-Хоразмий (*X-XI аср*), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Ҳомид Ал-Хоразмий (*X-XI аср*)[662] каби кўплаб илмий асарлар таржима қилиниб, жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

---

[658] Abdullaev A, Abdurahmonov A, Azimov A, Alimova M, D.Rahimjonov va boshqalar. Islom ensiklopediyasi. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. – B. 54.

Маълумот учун XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди. Беруний асарларига бағишланган европалик олимлар Ж.Рено, Э.Захау, Г.Зутер, Э.Видеман, К.Наллино, Ж.Сартон, Р.Райт, М.Меерхоф, осиё олимлари С.Х.Наср, М.Козим, С.Бараний, М.Низамуддин, Ш.Ялткай кабиларнинг китоблари, таржималари нашр этилди.

Ҳ.М.Абдуллаев, И.М.Мўминов, В.Ю.Зоҳидов, Я.Ғ.Ғуломов, У.Каримов, М.М.Хайруллаев, С.А.Булгаков каби атоқли олимлар Беруний фаолияти ҳақида қатор рисола, асарлар яратишди.

[659] Маълумот учун Абу Наср Ибн Ирок "**Батлимуси соний**" ("*Иккинчи Птоломей*") деган фахрий унвон олган.

[660] Маълумот учун Абулхайр Ибн Ҳаммор "**Буқроти соний**" ("*Иккинчи Гиппократ*") деган фахрий унвон олган.

[661] Қаранг: www.e_tarix.uz

[662] Қаранг: https://uz.wikipedia.org/wiki/Xorazm_ma%CA%BCmun_akademiyasi

Буюк алломаларимиз ёшлигиданоқ ҳақиқий илм бир неча тилларни билишни тақозо этишини жуда эрта англаб етганлар ва шу боис ўзининг она тилидан ташқари араб, иврит, форс, сурёний, юнон, санскрит тилларини чуқур ўрганганлар. Манбаларда Абу Наср Форобийнинг *(797-865 й)* кўплаб тилларни билганликлари қайд қилинган.

Шу билан бирга Фаробийнинг Аристотель асарларига шарҳлари машҳурдир. Берунийнинг Аристотелга муносабати Абу Али ибн Сино билан ёзишмасида ўз ифодасини топган. Уларнинг ёзишмалари асосан Аристотелнинг "*Фазо ҳақида*" ва "*Физика*" асарлари бўйича олиб борилган эди.

Улуғ ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий алгебра фанининг асосчиси бўлиши билан бирга, турли фанлар соҳаларида самарали ижод қилиб, нафақат Марказий Осиё, балки дунё фанларининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний каби олимлар ҳозирги замон ҳисоблаш тизимини кашф этдилар. Манфий ва ирриоционал сонлар билан ишлаш йўлини, илдиз чиқариш, квадрат тенгламаларни ечиш усулларини топдилар ва ўз кашфиётлари билан дунё фанининг чўққисига чиқдилар.

Ўрта асрларда ўлкамизда кўплаб илм ва маънавият масканлари фаолият кўрсатган. Ушбу марказларда жуда кўплаб олим ва уламолар ижод қилган, халқнинг маърифатини кўтарган. Масалан, бухоролик олимлар сони ҳақида Наршахийнинг шундай ёзади: "Агар Бухоро олимларининг ҳаммасини зикр қилсак, бир нечта дафтарни ташкил этади"[663].

Ёш авлод онгига жаҳон илму фани ва маданияти ривожига беназир ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижодини, шунингдек, юртимизда бунёд этилган моддий меросни асраб-авайлаш масъулиятини сингдириш, уларни муносиб ворислар этиб тарбиялаш бугунги кунда ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Истиқлол йилларида алломалар ҳаётига оид кўплаб асарлар ўзбек тилида чоп этилиб, халқимизга туҳфа этилди. Бу асарлар ёшларимизни маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилмоқда. Марказий Осиё заминида камол топган, турли фанлар ривожига ҳисса қўшган алломалар меросини ўрганиш инсонни тараққиётга етаклайди, жаҳолатдан йироқлаштиради ҳамда қалбида юртга муҳаббат, халққа хизмат, Ватанга садоқат туйғуларини мустаҳкамлайди.

---

[663] Наршахий Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Т.: "Камалак". 1991. – Б. 90

Хулоса қилиб айтганда, бугун халқларнинг бир-бири билан бўлган алоқаларини уларнинг маданий қадриятларини, буюк мутафаккирлари маънавий меросини ўрганишчалик тез яқинлаштира олмайди. Ўзбекистоннинг дунёдаги давлатлар билан маданий, маънавий-маърифий соҳада ҳамкорлик истиқболлари улкан. Зеро, халқлар бир-бирининг тарихи, маданияти ва маънавиятини яхши билса, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Ҳолбуки, буюк аллома ва мутафаккирларининг илмий мероси фақат бир миллат ёки халқники эмас, балки бутун бир инсониятнинг маънавий мулкидир ҳамдир.

NAVRUZOVA Gulchehra Negmatovna
Bukhara engineering technological institute
Doctor of philosophical sciences, professor.

THE WAY OF PERFECTION OF A PERSON IN "RISOLAI HAZRAT AZIZON"

Аннотация: *Мақолада Хожагон сўфийлик тариқати пири Хожа Али Ромитаний (ваф.1321й.) нинг инсон камолотининг ўн шарти ҳақида "Рисолаи Хазрат Азизон" асарининг Бухоро нусхасидаги маълумотлар ёритилган.*

Калит сўзлар: *Хожа Али Ромитаний, Ҳазрат Азизон, Хожагон, тариқат, камолот йўли, суҳбат, хотира, ризо, ҳалоллик, ҳушёрлик, ҳалол меҳнат, ҳалол луқма, ҳалол инсон, "Қўл ишда ва қалб Ёр билан".*

Аннотация: *В данной статье рассмотрен Бухарский вариант произведения "Рисолаи Хазрат Азизон" как духовного наследия учителя суфистского пути «Ходжагон» Ходжи Али Ромитани, (умер 1321 г.) о десяти условиях совершенствования личности.*

Ключевые слова: *Ходжа Али Ромитани, Хазрат Азизон, Ходжагон, тарикат, совершенствование, беседа, память, согласие, честность, трезвость, честный труд, дозволенная пища, честный человек, «В сердце Бог, а руки в труде».*

At the 11th Islamic Conference in Tunisia on December 18, 2019, the Islamic Educational, Scientific and Cultural Organization, Bukhara, Clairo (Egypt) and Bamako (Mali) were approved as the capitals of Islamic culture in

2020. Therefore researching Bukhara for development of Islamic culture is actual.

"Risolai Hazrat Azizon" is written obelisk of Sufi education from the 14th century saved as main part of our spiritual heritage. The author of the book is Khoja Ali Rometani. Although O.P.Sheglova[664] and A.T.Tagirjanov[665] according to "Sharq qo`lyozmalari to'plami"[666] mentioned that Muhammad Porso as the author of "Risolai Hazrat Azizon". According to our research the author of the book was Khoja Ali Rometani.[667]

We become acquainted with this book's copy in Bukhara state aesthetic architectural museum with number 12515-11. This book is written at the brims of 20-36 pages by name "Risolai Hazrat Azizon".

The collections about Naqshbandiya education as well as "Risolai Hazrat Azizon" was published by "Bukhoroi Sharif" press 2 jumadul avval 1327 Hijri in 1909. The copy was saved as lithography written in Arabic and Farsi. In that copy and in others the author`s name is Khoja Ali Rometani or Azizon.

Khoja Ali Rometani was a poet and writer. Said Nafisi the author of "Tarikhi nazmu nasr" wrote that Khoja Ali Rometani had a book "Mahbub ul Orifin". Ten rules for students of Sufism described in the book. In our opinion this idea is about "Risolai Hazrat Azizon". So this book is the main resource in educating perfect person.

The spiritual heritage of our ancestors and taking an example from them, it is the resource of our maturity. One of our great saints who spread our Bukhara Sharif`s name to all over the world is Khoja Ali Rometani, famous as Hazrat Azizon. He is the great representative of Khojagon education based by Abdulkholik Gijduvani, khalif of Khoja Mahmud Anjir Faghnavi and the fourth pir of Bukhara Sharif[668].

---

[664] Шеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке в собрании Ленинградского Отдела Института Востоковедения. М.: Наука, 1975. 4.1.230.6. №483 (405).

[665] Тагиржанов А.Т. Описаник таджикских и персидских рукописей Ленинградского Государственного Университета. Л.: ЛГУ. 1962.305 с.

[666] Сборник Восточных//Рукописей. Т. 111. Тошкент, 1965. 221 с. № 2286.

[667] Наврўзова Г.Н. Нақшбандия-камолот йўли. Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА "Фан" нашриёти, 2007. 52-74, 174-182 б.

[668] Абдураҳмон Жомий Нафаҳот ул-унс. Тошкент, 1915. 361 б, Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. Т.:Ўзбекистон Республикаси "ФАН" нашриёти 2001. 255-256 бет. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржима, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний Т.: "O'zbekiston" НМИУ, 2019. 335 б. Рисолаи пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2019. 51-64 бетлар. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари) : Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнг сўз муаллифи: Маҳмуд Ҳасаний; луғат, сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б.

Khoja Ali Rometani, famous as “Azizon” was born in 588 Hijri in 1191 BC in Rometan region of Bukhara. He lived 130 years and died in 721 Hijri in 1321 BC in Khorazm. His grave is in Toshhovuz in the shrine of 360 pirs.

In a book printed in Turkey the “Tasavvufi Akhlaq” there is a poem “Silsilai Sharif”, and the verse about Khoja Ali Rometaniy:

Shaykh Ali Rometani nuru haqiqat shahpari[669]

This verse means that he was in a sheikh(teacher) level, he passed shariat (sharia rules), tariqat (way to Allah) and marifat (knowledge) stages, he gained haqiqat (reality, being with Allah) stage and he had right to teach others. “Nuru haqiqat shahpari” means the light of reality.

In the Turkish source there is a definition about Khoja Ali Rometani “his face was beautiful, he was tall enough, all the body parts were proportional. He supported his family by knitting craft. He did not pay attention to anything of the world, poor was the best donatives for him. He was the leader of the teachers of nakshbandiya education. He was famous for his “Azizon” name and lived 130 years”[670]. “He was mid-tall, his face and other body parts were beautiful. He chose poorness. He used knitting cloths. He was with people in appears but with Allah in heart. He served Khoja Mahmud Faghnavi sincerely; he was one of the most loyal khalifs”[671].

In all source his birth place is recorded in Rometan district, and his burial place in Khorazm. From other sources we know that after a while his holy soil was bought to Rometan. Nowadays his tomb together with his two sons` tombs is in Rometan, the shrine is much flourished.

His two sons were famous in their lifetime it is written in the sources.

Abdurahmon Jomiy in his “Nafahot ul uns” wrote poem of Jaloliddin Rumiy about Khoja Ali Rometani:

Garna ilmi hol favqi qol budi, kay shudi,

Banda a`yoni Bukhoro Khojai Nassojro.[672]

It means:

If the knowledge of «khol » (knowledge gained by learning) is dominant than the knowledge of “hal” (khowledge gained by heart, sufism),

---

Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институти. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашр; 2003. 51-59 бет.

[669] Muhammad Zohid Kutki. Tasavvufiy Axloq. T.2. Anqara: 1992. 176 p.

[670] Muhammad Zohid Kutki. Tasavvufiy Axloq. T.2. Anqara: 1992. 188 p.

[671] Sayfiddin Sayfulloh, Nodirxon Hasan. Xojagon Naqshbandiya mashoyixlari/Xoja Abdulxoliq G`ijduvoniy. Maqomoti Yusuf Hamadoniy. T: “Yangi asr avlodi”, 2003. 43p.

[672] Faxruddin Ali Safiy. Rashahot (Obi hayot tomchilari).T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 2003. 52 p.

Senior people of Bukhara would not be obedient to Khojai Nassoj – knitting man.

This poem shows, firstly, Khoja Ali Rometani was in "hal" stage, the stage of high spirits, he could receive the light of Reality. Secondly, the knowledge of hol is greater than that of «khol »and all the senior admintrotors of Bukhara served Nassoj – knitting man, Khoja Ali Rometani, he was dominant to them.

We had a great heritage from Khoja Ali Rometani. According to our research he left "Risolai Hazrat Azizon", 16 rash`ha (spring of wisdom), verses and quatrains[673]. There are verses from Khoja Ali Rometaniy:

Nafas muyi muqayad dar darun ast,
Nigah dorash, ki khush murg`est damsoz.
Zi poyash band magsil, to naparad,
Ki natvonash giriftan ba`di parvoz.

It means:

Breath is imprisoned bird in your body
It is always with you, save him.
Do not unlink the thread as it can fly away
After flying away you cannot find it back again.

By this words Khoja Ali Rometani wants to say that we must pay attention even to our breath and be connected with the eternal thing rather than that of world.

The following quatrains is the most famous one. Even Bahauddin Naqshband often told it to his students:

Bo har ki nishastiyu, nashud jam dilat,
Az tu naramid zahmati obi gilat.
Az suhbati vay agar tabarro nakuni,
Hargiz nakunat ruhi Azizon behilat.[674]

It means:

If Your heart is not calm with your collocutor,
If the hurts do not left your soil and water

---

[673] Бухорий С.С. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Тарихий-маърифий рисола (Тўлдирилган, қайта ишланган иккинчи нашри). – Т.: "Navro'z" nashriyoti, 2015. 156-168 бетлар, Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири Нақшбандия. Душанбе:"Истеъдод" 2018. 37-49 бетлар, Наврўзова Г.Н. Нақшбандия камолот йўли. Т.: УзР ФА "ФАН" нашриёти, 2007. 52-74 бетлар, Наврўзова Г. Н Ҳазрат Азизон камолотга етишнинг ўн шарти хусусида. Бухоро: 2007. 37 б., Наврўзова Г, Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири, Тошкент: "Muharrir" нашриёти, 2019. 29-41 бетлар. Сафарова Н. Хожагон тариқати. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2003. 68 бет.

[674] Rashahot. 55-56 p.

So, if you do not go away from that person

The spirit of Azizon will not forgive you.

The idea of this poem: good people`s, the real saints` conversation make happiness and calmness by losing the lust, do not even talk to bad people. Bahauddin Naqshband says "Our education is conversation", he means we must talk with really good person, escape from bad ones.

Khohi, ki ba Haq rasi, biyoromi tan,

V-andar talabi do`st, biyoromi tan.

Khohi madad az ruhi Azizon yobi,

Poy az sari khud soz biyo Rometan[675].

It means:

If you want to ensue Allah balance your body(balance your temptation)

If you want a real friend balance your body

If you want a help from spirit of Azizon

Make a foot from your head and come to Rometan.

Khoja Ali Rometani by this verses told us that Rometan was in a high degree at his time, if who wants Allah, the destination makes hid wishes to come true. He says to people who want to learn this education "make a foot from your head" be with the education by heart by spirits.

In the lifetime of Bahauddin Naqshband, the first and main source was Salohiddin Muborak`s book "Anis ut tolibin va uddat us solikin". There is a story from it: The fourth caliph of Bahauddin Naqshbandi, the teacher of Khoja Ahrori Valiy, later he widely spread the nakshbandiy education, Mavlono Yakubi Charkhi met with Bahauddin Naqshband, asked to be his tarikat follower. Naqshband asked the reason of his action. He answered:

- It is said that in true Hadiths when Allah will be friend with a man, it does friend him with other its friends.

Hazrat Bahauddin answered smiling:

- We are the students of Azizon.

Mavlono Yaqubi Charkhi`s face changed hearing this word, because one month earlier he dreamed "become a child to the student of Azizon"[676].

We can understand from the story that Bahauddin Naqshband knew Azizon as his pir and teacher, he went on the way which his teacher`s spirit showed.

---

[675] Rashahot. 56 p.

[676] Мавлоно Яъқуби Чархий. Рисолаи унсия. / Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 174-саҳифа., Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири Нақшбандия. Душанбе: "Истеъдод", 2018. 37-б

The sources shows us that Bahauddin Naqshband was brought up by Boboi Samosi, then went to Samarkand and learned from other Sufis and came back to Orifon Palace. Muhammad Boboi Samosi`s spirit gave him Azizon`s kuloh-headware.[677] After that his spirit changed and became perfect.[678] Bahauddin became a real Sufi after wearing Azizon`s kuloh, that why he knew Azizon as his pir, his teacher.

"What is the creed?" asked from Khoja Ali Rometani. He answered: "Rip and link" (it means rip your heart from the world love, link it with Allah).

Khoja Ali Rometaniy`s son Khoja Ibrakhim asked from his father: "Mansuri Hallaj told "Anal Haq (I am just)", he was executed. Boyazid Bastami said: "It is noting except Allah in my hirqa(cloth) ", nobody told anything to him. What does it mean?" His father answered: "Mansur told "I", it is vain glory that's why was killed, Boyazid began with nothing, and was in safe."

Khoja Ali Rometani perfected five people whose names were Muhammad. All of them were savants, perfect persons and saints: Khoja Muhammad Ibrohim (his son died in 1391), Khoja Muhammad Kulohduz Khorazmi, Khoja Muhammad Halloj Balkhi, Khoja Muhammad Bovardi, Khorazmi, Khoja Muhammad Boboi Samosi. These caliphs spread Khojagon education in Khorazm, Bukhara and Balkh[679].

Sufism's Khojagon education found the mild way directing the person to maturity. Khoja Ali Rometani`s lifetime called as Azizon period, he also thought about educating maturity. Khoja Ali Rometani in his "Risolai Hazrat Azizon" indicated ten conditions for knowing Allah and mature the person.[680]

The first condition is being clean and pure. Hazrat Azizon defines four kinds of being clean: physical, spiritual, heart and head cleaning, and it helps to get the light and support of Allah.

The second condition is keeping the tongue from bad words. It helps human to control his speaking power. Human differs from other creatures with his intelligent speech. One good word can save from death or one bad word can direct to death. That's why controlling the tongue is the global phenomenon, tool of living stable and in peace. Hazrat Azizon told about the theme:

Ezid chu bino kard ba hikmat tanu jon,

---

[677] Rashahot. 140 p.

[678] Rashahot. 140 p.

[679] Хожагон – нақшбандия машойихлари / Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: "Янги аср авлоди", 2003. 44-46 – бетлар.

[680] Risolai Hazrat Azizon/Navro`zova G. Xoja Ali Rometaniy va Bahauddin Naqshband Buxoro: 1994.17 p.

Dar har uzve maslehate kard nihon.
Gar mufzedate nadida budi zi zabon,
Mahbus namekard ba zindoni dahon.[681]
It means:
Allah created body and spirit with knowledge
In every muscle there is a secret.
If there were not any badness from tongue
It was not a prisoner in the mouth prison.

Hazrat Azizon said that human is a complex creature consisted of a body and a sprit. Every part of this body created for the exact reason, that's why we must consider about it and learn ourselves. Hazrat Azizon demanded to think about why the tongue concealed inside the teeth and lips. Why eyes and ears are open and see and hear the world. It means after seeing, hearing, thinking with our brain we must act with our feet and arms and if necessary we must use our tongue. Khoja Ali Rometani compared quietness with the life of Prophet Jesus and his mother.

The third condition is being in peace and alone. This condition helps to control the seeing power. Hazrat Azizon equals looking at bad thing with poisoned arrow.

The fourth condition is fasting. This condition helps to learn and control the lust. Fasting is the main tool of controlling and cleaning the strength of body.

The fifth condition is mentioning. Hazrat Azizon mentioning *La ilaha illalah* – there is no god but Allah – calls humanity to think about his genuine, meaning of the life, the nature, compare eternality with the world, changeable and unchangeable things.

The other attribute of mentioning is human's alertness and neutrality. That's why mentioning helps to keep breath and control it. Hazrat Azizon said "every day you breath more then thousand times and you will be asked about every of your breath."

Zi har nafas ba qiyomat shumor khohad bud,
Gunah makun, ki gunahkor khohad bud.
Base savor, ki fardo piyoda khohad shud,
Base piyoda, ki fardo savor khohad shud.[682]

---

[681] Risolai Hazrat Azizon/Navro`zova G. Xoja Ali Rometaniy va Bahauddin Naqshband Buxoro: 1994.17 p.
[682] Risolai Hazrat Azizon. 21 p.

It means:

On Judgement day you will be asked for every of your breath

Do not sin you will be sinner

At that day horseman goes on foot

Pedestrians become horsemen.

Every human will be examined at that day. That's why we must be alert and keep the breath.

The sixth condition is saving the memory. The main tool of being perfect is the memory, the powers in human's memory influence to human himself. Hazrat Azizon tells: there are four kinds of memory; we must perish devil's and lust's memory; save Allah's and angels` memory.

The seventh condition is harmony. It is main tool of agreement and harmony of humanity.

The eighth condition is being with solik (goers by the way Allah showed) and escaping from bad people. It shows that the human has the option. The main difference from other creatures a human can choose.

The ninth condition is being awaken. Hazrat Azizon tells to control the time, do not waste it, be alert, awaken and mention Allah.

The tenth condition is keeping food(luqma) from uncleanless(haram). This condition helps to keep the results of all nine conditions. Because unclean food perishes all the good work (savob). Hazrat Azizon tells advises to keep food clean:

1. intent to have clean food.

2. clean food is gained by working. "Dilba yoru dastba kor" – means "The heart with god the hand with work".

3. the aim of eating food is cult perfectly, gaining power for working and getting the clean food(halal luqma). Eating food for lust is not clean, it brings fatal to human.

4. pure, clean food is not wasted.

5. at the time of eating we must be alert and thank to Allah.

6. eating food with good people, not with bad ones.

7. at the time of preparing the food we must be alert and thank to Allah for its gifts, other ways we can cause harm for us and others.

8. cook preparing the food must be in ablution. Hazrat Khizr once did not eat the food and said, person who made dough had been without ablution, that's why he decided not to consume it.

We can conclude that, the fourth pir of Bukhara Sharif, Khoja Ali Rometani was a perfect, smart saint of his time that's why his time was called as "Period of Azizon". He was a loyal student of Mahmud Anjir Faghnavi and teacher of Muhammad Boboi Samosi, and was spiritual teacher of Bahauddin Naqshband. His heritage can be the mean basis, source of bringing young generation up as perfect men.

In Khoja Ali Romitani's book called "Risolai Hazrat Azizon" there are 10 conditions which are nowadays actual too. Learning different versions of this book is mission for scientists.

ЖЎРАЕВ Зиёвуддин Муҳитдинович
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети "Манбашунослик ва архившунослик" кафедраси доц.в.б,
фалсафа доктори (PhD)

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН АЛЛОМА АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА "ОДОБ АЛ-ҚОЗИ" АСАРИ ВА УНИНГ МАНБАШУНОСЛИКДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: *Эта статья описывает работу Абулхасана Моварди, жившего в 964-1058 годах под наследия которая внесла значительный вклад в развитие истории политико-правового учения и теорию государственного управления.*

Ключевое слова: *Коран, Ислам, Ахкаам, Маварди, право, выбор, сунна, имамат, султан.*

Annotation: *This article describes the work of Abulhasan Movardi, who lived in the years 964-1058 which made a significant contribution to the development of the history of political and legal doctrine and the theory of public administration.*

Key words: *Qur'an, Islam, Ahkom, al-Mavardi, laws, government, election, sunna, Imamat, Sultan.*

Жаҳон маданий тараққиётида ўзига хос ўринга, беқиёс шуҳратга молик шаҳарлардан бири бу – Бухоро ҳисобланади. Илк Ислом даврларида бу ҳақдаги тавсифлардан бири – "Бухоро қуввати исломаст"("Бухоро – Ислом маданиятининг маркази")ни келтирсак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Жаҳон цивилизацияси тарихига ўчмас илмий мерослари билан бетакрор ҳисса қўшган, кўпгина алломаларни етиштирган бу замин ҳозирги замонларда ўзининг беназир шукуҳи билан оламларни ўзига ром этмоқда.

Инсоният тамаддунига ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, тарихий, фалакиёт, астрономия, тиббиёт, ҳандаса, фиқҳий, Қуръоншунослик, ҳадисшунослик, тафсиршунослик, фиқҳшунослик каби барча илмларда пешовар бўлган қомусий алломаларнинг таълимотлари билан бугунги тараққиётга эришганимиз ҳеч кимга сир эмас.

Бухоронинг Вардонзе ноҳиясида туғулиб, Басра ва Бағдодда яшаб ном қозонган, қози ал-қузот, ақзо ал-қузот даражасига эришган Абулҳасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб ал-Мовардий (964-1058 йиллар)[683] ўзининг серқирра илмий мероси билан тарихда теран из қолдирган. Тарихга Мовардий тахаллуси билан кирган. Куняси Абулҳасан, исми Али ибн Муҳаммад бин Ҳабибдир.

Ўрта аср муаррихларидан Абдулкарим ас-Самъоний “Китоб ал-ансоб”ида: Мовардийга нисбат беришда “ал-Моувард” деб номлаган ва ёзган. Мазкур ном борасида тарихчилар ўртасида баъазан баҳсу мунозаралар учраб туради. Жўмладан, қуйидагича хўш бу нисбанинг маъноси шуки, атиргул сувини сотиш ва етиштириш билан машғул бўлганга нисбатан қўлланилади. Мовардий аксарият уламолар жамоъаси томонидан шу ном билан машҳур бўлган. Чунки, унинг баъзи аждодлари айнан атиргул ишлаб чиқариш ва савдоси билан шуғулланганлари боисдир.[684] Муаррих айтадики, “Моун вардиюн” калимаси (“Гулоб”) демакдир. Ёхуд “Мовардий” тахаллусининг машҳур бўлишига кўра, “Моун вардун” калималари қўшма таркибида яхлит сўзни ифодалаб келади, маъноси “Гулобгири” (“Гул суви берувчи”) – “Гулобфуруши” (“Гул суви сотувчиси”) демакдир.

Аммо бошқа томондан қарлса, бир неча жуғрофик номлар маъносини ҳам ўзида мужассам этгандек бўлади. Масалан: ўз таркибида вов, ре, дол ҳарфларини жамлаган шаклдаги “вард/атиргул” кўринишида ҳам келади. Масалан: – “Абивард” – Хуросондаги машҳур шаҳарга мансубдек кўринади; – “Боғи вард” – ҳижрий VIII асрдаги Форсдаги обод шаҳарлардан биридаги маҳаллаи содот/сайиидлар маҳалласи маъносида

---

[683] Жўраев З.М. «Ал-Мовардийнинг «ал-Аҳком ас-султонийа» асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср)» мавзусидаги т.ф.ф.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясининг автореферати. – тошекент, 2019.

[684] Абдулкарим ас-Самъоний “Китоб ал-ансоб”. – Ҳайдаробод: - Б. 12-40. – Б.10.

келади[685]; – “Бовард” – Бандар Аббос ва Бандарланка каби икки обод жойдан; – “Бовард” – Туркманистондаги маҳалла ва дарё номи; – “Буливард” – Шероз яқинидаги тоифалардан бири яъни Сайиржон каби обод маҳалладан; – “Сангувард” – “Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд”даги 5 саҳифасида қайд этилишича, V ҳижрий аср мазкур номдаги маҳалла.

Айнан Мовардий яшаган аср(!); – “Сиювард” – Ҳофизи Абрўнинг “Зубдат ат-таворих”идаги 60-саҳифасида қайд этилишича, Пешкун(Бухоро)даги буюк ипак йўлида жойлашган Арис яқинидаги обод маҳалладан; – “Молувард” – “Тарихи гузида”нинг зайлидаги 28-саҳифасида келтирилишича, Форс ва Исфаҳон ўртасидаги обод маҳалладан; – “Нимовард” – Исфаҳондаги машҳур мадрасанинг номидан; “Вард” калимаси баъзан жуғрофий номларнинг олдида келади. Масалан: – “Вардовард” – Теҳрон яқинидаги Туркийлар истиқомат қиладиган обод Карраж йўли ёқасидаги маҳалладан; – “Вардон” – Бухородаги обод маҳаллалардан бири ёхуд Салмос номли обод маҳалладан;[686] – “Вардожат” – Яхшигина ишлов берилган бўйра; – “Вардана” – “Тарихи Бухоро”да зикри келган маҳалла; – “Вардонзе” – Зарафшон воҳасига қарашли Бухоро вилоятидаги қадимда аксарият аҳолиси атиргул етиштирадиган, савдоси билан шуғулланувчи ноҳиялардан бири;[687] - “Вардганзе” – Тарихий Қашқадарёнинг Шаҳрисаб туманига тегишли шаҳарча ва мустаҳкам қалъалардан бўлиб, бу ер аҳолиси ҳам аксарияти атиргул етиштириш ва савдоси билан машғул бўлгани тарихий саёҳатномаларда қайд этилган.[688] – “Вардуқ” – Халлихол каби обод маҳалла; – “Вардиж” – Караж яқинидаги виқорли тоғ олди маҳаллаларидан; – “Вардин” – Буюк ипак йўли бўйидаги

---

[685] Эроннинг Қум шаҳри кутубхонаси. Маръаший кутубхонаси қўлёзма нусхалари маълумот.

[686] Абдулкарим ас-Самъоний “Китоб ал-ансоб”. – Ҳайдаробод: - Б. 12-40. – Б.10.; “Тарихи Бухоро”да зикр этилган.

[687] Қаранг: Роберт Альмеев, Камол Маҳмудов. «Зандани» тепалаги, «Занданичи» матоси маданий меросини асраш ҳамда туризмни ривожлантириш. Рисола – Бухоро: «Бухоро вилоят босмахонаси». МЧЖ, 2019. – 128 б.

[688] Қаранг: Истахрий. Масолик ал-мамолик. Тўлиқроқ маълумот учун қаранг: Худайберганов Р.Т. Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари (илмий-изоҳли таржима ва тадқиқот). 07.00.08 – тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари.т.ф.фд. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси, автореферати. – Тошкент, - 2020.

обод маҳалладан; – Саъдий Шерозий, Ҳоқонийлар «Мовард» калимасини ўзларининг шеърларида қайд этганлари шулар жумласидандир.[689]

Юқорида келтирилган маълумотга ўхшаш фикрлар кўп эди, мухтасар қилинди. Мантиқан олиб қаралганди "вард/атиргул" атамаси иштирок этган сўзлар таҳлили асосидаги қайд этилган жой номлари, кишилар номлари аксарияти Мовардийни туркий миллатга мансуб мусулмон олими эканига далолат қилганини кўриш мумкин.

Жаҳоннинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва назариясига оид ўрта асрларда яратилган ёзма манбаларда мусулмон Шарқи салтанат, давлат, жамият ва шахс бошқаруви ҳақидаги қимматли тажрибалар ўз аксини топган.

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарққиёти, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назариясига оид Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий аш-Шофеъий (973-1058 йй., кейинги ўринларда – Абулҳасан Мовардий)нинг илмий меросини ташкил этувчи: "Тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар [фи ахлоқ ал-малик ва сиёсат ал-мулук]", "Аълам ан-нубувва", "Адаб-ул-қози", "Насиҳат ал-мулук", "Ан-нукат ва-л-'уйун: тафсир ал-Мовардий" (Қуръони карим тафсири), "Ал-иқнаъ", "Ал-визара", "Адаб ал-визара", "Қаванин ал-визара", "Қаваниин ал-визара ва сиёсат ал-мулук", "Амсал ал-Қуръон", "Ал-Ҳовий [фи фуруъ ал-фиқҳ]", "Амсал ал-ҳикам", "Китоб фи-н-наҳви", "Адаб ад-дунё ва ад-дин" каби асарлари Франция, Англия, Голландия, АҚШ, Шотландия, Россия, Ливан, Миср, Ироқ, Кувайт, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Ўзбекистон каби давлатларда илмий жиҳатдан ўрганилган ва француз, инглиз, фламандча, рус, араб, форс, турк, урду, ўзбек каби тилларида таржималари нашр этилган ҳамда улар шу каби мамлакатларнинг машҳур кутубхоналарида сақланмоқда.[690]

---

[689] Abulhasan Hasan. Ahkam-e soultani. Offentliches Recht im Islam von Mawardi. Persiche Ubersetzung von Hosseini-e Shafe'ii im 10. Jahrhundert (Hedschra). Manuskript bearbeitet und herausgegeben von M.T.Daneshpajuh-Tschangiz Pahlavan. Munster – 2002. – B. 9-10.

[690] Абулҳасан ал-Мовардий. Ал-аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 7228/I. – 107 варақ.; Абулҳасан ал-Мовардий. Ал-аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси қўлёзмаси, № 63. – 186 варақ.; Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Сулук ал-мулук. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №10976. – 276 варақ. Мактабату Честер Битти фи мактабати-л-махтутот. Arberry A.J. A. Handlist of the Arabic, Manuscripts in the Chester Beatty Library. Vol.2. Dublin, 1956, N4903, c.38;. Part of this copy appears to be the author's autograph. Pieters Davison International Ltd microfilm service Chester Beatty Library 13. 02. 80. Al-Ahkam al-ultaniya, by Al-Mawardi (d.450/1058). [A well-known treatise on Islamic political theory.] Poll. 103. 21 x 15.7 cm. Clear scholar's naskh. Undated, 5/II th century. Brockelmann I. 386, Suppl. I. 668.; Арабские рукописи института востоковедения академи наук СССР. Краткий каталог. № 1/Под редакцией А.Б. Халидова. – Москва.: 1986. – С.11, 301, 527. В 894 (685 а). 6737. 292 л. Rosen, Notices, N108;

Абулҳасан Мовардийнинг салтанат бошқарувига оид сиёсий-ҳуқуқий таълимотларидан бири: “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув [қоидалари]”) асари борасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факултети ва ниҳоят Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 1997-2019 йилларда олиб борилган изчил тадқиқотлар натижасида у ўз самарасини берди.[691]

GAL, I, 386, N4, 1; SB I, 668. Келажакда мазкур қўлёзма устида махсус тадқиқот ўтказиш лозим.; T. C. Kültür ve turızm bakanlığı kütüphaneler ve yayımlar genel müdürlüğü türkıye yazmaları topu kataloğu; The unıon catalogue of manuscrıpts ın turkey. Başbakanlık basımevı – Ankara.1984. – B. 155 – 156.; Мактабат ул-авқоф лилмахтутот. Битрум. Мажмуати Оли Яҳё. Ал-Манзумат-ил-арабийяти лит-тарбийяти вас-сиқофати ва-л-улум. Маъҳад ал-махтутот ал-арабийя. – Кувайт.

[1] Al-Mawardi Abu ‘l-Hasan. Al-Ahkam as-sultaniyya wa-‘l-wilayat ad-diniyya. – Misr: Sharika maktaba wa matba‘at Mustafa al-Babiy al-Halabiy, 1966.

[2] الأحكام السلطانية و الولايات الدينيةتأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 ه) تحقيقه لدكتور أحمد مبارك البغدادي. ;. 1989 .جامعة الكويت. قسم العلوم السياسية. الناشر مكتبة دار ابن قتيبة. ألكويت. 1989–390 ص. Абулҳасан Мовардий. *“Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя”*. – Кувайт, 1989. – Б. 390.

[3] الأحكام السلطانية و الولايات الدينية: تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 ه الناشر مكتبة الدار الكتب العلمية بيروت-لبنان. 1992 م-327 ص. .

[4] Ebu’l-Hasan Habib el-Ma’verdi. El-Ahka’mu’s-Sultaniye / Ceviren:Ali Shafak. – Istanbul: Bedir Yayinevi, 1994. – S.504.

[5] Abu’l-Hasan al-Mawardi.Al-ahkam as-sultaniyyah. Introduction to «The Ordinances of Government», trans., Wafaa H. Wahaba (Lebanon: Garnet Publishing, 1996), xv.(as-sultaniyyah., 1996, xv.)

[6] www.KitobSunnat.com. الأحكام السلطانية و الولايات الدينيةتأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 ه – 416 b.

[7] Ahkam-e Soultani Offentliches Rect im Islam von Mawardi//Prof. Mohammad Taghi Daeshpajouh, Munster.– 2002. April. – 150 p./Persische Ubersetzung von Hosseini-e Shafe’ii im 10. Jahrhundert (Hedschra) Manuskript bearbeitet und her ausgegeben von M.T.Daneshpajuh-Tschangiz Pahlavan. Blatter fur Kultur und Gesellschaft (3). ماوردي الاحكام السلطاني ماوردي (علي بن محمد بن حبيب)/ترجمه: قوام الدين يوسف بن حسين حسني حسيني شافعي.– مونستر : ألمان.1381/2002 فروردين.

[8] Kont Leon Ostrorogin. El-Ahkam Es-Soultaniya, Traite' de Droit Public Musulman. – Paris, 1901; Ostrorogin L. Les constitutiones politiques, trac. et commente'es d'apres Les sources orientales. – Paris, 1900-1906.

[9] Abu’l-Hasan al-Mawardi. Al-ahkam as-sultaniyyah. The Laws of Islamic Governance/Translated by Asadullah Yate PhD. Kalamullah.Com. Ta-Ha Publishers Ltd. London, 1994.– 381 p.

[10] Голландия: Landesbibliothek, Gotha. Arab.ms.№ 1872

[11] Абулҳасан Мовардий. Дунё ва дин одоби. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Абдуллоҳ Исмоил Махдум. – Тошкент: Hilol nashr, 2017. – Б. 454.Ва ҳоказо

[691] Қаранг: Жўраев Зиёвуддин Муҳитдинович. Ал-Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср). Ихтисослик: 24. 00. 01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Илмий раҳбар: с.ф.д., профессор. Мунавваров З.И. II Боб. “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя”

Ўрта асрлар мобайнида сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан назарий ва амалий фаолият олиб боришда Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросига мурожаат қилмасдан қатъий фикр ва ҳукм чиқарилмаганлиги ислом тарихи ва манбашуносликдан маълум.

Мовардий илмий меросининг жиҳатларини сўзлашдан олдин, уни туркумлаш жоиз, токи сиёсат ва ҳуқуқ ҳақидаги мероси ўқувчига маълум бўлсин. Ёзма манбаларга асосланиб, Мовардий асарлари мундарижасини унинг ёшига биноан хронологик шаклда келтириб ўтамиз: Мовардий 27 (391/1000 йилда) ёшида ўз илмий мероси шаклланишида илк бор “Ар-рутба фи талаб-ил-ҳисба” ҳақида асар ёзишдан бошлаган [10], 31 (395/1004 йил) ёшида “Фи-н-наҳви” (“Араб тили грамматика қойидаларига оид фан”) ва “Ал-иқнаъ фи фиқҳ-иш-шофеъий” (“Шофеъий мазҳабига оид фиқҳ қонунларининг ишончли манбаси”), 34 (398/1007 йил) ёшида “Насиҳат ал-мулук” (“Подшоҳларнинг насиҳатлари”), 56 (420/1029 йил) ёшида “Адаб ад-дунё ва-д-дин” (“Дунё ва дин илмига оид одобнома ва тартиблар”), 61 ёшида (425/1034 йил) “Сиёсат ал-мулук” (“Подшоҳларнинг иш юритишга оид сиёсати”), 427/1036 йил 63 ёшида “Одоб ал-вузаро ва сиёсат ал-мулук” (“Подшоҳларнинг иш юритиш сиёсати ва вазирликларнинг ”), 68 (432/1041 йил) ёшида “Тасҳил-ун-назар ва таъжил-уз-зафар фи ахлоқ-ил-молик ва сиёсат ал-мулук”, 72(436/1045) ва 81(445/1054 йил) ёшларида, яъни иккинчи марта “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асарини ёза бошлаган. Мовардийнинг даври учун VII–XI асрларгача бўлган давлатчиликнинг[11] назарий таълимоти, сиёсий фиқҳ бўйича муҳим асари “Аҳком”дир.

Юқоридаги маълумотлар таҳлилига кўра, Мовардийнинг илмий меросини қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

I. Диний асарлари: “Тафсир ал-Қуръон ан-нукат ва-л-ъуюун” (“Қуръон тафсири”)[12], “Китоб ал-ҳовий ал-кабир” (“Буюк қомус”), “Китоб

асарининг манбашунослик тавсифи. 2. 3. “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари манбалари таҳлили. – Б. 78.

[10] التلميثاني، تهفة الناظر و غنية الذاكر، -ص. 171. Ат-Талмисоний ўз асарида келтирилишича, ҳисба ташкилотининг вазифаларида ишлаганлиги тўғрисида нақл қилинади. Ар-рутба фи талаб ал-ҳисба номи билан нисбат берилган қўлёзмамаларга биноан бу лақаб, Аҳад ан-носухда собит. Масжиди Фотиҳда Истанбул қўлёзмаси рақами № 3495. Akthar, A.M. Al-Mawardi: a sketch of his life and his work. Islamic Culture, 1944.

[11] Хотамий С.М. Ислом ... Минҳож, – Тошкент, 2001-2003. – Б. 192-203.

[12] Мовардий. Тафсир ал-Мовардий. Жузь ал-аввал. Ва янтаҳи би охири сура ал-каҳф. Махтут би дор ил-кутуб ил-Мисрия; Мовардий. Тафсир ал-Мовардий/Таҳқиқ Хазар Муҳаммад Хазар. Ал-Кувайт. 1-нашр. 1982.; Иктишоф мужаллад нодир мин тафсир ал-Мовардий. Мақола. Мажалла ал-ктаба. – Бағдод. №9, санат ал-уло. –Б.10-12; Ал-Усур Али.

ал-иқнаъ фи ал-фиқҳи аш-шофеъий” (“Шофеъий фиқҳи ҳақида ишончли манба”)[13], “Китоб фи ал-буюъ” (“Савдо-сотиқ ҳақида.”), “Китоб аълом ан-нубувва” (“Пайғамбар (с.а.в.)ликка хос давлатчилик талимотлари китоб”)[14].

II. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асарлар: “Ал-Аҳком ас-султония ва-л-валоёт ад-диния” (“Давлатчилик қонунлари ва шаръий бошқарувлар”), “Қавониин ал-визорати ва сиёсати ал-мулук” (“Подшоҳлар сиёсати ва вазирлик қонунлари”)[15], “Ал-вазорат” (“Вазирлик”)[16], “Китоб тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар фи ахлоқ ал-малак ва сиёсат ал-мулук” (“Зафар қучиш омиллари ва нуқтаи назар соҳиллари”)[17], “Китоб насиҳат ал-мулук” (“Подшоҳларга насиҳат”)[18], “Сиёсат ал-мулук” (“Подшолар сиёсати”). “Туҳфат ул-мулукийя фи-л-одоб ис-сиёсийя” (“Сиёсий одоб ҳақида подшолик туҳфаси”)[19], “Адаб ал-вазир” (“Вазирни одоби”)[20].

III. Адабий ва лисоний асарлари: “Китоб фи ан-наҳви” (“Араб тили грамматикаси”), “Китоб ал-амсал ва-л-ҳикам” (“Масаллар ва ҳукмлар”), “Китоб адаб ад-дунё ва-д-дин” (“Дин ва дунё одоби)[21].

IV. Мовардийга тааллуқли асарлар[22]: “Адаб ал-қози” (“Қозилик одоби”)[23], “Китоб адаб ат-такаллум” (“Нутқ маданияти ҳақида китоб”),

---

Мужаллад нодир охар мин тафсир ал-Мовардий ал-ъруф бин-нукат ва-л-ъуюун. Мақола ал-ктаба ас-сунна. № 9/22. ташриин аввал. 1968. – Б.24-26.

[13] Мовардий. Китоб ал-иқнаъ фи ал-фиқҳи аш-шофиъий. –Миср. 1998.

[14] Мовардий. Аълам ан-нубувва. – Миср. Ал-тбаъ ал-Баҳия. 1319/1958; Мовардий. Аълам ан-нубувва. – Байрут, 1409/1988.

[15] Мовардий. Қавониин ал-визора/Таҳқиқ др. Фуод Абдулмунъим Аҳмад., Муҳаммад Сулаймон Довуд. 2-нашр. Муассаса ал-жомиъа. –Искандария. 1398/1978; Мовардий мин аълом ил-ислом. др. Муҳаммад Сулаймон Довуд., Фуод Абдулмунъим Аҳмад. Муассаса Шаббоб ил-жомиъа. – Искандария. 1398/1978.

[16] Мовардий. Ал-вазорат/Таҳқиқ др. Муҳаммад Сулаймон Довуд Вудд., Фуод Абдулмунъим. – Миср.,1-нашр. 1976.

[17] Мовардий. Китоб тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар фи ахлоқ ал-лак ва сиёсат ал-мулук/Ризвон ас-Саид таҳр. ост. Дорулулум арабия ат-табъа ван-нашр. – Бита. Тарихсиз.; Шу асар.. /Таҳқиқ Муҳий Ҳилол ас-Сарҳон. Мурожаат ва тақдим др. Ҳасан ас-Соъотий. Дор ан-нуҳза ал-арабия. –Байрут. 1981.

[18] Мовардий. Насиҳат ал-мулук. Махтут би-л-ктабат ил-ватания. Париж; Мовардий. Насиҳат ал-мулук/Таҳқиқ,Муҳаммад Жасим ал-Хадити. 1986.

[19] Мовардий. Туҳфат ул-мулукия фи ал-одоб ис-сиёсия/Таҳқиқ др. Фуод Абдулмунъим. – Миср. Тарихсиз.

[20] Мовардий. Адаб ал-вазир/Тақдим ал-Хонжий. 1-нашр. Дор ал-Усур. 1929.

[21] Алави Х. Мовардий ва китаб Адаб ад-дунё. Мажалла ал-улум, 1966, №2.; Мовардий. Адаб ад-дунё ва-д-дин/Таҳқиқ Мустофо ас-Саққо. 3-нашр. Мустофо ал-Бобий. 1955.;Ҳодий ал-Улво. Мовардий ва китоб адаб ад-дунё ва-д-дин. Мақола.жалла. ал-улум ас-сунна. 1966.№11/2. –Б.30-31. тишриин. 1971. –Б.163-165.

[22] 56. –ص..1971 .بغداد .. أدب القاضي، الماوردي

“Китоб маърифат ал-фазоил” (“Фозилларнинг маърифати”), “Китоб ар-рутба фи талаб ал-ҳисба” (“Ҳисба ташкилотининг талаби ҳақида рутбалар китоби”)[24] каби асарлари олимнинг илмий мероси жумласидандир.

Мовардийнинг илмий меросига оид умумий хулоса шуки, унинг асарлари сони 18 та, шундан 13 та асари нашр этилган, 5 та асари кутубхоналарда сақланмоқда, 2 та асари қўлёзмаси бизгача етиб келмаган, балки улар шахсий қўлёзма фондлардан топилиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас албатта. Мовардийнинг 13 та асари қўлёзмаси нашр этилган, улар: I туркумга оид диний: “Тафсир ал-Қуръон”; II туркумга оид ҳуқуқий: “Китоб тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар”, “Аҳком”, “Қавониин ал-визора ва сиёсат ал-мулук”, “Ал-Иқнаъ фи фиқҳи аш-шофеъий”, “Адаб ал-қози”, “Китоб аълом ан-нубувва”, “Китоб ал-амсал ва-л-ҳикам”; “Насиҳат ал-мулук”, “Ал-вазорат”, “Туҳфат ул-мулукия фи ал-одоб ис-сиёсия”, “Адаб ал-вазир”, III туркумга оид лисоний: “Китоб адаб ад-дунё ва ад-дин” каби асарлари нашр қилинган. Мовардийнинг 5 та асари кутубхоналарда қўлёзма ҳолида сақланмоқда: I туркумга оид диний: “Китоб ал-ҳовий ал-кабир; II туркумга оид ҳуқуқий: “Сиёсат ал-мулук”, “Китоб ар-рутба фи талаб ал-ҳисба”; III туркумга оид лисоний-адабий “Китоб адаб ат-такаллум”; “Китоб маърифат ал-фазоил” каби асарлари сақланмоқда. Мовардийнинг бизгача етиб келмаган 2 та асарининг биринчиси I туркумга оид диний “Китоб фи ал-буюъ” ва иккинчиси III туркумга оид лисоний “Китоб фи-н-наҳви” асаридир. Имкон бор экан Абулҳасан Мовардийнинг барча илмий мероси топилишига умид бор, деб ўйлайман. У жаҳоннинг қайсидир кутубхонасида турибди.

Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросига тегишли ана шундай муҳим манбалар қаторига кирувчи “Одоб ал-қози” (“Қозилик одоблари/қонунияти”)[25] асарини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва назарияси, манбашунослик ва тарихшунослик ҳамда тарихий тадқиқот усуллари, ислом тарихи ва манбашунослиги нуқтаи назаридан ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. “Одоб ал-қози” асари асосида Абулҳасан Мовардий ўзи яшаган давргача ақида ва калом илми (ислом ҳуқуқи, усул ал-фиқҳ) таркибида амалда қўлланиб келинган мусулмон давлати бошқарув ҳуқуқи (фуруъ ал-фиқҳ)

---

[23] 56. –ص..1971 .بغداد .. القاضي أدب ،الماوردي Мовардий. Адаб ал-қози//Ношир: Муҳий Ҳилол ас-Сарҳон. Ри'аса диван ал-авқоф, I-II. Бағдод, 1971-1972.

[24] Батафсил ълумот учун қаранг: Изоҳ. № 1. 3.1.

[25] Abulhasan al-Movardiy: Adab al-Qoziy. Ta’lif Abilhasan ‘Ali ibn Muhammad bin Habib al-Movardiy al-Basriy as-Shofe’iy. Al-mutavaffo fi sanatin h.450. tahqiq: Muhiy Hilol as-Sarhon. – Bag’dod: matba’atu al-Irshod, 1971 m./1391 h. I-juz. – 740 c. 1972 m./1392 II-juz. – 800 c.

ҳақидаги амалиётга оид тушунчаларга алоҳида эътибор қаратиб, сиёсий фиқҳ/ҳуқуқ назариясига оид сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган ва ривожлантирган. Шу тариқа ўз даврида бу каби қимматли сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар асосида шаклланган сиёсий фиқҳ мактабига асос солинган.

Ироқдаги Бағдод шаҳри "Мактаба-ул-иршод" номли нашриёт босмахонасида 1971-1972 йиллар оралиғида тадқиқотчи Муҳий Ҳилол ас-Сарҳон томонидан олиб борилган изланишлар натижасида Абулҳасан Мовардийнинг "Одоб ал-қози" асари 2 жилд шаклида дунё юзини кўрди. Замонавий кўринишга эга бўлган мазкур асар қўлёзмасининг турли минтақалар ва кутубхоналаридаги нусхалари илмий жараёнга тортилгани асосида мукаммал бир китоб шакллантирилган.

Абулҳасан Мовардийнинг «Одоб ал-қози» асари қўлёзмалари устида тадқиқот ўтказган олим Муҳий Ҳилол ас-Сарҳон жаҳондаги арабий қўлёзмалар сақланадиган барча кутубхоналар, жумладан: Истанбул, Америкадаги Нью Ҳовфман (Ёйил) университети, Мисрдаги "Дор ал-кутуб" кабилардаги ҳижрий VIII, ҳижрий 690, ҳижрий 620, 639, 924, 636, 745, 450 йилларда турли хаттотлар томонидан битилган қўлёзма нусхалар топилгани ҳақидаги бугунги мовардийшунослик, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихига қизиқувчилар учун ўта қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган илмий хулосаларни жамлай олган. Жумладан:

1) Б (бе) ҳарфий белгили биринчи қўлёзма сифатидаги нусхаси асос қилиб олинган: Истанбул шаҳри Истанбул музей кутубхонасида сақланаётган № 4319 рақам остидаги (махсус рақами: № 772 Кўғушлар) 249 варақдан иборат насх хатида битилган қўлёзмадир. У ҳижрий VIII асрда Қоҳирада ёзилган. Ва ҳоказо.[26]

2) О (мадлик алиф) ҳарфий белгили иккинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Истанбул музейи кутубхонасидаги № 4289- 4295 рақам остидаги (махсус рақами: №769 Султон Аҳмад III) 210 варақдан иборат, ҳижрий 690 йилда насх хатида ёзилган. Ва ҳоказо. [27]

3) Ж (жим) ҳарфий белгили учинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Америкадаги Нью Ҳовфман (Ёйил) университети кутубхонасида махсус рақам № 267/29 остида сақланади, 196 варақдан иборат, ҳижрий 620 йилда насх хатида ал-Хазрамий қалами билан битилган. Ва ҳоказо.[28]

---

[26] Ўша асар – Б.82.
[27] Ўша асар – Б.84.
[28] Ўша асар – Б.85.

4) Ё (йо) ҳарфий белгили тўртинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 501 рақам остида, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. 148 варақдан иборат, сулси жамил хатида ҳижрий 639 йилда ёзилган. Кўчирувчининг исми Абдулкарим бин Али бин Умар бин Муҳаммад ал-Ашъарий. Ва ҳоказо.[29]

5) С (сод) ҳарфий белгили бешинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да биринчи жузининг бўлаги сифатида 41 варақдан иборат № 82 рақам остида, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо.[30]

6) Х (хо) ҳарфий белгили олтинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 83 рақам остида, 223 варақдан иборат, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо.[31]

7) Л (лом) ҳарфий белгили еттинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 190 рақам остида, 188 варақдан иборат, тақрибан 924 ҳижрий санада ёзилган, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо.[32]

8) Т (то) ҳарфий белгили саккизинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 190 рақам остида, 276 варақдан иборат, тақрибан 636 ҳижрий санада ёзилган, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо.[33]

9) Қ (қоф) ҳарфий белгили тўққизинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 449 рақам остида, 218 варақдан иборат, тақрибан 745 ҳижрий санада ёзилган, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. Кўчирувчиси: Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маккий ал-Машҳадий ас-Суютий. Ҳижрий 745 йил. Ва ҳоказо.[34]

10) Ал-Баҳр ҳарфий белгили ўнинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: “Баҳр ул-мазҳаб ли-р-Равиёний”[35] китоби таркибида. Мисрдаги “Дор

---

[29] Ўша асар – Б.87.
[30] Ўша асар – Б.88.
[31] Ўша асар – Б.89.
[32] Ўша асар – Б.90.
[33] Ўша асар – Б.91.
[34] Ўша асар /– Б.91.
[35] Ўша асар – Б.92-93. ар-Равиёний: бу шахс Абулҳасан Мовардийнинг аждодларидан бири бўлиб, асли исми Абулаббос Аҳмад бин Муҳаммад бин Аҳмад ар-Ровиёний ат-Табарийдир. Қози ал-қуззот ва “ал-Журжонийёт” ҳамда “Баҳр ул-мазҳаб ли-р-Равиёний” каби асарлар мусаннифидир. 450 ҳижрий йилда вафот топган. Қаранг: Табақот Ибн ас-Субкий (ал-Ҳусайниййа) 32/3, Табақот Ибн Ҳидоятуллоҳ 54 мўъжам ал-муаллифиин. 69/2.

ал-кутуб”да № 22 рақам остида, 177 варақдан иборат, тақрибан 450 ҳижрий санада ёзилган, фиқҳи Шофеъиййа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо.[36]

Мазкур тадқиқ этилган асар ўз таркибий тузилишига кўра, 1-жузъи: Абулҳасан Мовардийнинг биографияси, библиографияси, ҳаёти ва фаолияти кабилар 1-96 бетлар; “Одоб ал-қози” асарининг матни 97-704 бетлар; 705-734 бетлар мундарижа; тўғирлашлар 735-740 бетларни қамраб олади.

Мазкур асар ўз таркибий тузилишига кўра, 2-жузъи: Абулҳасан Мовардийнинг 1-416 бетлар “Одоб ал-қози” асарининг матни; 417-462 бетлар музей ва кутубхоналар, қўлёзмалар, илмий журналлар, нашр этилган қўлёзма китоблар; 765-466 бетлар хорижий манба ва адабиётлар; 467-549 бетлар машҳур шахслар; 550-708 бетлар фойдаланилган китоблар; 709-бет масал ва ҳикматлар; 741-бет тарихий воқеа ва кунлар; 711-бет энг аввалгилар; 712-724 бетларда Қуръон карим суралари ва оётлари: Оли Имрон, Иброҳим, Исро, Аъроф, Анбиё, Анъом, Анфол, Бақара, Баййина, Таквир, Тавба, Жумъа, Ҳажж, Ҳужурот, Ҳашр, Духон, Даҳр, Роҳман, Рум, Зухруф, Залзала, Зумар, Сажда, Шаъаро, Шўро, Сод, Соффот, Тоҳо, Талоқ, Аъалақ, Аъанкабут, Фотиҳа, Фатҳ, Фуссилат, Фалақ, Қориъа, Қасас, Қиёмат, Каҳф, Луқмон, Моида, Мўминиин, Мужодала, Муҳаммад (ёхуд сурат-ул-қитал), Марям, Муззаммил, Мумтаҳана, Нос, Нажм, Наҳл, Нисо, Намл, Нур, Ҳуд, Ясин, Юнус кабилар шулар жумласидан. 725-761 бетлар Ҳадиси шарифлар, муҳаддислар фиҳристи; 762-770 бетлар алифбе тартибидаги географик жой номлари фиҳристи; 771-778 бетлар Қабилалар ва жамоъалар, мазҳаб ва фиоқаю оқимлар фиҳристи; 779-бет шеърлар ва байтлар фиҳристи; 780- бетлар Абулҳасан Мовардийдан нақл қилинган ўринлар, баъзи китоб ва унинг муаллифлари номи; 788-798 бетлар китоб мундарижаси; 799-800 бетлар нашриёт хатоларини тасвибот/тўғрилашларни қамраб олади.

Хулласкалом, Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари, илмий меросига оид “ал-Аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа” ва “Одоб ал-қози” каби асарлари ўрта асрларда шаклланган бўлса-да, замонамизда ҳам ўз моҳият эътиборини четга сурмаган. Ҳаётий ва ақлий саволларга лаббай, деб жавоб бермоқда.

Мансабдорлар, мутахассислар аллома илмий меросига мурожаат қилиш даражасининг географик кенглик миқёси чексизлик сари

[36] Ўша асар – Б.93.

интилмоқда, десак ҳеч муболаға бўлмас. Бу каби буюк аждодимиз билан қанчалик фахрлансак шунча камдир.

Алломанинг оламшумул асарлари ва илмий меросини хориж тадқиқотчилари сингари Ўзбекистонда ҳам кенг тадқиқ этиш таржималарини нашр этиш давр талабидир.

ҒУЛАМОВА Мавжуда Тошпўлатовна,
Бухоро давлат тиббиёт институти
кимё фанлари номзоди, доцент

АҲМАД ЗИЁУДДИН АЛ- КУМУШХОНАВИЙНИНГ МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРҲЛАРИ

Annotation: *The article is in the work of Kumushkhanavi "Jomi-ul-mutun" Belief of Moturidi, the word of Allah, the sight of God, the universe, obedience, obedience - nothing can affect anything other than Allah. It helps them to be patient and content.*

Key words: *Allah, Holy Quran, prophet, doctrine, faith, human trust, court.*

Аннотация:*Статья находится в творчестве Кумушиханави "Джоми-уль-мутун" Вера Мотуриди, слово Аллаха, зрение Бога, вселенная, послушание, послушание - ничто не может повлиять на что-либо, кроме Аллаха. Это помогает им быть терпеливыми и довольными.*

Ключевые слова: *Аллах, Священный Коран, пророк, учение, вера,доверие человек, суд.*

Инсониятнинг, миллатларнинг маърифий тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга мезон-улар яратган китоблардир.

XIX асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда бутун мусулмон дунёсининг қатор қомусий алломалари, илоҳиёт назариётчилари, машҳур адиб ва шоирлари етишиб чиқган. Улар ўзларининг кашфиётлари яратган асарлари билан дунё илм фани ривожига улкан ҳисса қўшган.

Ўрта Осиё ислом таълимоти ва жаҳон илм-фани ривожига маънавий мероси билан хизмат қилган, аждодлари Бухорои Шарифдан бўлган нақшбандия таълимотини йирик намояндаларидан бири Ахмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий (1813 – 1893 й) тасаввуф, ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида 60 га яқин қимматли ва улуғ асарлар

битган табаррук инсондир[692]. Кумушхонавий таълимотини ўрганиш ислом тарихини ёритишда ёрдам беради. Ахмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий “Ҳидоят йўлининг имоми” ва “Мутакаллимлар имоми” мартабасига муяссар бўлган, Самарқанд калом илмини яратган машҳур аллома Абу Мансур Мотуридий таълимотини ўрганиб, уларни чуқур англаб моҳиятини изоҳлаш мақсадида шарҳлар ёзган.

Мустақиллик берган улуғ неъматлардан бири жуда кўп исломий манбаларнинг ўзбек тилида таржима қилиниб, нашр этилишидир. Ана шулардан бири Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун” номи билан нашр этилган асаридир. “Жомиъ ул-мутун фий ҳаққи анвоис-сифатил илоҳиййа вал-ъақоидил Мотуридиййа ва алфозил куфри ва тасҳиҳил–аъмолил-ъажибиййа”–“Аллоҳ таолонинг анвойи исм-сифатлари, Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилиши ҳақида матнлар тўплами” асарини Мирзо Кенжабек ўзбек тилига ўгириб, 2000 йил Тошкентдаги “Мовароуннаҳр” нашриётидан чоп этди[693]. Ушбу асар жаҳондаги жуда мўътабар манбалардан бўлиб, халқимиз тарихида, маънавий ва маърифий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Асар Мотуридиййа эътиқоди асосида ёзилган бўлиб, унда Имом Аъзам ва Имом Мотуридий асарларидан то XVIII асрга қадар эътиқод ҳақида ёзилган китоблардан матнлар олинган. Китобда Аҳли суннат ва-л-жамоат ақоидига асос бўлган Мотуридийя эътиқоди, яъни соғлом эътиқод тамойиллари ҳамда бузуқ ақидалик оқимларнинг ҳоллари матн ва шарҳлар асосида батафсил баён этилган. Мотуридийя эътиқод таълимини ўз ичига олган. Бизнинг фикримизча, Кумушхонавийнинг ушбу асарини қайта–қайта ўқиган ва моҳиятини англаган киши икки дунё саодатига эришади.

Асарнинг биринчи бўлими “эътиқод” деб номланган. Бўлимдаги олтинчи қисмга “Имом Мотуридийнинг эътиқод борасидаги кенг изоҳоти” келтирилган. Унда Имом Мотуридийнинг эътиқод борасидаги фикрлари Кумушхонавий томонидан шарҳланган.

---

[692]Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал Кумушхонавий //“Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: “НавДПИ”, 2019. 8 б.

[693] Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий //“Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: “НавДПИ”, 2019. Б-1

Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсавий (қ.с.)нинг “Авроди Қуръоний” китобларини Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий ўзбек тилига ўгириб, 2005 йил Тошкент “Мовароуннаҳр” нашриётидан чоп этган. “Авроди Қуръоний” китобнинг биринчи бўлимида шайх Ахмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг “Аҳли суннат вал-жамоат эътиқоди. Имом Мотуридий (р.а.)нинг эътиқод хусусидаги изоҳоти”нинг таржимаси, шарҳ ва изоҳлари келтирилган[694]. Ҳар иккала манбада ҳам Имом Мотуридийнинг эътиқод борасидаги изоҳотининг таржимаси, шарҳи ва изоҳлари мазмун жиҳатидан бир хил.

Аҳли суннат ва-л-жамоат ақидасининг барча доираси икки қутб мутакаллимларининг таълимотига асосланган. Уларнинг бири Абул Ҳасан Ашъарий, иккинчиси Имом Абу Мансур ал Мотуридийдир. Кимки улардан бирига эргашса ҳидоятга эришади ва ўз ақидасида адашиш, бузуқликдан саломат бўлади.[695]

Аҳли суннат ва-л-жамоат амалда, ибодатларни бажаришда:

Ҳазрати Имоми Аъзам Абу Ҳанифа;

Ҳазрати Имоми Шофиъий;

Ҳазрати Имом Молик.

Ҳазрати Имом Аҳмад ибн Ҳанбалга эргашганлар.

Ислом оламида ал-Мотуридий яшаган даврда эътиқод масалаларида бир-бирига қарама-қарши ғоялар ўз таъсирини кўрсатган. Абу Мансур ал-Мотуридий мусулмонларни эътиқодий ҳукмлар бузуқлигидан қутқарган. Эътиқодий ҳукмлар деганда мусулмон кишининг ишониши, қалбини уларга мустаҳкам боғлаши лозим бўлган ҳукмлар тушунилади.

Кумушхонавий “Жомиъ ул-мутун” асарида Мотуридийнинг иймон, Қуръони карим Аллоҳнинг каломи, Аллоҳни кўз билан кўриш, коинот, итоат этмоқ, истиътоат, ҳеч бир нарсага Аллоҳдан бошқаси таъсир этолмайди, мақтул, ҳаром, сакароти мавт, жаннат ва жаҳаннам мавжуд, Жаноб пайғамбаримизнинг меърожи тўғрисидаги эътиқод изоҳоти ва унга муаллифнинг шарҳлари келтирилган.

Тадқиқотимиз натижаси аниқладикки, Кумушхонавий матнларни шарҳлашда уч хил услубдан:

1. Қуръони карим оятлари;

2. Ҳадиси шариф;

---

[694] Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Авроди Қуръоний. Таржимон: Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий. –Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2005. Б. 13-24

[695] Комилов Дарвон. Мотуридия ва ашъария таълимотларида имон масаласидаги фарқлар.-Т.: Ped kutubxona. uz интернет сайти 2011. Б. 26

3.Ўзининг мантиқий фикларидан фойдаланган.

Мотуридийнинг юқоридаги масалаларга оид фикри ва унга Кумушхонавий томонидан ёзилган шарҳларнинг айримларини таҳлил етамиз.

Манбада ёзилишича, Мотуридий иймон тўғрисида қуйидаги фикрларини билдирган: “Иймоннинг шартлари олтитадир: Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қазо қадарга- яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан эканлигига ишонмоқдир”[696].

Мотуридийнинг иймон тўғрисидаги фикрларига Кумушхонавий қуйидаги шарҳни ёзганлар: “Аҳли суннат эътиқодига кўра хайр ва шаррнинг (яхшилик ва ёмонликнинг) холиқи Аллоҳдир. Муътазила фирқаси фикрича, Аллоҳ шаррни (ёмонликни) на тақдир қилган ва на у билан ҳукм этар эмиш. Агар шарр (ёмонлик) билан ҳукм этса-ю, кейин азоб берса, зулм қилган бўлар эмиш, ҳолбуки, Аллоҳ таоло зулмдан муназзаҳдир. Аҳли суннатнинг Муътазила фирқасига берган жавобларидан бири ва энг муҳими ушбудир: Аллоҳ ёмонлик билан ҳукм қилади деган гап ҳеч кимга маълум эмас. Амр ва наҳийлари (буйруқ ва қайтариқлари) эса очиқ равшандир. Бунга бўйсунмаганлар эса, албатта, азоб кўради”.

Кумушхонавий ўзининг “Ромузул аҳодис” (Ҳадислар денгизи) асарида Мотуридийнинг иймон тўғрисидаги фикрларини исботловчи қуйидаги ҳадисларни: Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳазрати Убайд ибн Амийр (р.а.)дан: ”Иймоннинг афзали сабр қилмоқлик ва ўз ҳақининг бир қисмидан воз кеча билмоқликдир”. Яна бир ҳадиси шарифда ҳазрати Убодаҳ ибн Сомит (р.а.)дан: “Иймоннинг афзали қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳ таъоло ҳозиру нозир Зот эканлигини билмоқлигингдир”. (Табароний, Абу Нуъайм ривояти)[697].

Мотуридий Қуръони карим тўғрисида қуйидагиларини билдиради: “Қуръони карим Аллоҳнинг каломидир, махлуқ (яралмиш) эмас. У мусҳафларда (саҳифаларда) ёзиғлиқ, қалбларимизда маҳфуз (сақланган)дир. Тилимиз билан ўқиймиз, қулоғимиз билан эшитамиз. Қуръони каримнинг ҳаммаси улуғлик ва фазилатда баробардир. Фақат баъзи ояти карималар зикр жиҳатидан, яъни лафз жиҳатидан фазилатлидир. Кофир ва фожирларнинг қиссаларини баён этган ояти

---

[696] Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун. Таржимон Мирзо Кенжабек. -Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. Б.62

[697] Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий, “Ромузул - аҳодис” – Ҳадислар денгизи. Таржимон Баҳриддин Умрзоқ, -Т.: “Мовароуннаҳр”, 2007. Б. 307

жалилалар каби. Баъзи ояти карималар эса ҳам лафз, ҳам мавзуи (мазмуни) жиҳатидан фазилатга эгадир. Оятал - Курсий ва “Ихлос” суралари каби.

Аллоҳнинг исм ва сифатлари эса фазилат ва улуғликда баробардир. Ораларида фарқ йўқ.

Қуръони каримда зикр қилинган пайғамбарлар, солиҳ кишилар, Иблис ва Фиръавн каби исмларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг каломидир, улардан хабар берадиган оятлар уларнинг сўзи эмас, Қуръони каримдир”[698]. Кумушхонавий Қуръони карим тўғрисида айтган Мотуридий фикрига қуйидаги шарҳни беради: “Қуръони карим Аллоҳ таолонинг калом сифатидир. Махлуқ (яралмиш) эмас ва ҳодис (янги пайдо бўлган) эмас. Қуръони карим ҳарф, товуш ва парчалардан ҳам ташкил топган эмас. У бир маънодир. Аллоҳ таоло товушларни ва ҳарфларни яратганидан кейин, бу маънони Жаброил (алайҳиссалом) парда ортидан тинглаган ва ёд олган. Кейин у ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)га, Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса саҳобаи киромларга, улар тобеъинларга етказдилар ва тобеъиндан эса бизларга қадар нақл қилинди. Қуръони карим ибронийча ёки сурёнийча эмас, Қуръони каримнинг арабий қилиб нозил қилиниши Аллоҳнинг каломига далолат этмоғи учундир. Қуръони каримнинг ҳарфлари ва товушлари-махлуқдир яралмишдир. Ёзувли бўлган нарса эса махлуқ эмас. Қуръони каримни махлуқ, (яралмиш) деган кимса кофир бўлади”[699]

Аллоҳни кўз билан кўриш тўғрисида Мотуридийнинг қуйидаги фикри асарда келтирилган: “Аллоҳни кўз билан кўриш ақлан жоиз, нақлан ҳам собитдир. Макон, жиҳат (томон), рўбарўлик, туташмоқлик (ёндашлик), масофа белгилаш, ўхшатиш, кайфият ва иҳота (қамров) бўлмасдан Аллоҳ кўрилади”[700]

Бу изоҳотга Кумушхонавийнинг қуйилаги шарҳлари келтирилган: “Аллоҳ таолонинг бандалари томонидан кўрилмоғи ва тажаллий этмоғи

---

[698] Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал - Кумушхонавий //“Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: “НавДПИ”, 2019. Б. 62-63.

[699] Ўша асар. Б.63

[700] Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал -Кумушхонавий //“Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: “НавДПИ”, 2019. Б. 63.

биз (аҳли суннат)нинг эътиқодимизча, бирдир. Дунёда Тури Синода ҳазрати Мусо (алайҳиссалом)га тажаллий этгани каби охиратда ҳам мўъминларга кўрингайдир. Чунки жаноби Ҳақ мавжуддир. Мавжуд нарсанинг кўринмоғи муҳол (номумкин) эмас. Бу борадаги ояти жалила ушбудир: “У кунда (мўъминларнинг) юзлари ял-ял яшнаб, Роббиларига боқиб тургувчидир!..” (Қиёмат сураси, 22- 23 оятлар).

Дунёда мўъминлар тўлин ойни кўриб турганларидек, охиратда ҳам, шак-шубҳасиз. Аллоҳни кўргайлар. Кимки Аллоҳни кўзи билан эмас-у, қалби билан кўради, деб даъво қилса, залолатга тушган бўлади. Мана бу ояти каримадаги “зиёда” калимаси Аллоҳни кўз билан кўрмоқ маъносида деб тафсир қилинган: “Чиройли амал қилган (эҳсон мартабасига етишган) зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъмат бордир”.(“Юсуф” сураси, 26 оят)”[701].

Кумушхонавийнинг зикр асарларида Мотуридийнинг итоат этмоқлик тўғрисидаги қуйидаги фикрлари келтирилган: “Итоат этмоқ ҳар кимнинг зиммасида вожиб. Ва бу ҳам фақат Аллоҳнинг амри, севмоғи, ризоси, иродаси, қазоси, ҳукми, илми, яратмоғи ва тавфиқи билан бўлади. Исён қилмоқ эса Аллоҳнинг илми, қазоси, тақдири, яратмоғи ва ҳукми биландир, севмоғи, ризоси ва амри билан эмас.

Нафл ибодатлар эса Аллоҳнинг амри эмас. Фақатгина Унинг севгиси (муҳаббати), ризоси, иродаси, қазоси, илми, яратмоғи, тавфиқи ва ҳукми билан бўлади.

Савоб Аллоҳнинг бир лутфидир, азоб эса унинг адолатидир.

Бунинг шундай бўлмоғи, банда буни ўзига ҳақ қилганидан (шунга мустаҳақ бўлганидан) ёки Аллоҳ учун вожиб бўлгани туфайли эмас. Аллоҳ бандаларига яхши амалнинг муқобили бўлган савобни қат-қат қилиб беради. Бу Аллоҳнинг бандаларига бўлган бир лутфидир”[702].

Кумушхонавийнинг бу фикрга шарҳи қуйидагича: “Аллоҳ таолонинг ҳукми тўрт хил: Тоат билан ҳукм қилиш, маъсият билан ҳукм қилиш, неъмат билан ҳукм қилиш, шиддат (қийинчилик) билан ҳукм қилиш. Аллоҳ таоло бандасига итоатни ҳукм этса, банда ҳам ихлос билан бу ҳукмни қаршиласа, Аллоҳ унга ёрдам қилади. Бу хусусидаги ояти жалила ушбудир: “Бизнинг йўлимизда мужоҳада қилган - курашган зотларни, албатта, ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир”. (“Анкабут” сураси, 69-оят).

---

[701] Ўша асар. Б.64

[702] Ўша асар. Б.65

Аллоҳ таоло бандасига маъсияни ҳукм қилса, банда эса буни тавба ва пушаймонлик билан қаршиласа, авфга сазовор бўлади. Бу борадаги ояти жалила ушбудир: “Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади”. (“Бақара” сураси, 222-оят).

Аллоҳ бандасига неъматни ҳукм қилса, банда ҳам бу неъматга шукр билан жавоб берса, Аллоҳ эҳсон ва икромини орттиради. Бу хусусдаги нақлий далил ушбудир: “Эсланг, яна Раббингиз (Сизларга) шуни билдирган эди: “Қасамки, агар берган неъматларим учун шукр қилсангизлар, албатта (неъматларингизни) орттирурман. Қасамки, агар куфрони неъмат қилсангизлар, шубҳасиз, азобим жуда қаттиқдир”. (“Иброҳим” сураси, 7-оят).

Аллоҳ таоло бандасига шиддатни ҳукм қилса, банда эса ризо ва сабр билан муносабатда бўлса, ажрини охиратда олади. Бу хусусга нақлий далил сифатида ушбу маънодаги ояти жалила келтирилган: “Ҳеч шак-шубҳа йўққи, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлар ҳисобсиз тўла-текис қилиб берилади”. (“Зумар” сураси, 10-оят).

Иймон ва ҳидоят Аллоҳнинг фазлидан, куфр ва залолат эса адлидандир. Фазл ва адл Аллоҳнинг сифатларидандир. Ҳеч бир кимса Аллоҳ таолони зулм ва хато (қилмоқлик сифати) билан васф эта олмайди. Бундай ҳаракат ҳамоқат-аҳмоқликдир. Бандаларнинг зиммасига тушган нарса таслимиятдир. Бу борадаги ояти жалила ушбудир: “У (Аллоҳ) Ўзи қиладиган бирор нарса учун масъул бўлмас, улар (бандалар эса) масъул бўлурлар”. (“Анбиё” сураси, 23-оят).

Аллоҳ таоло бандалари қилган яхшиликларга ортиғи билан, қат-қат яхшиликлар ато этади. Бу хусусда Қуръони Каримда бундай марҳамат қилинган: “Ким бирор чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб (қайтарилур). Ким бирор ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробарида жазоланур. Ва уларга (яхшилик қилганларга ҳам, ёмонлик қилганларга ҳам) зулм қилинмас”. (“Анъом” сураси, 160-оят). Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳам бундай марҳамат қилганлар: “Инсон фарзандининг қилган яхши амаллари ўн баробардан етти юз баробарга қадар даража топади”[703].

Мотуридийнинг истиотъат тўғрисида бундай деганлари манбада келтирилган: “Истиотъат (куч, иқтидор, бирор ишга кучи етмоқлик) банданинг бирор ишни қилмоққа кучи етмоғи сабабларига, воситаларга ва

[703] Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал - Кумушхонавий //“Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: “НавДПИ”, 2019. Б. 66

таклиф этилган ишнинг қилиниб, қилинмаслигига боғлиқ. Банда кучи етмаган нарсага масъул эмас.

Ургандан кейин пайдо бўладиган алам, бир шишага урилгандан кейин ҳосил бўладиган синиш, бировга зарба ургандан кейин юз берадиган ўлим ва шунга ўхшаш ҳодисалар Аллоҳнинг яратмоғи билан воқеъ бўлгандир. Буларни яратмоқликда бандaнинг ҳеч бир раъйи йўқ. Банда феъллари, бажармоғи, иқрори, маърифати ва тасдиқи билан махлуқдир".

Мотуридийнинг ститоъатга доир фикрларига Кумушхонавийнинг шарҳи қуйидагича: Қудрат иккига бўлинади:

1. Аъзонинг (аъзойи баданнинг) амални бажара олмоғи учун қудратни қабул қила оладиган сиҳҳатга (соғлиққа) эга бўлишидирки, бу феъл майдонига келмасдан олдинги ҳол бўлиб бизнинг (аҳли суннатнинг) фикримизча, мукаллаф (ибодатга қодир) бўлмоқликнинг шартидир: Бу борадаги ояти жалила ушбудир: "…ва йўлга қодир бўлган кишилар мана шу Байтни ҳаж-зиёрат қилмоғи Аллоҳнинг инсонлар зиммасидаги ҳаққидир". ("Оли Имрон" сураси, 92-оят[704]

2. Феъл билан бирга бўладиган қудратдирки, Аллоҳ буни жонзотларда феъл бажариладиган онда вужудга келтиради. Бундай савол туғилиши мумкин:

Қудратни феъл онида (яъни амални бажариш онида) бандага бериладиган Аллоҳ бўлганидек, шарр (ёмонлик), хайр (яхшилик), куфр, иймон ҳам Аллоҳнинг тақдири, тавфиқи ва хизлони (ёрдамсиз қолдириши) билан бўлади. Шундай бўлса., инсон нима учун савобга ёки азобга мустаҳақ бўлади?

Бериладиган жавоб ушбудир: амр (буюриш), наҳий (қайтариш), қудрат, қувват Аллоҳдандир. Амрга (буйруққа) ижобат этиб - жавоб бериб, наҳийдан (қайтариқдан) тийилмоқ, ишламоқ, ишлаб топмоқ ва азм этмоқ бандадандир. Бандада ғайрат, азм, қасд, иқтисод (касб-кор қилиш) бўлади, Аллоҳ эса унга бажариш қудратини беради.

Аллоҳ бандага қудратни унда ғайрат, азм, қасд, иқтисоба (касб қилиш) бор бўлган пайтда беради ва шундай қилиб, феъл майдонга келади. ("Баҳр ул-калом").

("Банда феъллари, (бажармоғи), иқрори, маърифати ва тасдиқи билан махлуқдир"). Бу хусусда Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилган:

---

[704] Гуламова М.Т. Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал - Кумушхонавий //"Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий-маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 – китоб, – Навоий: "НавДПИ", 2019. Б. 66

“Ҳолбуки, сизларни ҳам, қилган амалларингизни (қилиб олган нарсаларингизни) ҳам Аллоҳ яратгандир”. (“Соффат” сураси, 96-оят)[705]

Аллоҳнинг бу яратмоғи, қудратини ва сунъини (санъатини) изҳор этмоқ учундир. Ҳаргиз уларга ва уларнинг ёрдамига муҳтож бўлганидан эмас”[706].

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий Мотуридийнинг асарларини чуқур ўрганиб шарҳ ёзган.

2. Мустақиллик йиллари таржима бўлган: 2000 йилда Тошкент, Мавароуннаҳр нашриётидан Мирзо Кенжабек таржималари асосида Зиёвуддин Аҳмад ал-Кумушхонавийнинг “Жомеъ ул-мутун” (Аллоҳ таолонинг анвойи исм сифатлари, Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилиши ҳақида матнлар тўплами), 2005 йил шу нашриётдан Баҳриддин ибн Сафар ан Нурий ал-Ҳанафий таржималари Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсавийнинг “Авроди Қуръоний” асарларида Имом Мотуридийнинг эътиқод борасидаги кенг изоҳоти ва унга Кумушхонавийнинг шарҳлари келтирилган. Кумушхонавий шарҳлашда уч хил услубдан фойдаланган:

1.Қуръони карим оятлари асосида;

2. Ҳадиси шариф асосида;

3. Ўзининг мантиқий тафаккури асосида хулоса ва ҳукмлар чиқарган.

Кумушхонавий Мотуридийнинг иймон, Қуръони карим Аллоҳнинг каломи, Аллоҳни кўз билан кўриш, коинот, итоат этмоқ, иститоъат, ҳеч бир нарсага Аллоҳдан бошқаси таъсир этолмайди, мақтул, ҳаром, сакароти мавт, жаннат ва жаҳаннам мавжуд, Жаноб пайғамбаримизнинг меърожи тўғрисидаги эътиқод ғояларини шарҳлаганлари ҳозирги кунда долзарб масаладир. Унинг шарҳлари ёшларни тарбиялаш жараёнида шукроналик, сабр, қаноат фазилатларини шакллантиришга ёрдам беради. Алломанинг асарларини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этиш халқимизни ислом маърифатини ўрганишига ёрдам беради.

[705] Ўша асар. Б.67
[706] Ўша асар. Б.67

МУРАТОВ Дониёр Маҳаматвалиевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
***«Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO»* кафедраси доценти**

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН МУҲАДДИСЛАР

Аннотация: *В этой статье вы узнаете о некоторых мухаддисах, которые выросли в нашей стране, таких как Абдулла Субазмуни, Абул Муайяд Хорезми. Также рассказывается об их работе по науке хадисов. Мухаддисы осветили связанные аспекты культуры с исламом в Центральной Азии с помощью своих статей в науке хадисов.*

Ключевые слова: *Мухаддис, хадис, асар, муснад, хафиз.*

Annotation: *In this article, you will learn about some muhaddises that have grown in our country, such us Abdullah Sabazmuni, Abdul Muayyad Khorezmi. There is also told about their work on the science of hadith. Muhaddises brightened connected aspects of culture to Islam in Central Asia through their articles in the science of hadith.*

Key words: *Muhaddis, hadis, asar, musnad, hafiz.*

Юртимизда жаҳон тамаддунига ва Марказий Осиё ҳудудида ислом маданиятини тарқатишга ўзининг ҳадис илмига оид асарлари билан ҳиссаларини қўшган кўплаб муҳаддислар етишиб чиққан. Улар орасидан имом Доримий, имом Абд ибн Ҳумайд, имом Бухорий ва имом Термизийларни алоҳида санаб ўтиш мумкин. Шу билан бирга баъзи муҳаддислар ҳам бўлганки улар юқоридаги олимлардан камроқ танилган ёки асосан бошқа соҳада қалам тебратган бўлсаларда, ислом илмларига айниқса, ҳадис илмига оид китоблари билан танилганлар.

Улардан бири Абдуллоҳ Субазмуний (258/872-340/952) бўлиб, унинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Абу Муҳаммад Субазмуний Ҳорисий Калобозийдир. У Имом, ҳофиз, фақиҳ унвонлари билан танилган.

Субазмуний 258/872 йили Бухоронинг Субазмун қишлоғида таваллуд топган[707]. Ёшлиги Бухорода ўтган. Таълимни ҳам ўша ерда олган.

[707] Нажмиддин ‘Умар ан-Насафк. Ал-Қанд фк йикр ‘уламо’ ас-Самарқанд. Нашр жойи кўрсатилмаган. – Б. 195.

Хуросондан Ҳижозгача бўлган жойларга сафар қилиб, ҳадис, фиқҳ, Қуръон ва бошқа соҳаларда ўз билимини оширган.

Отаси – Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ва амакиси Жаброил ибн Яқуб ибн Ҳорислардан таълим олган. Шунингдек, Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ Шайбоний Бухорий каби олимлардан ҳадис ва бошқа илмлардан дарс олган. Устозлари бухоролик машҳур ҳанафий олим Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абу Ҳафс Сағирдан дарс олган.

Унинг шогирдлари қаторига Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Каморий, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Калобозий Ҳофиз. Шогирдларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Каморий Мовароуннаҳрда фиқҳ илми ривожига катта ҳисса қўшган.

Субазмуний берган маслаҳат ва фатволарида хато бўлмагани учун «Устоз» лақабини олган. Ўз даврида саройда фиқҳ ва тилшунослик билан шуғулланган ҳам манбаларда учрайди[708].

Муҳаддис Валиюллоҳ Деҳлавий «Интибоҳ мин асҳоб вужуҳ» номли рисоласида «Шамс Аимма Ҳилвоний олдинги олимлардан бўлиб, таржиҳ аҳлидан (ҳукмларни ҳеч кимга таянмасдан чиқарувчи киши) эди. Шунингдек, Абу Али Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунийларнинг барчалари «асҳоб вужуҳ» (эътиборли кишилар) тоифасидан бўлиб, ҳанафий фақиҳлари доимо уларга таяниб иш кўрадилар» деган.

Манбаларда Абдуллоҳ Субазмунийга нисбатан «лаҳу тасаниф»[709], яъни унинг бир неча асарлари бор, дейилган бўлсада, фақат икки асари маълум. Улар «Муснад Аби Ҳанифа» ва «Кашф осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» асарларидир. «Ал-Муснад» асарида Абу Ҳанифа устозларидан келтирган ҳадисларни жамлаган. Иккинчи асарида эса, Абу Ҳанифа маноқиби билан бирга Абу Ҳанифа ривоят қилган ҳадисларни ҳам тўпланган. Бу икки асарда имом Абу Ҳанифанинг муҳаддислик жиҳатларини кўрсатилган.

Абдуллоҳ Субазмуний 340/952 йили шаввол ойининг 5-жума (4 март) кунида вафот этган.

---

[708] Абдулкарим ас-Сам‘онк. Ал-Ансоб. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмкйа, 1998. – Ж. 1. – Б. 133.

[709] Муҳаммад Амин ал-Урказаий. Масонид имам Аби Ҳанифа. –Карачи: Батрак Сентр, 1978. – Б. 105.; Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Мизон ал-иътидол фи накд ар-рижол. Шаҳри кўрсатилмаган. Дор иҳя ал-кутуб ал-арабийа, 1963. – Ж. 2. – Б. 496.

Бухоронинг яна бир улуғ олими Абу Бакр Калобозий (…-380/990) бўлиб, унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Яъқуб Абу Бакр Калобозий Бухорийдир[710]. Манбаларда унинг исми борасида тортишувлар борлиги ҳақида айтилади. У Ҳофиз, Тожуддин, Тож ал-ислом каби лақаблар билан ҳам танилган.

Туғилган йили номаълум бўлса-да, Абу Бакр Калобозий Бухорои шарифдаги «Калобод» маҳалласида таваллуд топган. Гарчанд ёшлик йиллари, умуман ҳаёт йўли ҳақида ёзма манбаларда жуда кам ёзилган бўлсада, устозлари ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган. Имом Абу Бакр кўплаб олимлардан дарс олган. Унинг энг асосий устози Муҳаммад ибн Фазл Калобозий ҳисобланади. Ундан фиқҳни ўрганган.

Калобозий ҳаёти ҳақида тасаввур берувчи манбаларда шогирдлари борасида маълумот деярли учрамайди. Аммо олимлар улардан баъзиларини аниқлашга муваффақ бўлганлар. Жумладан, шайх Аҳмад ибн Али Абу Наср Маймурғий, Али ибн Аҳмад ибн Хонбож, Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Абу Бакр Исфаҳоний (машҳур муҳаддис Хатиб Бағдодийнинг шайхларидан).

Абу Бакр Калобозий кўп ҳадисларни ёд биладиган муҳаддис сифатида шуҳрат қозонган. Баъзи олимларнинг ёзишича, Абу Бакр Калобозий юз мингдан кўпроқ ҳадисни ёд билган. Шу боисдан бўлса керак, таниқли араб олими Зириклийнинг «ал-Аълом» асарида Абу Бакр Калобозий ҳақида «мин ҳуффоз ал-ҳадис» (ҳадис ҳофизларидан) деб таъриф берилган. Абу Бакр Калобозий, шунингдек, ўзига хос усулий олим, тасаввуф тарихининг беназир тадқиқотчиси сифатида машҳур бўлган.

Олим бир неча асар ёзган бўлсада, ундан иккитаси бизгача етиб келган ва улар жуда машҳурдир. Бири ҳадис илмига оид бўлиб, у «Маъоний ал-ахбор» номи билан танилган «Баҳр ал-фавоид» асаридир. Бу асарни Камолиддин Закий таҳқиқ қилиб икки жилдда нашр эттирган (2008 й.) ва унда одоб-ахлоқ ва тарбиявий масалаларга оид 1278 та мухтасар ҳолда шарҳланган ҳадиси шарифни 222 бобда келтиради. Кейинги асари тасаввуфга доир бўлиб, «ат-Таарруф ли мазҳаб аҳли тасаввуф» деб номланади.

Муҳаддис Бухорода 380/990 йили вафот этган.

---

[710] Қураший. ал-Жавоҳир ал-музиййа фи табақот ал-ҳанафиййа. –Қоҳира: 1993. Ж. 4. – Б. 105.; Ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийа. – Бағдод: Мактабат ал-мусанно, 1962. – Б. 333.; Ҳожи Халифа. Кашф аз-зуннун ан асоми-л-кутуб ва-л-фунун. – Истанбул: Мактаба Ибн Таймийа, 1941-43. – Ж. 1. – Б. 104, 348; Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баиййа фи тарожим ал-ҳанафийа. – Байрут: 1998. – Б. 161, 234.

Хоразмдан етишиб чиққан олим Абул Муаййад Хоразмий (593/1197-655/1257) бўлиб, унинг тўлиқ исми Абу Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳасан Хоразмий Таржимоний Ҳанафийдир. У Фақиҳ, хатиб унвонлари билан танилган[711].

У Хоразмда туғилиб, шу ерда ижод қилган. Эрон, Ироқ, Шом, Миср диёрларида бўлган.

Асосий устози Муваффақ ибн Аҳмад Хоразмий (ваф. 568/1172 й.) ҳисобланади. Бу устози ҳанафий фақиҳларидан бўлиб, Хоразм хатиби лақабини олган фақиҳ ва муҳаддис, шунингдек, Замахшарийнинг халифаси (ўринбосари) бўлган. Олим бу устозининг кўплаб ривоятларини ўзининг «Жомеъ масонид Аби Ҳанифа» асарида келтирган. Маҳмуд Замахшарий (ваф. 538/1144 й.) ҳам унга устозлик қилган.

Жомеъ масжидида хатиблик фаолиятини олиб борган. Дамашқда ҳадис ривоят қилган ва вафот этгунча Бағдодда дарс берган.

Олимнинг бир қанча асарлари мавжуд. Энг машҳури «Жомеъ ал-масонид» асари ҳисобланади. Бу асар ҳанафий мазҳаби олимларининг имом Абу Ҳанифа томонидан ривоят қилинган ҳадис китоблари асосида жамлаган.

Шунингдек, «Маноқиб Али ибн Аби Толиб», «Маноқиб Имом Абу Ҳанифа», «Мақтал ал-Ҳусайн» ва «Девону шеър» каби асарлар муаллифи ҳисобланади.

Манбаларда унинг вафот этган санаси турлича 665/1267 ва 655/1257 йиллар берилган. Ҳожи Халифа унинг вафотини 655/1267 йил деб кўрсатади. Хайриддин Зирклийнинг «ал-Аълом» асарида эса унинг яшаб ижод этган санасини 593/1197-655/1257 йиллар экани келтирилган.

Хоразмнинг яна бир буюк фарзанди Маҳмуд Замахшарий (467/1075-538/1144) бўлиб, унинг тўлиқ исми Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад (баъзи манбаларда Муҳаммад) Абул Қосим Замахшарий. Муфассир, тилшунос, адиб. Имом Заҳабий «ал-Муин фи табақот ал-муҳаддисин» асарида бу муҳаддисни ҳижрий 450 йилгача бўлганлар табақасидан эканини кўрсатган.

Аввалига отасидан таълим олади. Кейинчалик Бухоро ва Самарқандда ўқийди. Хуросон, Ироқ, Ҳижоз шаҳарларида бўлган.

[711] Муҳаммад Амин ал-Урказаий. Масонид имам Аби Ҳанифа. –Карачи: Батрак Сентр, 1978. – Б. 103-104.

Олимлар уни «Хоразм фахри», «Араб ва ажамнинг устози» деб улуғлаганлар, шунингдек унга «Жоруллоҳ» (Аллоҳнинг қўшниси) лақабини берганлар.

Тарихчи Самъоний: «У бирор шаҳарга кирса, одамлар унинг атрофида тўпланишарди. Одамлар унга шогирд тушишган. Насаб бўйича аллома эди», деган.

Олим ўз ҳаёти даврида 50 та асар ёзади. Аксарияти тилшуносликка оиддир. Ҳадис илмига оид «ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» ҳамда «Муштабиҳ асоми ар-рувот» асарлари унинг ҳадис илмида ҳам билимдон эканини кўрсатади.

Олимнинг «ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» асари алифбо тартибида қофиясига келтириб ёзилган. Аммо сўзнинг иккинчи ҳарфи тартибга олинмаган, масалан, жадал (баҳс, мунозара) сўзи жадаф (қабр) сўзидан олдин келган. Баъзи ўринларда бир сўз иккинчи марта такрорланиб изоҳ берилган, масалан, журар (из) икки ўринда қўлланилган.

Замахшарий 538/1144 йили 69 ёшида Урганчда вафот этади.

Насафнинг қомусий олими Абу Ҳафс Насафий (461/1068-537/1142) ҳам ҳадис илмига катта ҳисса қўшган. Унинг тўлиқ исми Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Лукмон Абу Ҳафс Ҳанафий Насафий Самарқандий бўлиб, Нажмиддин лақаби билан машҳур бўлган ва ҳофиз, фақиҳ, муфассир унвонларига эга.

У Насафда туғилган ва илк таҳсилни шу ерда олган.

Олим 30 ёшидан сўнг дастлаб Самарқандга сафар қилган ва умрининг асосий қисмини шу ерда ўтказган. Самарқандда бир муддат яшагандан кейин ҳажга боришни ният қилиб йўлга чиқади ва Маккага боргунча Хуросон, Эрон, Ироқ, Ҳижозда бўлиб, у ердаги олимлар билан илмий баҳслар қилган.

Олимнинг ўзи берган маълумотларга кўра, яъни «Шайхларим 550 киши» деганидан устозларининг ададини билиш мумкин.

Илм олиши (қобилияти) ва илми (билим доираси)га келсак, Абу Ҳафс Самарқанддаги «Дорул Жузжония» мадрасасида таҳсил олган ва бу ерда олим бўлиб етишган.

Абу Ҳафс барча соҳалар бўйича жуда кўп асарлар ёзиб қолдирган. Манбаларда асарлари юздан ортиқ экани зикр қилинган. Ҳадис бўйича имом Бухорий «Саҳиҳ»ига «ан-Нажоҳ фи шарҳ ахбор китоб ас-сиҳоҳ» номли шарҳ ёзган. Шунингдек, олимнинг яна бир «Матла ан-нужум ва мажма ал-улум» номли асари қомусий манба ҳисобланади. Унда 57 асар

ўрин олган. Улар Қуръони карим, ҳадис, тарих, калом, фирқалар тавсифи, ахлоқ, усулул фиқҳ, ҳанафий фиқҳи, ҳужжат тузиш намуналари, филология, математика ва табиатшунослик соҳаларига бағишланган.

Ҳадис илми бўйича ёзилган бошқа асари «ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд»да Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган уламоларнинг номлари ҳақидаги маълумотларни алифбо тартибида ҳамда ҳадис ривоятларини жамлаган. Бу асарда 950дан ортиқ ҳадислар мавжуд.

537/1142 йил Самарқандда вафот этган. Қабри Чокардиза қабристонида. Имом Мотуридий қабри ёнига дафн этилган.

Шошнинг ўғлонларидан бири муҳаддис Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (258/872-335/947) бўлиб, унинг тўлиқ исми Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (Шурайҳ) ибн Маъқил Абу Саид Шоший Бинкасий Туркий Маъқилий. У адиб, раҳҳол-сайёҳ, ҳофиз ҳисобланган. Манбаларда имом Шошийнинг туғилган йили аниқ берилмаган. Шундай бўлсада, устози Исо ибн Аҳмад Асқалоний 268/882 йилда вафот этган. Агар имом бу йили чамаси 10 ёшларида бўлса, 258/872 йиллар атрофида туғилган бўлади.

Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз, Балх, Бағдод, Асқалонда ўз илмини оширган.

Имом Шоший ҳофиз, ишончли ровий бўлган. Тарихчи Ёқут Ҳамавий: «Имом, ҳофиз, раҳҳол-саёҳатчи, адиб бўлган эди», деган.

Имом Заҳабий эса, шундай деган: «Имом, ҳофиз, муҳаддис, сиқа, раҳҳол. Мовароуннаҳр муҳаддиси».

Муҳаддис Муҳаммад ибн Тоҳир Қайсароний: «Шоший – ҳофиз, ишончли муҳаддис – Абу Саид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Шурайҳ ибн Маъқал Маъқалий Шоший Мовароуннаҳр муҳаддиси», деган.

Олимнинг манбаларда қайд этилган асари «ал-Муснад ал-кабир» эканини Қайсаронийнинг: «ал-Муснад ал-кабир» асарининг муаллифидир», деган сўзидан билиш мумкин. Бу асар катта ҳажмга эга бўлиб тўлиқ ҳолатда етиб келмаган. Асарнинг 7 жузи, саҳоба Толҳа ибн Убайдуллоҳдан бошлаб 15-жузигача сақланган. Жами 19 нафар саҳобанинг ривоятлари келтирилган. 1533 та ҳадис келган. Асар таҳқиқ этилиб, 3 жилдда нашр этилган ва ҳадислари тахриж қилинган.

Муҳаддис умрининг охирида Бухорода яшаб, сўнг Шошга қайтиб келиб, 335/947 йилда шу ерда вафот этган.

Хулоса қилиб айтса, ҳадис илмининг Марказий Осиёда ривожланишига катта ҳисса қўшган олимларни яна келтириш мумкин. Улар ислом маданияти ва анъанасини шу ерда кенг ёйилишига ва

манбаларда сақланиб қолишига ўз меҳнатлари билан, айниқса, қимматбаҳо асарлари билан ёрдам берганлар.

МУХАМЕДОВ Неъматулло Асатуллаевич
доцент Международной исламской академии Узбекистана
доктор исторических наук

СРЕДНЕВЕКОВЫЕ УЧЁНЫЕ ОАЗИСА ШАШ И ИХ ВКЛАД В ИСЛАМСКУЮ ЦИВИЛИЗАЦИЮ

Аннотация: *В средневековых источниках город Ташкент назывался Шаш. Именно отсюда вышло большое количество учёных, деятельность которых была тесно связана с такими исламскими науками, как фикх, хадис, суфизм и т.п. Ученым, которые родились здесь и внесли большой вклад в исламское учение своей научной деятельностью, приписывали нисбу «Шаши», а позднее «Ташканди». Именно под этими именами прославились во всем мусульманском мире такие учёные, как Хайсам ибн Кулайб Шаши, Каффал Шаши, Абу Бакр Мухаммад ибн Ахмад Шаши, Зангиата, Шайх Умар Багистани, Шейх Хаванди Тахур, Ходжа Ахрар и др.*

Ключевые слова: *Шаш, Ташкент, нисба, Шаши, Ташканди, фикх, хадис, суфизм.*

Annonation: *In medieval sources Tashkent is called as "Shash". From here originated a large number of scholars, whose activities were closely related with such Islamic sciences as Fiqh, Hadith, and etc. Scholars who were born and have contributed to Islamic teachings with their scientific activities ascribed a title (nisba) of "Shashi" and later on (from XVI century) "Tashkandi". It is the Title, with which became famous such kinds of scholars as Haysam ibn Kulayb Shashi, Qaffal Shashi, Abu Bakr Muhammad ibn Ahmad Shashi, Zangiota, Sheikh Umar Bagistani, Sheikh Khawand Tahur, Khoja Ahrar throughout the Muslim world.*

Key words: *Sash, Tashkent, nisba (title), Sashi, Tashkandi, fiqh (islamic law), hadith (prophet sayings), sufism.*

В условиях глобализации, в период, когда все больше увеличивается интерес к изучению истории и культуры городов, собиравших представителей различных религий и культур, возрастает значение

цивилизации в обеспечении социального сотрудничества в мире. Актуальными становятся исследование истории культуры городов и вклад ученых в развитие цивилизации. В частности, Ташкент признан мировым сообществом в качестве мирного, дружеского, гостеприимного, хлебного города. А также он имеет статусы «Ворота Востока», «Столица исламской культуры».

Сегодня, в период, когда Ташкент превращается в одну из крупных метрополий в регионе и мире, актуальной темой становится исследование и изучение его культуры, истории в Средние века.

В средневековых источниках город Ташкент именовался Шаш. Именно отсюда вышло множество учёных, чья деятельность была тесно связана с такими исламскими науками, как фикх, хадис, суфизм и др. К именам родившихся и творивших здесь ученых, внесших большой вклад в исламское учение, присоединяли нисбу *«Шаши»* или позднее *«Ташканди»,* и под этими именами они стали известны всему мусульманскому миру.

Известно, что в Средние века в оазисе Шаша жили и творили свыше 100 учёных в области исламских наук. К их числу относятся Абу Саид Хайсам ибн Кулайб Шаши (ум. 947), известный как достоверный мухаддис; Абу Бакр Каффал Шаши (904-976), который был удостоен чести называться «Хазрат Имам» (Святой имам), а также Абу Бакр Мухаммад ибн Ахмад Шаши (1038-1114), удостоившийся почётных званий «Фахр ул-ислам» (Гордость ислама) и «ал-Имам ал-кабир» (Великий Имам)[712].

Абу Саид Хайсам ибн Кулайб Шаши (ум. 947) также внёс большой вклад в науку о хадисах. Его полное имя – Абу Саид Хайсам ибн Кулайб ибн Сурайдж (в некоторых источниках дается как Шурайх) ибн Маъкил Шаши Бинкаси Турки Адиб. Он родился в городе Бинкас, около Шаша. Занимаясь сбором хадисов, Хайсам ибн Кулайб Шаши посетил множество городов Мавераннахра – Бухару, Самарканд, Насаф, Термез и др., а также за его пределами. Как передают источники, у него было очень много наставников и учителей – более пятидесяти знаменитых учёных и проповедников в области хадисоведения. Из них самыми известными

[712] http://library.ziyonet.uz/ru/book/111133 Мухамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. Монография. –Т., 2007; Мухамедов, Н. А. (2019). THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. Available at: https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iiau

являются мухаддис Абу Иса Мухаммад Термизи (824–892) – выходец из Термеза и Абул Хасан Багави из Мекки[713].

Основная часть деятельности Хайсама ибн Кулайба проходила в Бухаре и Самарканде, но в последние годы жизни он переехал в Шаш и скончался здесь в 947 году. Арабские средневековые авторы с почтением писали о нашем соотечественнике, называя его «Имам Шаши» и особенно подчёркивали то, что он был одним из самых известных учёных в области хадисоведения. Произведение Хайсама ибн Кулайба «Муснад» («Муснади Кабир») («Большая опора») посвящена толкованию хадисов и является одним из капитальных трудов в этой области. Данная рукопись до ближайшего времени хранилась в библиотеке «Аз-Захирийа» в сирийском городе Дамаск, затем она была передана в библиотеку «Мактабат ал-Асад» того же города.

Данная рукопись Имама Шаши состоит из 192 страниц. Она была переписана каллиграфом по имени Хафиз Зийааддин Мукаддаси почерком насх в 1163 году. В ней собраны хадисы, переданные сподвижниками пророка. Само название книги «Муснад» поясняет и содержание: это основа в изучении хадисов. Знакомя мусульман с хадисами нравственного содержания, автор дает напутствие им в вере через хадисы, предостерегающие человека от грехов и дурных дел – убийств, интриг, злословия и насилия.

Мухаддисы оазиса Шаш в IX-XI веках преподавали и работали в библиотеках и медресе мусульманских городов мира, ведя научные исследования по различным аспектам религиозных наук. Об этом нередко упоминается в арабских источниках[714].

В мире ислама наряду с Имамами ал-Бухари, ат-Термизи, аль-Матуриди и другими многочисленными учёными, которые удостоились звания «Имам», особое место занимает Имам Абу Бакр Каффал Шаши. Современники с уважением называли его «Хазрат Имам». Полное его имя – Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил Каффал Шаши. В арабских источниках в знак уважения и почёта к его имени добавляется слово

---

[713] см. Мухамедов Н. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. Монография. –Т.: Мовароуннаҳр, 2011. –Б.54-60; см. Абу Саъид ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шаши. ал-Муснад. -Мадинаи мунаввара: Мактабат ал-улум вал-ҳикам, 1990. 1-том. -С.14-17; см. Шамсуддин аз-Захаби. Сийар аълам ан-нубала. 15-том.-С.359; Якут ал-Хамави. Муъжам ал-булдан. 1-том. -С.500; ат-Такйид. 2-том. -С. 298; ат-Тазкират. 3-том. -С. 848.

[714] см. Тазкират ал-хуффоз. 3-том. -С.780; Абдурахман ибн Абу Бакр ас-Суюти. Табакат ал-хуффоз. -Бейрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1-том. -С.329; Тарихи Багдад. 7-том. -С. 333.

«Кабир», означающее «большой, великий». Первоначально он был искусным ремесленником, изготовлявшим замки, и поэтому впоследствии к его имени было добавлено слово «Каффал», т.е. «изготавливающий замки», «замочник»[715]. Имам Каффал Шаши родился в городе Ташкенте (Шаш) в 904 году, в семье обычного ремесленника. Первые знания он получил в своем городе, затем обучался в Самарканде, Бухаре, Термезе, где и познакомился с трудами Имама Бухари и Имама Термизи.

В поисках знаний Имам Каффал Шаши исколесил страны Ближнего и Среднего Востока. Он обучался у самых крупных ученых того времени в Багдаде, Куфе, Дамаске. Как сказано в источниках, фикху он обучался у ибн Сурайджа. В области истории его учителем был сам Абу Джаъфар Мухаммад ибн Джарир Табари (ум.923), известнейший учёный, знаток Корана (муфассир). Ещё одним наставником его был известный богослов Абул Хасан Али ибн Аби Муса Ашъари (ум. 935).

Арабские средневековые авторы называли Каффала Шаши великим ученым. Известный историк Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад Самъани в своем труде «Китаб ал-ансаб» («Книга генеалогий») писал о нем: «Абу Бакр Мухаммад ибн Али ибн Исмаил Каффал Шаши был родом из Шаша, получил известность как замочник. Он был Имамом своего времени, а также был незаменимым и несравненным учёным в таких областях исламских наук, как фикх, хадис, основы фикха (усул), языкознание. Имя Каффал Шаши известно и в Магрибе и в Машрике»[716].

Имам Каффал Шаши автор многих произведений. Среди его трудов, посвященных вопросам исламского права (фикх), диалектики и истории ислама и хадисоведения, имеются: «Жадал ал-хасан» («Прелесть и красота диалектики»), «Китаб фи усул фикх» («Книга основ фикха»), «Шарх ар-рисала» («Комментарий к труду»), «Джавамиъ ал-калим» («Сборник мудрых изречений»), «Адаб ал-Кази» («Поведение Казия»), «Далаил ан-нубувват» («Доказательства пророчества»), «Махасин аш-шариъа»

---

[715] см. Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ас-Самъани. ал-Ансоб. –Байрут. 1980-82. 10--том. С. 211; см. Шамсуддин аз-Захаби. Сийар аълам ан-нубала. -Бейрут: Муассасат ар-рисала. 16том. С. 283; см. Прозоров С. ал-Каффал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. М.: Восточная литература, 2000. Вып. 2. - С. 46; см. Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет. 1918, № 9. С. 1; см. Тожуддин ас-Субки. Табакат аш-шафиъия ал-кубра. -Бейрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1999. 3-том. С. 152.

[716] Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад Самъани. ал-Ансоб. – Т. 7. -С. 244–245; См. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. PEOPLES OF EURASIA. HISTORY, CULTURE AND INTERACTION PROBLEMS, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130

(«Прелести шариата»). Рукопись книги «Джавамиъ ал-калим» хранится в сирийской библиотеке «Захирийа», фотокопия данной рукописи была привезена в 1970 году в Узбекистан муфтием Зийауддинханом ибн Ишан Бабаханом. Сейчас она хранится в библиотеке Главного управления мусульман в Ташкенте. В этом произведении, просветительского и дидактического характера, Каффал Шаши лаконично и кратко описал хадисы («сахих»), используя не только заповеди ислама, но и изречения, относящиеся к воспитанию, обучению, просвещению, поведению людей и т.д. Не лишена книга ценных и редких афоризмов, которые широко использовались людьми, что в свою очередь обеспечивало широкое и ускоренное распространение хадисов среди масс.

Гробница и комплекс Имама Каффала Шаши находится на территории Ташкента, называемой «Старым городом» и является местом поклонения мусульман. В народе его называют «Хастимам» (Хазрат Имам).

Прославившийся как «Фахр ал-ислам» («Гордость Ислама») Абу Бакр Мухаммад ибн Ахмад Мустазхири Шаши (1038-1114) был предводителем факихов Багдада, славившегося в Средние века как центр исламской культуры. Он родился и вырос в Шаше, но обучался в Багдаде и изучал фикх под руководством такого известного факиха, как Абу Наср ибн Саббаг. Абу Бакр Мухаммад ибн Ахмад Шаши стал приближенным учеником багдадского шейха Абу Исхака Ширази (ум. 1083) и достиг звания Имам Кабир (Великий Имам). Его перу принадлежит множество книг, посвященных вопросам фикха. Среди них, например, книга, написанная по заказу аббасидского халифа Мустазхира (ум. 1119) «Хилят улама фи мазахиби фукаха» («Украшение ученых в течениях факихов) об этике факихов и казиев. Благодаря этому труду Абу Бакр Шаши приобрел звание «Мустазхири» - «приближенный халифа Мустазхира». Во многих последующих источниках он упоминается именно так[717].

Абу Бакр Шаши имел глубокие знания и в области арабской литературы, языка и поэзии. Скончался он в Багдаде. Его могила находится рядом с усыпальницей его учителя – шейха Абу Исхака Ширази в «Баб Ширазе».

---

[717] см. Тажуддин Абу Наср Абдулваххаб ас-Субки. Табакат аш-шафиъия ал-кубра. Бейрут: Дар алкутуб ал-илмия, 1999. 3том. С. 341; см. Шамсуддин аз-Захаби. Сийар аълам ан-нубала. 19том. С. 393; см. Ризауддин Фахриддин. Имом Газзали. Фонд рукописей института Востоковедения им.Абу Райхана Беруни. Инв. № 9122. –С.16.

Монгольское нашествие привело к упадку социально-культурной жизни народов Центральной Азии. Национально-освободительная борьба подкреплялась духовно-религиозными принципами, в частности, деятельностью суфийских братств. В это время сформировались такие тарикаты в исламе, как Кубравия, Накшбандия.

Суфизм в этот период стал объединяющей силой в духовной жизни народов Средней Азии. Одним из представителей суфийских предводителей (шейхов) был Зангиата. Его настоящее имя Айходжа ибн Ташходжа. Зангиата родился в махалле Самарканд Дарбоза в городе Ташкенте. Из-за темною цвета кожи и щедрости его прозвали «Зангиата Химмати» («Щедрый Зангиата»)[718].

Вся жизнь Зангиаты совпала с периодом нестабильности и насилия в Мавераннахре, вызванными нашествием монголов. В эти тяжелые времена Зангиата и около десяти его учеников своими усилиями и стараниями духовно поддерживали народ, подпитывали его благородными общечеловеческими ценностями, такими как: отважность, патриотизм, трудолюбие, честность, справедливость, бескорыстие, доброта, праведный образ жизни и милосердие.

Следует особо отметить, что великий Амир Темур был из тех выдающихся личностей, которые оказывали достойное уважение памяти праведных суфийских шейхов. Он уделял огромное внимание строительству мавзолеев, мечетей и ханак *(хонақо)*. Подобная благородная деятельность Амира Темура оставила свои следы в Ташкентском оазисе. Комплекс мавзолеев, состоящий из усыпальниц одного из известных последователей Шейха Зайниддина, Зангиоты и его супруги Анбар Биби, был построен именно под покровительством Амира Темура.

На надгробии Зангиоты высечены следующие слова: *«Во имя Аллаха Милостивого, Милосердного! Каждое живое существо смертно, слова Аллаха истинны… Здесь покоится удостоенный милости Аллаха, которому прощены все грехи, счастливый от богоугодных дел, последователь истинного пути, благочестивый, усердствующий в служении Аллаху, Шейх Зангиота».*

---

[718] Зангиота Химматий / Подг. к изд. Файзиев Тургун. –Т.:Мовароуннахр, 2001. -С. 3. См. http://конференция.com.ua/files/87_05_2_v.pdf Мухамедов Н. МЕМОРИАЛЬНЫЙ КОМПЛЕКС ЗАНГИ АТА – КАК ЦЕНТР ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ // SCIENCE, RESEARCH, DEVELOPMENT № 15. MONOGRAFIA POKONFERENCYJNA. -Rotterdam (The Netherlands), 2019. -С.105-109.

Обычно, большую часть надписей историко-архитектурных памятников, встречающихся в нашей стране, составляют коранические аяты и хадисы. А в комплексе Зангиота мы можем увидеть дополнительно следующие рифмованные строки на арабском языке:

Мудрость наставника – ключ бьющий счастьем
Цени, люби его – это путь к счастью.
* * *
В душе моей трепет, горюя тобой,
Наполнены веки чашей водопада.
Мои горькие слезы, мой мир и покой,
Наполняют душу счастьем, чистотой.

Одним из представителей суфизма был Шейх Умар Вали Багистани[719]. Он родился в селе Багистан Ташкентской области. Дата его рождения неизвестна, а умер он в 691/1291 году. Он вел скромный образ жизни, честно зарабатывая на жизнь земледелием и садоводством, показывая этим пример окружающим. Несмотря на то, что он был одним из видных суфиев, он не гонялся за славой. Он стремился быть простым, но при этом настоящим человеком, это можно увидеть в одном из его наставлений своему сыну Шейху Хаванди Тахуру.

Это наставление приведено в книге Фахраддина Али Сафи «Рашахат»: *«Тахур, не будь муллой (богословом), не будь суфием, не будь этим, не будь тем, а будь мусульманином»*[720] .

Шейх Хаванди Тахур[721] (ум. 1355), сын Шейха Умара Багистани, пользовавшегося уважением самого Бахауддина Накшбанди, родился в кишлаке Багистан Ташкентской области[722]. Благодаря своим знаниям, он пользовался большим авторитетом в мусульманском мире[723].

Мавзолей Шейха Хаванди Тахура стал священным местом для мусульман. Во второй половине XV века его правнук Ходжа Ахрар велел

---

[719] Фахруддин Али Сафий. Рашахот/ Подг. к изд. Махмуд Хасаний, Бахриддин Умрзок. - Т.:Абу Али ибн Сино, 2004. С. 270-272; Mukhamedov N. STRIPES OF SHEIKH UMAR BAGHISTANY // Asian Journal of Research (Japan – Osaka) 1 (№ 5, 2017), – P. 123-130. www.journalofresearch.asia info@journalofresearch.asia (Japan – Osaka)

[720] Фахруддин Али Сафий. Рашахот/ Подг. к изд. Махмуд Хасаний, Бахриддин Умрзок. - Т.:Абу Али ибн Сино, 2004-С.271.

[721] Валихўжаев Б. Шайх Хованд Таҳур // Мулоқот, 1998, 2-сони. -С. 53.

[722] Массон М. Прошлое Ташкента. -Т.: Из-во АН УзССР, 1954. № 2. -С.116.

[723] Махмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Таҳур. -Т.:2004. -С.5.

построить усыпальницу над его могилой[724], которая ныне находится на территории Ташкентского исламского университета (с 2018 года – Международной исламской академии Узбекистана).

Хаджа Убайдалла Ахрар был одним из авторитетнейших исламских деятелей Мавераннахра. Он тоже был родом из кишлака Багистан Ташкентской области, где родился в месяц Рамадан (март 1404 г). Его отец Хаджа Махмуд и дед были просвещенными людьми, занимались земледелием и торговлей. Его мать была дочерью Хаджи Давуда – сына Шейха Хаванди Тахура[725].

Хаджа Убайдулла Ахрар был крупнейшим представителем тариката Накшбандия. Он снискал к себе уважение во всем исламском мире. Широко пропагандируя известное изречение Бахауддина Накшбанди «Дил ба ёру, даст ба кор» (Пусть сердце твоё будет с Аллахом, а руки в труде), он своей миротворческой и религиозной деятельностью снискал высокий авторитет в народе, за что ему присвоили звание «вали» (авлийа, «святой»).

До нашего времени дошло только три труда Хаджи Ахрара. «Факарат ул-арифин» («Отрывки из слов арифов») - книга, в которой он повествует о нескольких представителях суфизма и приводит примеры из их изречений, второй труд «Валидийа» («Посвященние отцу») содержит пояснения понятий и норм нравственного поведения человека, вошедшего в это учение. Произведение было переведено Захириддином Мухаммадом Бабуром с персидского языка на узбекский в поэтической форме. Третий труд «Хавраийа» посвящен комментарию рубаи известного суфийского поэта Абу Саида Абулхайра, начинающегося со слова «Хавро» («Ангелы»).

Кроме этого, до нас дошли несколько писем (рукъанамэ) Шейха, адресованных современникам и собранных воедино Алишером Навои в сборник, названный им «Маджмуаи мурасалат». Здесь нужно упомянуть о том, что профессор А. Уринбаев с профессором университета Нью-Джерси Джо Энн Гросс опубликовали книгу «Письма Хаджи Убайдалла Ахрара и его ученики-мюриды» в голландском издательстве «Брилл» в 2002 году на английском языке.

---

[724] Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Таҳур ёдгорлик мажмуаси. -Т.:Тошкент ислом университети, 2005. -Б.5.

[725] Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. -Т.:Ёзувчи, 1994. -Б. 62; см.Рашахат. Изд. Лакхнав. -С.218-219; см. Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. -Т.: Маънавият, 2003. -Б.13.

В заключение можно сделать вывод о том, что в конце IX – начале X веков Ташкент стал крупным центром развития исламской духовности и культуры. Здесь, как и в центральных регионах халифата, произошло возвышение духовности[726]. Начиная с X века, здесь стали строить первые мавзолеи в местах захоронения известных религиозных деятелей – шейхов и имамов, распространявших ислам, религиозная деятельность и жизненный путь которых непосредственно связаны с Ташкентом.

История показывает, что духовный и научно-культурный потенциал средневекового Ташкента был очень высок и этот город всегда был одним из центров не только Центральной Азии, а всего мусульманского мира.

ЗОЙИРОВ Эркин Халилович,
Бухоро муҳандислик технологияси институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти
фалсафа фанлари номзоди

МАХДУМИ АЪЗАМ ТАЪЛИМОТИДА ВУЖУД ДЕХҚОНИ ТАМОЙИЛИ

Аннотация: *В статье автор также изложил идею МахдумиАъзама о понятии «земледелец души» в учениях суфизма вместо совершенная личность, а также об понимании, взаимной принадлежности и различиях двух суфистических концепций.*

Ключевые слова: *Совершенный личность, душа,слова, душа земледелеца, зеркало души, средство, земля, дынья, дерево.*

Annotation: *The author also introduced the idea of MakhdumiA'zam on the notion of "tiller of the soul" teachings of Sufism is perfect personality, and understanding, of mutual belonging and the differences between the two sofisticata concepts.*

Key words: *Perfect personality, soul, words, soul of a farmer, soul mirror, remedy, earth, melons, wood.*

Комил инсон ғояси жуда қадим илдизларга эга. Тасаввуф таълимоти бу масалани жуда чуқур ва кенг, ҳар томонлама таҳлил этганлар. Тасаввуф

[726] Алимова Д., Филанович М. Ташкент на переломе эпох // История Ташкента (с древнейших времен до наших дней). –Т.: ART FLEX, 2009. -С.160.

таълимотлари учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлган ва тариқатларда инсонни камолотга етиш йўли ва услублари ихтиро этилган.

Махдуми Аъзам ўзларининг қатор рисолаларида инсон ва унинг камолоти масаласига мурожаат қилиб, уларни тасаввуфий нуқтаи назардан изоҳлаган.

Биз ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган, илк маротиба таржима ва таҳлил бўлаётган Махдуми Аъзамнинг "Рисолаи вужудия"[727] номли тасаввуфий – фалсафий асари асосида, у томондан комил инсон тушунчасини ўрнига "вужуд деҳқони" иборасини ишлатилганлигини гувоҳи бўлдик. Демак, у киши "вужуд деҳқони" деган канцепциянинг асосчисидир. Чунки, бу фикрни Махдуми Аъзам тарихда биринчи маротаба қўллаган. Ундан олдинги мутафаккирлар, шунга яқин фикрлар айтган бўлсалар-да, лекин "вужуд деҳқони" демаган. Масалан, Муҳаммад Порсонинг "Рисолаи қудсия"да[728] келтирилган маълумотига асосланса, Баҳоуддин Нақшбанд вужудни поклашни тупроқни хас-хашаклардан тозалаб, юмшатиб, уруғ экишга тайёр ҳолатга келтириш билан тенглаштирган. Лекин у киши ҳам "Вужуд деҳқони" деган тушунчани ишлатмаганлар. Айнан Маҳдум Аъзам комил инсон тушунчаси ўрнига Ўрта Осиё халқи учун яқин, тушунарли ва англаб етишга осон бўлган "**Вужуд деҳқони"** деган иборани биринчи маротиба ишлатган. Аввало Махдуми Аъзам вужудни ўзига таъриф берган ва кейин ким "вужуд деҳқони" эканлиги ва бу даражага етиш воситалари ҳақида сўз юритган.

Хўш, Махдуми Аъзам кимни ўз вужудини деҳқони деб ҳисоблаган? Ўрта Осиёда **деҳқон** жуда улуғланган, қадрланган, ўз меҳнати билан ризқини топиб еб, қолганларни ҳам ризқини мўл – кўл бўлишга асосий хизмати бўладиган, тупроқ кимёгари, қўлида тупроқ олтинга айланадиган киши сифатида эъзозланган. Ҳақиқий деҳқон ҳеч қачон оч ҳам қолмаган, бировга муҳтож ҳам бўлмаган. У Оллоҳга таваккул қилиб, тинмай меҳнат қилган ва хотиржам яшаган. Ўз вужудини билган, уни бошқара оладиган, ундаги нафсоний истакларни илоҳий сифатларга айлантира олган деҳқон каби ҳар бир ҳужайрасини ҳосилдор қилган шахс вужуд деҳқони дейилган.

---

[727] Хожагий Аҳмад Косоний. "Рисолаи вужудия". Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. –В. 34

[728] Хожа Муҳаммад Порсо. "Рисолаи қудсия". Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 2517/ VII.-В.29.

Дарҳақиқат, Махдуми Аъзам айтгани каби ўз вужудининг деҳқони бўлган киши комил инсондир ва бутун оламдаги хотиржамлик, ҳамжиҳатлик ундандир.

Маҳдуми Аъзам “Рисолаи вужудия” асарида ёзадики, ҳар бир туғиладиган мавжудот ўз ҳақиқатига эга. Ҳар бир тупроқни ўзига хос кимёвий таркиби, ҳосилдорлиги, юмшоқлиги умуман салоҳияти мавжуд. Қора тупроқ, унумли тупроқ, ҳосилдор тупроқ, шўр тупроқ деймиз. Худди шундай туғилган тифлнинг танасида ҳам унинг ҳақиқий салоҳияти яширин. Тифл улғайиб, болалик, ўсмирлик даврида илм олади, касбу – ҳунарни эгаллайди. Шу жараёнда танаси – вужуди унга хизмат қилади, мактабга бориб келиши, қўл – оёқ, кўз – қулоқ – барча узвлар ёрдамида камолотга ета бошлайди. Ақл – идрок, фаҳм – фаросатли бўлади. Йиллар ўтиб у олим, заргар, савдогар, тадбиркор бўлади. Натижада тупроққа пахта, буғдой, зиғир, картошка экиб ҳосил олганда бу пахта ери, бу буғдойзор, бу зиғир ва картошка яхши ҳосил берадиган ер дегани каби, у олим, у заргар, у тижоратчи, у тадбиркор деб инсонни улуғлай бошлайдилар.

Махдуми Аъзам вужудни фано, йўқлик ҳолатига етказиш деганда инсон танасини тўла инкор қилмайдилар. Тана инсон камолоти учун восита, маркаб (туя, от каби миниб юришга хизмат қилувчи) эканлигини таъкидлайди. Танага ҳайвоний, илоҳий руҳ киритилган. Ейиш, ухлаш, шаҳват ва аммора нафс истаклари ҳайвоний руҳнинг қувватидир.

Шунинг учун уларни меъёрга солиб маркаб, яшаш воситаси бўлган вужудан камолот учун фойдаланиш зарур – дейди. Чунки меҳнат қилиш, бировга эзгулик қилиш, бировни ҳожатини чиқариш, “Даст ба кору, дил ба ёр” га амал қилиш учун ҳам тана зарур.

Мутасаввиф “Мироту-с-сафо” (Софлик кўзгуси) рисоласида “одамзод ўзида қанчалик яхши хусусиятларини намоён қилса, Аллоҳнинг иродаси рўёбга чиқаверади ва бу ишларни Аллоҳ, кўзгуда кўргандек кузатиб туради”[729] - деб инсоннинг доимо пок ишларни қилиши, ҳаром нарсалардан сақланиши, энг асосийси унинг қалби, виждони тоза бўлиши ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Шу билан бирга мутасаввиф, “муккамал инсоннинг дил кўзгусида одиллик, илми-ҳикмат каби камолот сифатлари зоҳир бўлгандагина, у кўзгунинг софлигини сақлагандагина ва ҳар қандай чирк, ғуборлардан

[729]Хожагий Аҳмад Косоний. “Рисолаи Мироту-с-сафо”. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. –В. 4.

асрагандагина келгуси авлод учун муносиб инсон бўла олдаи” - деган ғояни илгари сурган.

Бу сўздан шундай хулоса чиқариш мумкинки, солик мазкур тоифанинг шарафли суҳбати, хизмат ва мулозимати орқали қатор саодатларга эришгандан кейин, бундан буён ҳам уларнинг хизмат ва мулозаматларидан бош тортмаслиги ва ушбу саодатлардан маҳрум бўлмаслиги учун у ўз нафсини ғафлат уйқусидан уйғотиб, бу йўлда ўта қатъийлик билан жиддий ҳаракат қилишга даъват қилмоғи даркор.

Ер етилганида, хасу-хошоклардан пок этиб, юмшатилганда уруғ сепилгани каби инсон ўзидаги барча тааллуқолардан узилиб, илоҳий нурларни қабул этишга қобил, тайёр бўлса, зикр уруғлари сепилади.

Бу ғоялар “Рисолаи баттихия” (“Қовун ҳақида рисола”) ва “Гул ва Наврўз” да ривожлантирилган.

Махдуми Аъзам “Баттихия” рисоласида Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В)нинг “Қоланнаби алайҳиссалом: “Ад – дунё мазраатул – охират” – Дунё – охиратнинг экинзоридир”, - ҳадиси шарифларини изоҳлайди. Билгинки, экин икки турда бўлади: зоҳирий экин ва ботиний экин. Зоҳирий экин бу ҳаммамизга маълум бўлган, экин учун ер, уруғлик ва экиш ускуналари зарур.

“Вужуд деҳқони” ботиний уруғни инсон тана ва руҳиятига экувчи мукаммал шахсдир.

“Аммо ҳар бир нарсанинг зкиб камол топишига мураббийнинг, яъни тарбиячининг бўлиши шартдир, токи мураббий унга яхши қарамас экан у нарса ўз камолига етмайди. Яна шуни билгинки, дунёдаги жами нарсаларнинг мураббийси инсондур.

Масалан бир киши қовун экмоқчи бўлса, у яхши ер ва сув топиб ерни суғориши ва бир неча кун дам бериши керак, сўнг яхшилаб ерни ҳайдаши керак, токи тупроқ қанча юмшаса, қовун ширин ва лаззатли бўлади. Кейин эса яхши ариқ тортиши керак, чунки қовуннинг катталиги ва ширинлиги сувнинг яхши ичганлигидадир. Ундан сўнг уруғ эксин ва ерга жуда эҳтиёт бўлсин, у шубҳа ва ҳалоллардан ҳоли бўлсин, агар бу нарсалар аралашса, ҳосили яхши бўлмайди. Ҳар бир уруғни, донни, дарахтни эккунча ҳушёр, огоҳ ва таҳоратда бўлсин, токи агар огоҳсан, мўминсан, агар ғофилсан, кофирсан”[730]- дейди шайх.

---

[730]Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолаи Баттихия. / тарж. Мансуров С. Махдуми Аъзамнинг “Баттихия” асарида маънавий – ахлоқий қарашлар. // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари. Т., 2002 й, - Б 118.

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти долзарб бўлиб, соғлом авлодни тарбиялашда уларни ҳомиладан бошлаб, туғилиши ва вояга етишигача бўлган даврда, луқмаи ҳалол билан ўстиришга даъват қилади. Махдуми Аъзам нафақат қовун ёки дарахт, балки инсоннинг баркамол бўлиб ўсишида луқмаи ҳалол, яхши тарбия ва яхши мураббий лозимлигини уқтиради.

Шунга яқин ғоялар Махдуми Аъзамнинг “Гули наврўз”[731] асарида илгари сурилган. Рисола тасаввуф суви билан суғорилган бўлиб, у инсонларни софликка даъват қилади. Инсоннинг қалби эзгулик дарахтининг гуркираб ривож топишига ярайдиган замин бўлиши кераклигини уқтиради. Ҳадисда айтилганидек, ушбу эзгулик дарахтининг илдизлари замин ҳисобланган, унда эсган майин шабада қиш мобайнида музлаб, уйқуга ётган дарахтларга, ўт-ўланларга ҳаёт бахш этади. Шу шабада туфайли дарахтлар куртак отади, гулғунча қилади ва мева беради. Аллома инсон қалбини шунга ўхшатади, яъни, комил мукаммал пирнинг нафаси ҳам баҳорда эсган майин, илиқ шабада сингари ўз муриди қалбидаги эзгулик дарахтини ғафлат уйқусидан уйғотиб, унга ҳаёт бахш эта олади. Ўз пирининг ўткир нафасидан баҳраманд бўлган мурид қалбидаги эзгулик дарахти секин-аста куртак отиб, гулғунча қилади ва мева беради. Албатта, бу муриддан ҳам муршиддан ҳам кўп машаққатлар, изланишлар, талаб қилади. Сабр қилиб, барча қийинчиликларга бардош берган муридгина “ман сабара”, зафара” ҳадис ҳукмидек зафар қучади.

Қалб мазмум иллатлардан холи бўлса, махмуд нарсалар билан тўлади. Турли экин ва райҳонлар ҳам бегона ўтлардан тозаланган ерларда ўсади. Агар ер тозаланмаса, у ҳолда ҳеч нарса унмайди.

Махдуми Аъзам айни вақтда муридларни куз шабадаси сингари дарахтларнинг япроғини хазон қилиб уларни ғафлат томон етакловчи ноқобил ”пирлар”нинг бехосият нафасларидан огоҳ бўлиш лозимлигини уқтиради. Мутасаввиф ҳар бир жамиятнинг келажагини унинг қўйнида ўсиб, улғаяётган ёшларнинг етарли ва тўлиқ парвариш олишга боғлиқ деган ғояни илгари сурганлар. Бу масалада лоқайдлик қилиш ёки эътиборсиз бўлишнинг оқибати ҳалокат эканлигидан огоҳ этганлар.

Яратилиш эътибори билан инсон гарчи ҳамма нарсадан кейинда бўлса-да, моҳият, салоҳият жиҳатидан баридан олдинда – юксакда туради. Зеро, инсон – оламнинг руҳи. Олам гўзалликларининг меҳваридир.

---

[731]Гули навруз. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. - В 16

ҚУДИЯРОВ Алишер Раметуллаевич
Қорақалпоқ давлат университети доценти
тарих фанлари номзоди

БУЮК АЛЛОМА БЕРУНИЙНИНГ МЕРОСИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: *В этой статье речь идет о личностях, внесших вклад в развитие мировой науки, а также о значении их наследия и в особенности о важности жизненного пути и произведений Беруни и их изучения.*

Ключевые слова: *наследие, традиция, мужество, ученый, научный.*

Annotation: *This article is about personalities who have contributed to the development of world science, as well as the importance of their heritage and in particular the importance of the life path and works of Beruni and about the importance of their study.*

Key words: *heritage, tradition, courage, scientist, scientific.*

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси – минг йиллар давомида Шарқ халқлари учун кучли маънавий озуқа бўлиб келган. Узоқ вақт давом этган қатъий чекловларга, эзилишига қарамай, халқимиз авлоддан-авлодга ўтиб келган ўзининг тарихий ва маданий қадриятларини, тарихий ёдгорликларини ҳамда ўзига хос урф-одат дастурларини сақлаб қолишга эришди. Шунинг учун ҳам ота-боболаримизнинг ўз даврида ким бўлганлиги, уларнинг халқимиз тарихида қандай ўрин тутиши ҳаммамизни қизиқтиради. Уларнинг ўз даврининг довюрак, мард, қахрамон фарзандлари бўлганликлари, бошқалари эса илмда ўз халқининг шамчироғи бўлиб элини, халқини дунёга танитган Шарқнинг юлдузлари бўлганлиги кўнглимизда қувонч, фахр туйғуларини пайдо қилиб, ота-боболаримизга, уларнинг бизларга қолдирган меросларига қизиқишимизни орттиради.

Маънавий ва маданий мерослар халқнинг ривожланиш йўлининг маълум босқичларининг ойнаси бўлиши билан бирга келажак авлоднинг маънавий ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Ўтган асрнинг 30-50 йиллари сиёсий соҳада олиб борилган қатағон сиёсатининг оқибатлари натижасида ота-боболаримизнинг табаррук қўллари билан бунёд бўлган халқимизнинг бебаҳо ёдгорликларининг каттагина қисми йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Шунингдек, халқимиз тарихи, маданияти ва адабиёти араб-форс тилларида ёзилган кўплаб асарлар ёндирилиб йўқ

қилиб юборилган. Қорақалпоғистон ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб буюк инсонларнинг дунёга келганлиги тарихдан маълум. Уларнинг орасида Беруний, Ҳаким ота Сулаймон Бақирғоний, Кердерий ва бошқа кўплаб буюк шахслар етишиб чиққан. Улар маданиятимизни ривожланишига катта ҳисса қўшди, халқимизнинг фахри бўлиб қолди. Уларнинг номлари жахон цивилизацияси ривожланишига қўшган мерослари дунёга машҳур. Орол атрофларидан маънавий маданиятининг йирик вакиллари бўлган Султон Увайс ибн ал-Гараний, Абу Бакр аш-Шибилий, Нажмиддин Кубро каби йирик вакиллар етишиб чикади. Шу билан бирга XIII асрда яшаб ўтган Султон Увайс бобо, Абу Бакр аш-Шибилий, Абдулла Норинжоний, Саид ота номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжолар қадимги даврларда пайдо бўлган. Шунингдек, бу табаррук қадамжолар, Мурод Шайх, Имом эшон, Қорақум эшон, Азизлер бобо, Охун бобо, Айимбет эшон, Қумўзек эшонлари сингари қадамжолар халқимизнинг зиёратгоҳ ўринлари бўлиши билан бирга, уларнинг маънавий покланиб тозаланишига хизмат қилади. Уйғогиш даврининг йирик вакилларидан бири Беруний ҳақида тарихчи М.Тлеумуратов 1973 йили «Берунийнинг тарихий мерослари» деган китобида кўрсатишича, одамзод тарихида энг йирик илм эгаларининг бири, бизнинг ватандошимиз Абу Райҳон ал-Беруний бўлиб, унинг тарихий мерослари, тарихий фикрлари бўйича тарих илмида махсус мукаммал асар яратилгани йўқ. Тарихшуносликда бу кенг кўламли тадқиқотларни талаб қилади.[1]

Бу фикрларнинг ёзилганидан буён деярли ярим аср вақт ўтди. Шундан бери кўплаб илмий ва адабий асарлар яратилди. Шунингдек, Беруний ҳақида баъдий асар яратган ёзувчи ва олим Ўразақ Бекбаулов 1977 йили нашрдан чиққан «Беруний» романи ўрта аср илм-фани йирик вакилларидан бири, Абу Райҳон ал-Берунийнинг умри, замондошлари ҳамда унинг илмий асарлари тўғрисида қизиқарли воқеаларни ўз ичига олади, ўқувчини олимнинг катта орзулари билан таништиради. Беруний ҳақида профессор Б.Абдикамалов 1988 йили «Әл-Берунийдиң өмри ва мийнетлери» номли университет талабалари учун ўқув қўлланмасини яратган. Адабиётшунос Қ.Бойниязовнинг 1997 йилги «Ҳәким ата – Сулайман Бақырғаний – бизиң уллы жерлесимиз» китобчасида халқимизнинг маънавий дунёсида ўчмас из қолдирган бобомиз тўғрисида маълумотлар берилади. Айниқса, 2002 йили Сулайман Бақирғонийнинг таваллудига 880 йил тўлгани муносабати Қўнғирот туманида «Сулайман

[1] Тилеўмуратов М. Берунийдиң тарийхый мийраслары. Н. 1973, 3-бет.

Бақирғоний ва унинг даври» номи остида ўтказилган Республика илмий-назарий конференциянинг материаллари сўз этилган даврни ва ўша инсон тўғрисида тадқиқот қилувчилар учун катта аҳамиятга эга. Бу инсон ҳақида Қўнғиротлик Жапақ Шомуратовнинг «Амударё» журналининг 2008 йилги сонларида жорий этилган «Ҳаким ота-хўжа Сулайман Бақирғоний» мақоласи ҳам ўша инсон ҳақидаги маълумотларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Таниқли адабиётшунос Камал Мамбетовнинг 1993 йилги «Шығыс адебияты тарийхы» қўлланмаси ҳам ўша давр тарихини ўрганишда қимматли маълумот бўлиб ҳисобланади. Шунингдек тарихчилар Ғ.Хўжаниязов ва О.Юсуповларнинг 1994 йилги «Қарақалпақстандағы мухаддес орынлар» ёдгорлик китобида тарихий ва маданий ёдгорликлари ажралмас қисми бўлган маънавий меросига бағишланган. Асарда Қорақалпоғистон ҳудудидаги ўрта асрларга тегишли қабристон, мозор, мақбаралар, табаррук қадамжолар ҳақида маълумотлар берилган ўтмишда яшаб ўтган уламолар, ўлкамиздаги масжид-мадрасалар ҳақида маълумотлар бор.

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида инсон қалбининг гўзаллигига ва ички ҳотиржамлигига эришишда билим, ақл ва унинг аҳамияти ҳақида: «ҳатто ўзинга қарши бўлса ҳам ҳақиқатни гапиринг. Ёлғончи адолат йўлида четга чиқиб кетади ва зўравонлик, ёлғон гувоҳлик бериш, ишончни суйистеъмол қилиш, алдов билан ўзганинг молини эгаллаш, ўғирлик ва бошқа иллатларга оғиб кетишга мойил бўлади, шу тариқа дунёнинг ҳам мард авлоди бузилишига олиб келади. Илмга бўлган камбағаллик – жиноят ва гуноҳдан ҳам ёмон».

Бу ҳудудда одамлар яшай бошлаб, илм фаннинг жуда юқори даражада ривожланганлиги тарихдан маълум. Биз туғилиб ўсган ўлкада хат-саводнинг, илм ривожланиб, араб босқинчилиги вақтида кўплаб ёзма ёдгорликлар, қўлёзма меросларўтга ташланиб, ёқиб юборилгани ҳақида бобомиз Абу Райҳон ал-Беруний ҳам ёзиб қолдирган еди. Ҳақиқатан ҳам Қорақалпоғистон ҳудуди тарихий, археологик ва маданий ёдгорликларга жуда бой. Буни қадимги даврдан бизнинг давримизгача етиб келган ёзма маълумотлар, илмий тадқиқодлар хулосаси кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам катта икки дарё оралиғидаги Ўрта Осиё Египети деб номланган Қорақалпоғистон замини жахон маданиятининг қадимги марказларидан бири сифатида маълум. Уларнинг барчаси халқимиз маданиятининг олтин фонди, қолаверса, фақат қорақалпоқ халқинингина эмас, бутун

одамзоднинг мероси. Бу омиллар фан ва таълимнинг, маданиятнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Натижада илм-фан соҳасида дунё тан олган олимлар етишиб чиқди. Шунингдек, олимларнинг ёзишича, Берунийнинг қанчалик буюк олим бўлганлигини, кенг тафаккур қобилятига эга эканлигини тасаввур қилиш қийин. Беруний ўрта асрлардаги Шарқнинг йирик қомусий олими сифатида астрономия, география, минерология, тарих ва этнография бўйича салмоқли асарлар яратган олимлардан бири. Унинг шунчалик буюклиги ўша даврнинг деярли барча илм соҳаларига қўшган такрорланмас илмий меросида янада яққол кўринади. Шунинг учун ҳам дунё илм-фанида катта из қолдирган буюк олимнинг 1000 йиллик юбилейини 1973 йили маданият соҳалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО нинг қарори билан бутун прогрессив инсоният тантанали равишда белгилайди. У илм-фаннинг турли соҳалари бўйича, фанга янги йўл очадиган доно файласуф, таниқли етук олим сифатида танилган. Ал-Беруний ўз замонининг донишманди сифатида, ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эга ва бебаҳо ҳисобланган кўплаб илмий асарлар ёзиб қолдирди. Берунийнинг олимлик даражасига атоқли шарқшунос тадқиқодчилар «унинг қизиққан илм соҳаларига қараганда, қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осон»,- дея баҳо берган. Шунингдек, унинг замондошларидан бирининг ёзиб қолдирган маълумотларига қараганда «йил давомидаги икки байрамни ҳисобга олмаганда унинг қўли ҳеч қайси вақтда ҳам қаламидан, кўзи кузатишдан, ақл-ҳуши ўйлашдан тўхтагани йўқ».[1] Дунё илм-фанининг йирик вакили Абу Райҳон Беруний ўз яратувчанлиги билан илм-фанни юқори чўққига олиб чиқди. Беруний даврида Хоразм икки давлатга бўлинган еди. Бирининг пойтахти Қиёт бўлса, Урганчда араб халифалиги нойиби амир ал-Маъмун ҳукмдор еди. 995-йили амир ал-Маъмун икки мамлакатни бирлаштиради ва қадимги хоразмшохлар салтанатини тиклайди. Бу еса Хоразм давлати иқтисодиётининг яна ҳам мустахкамланишига, маданиятининг ривожланишига қулай шароит яратади. Ўша даврда Қиёт шаҳридаги ҳар қандай илмий ва маданий янгиликларни олиб келувчи ҳамда барча ҳудудларга тарқатувчи чет еллик меҳмонлар кўп бўлган. Беруний замонидаги ёзма ёдгорликларнинг бирида: «У яхши шаҳар, бунда олимлар, зиёли одамлар, бой кишилар кўп, у ер ҳаёт бўстони, унинг халқи моҳир қурувчилар... Уларда яхши сўзлар, феъли ва суҳбати бўйича яхши одамлар бор»,-деб ёзилган. Беруний туғилган шаҳар, Қиёт ўз даврида Ўрта

[1] Әбдикамалов Б. Әл-Берунийдиң өмири ҳәм мийнетлери. Н 1998. 11-бет

Осиёнинг юксак маданиятли ва бой марказларидан бири бўлган. X асрнинг охирида яшаган тарихчиларидан бири: «Қиёт – Хоразмнинг пойтахти, ўғиз Туркистоннинг дарвозаси, Туркистоннинг, умуман туркийларнинг, Мовароуннаҳр билан ҳазарликларнинг дунё молининг йиғиладиган жойи... қалъанинг бойлигини ҳисоблаш мушкул»,-деб ёзади. Худди шу вазиятлар келтириб чиқарадиган масалаларни ечиш зарурлиги ҳам ўша вақтлардаги одамларнинг билим даражасига бўлган талаб Берунийнинг илмий асарида йўл кўрсатиб берилди. Олимнинг асарлари натижалари, айниқса унинг астрономияси ва математикаси, қадимги замонлардан бошлабоқ инсониятнинг оламни кўриш горизонтларини кенгайтирди ва жахон халқларининг ривожи учун кўп асрлар давомида хизмат қилди. У ўша вақтларда катта аҳамиятга эга бўлган араб, юнон, ҳинд ва бошқа тилларни ўрганган. Берунийни кишанлаб Ғазнага олиб кетганида ҳам, уни қул қилиб сотишга журъати етмади. Сабаби унинг донғини бошқа кўплаб давлатлар эшитган еди. Уни беклар ҳам ҳурмат қилар еди. Подшо уни олти ой банди қилиб охирида бўшатишга мажбур бўлди. Таниқли олим С.П.Толстов Хоразм тарихига оид асарларини ёзишда, Берунийнинг асарларидан ҳар доим фойдаланган. «Қадимги Хоразм» номли машҳур асари «одамлар бу ҳудудда 300 қалъа ва овуллар қурган, уларнинг қолдиқлари ҳозирга қадар сақланган» деган Берунийнинг сўзлари бу китобга эпиграф қилиб олинган.[1] Берунийнинг тарихий мерослари фақат ватанимизнинг қадимги тарихига доир масалаларни ечиш учун зарурий манбаъ бўлиб қолмасдан, бу асарлар чет ел халқларининг, жумладан Осиё, Африка, Европа халқларининг тарихи бўйича ҳам қимматли маълумотлар беради. Маъмун ибн Маъмун даврида Урганчда «Маъмун академияси» тузилиб, унда Абу Райҳон Берунийнинг атрофига Хоразмшоҳ томонидан турли юртлардан чақирилган олимлар жамланади. Беруний ўз замонининг юксак тафаккур эгаси бўлган. У 150 дан зиёд илмий китоблар ёзган. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида халқимизнинг тарихига, маданиятига, урф-одатига, хўжалик юмушлари, астрономия, математика, геогрофия, фалсафа, тил ва адабиёт, физика, тиббиётга доир масалаларни бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ қилган, жуда қимматли бой мерос қолдирган. Беруний ҳар бир халқнинг яшаш шароити, келиб чиқиш тарихини таққослаб 85 халқнинг, 290 ўтроқ ер атамаси, 1400 тарихий инсонларнинг номларини тилга олади. Тарихий воқеаларни бир-бирига

[1] Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М-Л. 1948, 10-бет.

солиштириш давомида, подшоларнинг ҳукмдорлик даврида, маълум бир ҳудудда ўтроқлашган қавмларнинг турмушида, рўй берган воқеаларни аниқ далиллар билан тасвирлаб берган. Бунга мисол Беруний Ҳиндистон илм-фани ва маданиятини ўрганишда ҳар қандай касбдаги ва тоифадаги одамларнинг, асирга тушган олимлар билан лашкарбошилардан кўплаб оғзаки маълумотлар олиш билан «мен бор кучимни имкон қадар ҳинд китобларини топишга ва ўша китоблар яширинган жойларни излашга сарфладим»,- деб ёзади. Ҳиндистон илм-фани ва маданиятини ўрганишда Беруний биринчи навбатда ҳар қандай тартибдаги ва тоифадаги одамлардан, асирга тушган олимлар ва лашкарбошилардан кўплаб оғзаки маълумотларни олди ва шу мақсадда ҳинд тилини чуқур ўрганган эди. Илмий маълумотлар олишнинг иккинчи йўли, юқорида айтилганидек китоблар йиғиш ва ҳиндистонлик дўстлари ёрдамида бу китобларни тушунарли тилга таржима қилиб тўлиқ қабул қилинди.

Берунийнинг «Ҳиндистон тарихи» номли асари ўрта асрлардаги адабиётларнинг ичида тенги йўқ асар бўлиб ҳисобланади. Беруний ҳақида тарихчи М.Тлеумуратовнинг ёзишича, «Ҳиндистон китоби» узоқ тарихий иқтисодий алоқаларнинг, унинг узоқ йиллар давомида кўплаб асарларни ўрганишининг, тадқиқотларнинг натижасида пайдо бўлган. Унинг «Ҳиндистон тарихи» асари 13 йил давомида тўпланган манбаълар асосида ёзилган. Берунийнинг бу асарни яратиши ҳақиқий мардлик еди. Сабаби бошқа диндаги халқлар орасида диний адоват кучайган бир даврда манбаълар йиғиши, ҳиндлар билан тил топиша олиши, ёши ўтиб боришига қарамасдан Ҳиндистоннинг қадимги тили бўлмиш санскрит тили ва халқнинг сўзлашув тилини ўрганиши, буларнинг бари чин маънодаги жасурликни, сабр-тоқатлиликни, меҳнаткашликни талаб қилди.

Беруний ҳақли равишда барча даврларнинг энг йирик ҳиндшунос олимларидан бири деб атайди. Машҳур тарихчи С.П.Толстов «икки буюк хоразмликнинг – Беруний ва Хоразмнинг илмий йўналишларининг ўхшашлиги ҳайратланарли... Иккиси ҳам биринчи навбатда астроном ва математик, иккиси ҳам ўз халқининг бой маданий меросига суянади, шунингдек қатор юнон ва ҳинд илмларидан кенг фойдаланади» деб ёзиши ҳам бекорга емас. Тарихий маълумотларга қараганда 1010 йиллар атрофида Маъмун иккинчининг махсус чақируви бўйича Беруний ватани Хоразмга қайтиб келади. Бундан асосий сабаб, ёш подшо Берунийнинг билим даражаси яна ҳам ортганлигини ҳисобга олган бўлса керак. «Бир сафар, - деб ёзади машҳур саёхатчи Ёқут, - Маъмун иккинчи Берунийнинг

уйига келиб, саройига олиб кетади. Шундан кейин яна бир сафар у Берунийни чақиришга одам юборади. Олим кечигади, шунда подшо: «илм энг катта давлат, у юртга эмас, бутун одамлар унга бўйсинади» деб Берунийнинг олдига ўзи келибди». Маъмун академиясининг муҳимлигини Хоразмшоҳ Маъмун тушуниб, Беруний билан суҳбатлашганида «Илм бу энг ҳурматли соҳа, унга ҳамма давогар, илм ҳаммасидан юқори ва ундан юқори ҳеч нарса йўқ» деб айтган.

Беруний ҳақидаги энг тўлиқ таърифни таниқли немис шарқшуноси Карл Эдуард Захау берган: «Дунёда тоғлар кўп, бироқ улар орасида шунчалик бир юқори чўққи борки бу чўққини инсоният ҳеч қачон эгаллай олмайди. Бу – Беруний «деб ёзган бўлса, америкалик тарихшунос Сартон XI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди.

С.П.Толстов Берунийнинг илмий тадқиқотларига юқори баҳо бериб, «Хоразм илм-фани Беруний даврида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, у сиймосида биз ўрта асрдаги буюк қомусий олимни, астроном, географ, минеролог, этнограф, тарихшунос, шоирни кўрамиз» деб жуда тўғри ёзган.

Шундай қилиб, Беруний фақатгина бир халқнинг олими бўлиб қолмай, у Ўрта Ўсиё халқларининг ҳам буюк олими, қолаверса жахон халқларининг олими бўлиб ҳисобланади. Сабаби, у дунё илм-фанига катта ҳисса қўшди. У бир халқнинг илм-фани ва маданияти билан чекланиб қолмаган, дунёда жуда кам учрайдиган олимлар қаторидан ўрин олди. Унинг илмий мероси инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида хозирга замон илм-фанининг ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Берунийнинг бизга қолдирган бой илмий мерослари Ўзбекистон халқининг юксак фахри бўлиши билан бирга, бизнинг маънавиятимизга куч ва юқори натижаларга эришишда мадад бўлиб, ўзлигимизни англашнинг асосий бўғини ҳисобланади. Бу мерослар яхшилик, гўзаллик, одамгарчиликни ўргатади, ёшларни ватанпарварликка, халқлар дўстлигини қардлашга, ҳалолликка тарбиялаб келди. Бу бебаҳо мерослар тарихнинг бир неча юз йиллик синовларидан ўтган, ота-боболар ўз авлодини маънавий бой, юксак одамгарчиликни, ҳар тарафлама етук инсон этиб тарбиялашда фойдаланган тажрибаси. Бу меросни ўрганиш ҳар бир инсонда буюк ота-боболаримизни эзозлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг рухидан мадад олиш туйғуларини шакллантиради. Бу илмий мерослар мустақиллигимизни мустахкамлашда, маданиятимизнинг жахон цивилизацияси даражасида ривожланишига кенг имкониятлар очиб

беради. Шунинг учун ҳам, маънавиятимизни мустахкамлаш учун хизмат қиладиган буюк боболаримизнинг илмий меросини ҳар тарафлама пухта ўрганиш ва халққа етказиб беришимиз маданиятимизнинг фахр-у ифтихори. Халқимизнинг ёрқин тарихини билиш ҳар бир фуқаронинг, айниқса ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакда ўзининг тўғри йўлини танлаб олишида ҳамда бугунги кунда яшаётган тинч-тотув ва фаравон ҳаётимизнинг қадрига етишда ёрдам беради.

ИСМОИЛОВ Масъудхон Махдиевич,
Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети "Манбашунослик ва архившунослик" кафедраси доценти
тарих фанлари номзоди

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАСАВВУФ ТАРИХИДА ШИҲОБУДДИН СУҲРАВАРДИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: *Хотя Шихабуддин ас-Сухраварди известен ученым как основатель известной секты Сухраварди, мы также кратко расскажем о его жизни и научной деятельности.*

Ключевые слова: *Шихабуддин ас-Сухраварди, секты Сухраварди, книги*

Annotation: *Although Shihabuddin al-Sukhravardi is known to scientists as the founder of the famous Sukhravardi sect, we will also briefly talk about his life and scientific activity.*

Key words: *Shihabuddin as-Suhrawardi, Sukhrawardi sects, books.*

Шиҳобуддин ас-Суҳравардий Суҳравардия номли машҳур бир тариқат асосчиси сифатидаги фаолияти илм аҳлларига маълум бўлсада[732], биз ҳам унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида мумкин қадар мухтасар ҳолда айрим маълумотларни келтириб ўтамиз.

Абу Ҳафс ас-Суҳравардийнинг исми Умар, отасининг исми Муҳаммаддир. Исломий илмлардаги даражаси, ўз замонасидаги нуфузи сабабли «Шиҳобуддин», «Шайх ал-ислом» ва «Шайх уш-шуюх»

[732] Қаранг: Нирша В. Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Умара Шихобуддина Сухраварди: Дисс. ... канд. филос. наук. – Т.: Институт философии и права, 1990; Kamil Yilmaz . «Авориф ал-маориф» таржимаси сўзбошиси. – Истанбул: Uygun, 1990.

лақаблари билан машҳур бўлган, туғилган жойига қараб «Суҳравардий» нисбасини олган.

Шиҳобуддин Умар Суҳравардий, тарихчи Ибн Нажжор қайд этган маълумотга кўра, 539 йили ражаб ойининг охирги ва шаъбон ойининг илк кечаси (1145 йил 27 январ)[733] Эроннинг Ироқи Ажам қисмидаги Жибол ўлкасида жойлашган Занжон вилоятига қарашли кичик бир шаҳарча бўлмиш Суҳравардда туғилди. Шу ерда дастлабки илмларни ўрганганидан сўнг ўн олти ёшида амакиси Абуннажиб ас-Суҳравардийнинг (490/1097–593/1197 йй.) ёнига – Бағдодга боради. Амакисининг вафотига қадар ундан, кейинроқ эса Бағдоднинг бошқа олимларидан илм таҳсил қилади ва умрининг охиригача Бағдодда яшайди. Бу даврнинг ўзига хос томони, тасаввуфда тариқатлар эндигина шаклланабошлаган даври бўлиб, тасаввуф масалаларига бағишланган асарларга эҳтиёж катта эди. Шу боис Суҳравардийга замондош шайхлар ҳам ўзлари тушунмаган масалалар юзасидан саволларини ёзма ёки оғзаки равишда ундан сўраб, жавобини олар эдилар. Ҳатто ушбу савол-жавоблар кейинроқ бир асар ҳолига келтирилган эди[734].

Узоқ умр кўрган Суҳравардий ҳаётининг сўнгги йилларида кўзи кўрмай уйда ўтириб қолиб[735], 632 йили муҳаррам ойининг илк куни (1234 йили 26 ноябр)да вафот этган; Вердийя хонақоҳидаги мақбарада дафн этилган[736].

Шиҳобуддин Суҳравардий ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Унинг аксарият асарлари тасаввуфнинг турли масалаларига бағишланган ва асрлар давомида олимлар наздида зарурий манбалардан ҳисобланган, тазкиралар, тадқиқотларда бу ҳақда илиқ фикрлар айтилган. Жумладан, Алишер Навоий «Насоим ал-муҳаббат» асарида шундай ёзади:

«Шайх Шиҳобуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Бакрий Суҳравардий, интисоби ўзининг амакиси шайх Абуннажиб Суҳравардийға (эрди) ва шайх Абдулқодир Гилоний суҳбатиға етибдурлар. Таснифлари

---

[733] Суҳравардийга замондош бўлган муаллифлардан ал-Мунзирий (ваф. 656/1161й.) шу санани тўғри деб таъкидлаган. Қаранг: ат-Такмила ли-вафоёт ан-нақола. – Байрут: Башшор Аввад Маъруф,1981. Т.III. – Б.380–381.

[734] Тахминан 35 варақ атрофидаги «ал-Асила вал-ажвиба» («Савол-жавоблар») деб аталган бу асарнинг Миср-Амона кутубхонасида 1762 йилда кўчирилган бир нусхаси бор.

[735] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий (ваф. 747/1374й). Тарих ал-ислом ва вафоёт ал-машоҳир ва-л-аълам. – Байрут, 1988. Т.IV. – Б. 98.

[736] Ибн ун-Нажжор. ал-Мустафод мин зайли тарихи Бағдод. – Ҳайдаробод, 1978. Т.IV. – Б. 210; Ибн Халликон. Вафоёт ал-аъён. – Байрут, 1977. Т. III. – Б. 448; ал-Мунзирий. ат-Такмила… – Б. 380.

кўп «Авориф», «Рашф ун-насоиҳ», «Аълом ат-туқо»дек. «Авориф»ни Маккада ёзган»[737].

Турк олими Камил Йилмаз шайх Суҳравардийнинг илмий меросини атрофлича ўрганиб, баъзи асарларини турк тилига таржима қилиб нашр эттирган ва маълум хулосалар ҳам қилган. Жумладан, «Авориф ал-маориф» таржимаси сўз бошисида у қуйидагиларни ёзади:

«Ҳазрат Суҳравардийнинг энг муҳим асарларидан бири ҳеч шак-шубҳасиз «Авориф ал-маъориф»дир. «Авориф»нинг соясида Суҳравардий ҳазратларининг номи илм, тасаввуф ва тариқат бобида абадийлашди. Ҳазрати Суҳравардий салафлардан Абу Наср ас-Саррож, Калободий, Абу Толиб ал-Маккий, Қушайрий ва Ғаззолийларнинг тариқат йўлларидан чиқмаган ҳолда, асарини сунний тасаввуф тушунчасини ёйиш ва бир тизимга келтириш мақсадида ёзади...»[738].

К. Йилмаз мазкур асарнинг таржимасига ёзган сўз бошисида Суҳравардийнинг «Авориф»дан бошқа асарлари хусусида ҳам қуйидагича маълумот бериб ўтган:

1. «Нуғбат ал-баён фи тафсир ал-Қуръон» («Қуръон тафсирида баён томчилари») – Суҳравардийнинг тасаввуфий тафсири. Асарнинг муаллиф ҳаётлигида (610/1212 й.) кўчирилган нусхаси Сулаймония кутубхонасида сақланади[739].

2. «Рашф ун-насойиҳ ал-иймонийя ва кашф ал-фазойиҳ ал-юнонийя» («Иймоний насиҳат сочиш ва юнoний шармандаликни фош этиш») – юнон фалсафасига ва файласуфларга қарши ёзилган.

3. «Иршод ал-муридин ва мажд ат-толибин» («Муридлар кўрсатмаси ва толиблар шарафи»). Суҳравардийнинг тасаввуф ва тариқат одобига оид «Авориф»дан бошқа иккинчи асаридир[740].

4. «Аълам ал-ҳуда ва ақидату арбоб ат-туқо» («Ҳидоят белгилари ва тақво арбобларининг ақидаси»). Тасаввуф ва калом илмига доир бу асар ўн бўлимдан иборат[741].

---

[737] Навоий Алишер. Насоим ал-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. – Т.: Фан, 2001.– Б.338.

[738] Kamil Yilmaz. «Аворифал-маориф» таржимаси сўзбоши. – Истанбул: Uygun, 1990. – Б. XXYI–XXXII.

[739] «Besiraga» (Айюб) кутубхонаси 24-рақамли қўлёзма.

[740] Сулаймония кутубхонаси «Şehid Ali Paşa» бўлимидаги №1397/I рақамли қўлёзма. Мазкур асарнинг яна битта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида №2981/II рақам билан сақланади.

[741] Асарнинг қўлёзмалари Сулаймония кутубхонаси «Nafiz Paşa» бўлимида №428/II ва №770, «Bagdatli Vehdi Ef.» бўлимида №2023/X ҳамда «Murad Buhari» бўлимида №210/II рақамларида сақланади.

5. «Ар-раҳиқ ал-махтум» («Муҳрланган май»). Суҳравардий илоҳиётга доир бу асарида илоҳий сирларни ва тасаввуфий кечинмаларни оят ва ҳадисларга таяниб тушунтириб берган[742].

6. «Рисола ас-сайр ва-т-тайр» («Сайр ва тайр (учиш) ҳақидаги рисола»). *Тажаллий, сайр, тайр ва сулук* мавзуларини баён этувчи икки варақли рисола[743].

7. «Васоё» («Васиятлар»). Суҳравардийнинг ўғли ва муридларига қилган васиятларидан иборат рисола[744].

8. «Жазб ал-қулуб ила мувосалат ал-маҳбуб» («Маҳбуб висолига қалбларни тортиш»). Суҳравардийнинг тасаввуфга доир бу асари 1328/1910 йили Ҳалаб (Алеппо) шаҳрида нашр этилган.

9. «Аврод ас-Суҳравардий» («Суҳравардийнинг зикрлари») – Суҳравардий томонидан тартибга солинган кундалик вирд – зикрлар мажмуасидан иборат асар[745].

10. «Сунуҳ ал-футуҳ би-зикр ар-руҳ» («Руҳ зикри билан мақсадга эришиш»). *Асар руҳ, нафс, истиғроқ, вужуд, хавотир ва сунуҳот* каби тасаввуфий истилоҳлардан баҳс этувчи кичик бир рисоладир[746].

11. «Футувватнома» («Жўмардлик (жавонмардлик) ҳақида рисола») – футувват ҳақидаги форсча рисоладир[747].

12. «Ал-асъила ва-л-ажвиба» («Саволлар ва жавоблар») Суҳравардий халифа, мурид ва ўзига замондош шайхларнинг саволларига берган ёзма жавоблари мажмуасидан юзага келган 35 варақли рисола[748].

13. «Рисола фи ғурар ал-халқ ва истидрожиҳим» («Халойиқнинг алданиш ва истидрожлари[749] ҳақидаги рисола»).

---

[742] Асарнинг қўлёзмалари Сулаймония кутубхонаси «H. Mahmud Ef.» бўлимида №2682/I, «Halet Ef.» бўлимида №814/VIII, «Şehid Ali Paşa» бўлимида №1377/III ва «Bayezid-Veliyuddin Ef.» бўлимида №1821 рақамларида сақланади.

[743] Асарнинг қўлёзмалари Сулаймония кутубхонаси «Nafiz Paşa» бўлимида №428/III, «Bagdatli Vehdi Ef.» бўлимида №2023/IX, «Koprulu» бўлимида №1589 ва «Bursa Ulu Cami Tas» бўлимида №65/V рақамларида сақланади.

[744] Асарнинг қўлёзмалари Сулаймония шаҳри кутубхонаси «Nafiz Paşa» бўлимида №428/IV, «Şehid Ali Paşa» бўлимида №1396 ва «Koprulu» бўлимида №329/V рақамларида сақланади.

[745] Асарга Али ибн Аҳмад ал-Ғурий томонидан шарҳ ёзилган. Унинг қўлёзмаси «H. Selimaga» кутубхонасида №550/II рақамида сақланади.

[746] «Koprulu»да асарнинг №1605/VI рақамли нусхаси «Рисола фис-сулук» деб қайд қилинган.

[747] Рисола Муртазо Саввоф ва Хенри Жорбин томонидан 1353/1973 йилда нашр этилган.

[748] Асарнинг бир нусхаси Мисрнинг Емане кутубхонасида №1762 рақамида сақланади.

[749] Ислом ақоидига кўра кофирлар томонидан кўрсатилган одатдан ташқари ишлар, авлиёларнинг кароматларига ўхшаш.

14. «Мақомот ал-орифин» («Орифлар мақомлари»).

15. «Рисола фи-л-факр» («Факр мақоми ҳақидаги рисола»).

К.Броккельман Суҳравардийнинг булардан бошқа асарлари ҳам борлигини айтган, бироқ уларнинг номларини келтирмаган[750]. «Луғатномаи Деҳҳудо»да Суҳравардийнинг «Аълом ал-ҳудо» номли асари борлиги ҳам қайд этилган[751].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида ҳам Суҳравардийнинг «Авориф ал-маъориф»[752], «Аврод ас-Суҳравардий» (бошқа номи «Авроди Шиҳобий»)[753], «Васоё» (шунингдек, «Васийяти Суҳравардий» ёки «Васийятномаи сулук» номларида ҳам қайд этилган)[754], «Рисола фи баён одоб ат-тариқа»[755] ҳамда тадқиқ этаётганимиз «Иршод ал-муридин»[756] номли асарларининг нусхалари ва шунингдек, «Авориф ал-маъориф»нинг форсча таржимаси сақланади[757].

Биз ҳам анча йиллардан бери Шиҳобуддин Суҳравардийнинг илмий меросини ўрганишга қизиқиб, унинг машҳур асари «Авориф ал-маъориф»ни ўзбек тилига таржима қилишни бошлаган эдик. Мазкур асар устида ишлаш жараёнида Суҳравардий илмий мероси Марказий Осиё маданиятида Ўрта асрларда кенг ўрин тутган тасаввуф таълимотини ўрганишда илк манбалардан эканлиги маълум бўлди. Айниқса, унинг “Авориф ал-маориф” асари ўзидан кейинги китобларнинг юзага келишида бирламчи манбалардан эканлиги кўринади ва бу ҳол навбатдаги тадқиқотларимиз мавзуси бўлса ажаб эмас.

---

[750] Қаранг: Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. (I) – Leiden: E.J.Brill, 1937. – p.440–441.

[751] Муин М., Шаҳидий С.Ж. Луғатномаи Деҳҳудо. – Теҳрон, 1258–1334 ҳ.ш..й. – Т. VIII. – Б.12218.

[752] Қаранг: Шиҳобуддин Суҳравардий. Авориф ал-маориф. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№5847;2424;4794; 11956.

[753] Қаранг:Шиҳобуддин Суҳравардий. Авроди Шиҳобий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2758.

[754] Қаранг: Шиҳобуддин Суҳравардий. Васияти Суҳравардий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№7745/II; 2956/VIII; 295/XVIII; 500/V.

[755] Қаранг: Шиҳобуддин Суҳравардий. Рисола фи баён одоб ат-тариқа. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №505/X.

[756] Қаранг: Шиҳобуддин Суҳравардий. Иршод ал-муридин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2981/II.

[757] Қаранг: Шиҳобуддин Суҳравардий. Таржимаи «Авориф ал-маориф». ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №10765; 3251.

ЛУТФИЛЛАЕВ Ҳамидилло Муродиллаевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тарих фанлари номзоди,

МОТУРИДИЙ ЁЗМА МЕРОСИНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАФСИРЛАРИГА ТАЪСИРИ ("МАВОҲИБИ АЛИЙЯ" МИСОЛИДА)

Аннотация: *Известно, что подъем культурной и духовной жизни в Центральной Азии, развитие различных областей науки напрямую связаны с великими учеными, которые там работали, и с работами, написанными ими. Одним из ученых, оставивших значительное научное наследие, был Абу Мансур Мухаммед ибн Мухаммад ибн Махмуд аль-Ханафи аль-Мотуриди ас-Самарканди (ум. 333/944). Письменные источники утверждают, что он был зрелым ученым в таких областях, как тафсир, фикх, калам*

Ключевые слова: *Мавахибия Алия, Центральная Азия, Мотуриди, Стих, Сура, Тафсир, Коран.*

Annotation: *It is known that the rise of cultural and spiritual life in Central Asia, the development of various fields of science are directly related to the great scientists who worked there, and to the works written by them. One of the scholars who left a considerable scientific legacy was Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad ibn Mahmoud al-Hanafi al-Moturidi al-Samarkandi (d. 333/944). Written sources claim that he was a mature scholar in areas such as tafsir, fiqh, kalam.*

Key words: *Mawahibiya Aliya, Central Asia, Moturidi, Verse, Sura, Tafsir, Quran.*

Маълумки, Марказий Осиёда маданий-маънавий ҳаётнинг юксалиши, илм-фан турли соҳаларининг ривожланиши у ерда фаолият олиб борган буюк олимлар ва улар томонидан таълиф этилган асарлар билан бевосита боғлиқ. Илм-фанда салмоқли мерос қолдирган олимлардан бири Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир (ваф. 333/944). Ёзма манбаларда унинг тафсир, фиқҳ, калом каби соҳаларнинг етук олими бўлгани қайд этилади. Бугунги кунга қадар Абу Мансур Мотуридийнинг илмий фаолиятига оид бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Асосан, унинг калом

илми соҳасидаги фаолияти нисбатан батафсилроқ ўрганилган[3]. Шунингдек, унинг 2000 йилда ўтказилган юбилейи муносабати билан қироат илмига доир рисоласи ҳам илмий жамотчиликка эълон қилинган[4].

Биз Абу Мансур Мотуридийнинг ёзма мероси ўрта асрларда хусусан темурийлар ҳукмронлиги йилларида қай даражада ўрганилганига аниқлик киритиш мақсадида ўша даврга тегишли муътабар манбаларга мурожаат қилдик. Илм аҳлига сир эмаски, темурийлар салтанатида илм-фаннинг кўпгина соҳалари тараққий этган. Хусусан, Қуръон илмларига доир муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, "Мавоҳиби Алийя" номли тафсир мазкур салтанатда яратилиб, кейинги йилларда ҳам Қуръони карим маъноларини тушунишда асосий манбалардан ҳисобланган. Асар Ҳирот илмий муҳитининг йирик намояндаларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф.910/1505) томонидан таълиф этилган. Муаллиф вафотидан кейин "Тафсири Ҳусайний" номи билан кенг тарқалган.

Ҳусайн Воиз Кошифий "Мавоҳиби Алийя" тафсирини ёзишда кўпгина манбалардан фойдаланган ва уларнинг фан соҳалари ҳамда ёзилган вақти ҳар хилдир. Қуръони каримга ёзилган тафсир бўлгани сабабли, табиийки, унда фойдаланилган манбалар – биринчи навбатда Қуръон тафсирларидир[758]. Бундан кейин манбаларга ҳадислар ва тасаввуфий мавзудаги асарлар киради. Тил нуқтаи назаридан мазкур манбалар форс ва араб тилларида ёзилган бўлиб, араб тилидаги манбалар X-XII асрларда ёзилган, асарда учрайдиган форс тилидаги манбалар эса, кўпроқ XII-XV асрларга тегишлидир. Муаллиф ўз асарида эслатган ёзма манбалардан турли услубларда фойдаланган, яъни манбаларнинг баъзиларидан "Мавоҳиби Алийя"да кўчирмалар ҳар хил ҳажмда (бир жумла, баъзан бир бет) келтирилган. Демак, бу асарлар муаллиф яшаган даврда мавжуд бўлган.

---

[3] Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т., 2000; Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. – Т., 2000; Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти (қисқартирилган нашр). Тошкент, 2002.

[4] О.Бўриев. Абу Мансур Мотуридийнинг тажвидга оид форсий асари / «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни» мавзуидаги Халқаро конференция материаллари (ўзбек, инглиз ва рус тилларда). – Самарқанд, ноябрь, 2000 йил. – Т.: «Фан», 2000; О.Бўриев, Ҳ.Карометов. Буюк аллома меросидан ноёб топилма. Ж. «Мозийдан садо» 4(8). 2000. – Б. 32-35; Караматов Ҳ. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг тажвидга оид рисоласининг қўлёзма нусхалари / Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2003 й. 25 апрель – Т.: "Университет", 2003. 54-57 б.

[758] Асарнинг тафсирга оид манбалари: Қози Байзовийнинг "Анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил", Қуртубийнинг "Жомеъ ул-аҳком ал-Қуръон" ("Тафсири Қуртубий"), имом Замахшарийнинг "Тафсири Кашшоф", Абулбаракот Насафийнинг "Тафсири Насафий", Фахруддин Розийнинг "Мафотиҳ ал-ғайб" каби асарларидир.

Асарда келтирилган манбалар бирор қоида ёки тартиб билан берилмаган. Муаллиф бирор манбадан иқтибос келтирар экан, одатда, унинг қайси китобдан олингани ёки муаллифи ким бўлганини қайд этади. Айтиб ўтиш керак-ки, асарда эслатилган манбаларнинг номлари кўпинча, қисқартирилган ҳолда келтирилади, баъзан фақатгина асарнинг номи келтирилиб, асар муаллифи исми кўрсатилмаган. Баъзи ўринларда эса, аксинча, яъни муаллифнинг номи қайд этилиб, унинг қайси асаридан иқтибос олингани ёзилмаган. Табиийки, бу ҳолат ҳозирги тадқиқотчи учун асарнинг манбавий асослари устида фикр юритишда маълум қийинчилик туғдиради.

Асарда шайх Абу Мансур Мотуридий номи ва унинг ёзма мероси ҳам бир неча ўринларда эслатилади. Айрим жойларда муаллиф номи зикр қилинса, баъзан унинг асарига ишора қилинади. Масалан, Ол-Имрон сураси 7-ояти: “У сенга китобни туширган зотдир. Унда муҳкам оятлар ҳам бор ва улар китобнинг аслидир ва муташобиҳ (оят)лар ҳам бор. Қалбларида ҳидоятдан оғиш борлар фитна мақсадида ва уни таъвил қилиш мақсадида ундан муташобеҳ бўлганига эргашади. Унинг таъвилини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмас”. “Мавоҳиби Алийя” муаллифи оятдаги “муташобеҳотлар” калимаси тафсирида: “Шайх Абу Мансур Мотуридий роҳимаҳуллоҳ марҳамат қиладики, ақл (ўзига) ҳукм қилинган даражада била олади, муташобеҳларни нақл билан англаш мумкин эмас”[759] – деб иқтибос келтиради. Бу масала ақоид илми билан боғлиқ бўлгани сабабли муаллиф айнан Мотуридийнинг қавлига ишора қилган бўлиши керак.

Анъом сурасининг 128-ояти: “...(Эй Муҳаммад, эсланг: Аллоҳ) уларнинг барчаларини тўплайдиган кунда: «Эй жинлар жамоаси, инсонлардан жуда кўпини (адаштирдингиз), дер». Шунда у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: «Парвардигоро, бизлар бир-биримиздан фойдаландик ва Ўзинг биз учун белгилаб қўйган ажалимизга етиб келдик», деганларида, Аллоҳ айтур: «Жойингиз дўзахдир! Унда абадий қолурсиз, магар Аллоҳнииг хоҳиши билангина (чиқишингиз мумкин)». Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат ва билим соҳибидир”. Оятдаги *“бизлар бир-биримиздан фойдаландик”* иборасидан кейин қуйидаги иқтибос келтирилади: “Имом Абу Мансур Мотуридий роҳимаҳуллоҳ марҳамат қиладики, улар (бир-бирига) гуноҳ қилишда ёрдам берганлар”[760]. Бу ўринда ҳам Имом Мотуридийдан нақл қилган ҳолда,

[759] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 52б варақ.
[760] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 154б варақ.

оятдаги *“бизлар бир-биримиздан фойдаландик”* лафзи бевосита жинлар мулоқот қилиб турли гуноҳ ишларни қилувчи кишилар экани, улар қиёмат кунида дўзах аҳлидан бўлиши ҳолатини баён қилган.

Ҳуд сурасининг 12-ояти: “(Эй Муҳаммад), эҳтимол, сиз (мушриклар): «Унга осмондан хазина − бойлик туширилса ёки у билан бирга (унинг пайғамбар эканлигини тасдиқлайдиган) бирон фариштa келса бўлмасмиди?» деганлари сабабли ўзингизга ваҳий қилинаётган оятларнинг айримларини (уларга етказишни) **тарк қиларсиз** ва шу сабабли, дилингиз сиқилар? (Йўқ, сиз ўзингизга нозил қилинган оятларни тўла-тўкис ҳолида кишиларга етказаверинг, чунки) фақатгина сиз (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчисиз, холос, Аллоҳ, ҳамма нарсанинг устида вакил − бошқариб тургувчидир”.

Мазкур оятдаги “*тарк қиларсиз*” лафзидан кейин Имом Мотуридий роҳимаҳуллоҳ айтадики: “Истифҳом инкор маъносидадир. Яъни ширк келтирма”[761].

Ҳижр сурасининг 22-ояти: “Биз шамолларни (булутларга) ҳомиладор бўлган ҳолларида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан суғордик. Сизлар уни тўплаб олгувчи эмассиз (балки Биз дарё ва кўллар яратиб, у сувни сизлар учун тўплаб берурмиз)”.

“Тафсири Ҳусайний” муаллифи оятдаги “...*Сизлар уни тўплаб олгувчи эмассиз*” иборасидан кейин қуйидаги иқтибосни келтиради: “Имом Мотуридий роҳимаҳуллоҳ “Таъвилот”да марҳамат қилади: “Худои таолонинг хазинаси сизнинг қўлингизда эмас. У (Аллоҳ) ҳамма нарсанинг эгасидир”.[762] Иқтибосдан кўриниб турибдики, мазкур лафз эътиқод билан боғликдир. Шу сабабли бу ўринда кучли қавл сифатида “Таъвилот”га мурожаат қилинган.

Ҳижр сурасининг 72-ояти: (Эй Муҳаммад), ҳаётингизга қасамки, улар ўз мастликларида тентираб юрган ҳолларида, (тўсатдан) тонг пайтида уларни даҳшатли қичқириқ тутди”. “Тафсири Ҳусайний”да оятдаги *қасам* ҳақида “Мотуридий Таъвилоти”да келтирадики, худои таоло хоҳласа, ўзи яратган махлуқларини қасам билан эслайди” – дея иқтибос келтиради[763].

Наҳл сурасининг 84-ояти “Ҳар бир умматдан Биз бир гувоҳни (ўша умматнинг пайғамбарини) кетириб қўядиган кунни эсланг! Сўнгра кофир бўлганларга (узр айтиш учун) изн берилмас ҳамда улардан (Аллоҳни) рози

---

[761] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 239а варақ.
[762] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 283а варақ.
[763] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 286а варақ.

қилиш ҳам талаб қилинмас” тафсирида: “Имом Мотуридий роҳимаҳуллоҳ “Таъвилот”да келтирадики, уларга узр сўрашга имкон берилмайди. Агар улар узр сўрашни хоҳласалар бу бефойдадир”, − деб иқтибос келтирилади[764]. Бу ўринда кофирларнинг қиёмат кунидаги қисмати ҳақида Имом Мотуридий таъвили энг ишончли далил сифатида тафсирда баён қилинган.

Наҳл сурасининг 122-ояти: “Унга бу дунёда эзгулик ато этдик. Албатта, у охиратда ҳам солиҳлардандир”. “Тафсири Ҳусайний”да қайд этилишича, мазкур оятдаги *“Унга”, “у”* олмошлари Иброҳим алайҳиссаломга нисбатан айтилган. Иброҳим алайҳиссаломнинг сифатлари ҳақида эса, Имом Мотуридийдан нақл қилинган. Кошифий келтиради: “Имом Мотуридий роҳимаҳуллоҳ марҳамат қиладики, У (Иброҳим а.с.) дунёда охират яхшиликларидан камроқ нарсани хоҳлади[765]. Демак, тафсир муаллифи бу ўринда Имом Мотуридийнинг қавлини ўз даври учун энг машҳур далил ҳисоблаган.

Айтиш мумкинки, “Мавоҳиби Алийя”да фойдаланилган манбалар – биринчи навбатда Қуръон тафсирлари дейиш мумкин. Оятлар таъвилини тушунтиришда эса, муаллиф айнан Имом Мотуридий ва унинг асарларига мурожаат қилади. Бундан кўринадики, Имом Мотуридий ёзма мероси темурийлар даврида ҳам олимлар эътиборида бўлган. Унинг “Таъвилот” асари муътабар манбалар қаторида турган. Калом илми ва таъвил билан боғлиқ масалаларда ўша давр олимлари Имом Мотуридий меросидан унумли фойдаланганлар.

[764] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 298а варақ.
[765] ЎзР ФАШИ қўлёзмаси №2181. 303б варақ.

ҚУРБОНОВА Дилафрўз Абдурашидовна
Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази
тарих фанлари номзоди

БОЛГАРИЯНИНГ КИРИЛ ВА МЕФОДИЙ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН “ТЕМУРНОМА” АСАРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИГА ДОИР

Аннотация: *В этой статье рассматриваются произведение под названием «Темурнама» автора Абдуллы Хотифи ныне хранящиеся в национальной библиотеке имени Кирилла и Мефодий Болгарии, также анализируется миниатюры и особенности книжного искусства эпохи Темуридов Тебризской школы.*

Ключевые слова: *«Темурнама», темуриды, миниатюра, Тебризская школа.*

Annotation: *This article examines the work called "Temurnoma" by author Abdulla Xotifi, now stored in the national library named after Cyril and Mefodius of Bulgaria, also analyzes miniatures and features of book art of the Temurid era of the Tebriz school.*

Keywords: *"Temurnoma", Temurid, miniature, Tebriz school.*

Дарҳақиқат, маданият тарихида шундай даврлар бўлганки, Туркистон тупроғи фозиллари ўз кашфиётлари билан жаҳон фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Турон тарихида маданий уйғониш даврлари кўп бўлган. Ана шундай ренессанс даврлари ичида Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида ўрин туради.

Биламизки, темурийлар даврида китобат санъати мислсиз даражада ривож топди. Китобат санъатида қўлёзма қоғозидан тортиб, то хатлари, безаклари ва муқовасигача алоҳида тадқиқ этадиган мавзу ҳисобланади. Айниқса, уларнинг мазмун-моҳияти, тарихий-илмий қимматга эга эканлиги тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ана шундай тарихий асарлардан бири, XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган машҳур шоир Абдулла Ҳотифийнинг “Темурнома” асаридир. Бу асар “Зафарномаи Темурий” ва “Зафарномаи Ҳотифий” номлари билан ҳам маълум бўлиб, унда Амир Темур даврида бўлиб ўтган воқеалар шеърий тил билан баён этилади. Шунингдек, ушбу асардаги тарихий маълумотлар Низомиддин

Шомийнинг “Зафарнома” асарида жамланган маълумотларнинг ишончлилигига таянган ҳолда, XV-XVI асрларда яратилган бош манбалардан биридир[766].

“Зафарнома” XV ва XVI асрларда қаҳрамонлик қиссаси жанрида икки марта шеърий йўл билан: ўзбек тилида шоир Лутфий ва машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг жияни Абдулла Ҳотифий томонидан назм этилган эди. Бизгача бу икки асардан фақат Ҳотифийнинг “Темурнома” деб аталадиган асари етиб келган.

Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари, каталогларда берилган маълумотларга қараганда, кўпгина хорижий мамлакатларнинг қўлёзма асарлар хазинасида сақланмоқда. Ана шулар қаторига Болгариядаги Кирил ва Мефодий номидаги халқ кутубхонасида сақланаётган “Темурнома” асари аҳамиятлидир. Мазкур кутубхонага 1878 йил 4 апрельда асос солинган бўлиб, уч йилдан сўнг унга миллий кутубхона номи берилган. 1924 йилда эса кутубхонага Болгария миллий уйғониш архиви бириктирилган. Кутубхонада 11 та бўлим бўлиб, уларнинг орасида Шарқ коллекциялари бўлими ҳам фаолият юритади.

Кирил ва Мефодий номидаги халқ кутубхонасида сақланаётган шарқ қўлёзмалари орасида XVI асрга оид Ҳотифийнинг “Темурнома”[767] асари алоҳида аҳамият касб этади. “Темурнома” асари 1538 йилда ёзилган бўлиб, 146 саҳифани ташкил этади. Ўлчамлари 24,5x14 см. Ўзига хос нафис қилиб ишланган зарварақ ва китобнинг дастлабки саҳифаларида иккита рангли миниатюра чизилган. Ушбу асар кутубхонага кўп асрлар давомида Эрон ва Болқон ўртасида давом этган тарихий жараёнлар сабабли келиб тушган. Яъни, Осиё ва Европа ерларида иқтисодий, сиёсий, маданий ва савдо алоқалари натижасида санъат, адабиёт, дин ва илм-фан ўртасида дўстона узвий алоқалар, маданий алмашинувлар сабаб ушбу китоб ҳам мазкур кутубхонага бориб қолган дейиш мумкин.

Ушбу қўлёзма настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, зарҳалланган ҳошиялари рамка ичида шеърий мисралар баён этилган. Табриз миниатюра мактабига хос бўлган 2 та рангли ва 3 та оқ-қора рангли миниатюра бор. Улар Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига Камолиддин Беҳзод томонидан чизилган миниатюралардан нусха олинган. Уларда Амир Темур томонидан 1402 йилда Смурна қальасининг забт этилиши миниатюраси, Соҳибқироннинг 1370 йилда 34 ёшида

[766]Низомиддин Шомий. Зафарнома.Тошкент, 1996. Б.8.
[767]ОР 994 рақами остида сақланади.

Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлганлиги шарафига боғда ташкил этилган зиёфат тасвири кўрсатилган миниатюраларни кўриш мумкин. Ушбу “Темурнома” асари номаълум ҳаттот томонидан Бойсунғур Мирзо даврида унинг ҳаттотлик мактабида кўчирилган. Қўлёзмага чизилган миниатюралар эса Табриз мактабига хосдир. Чунки,биламизки, Бойсунғур Мирзо Ҳиротда улкан кутубхона ташкил этиб, унда қирқ нафар етук ҳунарвар, хушнавис ҳаттот Мавлоно Жаъфар Табризий раислигида китобат билан машғул бўлиб, китобатга лозим бўлган варроқлик, саҳҳофлик, тасвир, тазҳиб, тажлид, вассоллик, зарафшонлик ва бошқа нафосат бадиий санъат ижоди билан банд эдилар[768].

“Темурнома” асаридаги “Амир Темур қўшинлари Смурна қалъасини забт этмоқда”. миниатюраси қоғозга олтин суви юргизилган сиёҳ билан чизилган. Ўлчамлари: 20 х 12 см. Болгария, Кирил ва Мефодий номидаги миллий кутубхонада сақланади**.**Ушбу миниатюра 1402 йили бўлган ҳодисани намоён этади. Асар икки қисмдан иборат: ўнгтомондаги расмда Амир Темур отда ўтириб, жангни кузатаётгани ва аскарларига душманга қайси тарафдан зарба беришларини кўрсатаётганлиги тасвирланган. Амир Темур аскарлари ҳар доимгидек яхши қуролланган: қўлларида камон, найза, қиличлар бор. Аскарларга руҳий тетиклик бахш этиш мақсадида карнай-сурнайларнинг чалинаётганлиги ҳам тасвирланган.

Асардаги яна бир “Амир Темур шаҳзодаларни қабул қилмоқда” миниатюраси қоғозга олтин суви юргизилган сиёҳ билан чизилган. Ўлчамлари: 22х 15см. Болгария, Кирил ва Мефодий номидаги миллий кутубхонада сақланади. Бу миниатюрада Амир Темур тахтга ўтирган пайтлари (апрел 1370 йил) кўрсатилган: тантанали равишда қабулда эҳтиром этувчилар совғалар билан келганлар. Ташриф буюрганлар қўлларида турли совғалар, безатилган от, ширинликлар, қимматбаҳо тошлар қадалган шамширлар, камон, ўқ-ёйлар билан кўрсатилган. Асар марказида Амир Темур нақшланган тахтда ўтирган ҳолати тасвирланган. Маросим боғда ўтказилаяпти, гуллаб турган дарахтлар, гуллар ва кўм-кўк майсалар расмга ўзгача хусн бахш этган. Ушбу миниатюра аввал Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига бағишланган бўлиб, Ҳусайн Султон Бойқарога атаб 1485 йилда Камолиддин Беҳзод томонидан чизилган. Бу асардаги миниатюра эса Камолиддин Беҳзод шогирдларидан айнан Табризда фаолият юритганларидан бирига мансуб дейиш мумкин. Чунки, Камолиддин Беҳзоднинг 1522-1523 йилларгача Ҳиротда

[768]Н.Норқулов. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. Урганч, 1996. Б.38.

яшаганлигини исбот этадиган тарихий далиллар мавжуд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиротда, 1519 йилнинг 25 апрелида Беҳзод ҳузурида бўлганлигини ёзади[769].1522 йилнинг 24 апрелида Шоҳ Исмоилнинг Беҳзодни Табриз кутубхонасининг китобдори этиб тайинлайди. Беҳзод билан бирга Табризга унинг бир гуруҳ шогирдлари ҳам кўчиб бордилар. Булар ичида Султон Муҳаммад, Қосим Али Чеҳракушо, Абдулазиз Исфаҳоний, Шайҳзода Хуросоний ва бошқалар бор эди. Сафавийлар даври тарихчиси Искандар Мунший Беҳзоднинг Табризда етиштирган шогирдларидан бири Музаффар Али бўлганлигини таъкидлайди. Эҳтимол, "Темурнома" асаридаги ушбу тавсифланаётган миниатюралар ҳам айнан шу устаники бўлиши мумкин.

Амир Темур салтанатининг барпо этилиши даврида минтақада китоб безатиш санъати узоқ машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида у бир неча бадиий марказларда – Самарқанд, Ҳирот, Бағдод, Шероз, Табриз ва Яздда жамланган эди. Бу даврда қўлёзмаларнинг дастхати, матнни жойлаштириш, безаш, зарварақлари, унвонлари ўзига хос даражада ривожланган. "Темурнома" асаридаги матннинг жойлашуви-асосий матн саҳифанинг ўртасида икки-тўрт устунда жойлаштирилган. Шеърий услубда берилган. Бир сўз билан айтганда китобнинг ёзилиши ва безатилиши темурийлар даври Табриз ҳаттотлик мактаби анъаналарини ўзида намоён этади.

Абдулла Ҳотифийнинг "Темурнома" асарининг қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида ҳам сақланмоқда. Асар тадқиқотларда кам ўрганилган. Институт қўлёзма асарлар хазинасида сақланаётган нусхалардан энг қадимгиси Ғиёсиддин Жомий тарафидан Ҳиротда 943/1536 йили, муаллифнинг вафотидан 16 йил кейин, чиройли настаълиқ хатида битилган нусхадир. Асар аввалидан охиригача ҳар бир саҳифаси ҳар хил рангларда бўялган.

Улар орасида 2102 рақами остида сақланаётган нусха, ўзининг гўзаллиги, аъло даражадаги настаълиқ хати билан ёзилганлиги ва ҳар бир саҳифа ажойиб гуллар солиб безатилганлиги билан ажралиб туради. Бу нусха 976/1568 йили Али Ризо котиб томонидан китобат қилинган[770].

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, "Темурнома" дан асрлар оша ажойиб қўлёзма нусхаларнинг яратилиши, уларнинг машҳур ҳаттотлар

[769]Бобурнома. Тошкент, 1960. Б.301.

[770]Қ.Муниров. «Темурийлар даври маданий ёдгорликлари". // Тошкент. 2003. Б. 44-45.

томонидан китобат қилиниши, уста мусаввирлар томонидан гўзал безатилишидан, ўтмишда бу асарга жуда катта эътибор билан қаралгани кўриниб турибди.

Бугунги кунда дунёнинг йирик музейлари, кутубхоналарида Ўзбекистон тарихига оид бўлган турли қўлёзмалар сақланиб келинмоқда. Сўнгги йилларда хориждаги меросни ўрганиш, илмий тадқиқ этишга доир кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мавзуга оид фундаментал лойиҳалар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шулар қаторида биз ҳам юқорида тавсиф этган Абдулла Ҳотифийнинг форс тилида яратилган “Темурнома” асарини ўзбек тилида шеърий таржимасини яратилса, ҳамда дунёнинг турли давлатлари музейлари, кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ва темурийларга оид қўлёзмаларнинг турларига қараб (назм ва наср) мультимедиаларини яратиш, улардаги миниатюраларнинг библиографиясини тузиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зероки, халқимиз аждодлари қолдирган бой маънавий меросдан янада кенгроқ баҳра олишсин. Бу каби ишлар халқаро илмий ҳамкорликни ҳам ривожлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ХАТАМОВ Тохир Абдумуталович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
"Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA" кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИ

Аннотация: *Эта статья содержит информацию о научном просветительском наследии известного суфийского представителе Ходжа Ахмада Яссави.*

Ключевые слова: *Ходжа Ахмад Яссави, суфизм, тарикат, манокиб, Яссавия, Туркестан, «Дивани хикмат».*

Annotation: *This article contains information on the scientific educational heritage of a prominent Sufi representative Khoja Ahmad Yassawi.*

Key words: *Khoja Ahmad Yassawi, Sufism, road, Manokib, Yassavia, Turkestan, "Divani hikmat".*

Марказий Осиёда шаклланган бўлган даслабки ислом шариатига мувофиқ келувчи сўфийлик мактабининг энг машҳур асосчиларидан бўлган инсон Ҳожа Аҳмад Яссавий бўлиб, бу зот 1041 йилда Туркистон (Сайрам) да, Шайх Иброҳим ҳонадонида дунёга келди. Бу инсоннинг вафот этган вақти баъзи тарихий манбаларда ҳижрий 562 (1166/67 йил) деб ёзилган. Ҳожа Аҳмад Яссавий ёшлик даврида онасидан, сўнг отасидан ажралади. Бу зотни бобоси Арслонбоб тарбиясида камарбаста бўлди. Яссавий дастлабки таълимотни Яссида ўз даврининг зиёлиси бўлган Шаҳобиддин Исфижобийдан ўрганган. Арслонбоб кўрсатмаси билан Хожа Аҳмад Яссавий Бухорога боради ва 23 ёшида даврнинг энг пешқадам олими ва шайҳи Хожа Юсуф Ҳамадонийга мурид бўлиб тушади[771].

Устозларидан араб тили билан бир қаторда форс тилини ҳам чуқур ўрганади. Форсийда ёзилган тасаввуфий адабиёт билан танишади. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқийлар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Ҳамадоний мурилари қаторидан ўрин олади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг ўзи «Устоз Юсуф Ҳамадонийнинг ҳузурига борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига ноил бўлғонлигини» айтади. У

[771] "Маънавият юлдузлари" (Муаллифлар жамоаси.) Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, -Т.: 1999. 134 Б.

ерда тасаввуфдан таълим олиб, сўнг ўз юрти Туркистонга қайтади, ўз таълимотини тарғиб этиб, шогирд, муридлар тайёрлай бошлайди. Ривоятларга кўра, Яссавий 63 га (Пайғамбар ёшига) етгач, ер остида ҳужра ясатиб, «чилла»га кирган, қолган умрини тоат-ибодат қилиб, қимматли ҳикматлар ёзиб, риёзатлар чекиб, ер остида ўтказган. Бир ривоятга кўра, у 125 йил, бошқа ривоятга қараганда, 133 йил умр кўрган. Яссавий маданиятимиз тарихида илк туркийзабон мутасаввуф шоир сифатида маълумдир. Унинг тасаввуфни тарғиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг халққа якинлиги, оҳангдорлиги билан тезда машҳур бўлиб кетди. Алишер Навоий ибораси билан айтганда, «Туркистон мулкининг улуғ Шайх-ул-машойихи» Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган[772]. Маълумки, «Яссавия» тариқатидан кейин Марказий Осиёда йирик тариқат пайдо бўлади: «Накшбандия» (Хожагон).

Ушбу сўфийлик мактабининг барча ақидалари Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш «Ҳикмат»да муфассал баён этилган. XII асрдаги туркийзабон шеъриятнинг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган «Ҳикмат» асарида «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр-шафқат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Аллоҳ таоло висолига етишиш йўлида Инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. Бағдодда 922 йилнинг 22 март куни риёкор шайхлар ва мутаассиб уламолар томонидан худосизликда айбланиб дорга осилган, сўнгра қўл-оёқлари кесилиб, танаси куйдирилиб, дарёга ташланган машҳур мутасаввуф олим Мансур Халлож (858-922) ни Яссавий бир талай шеърларида чуқур ҳурмат билан тилга олади, мазкур илғор, довюрак ва жасур мутасаввуф донишмандга катта рағбат кўрсатади:

«Билмадилар муллолар «Анал ҳақ» нинг маъносин,
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб,
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб,
Шариатдур, деб олимлар буюрдилар,
Кофир Мансур ўлмади, деб куйдурдилар.

[772] Буюк аждодларимиз. (Муаллифлар жамоаси.) -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011.

Ахгар қилиб кулин кўкка совурдилар,
Тоғу тузлар «Анал-ҳақ», деб турар эрмиш».

Хожа Аҳмад Яссавий ҳам ўзининг пири бузруквори Шайх Юсуфи Ҳамадонийга ўхшаб мол-дунё тўплашга мутлақо қизиқмаганини, камбағалпарвар ва ғарибпарвар бўлиб яшаганлигини унинг баъзи бир ҳикматларидан ҳам билса бўлади. Мол-дунёга, бойликка ва давлат орттиришга муккасидан кетган, хасис ва очофат кишиларни Яссавий беаёв танқид қилади:

Бешак билинг бу дунё барча халқдан ўтаро,
Инонмағил молингга, бир кун қўлдан кеторо,
Ото, оно, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун санго еторо[773].

Дарҳақиқат, Хожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тариқат – «Яссавия»нинг асосчиси, нафақат Хуросон ва Мавароуннаҳр, балки туркийзабон халқларнинг маънавий тарихида кенг маълум бўлган, мутасаввуф донишманд, инсонпарвар шоир ҳисобланади.

Мир Алишер Навоий Яссавий тўғрисида «Мақомоти олий ва машҳур, каромоти матаволий ва номаҳсур эрмиш. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш», - дейди. Бу фикр Яссавийнинг Яссига қайтиб келиб, янги бир тариқатга асос солган муршид сифатида шуҳрат топган даврларига тегишлидир. Яссавий туркий халқларни исломга янада кенгроқ жалб қилиш ва тасаввуф ғояларини омма кўнглига чуқур сингдириш мақсадида шеъриятдан ҳам фойдаланган. Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича, Яссавийнинг «адабиётда тутган йўли содда халқ шоирларимизнинг тутғон йўлидир… Унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар».

Хожа Аҳмад Яссавий нуқтаи назарида ҳикмат — «илми ладуний», яъни илми ғайбу ҳақойиқ ва илоҳий сирларни кашф айлаш мазмунига ҳам эга. Яссавийнинг ўзи *«Девони ҳикмат»* номи билан бирон бир китоб ёзмаган. Ушбу нодир асар унинг мурид ва издошлари томонидан тартиб берилган. Лекин бу нарса ҳикмат мажмуасининг Яссавийга алоқаси йўқ,

[773] Ahmad Yassaviy. Devoni hikmat. – Toshkent: G`.G`ulom nomidagi Nashriyot-matbaa birlashmasi, 1992.

деган даъвони илгари суришга асос бермайди. Сўфи Оллоёр Яссавий ҳақида фикр билдириб, яна шундай деган:

Шариатда эди ул офтобе,
Қолибдур бизга ул эрдин китобе.

Туркий тилда битилган «Девони ҳикмат»да илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. «Девони ҳикмат»даги барча шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унга Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган. Бу эса, табиийки, ҳикматлар тили ва услубида маълум ўзгаришлар ҳосил қилган. Лекин Яссавийнинг ўнлаб издошларидан ҳеч бири устозлари бошлаган ғоявий, ахлоқий, маънавий-маърифий ва мафкуравий йўналишни ўзгартирмаган. Буни Яссавий ҳаёти, тариқати ва ижодиётидан баҳс юритилган ўнлаб қадимий манбалар, айниқса, Султон Аҳмад Ҳазинийнинг «Жавоҳир ул-аброр мин амвожил биҳор» асари ҳам тўла тасдиқлайди.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг фақат ижодиёти эмас, қанча умр кўриб, қачон вафот этганлиги ҳам баҳсли. У ҳикматларидан бирида «Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим», дейдики, бу сўзлар тарихий ҳақиқатдан кўра, маноқибий мазмунга эга. Бундан ташқари, 125 йиллик узоқ бир умрнинг ярмидан кўпини «ер ости»да («Олтмиш учда ер остига кирдим мано», дейди Яссавий) ўтказиш ақл бовар этмас ҳодисадир. Лекин кўпчилик тадқиқотчилар унинг вафот тарихини 1166-67 йил деб қайд этишган[774].

Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодиётини илмий жиҳатдан тадқиқ этишга узоқ вақт мобайнида имкон берилмади. Асарларини нашр қилишга йўл қўйилмади. Ўтган асрнинг 70-йилларида Яссавийнинг миллий маданият, тил ва адабиёт тарихидаги хизматларини тўғри баҳолаш йўлидаги уринишлар эса қораланди. Мустақиллик арафасида, хусусан, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин яссавийшуносликда янги давр бошланди. Дастлаб турли газета ва журналларда «Девони ҳикмат»дан намуналар эълон қилинган бўлса, 1990—92 йилларда унинг 2 мустақил нашри китобхонлар қўлига етказилди. Ушбу нашрлар нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа туркий давлатларда ҳам бу буюк

[774] “Маънавият юлдузлари” (Муаллифлар жамоаси.) -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.- Б. 135.

мутасаввифнинг ҳаёти, адабий-маърифий фаолияти, издошлари хизматига қизиқишни кучайтирди. 1993 йил Ўзбекистонда Яссавийга бағишлаб илмий анжуманлар ўтказилиб, маърузалар матни алоҳида мажмуа шаклида чоп этилди. Матбуотда Яссавийнинг шахсияти, тариқати, шеъриятидан баҳс юритилган мақолалар босилиб чиқди. Ўзбекистондаги бир қанча кўча ва маҳалла Яссавий номи билан аталади. Султон ул-орифин камолотининг юксакларга кўтарилишига гувоҳ бўлган ва жасади дафн этилган кўҳна Ясси шаҳрида эса Яссавий номидаги университет мавжуд.

Сўфийлик таълимотига кўра, инсон қарама-қарши икки асос – модда ва руҳдан иборат. Шунинг учун инсонда ана шу икки асоснинг хусусиятлари мавжуд. Агар моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун келса, илоҳийлик ривожланади. Руҳ жисм қулига айланмаслиги керак, аксинча, жисм руҳ учун бир асбоб-улов, восита бўлиб хизмат қилсин.

Тасаввуфнинг назарий асослари IX аср бошларига келиб ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, руҳий – психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди, тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуаси тузилди — тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Сўфийлар дастлабки пайтларда тасаввуфни нуқул сир-у асрор, тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар “иборага келмайдиган ишоратлар” деб ҳисоблаган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилина бошланди, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари, одобини яратиш зарурати туғилди. Натижада тариқат ва шариат орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг одам ва олам моҳияти алоқа-муомаласи, тавҳид – ваҳдат масалалари мунозарага сабаб бўлди.

Қуръони карим ва ҳадиси шариф аҳкомларига мос равишда пайдо бўлган тасаввуф таълимотлари X-XI асрларга келиб Марказий Осиёда ҳам кенг тарқала бошлади. Аҳмад Яссавий XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчисидир. Хожа Аҳмад Яссавийнинг тасаввуф таълимоти тарихида тутган ўрни ғоятда катта, таъсир доираси жуда кенг эди. Яссавий тариқати ўз давридаёқ деярли Марказий Осиёга ёйила бошлаган. Мовароуннаҳрдан буюк Туркистон, Оқ Эдил, Кавказгача, Хуросон, Эрон, Румгача, Бадахшон ва Шарқий

Туркистонгача кенгайиб борган эди. Асрлар давомида Яссавий тариқати муайян тарзда яшаб келди[775].

Хожа Аҳмад Яссавий ислом динининг етук алломаси, шариат аҳкомларининг тарғиботчисидир. Зеро, у ўз ҳикматлари воситасида туркий миллатларни мусулмонликка даъват қилишни кўзда тутган. Иккинчидан, Аҳмад Яссавий яссавийлик номи билан туркий халқлар орасида илк маротаба янги тариқатга асос солган машҳур шайх ҳисобланади. Яна ишонч билан айтиш мумкинки, Аҳмад Яссавий ўзбек тасаввуф шеъриятини бошлаб берган мутасаввуф шоирдир. Яссавий ҳикматлари халқчил, содда, равон ва ёд олиниши қулайлиги билан ажралиб туради.

Муқаддас Исломнинг илк даврларида тариқат, маърифат ва ҳақиқат лафзлари истеъмолда бўлмаган, балки уларнинг маънолари бўлган. Булар кейинчалик мутасаввиф уламолари томонидан ижтиҳод қилинган атамалар.

Хулоса қилиб айтганда, шариат Аллоҳ таоло буюрган амаллар (намоз, рўза, закот, ҳаж ва ҳоказо) ва қонун қоидаларни ўргатса, тариқат уларни амалга ошириш кайфиятини ўргатади.

Юқоридаги атамаларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари ҳақида тасаввуфий асарларда кўп фикр-у мулоҳазалар билдирилган. Уларда шариат асос ва бирламчи экани, тариқат, маърифат ва ҳақиқатларнинг бир-бирига боғлиқ бўлгани қайд этилган. Шариат йўлида мукаммал бўлмаган кишига тариқат, маърифат ва ҳақиқат мартабалари насиб этмайди…Бежиз эмаски, орифлар: “Шариат бир дарахтдур, тариқат-унинг шохлари, маърифат-япроқлари, ҳақиқат-мевалари. Дарахт бўлмаса навда ҳам, япроқ ҳам, мева ҳам бўлмайди“, дея таълим берганлар”.

Орифлар султони Аҳмад Яссавий (р.а.): “Шариат зоҳирда аъзолар билан амал қилиш, тариқат қалб билан амал қилиш, ҳақиқат эса сир (қалбдаги жавҳар, кўнгил) билан амал қилишдир”, деганлар.

Тасаввуфий илмий китоблар ва дастурларда тариқат атамалари, мақомот манзилларини тушунтиришга кўп эътибор берилади. “Тариқат” арабча сўз бўлиб “йўл” деган маънони билдиради. Яъни, илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввуфнинг амалий қисми деб таърифлайдилар. Чунки пир-муридлик қоидалари, одобига риоя этиш, солик бажариши керак

[775] 100 Марказий Осиё мутафаккирлари. (Муаллифлар жамоаси.) -Т.: «Yangi nashr», 2011. –Б. 43.

бўлган барча йўл-йўриқлар, иродат ва ишорат усуллари шу тариқат ичига киради. Тариқат ва унинг мақомотлари маълумотларга қараганда, биринчи марта Зуннун Мисрий томонидан баён этилган экан.

“Маърифат” сўзи арабча “арафа” - сўзидан олинган бўлиб, луғатда “билиш”, “таниш” каби маъноларни англатади. Тасаввуф таълимотида эса, “маърифат” тушунчаси, асосан икки қисмга бўлинади. Улар айни пайтда бирлашиб, “маърифат”тушунчасини ҳосил қилади:

1.“Маърифатун-нафс”

2.“Маърифатуллоҳ” Қачонки, “Маърифатун-нафс” ҳосил бўлса, “маърифатуллоҳ” ҳосил бўлади. “Маърифатуллоҳ”ни англаган зотлар эса Аллоҳни таниган ҳисобланадилар.

Тасаввуфда тафаккурнинг энг муҳташам, энг завқли ва энг ҳосилдор майдони – илм ва маърифат. Аҳмад Яссавий таъкидлаганидек:

Маърифатни минбарига минмагунча,
Шариатни ишларини билса бўлмас[776].

Маърифатни минбарини эгаллаш осон иш эмас. Акс ҳолда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, “Тавҳид сирига етса бўлур. Аммо маърифат сирига етиш душвордир”, – демаган бўлурди. Ҳақиқатда ҳам тавҳид маърифатнинг юқори, аммо битта “тармоғи”дир. Маърифат Ҳақни ҳаққи билан танишга ғайрат қилишдир.

Кичик Осиёлик машҳур Хожа Бектоши Валийнинг образли ифодаси бўйича, “Маърифат шундай бир дарахтдурки, унинг боши – тавҳид, танаси – иймон, япроқлари – ислом, туби – яқинлик, илдизи – таваккул, бутоқлари – наҳйи мункар, суви – хавф ва ражо, меваси – илм, тупроғи – комил инсоннинг кўнглидир. Боши аршдан ҳам баланд бу Дарахтнинг беш навдасидан бири – шавқ, иккинчиси – муҳаббат, учинчиси – иноят, тўртинчиси – иродат, бешинчиси эса – қурбиятдир”[777]. Демак, маърифат соҳиби бўлиш ана шунча ҳақиқат ва фазилатларнинг соҳиби бўлиш, маърифат сирига етиш учун ана шунча ҳақиқат ва хусусиятларнинг асроридан огоҳ бўлиш лозим. Маърифат инсон онги ёки кўнглига ташқаридан олиб кириладиган, яъни зоҳирий бир неъмат ёки қудрат эмас, балки инсоннинг илоҳий мавжудлигидан юзага келадиган фикрий ва руҳий қудратдир. Маърифат – энг аввало, қалб мужоҳадаси ва ўзни англаш дегани. Маърифат Аллоҳнинг бандасига қилган эҳсони. Фақрлик

---

[776] Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Янги топилган намуналар. – Т.: Мовароуннаҳр. 2004. – Б.148.

[777] Хожа Бектоши Валий. Мақолот. – Тошкент, 2000. – Б. 7-22.

ила ботинни поклаш, жон-у кўнгил билан Ҳаққа ошиқ бўлиш. Ҳақни таниган бир ориф ҳолига келиш. Тасаввуф таълимоти, маълум бир маънода, нубувват таълимоти ва маърифатга содиқликдир.

Хожа Аҳмад Яссавий (р.а.): "Ҳақиқат кўнгил (сир) билан амал қилишдир", дедилар. Демак, ҳақиқатга очилган биринчи ва асосий эшик шариатдир. Унинг аҳкомларини мукаммал бажаришга ҳаракат қилиш лозим. Тариқат-ҳақиқат йўлининг иккинчи эшигидир. Ҳақиқат ҳудудсиз бир дарёдир. Бу дарёда шариат кемаси билан сайр этилади. Фақат ҳақиқат мақомига етишиш учун кемадан чиқиб денгизга ғарқ бўлиш керак... Шариат ҳақиқатнинг зоҳири бўлса, ҳақиқат шариатнинг ботинидир. Ҳақиқат бир сирдир. Бу мақомга ҳақиқий ошиқ қуллар эришади. Бу мақомда иккилик йўқ. Унда қаҳр ҳам, лутф ҳам баробар. Бу мақом бир шаҳардир. Унинг султони Ҳақдир. Бу мақомга етти нафс мартабаларидан ошган, қалбини салим ҳолатига келтирган, ҳаётини тақво асосига қурган, сирини ошкор этмаган, "каррамно" тожини кийган инсонларгина ноил бўлади. Ҳақиқатнинг самараси жаннат ва жамолуллоҳдир. Ушбу тўртта босқич "Мақолот" асарида Қуръон карим ва ҳадиси шарифлар билан батафсил баён қилиб берилган[778].

Шунингдек, Ҳиндистонлик машҳур олим, иккинчи минг йилликнинг мужаддиди Имом Раббоний ҳазратлари бу уч қисм ҳақида, "Билгин, шариат уч қисмдан иборат – илм, амал ва ихлос. Ҳар қачон бу уч қисмдан бири ўз ўрнига келтирилмаса, шариат мукаммал бўлмайди. Сўфийларнинг йўли бўлган тариқат, маърифат ва ҳақиқат шариатнинг учинчи қисми бўлган ихлоснинг мукаммал ҳолатда юзага чиқишига ёрдамчи бўлади", деганлар.

Аллоҳ таоло барчамизга бу улуғ мартабаларга етишиш неъматини муяссар айласин!

[778] Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 23.

Ahmad Yassaviy maqbarasi (XII – XIV asrlar)

Qozog‘istonning Turkiston shahrida joylashgan Xoja Ahmad Yassaviy me’moriy majmuasidir. Bu yodgorlik sohibqiron Amir Temur buyrug‘iga asosan 1385–1405 yillarda qurilgan. Balandligi qariyb 40 metr, jami 30 ta xona va zallardan iborat.

Yassaviy maqbarasi yon tarafdan ko‘rinishi

“МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ: ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН”

“Бухоро – ислом маданияти пойтахти”
номли форуми доирасида ўтказилган халқаро онлайн
конференция материаллари

28-29 май 2020 йил

I

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2020

Нашр учун масъул**: И.Ашурматов**
Муҳаррир: **Н.Муҳамедов**
Бадиий муҳаррир: **Ф.Собиров**
Дизайнер саҳифаловчи: **Л.Абдуллаев**

Нашриёт литсензия рақами AA № 0011. 06.05.2019 йил.
Босмахонага 09.10.2020 йилда берилди.
Бичими 60×84 $^{1}/_{16}$ Шартли б.т. 26,0 Нашр т. 27,1
Адади 3 нусха. Буюртма № 49.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.